


ЗАКОНАТ
д у р д о н а л а р и



АФЛОТУН

ҚОНУНЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Ушбу асарда буюк файласуф Афлотун (Платон) давлат ва жамият тузилиши, қонунлар, қонунларга бўлган асосий талаблар, уларни аҳолига тушунтириш ва ниҳоят жорий этиш ҳақида мулоҳазалар юритади. Китобда умуминсоний қадриятлар, адолат, мардлик, номус, ватанпарварлик, ота-она ҳурмати, эзгу ишларни амалга ошириш каби масалалар ёритилган.

Таржимон

УРФОН ОТАЖОН

Масъул муҳаррир ва кириш сўз муаллифи

ЎТКИР ҲОШИМОВ,

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси

Тузатилган қайта нашр.

ISBN 978-9943-08-264-9

© Афлотун. «Қонунлар». «Янги аср авлоди», 2008

СЎЗ БОШИ

Демократия дегани нима, тоталитаризмчи? Қонун қандай яратилади ва унинг ижросини амалга оширадиганлар қандай бўлиши керак? Қандай қилинса, одамлар қонун ҳимояси остида эркин ва ҳалол турмуш кечиришлари мумкин?

Бундай саволлар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бундан 25 аср, яъни роса икки ярим минг йил аввал яшаган машҳур файласуф олим Афлотун ҳам айнан шу саволларни ўз олдига қўйган ва “Қонунлар” китобида уларга жавоб беришга ҳаракат қилган. Албатта, 25 аср наридаги дунёқараш билан ХХІ асрдаги дунёқараш ўртасида катта тафовут бор ва Афлотуннинг кўп мулоҳазалари бугун эскирганлиги табиий. Лекин яхлит олганда унинг асарида шундай теран мулоҳазалар борки, улар бугун эмас, эртага ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Негаки, инсоният бир томондан адолатли қонунларга бўйсуниши ва иккинчи томондан айнан ўша адолатли қонунлар уни ўз ҳимоясига олмоғи лозим. Бу дунёда мутлақ адолат бўлиши осон эмас ва амалда бунинг иложи ҳам йўқ. Афлотуннинг китобида эса одамзот қандай қилса адолатли қонун ҳимоясида яшайди, деган асрий саволларга берилган шундай жавоблар борки, улар бугунги кун қонунчилигига ҳам бемалол хизмат қилиши мумкин.

Афлотун бир ўринда шундай дейди. “Қаердаки қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлатга худолар неъматлар ёғдиради”. Тағин бир ўринда олим, агар давлат қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди; аксинча давлат учун жуда катта зарар келтиради, деб таъкидлайди. Бу мулоҳазалар яқин бир аср давомида оддий фуқарони қонун номи билан нуқул кўрқитиб келган мустабид шўро тузумининг айнан ўзига берилган баҳодек жаранглайди. Қолаверса бугун Истиқлолга эришган Ватанимизда ҳам қонунни ўзича талқин қиладиган ва оддий одамларнинг ҳуқуқларини поймол қилаётган адолатсиз ҳуқуқшунослар йўқ, деб афсуски кафолат бериш қийин.

Ушбу китобда қонунларнинг асосий тамойиллари қандай бўлиши лозимлигидан тортиб бола тарбиясигача, низоларни қандай ҳал этишдан тортиб никоҳ ва оила масаласигача, мусиқавий тарбиядан тортиб, турли аниқ фанларни қай йўсинда ўрганишгача – батафсил баён этилган. Такрор айтаман, бу ки-

тоб тўлалигича бугунги кун талабларини ифода этмайди, ифода этиши мумкин ҳам эмас. Бироқ ундаги бош йўналиш – қонунларнинг адолатли бўлиши, қонун ҳимоячилари – ҳуқуқшунослар зиммасидаги виждонли бўлишни тақозо этадиган оғир юмушлар бениҳоя қизиқарли ва содда мисоллар билан тасвирланган.

Китобни ўқиб туриб, беихтиёр бир муаммони ўйлаб қолдим. Авваллари баъзи одамларда китобга ҳавас ниҳоятда кучли эди. Метродами, трамвай бекатидами, ҳатто боғда сайр қилиб юрган ошиқ-маъшуклар қўлидами, албатта китоб кўрардингиз. Ҳозир атрофимиздагиларнинг айримлари китоб ўқишдан кўра дискотекага кириб осмонга ирғишлашни, бирон санъаткор биродаримизнинг концертига ўн минг сўмга патта олиб, кириб икки соат ер тепиниб қийқиришни афзал кўрадилар. Албатта, дискотека ҳам, ўзи севган санъаткорнинг концертини томоша қилиш ҳам керак. Ҳаммасининг ўз маънавияти бор. Бироқ, 10 минг эмас 2 минг сўмга олинган китоб одамга икки соат эмас, икки йил эмас 20-30 йил хизмат қилади-ку! Бир ўзи эмас, бола-чақаси, неvara-чеваралари ҳам ўқийди-ку ўша китобни (табиийки, мен том маънодаги яхши китобни назарда тутаяпман)! Шу андишадан келиб чиқиб Афлотуннинг китобини ўқийдиган рисоладаги китобхонлар қанча бўларкин, деган савол мени қийнаб турибди. Бундай китобларни ўқиш томоша кўриш ёки нари борса, кроссворд ечиш эмас. Бундай асарни ўқиш учун Худо берган неъмат – ақлни бир оз бўлса ҳам ишлатишга тўғри келади. Бир қарашда роят оддий услубда ёзилган асарнинг маъно-моҳияти ҳам, баён услуби ҳам анчайин мураккаб. Бундай жиддий юмушни адо этишга жазм қилган таржимон Урфон Отажонга ҳам, фикрни чархловчи жиддий китоб ўқиш деса оғринадиганлар кўпайиб кетган, мабодо ўқиса ҳам нари борса олди-қочди асарни варақлаб кўядиганлар пайдо бўлганда бундай фойдали асарни чоп этишга журъат қилаётган нашриётга ҳам чин дилдан миннатдорчилик билдираман ва одамларимиз орасида ҳамон ҳақиқий маънавиятни қадрлайдиганлар бор, улар буюк Афлотун асарини мамнуният билан мутолаа қиладилар, деб ишонгим келади.

*Ўтқир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси*

АФИНАЛИК, КЛИНИЙ, МЕГИЛЛ

БИРИНЧИ КИТОБ

624

Афиналик. Сиз, ўзга юртликлар айтинг, Тангрими ёки инсонлардан қайси бир зот қонунчилигингизга сабабкор бўлган?

Клиний. Тангри, эй ўзга юртлик, тўғриси айтсак, Тангридир. Бизда у Зевс, Мегиллнинг юрти бўлмиш лакедемонияликлар эса менимча, Аполлонни айтган бўлардилар. Шундай эмасми?

Мегилл. Шундай.

Афиналик. Наҳотки сен, Ҳомер айтганидек, Минос ҳар тўққиз йилда ўз отаси билан суҳбатлашгани бориб, унинг кароматларига биноан сизларнинг давлатларингиз учун қонунлар белгилаган деб тасдиқлайсан?

b

Клиний. Биз томонларда дарҳақиқат шундай ривоят қиладилар. Яна айтадиларки, Миноснинг биродари Радамант – сизга албатта бу ном таниш бўлса керак, – олий даражада адолатли бўлган. Биз критликлар айтишимиз мумкинки, у ўша пайтдаги адолатли ҳукмлари билан бундай мақтовларга албатта муносибдир.

625

Афиналик. Зевснинг ўғлига яраширлик ажиб шон-шуҳрат. Сен ва Мегилл иккалангиз ҳам қонунларга суялган ҳуқуқларда тарбия топганларингиз учун, биз ҳозирги давлат тузилиши ва қонунлар ҳақида суҳбатлашиб, манзилгача бўлган йўлни дилхушлик ила босиб ўтамиз, деб умид қиламан. Ҳар ҳолда Кносдан то Зевс ёри ва ибодатхонасигача йўл, эшитишимизга қараганда, анча узоқ ва бу йўлда албатта улкан дарахтлар остидаги соя-салқин жойлар учрайди, у ерларда ушбу жазирамада хордиқ чиқариш мумкин. Бизнинг ёшимизда шундай оромгоҳларда тез-тез дам олиб, суҳбат ила бир-биримизнинг кўнглимизни кўтариб манзилга етиб олган маъқул.

b

К л и н и й . Биз озроқ йўл юргач, эй ўзга юртлик, йўли-
миздаги дарахтзорларда ажойиб сарбаланд ва гўзал сар-
влар, ҳамда ўтлоқлар учрайди, у ерларда биз ором олиб,
анжуман тузишимиз мумкин бўлади.

А ф и н а л и к . Сен ҳақиқатни айтмоқдасан.

К л и н и й . Шундай, аммо биз у ерларни кўрганда бунга
янада кучлироқ ишонч ҳосил қиламиз. Энди йўлга тушай-
лик, вақт хуш бўлсин!

А ф и н а л и к . Ҳа, шундай бўлсин! Бир-

Дастлабки галикда овқатланиш, гимнасияларни қонун
муаммолар. сизларда қандай мақсадда белгилаб қўйган,
Қонунишуносликнинг сизнинг қуролиниш усуларингиз қандай?
асосий тамойиллари

К л и н и й . Эй ўзга юртлик дўстим, биз-
нинг қоидаларимизни ҳамма осонгина

фаҳмлаб олади. Сиз Крит ерининг бутун табиатини кўриб
турибсиз: бу ер Фессалияга ўхшаш водий эмас. Шул сабаб-
дан фессалияликлар кўпроқ отлардан фойдаланадилар, биз
эса пиёда югуришни афзал биламиз. Еримизнинг нотекис-
лиги пиёда югуриб машқ қилишга мос келади; шунга кўра
қуроллар ҳам зарурат тақозоси бўйича югураётганда оғир-
лик қилмаслиги учун енгил бўлмоғи керак: енгиллиги туфай-
ли ўқ-ёй тўғри келадигандай туюлади. Буларнинг ҳаммаси
бизда урушга мослаштирилган ва менимча, соҳиби қонун

е (қонун чиқарувчи) худди ана шу урушни назарда тутиб бу-
ларни белгилаб қўйгандир; яна менимча, ҳарбий сафар,
юришларда ҳар бир қатнашчининг хавфсизлигини таъмин-
лаш учун умумий дастурхон атрофида бирга овқатланишни
– сисситияларни жорий этган. Ўйлашимча, у (соҳиби қонун)
одамларда умрлари давомида барча давлатлар билан уз-
луксиз урушлар бўлиб туришини тушунмовчи кўпчилик ки-
шиларнинг фаҳмсизликларини сезгандир. Модомики, уруш
пайтида хавфсизликни таъминлаш учун умумий дастурхон
ва қандайдир бошлиқлар ва уларга бўйсунган, уюшган
одамларнинг соқчилик қилишлари зарур бўлар экан, тинч-
лик, осойишталик пайтларида ҳам худди шундай йўл тут-
моқ зарур. Чунки, кўпчилик одам тинчлик деб атайдиган
626 нарса, бир ном холос, аслида эса, табиатан барча мамла-
катлар орасида ўзаро доимий муросасиз уруш мавжуддир.
Шу нуқтаи назардан қарасанг, Крит соҳиби қонуни бизнинг
барча жамоатга оид ва хусусий муассасаларимизни уруш-

га мослаб тартиб берганлигига амин бўласан; у қонунларни худди шунга мос равишда муҳофаза қилишни талаб қилади, яъни агар урушда галаба қозонилмаса, ҳеч қандай бойлик, ҳеч қандай машғулот, умуман ҳеч нарса ҳеч кимга наф келтирмайди: чунки мағлубларнинг бутун неъматлари голибники бўлиб қолади.

Афиналик. Сен ажнабий, менимча, крит қонунларини тушуниш учун аъло даражада тайёрланганга ўхшайсан. Аммо менга яна ушбуни ҳам тушунтир: сен фаровон давлатга берган таърифдан мен фаҳм этишимча, маълум бўладики, у давлатга шундай тартиб бериш зарурки, бошқа давлатларни урушда у енгмоғи даркор. Шундайми?

Клиний. Албатта. Ўйлайманки, Мегилл ҳам шундай фикрда.

Мегилл. Ҳар қандай лакедемониялик бошқача жавоб бериши мумкинми?

Афиналик. Аммо, давлатлар аро муносабатлар учун тўғри бўлган ушбу ҳолат, кентлар (турар жойлар) ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз борганида бошқача бўлмасмикин?

Клиний. Асло.

Афиналик. Демак у, иккала ҳолда ҳам тўғри, шундайми?

Клиний. Ҳа.

Афиналик. Ростдан-а? Бу ҳолат бир қишлоқдаги икки уй, икки одам муносабатларига нисбатан ҳам бир хилдами?

Клиний. Бир хилда.

Афиналик. Ҳар бир одам ўзи ўзига душман, деб ўйлаши керакми ё бундай ўйламаслиги керакми? Бунга нима деса бўлади?

Клиний. Афиналик мусофир, мен сени «аттикий» деб атамоқчи эмасман, чунки сен тўғрироғи, маъбуда номни билан аталишга лойиқсан, – сен сужбатни ибтидосига қайтариб тўғри қилдинг ва уни равшанлаштирддинг. Бизнинг ҳозир тасдиқ этганимиз ҳолинг, яъни ҳамма ижтимоий ҳаётда ҳам, хусусий ҳаётда ҳам ва ўз-ўзи билан ҳам уруш ҳолатида эканлиги тўғрилигини англаб етишинг осон бўлади.

Афиналик. Сен қизиқ одам экансан, нима демоқчисан ўзи?

Клиний. Мусофир дўстим, ўз-ўзи устидан қозонилган ғалаба дастлабки ва энг аъло ғалабадир. Ўзидан ўзи мағлуб бўлиш эса ҳамма нарсадан уятли ва тубандир. Шунинг ўзи, ҳар биримизда ўз-ўзи билан уруш рўй бераётганини кўрсатади.

Афиналик. Келинг, суҳбатимиз оқимини яна ўзгартирайлик. Ҳар биримиз ўзимиздан кучли ёхуд кучсиз бўлсак, шу фикрни уйлар, қишлоқлар, давлатларга нисбатан ҳам айтса бўладими?

627 Клиний. Улардан бирлари ўзидан ўзи кучлироқ, бошқалари кучсизроқ, демоқчимисан?

Афиналик. Ҳа.

Клиний. Сен масалани тўғри қўйдинг, чунки бунини давлатларга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Кўпчилик ёмонларни яхшилар мағлуб этган давлат ҳақида у ўзи ўзининг устидан голиб келди ва бу ғалаба учун мақтовларга сазоворлиги олий даражадаги адолатдандир деса бўлади; акс ҳолда тескариси бўлади.

б Афиналик. Аммо, тубанлик яхшиликдан кучлироқ бўла оладими деган масалани бир четга қўйиб турамиз (чунки бу узундан-узоқ мулоҳазалар талаб қилади). Энди мен сенинг сўзларингни тушунаман: агар, муайян бир давлатдан келиб чиққан адолатсиз фуқаролар бир-бирлари билан унча кўпчилик бўлмаган адолатли фуқароларга зулм ўтказиш мақсадида кўпчилик бўлиб, қардошлардек бирлашсалар ва улар устидан ғалаба қозонсалар, у ҳолда бундай давлат ўз-ўзидан пасткаш ва шу билан бирга у қабихдир ҳам. Аксинча, қаерда адолатсизлик мағлуб бўлса, у ерда давлат кучлироқ ва яхшироқдир.

с Клиний. Мусофир, сен айтган сўзлар, бағоят ғайриоддийдир. Шундай бўлсада уни албатта қабул қилмоқ даркордир.

Афиналик. Албатта. Ушбуларни ҳам фикрлашиб олайлик: бир ота ва онадан кўп биродарлар, ўғиллар туғилиши мумкин; аммо, агар улардан кўпчилиги адолатсиз ва озгинаси адолатли бўлса ажабланмаса ҳам бўлади.

Клиний. Ҳа, шундай.

Афиналик. Бадхулқ одамлар устун келадиган ҳар қайси уй ва ҳар қандай оила ўзи ўзидан енгилган, агар акси

бўлса голиб бўлган деб ҳисобланишига ёпишиб олишимиз менга ҳам сизга ҳам ноўриндир. Биз кўпчилик тушунчаси бўйича мулоҳаза юритиб сўзнинг хуш ёхуд нохушлиги учунгина эмас, балки қонунларда табиатан нималар тўғрию, нималар хатолиги ҳақида мулоҳаза қилмоқдамиз.

К л и н и й . Сен ўзга юртлиқ айни ҳақиқатни айтдинг.

М е г и л л . Ажойиб. Мен ҳам бу айтилган сўзларга қўшиламан.

А ф и н а л и к . Энди ушбу ҳолни ҳам кўриб чиқсак: биз эслаб ўтган ака-укалар устидан бирор ҳакам бўлиши мумкинми?

К л и н и й . Албатта, мумкин.

А ф и н а л и к . Қандай ҳакам (судя) яхшироқ бўлади: яхшилар устидан яхшилар ҳукмрон бўлишлари учун ёмонларни қатлаюм этувчисими ёки ёмонроқларга яшашга имкон бериб ва ихтиёрий бўйсундириб муносиб яхшиларни ҳукмронлик қилишга мажбур этганими? Яна бир учинчисини, жанжал билан азоб чекаётган шундай оилани олиб, ҳеч кимни ҳалок этмай, аммо келажақда уларнинг ўзаро муносабатларини таъминлаб, уларни яраштирган ва улар дўстлашишларини назорат қилиб турувчи, уддабуронлиқда мусобақалашаётган ҳакамни тасаввур қилайлик.

628

К л и н и й . Бундай ҳакам ва соҳиби қонун беқиёс афзал бўлур эди.

А ф и н а л и к . Яна у, уларга қонунлар берганида урушни эмас, унинг аксини назарда тутса.

К л и н и й . Дарҳақиқат.

А ф и н а л и к . Давлатнинг бунёдкори-чи? У ўзаро низолар деб аталувчи ички урушлардан кўра ташқи урушга кўпроқ эътибор бериб ҳаёт тарзини белгилайдими, йўқми? Гарчи ҳар қандай одам ҳам ўз давлатида ўзаро низолар бўлмаслигини хоҳласа ҳам ва агар рўй бериб қолса улар тезроқ тўхтатилишини истаса ҳам, ожиргиси вақт-вақти билан давлатларда рўй бериб туради.

К л и н и й . Давлатга тартиб берувчи албатта худди шу ўзаро низони назарда тутса керак.

А ф и н а л и к . Ҳар ким нимани афзал кўради: тинчликка эришиш бировларнинг ҳалокати ва бошқаларининг га-

лабаси эвазига бўлишиними ёхуд дўстлик ва тинчлик ярашув натижаси сифатида пайдо бўлиб, барча эътибор ташқи душманларга қаратилишиними?

c Клиний. Ҳамма ўз давлатида ўша охиргиси рўй беришини хоҳлайди.

Афиналик. Соҳиби қонунга ҳам шу мақбул бўлар?

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Ҳар ким ҳам қонунларни олий мақсадлар учун жорий этади, тўғрими?

Клиний. Шубҳасиз.

d Афиналик. Энг яхшиси – уруш ҳам эмас, ўзаро низо ҳам эмаслиги аниқ: агар уларга эҳтиёж пайдо бўлса мудҳиш иш бўлади, тинчлик эса бу умум дўстликдир. Давлатнинг ўзи устидан ўзи ғалаба қилиши албатта энг яхшиликка эмас, энг зарурийлик борасига тааллуқлидир. Бу ҳолат, худди биров ўз баданининг энг яхши аҳволи бу бадан азият чекиб, шифокорнинг давосига, покланишга муҳтожлик деб ўйлаши ва бунга эҳтиёжи бўлмаган баданга эътибор берилмайдиган ҳолатнинг ўзидир. Худди шунга ўхшаш, бутун давлат ва хусусий шахслар фаровонлигини назарда тутиб, аввало ва фақатгина ташқи урушларга эътибор берувчи одам ҳақиқий давлат одами бўла олмайди. У яхши соҳиби қонун ҳам бўлолмайди, у, уруш ҳаракатлари мақсадида тинчликка тааллуқли қонунларни эмас, тинчлик мақсадидаги урушга тааллуқли қонунларни ўрнатади холос.

e Клиний. Эй ажнабий, бу мулоҳаза тўғрига ўхшайди. Аммо, бизнинг мукамал қонунчилигимиз ҳам, Лакедемония қонунчилиги ҳам бу мақсадда ўрнатилмаганига таажжубланаман.

629 Афиналик. Шундай бўлиши мумкин. Аммо ҳозир бу ҳақда ўта қаттиқ баҳслашиш вақти эмас. Биз вазминлик билан уларга саволлар бермоғимиз даркор, чунки биз ҳам, улар ҳам бунга буюк бир жиддийлик ила ёндошамиз. Илтимос қиламан, менинг мулоҳазаларимни диққат билан эшитинглар. Аввало, ўзи афиналик, аммо (лакедемония) фуқаролигини қабул қилган Тиртейни олиб кўрайлик. Чунки у урушга ҳаммадан ҳам кучлироқ муносабатдадир, у айтадики: агар одамлар орасида энг бадавлат бўлса ҳам, жуда кўп неъматлар соҳиби бўлса ҳам – бу ерда у барча

неъматларни санаб ўтади, – агар у зот ҳарбий ишда ҳам-
ма вақт ўзини кўрсатмаса «Унга ҳеч эътибор бермасдим,
унинг ҳақида эсламасдим ҳам». Бу шеърларни сен Кли-
ний албатта эшитгансан, Мегилл бўлса, ўйлайманки бун-
га росаям тўйгандир.

Мегилл. Албатта.

Клиний. Ҳа, бизга ҳам бу шеърлар лакедемониядан
ўтган.

Афиналик. Келинг, энди ушбу шоир Тиртейга тахми-
нан бундай савол бериб кўрайлик: «Шоирлар орасида энг
илоҳий шоир Тиртей! Урушда ўзларини кўрсатганларни аъло
даражада шарафлаганинг учун бизга донишманд ва мар-
ҳаматли туюласан. Биз – мен, Мегилл ва Киослик ушбу Кли-
ний бу борада сенинг фикрларингга қўшилаётганга ўхшай-
миз. Аммо биз сен назарда тутган одамлар ҳақида гап юрит-
моқдамизми ёки бошқалар ҳақидами билмоқчи эдик. Шун-
дай қилиб бизларга айт: сен ҳам биз каби икки хил урушни
аниқ-равшан фарқ қилишинг тўғрими? Ёки сен бошқача
фикрдамисан?» Мен ўйлайманки, бунга Тиртейдан анча
паст турадиган одам ҳам ҳақиқатни айтади, яъни икки хил
уруш бор дейди: биринчи хил, энг оғири, биз донмо ўзаро
низо деб атайдиганимиздир; иккинчи хили эса, бизни бе-
зовта қилган вақтларида ташқи душман қабилалар билан
бўладиган урушдир; урушнинг бу хили биринчисидан ан-
чагина беозорқдир?

Клиний. Шубҳасиз.

Афиналик. «Бировларни шунча мақтовлар ила осмон-
ларга кўтариб ва бошқа бировларни қабиҳликда айблаб,
қандай одамлар ва қандай уруш хилини назарда тутган-
сан. Сен ташқи уруш ҳақида ўйлаганга ўхшайсан. Ҳар ҳолда
сен ўз шеърларингга, «қонли ишларга тик қарашга ва душ-
ман билан қўл жангига интилмайдиган», жасорат қилмай-
диган одамларни хуш кўрмайман, деган эдинг. Шундай
бўлганидан кейин, Тиртей сени ҳам ажнабийлар билан та-
шқи урушда ўзларини кўрсатганларни кўкларга кўтара-
сан, деб айтганимизда биз ҳақ эмасмидик?» Менимча у,
фикримизга қўшилади ва буни тан олади.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Бундай одамлар ажойиб одамлардир.
Аммо, биз қўшимча қилиб айтамикки, иккинчисида, энг

буюк урушда ўзларини кўрсатганлар анчагина яхшироқ одамлардир. Биз бунга Сицилия Мегарининг фуқароси шоир Феогнидни шоҳидликка келтиришимиз мумкин, у бундай дейди:

*Оҳ Кирн, олтиндан қимматли, кумушдан бениҳоя афзал,
Ўзаро низода содиқ қолган зот.*

б Биз қатъий айтамызки, бундай одам энг машаққатли урушда биринчисидан (яъни ташқи урушда ўзини кўрсатган одамдан) беқийс афзалдир; адолат, мушоҳада ва оқилликнинг жасорат билан бирлашгани, айрим олинган жасоратдан қанча яхши бўлса, худди шунча миқдорда у афзалдир. Чунки ўзаро низолар вақтида фазилатларнинг ҳаммасига эга бўлмай туриб, садоқатли ва барқарор бўлиб қолимоқ асло мумкин эмас. Шу билан бирга, ёлланганларнинг кўпчилиги – улардан анчагина қисми, баъзи кам учрайдиган ҳоллардан ташқари, жасур, аммо адолатсиз, беҳаё одамлардир ва ҳаммадан нодонроқ бўлиб, улар Тиртей айтган урушда бемалол жанг қилишга ва ҳатто жон беришга тайёрдирлар.

с Аммо бизнинг ҳозирги мушоҳадамызнинг мақсади нима, биз нималарга ойдинлик киритмоқчимиз ўзи? Ҳар ҳолда, Зевс томонидан қўйилган ушбу критлик соҳиби қонун ҳам, бирор нарсага қодир бўлган (соҳиби қонун ҳам) энг аввало энг олий эзгуликни назарда тутиб қонунларни ўрнатган бўлса керак. Феогниднинг сўзларига қараганда, энг олий эзгулик хавф-хатар ичида садоқатни сақлаб қолишдир: уни баркамол адолат, деб атаса бўлади. Тиртей шарафлаган эзгулик эса, қанча гўзал бўлса ҳам, ҳа, айтиб ўтиш керакки шоир бу ўринда анчагина муболаға қилган, куч ва қадрият сифатида уни фақат тўртинчи ўринга қўйилса тўғрироқ бўлур эди.

д **Клиний**. Эй мусофир, наҳотки биз ўз ташкилотчимизни иккинчи даражали соҳиби қонунлар орасига қўямиз?

Афиналик. Азизим, агар биз лакедемония ва бу ернинг қонунларини асосан урушни назарда тутиб Ликург ва Минослар ўрнатганлар, деб ўйласак у ҳолда уни эмас, балки бизларнинг ўзимизни улар қаторига қўшган бўламиз.

Клиний. Бўлмаса биз нимани маъқуллаб тасдиқламоқчимиз?

А ф и н а л и к . Менимча, илоҳий давлат ҳақида суҳбатлашаётганда, ташкилотчи унда (давлатда) қонунлар ўрнатган экан, эзгуликнинг бир қисмини, яна энг арзимас қисмини эмас, балки бутун эзгуликнинг яхлит тарздалигини назарда тутгандир, деб ўйланса ҳақиқатан тўғри ва адолатли бўлур эди; у, эзгуликнинг ушбу хилларини текшириш билан чекланган ҳозирги соҳиби қонунлар каби эмас, балки (эзгуликнинг) хилларига мувофиқ равишда қонунларни текширган. Қаранг, ҳозир ҳамма шу вақтда ўзи эҳтиёж сезган нарсани текширади: бири – меросхўрлик ва меросхўр қизлар ҳақидаги қонунларни, бошқаси – хатти-ҳаракат билан ҳақоратлаш ҳақида, учинчиси – шунга ўхшаш яна бирор нарсани ва шу тарзда бениҳоя. Биз айтамызки, қонунларни текширишнинг энг тўғри йўли, биз қадам қўйган йўлдир. Қонунларни шарҳлаш борасидаги сенинг уринишларингга мен баъоят хурсанд бўлдим (чунки, аввал эзгуликдан бошлаш ва ташкилотчи худди шунинг учун ўз қонунларини ўрнатган, деб тасдиқлаш тўғридир). Фақатгина эзгуликнинг бир қисми, яна бунинг устига энг арзимас қисминигина назарга олиб у қонунлар ўрнатган, деган сўзларингга келсак, бу менга нотўғри туюлди, шунинг учун бундай равишда мулоҳаза юритишга қяришдим. Сен нима-лар десанг уларни эшитиш менга маъқул бўлишини айтман, хоҳайсанми?

К л и н и й . Мусофир, албатта хоҳлайман.

А ф и н а л и к . Бундай дейиш керак эди: «Сенга маълум бўлсинки эй мусофир, элинлар орасида Крит қонунлари бе-корга шуҳрат қозонмаганлар. Улар тўғри (қонунлар), чунки улардан фойдаланганларни барча неъматлар билан таъминлаб бахтиёр этадилар. Икки турдаги неъмат бор: бирлари инсоний, бошқалари – илоҳий. Инсонийлари илоҳийларига боғлиқдир. Агар, бирор давлат катта неъматлар олган бўлса, шу билан бир вақтда кичкина неъматларга ҳам эга бўлади, акс ҳолда унисидан ҳам бошқасидан ҳам маҳрум бўлади. Кичкина неъматлар бошида саломатлик турган неъматлардир, сўнгра гўзаллик келади, учинчи ўринда югуриш ва бошқа жисмоний ҳаракатлардаги куч-қувват, тўртинчи (ўринда) кўр-кўрона эмас оқиллик ҳамроҳи бўлган зийрак бойлик. Илоҳий неъматларнинг биринчиси ва сарвари – бу оқиллик;

- иккинчиси – ақлга ҳамроҳ бўлган руҳ (нафс)нинг соғлом ҳолати; уларнинг (аввалги иккисининг) мардлик билан аралашшиддан учинчи неъмат – адолат пайдо бўлади; тўртинчи неъмат – мардлик. Бу неъматларнинг барчаси ўз табиатларига кўра улар (аввалгилари)дан олдинда турадилар, (шунинг учун) соҳиби қонун уларни шу тартибда қўйиши зарурдир. Кейин ўз фуқаро-ҳамюртларини, бошқа барча фармонлар худди шунинг назарда тутишларига ишонтирмоғи керак, яъни дунёвий неъматлар илоҳийларига қаратилган, барча илоҳий неъматлар эса раҳнамо ақлга йўналтирилгандир. Соҳиби қонун одамларни бирлаштирувчи, қўшувчи никоҳ тўғрисида, кейин болалар туғилиши ва эркакларни ҳам, аёлларни ҳам гўдакликларидан то камолотга етгунларича – токи қаригунларигача тарбиялаш ҳақида қайғурмоқлари, ғамхўрлик кўрсатмоқлари зарур. У, эъзоз-ҳурмат ва ундан маҳрум этиш
- d** адолатли бўлишини таъминлаши, одамларни уларнинг барча ўзаро муносабатларида кузатиши, ғам-аламлари, турли нафсоний хоҳишлари билан қизиқиши, уларга вақтида қонунлар воситасида танбеҳ бериши ва мақташи керак. Ҳазаб ҳақида, кўрқув ҳақида, бахтиёрлик ёки бахтсизликдан пайдо бўлувчи руҳий ҳайратлар ҳақида, уларнинг олдини олиш ҳақида,
- 632** касаллик, уруш, камбағаллик ва уларга қарама-қарши ҳолатларда одамларда бўладиган ҳоллар ҳақида соҳиби қонун фуқароларга таълим бериши ва ҳар бир айрим шароитда нима яхши ва нима ёмонлигини белгилаб қўйиши керак. Сўнгра соҳиби қонун фуқароларнинг мулкани муҳофаза қилмоғи, сарфларини ва улар қандай аҳволда эканликларини билмоғи керак; барча ихтиёрий ва беихтиёрий ҳамжамиятларни ва уларнинг бекор қилинишларини кузатиб бориши ва ўзаро олган мажбуриятлари қандай бажарилишини билмоғи зарур. Қонун чиқарувчи қаерда адолат қарор топмоқда ва қаерда топмаётганини кузатиб бориши керак; у қонунга итоат қилувчиларга ҳурмат кўрсатиши, (қонунни) инкор этувчиларга эса зарурий жазо бериши, ва бу ишни то бутун давлат тузумини охиригача яхши ўрганиб олгунигача олиб бориши даркор, ҳаттоки, ҳар бир айрим ҳолатда майитларни қандай дафн этиш ва қандай ҳурматлар бажо келтириш зарурлигигача билиши керакдир. Буларнинг ҳаммасини аниқ билгач, қонун чиқарувчи ушбулар устидан назоратчилар қўйиши керак бўлади,
- c**

улардан баъзилари оқилликни, бошқалари – ҳақиқий фикр-мулоҳазани ўзларига дастурил амал қиладилар ва шундай бўлсинки, буларнинг барчасини боғлаб турувчи ақл бойлик ва манфаатпарастликка қарши ўлароқ мулоҳазакорлик ва адолатни намоён этсин. Сиз ўзга юртлилар шунини билингки, аввал ҳам, ҳозир ҳам Минос ва Ликург ўрнатган Зевс ва Пифийлик Аполлон қонунлари дейилмиш қонунларда, юқорида айтилганларнинг барчаси қандай қилиб ўз ифодасини топганини ва буларнинг барчаси қандай қилиб бу гўзал тартибга келтирилганини таҳлил этишингизни хоҳлардим: санъатми ёхуд қандайдир маҳорат шарофати билан қонунлардан хабардор одамга булар равшан, тушунарлидир, бизга, қолганларга эса мавҳум нарсалардир».

К л и н и й . Айт-чи, эй ўзга юртли, кейинги ҳолатларни қандай изҳор этмоқ керак?

А ф и н а л и к . Менимча, олдингидай мулоҳазани янгидан бошлаб, аввало мардликка тааллуқли одатларни билиб олоғимиз зарур. Сўнгра, агар хоҳласангиз фазилатларнинг, хайрихоҳликнинг бошқа бир турига, кейин эса учинчи турига ўтамиз. Фазилатнинг биринчи турини таҳлил қилганимиз усулни бир андоза қилиб, унинг ёрдамида унинг (фазилатнинг) бошқа турларини ўрганамиз ва бу билан йўлда ўзимизга бир дилхушлик топамиз. Худо хоҳласа, (суҳбат) сўнгида ҳозир биз таҳлил этган нарсалар умуман фазилатга тегишли эканлигини кўрсата оламиз.


М е г и л л . Яхши гап: аввало сен, Зевсни мақтовчи бизнинг Клинийни бу мунозарага жалб этишга уриниб кўр.

А ф и н а л и к . Ҳаракат қилиб кўраман, яна сени ва ўз-ўзимни ҳам. Мулоҳазаларимиз умумий-ку ахир. Шундай қилиб, айтинг-чи, қонун чиқарувчи биргаликда таом ейиш ва гимнасияларни уруш учун кашф этган, деб тасдиқлай оламизми?

М е г и л л . Ҳа.

А ф и н а л и к . Учинчиси ва тўртинчиси нима? Фазилатнинг қисмларини белгилаш учун, уларни бошқача ҳам аташ мумкин, маъноси аниқ бўлса бўлди, шунга ўхшаш санаб ўтиш керак бўлади.

М е г и л л . Мен ва ҳар қандай лакедемониялик ҳам учинчи деб овни айтган бўлардим.



А ф и н а л и к . Агар қўлимиздан келса, тўртинчи ва бешинчиларини ҳам айтишга ҳаракат қиламиз.

Мегилл . Тўртинчи ўринга оғриқ бўлганида чидамни кўйишга интилиб кўрардим: бизда бу мушглашиб курашишда ва ур-калтак бўладиган олиб қочишларда тез-тез рўй беради. Бундан ташқари шундай чидамлилиқни криптия деб аталувчи нарса аъло даражада тарбият этади: қишда оёқ яланг юриш, кўрпа-тўшаксиз уқлаш, хизматкорлар ёрдами-сиз ўз ишини қилиш, тунда ва кундузи мамлакат бўйлаб дарбадар юриш ана шу (криптия) билан боғлиқдир. Бизнинг гимнапедияларимизда ҳам ўта чидамлилиқ намоён этишга имкониятлар бордир, унда жазирамага чидаш ва бошқа кўпгина хислатлар борки ҳаммасини санаб чиқиш бениҳоя кўп вақт олади.

А ф и н а л и к . Лакедемониялик меҳмон, сен яхши гаплар айтдинг! Аммо, сен менга айт, биз нимани мардлик деб атаймиз? Қўрқинч ва азоб-уқубатлар билан курашганими ёки яна маҳзуналик, роҳатлар, ўзини метиндай мустаҳкам, деб фараз қилувчиларнинг ҳам дилларини мумдай юмшоқ эта оладиган, даҳшатли, кўнгилга хуш келувчи васвасалар билан ҳам курашишни айтаммизми?

Мегилл . Буларнинг барчаси билан, деб ўйлайман.

А ф и н а л и к . Кел, аввалги мулоҳазаларни эслайлик: Клиний, давлат ҳам, айрим одам ҳам ўзидан-ўзи тубан бўлиши мумкин, деган эди. Шундайми кнослик меҳмон?

Клиний . Албатта шундай.

А ф и н а л и к . Энди, биз кимни бадфеъл деб атаймиз: азоб-уқубатдан мағлуб бўлганими, ёки ҳузур-лаззатлардан енгилганими айтсак тўғрироқ бўладими?

Клиний . Иккинчисини деб ўйлайман. Биз ҳаммамиз, кимга ҳузур-лаззатлар ҳукмрон бўлса, ул одам ўз-ўзидан тубан бўлиб қолади, деб тан оламиз-ку, бунинг устига азоб-уқубатга тобе бўлган одамдан бундай одам шарманदारокдур.

634 А ф и н а л и к . Наҳотки, Зевс ва Пифиялик Аполлонларнинг қонун чиқарувчилари ўз қонунлари билан фақатгина чап тарафдан қаршилиқ кўрсатиб, нозик кўнгиликларига нисбатан ўнг тарафдан ожиз, қинғир-қийшиқ мардликни талаб қилганлар? Ёхуд улар унисини ҳам, бунисини ҳам талаб қилганларми?

Клиний . Менимча, унисини ҳам, бунисини ҳам.

Афиналик . Энди, сизларнинг иккинги сизнинг ҳам давлатларингиздаги қандай одатлар, дарддан қочиб бўлмаганидек ҳузур-ҳаловатлардан ҳам қочмасдан уларни мукофотлар ёрдамида мажбур этиб ва ишонтириб, чеклаб, тийиб туриб улар устидан ҳукмронлик қилишлари мумкинлигини кўрсатсак бўлармикин? Ҳузур-лаззатлар ҳамда хафаликлар ҳақида қонунларнинг қайси ерларидаги қарорларда мавжуд? Сизларда, айнан бир хил одамларни азоб-уқубатга нисбатан ҳам, ҳузур-ҳаловатларга нисбатан ҳам бир хилда мард этувчи ва энг яқин, қийин душманларга ҳеч бўйин эгмай нимадан ғолиб келиш зарур бўлса, ўшани энгувчи нарса нималигини кўрсатилсин.

Мегила . Ўзга юртлик (биродар), ғам-андухга қарши қўйилган кўпгина қонунлар мавжудлигидан уларни кўрсата олсам-да, аммо ҳузур-ҳаловатга тегишли салмоқли ва аниқ қонунларни айтишдан ожизман. Лекин, унчалик муҳим бўлмаган баъзи талаб, қоидаларни кўрсатиб ўтишим мумкин бўлар.

Клиний . Мен ҳам крит қонунларида бундай нарсалар борлигини кўрсатиб ўтишим мушкулдир.

Афиналик . Ўзга юртликларнинг энг олижаноб одамлари, бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади! Асло бунга гаши-миз келмаслиги керак. Аммо, агар бирор тамиз ҳақиқатни ва олий неъматларни истаб топишни хоҳлаб юртимиз қонунларидаги бирор нарсани хуш кўрмасак, бир-биримизга мулойимлик билан муомалада бўлайлик.

Клиний . Афиналик меҳмон, сен ҳақсан! Сенга қулоқ солмоқ керак.

Афиналик . Бунинг устига, бу бизнинг ёшимизга ҳам тўғри келмайди, Клиний.

Клиний . Албатта.

Афиналик . Лакедемония ва Крит давлат тузилишини ёмонлашлари тўғрими, йўқми, шуни алоҳида текшириб чиқилса яхши бўларди. Бу ҳақда кўпчилик гапирди ва сизга қараганда мен кўпроқ фикр билдиришим мумкин эди. Чунки сизларда, гарчи қонунларингиз анча пухта ишлаб чиқилган бўлсада, айниқса бир қонун, ёшларга сизларнинг қонунларингизда нима яхши-ю нима ёмонлигини текширишнинг таъқиқланиши ва қонунлар худолар

тарафидан ўрнатилганлигидан уларда (қонунларда) барча ҳолатлар яхши, аъло, деб яқдиллик билан маъқуллашга буқурувчи қонун жуда яхшидир; бошқа фикр, даъволарга йўл қўйилмаслиги даркор. Агар сизларда шунга ўхшаш бирор фикр кекса одамнинг миясига келиб қолса, у ўз мулоҳазасини бирор мансабдор шахсга ёки ўзига тенгдош бир одамга айтиши мумкин, шунда ҳам бу пайтда ҳузурларида ёш йигит бўлмаслиги керак.

635 К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан, ўзга юртлик (биродар); менимча сен худди башоратчидай қонун чиқарувчининг ўша пайтдаги – сен у ерда бўлмасанг ҳам, ниятини яхши англадинг ва жуда тўғри ифодалаб бердинг.

А ф и н а л и к . Агар бизлар ўзаро, танҳо шу нарса ҳақида мулоҳазалар юритсак ўша қоидага хилоф иш қилмаймиз, тўғрими? Қонун чиқарувчи бизнинг ёшдагиларга бунинг учун рухсат берганку, боз устига бу ерда ёшлар ҳам йўқ.

б К л и н и й . Бу айни ҳақиқат. Шунинг учун бизнинг қонунларимизнинг ожиз томонларини дадил кўрсатавер. Ёмон нарсани билиш, идрок этиш виждонга хилоф иш эмас-ку; аксинча, агар у хайрихоҳлик билан ва беғараз қабул қилинса бу даволанишга хизмат қилади-ку.

с А ф и н а л и к . Жуда яхши. Сизларнинг қонунларингизни иложи борича мукамал кўриб чиқмагунимча уларни ёмонлай олмайман. Мен фақат гумонларимни айтиб ўтаман холос. Чунки барча эллинлардан фақат сизларда ва бизга маълум варварлардагина қонун чиқарувчи энг зўр лаззатланишлар ва кўнгил хушликлардан сақланиш ҳамда улардан тотиб кўрмасликни буюради. Дард ва хавф-хатар тўғрисида эса, биз ҳозиргина таҳлил қилганимиздай фикр билдиради: агар улардан қочиб юрган одам бир вақт келиб бу иложсиз машаққатлар, кўрқинч ва ташвишларга дуч келиб қолгундай бўлса, буларнинг ҳаммасига кўниккан одамлардан энгилиб қочади ва уларнинг зулми остида қолади. Ўйлайманки, қонун чиқарувчи лаззатлар, ҳузур-ҳаловатлар ҳақида ҳам шундай ўйлаган бўлиши мумкин. У ўзига ўзи бундай дейиши керак эди: « Агар фуқаролар ёшлик пайтларидан энг зўр лаззат, ҳузурлардан беҳабар қолсалар, ҳузур-ҳаловатларга бўлган ширин интилишлар уятли ишлар қилиб қўйишига ундай олмасликлари даражасида бўлиши учун уларни энгиб ўтишда машқ қилмасалар, у ҳол-

да улар ҳам қўрқинчдан хавфсираб енгилганлар аҳволига тушиб қоладилар. Ўзлари гарчи пасткаш бўсаларда, лекин хузур-ҳаловатлардан ўзларини юқори қўйиб улар устидан ҳукмронлик қила оладиган ва бу борада тажриба орттирган одамларга янада уятлироқ равишда бўйсунушга мажбур бўладилар. Фуқароларнинг руҳи фақат қисман эркин бўлиб, асосан нимадандир кулликка юз тутади: улар ҳур ва мард инсонлар, деб аталишга муносиб бўлмай қоладилар».

Энди, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, ҳозиргина айтилган сўзларни маълум даражада маъқуллайсизми?

К л и н и й . Сен баён этаётганингда фикрларинг жуда ишонарли туюлди. Аммо, бундай муҳим масалаларда сенга бирданига ишониш гўл бир ўсмирга лойиқ иш бўлув эди.

А ф и н а л и к . Клиний ва лакедемониялик меҳмон! Агар биз олдингидай тартибда таҳлил қилишни давом эттирсак, яъни, мардликдан сўнг андишалик, мулоҳазакорлик ҳақида сўз юритсак, у ҳолда бу давлатлар ва зўрға, қўл учида бошқарилаётган давлатлар орасида қандай фарқни англай оламиз? Биз ҳозиргина ҳарб ишида улар орасидаги фарқни кўриб чиқдик-ку.

М е г и л л . Бу осон иш эмас. Гимнасиялар ва сисситиялар бу иккала фазилат учун ҳам аъло даражада маъқул ихтиро этилгандир.

А ф и н а л и к . Ўзга юртлик (биродар)лар, давлат тартиботи масалаларида амалда ҳам, сўзда ҳам қатъий бирор нарсани белгилаб қўйиш қийин бўлса керак. Бу (худди), бир инсоний бадан учун гарчи бир нарсани ўзи бўлсада қисман зарар, қисман фойдали бўлмайдиган, ягона ҳаёт тарзини белгилаб қўйиш мумкин бўлмаганига ўхшаса керак. Шунга ўхшаб, гимнасия ва сисситиялар шу пайтгача давлатларга нафъ келтириб турибдилар; лекин ўзaro низолар борасида улар зарарлидирлар. Бу, милетлик, беотийлик ва фурийлик ёшларнинг хатти-ҳаракатларидан ҳам кўриниб турибди. Бунинг устига, ушбу муассасалар, қадимий ва табиатга мос, ишқий лаззатларга тегишли қонунни фақат инсонлар орасида эмас, ҳатто ҳайвонлар орасида ҳам бузиб юбордилар. Бунда аввало сизларнинг давлатларингизни ва бошқа давлатлардан, гимнасиялар жуда сингишиб кетганларини айбласа бўлади.

Бундай нарсаларга ҳазиллашибми ё жиддий қаралади-ми бари-бир айтиш керак-ки, фарзанд туғилишига олиб келадиган эркаклик табиатининг аёллар табиати билан қўшилуvidан олинадиган лаззатланишни бизга табиатнинг ўзи томонидан берилгандир, эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан қўшилуви эса табиатга хилоф ва булар лаззатлар ила тантиқлашиб ўзларини босолмайдиган одамлар чиқарган нарсалардир. Биз барчамиз Ганимед ҳақидаги афсонани тўқиб чиқарганлари учун критиларни ёмонлаймиз. Ўзларининг қонунларини Зевсдан келиб чиққан, деб ишонганлари учун улар худо ортидан бу лаззат меваларини ҳам тотиб кўриш мақсадида унинг ҳақидаги ушбу афсонани ўйлаб топдилар. Одамлар қонунларни текшираётганларида давлат ҳаётида ҳам, шахсий ҳаётда ҳам барча текширишлар лаззатланишлар, ҳузур-ҳаловатлар ва дард-андуҳлар атрофида юритилади ҳолос. Табиат бу икки оқимнинг оқишига имконият берди. Агар улардан мумкин бўлган ердан, мумкин бўлган вақтда ва мумкин бўлган миқдорда олсалар у ҳолда давлат ҳам, хусусий шахслар ва ҳар қандай тирик жонзот саодатманддир; аммо, агар бу ишни жоҳилларча ва бунинг устига мавриди бўлмаган вақтда қилсалар бундай одамлар чекига бошқача ҳаёт муяссар бўлади.

Мегилл. Ўзга юртлик (биродар)! Сен айтган сўзлар нимаси биландир гўзал, аммо биз шун билан бирга лол бўлиб, нима дейишни ҳам билмай қолдик. Бунга нима деса бўлади? Ҳар ҳолда менга, лакедемониялик қонун чиқарувчининг ҳузур-лаззатлардан тийилишни буюргани тўғрига ўхшайди. Кносс қонунларига келсак, агар хоҳиши бўлса, 637 уларга Клиний ёрдам берсин. Спартанинг ҳузур-ҳаловатлар ҳақидаги қарорлари менимча дунёда энг аъло (қоидалар)дир. Чунки бизнинг қонунлар, мамлакат сарҳадларидан энг кучли лаззатланишлар, бебошликлар ва турли жаҳолатларга берилиб кетишларга сабабкор нарсани қувиб чиқарадилар. Спарталилар жон куйдирадиган на қишлоқлар, на тоғларда сен базмлар ва улардан сўнг албатта турли-туман лаззатланишларга олиб келувчи нарсаларни кўролмайсан; кимда-ким маст бебошни учратса, дарҳол унга шундай жазо беради-ки, бу жазони Дионисий байрамлари

баҳонаси билан ҳам олиб ташлаб бўлмайди. Сизларда эса мен маст-аластлар тўла извошларни, Тарантада бизнинг муҳожирлар яқинларида Дионисий кунлари бутун шаҳарни мастона кўрганман. Бизда бундай ҳол асло бўлмайди.

А ф и н а л и к . Лакедемониялик меҳмон биродарим. Буларнинг ҳаммаси ҳам, шунга ўхшаш бошқалари ҳам агар ўзини тута олиш билан бўлса мақтовга лойиқдир; бебошлик бўлаган бўлса бу хунук ишдир. Ҳа, айтиб қўяйки, сизларнинг аёлларингизнинг енгилтакликларини айтиб, ҳар қандай афиналик сенинг гашингни келтириши осондир. Тарантадаги каби, бизда ҳам, сизда ҳам буларнинг ҳаммаси бир сўз билан ҳал қилиниши мумкиндир: бу ёмон эмас, тўғридир. Ўзига галати туюлган ўзга юртли одамга ҳар ким қуйидаги жавобни бериши мумкин: «Ажнабий, сен ҳайрон бўлма! Биздаги қонун шунанқа. Сизларда балки ўзгачароқ қонундир, аммо у ҳам худди шунинг ўзи ҳақидадир». Қадрдон дўстлар, ҳозир сўз бошқа бир инсонлар ҳақида эмас, балки қонун чиқарувчиларнинг фазилати ва камчиликлари ҳақида бормоқда. Шунинг учун маст бўлиш ҳақидаги масалани тўлароқ кўриб чиқайлик. Чунки бу одат мураккаб ва уни тушуниш учун иқтидорли қонун чиқарувчи бўлмоғи зарур. Мен умуман ичиш керакми ёки ичмаслик керакми, деган (масала) ҳақида эмас, балки мастоналик ҳақида гапирмоқдаман: бунга скифлар, форслар, карфагенлилар, келтлар, иберлар, ракийлилар – бу қабилаларнинг ҳаммалари жанговор қабилалар – каби ёндошиш керакми ёки сизлар каби муносабатда бўлмоқ керакми? Сенинг сўзларингга қараганда, сизлар бу одатдан бутунлай сақланасизлар, скифлар ва фракциялилар эса, ўзлари ҳам, уларнинг хотинлари ҳам умуман аралашмаган шароб ичадилар; улар майни кийимларига қуюдилар ва бу одатларини яхши ва бахтли одат деб биладилар. Форслар бу одатдан ва сизлар инкор этувчи барча бошқа зеб-зийнатлардан тўла баҳраманддирлар, аммо ана улар (скифлар ва фракциялилар - тарж.) дай бебошлик билан эмас, албатта.

М е г и л л . Бебаҳо дўстим, биз қўлимизга қурол олишимиз биланоқ уларнинг барини тумтарақай қочишга мажбур қиламиз.

А ф и н а л и к . Бундай дема, қадрдоним! Чунки кўпинча қочиш ва қувлаш сабаблари аниқданмай қолган ва шун-

дай бўлиб қолади ҳам. Шунинг учун, яхши ва ёмон одатларнинг даргумон кўрсатгичи эмас, гўё аниқ кўрсатгичи бўлиб жанглардаги ғалаба ва мағлубият хизмат қилади, деб уларга асосланиб бўлмайди. Негаки катта давлатлар жангларда кичик давлатларни мағлуб этиб ўзларига тобеъ этдилар, масалан, сиракузликлар локрларни (гарчи охиргилари ўша томонларда энг мукаммал қонунларга эга бўлсаларда), афиналиклар кеосликларни тобеъ этганлари каби; бундай мисолларни минглаб топиш мумкин. Шунинг учун ғалаба ва мағлубиятни бир четга қўйиб, бири жуда гўзал ва ажойиб, бошқаси эса ёмонлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар бир одатни одат сифатида гапирмоғимиз керак. Бу одатларда нима яхшию нима ёмонлигини аввал менинг фикримча қандай кўриб чиқиш кераклиги ҳақида бир неча сўзларимни эшитишингизни сўрайман.

Мегила. Нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Менинг назаримда, бирор урф-одат ҳақида эшитгани заҳоти уни ёмонлаш ёки мақташга тайёр бўлган одамлар тўғри иш қилмайдилар. Бу ҳол худди, бирор одам олдида буғдой нонини мақтаса, мақтовни эшитган одам шу заҳотиёқ на (ноннинг) қандай таъсир ўтказишини, на уни истеъмол қилиниши ҳақида ўйлаб нетмай, нонни қандай, ким, қандай таом билан ва қайси ҳолатда истеъмол қилиш мумкинлигини билмай (нонни) бадном қила бошлаганига ўхшайди. Менимча, биз ҳам, ҳозир ўз мулоҳазаларимизда худди шундай йўл тутмоқдамиз. Мастоналик ҳақида эшитибоқ биримиз дарҳол ёмонлашга, бошқамиз эса мақташга тушдик; буларнинг бари мутлақо ноўриндир. Ҳар биримиз буни гувоҳлар ва маддоҳлар ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилдик. Биримиз, кўлчиликка суяниб, ҳукмрон фикрни айтмоқдаман, деб ўйларди; бошқаларимиз бўлса жангларда май ичмайдиганлар қандай ғолиб бўлганларини кўрганмиз, деб шунга асосланадилар. Аммо, ўз навбатида бу ҳам ҳали ойдинлашгани йўқ. Агар биз, бошқа қонунлаштиришларни ҳам шундай муҳокама қиладиган бўлсак, бу оқилона бўлмайди. Мен ўшанинг ўзи ҳақида, яъни мастоналик ҳақида бошқача бир тарзда – менга маъқул туюлганидек гапирмоқчиман, фақат, агар мен шунга ўхшаш масалаларни

синчков кўриб чиқишнинг тўғри усулини бизлар учун аниқ-лай олсам бўлгани. Бунинг устига бу масала бўйича юзлаб ва минглаб қабилалар сизларнинг икки давлатингиз билан келиша олмайдилар ва сизлар билан даҳанаки жанг ҳам қилишлари мумкин.

Мегилл. Албатта, агар бундай масалаларни кўриб чиқиш учун бир тўғри йўл бўлса, уларнинг муҳокамасини кечиктирмаслик керак.

Афиналик. Келинг, буни қуйидагича кўриб чиқайлик: агар кимдур эчкиларни кўпайтиришни ва бу жониворнинг ўзини гўзал бир топилдиқ, деб мақтаса, бошқа биров эса, ишлов берилган ерда эчкилар чўпонсиз ўтлаб юргангани ва зарар келтираётганини кўриб уларни сўкса ва ўз устида бошлиғи бўлмаган ёки ёмон бошлиғи бўлган ҳар қандай тирик мавжудотни ёмонласа, у ҳолда айтингчи, бундай одамнинг ёмонлашини оз бўлсада оқилона, деб тан олармидик?

Мегилл. Йўқ албатта.

Афиналик. Агар фақат денгиз иши билимига эга бўлсаю, аммо денгиз касалига гирифторми ё йўқми маълум бўлмаса, денгиз дарғасини яроқли, деб ҳисоблай оламизми ёки йўқми? Бунга нима дейсан?

Мегилл. Агар унинг ўз ҳунаридан ташқари яна сен айтган ожизлиги ҳам бўлса, асло уни яроқли, деб бўлмайди.

Афиналик. Қўшин бошлиғичи? Агар у ҳарб иши билимига эга бўлсаю, аммо шу қатори у кўрқоқ, хавф-хатар онлари кўрқувдан маст бўлиб боши айланадиган дарди бўлса бошлиқ бўла олишга лаёқатлими?

Мегилл. Асло!

Афиналик. Агар у бу санъат соҳиби ҳам бўлмаса, яна кўрқоқ бўлсачи?

Мегилл. Сен умуман яроқсиз эркаклар устидан эмас, қандайдир аёллар устидан бошлиқ бўладиган одам ҳақида гапирмоқдасан.

Афиналик. Ўз табиатига кўра фойдали бўлиш учун бошлиғи бўлиши зарур бўлган қандайдир бирор жамият-ни агар кимдир мақтаса ёки ёмонласа, ва у шу жамиятда тўғри раҳбарлик ва муомалаларни кўрмасдан доимо ё бош-

639

b

c

лиқ йўқ пайтида ёки лаёқатсиз бошлиқ билан бўлганида ўша жамиятни кузатган бўлсачи? Бу жамиятларнинг шундай кузатувчиларининг мақтов ва ёмонлашларини тўғри, деб тан оламизми?

d Мегилл. Зинҳор-базинҳор! Улар бу жамиятлардан биронтасини тўғри фаолиятда кўришмаган ва уларга яқин бўлмаганларку!

Афиналик. Шунинга назарда тут! Биргаликда базм қураётган ва ушбу базмларнинг ўзини шу жамиятларнинг турларидан бири деб ҳисоблаймизми?

Мегилл. Ҳисоблаймиз.

e Афиналик. Биронта одам бу базмларнинг тўғри тартибини кўрганми? Ҳеч қачон ва ҳеч ким, деб жавоб бериш сиз учун осон. Улар (базмлар) сизга ёт, улар сизда қонунлаштирилмаган. Аммо мен кўп базмларда бўлганман, айтиб ўтишим керакки, улар ҳақида кўп суриштирганман ҳам; ва ҳатто мен ҳам ҳеч қачон қандайдир базм, бутунлайича рисоладек бўлганини кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам, балки фақат озгина ва арзимас қисмигина бўлмаса, кўпинча нохуш ўтади, деса бўлади.

640 Клиний. Ажнабий, бу билан нима демоқчисан? Аниқроқ сўзла! Ўзинг айтганингдек, гарчи базмда қатнашишга тўғри келсада, ўз тажрибасизлигимиз оқибатида, нималар ўринли, нималар эса ноўрин ўтишини илғаб ололмаймиз.

Афиналик. Бу табиий. Аммо буни менинг кўрсатмаларим ёрдамида тушунишга ҳаракат қилиб кўр. Ҳар хил йиғинларда, турли жамиятларда, уларнинг машғулотлари қандай бўлишидан қатъи назар маъқул бир бошлиқ бўлиши зарурлигини тушунсанг керак?

Клиний. Бошқача бўлиши мумкин эмасдир?

Афиналик. Биз ҳозир айтдикки, аскарлар устидаги бошлиқ жасур бўлиши керак.

Клиний. Албатта.

b Афиналик. Жасур одам кўрқувлар таъсирида кўрқоққа қараганда камроқ хавфсирайди.

Клиний. Шундай.

Афиналик. Агар кўшинга, кўрқинч ва таҳликага тушмайдиган саркардани қўйиш мумкин бўлса, наҳотки биз шундай қилишга астойдил ҳаракат қилмасдик?

Клиний. Астойдил ҳаракат қилардик.

Афиналик. Энди эса сўз, ўрни душманлик тўқнашувларида, урушда бўлган қўшин бошлиғи ҳақида эмас, дўстона муҳиблик ва дўстлар ўртасида қарор топадиган осойишта муносабатлар бошлиғи ҳақидадир.

Клиний. Тўғри.

Афиналик. Бунга ўхшаш суҳбатлар, айниқса, унга мастоналик йўлдош бўлса, шовқинсиз бўлмайди. Шундай эмасми?

Клиний. Албатта шундай!

Афиналик. Хуллас, бу ерда ҳам аввало бошлиқ бўлиши керак-а?

Клиний. Бўлмасачи! Бу ерда бошқа ердагига қараганда зарурроқ!

Афиналик. Агар иложи бўлса, шовқин-суронга мойил бўлмаган одамни шундай бошлиқ қилиб қўйган маъқулми?

Клиний. Бошқача бўлиши мумкин эмасдир?

Афиналик. Шуниси ҳам аниқ-ки, бундай йиғинларга у оқилона муносабатда бўлиши керак. Чунки у, уларга хос бўлган дўстликнинг ҳимоячиси бўлибгина қолмай, яна шу дўстликни мулоқот воситаси ила мустаҳкамлаши ҳам керакдир.

Клиний. Дарҳақиқат шундай.

Афиналик. Тўғрими. Хушёр бўлмаган одамларга хушёр, доно одамни бошлиқ тайинлаш зарур, аксинча эмас. Агар хушёр бўлмаган (одам)га маст, ёш, доно бўлмаган (одам) бошлиқ бўлса, фақат жуда бахтли бир тасодиф билангина у даҳшатли балолар келтирмайди.

Клиний. Ҳа албатта, бу бир улуг бахт бўларди.

Афиналик. Агар шунга ўхшаш суҳбатлар давлатларда иложи борича тўғри ўтса-ю кимдир худди шу урф-одатни ёмонласа, балки унинг бу ёмонлаши асосли бўлар. Агарда бу урф-одатни уни бутунлай бузуқлиги учун сўкиб ёмонласалар, у ҳолда, биринчидан, унинг турма нотўғрилигини, иккинчидан агар шундай, яъни хушёр хўжайин ва буюрувчисиз ўтса ҳамма нарса нохуш бўлишини улар идрок этмаганлари маълум бўлади.

Кеманинг маст бошқарувчиси ва умуман ҳар қандай хумор бошлиқ – нима бошқармасин – кемалар, ҳарб ара-

вачалари, қўшинни – нимани бошқарса ўшани остин-устин қилишини сезмаганмисан.

К л и н и й . Меҳмон, сен айна ҳақиқатни айтдинг. Бизга сен яна, базмларни қонуний ва тўғри ўтказиш қандай яхшилиқ келтиришини ҳам айтиб бер. Биз ҳозир айтиб ўтганимиздек, агар қўшин тўғри раҳбарлик остида бўлса, у ҳолда бундай қўмондонга эргашганлар ғалаба қозонадилар: бу оз хушқолик эмас. Бошқа ҳодисаларда ҳам шундай. Тўғри йўлга қўйилган базмлар-чи – улар, (айрим) шахслар ва давлатларга қандай афзаллик келтирадилар?

А ф и н а л и к . Тўғри тарбияланган бир ўғил бола ёки яхши жўровоз ашулачилар давлатга қандай афзаллик келтиради, деб сўрашимиз мумкин. Бунда биз ушбу жавобни берардик: биттасидан-да давлат жиндай фойда оларди. Агарда сиз, умуман тарбияланганларни тарбиялашдан давлат қандай манфаат кўради, деб сўраётган бўлсангиз, яхши тарбияланган болалар осонликча яхши одамлар бўладилар ва шундай бўлгач бошқа ҳамма (ишни) ҳам чиройли адо этадилар, шу қатори душманларни ҳам енгадилар, деб жавоб бериш қийин эмас. Тарбия ғалабага ҳам етказди, ғалаба эса баъзан – тарбиясизликка олиб бориши мумкин.

Урушда қозонилган ғалабалардан кўпчилик сурбет бўлиб, ҳаддан ошиб, ана шу сурбетлик таъсирида анчагина нуқсонларга гирифтор бўладилар. Тарбия ҳеч қачон Кадм аҳволига солмайди, ғалабалар эса одамлар учун шундай бўлган ва шундай бўлади.

К л и н и й . Дўстим, бизга сен, гўёки ичкиликбозлик пайтидаги бирга ўтказилган вақт, агар ҳамма нарса тўғри амалга оширилса, тарбиялашда катта аҳамиятга эга (тарбиянинг катта қисмини ташкил этади), демоқчига ўхшапсан.

А ф и н а л и к . Нима демоқчисан?

К л и н и й . Шундан кейин ўзингнинг фикрингни ҳаққоний эканлигини исботлай оласанми?

А ф и н а л и к . Ажнабий (биродар), гумонсирашларнинг бунчалик кўплигидан, иш ҳақиқатан худди шундай бўлишини фақат биргина худонинг ўзи исботлай олади. Аммо мен, менинг назаримда нега шундай деб айтиш кераклигини кўрсатиб беришга тайёрман. Бунинг устига ҳозир биз қонунлар ва давлат қурилиши ҳақида фикрлашга киришдик.

К л и н и й . Ҳозир шунча гумонлар келтириб чиқараётган масалалар бўйича сенинг фикрингни билмоқчи эдик. e

А ф и н а л и к . Биз қуйидагича йўл тутишимиз керак. Сиз идрок этишга урининг, мен эса ўз фикримни иложи борича тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аввал бунга қулоқ солинг: барча эллилар бизнинг давлатимизни сўзамол ва кўп сўзловчи деб, Лакедемон хусусида эса (гўё) у камсухан, Критда эса, сўзамолликдан кўра серфикрликни ривожлантирадилар, деб ҳисоблайдилар. Унча муҳим бўлмаган мавзу - мастоналик ҳақида – кўп гапирмоқда, арзимаган нарса тўғрисида узундан-узоқ мулоҳазаларга берилиб кетмоқда, деб ўйлашингиздан қўрқаман. Аммо, мусиқий санъатнинг тўғри асосларини эътиборга олмай базмларни табиатга мос равишда ўтказиш ҳақидаги масалани етарли даражада ойдинлик киритиб қамраб олиш мумкин эмас. Худди шундай, мусиқий санъатни ҳам тарбия мажмуасининг ҳаммасисиз тушуниб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси узундан-узоқ мулоҳазалар қилишни талаб этади. Қандай йўл тутамиз, ўзингиз ҳал қилинг: ҳозирча бу масалани қолдириб, бошқа бирон-бир қонун муҳокамасига ўта қоламизми? b

М е г и л л . Афиналик-ажнабий! Бизнинг она юртимиз ўчоги сизнинг давлатингиз билан меҳмоннавозлик ришталари ила боғлиқ эканлигини сен балки билмассан. Қайсидир давлатнинг меҳмони эканлигини болалигида эшитган деярли ҳар бир инсонда унга – ўзининг иккинчи ватанига ёшлигидан биз, Афина меҳмонлари ҳис этадигандек, хайрихоҳлик туйғуси пайдо бўлади. Ҳар қалай мен буни ҳис этаман. Лакедемониялилар: «Бизга нисбатан сизнинг давлатингиз Мегилл, мана бундай нохуш (ёки яхши) иш қилди» – деб афиналикларни ёмонлаганлари ё мақтаганларини эшитсам, ёшлигимдан сизларни ҳимоя этиб ёмонлаганлар билан доимо баҳслашиб келганман. Мен ҳамма вақт афиналикларга хайрихоҳ бўлганман, ҳозиргача ҳам менга сизнинг талаффузингиз оҳанги хуш ёқади; кўп одамларнинг яхши афиналиклар бениҳоя яхшилар, деган фикрлари менга мутлақо тўғридек туюлади. Чунки фақат уларнинг яхшиликлари зўравонликсиз, ўз-ўзидан пайдо бўлади; худонинг ўзи уларга яхшилик қилишни ато этган, шу боисдан унда ҳеч сунъийлик йўқдир. Шунинг учун менинг тарафимдан қар- c

шилиқдан қўрқма; ўзингга нимаики қадрли бўлса, бари-ни айтавер.

К л и н и й . Худди шунга ўхшаб, ажнабий (биродар) менинг сўзимни ҳам эшитиб, қабул эт, сўнгра нимани хоҳласанг бе-малол айтавер. Балки сен бу ерда, Критда Эпидемид деган илоҳий зот ҳақида эшитгандирсан. У бизга қариндош бўлар-ди. Форс урушларидан ўн йил аввал у Афинага келди ва у ерда худонинг каромати билан, худо буюрган қурбонликлар-ни қилди. Худди ўша вақтда афиналиклар форс босқини-дан хавфсираб турардилар. У уларга башорат қилиб, форс-лар ўн йил ўтгандан кейингина келишларини, келганларида эса ўз умидларини рўёбга чиқаролмай ва кўргизган офат-ларига қараганда ўзлари кўпроқ офат-балолар кўриб энги-лишларини айтди. Шу вақтдан бери бизнинг аждодларимиз сизлар билан меҳмондўстлик иттифоқини туздилар; менинг ва ота-онамнинг сизга хайрихоҳлигимиз шундан келиб чи-қади.

643 А ф и н а л и к . Аён бўлишича, сиз мени эшитишга тай-ёрсиз. Менда эса гапириш иштиёқи бор, аммо уни амалга ошириш осон эмас; шундай бўлсада ҳаракат қиламиз. Ав-вало мулоҳаза юритиш тартибига биноан, тарбияни ўзи нима ва унинг кучи нимада эканлигини аниқлаб олайлик. Келишиб олдик-ки, келгусида бизнинг фикрлаш йўлимиз токи у (йўл) бизни шароб худосига олиб боргунича айни шу йўсинда бўлиши керак.

К л и н и й . Сенга шу маъқул бўлса, майли розимиз.

б А ф и н а л и к . Тарбия деганда нима назарда тутилиши-ни мен тушунтираман, сизлар эса менинг фикримга қўши-ласизларми йўқми, айтасизлар.

К л и н и й . Тезроқ гапир!

с А ф и н а л и к . Мен шуни айтиб, тасдиқлайман ҳамки, қан-дай бўлмасин бирор ишда етук бўлишни истаган одам бунга тааллуқли бўлган барча нарсада ёшлигидан гоҳ ўйин сифа-тида, гоҳида жиддий машқ қилиши керак. Масалан, яхши деҳқон ёки бинокор бўлишни хоҳлаган одам болалик ўйинла-рида ё ерга ишлов бериш ёхуд ўйинчоқ уйларни қуриши ке-рак. Мураббий уларнинг ҳар бирига ҳақиқийсига ўхшаган мўъжаз, кичкина асбоб-ускуна бериши зарур. Худди шунга ўхшаб уларга зарурий билимларнинг ибтидосини, бошлани-шини ўргатсин, масалан бинокорга – ўлчашлар ва газчўпдан

фойдаланишни, жангчига – суворийликни (ва ҳоказо) ўргатсин, буларнинг ҳаммаси ўйин сифатида бўлсин. Болалар кейинчалик қайси машғулот бўйича камол топишлари зарур бўлса ўшанга тааллуқли, уларнинг мойиллик ва қизиқишларини ўйин ёрдамида ўшанга йўналтиришга ҳаракат қилсин. Бола улғайиб ниманинг билимдони бўлиши ва нимада камолотга эришиши зарур бўлса ўшанга меҳр-муҳаббат уйғотувчи етарли тарбияни, болага илм ўргатишда энг муҳим омил, деб ҳисоблаймиз. Бу айтилганлар сизларга маъқулми?

К л и н и й . Маъқул.

А ф и н а л и к . Тарбия деганда нимани назарда тутишимизни ҳам аниқлаб олайлик. Ҳозир биз, айрим шахсларнинг тарбиясини ёмонлаб ёки мақтаб, баъзиларимизни тарбияли, баъзиларимизни тарбиясиз деймиз, баъзида эса бутун тарбияси чакана савдо ёки денгиз тижоратини билиши билан чекланганларни ҳам тарбияли деб атаймиз. Биз ҳозирги ўз мулоҳазаларимизда тарбия деганда буни эмас, балки одамни адолат ила бўйсунувчи ёки ҳукмрон бўла оладиган баркамол фуқаро бўлишига интилишга мажбур этадиган, болаликдан яхшилиқка етакловчи нарсани назарда тутамиз. Менимча, бизнинг бу суҳбатимизда берилган тушунчага кўра фақат шуни тарбия деса бўлади. Ўз мавзуси ва мақсади пул, ақл-идрок ва адолатдан маҳрум қудрат ёки бошқа бирор санъат бўлган тарбия эса тубанлик ва пасткашлиқдир, умуман бу номни олишга нолойиқдир. Биз ўз-ўзимиз билан номлар ҳақида баҳслашиб ўтирмаймиз. Ҳар ҳолда, тўғри тарбия олган одамлар яхши (одамлар) бўладилар ва тарбияли (одобли)ликка муносиб баҳо берилиши керак, чунки у: (одоб) – яхши одамлар эга бўлган нарсаларнинг энг гўзалидир, деб қилган ҳозирги мулоҳазаларимиз ўз кучини сақлаб қолса бас. Агар тарбия ўз йўлидан чиқиб кетган бўлса-ю, аммо уни тўғрилаш имкони бўлса, ҳар қандай одам ўз умри давомида куч етганича бунга ҳаракат қилиши керак.

К л и н и й . Тўғри. Биз сенинг сўзларингни тасдиқлаймиз.

А ф и н а л и к . Бундан одинроқ, ўзи устидан ҳукмронлик қилаоладиганлар яхши, бундай қилолмайдиганлар ярамас одамлар, деб келишган эдик.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.

А ф и н а л и к . Келинг, олдин айтганларимизни аниқроқ қилиб қайтарайлик. Кучим етганича, қиёслаш ёрдамида бунни сизларга тушунтириб беришимга рухсат беринг.

К л и н и й . Марҳамат.

А ф и н а л и к . Бизнинг ҳар биримиз – бу бир бус-бутунлик эканлигимизни тан оламизми?

К л и н и й . Ҳа.

А ф и н а л и к . Аммо ҳар бир одам ўзида иккита қарама-қарши ва жоҳил маслаҳатчига эга – (булар): лаззат ва дард.

К л и н и й . Дарҳақиқат.

А ф и н а л и к . Уларга яна келажакка тааллуқли фикрлар ҳам келиб қўшиладилар, уларнинг умумий номи – умиддир. Чунончи, ғам-дардни кутишни қўрқинч, лаззатни кутишни – жасорат дейилади. Буларнинг ҳаммасини устида, улардан қайси бири яхши, қайси бири ёмон эканлиги ҳақида хулоса чиқарувчи онг туради; худди шу (онг - тарж.) давлатнинг умумий тузуки бўлиб, қонун номини олади.

К л и н и й . Сўзларингни машаққат билан илғаб олаётган бўлсамда, тушунишга ҳаракат қиляпман, давом этавер.

М е г и л л . Мен ҳам шундай таассуротдаман.

А ф и н а л и к . Бу ҳақда биз қуйидагича мулоҳаза юритамиз: тасаввур қилайлик, биз тирик мавжудотлармиз, бу (мавжудотлар) эрмак ёки қандайдир жиддий мақсад билан худолар томонидан ясалган ажойиб қўғирчоқлардир: бу бизга номаълум; аммо биз биламиз-ки, биз айтиб ўтган, бизнинг ички

е (ботиний) ҳолатларимиз худди ришталар ёхуд ишлардай ҳар бири ўз томонига тортиб, судрайдилар. Лекин улар қарама-қарши бўлганлари учун бизни қарама-қарши ҳаракатларга (амалларга) бошлайдилар ва бу яхшилик ва ёмонлик (нуқсон)ни ажратишга хизмат қилади. Бизнинг мулоҳазаларимизга кўра, ҳар ким доимо собитқадамлик билан, майллардан фақат бирига (айтиб ўтилган ишларнинг фақат бирининг тортиб-судрашига - тарж.) ҳеч нарсада ундан оғишмай ва бошқа иш-ришталарга қаршилиқ кўрсатиб, мойил бўлиши керак, бу (ип - тарж.) эса, давлатнинг умумий қонуни, деб атаганимиз, олтиндай (қадрли) ва илоҳий онг раҳбарлигининг ўзидир. Бошқа ишлар оддий темирдан ва қўполдирлар; олтиндай бўлса ҳам,

фақат шу ипгина майин, мулойимдир, бошқалари эса бошқа турларга ўхшаб кетадилар. Қонуннинг ажойиб, гўзал раҳбарлигига доимо ёрдам бериб туриш зарур. Чунки онг, гўзал бўлсада, мўъмин ва зўравонлиги йўқ, ўз раҳбарлигида ёрдамчиларга муҳтож, шундай бўлсинки, биздаги олтин тур бошқа турларни енгсин. Биз қўғирчоқлармиз, деган ривоят яхшилик, хайрихоҳликнинг сақланишига кўмак беради; «ўзидан кучлироқ ёки ўзидан кучсизроқ» иборасининг аҳамияти равшанроқ бўларди. Давлат ва айрим инсон хусусида айтиш мумкин-ки, уларнинг сўнгиси (инсон) раҳбарий ишлар ҳақидаги сўзни чин ҳақиқат ҳисоблаб унга мувофиқ равишда яшаш зарур дерди; давлат эса бу сўзни худолардан ёки буларни ҳаммасини идрок этган одамдан қабул қилиб, уни ўзининг ички муносабатлари учун ҳам, бошқа давлатлар билан бўладиган алоқалар учун ҳам қонун қилиб олади. Шундай аснода, ёмонлик ва яхшилик бизда аниқроқ чегараланадилар. Бу аён бўлганидан кейин, тарбия ва бошқа одағлар, шу қатори шаробга берилиб вақт ўтказиш арзийди-ми, деган масала ҳам равшанлашади. Аввалига, шундай арзимаган мавзу борасида жуда кўп гапирилгандай туюлганди; энди эса бу масала бундай чуқур мулоҳазаларга аригулик эканлиги маълум бўлиб қолиши мумкин.

К л и н и й . Тасаннога лойиқ сўзлар. Мулоҳазаларимизни ярашиқлик ниҳоясига етказсак.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, айтчи: агар биз шунга ўхшаш қўғирчоқнинг маст бўлишига йўл қўйсак, уни не ҳолга солиб қўямиз?

К л и н и й . Бундай савол бериб нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Қуйидагидан ташқари ҳеч нарсани: агар бири бошқаси билан қўшилса қандай ҳодиса рўй беради? Ўз фикримни янада равшанроқ ифодалашга ҳаракат қиламан. Мен ушбунни сўрамоқдаман: шароб ичиш лаззатлар, дардлар, ғазаб, муҳаббатни янада кучлироқ қилмайдими?

К л и н и й . Жуда кучайтиради.

А ф и н а л и к . Бизнинг ҳиссиётларимиз, хотира, хос мулоҳазамиз, фикрларимизничи? Улар ҳам худди шундай кучлироқ бўладиларми ёки одам ҳаддан зиёд майхўрликка берилиб улардан бутунлай маҳрум бўладими?

Клиний . Бутунлай маҳрум бўлади.

Афиналик . Бундай одам гўдаклигида қандай руҳиятга эга бўлса, шундай руҳият ҳолатига қайтади, тўғрими?

Клиний . Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик . Шунда унинг ўзини идора қила олиш имконияти жуда кам бўлади.

646 Клиний . Албатта, жуда кам бўлади.

Афиналик . У ҳеч арзимайдиган бир одам бўлиб қоладими?

Клиний . Шубҳасиз.

Афиналик . У ҳолда, демак, фақат қарияларгина эмас, маст одамлар ҳам яна болаликка қайтадилар, шундайми?

Клиний . Меҳмон, сўзларинг айна ҳақиқат.

Афиналик . Кучимиз етганича бу одатдан қочиш ўрнига, ундан тотиб кўришга ишонтирадиган бирор далил борми?

Клиний . Борга ўхшайди. Ҳар ҳолда сен буни тасдиқлаб ҳатто яна исботлашга тайёрга ўхшайсан.

Афиналик . Сен тўғри эслатдинг. Бунга мен ҳозир ҳам тайёрман; иккалангиз ҳам мени тинглашга ихтиёр билдирмоқдасиз.

Клиний . Ихтиёр этмай бўладими? Бирор бошқа нарсага бўлмасада, гўёки инсон ихтиёрий равишда жирканч ҳолатга тушиши кераклиги ҳақидаги ажойиб ва галати фикр учун (эшитиш иштиёқи бор).

Афиналик . Сен кўнгли ҳолатини назарда тутмоқдасан, шундайми?

Клиний . Ҳа.

Афиналик . Дўстим, баданчи, бадан? Агар кимдир ўз ихтиёри билан ишдан чиқиш, озиб кетиш, шармандалик, беҳолликкача тубан тушса хайрон бўламизми?

с Клиний . Ҳайрон бўлмай бўладими?

Афиналик . Сен нима дейсан? Шифокорларга мурожаат қилувчилар, дори ичиш қисқа муддат ўтгач уларнинг баданларини узоқ муддатга, то умрларининг охиригача шундай аҳволда қолишдан кўра ўлишга рози бўладиган даражага солиб қўядиган ҳолатга тушириб қўйи-

шини билмайдилар, деб ўйласак бўладими? Машаққатли гимнастика машқлари билан шуғулланувчилар олдин худди бемордек бўлиб қолишлари бизга маълум-ку.

Клини й . Буни ҳаммамиз биламиз.

Афиналик . Кейинги фойдалар учун улар буни ихтиёрий равишда қилишларини ҳам биламиз-а?

Клини й . Албатта.

Афиналик . Бошқа урф-одатлар ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикр юритиш керак эмасми?

Клини й . Шундай бўлиши керак.

Афиналик . Агар биз келтирилган мисолларни тўғри кўриб чиққан бўлсак, одамлар майхўрликка берилган вақтдаги кўнгилхушликларга нисбатан ҳам шундай бўлиши керак.

Клини й . Шубҳасиз.

Афиналик . Шундай қилиб, агарда шароб ўз фойдасига кўра бадантарбиялардан кам бўлмайдиган бўлиб чиқса, у ҳолда унда уларга (бадантарбияларга) қараганда яна бир афзаллик бўлади, яъни улар аввалига оғриқ билан боғлиқлар, у (май) эса бундай эмас.

Клини й . Бунда сен ҳақсан; аммо, агарда биз унда (майда) қандайдур фойда бор деб ўйласак мен ҳайрон қолган бўлардим.

Афиналик . Худди шуни биз ҳозир аниқлашга ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Менга айтчи, биз иккита деярли қарама-қарши кўрқинч хилларини фикрлай оламизми?

Клини й . Қайсиларини?

Афиналик . Улар ушбулар: биз кутаётган ёмонликлардан кўрқамиз.

Клини й . Шундай.

Афиналик . Агар биз қандайдир нохуш ишни қилиб кўйсак ёки гапириб кўйсак бизни аҳмоқона одамлар қаторига кўшишлари мумкинлиги учун кўпинча (бошқаларнинг) биз ҳақимиздаги фикрларидан ҳам кўрқамиз. Кўрқувнинг бу хилини биз, ўйлайманки, бошқалар ҳам – ҳаё деб атаймиз.

Клини й . Шак-шубҳасиз.

Афиналик . Мен кўрқувнинг ушбу икки хили ҳақида гапирмоқдаман. Уларнинг иккинчиси оғриқ ва бошқа

қўрқувларга қарама-қаршидир; худди шундай у, кўпгина буюк лаззатларга ҳам қарама-қаршидир.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.

А ф и н а л и к . Наҳотки, қонун чиқарувчи – умуман бошқа ҳар қандай фойдали одам ҳам ушбу қўрқувни жону дилдан эъозламайди? Ва, уни виждонлилик деб атаб, виждонийликка қарама-қарши бўлган жасоратни ҳаёсизлик сифатида белгилаб қўймайдими, бу ҳаёсизликни эса ҳам хусусий, ҳам ижтимоий ҳаётда ҳамма учун энг катта ёмонлик деб ҳисобламайдими?

К л и н и й . Сен ҳақсан.

А ф и н а л и к . Тўғри эмасми, қўрқувнинг шу туридай ҳеч нарса – агарда биз ҳар бирини айрим ҳолда қиёслайдиган бўлсак, бизга шунча буюк афзалликлар келтирмайди, шу қатори урушдаги ғалабалар ва халос бўлишлар, қутқарилишлар ҳам. Ғалабанинг иккита сабаби бор-ку: рақиб олдидаги жасурлик ва дўстлар олдидаги ёмон шармандалик қўрқуви.

К л и н и й . Шундай, албатта.

А ф и н а л и к . Демак, бизнинг ҳар биримиз жасоратли (қўрқмас) ва шу билан бирга қўрқув (ҳиссиётига) эга бўлишимиз керак. Нега шундай эканлигини муҳокама қилиб бўлгандик.

К л и н и й . Ҳа, старли даражада.

А ф и н а л и к . Ҳар бир одамни қўрқмас, жасур қилишни хоҳлаб, бунга қонунга мувофиқ равишда уни кўпдан-кўп турли қўрқувларга юзма-юз қўйиш орқали эришамиз.

К л и н и й . Шундай бўлса ажаб эмас.

А ф и н а л и к . Биз кимнингдир (қалбига) адолатли қўрқув солишни хоҳласак-чи? Наҳотки, ўз лаззатланиш-дилхушликларини енгишга маҳорат касб этиши учун биз уни ҳаёсизлик билан тўқнаштириб қўймаймиз? Мардликда баркамолликка эришишни хоҳлаган (одам) ўзига хос бўлган қўрқоқлик билан курашиши ва уни енгиши керак эмасми? Бундай кураш билан шуғулланмаган (кураш машқини қилмаган) ва бунга тажрибаси бўлмаган – у ким бўлишидан қатъи назар – эзгуликка нисбатан, эришиши лозим бўлган даражанинг ярмига ҳам эриша олмайди. Ким старли даражада оқилона фикр юрита оладиган бўлади – беҳаё ва адолатсиз ишларга олиб борадиган кўпдан-кўп дилхушликлар ва нафсоний ис-

таклар билан курашадиган, уларни кўнгилжушликлар вақтида ҳам, жиддий ишларда ҳам онг, ҳаракат ва санъат орқали енгадиганми ёки бунга ҳеч кўникмаганми?

К л и н и й . Сўнгиси даргумон.

А ф и н а л и к . Хўш, нима қилмоқ керак? Бирор тангри одамларга уларда кўрқинчни жунбушга келтирадиган бирор сеҳрли дамлама (ичимлик) берганми, токи бу ичимликни кимки қанча кўп ичса, ҳар бир қултуми билан у ўзини шунча бахтсизроқ ҳисоблайдиган бўлса? У ҳозирги кундан ҳам, келажакдаги барча нарсалардан ҳам, кўрқадди, шундайки; энг мардона одам ҳам охир-оқибат даҳшатга тушади; ухлаб, кайфи тарқагач, у яна ўзига келади.

К л и н и й . Инсонларда қабул қилинган қайси ичимлик ҳақида бундай дея оламиз, ажнабий (биродар)?

А ф и н а л и к . Ҳеч қайсиси ҳақида. Агар қаердандир бундай ичимлик пайдо бўлиб қолганида, мардликни синанш учун бу фойдали бўлмасмиди? Бундай ҳолатда биз унга бундай дейишимиз мумкин бўларди: «Критлиларга ёки бошқа кимларгадир қонун берувчи соҳиби қонун (қонун чиқарувчи), ўз фуқароларингни, уларнинг мардлик ва кўрқоқликларини синайдиган нарсага эга бўлишни хоҳлармидинг?»

К л и н и й . Бу равшанку: ҳар қандай (қонун чиқарувчи) истардим, дейди.

А ф и н а л и к . «Яна. Бу нарсани сен эҳтиёткорлик билан, катта хавф-хатарсиз синашини хоҳлайсанми ёки аксинчами?»

К л и н и й . Эҳтиёткорлик яхшилигини ҳар қандай одам эътироф этади.

А ф и н а л и к . Кўрқувни кучайтириб ва шундай аҳволда ким қандай бўлганлигини кузатиб, насиҳатлар, ишонтиришлар ва рағбатлантиришлар ёрдамида одамни кўрқмас бўлишига мажбур этиш ва сенга қулоқ солмайдиган ҳамда ҳамма нарсада сен буюрганингдек бўлмаганларни шарманда қилиш учун сен бу ичимликдан фойдаланмайсанми? Яхши ва мардона машқ қилганларни уларга тўсқинлик қилмай кўйиб юборасанми, бу машқларни ёмон бажарганларга жазо белгилайсанми? Ёки, ёмонлаш учун ҳеч қандай сабаб бўлма-са ҳам, сен бундай ичимликдан ҳеч фойдаланмайсанми?

К л и н и й . Мусофир (дўстим), нега у бу ичимликдан фойдаланмас экан?

- А ф и н а л и к . Дўстим, бу гимнастикадаги ҳозирги машқларга қараганда жуда енгил синов бўларди. Уни айрим шахсларга ҳам, озчиликка ҳам ва умуман ҳар қанча миқдордаги одамларга ҳам қўлласа бўлади. Агар кимдир уятчанлиги учун, камолот касб этмагунича ҳеч (кимга) кўринмаслик керак, деб ҳисобласа ва минглаб бошқа нарсалар ўрнига фақат шу ичимликдангина фойдаланиб хилватда бир ўзи кўрқув билан кураш машқини қилса, у тўғри йўл тутган бўлур эди. Ҳам табиатдан, ҳам ўз ингилиш-ҳаракатлари билан яхши тайёргарлик кўрганлигига ишончи комил бўлса, ўзига ўзи ишонса, у кўпчилик ҳамтовоқлари билан биргаликда, ошқора машқ қилиш-шуғулланишдан ҳеч ҳам кўрқмайди. У тўғри қилади, чунки у ичкиликнинг муқаррар ўтказадиган таъсир кучини енгади ва ғалабага эришади, ҳеч бир муҳим нарсада у андишасизлик билан (яхши) фикридан қайтмайди ва ўзининг хайрихоҳлиги сабабли ҳеч нарсада ўзгармайди. Аммо у, ичкиликда ортиқчалик (меъёрдан ошиш)дан, бу ичимлик ҳамма одамлар устидан қозонадиган ғалабасидан кўрққан ҳолда, эҳтиёт бўлмоғи керак.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), тўғри айтасан, бундай қилган (одам) ўзининг ақл билан иш юритишини намойиш этарди.

649

А ф и н а л и к . Қонун чиқарувчига яна қайта ушбунни ҳам айтиб қўяйлик: «Шундай эй, қонун чиқарувчи, одамларга бундай кўрқувни кучайтирувчи (жонлантирувчи, уйғотувчи) ичимликни на худо берди, на бизнинг ўзимиз уни кашф этдик - чунки бу ерда сўз базмдаги сеҳргарлар тўғрисида кетаётгани йўқ. Аммо, кўрқмаслик (жасурлик), беқиёс кучли жасорат уйғотадиган, бунинг устига бевақт, номақбул жасоратни уйғотадиган ичимлик ўзи борми? Ёки биз бошқачароқ гапирамизми?»

К л и н и й . Мавжуд, дейди у (қонун чиқарувчи), шаробни назарда тутиб.

б

А ф и н а л и к . Бу ичимлик биринчисига (яъни хаёл қилинган ҳалиги сеҳрли ичимликка – тарж.) бутунлай қарама-қаршидур. Уни ичаётган одамни аввал у ўзини ўзига раҳмдил қилади; (кечирувчи, юмшоқ қаровчи қилади); ва

уни қанча кўпроқ тотинса, яхшилик ва ўзининг мавҳум кучига шунча кўп умидлар билан тўлиб тошади. Охир оқибатда худди у донодай, тўхтамай сўзлашга, тантиқлик ва имконият борича қўрқмасликкача боради, яъни у ўйламай-нетмай гапираверади ва ҳар неки бўлса қилаверади. Бу фикрни, ўйлайманки, ҳамма маъқулласа керак.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Яна ушбунга эслайлик. Бизнинг дилимизда икки туйғу: биринчиси – беқиёс жасорат туйғуси, иккинчиси, аксинча, беқиёс қўрқув туйғуси тарбия топиши керак, дедик.

К л и н и й . Агар адашмасак, бу, сен виждонийлик, деб атаганингдир.

А ф и н а л и к . Ёдингизда яхши сақланиб қолибди. Мардлик ва жасурлик қўрқув муҳотида ривожлантирилиши керак бўлганидан, уларга қарама-қарши сифатларни қўрқувга қарама-қарши нарса муҳотида тарбиялаш керак эмасми, деган савол туғилади.

К л и н и й . Албатта, шундай.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, биз ўз табиатимизга кўра жасур ва жасоратли бўладиган ҳолатларда, беҳаёлик ва қўрсликка иложи борича кам йўл қўйиб, бирор уятли ишни қилиш, бошидан ўтказиш ва ёки гапириб қўйишдан қўрқиб (руҳиятимиз) тарбияси билан шуғулланишимиз керакка ўхшайди.

К л и н и й . Шундайга ўхшайди.

А ф и н а л и к . Бизни бу ҳолга соладиганлар: ғазаб, эҳтирос, безбетлик (андишасизлик), жаҳолат, такаббурилик, ғараз, қўрқоқликдир. Булардан ташқари, яна: бойлик, гўзаллик, куч ва кайф бериб маст қиладиган ва бизни ақдан оздирадиган барча нарсалар. Шароб ва кўнгил хушликлардан ташқари, барча бу ҳолатларни олдинга фақат бир текшириб олиш (тажриба қилиш)га мослашган, арзон ва зарарсиз бошқа бир лаззатланишни айта оламизми, токи бу текширишлардан сўнг биз улар машқи билан шуғуллансак? Албатта, бунда баъзи эҳтиёт чоралари кўрилиши керак бўлади.

Минглаб адолатсизликлар туғиладиган инжиқ ва лапашанг дилни қандай қилиб яхши синашни муҳокама қилайлик: у билан шахсий мулоқотлар йўли биланми – унда бизга

650 хавф-хатар таҳдид қилади ёки Дионисий байрамида кузатишлар йўли биланми?

Севги дилхушликларига берилган булҳавас одамнинг дилини синаш учун, унинг дил майллари, дилидаги борини кўриш учунгина, биз унга ўз қизларимиз, ўғилларимиз ва хотинларимизни ишониб топшираимизми? Шунга ўжаш минглаб мисолларни келтириб, дилхушликлар пайтида (руҳиятни) билиб олиш қанчалик яхши эканлигининг фойдасига бениҳоя кўп гапириш мумкин бўларди. Бизнинг фикримизча, бир-биримизни синаш учун бу энг маъқул усул эканлигига на критлилар, на бошқа бировлар шубҳалана олмайдилар. Бунинг устига у, ўзининг арзонлиги, хавфсизлиги ва тезкорлиги билан синовларнинг бошқа усулларидан устун туради.

К л и н и й . Бу – айна ҳақиқат.

А ф и н а л и к . Табиатни ва дилларнинг сифатларини тушуниш, улар ҳақида қайғурадиган санъат учун энг фойдали воситалардан бири бўларди. Биз эса, менинг билишимча, бу давлатни бошқариш санъатига тааллуқли эканлигини тан оламиз. Шундай эмасми?

К л и н и й . Албатта, шундай.



ИККИНЧИ КИТОБ

Муסיқий тарбия
ҳақиқий
қонунчвликнинг
зарурий шарт
сифатида

А ф и н а л и к . Бундан кейин, албатта, **652**
ушбу масалани муҳокама этиш керак:
базмларда май ичишни тўғри тартибга
солиш фақат шу имкониятни, яъни одам-
нинг табиий сифатларини билиш имко-
ниятининг ўзини берадимми ёки ҳар қан-

дай сайъ-ҳаракатга арзигулик яна бир афзаллик мавжуд-
ми? Нима десак бўлади? Ҳа, яна бир афзаллик бор: биз-
нинг мулоҳазаларимиздан шу (фикр) келиб чиқади. У ни-
мадан иборат – бу масалада адашиб кетмаслик учун биз
буни диққат билан кўриб чиқишимиз керак бўлади.

К л и н и й . Гапиравер!

А ф и н а л и к . Мен, аввал биз тўғри тарбия, деб атаган
нарсани эсламоқчиман. Чунки мен, биз айтиб ўтганимиз **653**
афзаллик ўз ҳаёти билан худди шу тўғри тартибга солин-
ган одатга боғлиқдир, деб ўйлайман.

К л и н и й . Сен қандайдир ўта муҳим бир нарса ҳақида
гапирмоқдасан.

А ф и н а л и к . Ишончим комилки, биринчи болалик ҳис-
сиётлари – лаззатланиш ва дард ва улар туфайли дилда хай-
рхоҳлик ва тартиб намоён бўлади. Идрок этиш ва мустаҳ-
кам ҳақиқий фикрларга келсак, ҳеч бўлмаганда ҳатто қари-
лик чоғларида улар кимда намоён бўлсалар ўша одам бахт-
лидир. Кимки уларга ва уларга боғлиқ бўлган барча фази-
латларга эга бўлган одам бўлса у – баркамол инсондир. Мен
тарбия деб, аввало болаларда намоён бўладиган яхши фа-
зилатни атайман. Агар лаззатланиш, дўстлик туйғуси, ғам-
алам ва ёмон кўриш уларга ақл-идрок билан ёндошишга
ҳали лаёқатсиз одамларнинг дилларида етарлича намоён
бўлсалар, у ҳолда, кейинчалик бу лаёқатга эга бўлганлари-
да, олган шу тўғри кўникмаларини улар онг билан келишти-
риб оладилар. Худди шу келиштирилишликнинг ўзи жам-

лашган бутун хайрихоҳликдир. Эзгу иш – хайрихоҳликнинг хузур-лаззат ва дардга алоқадор қисмини, нимани ёмон кўриш керак бўлса ўшани бошдан охиригача ёмон кўришга, нимани севиш керак бўлса ўшани севишга зарурий даражада ўргатадиган қисмини мулоҳазада айрим ажратиб кўйиш ва асосли равишда менингча, уни тарбия, деб аташ мумкин бўлади.

К л и н и й . Тарбияга оид аввалги ва ҳозирги таъкидларингда сени ҳақ деб ўйлайман ажнабий (биродар).

А ф и н а л и к . Жуда яхши! Шундай қилиб, тўғри йўналтирилган лаззатлар ва дардлар тарбияни ташкил этади; аммо инсонлар ҳаётида улар кўп жиҳатдан сусаядилар ва бузиладилар. Шунинг учун, меҳнат-машаққат учун туғилган башар авлодита

ғамгузорлик қилиб бу машаққатлардан нафас ростлаш учун илоҳий байрамлар тайин қилдилар. Музаларни, уларнинг йўлбошловчиси Аполлонни ва Дионисни шу байрамлар қатнашчиси сифатида тортиқ этдилар, токи тарбия камчиликларини байрамларда худолар ёрдамида тузатиш мумкин бўлсин.

Шундай қилиб, такрор айтаманки: бизнинг ҳозирги тасдиқ этаётганимиз , ҳақиқийлик ва табиат билан мувофиқ келадими, шунини кўриб чиқишимиз керак. Биз тасдиқлаб айтдик-ки, ҳар қандай навқирон инсон, айтиш жоизки, на баданида, на овозида ҳаловат-сокинликни сақдай олмайди, аммо у доимо ҳаракатда бўлишга ва овозлар чиқаришга интилади, қаранг-ки, ёшлар масалан, рақс ва ўйинлардан лаззат топиб, гоҳ сакрайдилар ва югурадилар, гоҳида эса бор овоз билан бақирадилар.

Бошқа тирик мавжудотларда, ҳаракатлардаги уйғунлик (гармония) ва усул (ритм). деб номланадиган назокат ёки назокатсизлик ҳиссиёти йўқ. Бизнинг биргаликда айтадиган ашула ва рақсларимизда қатнашувчи сифатида бизга ҳаётият билан, деганимиз ўша худоларнинг ўзлари бизга хузур-лаззат билан ёндошган уйғунлик ва усул ҳиссиётини бердилар. Бу ҳиссиёт ёрдамида улар бизни ҳаракатлантирадилар ва биз ашулалар ва рақсларда бирлашганимизда бизнинг лапарларимизга раҳнамолик қиладилар. Хоровод маросимлар деб аталиши уларнинг «қувонч» (shara) сўзи билан ички-ботиний қардошлигидадир.

654 Аввало биз бу (ҳолат)ни тўғри, деб ҳисоблаймизми ва бошланғич тарбия Аполлон ва Музалар орқали бажарилишини аниқлаймизми? Сиз қандай ўйлайсиз?

Клиний . Ҳа, шундай.

Афиналик. Демак, биз айтамикки, ашула ва рақслар (хороводлар) билан шуғулланмаган (машқ қилмаган) одам тарбияланмаган (тарбиясиз), улар билан етарли шуғулланган бўлса, у тарбияланган (тарбиялидир);

Клиний . Албатта.

Афиналик. Хороводлар санъат яхлитлиги бўйича кўшиқ ва рақслардан иборат.

Клиний . Шубаҳсиз шундай.

Афиналик. Шунинг учун яхши тарбия топган одам чиройли ашула айтиш ва рақс тушишни билиши керак.

Клиний . Бу аниқ.

Афиналик . Ҳозиргина айтилган сўзлар нимани англатар экан кўрайликчи.

Клиний . Қайси (сўзлар)?

Афиналик . У ажойиб чиройли ашула айтади, дедик биз, яна ажойиб гўзал рақс тушади. Агар у ниманидир гўзал қилиб айтса ва рақс қилса шундагина ажойиб гўзал, чиройли бўлади, деб кўшиб кўямизми?

Клиний . Кўшамиз.

Афиналик . Яна бошқа (бир) шарт: у, ҳақиқатан гўзал нарсани гўзал ва дарҳақиқат хунук (нохуш) нарсани хунук деб ҳисоблаши зарур ҳамда ўз эътиқодини амалда қўллаши керакдир. Бундай одам, мусиқий санъат ва хороводлар (ашула айтиб рақс тушишлар) санъати маъносида, гўзалликдан қувонмайдиган ва ёмонга нафрат қилмайдиган, гарчи баъзида, ўзи гўзал, деб тан олган нарсага бадан ҳаракатлари ва овози билан хизмат қиладиган одамга қараганда яхшироқ тарбияланган бўлмайдими? Овоз ва бадан ҳаракатларида унчалик лаёқати бўлмаган, аммо, ҳузур-лаззатланишлар ва маҳзунликдан тўғри фойдаланадиган ва шу йўл билан гўзалликни олқишлаб ҳамда ёмон-нохушликни рад этадиган одам ҳар ҳолда яхшироқ эканлиги тўғрими?

Клиний . Ажнабий (дўстим), улар орасида, тарбиядаги фарқ жуда каттадир.

Афиналик . Агар биз уччаламикки, ашула ва рақсда ўзи нима гўзал эканлигини билсак, у ҳолда биз, тарбияланган одамни тарбияланмаган одамдан тузукроқ ажрата олардик, шундай эмасми. Агар биз буни билмасак, у ҳолда тар-

биянинг сақланишига нима ва қандай қўмак беришини билолмасак керак. Шундай эмасми?

К л и н и й . Албатта, шундай.

А ф и н а л и к . Шундан кейингина биз, бадан ҳаракатлари, рақс, хиргойи ва қўшиқда нима гўзал эканлигини худди искович итлардай истаб топишимиз зарур бўлади. Агар у бизга тутқич бермаса, элин ёки варварларнинг тўғри тарбиялари ҳақидаги бизнинг фикр юритишларимиз бекор бўлади.

К л и н и й . Шундай.

655 А ф и н а л и к . Яхши! Бадан ҳаракатлари ва қўшиқларнинг қайсиларини гўзал деб тан олиш керак? Айтчи: бир хилдаги оғир ҳолатларда, мардона нафс (дил) ва қўрқоқ нафс (дил)нинг бадан ҳаракатлари ва нутқлари бир-бирларига ўхшаш бўладими?

К л и н и й . Асло!

А ф и н а л и к . Жуда яхши дўстим! Музиқий санъатда ҳам бадан ҳаракатлари ва тарона бор. Аммо бу санъатнинг мавзуи бўлиб уйғунлик (гармония) ва усул (ритм) хизмат қилганлари учун у фақат усулли ва уйғунлашган бўлиши мумкин; шунинг учун тароналар ва бадан ҳаракатларининг рангинлиги ҳақида гапираётиб хорлар ўқитувчилари қиладиган ўхшатишлар бутунлай нотўғридир. Мардона ёки қўрқоқ одамнинг бадан ҳаракатлари ва тароналарига келсак, адолатли равишда тан олиш мумкинки, мардларда улар гўзалу, қўрқоқларда жирканч (хунук)дир. Бу муносабат билан меъёрдан ортиқ сўзамоллик пайдо бўлмаслиги учун, нафс (дил) ва бадан эзгулиги (хайрихоҳлиги)ни – унинг ўзи ёки унинг бирон бир ўхшашини, ифода этадиган бадан ҳаракатлари ва таронанинг барчаси гўзалдир, ёмон нуқсонни ифодаладиганларининг ҳаммаси жирканчдир.

К л и н и й . Сенинг таклифинг тўғри; биз худди шундай қарор қиламиз.

с А ф и н а л и к . Яна бир нарса: биз барча хорооводлар рақсларида бир хилдаги қувонч билан қатнашамизми ёки ундай эмасми?

К л и н и й . Мутлақо ҳар хил.

А ф и н а л и к . Айтайлик, бизни нима адашишга олиб боради? Ҳаммамиз учун бир нарсанинг ўзи гўзал эмасми ёки,

амалда шундай бўлсада, бизга бир нарсани ўзи эмасдек туюладими? Ёмон нуқсонни (иллатни) ифодалайдиган хорооводлар эзгуликни ифода этадиган хорооводлар (ашула-ўйинлар)дан гўзалроқ, ва гўёки унинг ўзи нолайиқ бадан ҳаракатларига қувонадию қолганлар бунга қарама-қарши Музага қувонадилар, деб ҳеч ким айтмайди. Айтиш жоизки, кўпчилик нафс (дил) оладиган ҳузур-лаззат мусиқий санъатнинг тўғрилиги белгиси бўлиб хизмат қилади, деб тасдиқлайдилар. Аммо бундай тасдиқлаш ножоиз ва инсофдан эмас. Ҳар ҳолда, мана шу нарса бизни адаштира ажаб эмас.

К л и н и й . Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Санъатга тааллуқли бўлган барча нарса - одамларнинг турли ҳаракатлар, воқеалар ва урф-одатлардаги ўзини тутиши (ахлоқи)нинг акс эттирилиши бўлгани учун, шу ахлоқнинг барча қирралари тақлид йўли билан акс эттирилади, шу сабабли табиий равишда уларга қувонадилар, уларни мақтайдилар ва гўзал деб тан оладилар, албатта булар, табиатлари ёки кўникмалари ёки униси ҳам, буниси ҳам бирга, сўзлар ва хорооводлардаги тароналар билан мувофиқ келган одамлардир. Табиатлари, фазилатлари ва кўникмаларига бу рақслар зид бўлган одамлар эса, на қувона олмайдилар, на мақтай олмайдилар, аммо уларни нохуш деб ҳисоблайдилар. Ниҳоят, яхши табиий хислатларга эга бўлган баъзи одамларда, урф-одатлар уларга (ўша фазилатларга) қарама-қарши ёки аксинча, урф-одатлар тўғрию, лекин табиий фазилатлар ярамайдилар бу ҳолда эшитиладиган мақтовлар улар ҳис этаётган ҳузур-лаззатларга зиддирлар. Улар айтадилар-ки, ҳузур-лаззат келтирсалар-да баъзи бир хорооводлар яхши эмаслар. Улар бундай бадан ҳаракатларидан уяладилар, ўзлари оқил деб тан олган одамлар ҳузурида бундай қўшиқлардан уяладилар, яна (ўша одамлар) у қўшиқларни гўзал, деб тан олдилар, деб оқил одамлар ўйлашларидан қўрқиб шундай астойдил уринадилар; ўзлари эса пинҳона, дилларида буларга қувонадилар.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.

А ф и н а л и к . Ёмон бадан ҳаракатлар ва қўшиқларга қувонадиган одамга бу бирмунча зарар келтирмайдими?

Аксинча, унинг қарама-қаршисидан ҳузур-лаззат топганлар бирмунча фойда кўрмайдиларми?

К л и н и й . Эҳтимол (шундайдир).

- b** А ф и н а л и к . Бузуқ ва жоҳил одамлар билан доимо мулоқотда бўладиганлар билан неки рўй берса шунга бундай одам мубтало бўлиб қолиши фақат эҳтимолмикин ёки албатта шундай бўлармикин? У уларни ўзидан нарига итариб юбормайди, аксинча, у улардан (ёмонлардан) хурсанд, улар унга ёқадилар; мабодо у уларни ёмонласа ҳам, фақат хазил қилиб ёмонлайди, гўёки ўзининг ҳеч нарсага арзимаслиги фақатгина бир рўё, тушдай. Бу ҳолатда ўша қувонаётган (одам), кимлардан хурсанд бўлса ўшаларга ўхшаб қолади, гарчи у уларни мақташга уялсада. Пайдо бўлиши муқаррар бўлган (бундан) каттароқ яхшилик ва ёмонликни айтиш мумкинми?

К л и н и й . Менимча айтиб бўлмайди.

- c** А ф и н а л и к . Аммо, қаерда гўзал (мукаммал) қонунлар бўлса ёки кейинчалик шундай бўладиган бўлса, ижодий неъматга мушарраф бўлган барча одамларга мусиқий тарбия соҳасида ўз усули (ритми), таронаси, сўзлари билан қисқача айтганда шоирнинг ўзига ёқадиган нарсаларга ўргатишга имконият берилиши мумкинлигини тасаввур қилиб бўладими? Болалар ва ўспирин йигитлар, қонунга бўйсунадиган фуқароларнинг фарзандлари эзгулик ва ёмонлик (ёвузлик) ишларида ашула-рақсларни бошқарувчиларнинг тасодифий таъсирларига тушиб қолишларига йўл қўйиб бўладими?

К л и н и й . Асло! Бу оқиллик заминидан маҳрум-ку.

- d** А ф и н а л и к . Аммо ҳозирги пайтда худди шу нарсага барча давлатларда рухсат берилган, Мисрдан ташқари.

К л и н и й . Бу борада Мисрда қандай қонунлар қабул қилинган?

А ф и н а л и к . Бу ҳақда ҳатто эшитиш ажойиб! Биз ҳозир айтганимиз ҳолат мисрликлар тарафидан қадим замонлардан бери тан олинган: давлатларда ёшлар орасида гўзал бадан ҳаракатлари ва гўзал қўшиқлар билан шуғулланиш одат тусига кириши зарур. Нима гўзал эканлигини белгилаб олиб, мисрликлар муқаддас байрамларда бу ҳақда эълон қилдилар ва ҳеч кимга – на мусаввир-

ларга, на ҳар хил тасвирларни ярағадиган бошқа кимга-
дир, на мусиқий санъат билан шуғулланувчи барча одам-
ларга янгилик киритиш ва ўз ватанига тааллуқли бўлма-
ган нарсани ўйлаш манъ қилинган эди. Бунга ҳозир ҳам
йўл қўйилмайди. Агар сен (яхшилаб) эътибор берсанг, у
ерда ўн минг йил аввал, бу чиройли гапириш учун эмас,
ҳақиқатан ҳам шундай, бажарилган мусаввирлик ёки ҳай-
калтарошлик асарлари, ҳозирги ижод этилганларидан
ҳеч нарсаси билан гўзалроқ ҳам хунукроқ ҳам эмас, шу-
нинг учун, униси ҳам (мусаввирлик асарлари), буниси ҳам **657**
(ҳайкаллар) ўша-ўша бир санъат ёрдамида ижро этилган.

К л и н и й . Ажойиб!

А ф и н а л и к . Ҳа, давлат учун олий даражадаги доно
қонун. Бошқа нарсада у ерда муваффақиятсиз нимани-
дир топишинг мумкин. Аммо, мусиқий санъат ҳақида бу
қарор тўғри. Шуниси эътиборга лойиқки, шундай ишда ҳам,
қатъий қонунлар йўли билан, ўз табиатига кўра исталган
мақбул (мақсадга) элтадиган энгилик бериб хурсанд қила-
диган қўшиқлар яратишга имконият яратилиши мумкин
бўлди. Бу худонинг ёки қандайдир илоҳий инсоннинг иши **b**
бўлиши керак. Мисрликлар, шунчалик узоқ вақт давомида
сақланиб қолган бу қўшиқлар Исиданинг ижоди, деб бе-
корга айтмайдилар. Мен айтиб ўтганимдек, санъат асар-
ларидаги мақбул нарсани кимдир у ёки бу йўл билан ушлаб
қолаоладиган бўлса, буни қоида ва қонун сифатида жасур-
лик билан барқарор этиши зарур бўларди. Чунки – янгилик
излаш борасида мусиқий санъатда ифодаланадиган ҳузур-
лаззат ва дард чекишга бўлган интилиш, гўёки эскириб
қолди, деган баҳона билан қадимги муқаддас хороводлар
(биргаликда қўшиқ айтиб рақс тушишлар)ни йўқ қилиб
юборгудек кучли бўлмаса керак. Ҳар қалай Мисрда бунинг
рўй бериши ҳеч мумкин эмас; аксинчадир.

К л и н и й . Сенинг ҳозирги сўзларингдан аёнки бу дарҳ-
ақиқат шундай. **c**

А ф и н а л и к . Мусиқий санъат ва рақслар билан ён-
дошган ўйинларни қўллаш, агар қачонки биз яхши иш
қилсак қувонсак ва аксинча, қувонган пайтимизда, де-
мак биз яхшилиқ қилган бўлсак, шундагина тўғри бўлади.
Тўғрими?

Клиний . Албатта.

Афиналик . Биз қувонаётган пайтимизда осойишта-
ликни сақлай оламизми?

Клиний . Йўқ.

d Афиналик . Бизнинг ёшларимиз ўз-ўзича ҳам кўшиқ
айтиб рақсга тушишга тайёр, биз катталар эса, уларга
қараб, уларнинг байрам ўйинларидан шодланиб вақт ўтка-
зишни афзал кўрамыз. Биз энди тарк этган аввалги эп-
чиллигимизни (эслаб) кўмсаймиз ва бизнинг ёшлигимиз
ҳақидаги хотираларни кўпроқ уйғота оладиганлар учун
бажону дил мусобақалар уюштирамыз.

Клиний . Мутлақо тўғри.

Афиналик . Байрамлар қатнашчилари тўғрисида,
бизни ким кўпроқ қувонтирса ва шодланишга мажбур этса
ўшани голиб деб тан олиш ва уни энг доно деб ҳисоблаш
керак деган, бизнинг давримизда кўпчилик томонидан
изҳор этиладиган фикрни биз мутлақ сафсата деб ҳисоб-
лай оламизми? Байрамларда биз ўйинларга берилиб ке-
тамиз; шунинг учун кўпчиликни ким кучлироқ қувонтир-
са, гўё ўшани кўпроқ эъзозлаш керак бўлади. Бундай одам,
658 ҳозир мен айтганимдай гўё галаба соврини олиши зарур.
Бу фикр ё нотўғрими, худди шундай қилиш нотўғри бўлар-
миди?

Клиний . Балки тўғридир.

Афиналик . Аммо, азизим, бунчалик муҳим иш ҳақида
шошма-шошарлик билан ҳукм чиқармайлик. Уни муҳо-
кама қилиб, қисмларга ажратиб қуйидагича мулоҳаза юри-
тайлик: агар кимдир, қандайдир бирор мусобақани у гим-
настика, отда чопиш, мусиқа бўладими аниқламасдан
бирдан, шундайгина уюштирса; агар у давлатдаги одам-
ларни тўпласа, мукофотлар белгиласа ва мусобақалар
бошланиши олдидан, бу мусобақаларда ҳар қандай хоҳ-
ловчи қатнаша олишини, ҳамда бу мусобақанинг мақса-
d ди фақатгина дилхушлик келтиришидагина эканлигини,
шунинг учун томошабинларга ким кўпроқ лаззат бахш этса
(қандай қилиб бунга эришиш ноаниқ бўлсада), худди шу
(йўл) билан у галабага эришади ва мусобақанинг энг ёқим-
ли иштирокчиси, деб тан олинади, деса, бундай муқадди-
ма нимага олиб келарди?

Клиний . Нима демоқчисан?

Афиналик . Балки, биров, Хомерга ўхшаб рапсодия билан, бошқаси кифара жўрлигида қўшиқлар билан, учинчиси қандайдир фожиа (трагедия) билан, тўртинчиси кулгили асар – комедия билан қатнашар ва ажабланарли жойи йўқ-ки, кимдир кўғирчоқ театри билан чиқар ва ўзида галаба учун энг кўп далиллар бор деб ҳисоблар. Ва агар, шундай мусобақалашувчилар ва уларга ўхшаш минглаб бошқалари ҳозир бўлсалар, ҳуқуқий равишда галаба кимга тегишини айта оламизми?

Клиний . Ғалати савол! Мусобақалашаётганларнинг ҳар бири билан гаплашиб (фикрини) билмасдан олдин, ким сенга тўлақонли жавоб бера олади?

Афиналик . Бу ғалати саволга мен жавоб беришимни истайсизми?

Клиний . Қандай (жавоб берардинг)?

Афиналик . Агар жажжи болаларга қолса, улар кўғирчоқбоз фойдасига айтардилар. Шундай эмасми?

Клиний . Шундай.

Афиналик . Агар ўспиринлар қозилик қилсалар, у ҳолда комедия фойдасига (ҳал) бўларди; фожиа фойдасига – ўқимишли аёллар, йигитлар ва балки томошабинларнинг кўпчилиги.

Клиний . Бўлиши мумкин.

Афиналик . Биз қариялар эса, «Иллиада» ёки «Одиссея»ни ёхуд Гесиоддан ниманидир яхши ўқиб берган рапсод (хонанда)га галабани муносиб кўрардик; чунки у бизга энг кўп ҳузур бахш этарди. Мана шундан кейин савол ҳам туғилади: аслида ким ғолиб? Тўғрими?

Клиний . Ҳа.

Афиналик . Шуниси равшанки, сиз билан биз бизнинг ёшимиздаги одамлар томонидан эътироф этилган – аслида ғолиб, деб айтган бўлардик. Бизнинг фикрлашимиз, ҳозир турли давлатларда учрайдиган фикрлашларнинг энг аълоси бўлиб туюлади.

Клиний . Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик . Шунга муносиб равишда мен, ҳеч бўлмаганда мусиқий санъатда ўлчов – ҳузурланиш эканлиги борасида кўпчилик (фикрига) қўшиламан. Аммо мен, би-

- ринчи учраганга эмас, етарли даражада яхши тарбия олган энг яхши одамларга лаззат бахш этадиган Музани энг гўзал, деб тан оламан; айниқса эса, ўз эзгу ишлари ва тарбияси билан ажралиб турадиган одамга ҳузур бахш этадиган музани (тан оламан). Бу масалалар ҳақида фикр билдириши керак бўлган одамларга эзгулик зарурлигини шунинг учун тасдиқ этамизки, улар қолган бутун оқиллик,
- 659** идрокка, айниқса мардликка таалуқли бўлишлари керак. Чунки ҳақиқий ҳакам (судя) театр томошабинлари таъсири остида фикр билдирмаслиги, оломон шовқинидан ва ўзининг тарбиясизлиги туфайли довдираб, ўзини йўқотиб қўймаслиги керак. Билагон одам, мардлик етишмаслиги, қўрқоқликдан суд бошланиши олдидан худоларга илтижо қилган ўша тили билан хато (ёлгон) фикрини енгилтаклик билан айтмаслиги керак. Ҳакам (судя) театрда томошабинлар шогирди сифатида эмас, адолат юзасидан, устоз сифатида, томошабинларга нолойиқ ва ножоиз ҳузур-лаззатланиш берадиганларга қаршилиқ кўрсатиш учун савлат тўкиб ўтиради, қатнашади. Қадимги эллин қонуни худди шундай бўлган. Ким учун кўпроқ қўл кўтарилса ўша ғолиб бўладиган, ҳал этишни томошабинлар оломонига қўйиб берувчи ҳозирги Сицилия ва Италия қонунларига у қонун (эллин қонуни назарда тутилади - тарж.) ўхшамас эди. Бу қонун шоирларнинг ўзини ҳам хароб қилади, чунки, улар ўз ижодларида ҳакамлар (судялар)нинг ёмон таъбларига
- c** мослаша бошладилар, томошабинлар шундай қилиб, ўзларини ўзлари тарбиялайдилар. У, театр берадиган ҳузур-қувончни ҳам бузди, чунки, бундан шу ҳол келиб чиқар эдики, томошабинлар ўзларида мавжуд ахлоқдан кўра яхшироқ ахлоқлар ҳақида мунтазам эшитиб ўз таъбларини камолга етказишлари керак. Энди эса иш бутунлай бунинг аксидир. Ҳозирги мулоҳазаларимиз билан биз нимани назарда тутамиз? Қаранг мана бу эмасми?..

d Клиний. Нима?

Афионалик. Менимча, бизнинг мулоҳазаларимиз учинчи ёки тўрттинчи маротаба бир нарсанинг ўзига келиб қолмоқда: Тарбия, қонун томонидан тўғри деб топилган ва унинг ҳақиқатан ҳам тўғрилигига энг обрўли ва улуғ ёшдаги одамлар ўз тажрибалари ила ишонч ҳосил қилганидай фикр юри-

тишга болаларни жалб этиш ва шунга олиб келишдир. Шундай қилиб, боланинг дили (нафси) қонунлар ва улар (қонунлар)га итоат қилувчи одамларга зид тарзда қувониш ва дард чекишга ўрганмаслиги учун ҳамда қария нимага қувониб, дард чекса бола ҳам ўз қувончлари ва дард чекишларида шунга эргашсин, деб қўшиқлар тўқилган. Биз уларни шундай атаймиз; аслида эса улар кўнгилни (дил, нафсни) шайдо қилувчи жодулардир; улар жиддий мақсадга – биз айтиб ўтган уйғунлик (гармония)га қаратилгандирлар. Ёшларнинг рухиятлари жиддий нарсани қабул қилмасликлари сабабли, уларни ўйин, қўшиқ деб аташ ва уларнинг фақат шу тарзда ижро этиш зарурати пайдо бўлди: касал ва бадани ожиз одамларга қарайдиганлар уларга фойдали озикани ширин, зарарли нарсаларни бемаза таомлар ёки ичимликлар билан беришади, токи касаллар биринчисини хуш кўриш ва иккинчисини ёмон кўришга ўргансинлар. Худди шунга ўхшаб, яхши қонун чиқарувчи чиройли нутқ ва тақдирлашлар орқали шоирга йўл-йўриқ кўрсатади; агар у итсаат этмаса уни маъқул тарзда ижод қилишга, уйғунлик (гармония)да оқил, фикрловчи, мард ва ҳар жиҳатдан яхши одамларнинг қўшиқларини, усул (ритм)ларда эса бадан ҳаракатларини тасвирлашга мажбур этади.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), Зевс номи билан қасамёд қиламанки, наҳотки сен бошқа давлатларда ҳозир шундай йўл тутишади, деб ўйлайсан? Менинг назаримда сен айтаётган нарсаларга бизда ва Ажкедемонияликлардан бошқа бирон-бир ерда риоя қилмайдилар. Аксинча, рақсларда ҳам, бошқа барча мусиқий санъат(лар)да ҳам мунтазам равишда янгиликлар пайдо бўлиб туради. Бу ўзгаришлар қонун бўйича эмас, қандайдир тартибсиз ҳузурланишларнинг таъсири остида рўй беради, улар эса Мисрдагилардан анчагина йироқ, уларга ўхшамайдилар ва сен айтганингдек у ерда (Мисрда) қабул қилинган одатларга эмас, бошқаларига риоя қиладилар.

А ф и н а л и к . Мутлақо тўғри, Клиний. Агар сенга, гўёки мен, ҳозирнинг ўзида сен айтаётган нарса амалга оширилган, деган бўлгандек туюлган бўлса, у ҳолда – бу ажабланарли эмас, – мен ўз фикримни изҳор этишда ноаниқликка йўл қўйган бўламан, шунинг учун ҳам у шундай ту-

шунилган. Мен, мусиқий санъатда маълум-машҳур нарсаларни амалга ошириш ҳақидаги ўз истакларимни айтдим холос, сенга эса эҳтимол, худди бу нарсалар мавжуд, деб айтганимдек бўлиб туюлгандир. Ўз адашишларида анча ўралашиб қолган даволаб бўлмас ҳолларни қоралаш ҳеч ҳам ширин бўлмайди, аммо баъзида шундай қилмаса

d бўлмайдиган заруратдир. Агар сен ҳам шундай деб ўйласанг у ҳолда айтчи. сизларда ва лакедемонияликларда бу одатларга бошқа эллинларга қараганда яхшироқ амал қилинадими?

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Агарда уларга бошқаларда ҳам амал қилинса, бундай ҳолатни ҳозирги ҳолларга қараганда яхшироқ, деб тан олармидик?

К л и н и й . Агарда сенинг ушбу истагинг амалга ошганида ва бу одатларга фақат бизда эмас, лакедемонияликларда ҳам риюя қилинса беқиёс яхши бўлар эди.

А ф и н а л и к . Келинг, умумий бир хулоса чиқарайлик. Бизнинг барча тарбиямизнинг ва мусиқий санъатнинг қоидалари ушбу ҳолда жамланмайдими. Сиз шоирларни, яхши одам оқилона фикрлайдиган ва адолатли бўлса, у

e буюк ёки кучли бўладими ёки кичик ва ожиз, ва бойми ёхуд бой эмасми барибир бахтли ва фараҳли, деб айтишга мажбур этасиз. Агар у Кинир ва Мидасдан бадавлатроқ бўлсаю аммо, адолатсиз бўлса, у ҳолда у бахтсиз ва унинг ҳаёти зерикарли. “Ҳеч нарсага арзигулик деб билмасдим, ва ҳеч вақт ёдга олмасдим” – дейди бизнинг шоиримиз (ва унинг ҳақлиги аён) – адолат билан иш кўриб, фаровонлик (неъмат), деб аталувчи нарсаларни амалга оширолмайдиган инсонни. Агарда “мушт кўтариб жангга киришга” бундай одам “астойдил шайланса” ҳам адолатсиз бўлгани учун,

661 у “қонли ишга қарашга” журъат қила олмайди ва югуришда “фракцияли Борейдан тезроқ” бўлолмайди. Бундай одамга бу неъматлардан ҳеч нарса тегмайди. Айтиш керакки, кўпчилик неъмат деб атовчи нарса, бундай аталиши хатодир. Одатда айтадиларку, гўёки энг яхши нарса – бу саломатлик, иккинчидан, гўзаллик, учинчидан, бойлик, деб; яъни минглаб бошқа неъматларни айтадилар, масалан, кўзнинг яхши кўриши ва эшитиш қуввати ва умуман сезги аъзола-

рининг яхши аҳволи. Бунга яна, мутлақ ҳукмдорликка эга бўлган ҳолда ўзининг барча истакларини амалга ошириш имкониятларини ҳам киритадилар. Ниҳоят, буларнинг барчасига эга бўлганидан сўнг тезроқ абадий (ўлмайдиган) бўлиб қолиш фароватнинг энг олий нуқтаси ҳисобланади. Биз эса сиз билан биргаликда айтамызки, адолатли ва ҳалол, яхши ниятли одамлар учун буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам энг яхши бойлиқдир, аммо адолатсизлар учун саломатликдан бошлаб буларнинг бариси энг ёмон жаҳолатдир. Кўриш, эшитиш ва ҳиссиётлар ҳам, умуман бутун ҳаёт – бундай одам учун энг даҳшатли ёмонлик, ёвузликдир, гарчи у, мангу тирикликка эга бўлса ҳам ва адолат ҳамда барча эзуликнинг ҳаммасидан ташқари бор неъматларни олган бўлса ҳам. Агар бундай одам имкони борича қисқароқ вақт яшаса, ёмонлик (ёвузлик) камроқ бўлади. Мен ўйлайманки, сиз ўз шоирларингизни буларнинг ҳаммасини ифода этишга ишонтира оласиз ва мажбур эта оласиз. Муносиб усул (ритм) ва уйғунлик (гармония)ни танлаб олиб улар худди шу йўсинда сизнинг ёшларингизни тарбиялашлари керак. Шундай эмасми? Қаранг, мен шуни тасдиқ этаманки, ёмонлик (ёвузлик) деб айтаётганлари, адолатсиз одамлар учун бир неъматдир, адолатлилар учун эса – ёмонлик (ёвузлик)дир. Неъмат эса яхши одамлар учун ҳақиқатан ҳам неъмат, ёмонлар (ёвузлар) учун – ёмонлик (ёвузлик)дир. (Бошқача айтганда, яхшилик, яхши одамлар учун ҳақиқатан ҳам яхшиликдир, ёмонлар учун – ёмонликдир – тарж.) Шунинг учун ҳам мен савол бермоқдаман. сиз менинг фикримга қўшиласизми ё йўқми?

К л и н и й . Менимча, баъзи бирларига – ҳа, баъзиларига – йўқ.

А ф и н а л и к. Саломатлик, бойлик, ниҳоят мутлақ ҳокимият соҳиби бўлган одам (сиз учун яна қўшиб айтаман. унда улкан куч, мардлик ва шу билан бирга барҳаётлик мавжуд, унинг ўзи адолатсизлик ва сурбетликдан иборат эканлиги ҳисобга олинмаса, у билан ҳалоқат, деб аталадиган нарсаларнинг ҳеч бири содир бўлмайди) – шундай тарзда ҳаёт кечирса, бундай одам умуман бахтли эмас, аксинча ночор эканлигига наҳотки сизларни ишонтира оладим?

Клиний. Сен мутлақо ҳақсан.

662 Афиналик. Жуда яхши! Бундан кейин яна нима десак бўлади? Адолатсиз ва сурбет одамнинг ҳатто у мардона ва кучли, ва гўзал, ва бадавлат, ва ҳаёти давомида хоҳлаган ишини қила оладиган бўлса ҳам, ҳаёти сизларга иложсиз шармандали ҳаёт бўлиб туюлмайдими? Бундай ҳаёт шармандали эканлигига сиз ҳар ҳолда қўшиларсиз?

Клиний. Албатта.

Афиналик. Бу ҳаёт ёмон деган фикрга ҳам қўшиларми?

Клиний. Бу билан у даражада эмас.

б Афиналик. Нега? Бу ҳаёт унинг ўзи учун ҳам нохуш ва зарарли эканлиги билан-чи?

Клиний. Бунга қўшилиб бўладими?!

с Афиналик. Назаримда, дўстлар агар бирон-бир худо, бизга мураса ато этгандагина; энди бизларнинг сўзларимизда анчагина тафовут пайдо бўлди. Менга эса, дўстим Клиний, бунинг ҳаммаси ўта зарурий ва ҳатто Крит-орол эканлигига қараганда ҳам равшанроқ туюлади. Мен қонун чиқарувчи (соҳиби қонун) бўлганимда, шоирларни ва умуман давлатдаги барча (одамлар)ни худди шундай дейишга мажбур қилган бўлардим; ўзлари ёмон бўлсаларда, ҳаётлари хушнуд одамлар бор ва гўё бир нарса фойдали ва манфаатли, бошқаси эса – адолатли бўлади, деган фикрни мамлакатда айтиб юрувчи одамга энг катта жазога яқин жазо берган бўлардим. Мен ўз фуқароларимни яна бошқа кўпгина фикрларни, назаримда ҳозирги критли ва лакедемони-яликларнинг нуқтаи назарларига қарама-қарши, бунинг устига бошқа одамларнинг ҳам нуқтаи назарларидан фарқ қиладиган фикрларни билдиришларига ундаган бўлардим. Зевс ва Аполлон ҳурмати, сиз, одамларнинг яхшилари айтинг-чи, бизга қонунларни берган шу худоларнинг ўзларидан сўрасак бўладими, ҳаёт олий даражадаги адолатли ва шу билан бирга олий даражада хушнудми ёки икки турдаги ҳаёт борми, бири – олий даражада хушнуд, бошқаси – олий даражада адолатли? Агар худолар, икки тури бор, деб жавоб берсалар, у ҳолда биз бундай деб сўрар эдик (фақат саволарни тўғри қўйиш керак). кимни кўпроқ бахтли деса бўлади – энг адолатли ҳаёт кечираётганларними ёки энг

хушнуд ҳаёт кечираётганларними? Агар худолар, охиргилари деб жавоб берсалар, уларнинг сўзлари ғалати бўларди. Аммо худолар тўғрисида бундай нарсалар дейишни хоҳламайман; лекин уни бизнинг оталаримиз ва қонун чиқарувчиларимиз тўғрисида айтаман. Аввал қўйилган савол отага ва қонун чиқарувчига таалуқли бўла қолсин. Тахмин қилайлик у, энг хушнуд ҳаёт кечираётган одам ҳаммадан бахтлироқ, деб жавоб беради. Мен бундан сўнг қуйидагиларни ундан сўрадим. “Ота, менинг имконият борича бахтлироқ яшашимни хоҳламайсанми? Шу билан бирга менга иложи борича адолатлироқ ҳаёт кечириш зарур, деб уқдирар эдинг. Ўз қоидаларини ким шундай ифодаламасин – бари бир, қонун чиқарувчимиз ёки ота, – ўз сўзларининг бири-бирига мувофиқ келиши нуқтаи назаридан ғалати ва мушкул аҳволга тушиб қолар эди. Агар аксинча, у, энг адолатли ҳаёт, энг бахтли ҳаётдир, деб эълон қилса, ўйлайманки, унинг сўзларига қулоқ солаётган ҳар қандай одам, одамда гўзал ва эзгу нарса нима эканки у ҳузурланишдан кучлироқ ва шундай сифатда қонун томонидан маъқулланади, деб уни текширишга тушарди. Ҳузурланишдан маҳрум бўлган нима нарса, адолатли одам учун эзгу нарса бўлиши мумкин? Айт-чи, наҳотки одамлар ва худолар томонидан (бўлган) шарафлаш ва мақтов, гарчи улар нимадир эзгулик ва гўзаллик бўлсада, бари-бир ёқимсиздирлар, шарафсизлик эса – аксинча? Албатта бундай эмас, қадрли соҳиби қонун, – деймиз биз. Эзгулик ва гўзалликнинг худди ўзи бўлсада, ҳеч кимни хафа қилмаслик, ҳеч ким томонидан хафа қилинмаслик наҳотки нохуш бўлса ва наҳотки, бошқа нарса шармандали ва ёмон бўлишига қарамай хушнуд, ёқимли?”

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, хушнуд (ёқимли)ликни адолатлилик, эзгулик ва гўзалликдан ажратмайдиган таълимотнинг ҳеч бўлмаганда шу афзаллиги борки, у ҳар бир одамни ҳалол-виждонан ва адолатли ҳаёт кечиришни хоҳлаш зарурлигига ишонтиради. Агарда қонун чиқарувчи бу бундай эмас, деб қатъий фикр билдирса, у ҳолда унинг сўзлари бениҳоя шармандали ва зиддиятли бўлади. Ўз ортидан дард чекишга қараганда, мумкин қадар кўпроқ қувончни эргаштириб

- c келмайдиган нарса (иш)ни ихтиёрий ижро этишга ўзини кўндиришга ҳеч ким йўл қўймайди-ку. Нимага узоқдан қаралса, ўша нарса, таъкид этса бўлади-ки, ҳаммани, айниқса болаларни бош айланишга мубтало қилади. Қонун чиқарувчи эса, менимча, бу ховур (пардаси)ни олиб ташлаб, бошқаларда равшан бир фикр пайдо қилиши керак. У турли кўникмалар, мақтовлар ва мулоҳазалар ёрдамида, адолат ва адолатсизлик – расмдаги нур ва сояга ўхшашлигига ишонтириши керак; адолатсизлик, адолатта қарама-қарши ва унга ўзингнинг адолатсиз ва ёмон нуқтаи назаринг билан қарасанг у (адолатсизлик - тарж.) ёқимли, адолат эса – жуда ҳам ёқимсиз туюлади; агарда адолат нуқтаи назари билан қаралса, у ҳолда ҳамма нарса аксинча бўлиб чиқади.

К л и н и й . Дарҳақиқат шундай.

А ф и н а л и к . Мулоҳазаларнинг ҳаққонийлиги маъносида, бу икки нуқтаи назардан қайси бирини салмоқлироқ, муҳимроқ, деб тан оламиз? Ёмонроқ нафс (дил)нинг нуқтаи назариними ёки яхшисинингми?

- d К л и н и й . Тан олиш керак, яхшисининг.

А ф и н а л и к . Демак, шуни ҳам тан олиш керакки, адолатсиз ҳаёт кўпроқ шармандали ва қабихдир. Яна адолатли ва ҳалол, виждонли ҳаётга қараганда кўпроқ ёқимсиздир.

К л и н и й . Дўстим, ҳарқалай бизнинг мулоҳазаларимизга кўра шундай бўлиб чиқади.

А ф и н а л и к . Аммо, ҳатто шундай бўлмаган тақдирда ҳам – бизнинг ҳозирги мулоҳазаларимиз бунинг эҳтимоли борлигини кўрсатди, – бир оз бўлсада фойдали қонун чиқарувчи у ҳолда, ёшларга нисбатан уларнинг ўзларининг (яъни ўша ёшларнинг - тарж.) манфаатлари учун ёлгон ишлатишга журъат қиларди. Мажбуран эмас, ихтиёрий равишда барча нарсада адолатли бўлишга мажбур этиш учун у, бундан ҳам фойдалироқ ёлгонни топа олармиди?

К л и н и й . Ажнабий (биродар), ҳақиқат гўзалдир ва шундай бўлиб қолмоқда, аммо бунга ишонтириш қийинга ўхшайди.

А ф и н а л и к . Фараз қилайлик. Ақл бовар қилмайдиган бўлса ҳам, сидонлик ҳақидаги эртаққа ва яна минглаб бошқаларига ҳам ишонишга мажбур этиш осон иш бўлиб чиқдику.

К л и н и й . Қайси эртакка?

А ф и н а л и к . Экилган тишлардан қуролланган одамлар ўсиб чиққани (туғилгани) ҳақидаги. Ёшларнинг дил (нафс)-ларини хоҳлаган нарсага ишонтириш мумкин эканлигига қонун чиқарувчи учун бу буюк бир мисол. Шунинг учун у, давлатта беқиёс буюк эзгулик бахш этишига ишонч туғдирадиган нимаики бўлса ўшани топишга энг кўп қайғуриши зарурдир. Биргаликда яшайдиган барча одамларни доимо, бутун умри давомида бу мавзуларга нисбатан қўшиқларда ҳам, ривоятлар ва фикрлашлар – мулоҳазаларда ҳам бир хилдаги қарашларига қандай қилиб мажбур қилиш мумкинлигини билиш учун қонун чиқарувчи турли-туман воситалар топиши керак. Менинг фикримга ўхшамайдиган фикрга эга бўлсангиз баҳсли масалани муҳокама қилишга ҳеч нарса қаршилиқ қилмайди.

b

К л и н и й . Менимча, ушбу ҳолатлар ҳақида ҳеч биримиз баҳслаша олмаса керак.

А ф и н а л и к . Ундай бўлса, мен кейинги масалалар борасида баҳс юритишим мумкин. Мен шунни тасдиқлаб айтаманки, мавжуд бўлган учта хоровадларнинг ҳаммаси, болаларнинг нозик дил (нафс)ларини шайдо қиладиган қўшиқларни айтишлари керак. Бу қўшиқларда, биз баён этган ва яна баён этадиган барча ажойиб гўзалликлар изҳор этилиши зарур. Аммо, асосийси ушбу бўлиши керак: энг яхши ҳаёт худолар томонидан энг ёқимли деб тан олинади. Буни изҳор этар эканмиз, биз айни ҳақиқатни ифода этамиз ва шу билан бирга, шу қарашни бошқачароқ ифода этганимизга қараганда, кимларни ишонтириш керак бўлган бўлса, ўшаларни тезроқ ишонтирамиз.

c

К л и н и й . Сенинг сўзларингга қўшилиш керак.

А ф и н а л и к . Биз айтганларни бутун давлат олдида имконият борича иштиёқ билан мадҳ этмоқ учун, болаларнинг Музалар хороводи биринчи бўлиб чиқиши дуруст бўларди. Иккинчи хоровад (қўшиқ айтиб ўйновчилар жамоаси) ҳали ўттизга кирмаган одамлардан ташкил этган бўлади. Ўз сўзларининг ҳаққонийлигини тасдиқлаши учун Пэанни у гувоҳликка чақиради ва ундан (Пэандан – тарж.) ёшларга раҳмдил бўлишига ва уларни ишонтиришга ёр-

d дам беришини илтижо қилади. Учинчи қўшиқ айтиб ўйновчи жамоада ўттиз ёшдан олтмиш ёшгача бўлган одамлар қўшиқ айтадилар. Ким бу ёшдан ўтган бўлса, кимнинг қўшиқ айтишга кучи етмаса, улар илоҳий кароматларга асосланган худди ўша ахлоқий қондалар ҳақидаги ривоятларни айтувчилар бўлсинлар.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сен қандай учинчи хоро-водлар (қўшиқ айтиб ўйновчи жамоалар) ҳақида гапирмоқдасан? Сен бу билан нима демоқчи эканлигингни унча тасаввур эта олмаяпмиз.

А ф и н а л и к . Бундан олдинги барча баён этганларимиз худди шулар учун (баён этилганди) деса ҳам бўлади.

e К л и н и й . Биз тушунмаяпмиз. Тушунтиришга ҳаракат қилиб кўр-чи.

А ф и н а л и к . Сиз эслаб қолганингиздай, мулоҳазаларимизнинг бошланишида биз айтдик-ки, барча навқирон инсонларнинг табиати алангали (жўшқин), шунинг учун на баданда ва на овозда осойишталик сақлай олмайди, у тинмай ва тартибсиз товушлар чиқаради ва сакрайди (сакраб, чопади). Одамдан бошқа ҳеч қайси тирик мавжудот бадан ҳаракатлари ва товушлардаги тартиб туйғусига эга эмаслар. Ҳаракатдаги тартиб усул (ритм) номини олган юқори ва паст пардаларнинг (садоларнинг) алмашишидаги пайдо бўладиган, товушлардаги тартиб уйғунлик (гармония) номини 665 олган. У ва бу биргаликда хор санъати деб аталади. Ундан кейин биз айтдик-ки, худолар бизга ҳамдардлик қилиб бизнинг хороводларимизга қатнашчилар ва бошловчилар қилиб Аполлон ва Музаларни бердилар; эсимда турибди, учинчиси деб Дионисни айтган эдик.

К л и н и й . Бу бизнинг ҳам ёдимизда.

А ф и н а л и к . Аполлон ва Музалар хори ҳақида айтиб ўтилади. Энди (айтилмай) қолган учинчи хор – Дионис хори b ҳақида гаплашиб олиш керак.

К л и н и й . Қандай? Айтиб бер бу ҳақда. Қарияларнинг дионисий хори ҳақида биринчи марта эшитганларга бу жуда ғаройиб туюлади. Наҳотки бу хор ҳақиқатан ҳам ўттиздан ошиб қолган ва элик ёшдаги, ҳатто олтмишгача бўлган одамлардан ташкил топган бўлади?

Афиналик. Сен айна ҳақиқатни айтмоқдасан. Бу ҳолат соғлом ақл-идрокка қандай мос келишини кўрсатиш учун дарҳақиқат уни асослаб бериш зарур.

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Аввалги мулоҳазалар бўйича келишиб олганимиз тўғрими?

Клиний. Қайси мулоҳазалар бўйича?

Афиналик. Ҳар бир одам, катта ёшдагими ёки бола-ми, эркинми ёки қулми, эркак ёки аёл – бир сўз билан айтганда давлат бутунлигича, биз муҳокама қилиб чиққанларимиз барча нарсалар ифода этилган шайдо қилувчи қўшиқларни ўзлари учун тинмай куйлашлари керак. Куйловчилар ҳузур ва қўшиқ айтишларга беқиёс эҳтирос ҳис этишлари учун улар турли йўл билан мунтазам равишда қўшиқларни ўзгартириб, хилма-хил қилишлари керак.

Клиний. Бу худди шундай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрга қўшилмаса ҳам бўладими?

Афиналик. Қандай шароитларда, ўз ёши ва оқиллиги борасидан энг катта ишончга муносиб бўлган, давлатнинг энг яхши қисми бениҳоя гўзалликни мадҳ этиб кўпроқ яхшилик, эзгулик келтиради? Наҳотки биз ўзимизнинг гофиллигимиз сабабли беҳад гўзал ва беқиёс фойдали қўшиқлардан ҳам ажойиброқ қўшиқни ўтказиб юборамиз?

Клиний. Сўзларингдан маълум бўлади-ки, буни ўтказиб юбориш асло мумкин эмас.

Афиналик. Аммо уни муносиб равишда қандай амалга ошириш мумкин? Қаранг-чи, қуйидагича эмасми?..

Клиний. Қандай?

Афиналик. Улуғ ёшга етиб қолган ҳар қандай одамда қўшиқларга нохуш беписандлик бўлади. Қўшиқларни ўзи ижро этиши унга ёқмайди; бунга шундай зарураг пайдо бўлгани ҳолда у қанча ёши катта ва мулоҳазали бўлса, шунчалик уялади.

Клиний. Тўғрими?

Афиналик. Шунинг учун, агар унга театрда, турли хил одамлар олдида қўшиқ айтишга тўғри келиб қолса янада кўпроқ уялган бўларди. Агар ожиз чоллар, голиблик учун мусобақалашаётган хорлардай қорин очлигида ашула айтишлари зарур бўлиб қолса, улар буни нохушлик билан, хоҳламай ва уялиб қилган бўлар эдилар.

666

К л и н и й . Шундай бўлиши муқаррар.

- А ф и н а л и к . Биз уларни жон деб куйлашга қандай кўндирсак бўлади? Болалар то ўн саккиз ёшгача мутлақо шароб ичмасликлари керак, деган қонун ўрнатамиз, тўғри-ми; токи инсон меҳнат қилишга киришадиган ёшга етмагунича на баданда, на дили (нафси)да оловга олов қўшмаслик зарур. Ёшларга хос бўлган жунбушдан эҳтиёт бўлмоқ керак. Ҳали ўттиз ёшга етмаганлар шаробдан тотиб
- b** кўришлари мумкин, аммо меъёрида, чунки ёш, навқирон (йигит) мастликдан ва кўп май ичишдан ўзини сақлаши керак. Қирқ ёшга етганлар бошқа худоларни ҳам, айниқса Дионисни ҳам муқаддас байрамлар ва қарияларнинг дилхушликларига чақириб, сисситияларда базм қуришлари мумкин. Дионис майни тунд қариликдан (тузатадиган) дори сифатида инъом этганку, биз яна яшарамиз ва биз ёмон кайфиятимизни ёдимиздан чиқарамиз, бизнинг метиндай қаттиқ ахлоқимиз худди оловга қўйилган темирдай юмшайди ва шунинг учун эгилувчанроқ бўлади. Бун-
- c** дай ҳолатни ҳис этган одам аввало, кўпроқ хоҳиш-иштиёқ билан қўшиқ айтишни ва биз айтиб ўтганимиздай атрофдагиларни маҳлиё этишни истамайдими? Бунда у, бутун бир тўда олдида эмас, балки камтарона оз сонли эшитувчилар олдида, бегоналар эмас, яқинлари олдида бўлиб камроқ уялади, тортинади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Шунинг учун қарияларни қўшиқларимизда қатнашишга мажбур этиш унчалик ақлга зид (иш) эмас.

d К л и н и й . Йўқ, албатта.

А ф и н а л и к . Аммо, бу одамлар нимани кўшиқ қилиб айтадилар? Уларнинг Музаси қандай бўлади? Лекин шуниси аниқки, бу (кўшиқ) уларнинг ўзларига ўринли бўлиши керак.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Илоҳий одамларга нима кўпроқ маъқул бўлади? Хоровод ашулалар эмасмикин?

М е г и л л . Ажнабий (биродар), ҳар қалай биз ва худди шундай, лакедемонияликлар ҳам, хороводларда ўрганганимиз ва куйлашга одатланиб қолганимиз қўшиқлардан бошқаларини ижро эта олишимиз амри маҳол бўлса керак.

Афиналик. Шундай бўлиши табиий. Ҳақиқатан ҳам шундай, сизлар бошқа кўшиқ куйлашларни билмайсиз; сизларнинг давлатингиз – тинч шаҳар умргузаронлиги эмас, бир ҳарбий қароргоҳдир, сизларнинг ёш-ўспиринларингиз эса умумий подада ўглаб юрадиган тойчоқларнинг ўзи. Сизлардан ҳеч бирингиз ўз ўғлини ўз ҳузурда сақламайди, қаттиқ ёввойилашиб ва сержаҳл бўлиб қолган ўғилни бирга юрганларидан ажратиб олмайди, унга алоҳида отбоқар қўймайди, ҳеч ким уни қашлағич билан тозалаб ва тийиб тарбия бермайди. Нафақат яхши жангчигина бўлиб қолмай, балки давлат ва шаҳарларни бошқара оладиган бўлиши учун тарбиялашга талаб этиладиган барча нарсани ҳеч ким навқирон йигитга бермайди. Биз олдин айтиб ўтганимиздай бундай одам, Тиртея жангчиларидан яхшироқ жангчи бўлади, чунки у ҳар жойда – хусусий ишларда ҳам, давлат ишларида ҳам, мардликни, эзгулик-хайрли ишларнинг биринчи эмас, тўртинчи мулки деб эъзозлайди.

Клиний. Ажнабий (биродар), бизнинг қонун чиқарувчиларимизни нима учун сен ёмонлаётганини тушунмаппман.

Афиналик. Азизим, агарда мен шундай қилаётган бўлсамда, ҳеч ҳам атайлаб эмас. Агар хоҳдасангиз, келинг, мулоҳазалар қайси йўлга бошласалар шу йўл билан борайлик. Агар бизда, хорооводлар ва жамоат театрлари музасидан гўзалроқ Муза бўлса эди, биз уни бизнинг сўзларимизга кўра бу Музадан уяладиган ва мулоқотда бўлиш учун ҳаммасидан ҳам гўзалроғини излаётганларга кўрсатишга ҳаракат қилган бўлар эдик.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Тўғри эмасми, қандайдир бирон-бир ёқимлилик боғлиқ бўлган ҳамма нарса билан шундай бир ҳолат бўладикки, унда энг муҳим нарса – бу, ё худди ёқимлиликни ўзгинаси, ё қандайдир тўғрилиқ, ёки ниҳоят, фойдадир. Мисол учун, ичимлик ва умуман барча овқатлар билан боғлиқ ва биз ҳузурланиш-лаззатланиш, деб атайдиган ёқимлиликни кўрсатишим мумкин. Тўғрилиқ ва фойдага келсак, ҳар бир айрим ҳолда биз эътироф этадиган соғломликнинг ўзи бу ҳолларда энг тўғрилиқ бўлади.

Клиний. Албатта.

А ф и н а л и к . Худди шунга ўхшаб, илм-фанларни ўзлаштириш билан ҳам ҳузурланиш-лаззатланиш ва ёқимлилик боғлиқдир, ҳақиқат эса, тўғрилиқ, фойда, эзгулик ва гўзалликка олиб боради.

d К л и н и й . Ҳақиқатан ҳам шундай.

А ф и н а л и к . Тасвирий санъатлар-чи? Агар улар яратган аслига ўхшаш асарлар, бунинг устига яна ҳузур бахш этсалар, у ҳолда буни ҳам комил бир ҳуқуқ билан ёқимлилик, деб тан олса бўладими?

К л и н и й . Бўлади.

А ф и н а л и к . Аммо, бу санъатларда тўғрилиқ, биринчи навбатда ҳузурланиш билан эмас, балки, умуман тасвир ва аслиятнинг, катталиқ ва сифат борасидаги тенглиги билан белгиланади.

К л и н и й . Тўғри.

А ф и н а л и к . Демак, ҳузурланиш-лаззатланиш, ўзи билан фойда, ҳақиқат ва ўхшашлик келтирмайдиган, аммо, бошқа томондан ҳеч қандай зарар ҳам келтирмайдиган, лекин бошқа бир ҳолатларда фақатгина ҳамроҳ сифатида бўлувчи, яъни чиройли қилиб айтганда, агар у билан юқорида эслатилган хислатлар боғлиқ бўлмаса, ҳузурланиш, деб атаса бўладиган ёқимлилик учунгина ижод этиладиган нарсаларгагина тўғри ўлчов бўлиб хизмат қилиши мумкин.

e

К л и н и й . Сен фақат зарарсиз ҳузурланиш ҳақида гапирмоқдамисан?

А ф и н а л и к . Ҳа. Жиддий сўзга лойиқ бўлган бирон-бир нарсага на зарар, на фойда келтирмаган тақдирда уни (ҳузурланишни – тарж.) эрмак, деб атайман.

К л и н и й . Сен айни ҳақиқатни айтдинг.

668

А ф и н а л и к . Ҳозиргина айтиб ўтилганига асосланиб, гўёки тақлид қилиш ўлчови – бу ҳузурланиш ёки ҳаққоний бўлмаган фикр, деб тасдиқлаб бўлмай қолади. Худди шунинг ўзи ҳар қандай тенгликка ҳам тааллуқлидир. Кимгадир ёққани ёки таъбига тўғри келгани учун, тенглик тенг ва бир хил ўлчамлилик бир хил ўлчам бўлмайди, аммо бу ерда ўлчов бирор-бир нарса эмас, устувор равишда ҳақиқат бўла олади.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

Афиналик. Ҳар қандай мусиқий санъатни тасвирий ва тақлидий деб айта оламизми?

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Демак, мусиқий санъат ўлчами – ҳузурланиш эканлигига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Агар қаердадир бундай мусиқий санъат мавжуд бўлса ҳам, худди бир муҳим нарсасек излаш учун, унчалик арзигулик эмас. Мусиқий санъатнинг фақат шундай турини ўрганиш, текшириш керакки, у гўзалликни тасвирлаб, у билан ўхшашликка эга бўлсин.

Клиний. Сен деярли ҳақсан.

Афиналик. Шунинг учун энг гўзал, ажойиб қўшиқ излаётган одамлар, менинг назаримда ёқимли бўлган музани эмас, тўғри бўлганини излашлари зарурдир. Тақлиднинг тўғрилиги эса, биз айтиб ўтганимиздек, аслиятнинг катта-кичиклиги ва сифатини сақлашдан иборатдир.

Клиний. Шундай.

Афиналик. Мусиқий санъатга келсак, унга тааллуқли яратилмалар – тақлид ва қайта яратиш - тасвирлашдир. Наҳотки бунга барча, шоирлар, эшитувчилар ва актёрлар қўшилмайдилар.

Клиний. Бегумон қўшиладилар.

Афиналик. Албатта, хатога йўл қўймаслик учун, ҳар бир айрим асар ҳақида унинг ўзи нима эканлигини, унинг моҳиятини билмоқ керак бўлади. Ким-ки унинг моҳиятини, жавҳарини, йўналишини ва ўзини нимага ўхшатаётганини билмас экан, унинг назарда тутган нарсасининг тўғри ёки хато эканлигини билиб олиши даргумондир.

Клиний. Албатта, даргумон.

Афиналик. Аммо, нима тўғрилигини билмайдиган одам, нима яхши ёки нима ёмон эканлигини била оладими? Мен етарли даражада равшан мулоҳаза юритмаяпман шекилли; балки, қуйидагича (фикрласак) равшанроқ бўлар...

Клиний. Қандай?

Афиналик. Бизда кўз учун мўлжалланган минглаб тасвирлар бор.

Клиний. Шундай.

Афиналик. Яна. Агар кимдир, у ёки бу тасвир ифода-лаётган нарсанинг ўзини билмаса, ижронинг тўғрилигини

баҳолай олармиди? Мен мана буни назарда тутмоқдаман: тасвирланаётганида бадан, ҳамда ўз навбатида айрим қисмларнинг мутаносиблигига риоя қилинганми, айрим қисмлар ҳақиқатда қанча бўлса шунчами, уларнинг ўзаро жойлашишларидаги тартиб, уларнинг ранги-рўйи шундайми ёки буларнинг ҳаммаси тартибсиз аҳволдами? Тақдид (ўхшатиш) мавзуси бўлиб хизмат қилган нарса билан мутлақо таниш бўлмаган бир одам буларнинг ҳаммасини наҳотки била олади?

К л и н и й . Йўқ, билолмайди.

669

А ф и н а л и к . Аммо, одам расми нақш этилгани ёки ҳайкал этиб ясалганини биз агар билсак, агар рассом унинг барча аъзолари ва яна рангу рўйини яхши акс эттирган бўлса, муқаррарки, аслиятни (яъни ўша одамни – тарж.) билган одам, бу асар гўзалми ёки чиройлилиқ нуқтаи назаридан унда (яъни расмда - тарж.) қандайдир камчиликлар мавжуд эканлигини баҳолай олади.

К л и н и й . Ажнабий (биродар) ҳақиқатан ҳам шундай, чунки биз ҳаммамиз, айтса бўлади-ки, тирик мавжудотлар чиройи билан танишмиз.

А ф и н а л и к . Сен мутлақо ҳақсан. Демак, кимки ранг-тасвир, мусиқий ёки қандайдир бошқа санъатнинг ҳар бир тасвири ҳақида оқилона фикр билдирмоқчи бўлса, ушбу уч нарса соҳиби бўлиши зарур: асли нима тасвирланаётгани ҳақида билим, сўнгра – бу нарса тўғри тасвирланганми ва учинчиси, ҳар бир тасвир сўзлар, тароналар ва усул (ритм)ларда яхши бажарилганми.

К л и н и й . Ҳар қалай шундай бўлса керак.

А ф и н а л и к . Аммо, мусиқий санъат билан боғлиқ мушкул масалаларнинг муҳокамасида тушкунликка тушмайлик. Тасвир турларининг бошқаларига қараганда мусиқий санъат кўпроқ шуҳрат топгани учун, бу ўринда, бошқаларига кўра кўпроқ алоҳида эҳтиёткорлик зарурдир. Ким бу ерда адашса, у ўзига улкан зарар келтиради, чунки, у ёмон ахлоқ-одатларга мойилик билдирадиган бўлиб қолади; ўз хатосини билиш, сезиш эса жуда қийин, чунки шоирлар, Музаларнинг ўзларига қараганда анча нўноқ ижодкордирлар. Эркаклар сўзларига аёл тимсоли (образи) ва таронасини бериш ва бошқа жиҳатдан, олижаноб одамларнинг

парда (садо) ва тароналарини қулла ва олижаноб бўлмаган одамларнинг усул (ритм)ларига қўшиш, олижаноб усул ва парда (садо)да бошлаб, уларга бехосдан қарама-қарши турдаги сўзлар ва тароналарни қўшиб қўйишгача бориб етадиган хатоларга ҳеч қачон Музалар йўл қўймас эдилар. Музалар ҳеч қачон одамлар, ҳайвонлар овозларини, қуроллар товушлари ва ҳар хил шовқинларни нимадир яхлит бир нарсани чиқариш, тасвирлаш учун биргаликда аралаштириб юбормаган бўлар эдилар. Одамлар, шоирлар эса, буларнинг ҳаммасини қўрқинчли даражада чалкаштириб ва аралаштириб юборадилар, бу ҳол Орфей иборасига кўра “фароғат ёши”га мушарраф бўлган одамларнинг албатта кулгусини келтиради; улар албатта бунда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлганини тушунадилар. Бундай турдаги шоирлар бунинг устига шоирона бўлмаган гапларни (нутқни) шеърга солиб, тимсол (образ) ва усул (ритмни) таронадан ажратадилар, бошқа томондан, кифара ва найдаги машқ қилишдан (чалишдан) фойдаланиб улар сўзсиз тарона ва усулни қўллайдилар. Усул (ритм) ва уйғунлик (гармония) сўздан маҳрум бўлган ҳолатларда уларнинг ғоя-мақсадларини ва бу тақлид (ўхшатиш) эътиборга лойиқ қайси турлардан бригада киришини билиб олиш мушкул бўлади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай турдаги санъат тез, тўхтамай юриш ва ҳайвоннинг қичқирғини тасвирлашга қанчалик яроқли бўлса, рақс ва қўшиқ билан боғлиқ бўлмаган най ва кифарада чалишдан фойдаланадиган (бундай санъатда) анчагина қўполлик мавжуд. Най ва кифарада чалиб машқ қилиш айрим олинганида, юксак даражадаги дидсиз ва фақатгина найрангбозга муносиб бўлган бир нарсани ўзига сингдирган бўлади. Бу хусусда мен шунини айтмоқчи эдим. Айтиш керакки, бизнинг диққат-эътиборимиз бизнинг ўттиз ёшга кирган ва эликдан ошган фуқароларимиз нима қилишлари кераклигига эмас, балки нимани ижро этишлари кераклигига қаратилиши зарур. Аввал айтилганларидан менимча ушбулар келиб чиқади. Элик ёшли фуқаролардан қўшиқ айтиши зарур бўлганлари хоровод Муза бўйича яхши таълим олган бўлишлари керак, чунки улар нозик дид ва усул (ритм) ҳамда уйғунлик (гармония) борасида тасаввурга эга бўлишлари лозим; бундай бўлмаса тароналарнинг тўғрилигини, –

d

e

670

b

маълум бир ҳолда дорий созига (мақомига) тўғри келадими, йўқми, шоир тўғри усул (ритм) ишлатдими, йўқми, – ким аниқлай олади?

К л и н и й . Шу равшанки, бошқача бўлиши мумкин эмас.

А ф и н а л и к . Шу сабаблардан келиб чиқади-ки, оломон нима уйғун ва усуллигу нима ундай эмаслигини аниқ айта оламиз, деган фикри билан кулгилидир – ҳар ҳолда, мажбурият туфайли жўр бўлиш ва саф тортиб юришга ўрганганлари шундай. Улар буни, айрим-айрим ашула айтиш ва усул (ритм) ҳақида ҳеч нарса билмасдан туриб қиладилар. Аслида эса, шундай тарона тўғри-ки, агар унга мос нарса у билан боғлиқ бўлса ва аксинча.

К л и н и й . Албатта, шундай бўлиши керак.

А ф и н а л и к . Нима ҳам дер эдик? Қўшиқ нима билан боғлиқ эканлигини билмаган одам, биз айтиб ўтганимиздек, қанчалик тўғрилигини била оладими?

К л и н и й . Асло.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, биз таклиф этаётганимиз ва ихтиёрий равишда қўшиқ айтишга қайсидир йўл билан мажбур этишга ҳаракат қилаётганимиз ҳозирги бизнинг ашулачиларимиз, ҳар бири усул (ритм) одими ва торлар таронаси орқасидан эргаша оладиган бўлиб, юқори малака ҳосил қилишлари керак. Уйғунликлар ва усулларни кузата бориб, улар, уларнинг ёшларидаги ва шундай табиатли одамлар куйлайдиганларини танлаб ола билишлари керак ва худди ўшани куйлашлари лозим. Бундай куйлашда уларнинг ўзлари ҳам ўша ондаёқ маъсум завқдан баҳра оладилар ва ўзларидан ёшроқ одамларга, яхши (хайрли) ахлоққа бўлган муҳаббатни уйғотиб, раҳбарлик қиладилар. Таълимотнинг бундай даражасига кўтарилгач, улар, кўпчилик, ҳаттоки шоирлар олганига қараганда ҳам янада назокатлироқ таълим оладилар. Негаки, шоирга унинг ўжшатмаси гўзал, ажойибми ё йўқми, учинчи талаб нимадан иборат эканлигини билишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ; аммо унинг уйғунлик (гармония) ва усул (ритм) қоидаларини билиши деярли шартдир. Энг гўзал, ажойиб ва унга (гўзалликка) нима яқин келишини танлаши керак бўлганлар эса бу учта талабнинг ҳаммасини назарда тутишлари

зарур; чунки, бундай бўлмаса улар ёшларни сеҳрлаб (шайдо этиб) яхшиликка (хайрли ишларга) жалб этолмайдилар.

Бизнинг суҳбатимиз бошланишида айтиб ўтганимиз ҳолатни, яъни, дионисий хорини аъло (даражада) ҳимоя қилиш мумкин эканлигини иложимиз борича кўрсатиб ўтдик. Кўрайликчи, бу қўлимиздан келдими йўқми. Бундай йиғин, зарурат тақозоси билан, қанча кўп ичилса шунчалик шовқинлироқ бўла боради. Суҳбатимизнинг бошланишидаёқ, бунга ўхшаш ҳолатларда бундай заруратни тахмин қилгандик.

К л и н и й . Ҳа, шундай бўлиши керак.

А ф и н а л и к . Бундай мажлисларда ҳар ким ҳам ўзини кўтаришчи руҳда ҳис этади; у қувноқ, сўзамолликдан ўзини тўхтатолмайди, атрофдагиларга қулоқ солмайди, ўз ўзини ва бошқаларни бошқара оладигандай хом хаёл бўлади.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкин эмас шекилли?

А ф и н а л и к . Бундай ҳолатда ичувчи одамларнинг дил (нафс)лари оловга бурканадилар ва худди қизиган темирдай юмшайди, яшаради, бунинг натижаси ўлароқ, уларни ким тарбия қилишни ва ҳайкал ясашни билса, ўшанинг қўлида мулойим бўлиб қоладилар. Бундай ҳайкалтарош (ганчкор) олдин айтиб ўтганимиз ўша одамнинг ўзидир: яхши қонун чиқарувчи (соҳиби қонунлар). У, базмларга тааллуқли қонунлар белгилаши зарур, токи улар (қонунлар), умид қанотида, парвозга шайланган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, уятни меъёрдан ортиқ унутган одамни, у одам тартибга риоя қилишдан бош тортадиган ва сўзлаш ёки сукут сақлаш, ичиш ёки ичмасликда ўз навбатини кутишни истамайдиган бўлиб қолгунича, аксинча иш тутишга мажбур эта билсинлар. Улар (қонунлар) унга, биз виждонлилик ва ҳаё, уят, деб атайдиганимиз илоҳий кўрқинч – унинг қалбига, онгига кириб олган энг гўзал-ажойиб бўлмаган жасоратга қарши энг яхши дори – адолатли кўрқинчни сингдиришлари зарур.

К л и н и й . Дарҳақиқат шундай.

А ф и н а л и к . Бу қонунларга ёрдамлашадиган посбонлар босиқ ва хушёр одамлар бўлишлари керак; худди ўшалар мастона одамлар устидан бошлиқ бўлишлари зарур. Бо-

е сиқ, қўмондонларсиз душман билан урушишга қараганда мастоналикка қарши уларсиз (жушёр бошлиқларсиз) курашиш даҳшатлироқдир. Кимки ўзини бу қонунлар ва дионисий маросимларининг ёшлари олтимишдан ошган раҳбарларига бўйсунушга мажбур этолмаса, Арес қўмондонларига бўйсунмаган одамчалик ва балки ундан ҳам кўпроқ шармандаликка гирифтор бўлсин.

Клиний. Тўғри.

672 Афиналик. Агарда мастоналик ва ўйин-кугилар шундай янги(ча) бўлганларида, базмдагилар улардан фойда олардилар ва ҳозиргидек душман бўлиб эмас, балки, аввалги дўстликларига қараганда яқинроқ дўст бўлиб (базмдан) тарқалишар эди, шундай эмасми. Агар ҳушёрлар мастларга раҳбарлик қилсалар, базмлардаги барча ўзаро мулоқотлар қонунга мос равишда ўтган бўлур эди.

Клиний. Агар ҳамма нарса сен айтганингдек бўлса, у ҳолда, албатта, тўғри.

б Афиналик. Дионис инъомини сўзсиз равишда ёмонлаб, гўёки у ёмон ва давлатда қабул этилишига нолойиқ, деб айтмаймизку. Янада салмоқлироқ сўзлар айтиш мумкин эди; аммо мен кўпчиликка май (шароб) бахш этадиган улур яхшилиқни кўрсатиб ўтишга журъат этолмайман. ул одамлар сўзларни шунчалик хато қабул қиладилар ва идрок этадилар.

Клиний. Қандай яхшилиқ ҳақида сўзламоқдасан?

с Афиналик. Гўёки бу худодан унинг ўтай онаси Гера руҳий тушунишни ўғирлаб олган ва гўёки шунинг учун у ўч олиш ниятида вакхона байрамлар ва жунбушга келтирадиган рақслар урф қилган ҳамда худди шу мақсадда шаробни ҳадя этган, деган қарашлар ва миш-мишлар қандайдир сезилмаган ҳолда тарқалган. Мен, бундай деб гапиришни бунга ўхшаш нарсаларни худодар тўғрисида сўзлаш хавфсиз, деб ҳисоблайдиганларга қолдираман. Ҳар ҳолда, менинг билишимча, ҳеч бир тирик мавжудот, балогат ёшларида эга бўлиши мумкин бўлган барча ақл соҳиби бўлиб бу дунёга келмайди, туғилмайди. Ушбу тирик мавжудот унинг ўзига хос ақллиликка (идрокка) эга бўлмагунича, у жунбушга келади ва бор овози билан қичқиради, оёққа турганидан кейин эса жони борича сақраб чопади. Мусиқий ва гимнастик санъатнинг ибти-

доси мана шунда яширинган, деб тан олган сўзларимизни эслайлик.

К л и н и й . Буни эсдан чиқариб бўладими!

А ф и н а л и к . Бу ибтидо (бошланиш) биз инсонларга усул (ритм) ва уйғунлик (гармония)ни ҳис этиш туйғусини берди ва худолардан Аполлон, Музалар ва Дионисий бунинг сабабчилари бўладилар, деб тан оламиз, тўғрими?

К л и н и й . Ўзгача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Бошқа одамлар, балки шароб инсонларга, бизнинг жазовага тушишимиз учун жазо (сифатида) берилган, деб ҳисоблашлари мумкин. Биз эса ҳозир аксинча, шароб дори сифатида, дил (нафс, руҳ) виждонга, бадан эса – соғломлик ва кучга эга бўлсин, деб берилган дея тасдиқлаймиз.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), бизнинг (шундай) тасдиқлаганимизни тўғри эсга солдинг.

А ф и н а л и к . Хоровод рақслар ҳақидаги масаланинг ярмини биз муҳокама этиб бўлдик. Энди қолган ярмини, биз қандай фикрда эканлигимизни билиш учун муҳокама этайликми ёки қолдирамизми?

К л и н и й . Сен нималар ҳақида сўзлаяпсан, хоровод рақсларни қандай қилиб иккига бўлмоқдасан?

А ф и н а л и к . Бизнингча, рақс санъати бутун яхлитлиги-ча тарбия мажмуъидан (йиғиндисидан) иборат. Унинг бир қисмини товушга тегишли нарса, яъни уйғунликлар (гармония) ва усуллар (ритм) ташкил этади.

К л и н и й . Шундай.

А ф и н а л и к . Бошқа қисми эса, товуш ҳаракати билан умумий нимасидир бўлган бадан-ҳаракатларига тааллуқлидир: бу усул (ритм). Аммо улар ўзларининг шахсий тимсолларига эгалар, товушлар ҳаракатлари эса – парда (садо)га эга.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

А ф и н а л и к . Товушларнинг тарбияловчи ва дил (нафс, руҳ)ни хайрли, яхши ишларга олиб борувчи таъсирини биз, мен билмадим қандай қилиб, мусиқий санъат, деб атадик.

К л и н и й . Тўғри, атаганмиз.

А ф и н а л и к . Агар, дилхушлик қилаётган одамларнинг рақси сифатида белгилаб қўйганимиз бадан ҳаракатлари баданнинг баркамол бўлишига олиб борса, у ҳолда, унга

бундай санъаткорона раҳбарлик қилишни биз гимнастик санъат, деб атаган бўлардик.

К л и н и й . Тўғри.

б А ф и н а л и к . Мен ҳозир яна қайтариб айтаманки, биз энди, хорлар санъатининг деярли ярмини ташкил этадиган мусиқий санъат ҳақидаги масалани етарли даражада муҳокама қилдик. Хўш, унинг бошқа ярим бўлаги ҳақида сўз юритамизми? Биз қандай йўл тутишимиз керак?

К л и н и й . Мусиқий санъатни биз муҳокама қилиб бўлдик, гимнастик санъатни эса ҳали муҳокама қиламадик. Азизим, сен критлик ва спарталиклар билан суҳбатлашмоқдасан; бизнинг ҳар биримиз бундай саволга жавоб беришимиз керак, деб ўйлайсанми?

с А ф и н а л и к . Мен айтардим-ки, сен бу саволинг билан менга аниқ жавоб бермоқдасан, деб ўйлайман. Аммо мен тушунаманки, сенинг саволинг фақат жавобгина эмас, у яна гимнастик санъатни муҳокама қилиш учун топшириқ ҳам.

К л и н и й . Сен ажойиб сўзлар айтдинг, энди уларни амалга ошир.

А ф и н а л и к . Шундай қилишга тўғри келади. Сизларнинг иккалангизга ҳам таниш бўлган масала ҳақида гапириш қийин эмас. Сизлар мусиқий санъатга қараганда бу санъатда кўпроқ тажрибага эгасизлар.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

д А ф и н а л и к . Тўғри эмасми, ушбу кўнгилахушликнинг ҳам ибтидоси ҳар бир тирик мавжудотнинг сакраб-чопиш ҳаракатларига табиий мойиллигида яширингандир? Биз айтиб ўтганимиздек, инсон усул (ритм) ҳиссиётини олгач рақсни яратди ва пайдо қилди. Усул хостирада таронани уйғотади ва келтириб чиқаради. Уларнинг (яъни рақс ва тарона – тарж.) ўзаро бирлашиши кўнгилахушлик сифатидаги хороводларни пайдо қилди.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

А ф и н а л и к . Бир қисмни, айнан мусиқийсини биз муҳокама қилиб бўлдик. Кейинроқ бошқа қисм – гимнастик қисмни муҳокама қилиб тушунишга ҳаракат қиламиз.

К л и н и й . Албатта.

е А ф и н а л и к . Аммо, агар сизларга маъқул бўлса, аввал восита сифатидаги мастоналик масаласининг муҳокама-сини яқун тожини кийгизиш билан тугатсак.

К л и н и й . Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Агар, қандайдир бир давлат, қонулар тарафидан белгиланган тартибга биноан, аввал эслатиб ўтилган урф-одатдан, уни (одатни - тарж.) оқиллик (мулоҳазаалилик) машқлари сифатида ишлатиб жиддий фойдаланишга рози бўлса; агарда, худди ўша асосда бошқа хузур-лаззатланишлардан ҳам, улардан уларнинг ўзини жиловлаш воситаси сифатида қўлаб воз кечмаса, у ҳолда бундай давлат улардан айнан юқорида кўрсатилган тарзда фойдаланиши зарур. Агар у (давлат) уларга фақат бир кўнгилашулик сифатида қараса ва ҳар қайси ичишни хоҳловчига хоҳлаган пайтида, ким билан бўлса ҳам ва хоҳлаган бошқа урф-одатлар билан бирлашган тарзда ичишига йўл қўйса, у ҳолда мен, давлат ва айрим бир одам мастоналикдан шундай фойдаланишлари учун ўз овозимни бермаган бўлур эдим. Аммо, крит ва лакедемония урф-одатларидан ҳам кўпроқ мен ўз овозимни карфаген қонуни учун берган бўлар эдим. қароргоҳда ҳеч ким шаробдан тотинмаслиги керак, аммо бутун бу давр давомида биргаликдаги йиғинларда фақат сув ичишлари лозим; давлат ҳудудларида на биронта қул, на биронта чўчи (аёл қул) ҳеч қачон шароб тотимасликлари зарур; шу йил давомида, ўз мансабларида турганларида на ҳокимлар; на кема даргалари, на ўз иш вазифаларида турган қозилар мутлақо май ичмасликлари керак; эътиборга лойиқ қандайдир бирор мажлисда қатнашиши керак бўлган одамлар биронтаси; кундузи ҳеч кимга май ичиш мумкин эмас, – бадан машқлари учун ва ёки касаллиги сабабли узрли; никоҳ мулоқотлари ва ҳомила инобатга олиниб, кечаси ҳам ичиш мумкин эмас. Ақл-идроҳ ва тўтри қонунга эга одамлар май ичмасликлари зарур бўлган қатор ҳолатларни санаб чиқиш мумкин; шундай-ки, бу қоида бўйича ҳеч бир давлатда кўп сонли узумзорларга эҳтиёж қолмайди. Деҳқончиликнинг барча бошқа турлари ва умуман бутун ҳаёт тарзи тартибга келтирилган бўларди, май тайёрлаш эса камтарона бир миқдорда қўлланиларди. Ажнабий (биродарлар), сиз рози бўлсангиз, мен май ҳақидаги суҳбатимизни шу сўзлар билан якунласам.

К л и н и й . Офарин. Биз розимиз.

674

b

c

УЧИНЧИ КИТОБ

676

Янги
қонунчиликнинг
тарихий зарурати

Афиналик, Буларнинг ҳаммаси
шундай. Давлат қурилишининг ибтидо-
си бўлиб нима хизмат қилганлиги
ҳақида нималар дейишимиз мумкин?

Буни ушбу нуқтаи назардан кўриб чиқилса энг энгил ва
яхши йўл бўлмасмикин...

Клиний. Қандай?

Афиналик. Ҳар бир айрим ҳолда, давлатнинг гоҳ хайр-
ли, яхши ишлар, гоҳ ёмонлик томонига аста-секин мойил бўли-
шини қайси нуқтаи назардан кўриб чиқилса – ўшандан.

Клиний. Нимани назарда тутмоқдасан?

б Афиналик. Мен, вақтнинг бениҳоя давомийлиги ва
унда рўй берган ўзгаришларни назарда тутмоқдаман.

Клиний. Тушунмадим, қандай?

Афиналик. Айт-чи, давлатлар пайдо бўлгани ва одам-
ларнинг давлатга бирлашганларидан бери қанча вақт
ўтганини сен аниқлай оласанми?

Клиний. Бу осон иш эмас.

Афиналик. Бу муддат жуда улкан ва ўлчаб бўлмас
даражада бўлганмикин?

Клиний. Жуда ҳам улкан.

с Афиналик. Вақтнинг бу даврида бирин-кетин минглаб
давлатлар пайдо бўлган ва уларнинг бундан кам бўлмаган
миқдори ҳалокатга учраган, тўғрими? Бунинг устига улар
ҳамма жойда турли давлат тузилишларидан ўтганлар, гоҳ ки-
чикликдан катта, гоҳ катталикдан кичик ёки яхшиликдан
ёмон, ёмонликдан яхши бўлганлар.

Клиний. Шундайлиги аниқ.

Афиналик. Бу ўзгаришлар сабабини очиб бера ола-
мизми? Балки, ўшанда биз давлат қурилишининг пайдо
бўлиши ва унда рўй берган ўзгаришлар борасида кўрсат-
ма олармиз.

Клиний . Жуда яхши, бунга ҳаракат қилиб кўриш керак. Сен бу борадаги ўз фикрларингни тушунтир, биз эса диққат билан эштамиз.

Афиналик . Биз қадимги ривоятларда маълум даражада ҳақиқат бор, деб ҳисоблаймизми?

677

Клиний . Аниқроқ айт, қайси ривоятларда?

Афиналик . Одамларнинг тўфонлар, касалликлар ва бошқа кўп нарсалардан тез-тез ҳалок бўлганлари, натижада башариятнинг жуда оз қисмигина қолганлиги бора-сидаги.

Клиний . Ҳар кимга ҳам бу эҳтимолдан узоқ бўлиб туюлмайди.

Афиналик . Жуда кўп содир бўлган воқеалардан бири, тўфондан ҳалок бўлганларни тасаввур этайлик.

Клиний . Бу ҳақда нимани ўйлашимиз керак?

Афиналик . Ўшанда ҳалокатдан омон қолганлар фақатгина тоғдаги чўққиларда сақланиб қолган башариятнинг ожиз учқунлари – чўпонлар бўлганлигини.

b

Клиний . Шундай бўлиши эҳтимол. Балки, аниқдир.

Афиналик . Бундай одамлар бошқа санъатлардан (яъни чўпонликдан бошқа, демоқчи – тарж.) шаксиз беҳабар бўладилар, худди шундай улар шаҳардаги шахсият-парастлик ва одамлар томонидан бир-бирларига ўйлаб топиладиган турли фитналарни билмайдилар.

Клиний . Бу табиий ҳол.

Афиналик . Ўша пайтда, водийларда ёки денгиз бўйида жойлашган давлатлар бутунлай ҳалок бўлди, деб фараз қилайлик.

c

Клиний . Шундай ҳам дейлик.

Афиналик . Демак биз, барча (иш) қуроллари йўқолиб кетадилар ҳамда давлат бошқаруви санъатига ёки ўша вақтда эришишга муваффақ бўлинган бошқа қандайдир ҳикматга оид барча нарсалар ҳам ҳалок бўлган, деб фараз қилишимиз керак. Чунки, азиз дўстим, бирор янгилик қандай қилиб ҳам кашф этиларди, агар бутун вақт давомида ҳамма нарса худди ҳозиргидек бўлган бўлса?

Клиний . Ўша пайтдаги одамлар учун янгилик минг йилларга яширилган эди. Дедалга бир нарса, Орфейга

d

бошқаси, Паламедга – учинчиси, Марсий ва Олимпга -му-
сикий санъатга тааллуқли барча нарса, Амфионга – лира
ҳақидаги барча нарса, ўзгаларга – бошқа кўп-кўп нарса-
лар равшан бўлганига фақат минг ёки икки минг йилгина
ўтди. Буларнинг ҳаммаси яқинда, айтса бўлади-ки, кеча-
гина пайдо бўлди.

А ф и н а л и к . Офарин, Клиний! Аммо сен ҳақиқатдан
ҳам кечагина яшаган дўстингни ёддан чиқардинг

К л и н и й . Сен Эпименидни назарда тутаяпсанми?

е А ф и н а л и к . Ҳа, ўшани, Чунки азизим, янгилик яра-
тишда у ҳаммадан ўтиб кетди; қачонлардир Гесиод сўзда
каромат қилган нарсаларни у амалда бажарди.

К л и н и й . Ҳа, биз буни тасдиқлаймиз.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, бу вайроналиклар рўй бер-
ган вақтда одамлар аҳволи қуйидагича бўлиб қолди: ҳам-
маёқ бепоён саҳро, улкан ер юзи; фақат у ер, бу ерда йил-
қилар подаси ва эчкилар тўдаси. Бу подалар чўпонларга
678 ҳаёт кечириш учун аввалига оз бўлсада озуқа бўлдилар.

К л и н и й . Албатта, бўлмаса нима ҳам қилардилар?

А ф и н а л и к . Биз ўша пайтларда айтайлик, давлат
ҳақида, давлат қурилиши ва ҳозир суҳбатимиз мавзун
бўлган қонунчилик ҳақида ҳеч бўлмаса хотира сақланиб
қолган, деб ҳисоблай оламизми?

К л и н и й . Асло.

А ф и н а л и к . Аммо, бунга ўхшаш шароитлар ҳозирги
барча нарса: давлатлар, давлат қурилишлари, санъатлар,
қонунларнинг пайдо бўлишига олиб келди; буюк бузилиш
ва буюк фазилат, эзгулик пайдо бўлди.

К л и н и й . Қандай қилиб?

б А ф и н а л и к . Дўстим, у пайтдаги одамлар шаҳарлар
кейтирадиган кўпгина яхшиликларни ҳамда бу яхшилик,
эзгуликка қарама-қарши бўлган кўпгина нарсаларни бил-
мас эдилар. Бу одамларни эзгулик ёки иллатда баркамол
деб бўладими?

К л и н и й . Ажиб сўзлар! Биз фикрингни илғамоқдамиз.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, вақт ўтиши ва башарият
авлодининг кўпайиб бориши билан ҳамма нарса ҳозирги
ҳолатга келади.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

Афиналик. Аммо бирданига эмас, табиийки, оз-оздан, узоқ вақт мобайнида.

Клиний. Шундай бўлиши ҳам керак.

Афиналик. Ўйлайманки, одамлар тепалиқдан водийга тушишга журъат этганлари учун уларнинг хотираларида сақланиб қолган яқингинадаги кўрқинч таъсири ҳали кучли бўлган.

Клиний. Албатта.

Афиналик. У пайтлар улар озчиликни ташкил қилганлари учун бир-бирларига хузур қилиб қарардилар, санъатлар (хунарлар) йўқ бўлиб кетиши сабабли. айтса бўлади-ки, қуруқликда ҳам денгиз орқали ҳам бир-бирлари билан алоқада бўлиш воситаларининг деярли барчаси йўқолдилар. Темир, мис ва барча маъданлар бир бўлиб бирлашиб ер остида қолдилар, энди уларни қазиб олиш жуда машаққатли бўлиб қолди; шунинг учун ўша замонда жуда кам дарахт кеса олардилар. Агар тоғларда сақланиб қолган асбоб (иш) қуроларини топган тақдирларида ҳам, кўп ишлатилганидан тез ишдан чиқади, одамлар орасида темир олиш санъати янгитдан пайдо бўлмагунча янгисини оладиган жой йўқ эди.

Клиний. Бу қандай рўй беради? (Яъни, темир қазиб олиш санъати қайта туғилиши қандай рўй берди, дейилмоқда - тарж).

Афиналик. Сенинг фикрингча қанча авлод ўтганидан кейин бу рўй берди?

Клиний. Жуда кўп авлодлар ўтгани аниқ.

Афиналик. Демак, темир, мис ва шунга ўхшашлар, зарур бўлган санъатлар (хунарлар) ҳам шунча вақт ёки ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт бўлмаган.

Клиний. Нима демоқчисан?

Афиналик. Шундай қилиб, ўша замонларда кўп жойларда ўзаро низолар ва урушлар йўқ бўлди.

Клиний. Қандай?

Афиналик. Аввало, у замон одамлари бир-бирларини яхши кўрганлар ва айрилиқлар туфайли бир-бирларига хайрихоҳ муносабатда бўлганлар; овқатни ҳам бир-бирларидан қизғанмаганлар, чунки яйловлар кўп бўлган – баъзиларида аввалига кам бўлиши эҳтимол, – уларнинг

кўпчилиги шу (чорвачилик) билан кун кўрганлар. Уларда сут ва гўшт ҳам етарли бўлган; бундан ташқари улар ов билан ўзларига егулик топганлар. Уларда кийим, ётиш ўринлари (чойшаб, тўшак), уй-жой, куйдирилган ва оддий буюмлар (кулолчилик буюмлари назарда тутилган бўлса керак – тарж.) бисёр бўлган; чунки кулолчилик ва тўқиш билан боғлиқ ҳеч бир санъатда темирга эҳтиёж бўлмайди. Башар авлоди темир танқислигини сезганида ҳам барибир давом этиши ва яшаши мумкин бўлсин, деб Худо одамларга бу икки санъатни инъом этган. Жуда камбағаллар ҳам бўлмагани учун камбағаллик одамларни бир-бирларига душман бўлишларига мажбур қилмаган. Бошқа томондан улар бой бўлиб ҳам кетолмасдилар, чунки у вақтларда уларда олтин ҳам, кумуш ҳам йўқ эди. Энди олижаноб ахлоқлар, бойлик ва камбағаллик ёнма-ён ҳаёт кечирмайдиган умум яшаш шароитида пайдо бўладилар. Чунки у ерда на сурбетлик, на адолатсизлик, на рашк, на ҳасад бўлмайди. Шу сабабдан ва соддаликлари туфайли одамлар фазилатли бўлганлар: соддадил бўлганлари учун гўзаллик ва хунуқлик тўғрисида ниманики эшитган бўлсалар ўшаларни ҳақиқат деб билганлар ва уларга бўйсунганлар. Чунки, уларнинг ҳеч қайсиларида бизнинг ҳозирги кунларимизда ҳамма нарсада ёлгонни гумон қилишга мажбур этадиган айёрлик йўқ эди; улар, Худолар ва одамлар ҳақида айтилган сўзларни ҳақиқат деб ҳисоблар эдилар ва шунга мос равишда яшар эдилар, Шунинг учун ҳам улар, биз ҳозир тасвирлаганимиздай бўлганлари анча аниқ.

К л и н и й . Мен сенинг сўзларингга қўшиламан, Мегилл ҳам.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, кўп авлодлар шу тарзда янаганлар, деб тан оламиз. Тўфонгача яшаган одамлар ва ҳозиргиларга нисбатан улар турли санъатларда, шу қатори, ҳозир қуруқлик ва денгизда ҳатто ўз давлатларининг ичида ҳам, «одиллик» ёки «ички низо, қабилалар низо» деб қўллайдиган ҳарбий ишда ҳам кам билим ва тажрибага эга эдилар; ҳозир сўзда ҳам, амалда ҳам, бир-бирига ёмонлик ва адолатсизлик қилиш учун турли воситалар ўйлаб топилади. У одамлар эса бутунроқ ва мардроқ,

шу билан бирга мулоҳазалироқ ва умуман кўпроқ адолатли бўлганлар. Бунинг сабабини биз муҳокама этиб бўлдик.

К л и н и й . Дарҳақиқат шундай.

А ф и н а л и к . Бизнинг айтганларимиз, ундан келиб чиқадиган хулосалари билан бирга бир мақсадга эга бўлсин: ушбу нарсани тушуниб олишимиз керак: ўша замон одамларида қонунларга эҳтиёж бўлганми ва уларнинг қонун чиқарувчиси (соҳиби қонуни) ким бўлган?

680

К л и н и й . Ажойиб сўзлар.

А ф и н а л и к . У одамларда қонун чиқарувчиларга эҳтиёж бўлмаган, тўғрими? Бундай вақтларда бошқача бўлмайди: айланма ҳаракатнинг бу бўлагиди ҳали ёзув йўқ эди, аммо улар одатларга кўра ва ота-бувалар қонунлари бўйича яшаганлар.

К л и н и й . Бу табиий.

А ф и н а л и к . Аммо шунинг ўзи давлат қурилишининг бир туридир.

К л и н и й . Қандай (тури)?

А ф и н а л и к . Менимча, ўша даврдаги давлат қурилишини ҳамма шажара, деб атайди. У ҳозиргача ҳам кўп жойларда, элинларда ҳам, варварларда ҳам учрайди. Ҳомер айтадики, Киклопларнинг тураб жойларида худди шундай бўлган:

Ь

Уларнинг ўртасида халқ йиғинлари ҳам, умумий

кенгаш ҳам йўқ,

Улар қоронғу горлардами ё тоғнинг баланд чўққилирида

Эркин яшайдилар; хотини, балалари устидан ҳисоб бермай

у ерда ҳар бири

Ҳукм ўтказадилар, фақат ўзин билиб, бошқаларга мин емай.

К л и н и й . Бу шоирингиз ажойибга ўхшайди; биз унинг асарларидан баъзи бир назокатли парчаларини ўрганганмиз, аммо кўли эмас, чунки биз критиклар ўзга юрт шоирларини кам ўқиймиз.

С

М е г и л л . Биз улардан фойдаланамиз ва бизнинг фикримизча, гарчи ҳамма ерда лакедемониянинг эмас, қандайдир ионийия ҳаётини тасвирласада, Ҳомер шундай турдаги бошқа шоирлардан устун туради. Ривоятга кўра киклопларнинг бошланғич турмуш тарзларини ваҳший

d кўринишда тасвирлаб, у ҳозирнинг ўзида сенинг сўзларингни тасдиқлайди.

А ф и н а л и к. Ҳа, у буни тасдиқлайди; бундай давлат қурилишлари қачонлардир мавжуд бўлганлигига гувоҳликка ўтиши мумкин.

К л и н и й. Яхши.

А ф и н а л и к. Харобаликка айланганидан кейинги мушкул аҳвол натижасида одамлар, ҳар қайсиси учун маълум бир турар жойи бўлган қабилаларга ажралишадилар, бунда, албатта, улуг ёшли оқсоқол ҳукмронлик қиларди, чунки у, бу ҳокимиятни отаси ва онасидан олган эди; худди қўшларга ўхшаб бир гуруҳ ташкил этиб, унинг кетидан бошқалари эргашадилар ва улар боболаримиз қонунларининг бошқаруви ва ҳаммасидан ҳам адолатлироқ бўлган подшоҳ ҳукмдорлиги остида бўладилар.

К л и н и й. Албатта.

А ф и н а л и к. Кейинчалик, улар билан борган сари кўпроқ одамлар мулоқот қилишади ва бу билан ўз ўлчови бўйича катта жамиятлар ташкил этадилар. Ҳайвонлардан ҳимоя қилиш учун тиканли шох-шаббалардан деворга ўхшаш тўсиқлар қилиб умумий бир турар жой барпо этиб, улар тоғ ёнбағриларида деҳқончилик билан шуғулланадилар.

К л и н и й. Худди шундай бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас.

А ф и н а л и к. Ушбу ҳолат эҳтимоли борми...

К л и н и й. Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к. Бу катта турар жойлар, аввалги кичкина турар жойлар ҳисобига бўлганлигини. Кичик жамиятларнинг ҳар бири оқсоқол раҳбарлигига бўлинган эди ва айрим-айрим яшаш таъсири остида пайдо бўлган ўзларининг хос урф-одатларига эга бўлганлар. Турлича қабила бошлиқлари ва тарбияловчилар туфайли улар худоларга ва ўз-ўзларига бўлган турли ақидаларга ўргатилдилар. Диёнатлироқ тарбияловчилардан яхши тартибот ва диёнатни, мардларидан катта мардликни оладилар ва худди шу тарзда ўзлари ўлаштирган қарашларни ўз болалари ва набираларига сингдирадилар. Бир сўз билан айтганда улар, катта жамиятларга ҳар бирлари ўз қонунлари бўлган ҳолда кириб келадилар.

Клиний. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Афиналик. Албатта, уларнинг ҳар бирларига ўз қонунлари кўпроқ ёқиб, ўзгаларники камроқ ёққан.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Менимча, биз энди ногаҳон қонунчиликнинг бошланишига келдик.

Клиний. Мутлақо тўғри.

Афиналик. Бундан кейин қўшилганлар (яъни бир-бирлари билан қўшилиб яшаётган қабилалар— тарж) ўз ораларидан баъзи одамларни сайлаб олишлари керак бўлади, токи улар барча қонунлаштирилган ҳолатларни кўриб чиқиб, ўзларига кўпроқ маъқул бўлганларни танлаб олиб, аниқ равшан баён этиб, халқлар подшоҳлари сифатидаги етакчилар ва раҳнамоларнинг кенгашига тақдим этсинлар. Уларнинг ўзлари қонун чиқарувчилар (соҳиб қонунлар) номини олиб мансабдор шахсларни тайинлашлари, сулолалар ўрнига зодагонлар бошқарув тарзини ёки подшоҳлик ҳокимиятини бирон-бир турини жорий этиб давлат қурилишини ўзгартиришлари керак бўлган.

Клиний. Шундай бўлса тўғри бўларди.

Афиналик. Мен энди яна давлат бошқарувининг ва у билан бирга давлатларнинг ҳам барча хиллари ва ҳолатлари қўшилиб кетган давлат қурилмасининг учинчи шаклига эътибор қаратмоқчиман.

Клиний. Бу қандай шакл?

Афиналик. Иккинчисидан кейин Ҳомер ҳам кўрсатиб ўтгани; уни у қуйидагича тасвирлайди: «У Дардинияга асос солди, — дейди у қаердадир, қачонки машҳур Илион,

Водийда ҳали қуриб бўлинмаган бир вақтда одамлар.

Ид сувлари билан обод тоғ этакларида яшар эдилар.

Бу шеърни ҳам, Киклоплар ҳақида айтилган шеърлардек, у Худо ва табиатга монанд равишда ёзган. Чунки шоирлар — илоҳий ва илҳом ила куйловчи авлод (қабила) дирлар; кўпинча улар Харит ва Музалар таъсири остида ҳақиқий воқеаларни ҳам тасвирлайдилар.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Бу ривоятни яна бир эслайлик: балки у бизнинг мақсадимиз учун ҳам бирор кўрсатма берар. Шундай қилишга у арзийди, тўғрими?

Клиний. Жуда ёрдам беради.

Афиналик. Биз айтамызки, кенг, гўзал водий ўртасида, Ид чўққиларидан оқиб тушаётган кўп дарёлардан баҳраманд, баланд тепаликларда, қояларда яшовчилар томонидан Илион барпо этилди.

Клиний. Айтишларича шундай бўлган.

Афиналик. Тахмин қилиш мумкин-ки, бу воқеа тўфондан кейин анча вақт ўтгач содир бўлган, тўғрими?

Клиний. Албатта кўп вақт ўтгач.

Афиналик. Агар одамлар, қандайдир унча баланд бўлмаган адирларга ишониб, қоялардан оқиб тушаётган дарёларнинг хавф солишига қарамай шаҳарга асос солишга журъат қилган бўлсалар, демак улар ҳозиргина эслатиб ўтганимиз, вайроналикларни бутунлай унутиб юборган бўлишлари керакдир.

Клиний. Бахтсизликдан кейин кўп вақт ўтган бўлиши аниқ.

Афиналик. Ўйлашимча, одамларнинг кўпайиши натижасида у пайтларда кўпгина бошқа шаҳарларда одамлар жой қилганлар.

Клиний. Нима демоқчисан?

Афиналик. Худди ўшалар Илионга қарши юришга чиққанлар, балки денгиз (йўли) биландир, чунки ҳамма ундан кўрқмай фойдалана бошлаган эди.

Клиний. Балки.

Афиналик. Ўн йиллик кутишдан кейин Ахейлилар Трояни вайрон қилдилар.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Илион қамали давом этаётган бу ўн йиллик давр мобайнида, қамал қилувчиларнинг ҳар бири ватанларида, ўз уйларига қайтаётган жангчиларни хайрихоҳликсиз ва адолатсизлик билан кутиб олган ёшларнинг қаршиликлари туфайли кўп бахтсизликлар содир бўлди, жуда кўп ўлимлар, қотиликлар ва қувғинди этишлар рўй берди. Аммо ўша пайтдаги қувғиндилар ўз исмларини ўзгартириб яна қайтиб келдилар: ахейлилар ўрнига улар дорийлар деб атала бошладилар, чунки ўша пайтда уларни Дорией тўпла-

ган эди. Сиз лакедемонияликларда барча ривоятларингизнинг бошланиши ва охири шундайдир.

Мегилл. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Гарчи, мусиқий санъат ва мастоналикда тўхталиб, оғишган бўлсақда қонунлар ҳақидаги суҳбатимизни нимадан бошлаган бўлсак, Худонинг иродаси билан яна ўшанга қайтиб келдик. Энди бизнинг мулоҳазаларимиз мавзуимизни яна давом эттиришга имкон беради. Чунки биз яна, тўғрилигини сиз тасдиқлаётганингиз лакедемония ва улар билан қонунлар маъносида қардош бўлган крит муассасаларига келдик. Баъзи давлат қуриламалари ва муассасаларини муҳокама қилаётганимизда мулоҳазаларимизнинг (мавзудан) оғишганимиз ушбу афзалликларни берди: биз навбатма-навбат тартибда, ташкилоти бизнингча улкан вақт давомида бир-биридан узоқ турадиган учта давлатни кўриб чиқдик. Ҳозирги ушбу давлат, агар жоиз бўлса, қабила бизнингча тўртинчиси, қачонлардир таъсис этилган ва ҳозиргача ўз қонун-қоидаларини сақлаб қолгандир. Мегилл ва Клиний, ушбуларнинг барчасидан, нима яхши таъсис этилгану нима ёмонлиги ҳақида хулоса чиқара оламизми? Қандай (қайси) қонунлар сақланадиганни эҳтиёт қилади, ҳалок бўлаётганини йўқ қилади (йўқотади)? Давлат фаровонлиги учун қандай ўзгаришлар қилиш керак? Агар, олдин айтилганларга қарши фикрлар бўлмаса, бу ҳақда яигитдан, гўёки яна бошланишидан гапирмоқ керак бўлади.

683

Ъ

Мегилл. Ажнабий (биродар), қонунчиликни иккинчи марта кўриб чиқишга уринишимизда бизга, ҳозиргина айтиб ўтилганларидан ёмонроқ ҳам, кучсизроқ ҳам бўлмаган мулоҳазаларни эшитишга тўғри келади, деб бирор Худо ваъда қилса, шахсан ўзим узоқ йўлга ҳам тушган бўлардим ва ушбу кун менга қисқа кўринган бўларди, гарчи ҳозир Худо ёздан қишга бураётган кунлар бўлсада.

С

Афиналик. Бу масалани ҳам кўриб чиқиш керакка ўхшайди.

Мегилл. Бегумон шундай қилиш зарур.

Афиналик. Лакедемон, Аргос, Мессена ва уларга туташ вилоятлар сизларнинг аждодларингиз ҳукмронлигига тушиб қолган пайтларга ҳаёлан бориб кўрайлик, Мегилл.

d Ривоятда айтилишича, улар қуролланган халқни уч қисмга бўлиб, учта давлат: Аргос, Мессена ва Лакедемонни таъсис этишга қарор қилганлар.

Мегилл. Мутлақо тўғри.

Афиналик. Темен – Аргос подшоҳи, Кресфонт – Мессенага, Лакедемон подшоҳлари Прокл ва Еврисфен бўлдилар.

Мегилл. Ҳа, шундай (бўлган).

Афиналик. Агар кимдир уларнинг подшоҳлик ҳокимиятларини йўқ қилмоқчи бўлса, барча замондошлари уларга (яъни ўша подшоҳларга – тарж) ёрдам беришга қасам ичдилар.

e Мегилл. Шундай.

Афиналик. Зевс билан қасам ичаман-ки, подшоҳлик ҳокимияти ва умуман ҳар қандай ҳокимият ўша ҳокимият соҳиблари томонидан бузилмайдими, вайрон бўлмайдими? Сал олдинроқ аниқлаб олган фикрларимизни ё унутдикми?

Мегилл. Эсдан чиқариб бўладими?

Афиналик. Биз энди бунга янада аниқроқ тарзда тасдиқлаймиз. Бизга учраган ҳолатлар худди шундай ҳулосага олиб келди, шу сабабли биз қандайдир арзимас нарсаларни эмас, балки, ҳақиқатан рўй берган ва ҳақиқатни ўзида жо қилган нарсаларни текшираемиз. Сўз ушбулар ҳақида боради: учта давлатда подшоҳлик ҳокимияти ўрнатилди; ҳукуматларнинг ҳар бири ўз шаҳарларига қасамёд қилиб бошқарув ва тобелик (бўйсунуш) ҳақида ўрнатилган умумий қонунларга риоя қилишга ваъда берганлар; бир томон, вақт ўтиши ва қабиланинг кўпайиши билан ҳокимиятни (ҳукуматни) кучайтирмасликка онт ичди; бошқа томон, агар кўрсатилган шартларга ҳукмдорлар томонидан риоя қилинса, ўзлари ҳеч қачон подшоҳлик ҳокимиятини йиқитмасликлари ва бошқаларнинг ҳам бундай уринишларига ёрдам бермасликлари ҳақида қасам ичдилар. Подшоҳлар, камситилаётган халқлар ва подшоҳларга, халқлар эса халқлар ва подшоҳларга ёрдам беришга ваъдалар бердилар.

b Мегилл. Шундай.

Афиналик. Бундай қонунларни подшоҳлар берганми-лар ёки бошқа бировми, бу уч давлатнинг давлат қурили-шини сақлаш учун улар буюк бир қарор бўлгандир.

Мегила. Қайси қарор?

Афиналик. Икки давлатнинг бир-бирларига, учинчи бир давлат ўрнатилган қонунларга бўйсунмаган тақдир-да ёрдам беришлари ҳақидаги.

Мегила. Тушунарли.

Афиналик. Аммо кўпчилик, қонун чиқарувчилардан улар, халқнинг кўпчилик қисми томонидан ихтиёрий қабул қилинадиган қонунларини қабул қилишларини талаб қиладилар. Бу худди, гимнастика ўқитувчилари ва табиб-ши-фокорлардан, уларга ишониб топширилаётган бадан учун фақат ёқимли машқлар ва даволарни талаб қилинганига ўхшайди.

Мегила. Мутлақо тўғри.

Афиналик. Аммо баъзида, унча оғритмай баданни со-ғлом ва бақувват қиладиган нарсалар билан чекланишга ҳам тўғри келади.

Мегила. Албатта,

Афиналик. Қонунларни ўрнатишда яна ушбу ҳолат ўша пайт одамларига анча енгиллик берган.

Мегила. Қайси?

Афиналик. Бу қонун чиқарувчилар, одамлар учун мулкий тенглик яратаётганларида, қонунлар қабул қила-ётганларида, қонунлар қабул қиладиган кўп давлатларда учрайдиган улкан қаршиликка дуч келмаганлар. Негаки, ерни қайта бўлиш ва қарздорлик мажбариятларини бе-кор қилмай туриб етарли даражадаги тенглик ўрнатиб бўлмаслигини эътиборга олиб қонун чиқарувчи нимани-дир ўзгартиришга уринади, шунда ҳамма, ўзгармайдиган-ни ўзгартириб бўлмайди, деб ерни қайта бўлиш ва қарз-дорликни бекор қилишни таклиф қилганни лаънатлайди-лар ва унга қарши исён кўтарадилар, шундай қилиб ун-дай одамнинг аҳволи ўта мушкуллашиб кетади. Дорий-ликларнинг ишлари бунда ҳам жуда яхши ва бенуқсон-дир: ер баҳс, жанжалсиз бўлинган ва катта ҳамда эски қарзлар йўқ.

Мегила. Бу тўғри.

А ф и н а л и к . Азизларим, нега бу қарорлар ва қонунлар уларда бунчалик ёмон натижага олиб келди?

М е г и л л . Қандай? Сен нимани ёмонлаяпсан, аниқроқ айт.

685 А ф и н а л и к . Ташкил этилган учта катта уюшмадан иккитаси тез орада ўз тартиблари ва қонунларини бузиб юборганларини, фақат учинчиси – сизнинг давлатингиз уларни сақлаб қолганини.

М е г и л л . Сен қийин масалани ўртага қўйдинг.

А ф и н а л и к . Аммо биз, қонунларга тааллуқли, оқилона қарилликнинг эрмаклари билан овиниб, бутун йўлни қайғусиз босиб ўтиш учун уни кўриб чиқишимиз ва текширишимиз керак бўлади; биз йўл бошида шундай қарор қилган эдик-ку.

М е г и л л . Нима ҳам дер эдик! Сен нима десанг шунга розимиз.

б А ф и н а л и к . Бундан бошқа қайси қонунларни ва уларга тартиб берган шахсларни кўриб чиқишга киришишимиз мумкин? Қайси бир ажойиб ва буюкроқ давлат ва қарорларни биз текширишимиз мумкин бўлар эди?

М е г и л л . Буларнинг ўрнига бошқаларини айтиш қийин.

с А ф и н а л и к . Ўзаро ёрдам кўрсатиладиган (давлат) қурилишини ўша замон қонун чиқарувчилари фақат Пеллепоннес учун эмас, агар варварлардан, қайси биридир уларга кун бермайдиган бўлса, у ҳолда барча эллинлар учун ҳам яроқли, деб ҳисоблаганлар, – масалан Нин даврида кучайган Ассирия қудратига ишониб Илион аҳолиси эҳтиётни унутиб Троя урушини келтириб чиқарди. Бу салтанатнинг сақланиб қолган (омон қолган) чегаралари у пайтда анчагина кенг эди, ҳозир биз Улуғ подшоҳдан қандай кўрқсак, ўша замон одамлари бу иттифоқнинг барпо бўлишидан шундай кўрқар эдилар. Троянинг иккинчи забт этилиши юнонларга нисбатан кўп норозиликлар туғдирди, чунки у ассирия салтанатининг бир қисмини ташкил этарди. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, уч давлат орасида бўлиб олинган, Ҳеракл (Геракл) ўғиллари, ака-ука подшоҳлар ҳукми остидаги ўша қўшиннинг ягона қуриламаси ажойиб даражада ўйлаб топилган ва тартиб

берилган эди. Бу, Троя бўсағасига келган кўнгиллилар қурилмасидан анчагина яхшидир. Биринчидан улар, Пелопид ҳукмдорларига қараганда Ҳераклийларни яхшироқ, деб ҳисоблардилар; кейин улар, Троя бўсағасига келган кўшинга қараганда бу кўшинни хайрлироқ, деб ҳисоблар эдилар, чунки троялиларни енгиб ажейлилар ўз навбатида дорийларга енгилдилар. Ўша замон қонун чиқарувчилари (соҳиби қонунлар) томонидан худди шундай қилинган ва шундай мақсадда, тўғри эмасми?

Мегилл. Албатта.

Афиналик. Шундай қилиб, бундай ҳолат узоқ вақтларгача сақланиб қолади, деб ҳисоблашлари табиий эди, чунки улар ўзаро кўнгина хавф-хатар ва машаққатларни бўлиб олган, подшоҳ ака-уларнинг ягона ҳукмронлиги остида бўлганлар ва кўпгина турли кароматгўйлардан, шу қатори делфалик Аполлондан (кароматлар) сўраган эдилар.

Мегилл. Табиийки, шундай бўлган.

Афиналик. Аммо, ҳозир биз айтиб ўтганимиздек, вилоятингизнинг кичкинагина қисмидан ташқари бошқа жойларда ушбу барча буюклик тезда йўқ бўлди, сақланиб қолган қисми эса қолган икки бўлак билан урушни тўхтатаётгани йўқ, хатто ҳозирги кунларда ҳам. Айтиш керак-ки, ўша пайтда пайдо бўлган ягона ва келишилган фикрлар тарзи урушда енгилмайдиган қудратни яратган бўлур эди.

Мегилл. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Афиналик. Бунинг ҳаммаси қандай, қайси йўсинда ҳалок бўлди? Бунчалик мукамал тизимни қандай тақдир нобуд этганини муҳокама қилиш арзигулик эмасми?

Мегилл. Агар бунга етарли даражада аҳамият берилмаса, у ҳолда бошқа ниманидир кўриб чиқиляётганда, қонунлар ва давлат қурилиши гўзал-ажойиб амалларнинг буюкчилигини қандай сақлаб қолишлари ёки аксинча, уни бутунлай нобуд этишини тушуниш мушкул бўлур эди.

Афиналик. Демак, биз бахтимиз кулиб арзигулик бир мавзуга дуч келдик.

Мегилл. Бегумон (шундай).

А ф и н а л и к . Фаройиб нарсаларни яратишга арзийдиган нимадир гўзал -ажойиб нарсанинг пайдо бўлганини кўриб, худди бизлар ҳозир ёдимиздан чиқарганимиздек, кимдир бундан яхши фойдалана олиши ва қандай фойдаланиши ҳақида барча одамлар эсларидан чиқарадилар, тўғрими? Бундай ёндошишда ҳар қандай бошқа нарсалар ҳақида ҳаммага ўхшаб биз ҳам ҳозир бу борда нотўғри, табиатга мос бўлган тарзда фикр юритдик.

М е г и л л . Аниқроқ гапир, Сенинг бу сўзларинг нимага тааллуқли?

А ф и н а л и к . Дўстим, ҳозир мен ўз-ўзимга кулгуликман. Ҳозир айтаётганимиз кўшинга мен эътибор берганимда у менга эллиннинг ажойиб ва жуда яхши мулкига ўхшаган эди, – қайтариб айтаман агар ўша пайтда ундан билиб фойдаланилса.

М е г и л л . Аммо сен булар ҳақида яхши ва оқилона гапирган эдинг, биз ҳам сени мақтаган эдик.

А ф и н а л и к . Балки, ҳар ҳолда мен ўйлайманки, катта куч ва қудратга эга бўлган нимадир буюк нарсани кўрганда, агар бу буюк куч соҳиби ундан фойдаланишни билса, у ҳолда кўпгина ажойиб ишларни амалга ошириб у албатта фароғатга эришар эди, деган таассурот қолади.

М е г и л л . Нима бу нотўғрими? Сенинг фикринг қандай?

А ф и н а л и к . Бунга ўхшаш мақтовни тўғри айтаётган одам нимага эътибор беришига бир назар сол. Аммо, олдин ҳозир сўз юритаётган нарса ҳақида гаплашайлик: агар ўша замонлардаги мансабдорлар кўшинни кўнгилдагидек қилолганларида, у ҳолда улар ундан қандай фойдаланар эдилар? Агар улар, ўзлари эркин ҳолда бўлиб, ҳар кимнинг устидан ва умуман ҳамма одамлар, эллинлар ва варварлар устидан ҳукмрон бўлиш учун, уларнинг ўзлари учун ҳам, авлодлар учун ҳам орзу-истак мавзуси бўлган нарсани бажариш учун ҳеч иккиланмай кўшинни ўрнига қўёлганларида (кўшинга тартиб бера олганларида) улар кўшинни абадул-абад сақлаб қолган бўлар эдилар. Бу уларни мақтовларга сазовор этмасмиди?

М е г и л л . Сазовор этарди.

А ф и н а л и к . Худди шунга ўхшаш, жуда катта бойлик ва боёнларнинг алоҳида ишонарли имкониятларини ҳам-

да шунга ўхшаш бошқа нарсаларни ҳам кўрганда ҳар ким ҳам унга эътибор беради ва ўша гапни айтади, яъни, бунинг воситасида барча ёки ҳеч бўлмаганда кўпгина эса олишга лойиқ орзу-истакларни рўёбга чиқаришга эришиш мумкин бўларди, дер эди.

Мегилл. Бу табиий.

Афиналик. Айт-чи, барча одамларда бизнинг мулоҳазаларимизни ҳал этишга интилаётган, умумий истак борми?

Мегилл. Бу қандай истак?

Афиналик. Барча рўй бераётган нарсалар, агар ҳаммаси бўлмаса, ҳеч бўлмаганда барча инсонийлари бизнинг дилимиз (кўнглимиз) буйруғи билан амалга ошадиган бўлса.

Мегилл. Яхши бўларди!

Афиналик. Биз ҳаммамиз – болалар ҳам, чоллар ҳам ҳамма вақт шунини хоҳлаганимиз учун, биз албатта охири-оқибатда шулар ҳақида ибодатларимизда дуолар қиламиз, тўғри эмасми?

Мегилл. Албатта.

Афиналик. Ўзимизга қадрли одамлар учун ўз ибодатларимизда, улар ўзларига нимани тиласа, шунини тилаб дуолар қиламиз.

Мегилл. Ҳа.

Афиналик. Ўғил отага қадрли: у – бола, бу эса катта одам.

Мегилл. Албатта.

Афиналик. Аммо, бола ўзи учун тилайдиган нарсалардан кўпини қайтаришни (бермасликни) ота худолардан илтижо қилади, – токи ўғлининг тилаклари ҳеч қачон амалга ошмасин.

Мегилл. Сен ақлсиз ўспирин дуоларини айтмоқдасан.

Афиналик. Ота қариган чоғида ёки ҳали анча ёшлигида нима гўзал, ажойибу нима адолатли эканлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмай жон дили билан ибодатда дуо қилса-ю ўзи, бахтсиз ҳалок бўлган Ипполитга нисбатан Тесей ҳис этган ҳолатда бўлса, сен қандай ўйлайсан, ўғил буни биланб туриб у билан бирга ибодатда дуо қилармиди?

Мегилл. Нималар ҳақида гапираётганингни тушундим. Менимча сен, – ҳамма нарса бизнинг иродамизга эргашсин (иродамиз бўйича бўлсин – тарж), деб хоҳлаш ва дуо илтижолар қилиш эмас, балки қўпроқ ирода бизнинг идрокимиз, онгимиз кетидан юрсин, деб хоҳлаш ва дуо-илтижолар, ибодатлар қилиш, яъни давлат ҳам ва ҳар биримиз ҳам ақл соҳиби бўлишимиз учун ибодат-дуолар (муножотлар) қилишимиз ва ёлборишимиз зарур.

638 А ф и н а л и к. Ҳа, менинг ёдимда ва сизларга шуни эсла-
тишим керак-ки, қонун чиқарувчи (соҳиби қонун), давлат
одами худди шуни назарда тутган ҳолда қонунлар тартибо-
тини ўрнатиши зарур. Сўхбат бошида нималар ҳақида га-
пирганимизни эслайлик: сизларнинг талабингиз бўйича яхши
соҳиби қонун барча ўз қонуларини уруш учун ўрнатиши
керак. Менимча бундан, фақат биргина эзгулик (хайрли иш)
учун қонунлар ўргатилиши керак, деган маъно чиқади, ас-
лида эса улар тўртта. Барча эзгуликларнинг мажмуаси, ай-
ниқса эса биринчиси, раҳбарий эзгулик, аниқроғи ақлли-
b қлик, ақл ва (тўғри) фикр-мулоҳаза билан бирга улардан кей-
ин келадиган муҳаббат ва истак-хоҳиш назарда тутилиши
зарур. Шундай қилиб бизнинг мулоҳазаларимиз яна ўшанга
қайтиб келди ва мен яна ўшанда айтганларимни қайтара-
ман – ҳазил биланми, чинми бу ўзингизга ҳавола: ақли бўлма-
ган (одамга) дуолардан фойдаланиш хавфли, чунки, унинг
хоҳиш-истакларига қарама-қарши нарса содир этилиши
мумкин. Аммо менинг сўзларимни мумкин бўлса жиддий
қабул қилингиз. Мен ўйлайманки, сиз менинг сал олдинроқ
баён этилган мулоҳазаларимни кузатиб энди, подшоҳлар ва
уларнинг барча ниятларининг барбод бўлишининг сабаби,
c ҳокимларнинг ва бўйсунуши зарур бўлганларнинг қўрқоқ-
ликлари ва ҳарбий билимлари йўқлиги эмас, балки, бошқа
бир хилдаги ҳар хил иллатлар, айниқса эса буюк инсоний
ишлардан беҳабарликлари, уларни билмасликларидир, де-
ган фикрга келасиз. Ўша пайтда худди шундай бўлгани, ҳозир
ҳам қайсидир ерда шундай бўлаётгани ва кейин ҳам ўзгача
эмас, шундай бўлишини агар хоҳласангиз тартиб билан
d қўрсатиб ўтишга ва кучим етганча, дўстларим сифатида
сизларга тушунтиришга ҳаракат қиламан.

К л и н и й. Ажнабий (биродар), сени сўзлар ила мақташ
ўта ноўрин бўлур эди; яхшиси буни бизнинг ишларимиз

кўрсатсин. Биз сенинг мулоҳазаларингни диққат билан эшитамиз: негаки озод туғилган инсон фақат шу тарзда ўзининг маъқуллаши ёки танбеҳини намоеън этади.

Мегилл. Офарин, Клиний. Биз сен айтгандай йўл тутамиз.

Клиний. Худо хоҳласа шундай бўлади. Сен фақат давом этсанг бўлгани.

Афиналик. Шундай қилиб, мулоҳазаларимизнинг сўнгги йўналишига кўра, биз ўша пайтда у ҳокимиятни буюк бир беҳабарлик (билмаслик), барбод этди, ўз табиятига кўра у ҳозир ҳам худди шундай қиломоқда, деб тасдиқлаймиз. Ишнинг бундай аҳволида соҳиби қонун (қонун чиқарувчи) имкони борича, давлатда онглилик (идрок)ни жорий этиб, онгсизликни иложи борича тезроқ олиб ташлаш (йўқотиш)га ҳаракат қилиши керак.

Клиний. Шундайлиги аниқ.

Афиналик. Қандай беҳабарлик адолат бўйича энг улкан беҳабарлик деб айтилиши мумкин? Ўйлаб кўринг, менинг айтганларимга қўшиласизми? Менингча ушбу... 689

Клиний. Қайси?

Афиналик. Кимдир биров қачонки зебо ва раҳмдил бўлиб туюлган нарсани яхши кўрмай ундан нафратланса, қабих ва адолатсиз туюлганни эса яхши кўради ва олқишлайди. Дард ва ҳузурнинг онгли фикр билан келишмаслигини мен сўнгги ва улкан беҳабарлик деб ҳисоблайман, чунки у дил (нафс)нинг каттароқ қисмига тегишлидир. Дилнинг ғамандуҳ ва ҳузурланишни ҳис этадиган қисми, худди давлатдаги халқ кўпчилигига ўхшайди. Қачонки дил (нафс) табиятан бошқаришга тайин этилган билимлар, (тўғри) фикрлар ёки онга қаршилиқ кўрсатса, буни мен ақлсизлик деб биламан, худди шунга ўхшаб давлатда ҳукмдорларга ва қонунларга кўпчилик бўйсунмаса, бу ҳам ақлсизликдир. Агар дил (нафс) да бор бўлган назокатли фикрлар фақат ўзининг тўғридан-тўғри зиддини вужудга келтирса, у ҳолда худди ўшанинг ўзи ҳар бир айрим одамда ҳам рўй беради. Буларнинг ҳаммасини мен, давлат учун ҳам, ҳар бир айрим фуқаро учун ҳам, фақат эҳтимол ҳунармандларни кўшмаган ҳолда, энг иматли беҳабарлик, деб ҳисоблаган бўлур эдим. Ажнабий (биродарлар) менинг сўзларимнинг маъносини фаҳмлаяписизми? c

К л и н и й . Дўстим, биз тушунмоқдамиз ва сенинг сўзларингга қўшиламмиз.

А ф и н а л и к . Бу ҳолат бизда қуйидагича қарор қилиниб, ифодалансин: нодон, жоҳил фуқароларга ҳокимиятга тааллуқли ҳеч қандай вазифа бериб бўлмайди; уларни жоҳиллар сифатида қоралаш, уларга дашном бериш зарур, гарчи улар мулоҳаза юритишга моҳир ва ҳар хил руҳий назокат ва зарифликларга устомон бўлсалар ҳам. (Бунга) қарама-қарши фитратли одамларни донишманд одамлар дейилиши зарур, гарчи айтишларича, кўп нарсани билмасларда; онгли одамлар сифатида уларга бошқарув (ишларини) топшириш керак. Ўзингиз уйлаб кўринг дўстлар, уйғунликсиз онглиликнинг қандай бўлсада бирор тури пайдо бўлиши мумкинми? Бундай бўлиши мумкин эмас. Энг катта донишмандлик деб энг зебо ва улғувор уйғунлик (гармония)ни айтса адолатдан бўлур эди. Кимки онг, идрокка мос равишда яшаса, ўша унга (донишмандликка) тааллуқли бўлади; кимки ундан маҳрум бўлган бўлса, у ўз уйини вайрон этувчидир ва ҳеч қачон давлат халоскори бўлолмайди, аммо нодон сифатида ҳамма нарсанинг тескарисини қилади. Шундай қилиб, ҳозиргина айтилганларга кўра бу ҳолатни аниқланди деб ҳисоблай қоламиз.

К л и н и й . Маъқул.

А ф и н а л и к . Давлатда ҳокимлар ва бўйсунувчилар (тобелар) бўлиши шарт.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Жуда яхши. Катта давлатлар ва кичкина оилаларда қандай асосларда бировлар ҳукмдорлик қилишлари, бошқалари эса бўйсунушлари керак? Шундай асослардан бири – ота ва онанинг ҳукмдорлиги ва умуман олганда, ҳамма ерда тўғри тушуниладиган авлодлар устидан ота-оналарнинг ҳукмдорлигидир.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Бундан ташқари, олижаноблар олижаноб бўлмаганлар устидан ҳукмдор бўлишлари зарур; ва учинчидан, демак, катталар ҳукм ўтказишлари (бошқаришлари) кичиклар бўйсунушлари керак.

К л и н и й . Ҳа, шундай бўлиши керак.

Афиналик. Тўртинчидан, қуллар бўйсуниб, хўжайинлар – бошқариши, ҳукмдорлик қилишлари зарур.

Клиний. Бошқача бўлиши мумкимми?

Афиналик. Бешинчидан, менингча, кучли ҳукмдорлик қилиб, ожиз бўйсунити керак.

Клиний. Сиз ҳокимиятнинг зарур турини кўрсатиб ўтинг.

Афиналик. Бунинг устига, бу қачонлардир фивалик Пиндар айтганидек, барча тирик мавжудотлар учун энг кенг тарқалган ва табиатга мосдир. Аммо, энг асосий талаб, ҳар қалай олтинчиси, яъни, етарли билими йўқ одам онгли, ақлли одамнинг раҳбарлигига бўйсунити ва унинг ҳукмронлиги остида бўлиши зарурлигидир. Оҳ, донишманд Пиндар, менинг фикримча бу табиатга зид бўлмайди; мен айтардимки, табиатга қонуннинг зўравонларча ҳукмдорлиги эмас, балки унга (қонунга) ихтиёрий бўйсунити ёқади.

Клиний. Мутлақо тўғри.

Афиналик. Ҳокимиятнинг еттинчи турини бахтли ва худоларга хуш келадиган деса бўлади; биз уни қуръага боғлиқ равишда ўрнатамиз: қуръада ютган одам ҳукмронлик қилади, ютқизган эса – чекинади ва бўйсунити. Биз буни олий даражадаги адолат деб биламиз.

Клиний. Мутлақо тўғри.

Афиналик. «Эътибор бер, соҳиб қонун, – дер эдик биз осонликча қонунларни ўрнатмоқчи бўлган одамга ҳазил билан, – ўз табиатига кўра зиддиятли бўлган қанча ҳокимият асослари бор. Ҳозир биз сен ўйлаб кўришинг зарур бўлган жанжалларнинг бир манбаини кашф этдик. Аввало сен билан, ҳозир айтилганларга қарши, Аргос ва Мессена подшоҳлари нимада ва қандай хато ишлар қилганларини ва шунинг учун ўз-ўзларини ҳам, эллиларнинг ўша замонларда буюк бўлган қудратларини ҳам ҳалокатга учратганларини муҳокама қилгин. Улар, Гесиоднинг аксар ҳолларда ярим бутундан катта (кўп) деган олий даражада тўғри ҳикматини билар эдилар-ку: масалан, бутунни босиб олиш хавфи бўлганда, ярми эса етарли даражада бўлганидан кейин етарлиси меъёрдан ошиб кетгандан катта (кўп). Чунки у, унисидан яхши, деб ўйлабди».

Клиний. Албатта, тўғри.

Афиналик. Хўш, бизнингча, ҳар бир айрим ҳолда ҳалокат сабаби аввалам бор подшоҳлардами ёки халқдами, қаерда унинг иддизи?

Клиний. Ҳар қалай кўпроқ учрайдиганидадир: ҳашамат бойлик туфайли керилиб яшайдиган подшоҳлар касали бўлса ажаб эмас.

Афиналик. Шундай қилиб, шуниси аниқ-ки, ўшанда бу (касалик) аввали подшоҳларга юқди. Улар, ўрнатилган қонунлардан юқорироқ туришни хоҳлар эдилар ва ўзлари қасамёд қилганлари ҳамда сўзда маъқуланган нарсалар борасида бир-бирлари билан келишолмадилар. Биз шуниси тасдиқлаймиз-ки, келишмовчилик, – гарчи донишмандлик туюлсада, энг улкан жоҳилик, нодонликдир. Бепарволик ва афсусланарли маърифатсизлик туфайли у (келишмовчилик) ҳамма нарсани барбод қилди.

Клиний. Шундай бўлиши мумкин.

Афиналик. Жуда яхши. Ўша замон соҳиби қонуни (қонун чиқарувчиси) бу касофатнинг пайдо бўлишидан қандай қилиб қутқариши мумкин бўларди? Худоларга онг ичиб айтаманки, энди буни билиш ва айтиш қийин иш эмас; аммо, кимдир ўша пайтда одиндан кўра билганида, у биздан донишмандроқ (донороқ) бўлар эди.

Мегилл. Нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Агар сизларда Мегилл, қандай воқеа содир бўлганига эътибор берилса, энди буни тушунса, ва ўшанда нима бўлганлигини ҳам айтса бўлади.

Мегилл. Равшанроқ гапир.

Афиналик. Равшанроқ айтиладиган бўлса, бундай деса бўлади...

Мегилл. Қандай?

Афиналик. Агар меъёрни эсдан чиқариб, жуда кичкина нарсага жуда катта ниманидир: кемаларга – елканлар, баданларга – овқат, дил (нафс, кўнгил)ларга – ҳокимият берилса, у ҳолда ҳамма нарса оёғи осмондан бўлади; беадаблик авж олиб, бировлар касаликларга учрайдилар, бошқалари адолатсизликка ўтадилар, бу эса такаббурликнинг самарасидир. Биз нима демоқчимиз? Демоқчимизки: умри боқий бўлмаган дил (нафс, руҳ), (яъни умри боқий бўлмаган одам. – тарж) дўстларим, агар у ёш ва масъули-

ятсиз бўлса, ўз табиатига кўра инсонлар орасидаги буюк ҳокимиятни кўтаролмайди; унинг онги онгсизликнинг оғир дардига тўлиб тошади ва энг яқин дўстларини ёмон кўриб қола бошлайди, бу эса уни тез орада хонавайрон қилади ва бутун қудратини барбод этади. Фақат буюк соҳиби қонунларгина, тенгўлчамликни идрок этиб бундан сақланишлари мумкин. Энди, ўша пайтда нима бўлганлигини айтса бўлади. Бундай бўлганга ўхшайди...

К л и н и й . Қандай деб ўйлайсан?

А ф и н а л и к . Келажакни каромат қилувчи қайсидир худо сизларнинг тўғрингизда ғамхўрлик қилган. Биттасининг ўрнига иккита подшоҳлик сулоласини ўрнатиб подшоҳлик ҳокимиятини анча мўътадиллаштирди. Кейин, қандайдир инсоний фитрат қандайдир илоҳий куч билан бирлашиб ҳали ҳам сизларнинг ҳокимиятингиз ларзада эканлигини тушуниб, қариликнинг мулоҳазали қудратини насл-насабнинг мағрурона кучи билан бирлаштирди ва энг муҳим ишларда йигирма саккиз оқсоқол ҳокимияти ва подшоҳлик ҳокимиятининг баробар қимматли бўлишини таъминлади. Давлатингизнинг учинчи халоскори ҳамон эҳтирослар жўшаётганини кўриб, сайланадиган ҳокимиятта яқин бўлган эфорлар ҳокимиятини унга (эҳтиросга) бир жилов қилиб қўйди. Шунинг учун зарурий қисмлар қоришмасидан пайдо бўлиб, подшоҳлик ҳокимияти ўзи ҳам сақланиб қолиб, бошқаларга ҳам халоскор бўлиб қолди. Шу билан бирга, Темен, Кресфонт ва ким бўлишларидан қатъий назар, ўша замон соҳиби қонунлари даврида, ҳатто Аристокдем мулки ҳам сақланиб қолмас эди, чунки улар қонунчиликда етарли даражада тажрибага эга эмас эдилар: бўлмаса осонгина мустабидлик пайдо бўлиши мумкин бўлган шундай ҳокимиятни қўлига олган навқирон дил (руҳият, нафс)ни қасамёд этишлар воситасида ром қилиш мумкин, деб ҳисобламас эдилар. Аммо худо, олдилари ҳам, ҳозирда ҳам доимо турадиган ҳокимият қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Мен олдинроқ айтганимдек, бизнинг ҳозир буни билишимизда ҳеч донолик йўқ ўтмиш мисолида ҳукм чиқариш, (фикр билдириш) қийин эмас. Аммо, агар ўшанда кимдир буни олдиндан кўра олганида ҳокимиятни мўътадилроқ ва учлик ўрнига якка (ҳокимият) эга олганида у, ўша пайтда ўйлаб топилган барча зебо нарсалар-

ни қутқариб қолган бўларди, шунда ҳеч қачон Эладага қарши на форс ва на бошқа бирор қўшин ҳужум қилиб келмасди, худди (ҳурматга) нолайиқ одамларга қарагандай таҳқирли муносабатда бўлмасдилар.

К л и н и й . Тўғри айтасан.

А ф и н а л и к . Элинлар улардан шармандали равишда ҳимояланадилар, Клиний. Қуруқликдаги ва денгиздаги жангларда ажойиб ғалабалар қозонилмагани учун эмас, менингча ушбу сабаб билан шармандали бўлган: биринчидан, ўша пайтда мавжуд бўлган давлатлардан фақат биттасигина Элада учун жанг қилган, қолган иккитаси эса шунчалик тубан кетадилар-ки улардан бири, кучи етганича Лакедемон билан уруш олиб бориб Лакедемоннинг ўзини ҳимоя қилишига қаршилик кўрсатди, ўшандаги бўлиб олишда пешқадамлик қилган бошқаси эса, яъни Аргос, варварларга қарши юришга бўлган чақириққа бўйсунмади ва бормади. Ўша пайтдаги уруш ҳақида, Элада фойдасига гувоҳлик бермайдиган кўп мисоллар келтириш мумкин. Элада ўзини ҳимоя қилди, деб тасдиқлаш ҳам хато бўлур эди. Агар афиналиклар ва лакедемонияликлар умумий ниятга риоя этиб, хуруж қилиб келаётган қулликни қайтармаганларида барча элин қабилалари бир-бирлари билан ҳамда варварлар қабилалари билан ва элин қабилалари варвар қабилалари билан аралашиб кетган бўлар эдилар, ҳозир форслар ҳокимияти остидаги элинлар ёмон яшаб, тарқоқ бўлганларидек: уларни гоҳ ажратадилар, гоҳ бирлаштирадилар.

Ўша пайтдаги давлат одамлари деб аталадиганлар ва соҳиби қонунларни шу билан бирга ҳозиргиларни ҳам мана шунинг учун таъна қилишимиз мумкин, Клиний ва Мегилл. Уларнинг муваффақиятсизликларининг сабабларини очиш борасида биз бунинг ўрнига нима қилиш маъқул бўлишини топа борамиз. Масалан, биз ҳозиргина айтганимиз, давлат озод, онгли ва ўз-ўзига дўстона бўлиши кераклигини эътиборга олиб, қудратли ва аралаш бўлмаган ҳокимиятларни қонунлар билан барпо этмаслик керак; соҳиби қонун (қонун чиқарувчи) худди шуни назарда тутиб қонунлар бериши (жорий этиши) керак.

Кўпинча, қандайдир бир низомни (ҳолатни) олға суриб, соҳиби қонун ўз қонунчилигида худди шуни назарда тути-

ши керак, деб тасдиқлаймиз; ушбу нарсани ҳисобга олиш зарур: мулоҳазакорлик (хирадмандлик) ёки онглилик, ёки дўстликни назарда тутиш керак, деб тасдиқлаётганимизда, буларнинг бариси ҳар хил нуқтани назарлар эмас, балки ҳаммаси бир нарсанинг ўзидир.

К л и н и й . Мулоҳазаларимизга қайтганимизда шундай қилишга ҳаракат қиламиз. Сўзларингга қараганда соҳиб қонуннинг мақсади бўлиши керак бўлган дўстлик, онглилик ва озодлик (эрк) ҳақида сўзлаб бер.

А ф и н а л и к . Қулоқ сол! Давлат қурилишининг гўё онадек икки тури бор, ҳуқуқан айтиш мумкинки, улардан қолганлари туғилганлар. Улардан биринчиси деб мутлақ ҳукмдорликни ва демократияни иккинчиси деб кўрсатса тўғри бўлади. Мутлақ ҳукмдорлик (монархия) форсларда олий ривожга етиб борди, демократия бизда. Давлат қурилишининг барча қолган турлари, айтиб ўтганимдек, шу иккисининг рангин, омухта бирлашишидан иборатдир. Озодлик ва дўстлик онглилик билан қўшилган ҳолда (биргаликда) мавжуд бўлмоғи (яшаши) учун албатта ҳам у, ҳамда бу турга тааллуқли бўлиши зарур. Уларга тааллуқли бўлмаган давлат яхши тартибот (қурилиш)га эга бўлмайди, деб тасдиқ этувчи бизнинг мулоҳазаларимиз шунини талаб қилади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Форслар мутлақ ҳокимиятли асосни, афиналиклар – озодликни зарурийдан ортиқ даражада севиб қоладилар; худди шунинг учун на уларда, на буларда мўътадиллик йўқ. Лакедемон ва крит давлат қурилишларида мўътадиллик кўпроқ; афиналиклар ва форсларда ҳам қадим замонларда шундай бўлган эди, ҳозир у даражада эмас. Бунинг сабабини муҳокама қилдик. Шундай эмасми?

К л и н и й . Агар ўз масаламизни поёнига етказсак, етарли даражада.

А ф и н а л и к . Дикқат қилинг! Форслар Кир даврида кулик ва озодлик (эрк), орасидаги ўрта ҳолда турганлар ва аввал ўзлари эркин-озод, сўнгра эса – кўпгина бошқалар устидан хожа бўлиб оладилар. Аммо ҳукмрон бўла туриб улар қўл остидагиларга (тобеларга) эрк улушларини ажратардилар ва уларга ўз тенгларидай муомалада бўлардилар, шун-

дан, жангчилар қўмондонлар билан қалин дўст эдилар ва хавф-хатарга қарши камоли хоҳиш билан борар эдилар. Агар кимдир оқил бўлса ва маслаҳат бера олса, подшоҳ ҳасад қилмасди, аммо фикрини очиқ айтишига имкон берарди ва маслаҳатгўй бўлиши мумкин бўлганларни қадрларди, уларга ўзларининг оқил (онгли) эканликларини кўпчилилик халқ олдида намоён этишга имконият берарди, шунинг учун ўша пайтларда форслар ҳамма нарсага муваффақ бўлганлар – озодалик (эрк), дўстлик ва фикр алмашишлар орқали.

К л и н и й . Ҳамма нарса сен айтганингдек бўлганга ўхшайди.

А ф и н а л и к . Нега буларнинг ҳаммаси Камбис даврида ҳалок бўлди-ю Доро даврида яна деярли қайта барпо бўлди. Ўз мулоҳазаларимизда олдиндан кўришга ўхшаш ҳолатларни ишлатиб кўришимизни хоҳлайсизми?

К л и н и й . Ҳа, бу бизнинг мулоҳазамаизни биз ўзимиз кўйган мақсадга олиб боради.

А ф и н а л и к . Фаҳмлашимча, Кир умуман яхши саркарда бўлган ва ўз давлатини севган, аммо тўғри тарбияни мутлақо тушунмаган ва уй эгаси (хожаси) сифатида идрок намоён этмаган.

К л и н и й . Биз буни тасдиқдай оламизми?

А ф и н а л и к . У ёшлик йўлларида бошлаб ва бутун умри давомида ҳарбий юришларда бўлган, болаларининг тарбияси эса аёлларга топширилган. Улар эса, болаларни туғилганларидан бошлаб бахтиёр ва фароғатли эканлари ҳамда бошқа ҳеч нарсага эҳтиёжлари йўқлик туйғуси ила тарбиялаганлар. Бу аёллар ҳаммани ҳеч нарсада болаларга қарши бўлмасликка, эътироз билдирмасликка ва ўзларини худди жуда бахтлидай кўрсатишга ҳамда уларнинг барча сўзлари ва ишларини мақташга мажбур қилар эдилар. Уларни шундай тарбияладилар.

К л и н и й . Ажойиб тарбияни тасвирлаб бердинг!

А ф и н а л и к . Бу аёллар тарбиясидир, подшоҳ саройидаги, яқиндагина давлатманд бўлган аёллар тарбияси – уруш ва кўпгина хавфли ишлар билан банд бўлганларидан эркаклик етишмаган, шунинг учун худди шу аёллар болаларни тарбиялаганлар.

К л и н и й . Бу тушунарли.

Афиналик. Ота улар учун беҳад кўп йилқилар ва майда ҳайвонлар подасини, гала-гала қуллар ва бошқа мулклар олиб берган. Аммо у, буларнинг ҳаммасини қолдирмоқчи бўлган (болалари) она юрт таомилидаги тарбияни олмаётганларини билмас эди: форслар – чўпонлар-ку, бешафқат мамлакат фарзандлари; шунинг учун уларнинг тарбиялари ҳам шафқатсиз, кучли ва бақувват, очиқ ҳавода яшашга қобилиятли, уйқусиз юра оладиган ва зарурат бўлганида ҳарбий хизматни ўтай оладиган чўпонларни етиштирадиган тарбиядир. Кир ғафлатда қолиб, ўғилларига аёллар ва ҳарам оғаси томонидан гўёки саодатманддай туюлган ҳалокатли тарбия, мидия йўсинидаги тарбия берилганини билмай қолди, натижада улар, жазосиз берилган тарбия натижасида қандай бўлиши керак бўлса, худди шундай бўлиб қолдилар. Кирнинг ўлиmidан кейин ҳокимият зеб-зийнат ва очқўзликдан бузилган ахлоқсиз ўғилларига қолди. Ўзига тенгни кўришни хоҳламай улардан бири бошқасини ўлдирди. Кейин ўзи ҳам ичкиликбозлик (майхўрлик) ва тарбиясизлигидан жинниликлар қилиб, мидияликлар ҳамда ўша пайтлардаги машҳур, Камбисни аҳмоқ деб назар-писанд қилмайдиган ҳарам оғаси дастидан ҳокимиятдан айрилди.

К л и н и й . Ҳа, булар ҳақида шундай ривоят қилишади, ҳақиқатан шундай бўлганга ўхшайди.

А ф и н а л и к . Айтишларича кейин Доро ва Еттилар туфайли ҳокимият яна форслар қўлига ўтган.

К л и н и й . Кейин нима бўлди?

Афиналик. Тартиб билан кўриб чиқайлик. Доро подшоҳ ўғли бўлмаган ва юмшоқ, эрка тарбия олмаган. Еттилардан бири сифатида ҳокимиятни олиб унинг тепасига чиққач, давлатни у етти қисмга бўлди, улардан нимадир ўтган замонларни эслатувчи тушдай бизнинг кунларимизгача қолган; у қонун билан Кир форсларга ваъда қилган Кирона тақдирлашни белгилаб қўйди ва форс халқини пуллар ва совғалар билан ўзига оғдириб, барча форслар билан дўстона муносабатда бўлар эди. Шунинг учун қўшинлар унинг ерига Кир қолдирганидан кам бўлмаган ерларни жон-диллари билан қўшдилар. Дородан сўнг Ксеркс шоҳона, назокатли тарзда тарбияланди. «Оҳ, Доро, Доро – десак ҳаққимиз бор, –

- сен қандай қилиб Кир фалокатини тушуниб етмадинг. Ва Ксерксни худди Кир Камбисни қайси ахлоқда тарбиялаган бўлса шундай тарбияладинг!» Камбис қайси шароитда тарбияланган бўлса, Ксеркс ҳам шундай шароитда тарбиялангани учун унинг ҳам бошига худди Камбис бошига тушган ҳалокат тушди. Тахминан шу пайтдан бошлаб форсларда аслида, – агар фақат исмлари бўйича бўлмаса – Буюк подшоҳ бўлмаган. Менинчга бу ерда сабаб тақдирда эмас балки жуда бадавлат одамлар ва тиран (мустабид)ларнинг ахлоқсиз яшаш тарзларидадир. Бундай тарбия таъсирида эзгу ишларда ўзини намоён қилиб бўлмайди – на болаликда, на балоғат ёшида, на қариликда. Биз тасдиқлаб айтмиз-ки соҳиби қонун шунга эътибор бериши зарур, ҳозирги суҳбатимизда биз ҳам (шунга эътибор беришимиз керак). Лакедемонликлар, сизларнинг давлатингизга адолат юзасидан тан бериш керак: сиз на бирор шахсга, на подшоҳга, на бадавлат одамга, на камбағалга алоҳида эҳтиром кўрсатмайсиз ва улар учун, қайсидир худо номидан аввалдан илоҳий соҳиби қонун сизларга маълум қилинганларидан ташқари, тарбиянинг алоҳида шароитларини яратмайсизлар. Чунки давлатда, кимдир бойлик, тезлик (суръат), чирой ёки куч билан ажралиб тургани учунгина, агар буларнинг ҳаммасида қандайдир эзгулик бўлмаса, ва ҳатто эзгулик ҳам бўлиб, шу қатори мулоҳазалилик бўлмаса, ҳаддан зиёд эҳтиромга лойиқ бўлмаслиги лозим.
- б** Мегилл. Ажнабий (биродар), сен нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Мардик, эзгуликнинг бир қисми эмасми?

Мегилл. Бўлмасачи.

Афиналик. Сўзларимга кулоқ солгинда ўзинг ўйлаб кўр: сен ўз уйингда ёки қўшни сифатида жуда мард, аммо мулоҳаза қилолмайдиган ва бебош одам бўлишни истайсанми?

Мегилл. Худо сақласин!

Афиналик. Қандайдир бир санъат (ҳунар)да доно, аммо адолатсиз устаничи?

Меги л л . Асло.

c

Афиналик . Адолат мулоҳазалилик (хирадмандлик)дан айрим учрамайди-ку?

Меги л л . Албатга, учрамайди.

Афиналик . Биз ҳозир тасвирлаганимиз, ҳузур ва дардлари тўғри фикрларга мос ва улардан келиб чиқадиган донишманд худди шунга ўхшаб хирадмандликдан холи эмас-ку?

Меги л л . Шундай.

Афиналик . Давлат ҳурмат ва эҳтиромлари тўғрисида яна ушбуларини кўриб чиқайлик – улар ҳар гал тўғри бериладими ёки йўқми?

Меги л л . Нима демоқчисан?

d

Афиналик . Агар хирадмандлик дилда ёлғиз, бошқа эзуликларсиз бўлса, адолат юзасидан у қандай бўлади – қадрлими ёки аксинчами?

Меги л л . Нима дейишни ҳам билмайман.

Афиналик . Бу жуда боп жавоб бўлди, чунки сен нима десанг ҳам менингча, тўғри бўлмасди.

Меги л л . Демак, яхши бўлибди.

Афиналик . Яхши. Қўшилганида қадриятни белгилайдиган нарса, сўзга эмас, тўғрироғи сукутга лойиқдир.

Меги л л . Менингча сен худди хирадмандлик (мулоҳазалилик) ҳақида гапирмоқдасан.

e

Афиналик . Шундай. Қолганларидан бу қўшиладиган нарсаларнинг қайси бири қўшилганида энг кўп фойда бўлса, ўшани энг кўп қадрлаш тўғри бўлар эди ва нимаки камроқ фойда берса, у иккинчи ўринда ва шу тартибда ҳаммаси ўзига лойиқ ўринни эгаллайди.

Меги л л . Дарҳақиқат шундай.

Афиналик . Нима дейсан, қадриятларнинг бундай тақсимланиши соҳиби қонун вазифаларидан бири эмасми?

697

Меги л л . Вазифаси.

Афиналик . Унинг худди шундай тақсимот билан ҳар бир ишда, ҳаттоки майда-чуйда ишларда ҳам шуғулланишига розимисан? Ёки, биз ҳам, қонуналар учун жон куйдирувчи бўлганимиз туфайли ўз тарафимиздан учламчи хилларга ажратишга уриниб ва бу билан энг муҳимини, сўнгра

иккинчи ўринда турувчи ва ниҳоят учинчи ўриндагисини айрим ажратиб кўрмаймизми?

Мегилл. Албатта.

Афиналик. Демак, шундай қилиб биз тасдиқлаймизки, ўзини сақлаб қолишни ва имконият борича бахтли бўлишни хоҳловчи давлат, зарурат бўйича қадриятларни тўғри фарқлай билиши керак. Аммо адолатдан энг қадрлиси – агар дилда хирадмандлик бўлса, аввало дилга тааллуқли эзгулик, ҳузурлар, кейин баданнинг зебо сифатлари ва учинчиси, мулк ва бойликка тааллуқли ҳузурлардир. Агар бирон-бир соҳиби қонун ёки қандайдир бир давлат, бойликни энг юқори баҳолаб ёки қадрият маъносида тубандагини энг юқорисидан олдинга қўйиб, бу чегаралардан чиқиб кетса унинг бу қилган иши на давлат, на виждон иши бўлмайди.

Мегилл. Албатта. Биз фикрингга қўшилаемиз.

Афиналик. Бунда кўпроқ тўхташга бизни форс давлат қурилишини кўриб чиқиш мажбур этди. Биз кўриб турибмизки, у йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Бунинг сабаби, форслар халқни ҳаддан ташқари эркинликдан маҳрум этдилар ва керагидан ортиқ даражада зулмкорлик ибтидосини авж олишига йўл қўйдилар, шундай қилиб уларнинг давлатларида бирлик ва дўстлик ҳалок бўлди.

Уларнинг барбод бўлишлари натижасида ҳокимлар кенгашида фуқаролар ва халқнинг фаровонлиги эмас, фақат ўзларининг ҳокимиятларинигина назарда тутди. Агар улар ўзлари учун озгина фойда топсалар, улар шаҳарларни вайрон этадилар, шафқатсиз нафрат уруғини ҳамма ёққа сепиб ҳатто дўст қабилаларга ўт қўядилар ва уларни хонавайрон қиладилар; шунинг учун уларни ҳамма ёмон кўради. Халқлар улар учун жанг қилишлари керак бўлганида улар билан бирга хавф-хатарга қолишни ва улар учун жанг қилишни истовчиларни тополмайдилар, натижада уларнинг сон-саноксиз чериклари уруш

учун яроқсиз бўлиб қоладилар. Шундан кейин, худди уларда одам етишмагандай ўзгаларни ёллайдилар ва ажнабийлар ёрдамида омон қолишни ўйлайдилар. Бунинг устига улар ўз хатти-ҳаракатлари билан, давлатдаги барча қадрли ва зебо нарсалар – олтин ва қумушга қараганда

доимо арзимас нарса, деб кўрсатиб, ўзларининг бежабарликлари (билмасликлари)ни беихтиёр ошкор этиб қўядилар.

Мегилл . Мутлақо тўғри.

Афиналик . Бу билан, энди форсларда бешафқат қулдорлик ва истибдод туфайли ҳамма нарса нотўғри тартибда барпо этилган, деб ўз далилларимизга хулоса қилсак бўлади.

Мегилл . Шубҳасиз.

Афиналик. Энди, тўла эркинлик ва ҳеч қандай ҳокимиятга бутунлай бўйсунмаслик, бошқа одамларга мўътадил бўйсунушга қараганда анчагина ёмон эканлигини кўрсатиш учун аттик давлат қурилишини худди шундай муҳокама этишимиз керак бўлади. Форснинг эллинларга ва оврупода яшовчи деярли барча қабилаларга босқини пайтида бизда, давлат мансаблари тўрт синфнинг мулкӣ чеклаш шарт-шароитлари (ценз)га асосланган қадимги давлат қурилиши ҳали мавжуд эди. Бизда қандайдир виждонлилик ҳукмронлик қиларди ва у туфайли биз ўша замон қонунларига бўйсунган ҳолда бемалол яшар эдик. Бунинг устига форс кўшинлари ва денгиз кемаларининг кўплиги бизда нажотсиз кўрқув ҳиссиётини уйғотди; биз, ҳокимият ва қонунларга янада кўпроқ бўйсунадиган бўлдик, натижада орамизда ўзаро дўстлик қарор топди. Чунки Саламин жангидан роса ўн йил олдин Датис кўмондонлигидаги форс кўшини келди. Доро, Датисни эллинлар ва эретрийларни асоратга солиш учун уларнинг устига юборди ва агар у бу буйруқни бажармаса, қатл этишини айтди. Датис кўп сонли кўшин ёрдамида қисқа вақт ичида Эретрияни тўла босиб олди, бизнинг давлатга эса, гўёки ундан битта ҳам эретриялик қочиб қутила олмагани, чунки унинг навкарлари қўл ушлашиб бутун Эретрияни ўраб олгани ҳақида даҳшатли миш-миш тарқатди. Бу хабар, – у тўғримиде, йўқми, – қаердан келган бўлмасин, бошқа эллинларни ва шу қатори афиналикларни ҳам даҳшатга солди. Улар ҳар тарафга чопарлар юбордилар, аммо лакедемонлардан бошқа ҳеч ким ёрдам беришни хоҳламадилар. Уларга (лакедемонлар назарда тутилмоқда шекилли – тарж.) ўша пайтдаги Мессена билан уруш ёки

698

b

c

d

бошқа бирор нарса халақит бердими, – буни биз билмай-
 миз, – аммо улар Марафон жангидан бир кун кейин етиб
 келдилар. Шундан кейин катта тайёргарликлар ва под-
 шоҳ томонидан қилинаётган дўқ-пўписалар ҳақида хабар
 келди; лекин кўп вақт ўтмай Доро ўлгани маълум бўлди,
 ҳокимият эса ҳужумни тўхтатиш хаёлига ҳам келмаган
 унинг ёш, қизиққон ўғлининг қўлига ўтди. Афиналиклар-
 нинг фикрича, Марафон жанги сабабли буларнинг бари
 худди уларга қарата тайёрланаётгандай эди. Афонга ла-
 ҳим қазилаётгани ва Геллеспонтга кўприк қурилаётга-
 нидан хабар топиб ва кемаларнинг кўплигини эшитиб
 улар на қуруқлик ва на денгизда омонлик йўқ, қуруқлик-
 да ҳам, денгизда ҳам ҳеч ким ёрдам беролмайди, деб
 ўйладилар; биринчи босқин даври ва Эретий воқеалари-
 да уларга ҳеч ким ёрдам бермагани ва уларга иттифоқ-
 дош бўлишга жасорат этмаганлари уларнинг ёдларида
 эди. Қуруқликда ҳам худди шундай бўлишини кутишар
 эди; шу билан бирга денгизда ҳам омон қолиш қийин эди,
 у ерда мингдан ортиқ кема турарди. Фақат бир илож қол-
 ганди, ожиз ва деярли умидсиз: ўтган воқеаларга назар
 ташлаб, ўшанда ҳам жуда мушкул бўлиб туюлган шаро-
 итларда жанг қилганлари, аммо ғолиб чиққанларига
 эътибор бердилар. Бу умидга суяниб, улар фақат ўз-ўзла-
 ри ва худоларда паноҳ топадилар. Буларнинг ҳаммаси
 ва аввалги қонунлар таъсирида пайдо бўлган ва қонун-
 ларга бўйсунушга мажбур этган ўша пайтда ҳукмрон
 қўрқинч ўзаро дўстликни уларнинг (онгларига) сингдир-
 дилар. Олдинги мулоҳазаларимизда бу қўрқинчни биз
 кўпинча виждонлилик, деб атаган эдик. Биз шуни тас-
 диқлаймиз-ки, ким бахтли бўлишни истаса, унга хизмат
 қилиши зарур. Фақат разил қўрқоқларгина бу қўрқинч-
 дан озоддирлар, ўшанда кимки бу даҳшатга тушмаган
 бўлса, у жасорат этмаган ва(душманни) зарба бериб қай-
 тармаган, муқаддас жойлар, қабрлар, ватан, ўз аҳли бай-
 тлари ва дўстларини ҳимоя қилмаган, уларга ёрдамга
 келмаган бўларди. Аммо, биз ҳаммамиз битталаб тарқ-
 алган ва дунёга сочилиб кетган бўлар эдик.

Мегилл. Ажнабий (биродар), сен тўғри гапирмоқда-
 сан, сўзларинг ўзингга ва ватанингга муносиб сўзлар.

Афиналик. Ишлар шунақа, Мегилл. Сенинг ҳузурингда ўша замон воқеаларини баён этса бўлади, чунки сенинг ўз аждодларинг билан зотинг бир хил. Клиний билан биргаликда сен ўйлаб кўр, биз гапирган гапларнинг қонунчиликка қандайдир муносабати борми? Чунки мен бунинг ҳақида фақат гапириш учунгина мулоҳаза юритаётганим йўқ, балки муҳокама қилаётганимиз мавзу учун шундай қилдим. Ўзингиз кўриб турибсиз: биз афиналиклар қандайдир йўл билан форслар тутган аҳволга тушиб қолдик, фақат улар халқни мумкин қадар истибодда олиб бордилар, биз одамларни аксинча мумкин қадар озодликка йўллаймиз. Бундан қандай хулоса чиқади? Бизнинг аввалги мулоҳазаларимиз маълум бир маънода ажойиб мулоҳазалар эди-ку.

Мегилл. Яхши сўзламоқдасан, аммо сўзларингни бизга тузукроқ тушунтириб бер.

Афиналик. Майли, шундай бўла қолсин. Дўстлар, бизнинг қадимий қонунларимиз ўз кучларини сақлаб турган пайтларда халқ ҳеч нарса устидан ҳукмронлик қилмас, аммо маълум бир маънода уларга (қонунларга – тарж.) бўйсунар эди.

Мегилл. Сен қайси қонунлар ҳақида гапирмоқдасан?

Афиналик. Агар эркин ҳаётнинг беқиёс гулаганини ибтидосидан муҳокама этилса, мусиқа санъати борасидаги ўша замон қонунлари тўғрисида. Ўша пайтда бизда мусиқа санъати турлари ва шакллари бўйича фарқланар эди. Кўшиқ айтишларнинг мадҳия деб аталувчи бир турини худоларга сифиниш, муножотлар ташкил этади; уларнинг қарама-қаршисини бошқа турдаги кўшиқ айтишлар ташкил этарди – уларни кўпинча френлар, дейилади; кейин пэанлар келадилар ва ниҳоят дифирамб, менинг фикримча ўз номи билан Диониснинг туғилишига ишора қилади. Дифирамб кўшигининг айрим бир турини «номлар» аниқроғи – «кифародик номлар» деб атаганлар. Бу ва бошқа яна нималардир белгилаб кўйилгач, бир турдаги кўшиқни бошқа турга ўтказишда ҳаддан ошишлар таъқиқлаб кўйилди. Уларнинг (яъни шундай бир турдан бошқасига ўтказишдаги ҳаддан оширишларнинг – тарж) моҳиятини билиб олиш, шу билан бирга унинг билувчисини топиш, топганидан кейин эса бўйсунмаганини

жазолаш – ҳозиргидай ҳуштак чалишлар ва оломоннинг қий-қириқларининг иши эмас; мақтовлар гулдурас қарсақлар билан изҳор этилмас эди, қарор қилинган эди-ки, тарбия билан шуғулланувчилар уларни сукут сақлаб ожиригача эшитсинлар; болалар эса, уларнинг раҳбарлари ва халқнинг кўпчилиги таёқча ёрдамида ўзларига келтирилдилар. Бундай тартибда кўпчилик фуқаролар ихтиёрий бўйсунардилар ва ўз баҳосини шовқин билан ифодалашга журъат этмас эди. Шундан кейин вақт ўтиши билан жоҳилона қонунбузарликларни келтириб чиқарувчилар табиатан иқтидорли, лекин Музалар соҳасида нима адолатли ва қонуний эканлигини билмайдиган шоирлар бўлдилар. Вақсхона жазавача тушиб, лаззатланишларга керагидан ортиқча берилиб улар френларни гимн (мадҳия)лар билан, пэанларни дифирамбалар билан қориштириб, кифарада най (флейта)га тақлид қилиб ҳамма нарсани бир-бирига аралаштириб, беихтиёр равишда, аммо онгсизлик билан улар мусиқий санъатга путур етказдилар; гўёки унда ҳеч қандай тўғрилиқ бўлмаганидай ва унинг сифатидан қатъий назар унда фақат ҳузурланаётган одам, оладиган лаззат ўлчов бўлиб хизмат қиладигандай. Бундай асарларни ёзиб ва шунга ўхшаш таълимотларни баён қилиб, улар кўпчиликка мусиқий санъатга ноқонуний муносабат ва уларни арзигулик баҳоловчи (судья)лар, деб ҳисоблашга мажбур этадиган беадабона фикрни сингдирадилар. Шунинг учун аввал сокин театрлар, гўёки томошабинлар Музаларда нима ажойиб-гўзалу нима ундай эмаслигини тушунадигандай шовқин-суронга тўлдилар ва театрларда энг яхшилар ҳукмронлиги ўрнига томошабинларнинг қандайдир нолийқ ҳукмронлиги ўрнашиб қолди. Агар бу ерда халқ орасидаги фақат олижаноб одамларнинг ҳукмронлиги пайдо бўлганида, унчалик офат-бало бўлмасди. Энди мусиқий санъатдан бошлаб бизда оммавий донолик ва қонунсизлик бошланди, ундан кейин озодлик – эрк келди. Ҳамма жасур, билимдон бўлди, жасурлик (кўрқмаслик) беҳаёликни пайдо қилди. Чунки бу беадаблик – энг яхши одамнинг фикридан кўрқмаслик, балки энг ёмон беҳаёликдир – жуда ҳаддидан ошган озодлик (эрк)нинг натижасидир.

Мегилл. Мутлақо тўғри.

Афиналик. Бу эркинликдан кейин ҳокимларига бўйсуннишни истамаслик пайдо бўлди, кейин ота ва онага, барча катталарга ва уларнинг панд-насиҳатларга бўйсуннишдан бўйин товлай бошладилар ва охир-оқибатда қонунларга ҳам қулоқ солмасликка интилишлар пайдо бўлди. Бу сўнгги чегарага етиб келгач, энди қасамларга, шартномаларга ва ҳатто худоларга эътибор бермайдилар; бу ерда қадимий титаник фитрат намоён бўлади; ўзларининг титанларга тақлидлари билан одамлар яна аввалги ҳолатларга қайтадилар ва бало-офатларга тўла машаққатли ҳаёт кечирадилар. Буларни нега гапирмоқдамиз? Менин-гча бизнинг мулоҳазаларимизнинг ҳам тизгинини (жиловини) отнинг тизгинини тортгандай тортиб туриш керак: бўлмаса тизгинсиз нутқ бизни олиб қочиб кетади. Биз, мақолда айтилганидек, эшакдан хуржунимизни тушириб юбормаслигимиз зарур. Шунинг учун ҳам мен савол бермоқдаман: бу (сўзлар) нима учун айтилди?

Мегила. Жуда яхши.

Афиналик. Бу шунинг учун айтилди-ки...

Мегила. Нима учун? Аниқроқ айт.

Афиналик. Биз тасдиқлаб айтган эдик-ки, соҳиби қонун уч мақсадни назарда тутиши керак: тартиб бераётган давлат озод (эркин) бўлиши, ички дўстоналик (ботинда дўстлик) ва онг соҳиби бўлиш. Шундай деб айтилган эди, тўғрими?

Мегила. Мутлақо тўғри.

Афиналик. Бунинг учун биз, бир тарафдан энг мустабид, иккинчи томондан энг эркин давлат қурилишини олдик. Энди, қайси бири кўпроқ тўғри экан. Агар унисига ҳам, бунисига ҳам қандайдир мўътадиллик киритилса, (яъни) улардан бирида ҳокимият чегараланса, бошқасида озодлик (эрк) чегараланса, у ҳолда уларда алоҳида бир фаровонлик пайдо бўлади; агарда қуллик ёки эркинликни сўнгги чегарасигача етказилса, унда биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам зарар бўлади.

Мегила. Сен айни ҳақиқатни айтмоқдасан.

Афиналик. Шунинг учун биз доровий қўшин тартиботини, тоғлар этакларидаги Дардан манзилгоҳини, денгиз бўйи аҳоли яшаш жойларини, ҳамда тўфондан кейин

қолган биринчи одамларнинг турар жойларини кўриб чиқдик; бизнинг мусиқа санъати ҳақидаги, мастлик ҳақидаги ва уларгача айтилган барча мулоҳазалар ҳам худди ўшанинг ўзига қаратилган эди. Буларнинг ҳаммаси эса, давлатга қандай қилиб яхшироқ тартибот бериш ва хос одам қандай қилиб ўз ҳаётини яхши яшаб ўтказиши мумкин, деган масалани кўриб чиқиш учун айтилган эди.

б Мегилл ва Клиний биз ўзимизга, тўғри, яхши иш қилдик, деб исбот қила оласизми?

Клиний. Ажнабий (биродар), менда бундай далил борга ўхшайди. Барча биз қилган мулоҳазалар, бенаф бўлмади шеккили. Чунки менга улар жуда зарур эдилар ва мен сени ва Мегиллни учратганим айти муддао бўлди. Сизларнинг иккалангиздан ҳам, ўзим билан рўй берганини яширмайман,

с чунки бизнинг бу учрашувимизни бахтли бир белги деб биламан. Критнинг кўп қисми янги макон (колония) ташкил қилишга қарор қилди ва кносийларга бунга ғамхўрлик қилишни топширди; Кнос эса бу ишни менга ва яна бошқа тўққиз шахсга топширди. Бизга қонуларни белгилаш ваколати берилган, – биз шу ернинг қонуларини ҳам, агар бизга маъқул бўлиб баъзилари ёқса бошқа юртларнинг қонуларини ҳам уларнинг ажнабий юртларники бўлишига эътибор бермай, агар улар яхшироқ бўлса жорий этамиз. Ўзимизга шундай бир ҳузурни раво кўрайлик: айтилганлардан саралаб олиб, суҳбатлашиш борасида, гўё янгитдан бошлаб

д кургандек давлат қурайлик. Биз ўзимизни қизиқтирган масалани кўриб чиқамиз ва шу билан бирга балки, мен ҳам бу тартиботдан бўлғуси, келажакдаги давлат учун фойдаланарман.

Афиналик. Клиний, бу ҳеч ҳам урушга чақириққа ўхшамайди-ку! Агар Мегилл қарши бўлмаса, мен ўзимда бор нарсани: кучни ҳам, идрокни ҳам сенинг ихтиёрингга топширишга тайёрман.

Клиний. Аъло (фикр).

Мегилл. Мен ҳам ўзимда бор нарсани топширишга тайёрман.

Клиний. Иккалангиз ҳам ажойиб сўзларни айтдингиз! Келинг, аввало сўз билан ўз давлатимизга тартиб беришга уришиб кўрайлик.

Қовунчиликка умумий сўз боши **Афиналик.** Бўлғуси бу давлатни биз ўзимиз қандай тасаввур қилишимиз керак? Мен унинг – ҳозир ва келажакда қандай аталишини сўраётганим йўқ; у ўз номини ҳар ҳолда асос солиниши усулидан ёки жойидан, дарёдан, чапмадан ёхуд унга асос солинадиган жойнинг худоларидан олади; негаки, янгидан пайдо бўлаётган давлат уларнинг шон-шухратига қўшилади. Мен ўз саволимни бериш бора-сида, у давлат денгиз бўйида бўладими ёки йўқми, билмоқчи эдим?

Бўлғуси давлатнинг географик шароитлари **Клиний.** Ажнабий (биродар), ҳозир биз айтаётганимиз давлат денгиздан тахминан саксон стадий нарида бўлади.

Афиналик. Денгиз бўйида бандаргоҳлар бўладими ёки улар умуман бўлмайдиларми?

Клиний. Ҳа, ажнабий (биродар), бўлиши мумкин бўлган энг ажойиб – зебо бандаргоҳлар бўлади.

Афиналик. Нималар деяпсан? Атроф жойларчи? У ерлар зарурий барча нарсаларни ишлаб чиқарадиларми? Ёки бирор нарса етишмайдими?

Клиний. Менингча у ерда камчилик йўқ.

Афиналик. У ерда қўшни бирон бир давлат бўладими?

Клиний. Йўқ; шунинг учун ҳам турар жойга асос солинмоқда. Бу ердан қадим замонлардаги одамларни (зўраки) кўчириш туфайли бу жойлар жуда узоқ вақтлардан бери бўм-бўш эди.

Афиналик. Яна. Бизга бу ерда водий, тоғлар ва ўрмондан қандай улуш тегади?

Клиний. Бу жой ўз табиатига кўра Критнинг қолган барча қисмига ўхшайди.

c

d Афиналик. Демак, сен у ерни водий эмас, кўпроқ тоғли ер демоқчисан (шундайми)?

Клиний. Худди шундай.

Афиналик. Демак, бу давлат шифо топиши ва эзгулик соҳиби бўлиши мумкин. Агар у бандаргоҳлари бўлган денгиз бўйи (давлати) бўлсаю шу билан бирга зарурий барча нарсани ишлаб чиқармаса, аммо кўп нарса (етишмай) уларга эҳтиёжманд бўлса, у ҳолда бундай табиат билан турли-туман ёмон мойилликлар кучайишининг олдини олиш учун унга буюк халоскор ва илоҳий соҳиби қонунлар зарур бўлар эдилар. Аммо саксон стадий озгина тасалли бўлиб хизмат қилади. Тўғри, у, денгизга керагидан кўра яқинроқ жойлашган, яна унинг, сенинг сўзларингга қараганда, ажойиб бандаргоҳлари бор; аммо шунга ҳам қаноат қиламиз.

Денгизнинг яқинлиги ҳар куни фароғат бахш этса ҳам, аммо аслида бу яхши қўшни эмас. Денгиз, мамлакатни йирик ва чакана тижорат ёрдамида бойиб кетиш иштиёқи билан тўлдириб ташлайди, дил (кўнгил) ларга мунофиқ ва алдамчи одатларни жо қилади ва (оқибатда) фуқаролар бир-бирларига ҳам барча бошқа одамларга нисбатан ҳам ишончларини йўқотадилар ва душманлашиб қоладилар. Бундай ҳолларда, мамлакатнинг зарурий ҳамма нарсани ишлаб чиқариши бир тасалли бўлади, ростки бу тоғли мамлакат экан аниқ-ки, кўп нарса ишлаб чиқармайди, лекин нима зарур бўлса ҳаммасини ишлаб чиқаради. Агар шундай бўлмаса, ташқарига кўп нарса чиқариш имконияти билан нарсаларни алмаштириб у яна кумуш ва олтин тангаларга тўлар эди. Агар масала яхлит олиб кўрилса олижаноб ва адолатли ахлоқларни ўзлаштириш борасида сўз борганида, давлат учун бундан каттароқ боло-офат йўқ: менинг назаримда суҳбатимизда олдин ҳам шундай деган эдик.

Клиний. Бу бизнинг ёдимизда, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам биз ҳақ эдик.

c Афиналик. Давом этамиз. Бизнинг ўша жойимизда кема ёғочлари бормикин?

Клиний. У ерда айтишга арзигулик қарағай ҳам, қайин ҳам йўқ. Сарвлар ҳам кўп эмас, санавбар ва чинорлар жуда оз. Кемасозларга улар кеманинг ички қисмлари учун доим керак бўлиши муқаррар.

А ф и н а л и к . Бу жиҳатдан ҳам жойнинг табиати ёмон эмас.

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Давлат ўз душманларига ёмон одатларда тақлид қилишининг қийин бўлиши яхшидир. d

К л и н и й . Аввал айтилганлардан қайси бирини назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . (Сухбатимиз) бошида крит қонунлари ҳақида айтилганларни ёдда тутиб, дўстим менга кулоқ сол: сиз иккалангиз айтганингиздек улар (яъни крит қонунлари – тарж) фақат урушни назарда тутадилар; мен эса жавоб бериб айтдим-ки: агар бундай қоидалар эзгуликни назарда тутсалар жуда ҳам яхши, аммо уларнинг бутун эзгуликни эмас, фақат унинг бир қисминигина назарда тутишлари билан келишиб бўлмайди. Шундай қилиб, сиз фикрларимга ва бўлғуси қонунчиликка эътибор беринг – эзгуликка ёки унинг бирор қисмига тааллуқли бўлмаган биронта қонунни ўрнатаманми, йўқми? Менинг фикримча, кимки худди мергандай ҳамма вақт бир нишонни – нимаки зеболикни ўзига тортадиган бўлса, ўшани нишонга оладиган ва бошқа ҳамма нарсани – бойлик ва унга ўхшаш ашёларни, агар улар биз олдин айтиб ўтганимиз эзгуликлар билан бирга бўлмаса ҳаммасини четда қолдирадиган одамгина лойиқ равишда қонунларни ўрната олади. Мен айтдим-ки, қандайдир бир халқ денгиз бўйида яшаса ва уни душманлар безовта қилсалар шунда душманларнинг ёмон одатларига тақлид қилиш пайдо бўлади: бунга (буни мен сизларга ғараз билан айтаётганим йўқ) қачонлардир Аттика аҳолисини ўлпон тўлашга мажбур этган Минос мисол бўлиши мумкин. У (Минос-тарж) катта денгиз қудратига эга эди, уларнинг мамлакатларида эса, на ҳозиргидай ҳарбий кемалар, на осонгина денгиз кемаларини қуриш мумкин бўлган ёғоч бор эди. Шунинг учун улар, Минос кемасозларига тақлид қилиб, ўзлари маллоҳ бўлолмадилар ва ўшанда душманга қарши туролмадилар. То қаноатли пиёда жангчилардан маллоҳларга айланмасларидан аввал ва кемалардан тез-тез қирғоққа тушишга, кейин яна зудлик билан кемага қайтишга ўрганмаганларигача; душ-

706

b

c

ман сиқиб, ҳужум қилаётганида сабрли жасорат ва жон фидо қилишга тайёрлик етишмаслигида ҳеч ҳам шармандалик йўқ деган хом жаёлга келмагунларигача; қуролни йўқотганда ва уларнинг таъбирларича «фахрий» чекинишда доим тайёр ва тўғридай кўринган баҳоналардан фойдалана бошлаганларигача улар яна кўп марта етти ўғил боладан ажралиб турдилар. Денгиз хизматида хуш келадиган бундай иборалар, уларга бағишланган беҳисоб мақтовларга лойиқ эмаслар: аксинча, ҳеч қачон ёмон одатларни сингдириб бўлмайди, айниқса, фуқароларнинг энг яхши қисмига. Бундай одатлар яхши эмаслигини Ҳомердан ҳам ўрганса бўлади. Унда (Ҳомерда) ахейлларни троянлилар (исканжага олиб) сиқиб келадиганларида кемаларни денгизга судраб боришни буюрган Агамемнонга Одиссей танбеҳ беради-ку. Одиссей унга газабнок нутқ билан мурожаат қилади:

*Уруш ва жанг пайтида сен
Кемаларни денгизга туширишни таклиф қилсан,
Ҳамма нарса усиз ҳам устимиздан ғалаба қозонаётганлар
хоҳишига бўлиши учун! Ҳалокат бошимиз узра келади албат.
Агар сизлар кемаларни денгизга тушира бошласангиз ким
жангга бардош беради?
Улар ҳамма вақт ҳар тарафга аланглаб жангни тарқ этишади.
Сенинг маслаҳатларинг фақат зарар келтирадилар, халқ
ҳукмдори!*

707

Демак, Ҳомер ҳам, жанг қилаётган гоплитлардан унча узоқ бўлмаган жойда, денгизда триерлар туришини ёмон бир ҳолат, деб ҳисоблаган. Бундай одатлар билан ҳатто арслонлар охулардан қочишга ўрганар эдилар. Бундан ташқари, ўз кучларининг манбаи денгиз кемаларидан иборат давлатларда эҳтиромлар жангчиларнинг энг яхшиларига бўлавермайди: чунки ғалаба кема бошқарувчилар, пенгеконтархлар ва эшкакчилардан, яъни, турли хилдаги ва унча ҳам ишчан бўлмаган одамларга боғлиқ бўлган ерда, кимнингдир эҳтиромларни тўғри тақсимлай олиши даргумондир. Агарда давлат бундан маҳрум этилган бўлса, унинг тартиботи (қурилиши) тўғри бўлиши мумкинми?

К л и н и й . Мумкин бўлмаса керак. Аммо, ажнабий (биродар), биз критлилар Саламиндаги эллинлар билан варварлар ўртасида бўлиб ўтган денгиз жанги Эладани қутқарди, деб ҳисоблаймиз.

А ф и н а л и к . Ҳа, кўпчилик эллинлар ва варварлар шундай деб ҳисоблайдилар. Аммо дўстим, биз – мен ва мана Мегилл – Эладанинг халос бўлишининг ибтидоси Марафон бўсағасида бўлган, қуруқликдаги жанг интиқоси эса Платеядаги жанг бўлди, деб ўйлаймиз. Худди шу жанглар эллинларнинг яхшироқ бўлишларига сабаб бўлдилар, улар эса – йўқ (сабаб бўлолмайдилар): Мен иккала денгиз жангини – Саламин ва Артемисиядаги жангларни назарда тутмоқдаман; шундай қилиб, ўшанда бизнинг халос бўлишимизга ёрдам берган барча жангларни қамраб олмақдаман.

Аммо биз ҳозир жойнинг табиатини ҳам, қонунлар тартиботини ҳам энг яхши давлат қурилиши нуқтаи назаридан муҳокама қилмоқдамиз, биз, кўпчилик ўйлаганидек, одамларга яшаш учун халос бўлиш эмас, балки бутун ҳаёти давомида камолотга эришиш ва уни (баркамолликни тарж.) сақлаб (асраб) қолиш энг қадрлидир, деб ҳисоблаймиз. Менинча, олдин ҳам булар ҳақида сўз юритгандик.

К л и н и й . Албатта!

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, яна ушбуларни ҳам кўриб чиқайлик: биз ҳозир тутган йўлимиз давлат ва қонунчиликка асос солиш учун энг яхши (маъқул)йўл бўла оладими?

К л и н и й . Шубҳасиз, бу энг яхши йўл.

А ф и н а л и к . Яна бу саволимга жавоб бер: сизлар қандай халқни у ерда яшашга қўясиз? Агарда у ёки бошқа шаҳарда, ер боқиши мумкин бўлганига қараганда одам кўпайиб кетса, Критдан ҳар бир хоҳиш билдирган одам кўчиб бора оладими? Гарчи мен сизларнинг мамлакатингизда Аргос, Эгина ва Эладанинг бошқа жойларидан кўчиб келганларни кўрган бўлсамда, биламан-ки сизлар эллинлардан ҳар кимни ҳам қабул қилмайсизлар. Бизга айт-чи, раиятни қаерлардан жалб этасизлар?

К л и н и й . Албатта, бутун Критдан: бошқа эллинлардан эса Пелопоннесликларга кўпроқ хайрхоҳлик бўлади. Сен тўғри айтганингдек, бу ерда, Критда Аргосдан келганлар

бор; ва умуман, бу ердаги энг машҳур Гортин қабиласи пелопоннеснинг Гортинидан келганлардан ташкил топган.

- b** А ф и н а л и к . Давлатларга асос солиш, агар улар асалирилари ажратишга ўхшаб амалга оширилмаса, осон иш эмас; агар бирор мамлакат торлик қилиб, дўстлар дўстларидан айрилганидек бутун бир уруғ кўчиб кетса ёки бошқа бирор шунга ўхшаш шарт-шароит мажбур қилиб бу уруғ кўчадиган бўлса анча яхшидир. Аммо шундай ҳам бўладики, ички низолар фуқароларнинг озчилик бир қисмини бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур этади; баъзида эса, қандайдир давлат аҳолиси урушда бутунлай мағлуб бўлиб қочишга мажбур бўлади. Бу ҳолатларнинг бирида манзилгоҳ ташкил этиш ва унга қонун бериш анча осон, бошқасида эса, анча мушкул ишдир. Уруғнинг, тилларнинг, қонунларнинг бирлиги, қурбонликлар ва шунга ўхшаш одатларнинг умумийлиги дўстликнинг бир турини барпо этади; аммо бундай ҳолда ўзгаларнинг қонунари ва ватандагидан бошқача давлат тартиботининг қабул қилиниши қийин кечади. Баъзида, ёмон қонунлар ва қабилани ҳалокатга олиб келган удумлар (урфлар)га одатга кўра риоя қилишга бўлган интилишлар туфайли ҳатто кўзғолонлар ҳам бўлади; бу ҳолат манзилгоҳ асосчиси ва соҳиби қонунга кўп ноқулайликлар келтиради, унга нисбатан ишончсизлик пайдо қилади. Бошқа бир жиҳатдан, ҳар хил қабилааларга мансуб кўчиб келувчилар бирга тўпланганларида, улар балки, янги қонунларга бўйсунушга мойилроқ бўларлар; аммо, худди отларга тааллуқли мақолдаги каби, бир аравага қўшилган барча отлар бир текис югуришлари керак бўлгандай, улар орасида ҳамжиҳатликни барпо этиш қийин: бу узоқ вақт талаб қилади. Ҳар ҳолда, ҳеч нарса, инсоний эзгуликни қонунчилик ва давлат тузишчилик рағбатлантирмайди.

К л и н и й . Балки. Бизга буларни айтиб, нималарни назарда тутмоқдасан?

- e** А ф и н а л и к . Дўстим, соҳиби қонунларни муҳокама этишга қайтаётиб, мен баъзи бир нохушликларга ҳам эътиборни қаратиб ўтишимга тўғри келади шекилли. Бунда ҳеч ёмонлик йўқ, фойда тегса бўлгани. Менга ўзи нималар ёқмайди? Менингча барча инсоний ишларда шундай бўлади-ку.

К л и н и й . Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Мен айтмоқчиман-ки, ҳеч қачон, одамлардан ҳеч бири ҳеч қандай қонунларни бермайди, аммо барча, барча қонунларни бизга тасодифлар ва бошимизга тушадиган турли туман бахтсизликлар берадилар. Ёхуд қандайдир бир уруш бутун давлат тузилмасини ағдартўнтар қилиб ташлайди ва қонунларни ўзгартиради ёки бирор фалокат балоси. Касаликлар ҳам – масалан ўлат хуруж қилса, кўпгина янгиликлар қабул қилишга мажбур этадилар, шундай қилиб баъзан узоқ даврга, кўп йилларга, турғунлик пайдо бўлади. Буларни эътиборга олиб, ҳар қандай одам ҳам, худди менга ўхшаб, ҳеч бир банда ҳеч қандай қонун бермайди, аммо ҳамма инсоний нарсалар тақдир ва тасодифга, боғлиқ, деб айтишга шошилади. Бундай деб тасдиқлаш денгизчилик, кема бошқариш, тиббиёт, ҳарбий ишга илова сифатида ҳам тўғрига ўхшайди; аммо шу қатори уни ушбу ҳолатга ҳам қўлласа бўлади.

К л и н и й . Қандай тасдиқлашни айт-

Намунавий моқдасан?

А ф и н а л и к . Худо ҳамма нарсани бошқаради, худо билан биргаликда эса тақдир ва эзгу онлар барча инсоний ишларни бошқарадилар, деган фикрни. Лекин ўта қаттиққўл бўлмайлик: улардан кейин келадиган яна учинчи нарса бор, бу – санъат. Дарҳақиқат: бўрон бўлганида дарғалик санъатини ўз вақтида қўллаш менингча кўп фойдалар келтиради. Шундай эмасми?

К л и н и й . Ҳа, шундай.

А ф и н а л и к . Худди шунинг ўзи бошқа ишларда ҳам, айниқса эса қонунчиликда айни ҳақиқатдир. Давлат бешикаст яшаши учун, ўша жой шароитларининг бир-бирларига яхши тўғри келишидан ташқари у яна ҳақиқатга риоя қилувчи соҳиб қонунга ҳам муҳтождир.

К л и н и й . Айни ҳақиқат.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, эслатилган санъатлардан бирининг соҳиб бўлган одам, фақатгина унинг санъати етишмайдиган шароитлар ҳолати бўлишини хоҳлаб дуолар қилса тўғри бўлармиди?

Клиний. Албатта.

Афиналик. Демак, ҳозир эслатиб ўтилган одамлар, агар уларга ўз хоҳишларини айтишларини таклиф этилса, худди шуни айтишармиди? Сиз нима дейсиз?

Клиний. Бўлмасачи.

Афиналик. Ўйлашимча, соҳиби қонун ҳам шундай қилармиди?

Клиний. Ҳар ҳолда мен шундай деб ўйлайман.

Афиналик. «Соҳиби қонун, айтчи, – мурожаат қилардик биз унга, – қандай ва қайси ҳолатда бўлган давлат сенга берилсин-ки, токи сен уни қабул қилиб олиб, қолган ҳамма нарсада унга ўзинг тартиб бера олсанг?» Адолатан, ундан қандай жавоб кутса бўлади? Унинг номидан ўзимиз жавоб бермайликми?»

Клиний. Жавоб бериш керак.

Афиналик. Унинг жавоби ушбу: «Менга тираник тартиботдаги давлат беринг. Тиран ёш, фаҳми, ўқиш-ўрганишга қобилиятли, мард ва фитратан (табиатан) олижаноб бўлсин; бундан ташқари биз олдин айтиб ўтганимиздай, бу тираннинг дили (нафс), эзгу ишларнинг ҳар бир қисмига ҳамроҳ бўлган хислатлар соҳиби бўлсин. Фақат шундагина, унинг қолган бошқа хислатларидан фойда бўлади».

Клиний. Менингча Мегилл, меҳмонимиз мулоҳазалилик (онглилик) ҳақида худди эзгу ишлар ҳамроҳи ҳақида гапиргандек гапирётганга ўхшайди.

Афиналик. Ҳа, Клиний, мулоҳазалилик ҳақида, аммо, ҳозир тантанавор онглилик бўлишига мажбур этилувчи эмас, умум қабул қилинган маънода. Йўқ, мулоҳазалилик бошланишданок ҳатто ҳайвонларга ва болаларга (тугма) фитрийдир ва бу шундан ҳам билинади-ки, улардан бирлари ҳузурланишлардан ўзларини сақлай оладилар, бошқалари эса сақлай олмайдилар. Агар, ушбу мулоҳазалиликни, эзулик (яхшилиқ, хайрли иш) деб аталувчи кўп нарсалардан айрим олиб қаралса, у ҳолда унинг ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мен нимани назарда тутаётганимни фаҳмлаётгандирсиз?

Клиний. Ҳа, албатта.

Афиналик. Агар давлат ўзини бахтли эта оладиган тартиботга имкон қадар тезроқ ва яхшироқ эга бўлмоқчи

бўлса, бошқаларига қўшимча равишда ушбу табиий хислатга ҳам бизнинг тиранимиз эга бўлсин. Давлатнинг жуда тез ва энг яхши тартиботи учун нарсаларнинг бундан кўра омадлироқ ҳолати йўқ ва бўлмайди ҳам.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), аммо қандай қилиб ва қандай далил билан бунга ўжаш фикрларни билдирувчи ўзининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилади?

А ф и н а л и к . Буни билиш осон Клиний, яъни, табиатга кўра, иш худди шундайдир.

К л и н и й . Нима демоқчисан? Сен айтасанки, агар тирани – ёш, мулоҳазакор, ўқиш-ўрганишга иқтидорли, фақли, мард, олижаноб... бўлса.

А ф и н а л и к . Яна қўшиб қўй: омадли, аммо фақат унинг ҳукмронлиги пайтида ажойиб соҳиби қонун пайдо бўлиши ва қандайдир тақдир уларни бирлаштириши билан. Агар бу рўй берса, қандайдир бир давлат алоҳида муваффақиятга эришишини хоҳлаганида худо нима қилса, шу нарса рўй берган бўлади. Иккинчи ўринга, иккита бундай ҳукмроннинг, учинчи ўринга – учтасининг пайдо бўлишини қўямиз. Яъни ҳукмронлар қанча кўп бўлса, қийинчиликлар шунча кўп бўлади, ва аксинча.

К л и н и й . Бундан келиб чиқади-ки, сен энг яхши давлат тираниядан пайдо бўлиши мумкин, деб тасдиқламоқдасан – буюк соҳиби қонун ва мулоҳазакор тирани туфайли ва бундай яхшиликка ўтиш ундай ерда тезроқ ва осонроқ рўй беради; зодагонлар (олигархия) дан энг яхши давлатнинг пайдо бўлиши сенда иккинчи ўринда, демократиядан эса учинчи ўринда туради. Шундайми?

А ф и н а л и к . Асло бундай эмас. Мен биринчи ўринга давлатнинг тираниядан, иккинчига – подшоҳ ҳокимиятидан, учинчига – демократиянинг қандайдир туридан, тўртинчи ўринга – зодагонлардан (олигархиядан) барпо этилишини қўяман. Дарҳақиқат, ундан баркамол давлатнинг пайдо бўлиши ҳаммасидан қийинроқдир, чунки, унда ҳукмдорлар бошқаларига қараганда анча кўп. Биз эса айтамызки, қачон табиатдан ҳақиқий соҳиби қонун пайдо бўлиб ва унинг қудрати давлатдаги энг кучли шахслар билан биргаликда саъй-ҳаракат қиладиган бўлсагина энг яхши давлат барпо бўлиши мумкин. Ҳокимият тепа-

711

сида қанча кам одам турса, у шунчалик қувватли бўлади, тиранияда, худди шу ҳолдагина ҳаммасидан тезроқ ва яхшироқ (баркамолликка) ўтиш рўй беради.

К л и н и й . Қандай тарзда? Биз тушунмаяпмиз.

А ф и н а л и к . Биз бу ҳақда бир неча бор таъкидладик-ку. Балки сизлар тирания тартиботидаги давлатни кўрма-гандирсиз?

К л и н и й . Мен бундай томошаларга унчалик ишқибоз эмасман!

б А ф и н а л и к . Аммо, унда сен ҳозир биз сўзлаётганларимизни кўрган бўлар эдинг.

К л и н и й . Нимани? Аниқроқ айт.

с А ф и н а л и к . Агар тиран давлат ахлоқларини ўзгартиришни хоҳласа, унга алоҳида бир уриниш ва жуда узоқ вақт зарур бўлмайди. У ўз фуқароларини хайрли, эзгу одатларга ёхуд аксинча, ёмон ишларга ўргатишни хоҳласа, ўзи танлаган йўлга кирса бўлди. Унинг шахсий юриш-туриши, одоби бир талаб бўлиб хизмат қилади, чунки баъзи бир ишлар унинг томонидан мақтов ва ҳурматга, бошқалари – ёмонлаш (танбех) га лойиқ бўлади: буйсунмагани эса, унинг барча қилмишлари учун у шарманда қилади.

К л и н и й . Аммо биз, қолган фуқаролар, фақат ишонтиришгагина эмас, мажбур этишга ҳам ҳокимияти бўлган одамга эргашишга шошиладилар, деб тахмин қила оламизми?

д А ф и н а л и к . Дўстларим, гўёки давлат, ҳукмдорлар раҳбарлигидан бошқа бир йўл билан ўз қонунларини осонгина ва тезроқ ўзгартира олади, деб сизларни ишонтиришга ҳеч кимга изн берманг; ҳеч қаерда, на ҳозир, на кейин бундай бўлмайди. Аммо, амалга оширишнинг мураккаб ва қийинлиги бунда эмас. Қийинчилик бу ерда бошқа бир турдадир ва у жуда камёб ҳолларда, асрлар давомида бартараф этилиши мумкин; лекин уни бартараф этишга эришилса, бу ҳол рўй берган давлат беҳисоб ва ҳатто барча эзгуликлар (яхшиликлар)дан фойдаланади.

К л и н и й . Нималар ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Бу ҳол, мулоҳазали (фикрли) ва адолатли ахлоқларга бўлган илоҳий муҳаббат олий ҳокимият

сохиби бўлмиш одамларда пайдо бўлганида, – улар мутлақ ҳукмдор, подшоҳ бўлганлариданми ёки ўз бойликлари ва донгдорлиги билан ажралиб турувчи бўлганлариданми, – фақат сўз кучи билангина эмас, балки ундан ҳам кўпроқ ўз мулоҳазалиги (фикрлаши) билан барча одамлардан устун бўлган Несторнинг табиий хислатларини улардан биронтаси ўзида қайта тугдира олганда рўй беради. Ривоятга кўра Троя замонида шундай бўлган; бизнинг давримизда бу асло рўй бермайди. Аммо, агарда бундай одам туғилган бўлса, туғилса ёки бизнинг орамизда мавжуд бўлса, у ҳолда унинг ҳаёти фараҳли ва унинг мулоҳазали лабларидан чиққан сўзларига қулоқ солган одамлар ҳам фараҳлидирлар. Ҳар қандай ҳокимият ҳақида ҳам шундай деса бўлади: агар (бирор) одамда олий ҳокимият онглилик ва мулоҳазакорлик (фикрли) билан қўшилса энг яхши давлат тартиботи ва энг яхши қонунлар пайдо бўлади – бошқача бўлиши мумкин эмас. Бу биз учун бир муқаддас сўз, худди кароматгўй тарафидан берилган мужда бўлиб қолсин; бир томондан давлатнинг оройиш топиши қийин бўлсада, бошқа томондан биз айтиб ўтганимиз рўй берадиган бўлса, ундан тез ва осон амалга ошадигани бўлмайди.

712

К л и н и й . Қандай қилиб?

А ф и н а л и к . Келинг, биз қариялар, худди болаларга ўхшаб, сенинг давлатингга тўғри келадиган қонунларни сўз билан барпо этиб кўрайлик.

К л и н и й . Кел, ҳозироқ бошлайлик.

Намунавий (идеал)
қонунчиликнинг
дастлабки
чизмаларни

А ф и н а л и к . Бизнинг давлатимизнинг тартиботига худонинг ёрдам беришини илтижо қиламиз! Давлатимизни ва унинг қонунларини биз билан биргалик-

да тартиб бериши учун у бизга раҳмдиллик ва меҳрибонлик кўрсатсин ва илтижойимизни эшитсин!

К л и н и й . Раҳм қилсин!

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, фикран қандай турдаги давлат тартиботини ўз давлатимизда ўрнатамиз?

К л и н и й . Илтифот қилиб бизга ўз фикрингни тушунтир. Сен, демократия, олигархия, аристократия ёки подшоҳ ҳукмдорлиги ҳақида гапирмоқдамисан? Сен ҳар ҳолда тирания ҳақида гапирмаётгандирсан?

Афиналик. Менинг саволимга қайси бирингиз биринчи бўлиб жавоб беришни хоҳласангиз, жавоб беринг, ватангингизда қандай давлат тартиботи мавжуд?

Мегилл. Ёшим каттароқ бўлгани учун мен биринчи жавоб беришим маъқулмикин?

d **Клиний**. Шундай қилинса тўғри бўлар.

Мегилл. Ажнабий (биродар), Лакедемоннинг давлат тартиботи ҳақида фикр юритиб шундай, дабдурустдан уни қайси турга қўшишни айтишим мушкул. У ҳатто тиранийга ўхшаб кетади, чунки ундаги эфорлар ҳокимияти ажабки, тираний ҳокимиятга эслатади. Баъзан эса менга ватаним, барча давлатлар ичида энг демократик (давлатга) ўхшаб кетади. Яна бизда, бизнинг ўзимиз ҳам, қадимий **e** барча бошқа одамлар томонидан ҳам тан олинадиган жуда қадимий подшоҳлик ҳокимияти бор. Шунинг учун сенинг бу беҳос саволингга жавоб бериб, менинг ватанимда қандай давлат тартиботи борлигига аниқ тушунча беролмайман.

Клиний. Мен сенга айтсам, Мегилл, мен ҳам худди шундай аҳволдаман: Кноснинг давлат тартиботини қатъий ишонч билан қайси турга қўшиш мумкинлиги ҳақида бир нима дейишим қийин.

713 **Афиналик**. Бу шунинг учунки қадрли дўстларим, сизларда ҳақиқатан ҳам давлат тартиботи мавжуд; биз ҳозир айтиб ўтганимиз турлар бу давлатлар эмас, фуқароларнинг оддий бирга яшашларидир ва унда уларнинг бир қисми ҳукмронлик қилади, бошқаси эса қуларча бўйсунди. Ҳар бир бундай бирга яшаш унда ҳукмрон бўлган ҳокимият номини олади. Агар бизнинг давлат ҳам шу тарзда номландиган бўлса, у ҳолда уни худо – онгли одамларнинг ҳақиқий хожаси, номи билан аташ зарур бўлар эди.

Клиний. Бу қандай (қайси) худо?

Афиналик. Бу саволга рисоладек ва равшан жавоб бериш учун афсонани озгина ёрдамга жалб этсак бўлармиди?

Клиний. Ҳа, шундай қилиш керак.

b **Афиналик**. Жуда зарур. Айтишларича, биз юқорида муҳокама этганимиз давлат тузилишларидан анча аввал Кронозда ҳозирги энг яхши давлат тартиботи тақлид қила-

ётган олий даражада саодатманд бошқарув мавжуд бўлган.

К л и н и й . Назаримда, бу эшитишга арзийди.

А ф и н а л и к . Ҳарқалай менга шундай туюлади; шунинг учун ҳам мен бунга алоҳида эътибор бердим.

К л и н и й . Сен жуда тўғри иш қилдинг ва агар афсона-ни охиригача – бизга тўғри келгани учун, – айтиб берсанг янада яхшироқ иш қилган бўлардинг.

А ф и н а л и к . Мен сизларнинг истакларингизни бажо этишим зарур. Бизгача ўша пайтдаги одамларнинг фараҳбахш ҳаёти, уларга ҳамма нарса бисёр ва ўз-ўзидан муяссар бўлгани ҳақида ривоят етиб келган. Бунга, ай-тишларича қуйидаги сабаб бўлган: Кронос биларди-ки, ҳеч қандай инсоний табиат, – биз бу ҳақда гапирган эдик, – инжиқлик ва адолатсизликка берилмай одамзод ишларини бениҳоя (чексиз) бошқара олмайди; буни идрок этган ҳолда Кронос ўшанда бизнинг давлатларимизнинг ҳукм-ронлари этиб одамларни эмас, балки демонларни (гений-ларни) – кўпроқ илоҳий ва яхшироқ наслик мавжудот-ларни подшоҳлар ва ҳукмдорлар қилиб қўйди. Биз ўз замонимизда қўйлар подалари ва бошқа уй ҳайвонлари билан шундай қиламиз: биз буқалар устидан буқаларни, эчкилар устидан эчкиларни қўймаймиз, балки биз ўзимиз яхшироқ турга тааллуқли бўлганимиз учун улар устидан ҳукмронлик қиламиз. Худо ҳам худди шундай, инсонпарвар бўлгани учун ўшанда устимиздан яхшироқ зот, генийлар зотини қўйди. Уларнинг ўзлари, одамларни қийнамай, беқиёс енгиллик билан уларга ғамхўрлик қилдилар ва тинчлик, виждонлилик, ободончилик ва бисёр адолат бердилар ва бу адолат инсон қабилаларини жанжаллардан холи ва бахтиёр қилар эди. Ҳақиқат билан ҳамоҳанг бу ривоят, ҳозир ҳам, худо эмас, оддий одам идора қиладиган давлатлар офатлар ва меҳнат-машаққатлардан қутилиб кета олмасликларини тасдиқлайди. Бундан муддао шуки, демак биз барча воситалар билан Кронос давридаги ҳаётга тақлид

қилишимиз керак; бизга муносиб боқийлик улуши қанчалик имконият берса, биз қатъий ишонч билан ижтимоий ишларда ҳам, шахсий ишларда ҳам давлатларимиз ва уйларимиз тартиботида шу ҳаётга риоя қилишимиз керак ва онгнинг

бу таърифларини қонун, деб номлашимиз зарур. Агар қандайдир айрим бир одам, олигархик ҳокимият ёки демократия, нафс (ҳирс)ини қондиришга интилувчи дил (нафс, кўнги) соҳиби бўлиб унинг қондирилишини талаб қилсалар ва шу пайтнинг ўзида ҳеч нарсани сақлай олмасалар ҳамда бениҳоя, очкўз дардга гирифтор бўлган бўлсалар ва шу билан бирга уларнинг барчаси қонунларни топтаб, давлат ёки қандайдир бир шахсни бошқарадиган бўлсалар, – у ҳолда биз ҳозир айтиб ўтганимиздай, нажот топишига воситалар йўқдир. Клиний, биз ана шу ривоятни кўриб чиқишимиз керак бўлади: биз унга қулоқ соламизми ёки бошқачароқ йўл тутамизми?

Клиний. Унга қулоқ солиш даркор.

Афиналик. Сен албатта, сезгандирсан баъзилар давлат тартиботининг қанча хиллари бўлса, гўёки қонунларнинг ҳам шунча хиллари бор, деб тасдиқлайдилар. Кўпчилик одам давлат тартиботининг нечта хилини санаб ўтишларини биз яқиндагина муҳокама этдик. Кўпчиликнинг фикри билан бизнинг фикримиз тафовути гўё озгина, деб ўйлама, аксинча, у жуда муҳимдир, чунки бизнинг, адолат ва адолатсизлик деганда нимани назарда тутиш кераклиги ҳақидаги фикрларимиз яна турлича бўлиб чиқди. Қонунлар, кўпчиликнинг фикрича, на урушни, на бутунлигича барча эзгу иш (яхшилик)ни назарда тутмасликлари зарур; одамлар, барқарор бўлган идора бошқарувининг фойдаси қонунларнинг мақсади бўлиши керак, токи у абадул абад (шундай) қолсин ва у ҳеч қачон бузилмасин, деб ўйлайдилар. Адолатнинг бундай таърифини улар табиат билан энг мос (таъриф) деб ҳисоблайдилар.

Клиний. Қандай таъриф?

Афиналик. Адолат – энг кучлининг фойдаси (манфаати)дир, деб айтилиши.

Клиний. Аниқроқ гапир.

Афиналик. Гап мана бунда: улар тасдиқлаб айтадиларки, давлатда кимларнинг қўли баланд келса, ўшалар у ерда ҳамма вақт қонунлар ўрнатадилар. Шундай эмасми?

Клиний. Сен тўғри айтасан.

Афиналик. «Сизлар, – дейдилар улар, – ғалаба қозонган тиран, халқ ёки қандайдир бошқа бир идора бошқаруви ихтиёрий равишда, уларнинг ўз манфаатлари, яъни ҳокимиятларини мустаҳкамлашдан бошқа бирор нарса-

ни назарда тутган қонунларни ўрнатадилар, деб ўйлай-
сизми?»

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Демак, ким қонунларни ўрнатса, ўша бу қонунларни адолатли, деб атайди ва уларни бузаётганни жиноятчи сифатида жазолайди, шундайми?

Клиний. Бу аниқ.

Афиналик. Шундай қилиб, адолат иши доимо шу ҳолда қолаверади.

Клиний. Ҳар ҳолда, айтилганлардан шундай бўлиб чиқади.

Афиналик. Шунинг ўзи ҳокимият асосларидан биридир.

Клиний. Қайсилари?

Афиналик. Ким идора қилиши (бошқариши) кераклигини муҳокама қилганимизда эслатиб ўтганларимиздир. (Ўшанда) аён бўлгандай, ота-оналар болаларни, катталар кичикларни, олижаноблар олижаноб бўлмаганларни бошқаришлари зарур. Эсимда, ўшанда бошқа тасдиқлашлар (фикрлар) ҳам бўлганди ва уларнинг кўплари бошқаларига зид эдилар. Шу қатори ўшанда ушбулар ҳақида ҳам гапирилганди, биз, Пиндар табиатга ишора қилиб энг зўр зулмни оқлайди, деган эдик: ҳар ҳолда у шундай дейди.

Клиний. Ҳа, ўшанда худди шундай дейилган эди.

Афиналик. Ўйлаб кўр, биз давлатни кимга топширмоғимиз керак. Кўпгина давлатларда мана бундай ҳол кўп марта юз берган-ку...

Клиний. Нималар тўғрисида гапирмоқдасан?

Афиналик. Бу давлатларда ҳокимият учун кураш бўлганидан голиблар бутун давлат ишларини фақат ўзлари эгалаб олганлар ҳатто шунчалик-ки, мағлубларга нафақат уларнинг ўзлари, авлодларига ҳам бошқарувда ҳеч қанча улۇш бермаганлар. Бутун умр улар бир-бирларидан хавфсирардилар, чунки кимдир исён кўтариб ҳокимиятни қўлга олади ва аввал улар қилган қабихликларини эслайдилар, деб кўрқар эдилар. Биз ҳозир тасдиқлаётганимиздай, ишларнинг бундай аҳволи давлат тартиботи эмас: бутун давлатнинг борича умумий эзгулик (яхшилик) учун тартиб берилмаган (ўрнатилмаган) қонунлар тўғри қонунлар

715

б

эмас. Биз, қаерда қонунлар бир неча одам манфаатини кўзлаб ўрнатилган бўлса, (у ҳолда) сўз давлат тартиботи ҳақида эмас, фақат ички низолаар ҳақида боради ва у ерда адолат, деб ҳисобланадиган нарсa эса фақат шундай номланади холос, деб тан оламиз. Биз шунинг учун бу гапларни айтмоқдамиз-ки, биз сенинг давлатингда давлат мансабларини бой, кучли, бўйи баланд, донгдор ёки шунга

c ўхшаш хислатларга эга бўлганларга эмас, балки, ўрнатилган қонунларга энг кўп бўйсунадиган ва шунинг билан давлатда ғалаба қозонадиганларга берамиз. Биз тасдиқлаймизки, худди шундай одамга – биринчи бўлиб худоларга олий хизмат қилишни топшириш керак; ўзининг муҳимлиги жиҳатидан иккинчи хизматни – иккинчи ғалабани қозонганга, ва шу белгилар орқали шундай тартибда бошқа хизматларни топшириш зарур. Янги сўз айтиш учун мен ҳозир ҳукмдорларни қонунларнинг хизматчиси, деб атамадим: мен шунга аминманки, бошқа нималаргадир қараганда,

d Акс ҳолда давлат ҳалок бўлади. Мен, қонун кучга эга бўлмаган ва кимнингдир ҳокимияти остида бўлган давлатнинг яқин вақтдаги ҳалокатини кўраман. Қаерда қонун ҳокимлар устидан ҳукмдор бўлса, улар эса унинг қуллари бўлсалар давлат бешикастлигини ва давлатларга худолар қандай неъматлар беришлари мумкин бўлса ўшалар берилишини олдиндан айтаман (тасаввур этаман).

К л и н и й . Зевс (номи) билан қасам ичаман-ки, ажнабий (биродар), сен узоқни кўра биласан, зеро сенинг ёшингда шундай бўлади!

e А ф и н а л и к . Одам ёшлигида бунга ўхшаш нарсаларнинг яхши фарқига бормайди, кексалиқда эса, аксинча аниқ-равшан кўра олади.

К л и н и й . Айни ҳақиқат.

А ф и н а л и к . Энди нима қиламиз? Муҳожирларимиз келиб, олдимизда ҳозир турибдилар, деб тахмин қилиб кўрмаймизми ва кейинги нутқимиз энди уларга қаратилган бўлиши керакми?

К л и н и й . Албатта.

716 А ф и н а л и к . «Муҳожирлар, – деймиз уларга, – қадимги ривоятга кўра худо бор мавжудотнинг ибтидоси, интиҳоси ва

ўртасини ушлаб туради. У тўғридан-тўғри, шу билан бирга табиатга мувофиқ равишда абадий айланиб туриб ҳамма нарсани ижро этади. Унинг ортидан ҳамма вақт, илоҳий қонундан чекинадиганлардан қасдини оладиган адлия юради. Ким бахтли бўлишни истаса шу қонунга риоя қилиши ва унга итоат қилиб эргашishi ва қатъий тартибни сақлаши керак. Агар кимдир, такаббурилик билан бойлиги, ҳурмат-эҳтиромлари, бадан хушрўйликларига керилиб-мақтанса ёки ёшлиги ва онгсизлиги билан ўз дили (нафси)ни ҳаволанишидан куйдирса ва ўзига на ҳукмрон, на раҳбар керак эмасу, аммо ўзини бошқаларга раҳбар бўлишга арзийдиган, деб ҳисоблай бошласа, у ҳолда бундай одамдан худо юз ўтиради. Бундай одам, бошқа ўзига ўхшаганлар билан жунбушга тушиб атрофдаги бор нарсаларни вайрон қилади. Кўп одамларга у эътиборлидай кўринади, аммо тез орада адолат қозиси олдида жавобини беради; у ўзини, ўз уйини ва давлатини (мамлакатини) хонавайрон қилади. Ҳа, ишлар шундай бўлади. Бундай ҳолатда оқил (онгли) одам қандай йўл тутиши ва фикрлаши керак?»

b

К л и н и й . Ҳар ҳолда ушбу нарсани равшан бўлди: ҳар қандай одам ўзини худонинг ҳамроҳларидан бири деб фикрлаши зарур.

А ф и н а л и к . «Қандай ишлар тарзи худога хуш келади ва муносиб бўлади? Қадимий ҳикматга кўра фақат бир (иш тарзи): монандга монанд хуш, агар у меъёрни сақласа; номутаносиб нарсалар эса, бир-бирларига нохуш бўлганларидай, мутаносиб нарсаларга ҳам нохушдирлар. Бизда ҳамма нарсанинг асосий меъёри (мезони?) баъзи бировларнинг тасдиқлашларига қарамай, қандайдир бирор одамдан кўра, асосан худо бўлгани маъқул. Шунинг учун, ким худога хуш ёқишни хоҳласа, имкони борича албатта унга ўхшаш бўлиши керак. Шу боисдан, бизлардан қайси биримиз мулоҳазали (онгли) бўлса худога у ёқимли, чунки унга монанддир; ким мулоҳазасиз (онгсиз) бўлса, у унга монанд эмас ва аксинча, ундан фарқланади ва адолатсиздир. Худди шу ҳолат бошқа (нарсаларда) ҳам сақланади. Бундан бир қоида, менинг назаримда ҳаммадан ҳам ажойиб-зебороқ ва тўғрироқ қоида чиқарамиз: яхши одамга, бахтли ҳаёт (кечириши) учун худоларга қурбон-

c

d

e

ликлар, ибодатлар (дуолар, сифинишлар), назр-ниёзлар қилиш ва бошқа турли хизматларни бажариш энг олий даражада гўзал (зебо), яхши ва фойдалидир; бу унга жуда монанддир. Ёмон одамга табиатига кўра ҳаммаси аксинча, чунки ундай одамнинг дили (кўнгли) пок эмас, яхши

- 717** одам эса покизадир; доғ тушган одамдан тухфалар қабул қилиш эса на яхши одамга на худога тўғри келмайди. Шунинг учун диёнатсиз одамлар томонидан худога хизмат қилиш (сифиниш) бефойда, тақводор одамларга ўринлидир. Биз мўлжалга оладиган нишон шудир. Аммо бизнинг камон ўқларимиз билан не ҳол юз беради ва бу нишонга аниқ уриш учун уларни қайси йўналишда отмоғимиз даркор? Биз айтамызки, ким Олимп худоларига ва давлатни муҳофаза этувчи худоларга эҳтиром кўрсатганидан кейинроқ ер ости худоларига барча жуфт, иккиламчи ва чапларини ажратган бўлса, ўша (одам) диёнатли мақсадга эришади: олий эҳтиромларни эса – барча тоқ, бирламчи ва ўнглари – биринчи бўлиб айтилган худоларга ажратмоқ даркор. Онгли (оқил) одам, бу худолардан кейин муқаддас маросимлар билан генийлар (даҳолар) га, улардан сўнг қаҳрамонларга эҳтиром кўрсатадилар, уларни қадрлайдилар. Ундан кейин қонунга кўра, насл-насаб худоларининг хос ибодатхоналарини қадрлаш ва ҳали ҳаёт ота-оналарини қадрлаш: чунки бизнинг муқаддас бурчимиз – энг катта ва зарурий қарзларимизни тўлаш – ҳамма мажбуриятларнинг энг асосийсидир; биз идрок этишимиз керакки, биз нимага эга бўлсак ва нимамиз бўлса, бизни тукқан ва боққанларга тегишлидир, шунинг учун ҳам кучимиз етганича буларнинг барини уларга бахшида этмоқ зарур: биринчидан – мол-мулкимизни, кейин – бизнинг баданимизни, ниҳоят – бизнинг дилимиз (нафсимиз, жонимиз)ни. Ота-онамиз қариганларида ва уларнинг эҳтиёжлари кўпайганида, уларнинг меҳрибонликлари, туғиш азоб-уқубатлари ва болалигимизда бизни деб чеккан дард-андуҳлари учун биз қарзимизни фақат шу билан уза оламиз. Бутун умр давомида, нутқларимиз ила ифода этиб ўз ота-онамизга алоҳида бир олий ҳурмат-эъозлар кўрсатишимиз керак, чунки енгилтаклик, йўл-йўлакай айтилган (қаттиқ) сўзлар учун жазо оғир бўлади: буларнинг ҳамма-

си устидан назорат қилиб туриш Немесидага, Адлия хабарчисига топширилгандир. Ота-оналар ғазабланганларида, бу ғазаб сўзлардами ёки хатти-ҳаракатларда акс этадими, бари-бир бўйин эгиш зарур: негаки, агар ота ўзини камситилган деб ҳисобласа унинг буюк ғазоби табиийдир. Ота-оналар вафот этганларида энг камтарона дафн маросими – энг яхшисидир; урф-одад бўйича қабул қилинганидан кўра дабдабалироқ қилишга уринмаслик керак, аммо, бизнинг аждодларимиз томонидан ўз ота-оналарига нисбатан ўрнатган удумларни ҳам рад этмаслик керак бўлади. Яна, бунинг устига, марҳумларни шарафлашга хизмат қилувчи, улар ҳақида ҳар йилги ғамхўрлик ҳам намоён бўлиши зарур. Аммо энг олий эҳтиром, доимо, сусайиб қолмайдиган даражадаги марҳум хотирасини сақлаш ва тақдир бизга ато этган мулкнинг маълум қисмини уларга ажратишдир. Шунга амал қилиб ва шунга мос яшаб, биз ҳаммамиз ҳар бир айрим ҳолатда худолар ва биздан юқори турганлардан мукофотлар оламиз ва ҳаётимизнинг кўп қисмини яхши умидлар билан ўтказамиз».

Биз ўз авлодларимизга, қариндошларимизга, дўстларимизга, ҳамюртимиз – фуқароларга, биз билан меҳмоннавозлик ришталари ила боғлиқ одамларга қандай муносабатда бўлишимизни ва ўзимизнинг шахсий ҳаётимиз қонунга мувофиқ равишда ҳам қувончли, ҳам чиройли бўлиши учун, умуман одамлар билан қандай мулоқотда бўлишимиз зарурлигини, – буларнинг ҳаммасини қонунларнинг ўзлари тушунтирадилар. Улар қисман ишонтирадилар, қисман куч ва адлия ёрдамида ишонтиришга бўйсунмайдиган фитратларни (феъл-атворларни) тузатадилар: қонунлар, худоларнинг маслаҳатларига суяниб (маслаҳатларининг раҳнамолигида) бизнинг давлатимизни етарли даражада бахтли ва фараҳли қиладилар. Менинчга, менинг нуқтаи назарим билан нуқтаи назари бир хил бўлган, аммо уни қонун шаклида ифода эта олмайдиган соҳиби қонун учун, унга ва у ким учун қонунлар тартиб берган бўлса ўшаларга нимани ва қандай гапириш кераклигига мен намуна берган эдим. Шунинг учун, қолган ҳамма масалаларни кучимиз етганича муҳокама этиб бўлиб, қонунчиликнинг ўзига киришиш керак бўлади. Лекин бунинг учун қандай шакл

718

b

c

кўпроқ тўғри келади? Бунга тегишли барча нарсани, умумий бир мақолада қамраб олиш осон эмас; аммо биз бу ерда битта асосий ҳолатни кўрсата оламизми...

К л и н и й . Айт, қайси ҳолатни?

А ф и н а л и к . Мен истардимки, фуқаролар эзгу (яхши) ишларга риоя қилсалар. Шуниси равшанки, соҳиби қонун ҳам буни ўзининг бутун қонунчилиги орқали ўтказишга ҳаракат қилади.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

- d А ф и н а л и к . Менинча, биз ҳозир айтган сўзларимиз шу маънода маълум бир фойда келтирадики, фуқаролар, агарда уларнинг диллари (кўнгли) бутунлай дағаллашиб кетмаган бўлса, соҳиби қонуннинг насиҳатларига тавозуъ ва хайрхоҳлик билан қулоқ соладилар. Ҳар ҳолда, биз эшитувчини озгина бўлсада хайрхоҳроқ ва шунинг учун ҳам идрок этиш (англаш)га қобилиятлироқ эта олганимизга қаноат ҳосил қилишимиз зарур. Имкон қадар тўлароқ камолотга иложи борича тезроқ эришишга интилувчи
- e одамларни тез-тез ва осонликча учратолмаймиз-ку. Ва кўпчилик одамлар, ёмонликка олиб борувчи йўл «қулай ва тўғри» ва уни машаққатсиз бажариш мумкин,

*«аммо эзгу (яхши) ишни биздан узоқлаштирдилар
боғий худолар,*

*Қийинчиликлар кўп: тик, баланд ва узоқ унга йўл.
Агар чўққизга етиб борсанг, шунчалар осон бўлиб қолар
Йўлинг, қанча машаққатли бўлса аввали, –*

719

дегани учун Гесиодни донишманд, деб эълон қилдилар.

К л и н и й . Ажойиб сўзлар.

А ф и н а л и к . Олий мартабадаги сўзлар. Аммо аввалги мулоҳазаларимиз менда қандай таассурот қолдирганларини сизларга айтиб ўтишим керак.

К л и н и й . Айт.

- б А ф и н а л и к . Келинг, соҳиби қонунга ушбу сўзлар билан мурожаат қилайлик: «Соҳиби қонун, бизга айт, сен, биз қандай йўл тутишимиз ва гапиришимиз кераклигини билганингда, сен бизга уни айтармидинг?»

К л и н и й . Албатта (шундай сўраш керак).

А ф и н а л и к. «Бундан сал аввалроқ, соҳиби қонун шоирларга уларнинг ўзларига ёққан нарсаларни ижод қилишларига рухсат бермаслиги керак, деган сўзларни сендан эшитмаган эдикми? Ўзларининг қонунга зид қандай сўзлари билан давлатга зиён етказишларини шоирлар билмайдиларку».

К л и н и й . Сен ҳақсан.

А ф и н а л и к. Агар биз шоирлар тилидан соҳиби қонунга ушбуларни айтсак ноўрин бўлмайди...

К л и н и й . Аниқроқ айт, нимани?

А ф и н а л и к . Ушбун: соҳиби қонун, биз ҳамда шоирлар тарафидан доимо айтиб келинадиган ва бошқа барча одамлар томонидан қабул қилинган қадимий бир гап бор: шоир Музанинг учоёқ (курсисига) ўтирганида соғлом онгини йўқотган бўлади, аммо ўз илҳомини худди чапмадай оқишига йўл қўяди. Унинг санъати - тақлид бўлгани учун, у, қарама-қарши руҳдаги одамларни тасвирлашга мажбур этилган бўлади, шу сабабли, у, айтилганлардан қайси бири ҳақиқату қайси бири ундай эмаслигидан беҳабар равишда ўзига ўзи зид ҳолатда бўлишга мажбур бўлади. Аммо соҳиби қонунга бир мавзунинг ўзи ҳақида икки хил фикр билдириш мумкин эмас, у доимо битта ва ягона фикрга эга бўлиши зарур. Буни ҳозиргина айтилган дафн маросимига қўлаб кўр. Яъни, уч хил дафн маросими бор – меъёрдан ташқари дабдабали, аксинча фақирона ва ниҳоят – мўътадил, сен, соҳиби қонун фақат бир хилини, икки четнинг ўртасини танладинг, уни маъқулладинг ва тайин этдинг. Мен эса, ўз асаримда ҳаддан ташқари бой, ўзининг дафн этилиши ҳақида кўрсатмалар бераётган аёлни тасвирласам, фақат дабдабали дафн маросимларини мақтар эдим. Аксинча, агар мен ҳасис ва камбағал одамни тасвирласам, у ҳолда ночор дафн маросимини мақтар эдим. Агар мен ўрта ҳол ва мўътадил феъл-атворли одамни тасвирласам, у ҳолда шунга мос дафнни мақтайман. Аммо сенга ҳозир сен айтганингдек, оддийгина: «меъёрдаги дафн» деб қўйиш мумкин эмас. Сенинг ишинг, аслида нимани ва қандай миқдорни меъёрда деб аталишини аниқлашдир: агар шундай бўлмаса, бунга ўхшаш сўзларим қонун бўлади, деб ўйламай қўяқол.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.

720 **А ф и н а л и к .** Бизда қонунлар устидан қўйилган одам уларга шунга ўхшаш нарсани ижро учун юбормайди, аммо, тўғридан тўғри, бирданига эълон қилади: буни-буни қилиш зарур, уни-унисини йўқ, ва жазо билан дўқ қилиб, шу ондаёқ, бу қонунларни кимга бераётган бўлса, ўшаларга ишонтириш, тушунтириш учун бирор сўз қўшмай бошқа қонунга мурожаат этмайдими? Бундай қарасак шифокорлар ҳам бизда – ким нимага қодир бўлса шундай даволайдилар. Аммо, болалар шифокорга мулойимроқ даволашни илтимос қилганларидаги каби мурожаат билан соҳиби қонунга мурожаат қилиш учун иккала усулни ҳам эслаб кўрамиз. Мисол учун: шифокорлар бўладилар ва (шу қатори) биз шифокорлар деб атайдиганимиз, уларнинг ёрдамчилари ҳам бўладилар, шундайми.

К л и н и й . Албатта.

б **А ф и н а л и к .** Ушбу кейингилари, улар эркин одамларми ёки қулларми бари бир, ўз санъатларини, эркин одамлар каби ўзлари ўрганиб ва бунинг устига болаларини ўргатадиган табиий истеъдодлари туфайли эмас, балки кузатиш, тажриба ва хожаларининг кўрсатмалари орқали эгаллайдилар. Биз шифокорлар, деб атайдиганимиз одамларни икки турга бундай фарқлашни қабул этасанми?

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

с **А ф и н а л и к .** Сен эътибор берганмисан, шифокор-қуллар, гарчи шаҳарларда қуллар ҳам, эркин-озод одамлар ҳам касал бўлсаларда, ҳар ерда изғиб юриб ва уларни ўз шифохоналарида қабул қилиб, кўпроқ ҳолда қулларни даволайдилар. Бундай шифокорларнинг биронтаси ҳам ўзларининг касаллари – қулларга уларнинг касал (дард)лари ҳақида ҳисобот бермайди, улардан ҳам буни талаб этмайди, аммо, уларнинг ҳар бири, худди ўзи ҳамма нарсани аниқ биладигандай, тираннинг зўр ишончидай ишонч билан, унга ўз тажрибасига кўра тўғри келадигандай туюлган дориларни беради, шундан кейин бу ердан чиқиб бошқа касал қулнинг ҳузурига боради. Шу тарзда у, хожага **д** ўз қуллари тўғрисидаги ташвишларини енгиллаштиради. Эркинлардан чиққан шифокор эса, кўпроқ худди шу турдаги (яъни, озод, хур) одамларга қарайди ва даволайди. У уларнинг касалликларининг бошланиши ва табиатини тек-

ширади, бемор ва унинг дўстлари билан суҳбатлашади, шундай қилиб, у ўзи ҳам кимларни даволаётган бўлса, ўшалардан қандайдир маълумотлар олади; шу билан бирга, кучи етганича касалга ўғитлар беради ва қилинадиган муолажанинг фойдасига ишонтирмагунича у муолажани тайин этмайди. Бундай шифокор, ишонтириш йўли билан, ўз беморини борган сари итбаткор қилади ва шундан кейингина ўз мақсадига яъни унга саломатлигини қайтаришга киришади. Шу икки шифокордан қайси бири яхшироқ даво услубини қўллайди? Гимнастика ўқитувчилари борасида ҳам шунга ўхшаш саволни берса бўлади. Қандай гимнастика ўқитувчиси яхшироқ: ўз мақсадига етиш учун икки хил усулни қўллайдиганими ёки бир усулга, бунинг устига, икки имкониятдан шафқатсизроқ ва ёмонроғига риоя қиладиганими?

К л и н и й . Икки хил усул қўллайдигани беқиёс яхшидир.

А ф и н а л и к . Агар хоҳласанг, бу усуллар – иккилик ва бирлик (усуллар) қонунчиликда қандай қўлланишини кўриб чиқамиз.

К л и н и й . Албатта хоҳайман.

А ф и н а л и к . Худолар ҳаққи айт, соҳиби қонун қандай қонунни биринчи бўлиб ўрнатган бўларди? Унинг аввалан болалар туғилишини – давлатларнинг бу бирламчи асосини тартибга келтириши табиий эмасми?

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Болалар туғилиши учун асос барча давлатларда – бу, никоҳ муносабатлари ва иттифоқларидир.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Демак, ҳар қандай давлатда биринчи қонун ҳуқуқан никоҳ тўғрисида бўлади.

К л и н и й . Муглақо тўғри.

А ф и н а л и к . Олдин битталиқ усулни қўлмайлик. Унда куйидаги қонун бўлади: ҳамма ўттиз ёшдан бошлаб то ўттиз беш ёшгача уйланиши зарур; ким буни бажармаса, жарима ва бу ёки у даражада – фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этишга ҳукм қилинади. Бу никоҳ ҳақидаги оддий қонун. Икки усулга асосланган қонун эса ушбудир: ҳамма ўттиз ёшдан бошлаб ўттиз беш ёшгача уйланиши ва одамзот ўз табиатига кўра абадийликка тааллуқли, шунга интилиш ҳар

e

721

b

- бир инсонга туғма эканлигини идрок этиши ҳам керак бўлади. Худди шу, шон-шухратга ва сенинг қабринг номсиз бўлиб қолмаслигига интилишга мажбур этади. Чунки одамзот куллий вақт билан маҳкам жипслашгандир; у унинг ортидан боради ва бутун давоматида ортидан эргашаверади. Шундай тарзда одам зоти абадийдир, чунки, ўзидан болалар ва набиралар қолдириб, одам зоти шундай туғилишлар туфайли абадул-абад абадий тирикликка (абадиятга) ўхшаш ва таалуқли бўлиб қолади. Ихтиёрий равишда ўзини бундан маҳрум этиш олий даражадаги диёнатсизликдир; аммо: шу аснода, кимки хотин олиш ва болалар кўриш ҳақида ғам емаса бу одам ўзини бундан билиб туриб маҳрум этади. Қонунга бўйсунган жазоланмайди. Ўттиз беш ёшгача уйланмаган итоатсиз эса жазо сифатида, гўё бўйдоқ ҳаёт унга енгилик ва фойда келтиради, деб туюлмаслиги учун ҳар йили қанчадур маблағ тўлаши зарур. Унга, давлатда ёшлар томонидан катталарга кўрсатиладиган эҳтиромдан улуш тегмайди. Бу қонунни эшитиш билан бирга сиз, куйидагилар ҳақида фикр билдиришингиз мумкин, қонунлар нафақат дўқ-пўписа қилиши, балки яна ишонтиришлари керакми ва бунинг натижаси ўлароқ ҳажм жиҳатидан ҳеч бўлмаганда икки марта катта бўлиши зарурми ёки улар фақат дўқ-пўписани ишлатиб, биринчиларга кўра икки баробар қисқа бўлмоғи керакми?

Мегилл. Ажнабий (биродар), лакедемон одатига кўра қисқалик афзалроқ кўрилади. Аммо, агар мени бу икки низомни баҳоловчи сифатида тайинласалар, яъни улардан қайси бирини давлатда қабул қилиш кераклигини ҳал қилиш керак бўлса, мен батафсил баён қилинганини танлаган бўлар эдим. Ҳар қандай қонун ҳақида ҳам, агар у шу намуна бўйича икки усулда тузилган бўлса мен шу сўзимни айтган бўлар эдим. Айтса бўлади-ки, Клинийга ҳам ҳозиргина таклиф этилган қонунлар ёқади. Чунки биз, унинг давлати бу қонунлардан фойдаланади деган фикр-ни назарда тутамиз.

Клиний. Сен Мегилл жуда яхши гапирдинг.

Афиналик. Аммо иш фақат тафсилотли ва ёки қисқалигида эмас. Ўйлашимча, қисқа ёки батафсил баён эмас, энг яхшиси қадрланмоғи зарур. Ҳозир келтирилган

қонунлардан ишда қўллаш учун бири бошқасидан яхши-лиги унинг икки баравар катта бўлишида эмас; ҳа, бу ерда ҳозиргина келтирилган икки хил шифокор билан қилинган таққос ўринли деб ўйлайман. Кўриниб турибди-ки, қонунларни нашр этаётиб, икки воситадан – оломоннинг жоҳиллиги ва тарбиясизлиги шароитида қанчалик даражада илож бўлса, шу (даражада) ишонтириш ва кучдан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бирорта ҳам соҳиби қонуннинг ҳаёлига ҳам келмаган, одатда соҳиби қонунлар фақат иккинчи воситадан фойдаланадилар. Аслида эса, улар ўз қонунларини нашр этаётиб, заруратга пандлар ва ишонтиришларни қўшмай тоза зўравонликни (ўзини) қўлайдилар. Менинг фикримча, дўстларим, қонунларга яна нимадир учинчи, ҳозир ҳеч қаерда йўқ нарсани қўшмоқ керак.

К л и н и й . Сен нималар ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Қайсидир худонинг иродасига кўра бизнинг ҳозирги мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган нарса ҳақида. Биз қонунлар ҳақидаги суҳбатимизни эрта тонгда бошлаган эдик, ҳозир эса туш пайти бўлди ва биз яхшилаб дам олиш мумкин бўлган ушбу гўзал жойга етиб келдик; биз фақатгина қонунлар ҳақида суҳбатлашдик; аммо, менинг назаримда, биз яқиндагина қонунларнинг ўзи ҳақида гапира бошладик, бунгача бўлган гаплар фақат дебоча бўлди холос. Мен нима демоқчиман? Ҳар қандай нутқда, овоз ёрдамида биз нима ҳақида хабар берсак ҳам унинг дебочаси ва мақсадга эришишни осонлаштирувчи қандайдир сунъий тайёргарликдан иборат бўлган дастлабки машқ бўлади. Масалан, кифара жўрлигидаги қўшиқ қонунлари ва хоҳлаган бошқа мусиқа қонунларига ҳайратланарли даражада ишланган кириш қисмлари берилади. Ҳақиқий қонунларга – бундайлари фақат давлат қонунлари, деб биз тасдиқлаймиз, кириш (дебоча)ларни ҳеч ким ҳеч қачон тузган эмас, агар мабодо тузган бўлса ҳам уларни эълон қилишга интилмаган – гўёки улар умуман бўлмагандай. Бизнинг ҳозирги суҳбатимиз, ўйлайманки, бундай дебочалар мавжудлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, ҳозиргина кўрсатиб ўтилган икки мазмунли (аҳамиятли) қонунлар, менга фақат икки қийматлигина эмас, балки икки қисмдан иборатдай туюладилар: қонун-

- нинг ўзи ва унга кириш. Бир қийматли (бир мазмунли) аралашмаган қонунни биз тираник амр деб атадик ва уни бизлар эркин бўлмаган шифокорлар деб атаганимиз шифокорларнинг амрларига ўхшатдик. Суҳбатимиз аввалида баён этилган ва Мегилл панд-насиҳат деб тан олган нарса ўз қимматига кўра нутқлардаги дебочага ўхшайди. Менга шуниси аниқ-ки, бунга ўхшаш панд-насиҳатли мулоҳазани соҳиби қонун, бу қонунни кимга бераётган бўлса улар унинг талабларини (шунинг ўзи қонундир) хайрхоҳлик билан қабул қилсинлар ва худди шу хайрхоҳлик натижаси ўлароқ таъсирчанроқ, (қонунарни юмшоқроқ қабул қилувчи) бўлиб қолсинлар, деб келтиради. Менинг тушунишимча, шунинг учун ҳам бу қонуннинг маъноси, деб эмас, фақат дебоча (кириш сўзи), деб аталиши керак. Бу сўзларимга яна қандай қўшимча қилсам бўлади? Ҳа, мана буни: соҳиби қонун доим ўз қонуналарига, ҳеч бўлмаса ҳозиргина кўриб чиқилган мисол асосида, дебочаси бор ва дебочаси бўлмаган қонуналар орасидаги фарқ қанчалик катталигини ёдда тутиб ўз қонунларига дебоча киритиши зарурдир.

К л и н и й . Менинг фикримча, бунга ўхшаш нарсаларда тушунчаси бор одам, бизга худди шундай қонуналар бермоғи керак.

- А ф и н а л и к .** Менингча, Клиний сен тўғри айтдинг, ҳамма қонуналарда дебоча бўлиши керак ва ҳар қандай қонунчиликка киришишдан аввал ҳар бир низомга унга зарурий кириш сўзи бўлиши керак. Чунки бундай сўзнинг аҳамияти жуда каттадир. Яна, бу (кириш сўзи) аниқ-равшан эса қоладими ёки йўқми, бу ҳам муҳим масала. Агар биз катта қонуналар деб аталадиган қонуналар ва унча аҳамиятли бўлмаганларига дебочалар бир хилдаги руҳда бўлишлари керак деб қарор қилсак биз албатта ноҳақ бўлар эдик. На қўшиқ айтишда, на нутқ сўзлаётганда бундай қилиб бўлмайди. Гарчи ҳамма нарсага дебоча зарурлиги табиий бўлсада, уларнинг ҳаммасидан фойдаланиб бўлмайди. Буни, нотик, хонанда ва соҳиби қонуннинг ўзига қўйиб бериш керак.

К л и н и й . Сен менингча, айти ҳақиқатни гапирмоқдасан. Аммо, ажнабий (биродар), суҳбатимиз оқимини сусайтирмайликда, унинг асосий мавзуга кўчайлик. Агар

сенга маъқул бўлса, сен ҳали, дебоча бўлишини ўйламаганингда айтганингдан бошласак. Келинг, ўйинларда айтадиганларидек бошидан бошлайлик; балки, иккинчи мартасида бизга кўпроқ омад кулар ва биз, яқинда биз билан рўй берганидек, тасодифий мавзулар муҳокамасига огишиб кетмай ҳақиқатан ҳам дебочани баён қилармиз.

Шундай қилиб, қонунларга дебоча (кириш сўз) зарурлигини тан олиб ўша ҳақда янгитдан муҳокама бошлаймиз. Лекин, худоларга сифиниш (олий эҳтиром) ва ота-оналар ҳақида ғамхўрлик ҳақида, айтилганларнинг ўзи кифоядир. Сен дебочани тўла баён қилинди деб айтмагунигча, шунинг моҳияти ҳақида сўзлашга ҳаракат қиламиз. Шундан кейингина қонунларнинг ўзларини баён қилишга ўтамиз.

А ф и н а л и к . Демак, биз айтмоқдамиз-ки, ўша кириш сўзида худолар, худолардан кейин келадиганлар ва тирлик ёки мархум ота-оналар ҳақида етарли даражада фикр билдирилди. Энди эса сен мени, шу дамгача айтилмаган нарсалар ҳақида сўзлашга, яъни ана шу масалаларга ойдинлик киритишга таклиф этмоқдасан, шундайми?

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, бундан кейин, эшитувчилар ва нутқ сўзловчининг ўзи ҳам, кучи етган миқдорда ўзининг тарбиясини баркамол этиш учун, қандай даражада иштиёқ билан – кўпми ёки озроқ – ўз дили (нафси, руҳи), бадани ва мулки ҳақида ғамхўрлик қилиши зарур бўлган барчага тааллуқли ва жуда муҳим масалага мурожаат қилмоғи керак. Мана шуни биз дарҳақиқат кўриб чиқмоғимиз даркор.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.



726

Афиналик. Худолар ва бизга меҳрибон аждодлар ҳақида жон қулоғи билан эшитганлар диққат ила тингласинлар! Худолардан кейин инсоннинг энг қадрли нарсаси дил (нафс, жон) – энг илоҳийдир, чунки у унга ҳамма нарсадан яқинроқдир. Ҳар бир одамга тегишли ҳамма нарса, икки хил: унинг бир қисми – олий ва энг яхшиси – хожа (ҳукмрон)лик қилади, бошқаси – тубан ва ёмонроғи – қуларча тобедир.

727

Ҳар ким ўзининг ҳукмрон қисмини қул қисмидан афзал кўроғи керак. Шунинг учун ҳар ким ўз дилини эъзозлашини талаб қилаётганимда мен ҳақман; у (дил), мен айтганимдек худолар – ҳукмронлар ва улардан кейин келгучилардан иккинчи ўринда туради. Аммо шу билан бирга, айтса бўладики, бизлардан ҳеч биримиз дилни ҳақиқий равишда эъзозламаймиз, эъзозласак ҳам юзаки, зоҳиран эъзозлаймиз. Чунки эъзоз (эҳтиром) – илоҳий эзгулик (яхшилиқ)дир, ёмонликдан ҳеч нарса унга мушарраф бўлмайди. Кимки дилни нутқлар, туҳфалар, ёнбосишлар билан улуғлашни ўйласаю аммо уни ёмондан яхши қилишга ҳеч интизмаса, у уни (дилни) ҳақиқатан эмас

- b** балки кўринишгагина эъзозлайди. Ҳар қандай одам ёшлиқ чоғларидан бошлаб ўзини ҳамма нарсани билиб оладиган (идрок эта биладиган) деб ҳисоблайди ва мақтовлар билан ўз дилимни улуғлаётганиман, деб ўйлайди, шунинг учун унга ҳар нарса қилишга йўл қўйиб беради. Биз эса, бундай қилиб инсон ўз дилини улуғвор этмайди, аксинча унга зарар етказди, деб тасдиқлаймиз. Айтиб ўтиш керак-ки, бизнинг тасдиқлашимизга кўра у (дил) худолардан кейин иккинчи ўринда туради. Худди шунга ўхшаб,
- c** одам ҳар бир айрим ҳолатда ўзининг қилмишлари ва улкан ёмонликларининг айбдори деб ўзини эмас, бошқа одамларни айбдор ҳисоблайди ва у доимо ўзини худди ҳеч айбдор эмасдек ҳимоялаганида фақат кўринишгагина ўз

дилини эъзозлайди, аслида эса у бундан жуда узоқ, ваҳоланки унга (дилга) зарар келтиради. Соҳиби қонуннинг топпириғи ва маъқуллашига зид равишда у ҳузур-сафоларга берилганида ҳам, уни ёмонлик ва афсус-надоматлар ила тўлдириб қилади, асло унга эҳтиром кўрсатмайди. Ва агар, аксинча, (соҳиби қонун) томонидан маъқулланган меҳнат, машаққатлар, кўрқинчлар, дард ва аламларга охиригача бардош беролмай уларга ён берса, бу ён беришлар билан ҳам ўз дилига эҳтиром кўрсатмайди. Чунки бу тарзда иш юритиб уни фақат шарманда қилади. У ҳаётни ҳар жиҳатдан яхшилик (ҳузур) деб ҳисобласа ҳам худди шунинг ўзи бўлади. Чунки, агар дил Аидда мавжуд ҳамма нарсани ёмонлик, деб ҳисобласа, у ҳолда у, бул фикрга қарши туrolмайди, ғафлатда қолган пайтда аксинча, ер ости худоларига тегишли нарсалар биз учун яхшиликнинг энг улуғларидан бўлиши мумкинлигини фаҳмлай олмайди. Ва агар кимдир (бадан) чиройини яхши (эзгу) ишдан афзал кўрса, бу ҳам дилнинг ҳақиқий ва камолга етган шармсизлиги бўлади. Чунки, бундай нуқтаи назарга кўра, бадан дилга қараганда хатс равишда эҳтиромга кўпроқ лойикроқ ҳисобланади. Ҳеч бир ерда туғилган нарса, олимпда (туғилганига) қараганда кўпроқ эҳтиромга лойик бўлмайди; дил ҳақида ким бошқача фикрда бўлса, у қандай ажойиб бойлик (қадрият)ни инкор қилаётганини билмайди. Худди шунга ўхшаб, ким-ки ножўя йўл билан мулкка эга бўлишга интилса ва бундай мулкка эгалик қилиш унга малол келмаса, у барча бундай тухфалар билан ҳеч ҳам ўз дили (нафси)га эҳтиром кўрсатмайди: бу билан у уни жуда беҳурмат этади, чунки озгина миқдордаги олтин учун, дилида бўлган барча қимматбаҳо ва шу билан бирга зебо нарсаларни сотади. Негаки, бутун ер юзида ва ер остида бўлган барча олтинларни эзгу иш билан тенглаштириб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, кимки соҳиби қонун шармандалаи ва ёмон деб ҳисоблашга қарор қилган нарсалардан барча воситалар билан ўзини сақлашни хоҳамаса ва кимки аксинча, соҳиби қонун яхши ва зебо (гўзал) деб ҳисоблашга қарор қилганларига бор кучи билан машқ қилишни истамаса, у одам ким бўлишидан қатъий назар, бу ҳолатларда энг илоҳий нарса – ўз дили билан

ўта виждонсиз ва хунук муомалада бўлган бўлади. Айтса бўлади-ки, ёмонлик (ёвузлик) учун энг буюк жазо нима бўлишини ҳеч ким ҳисобга олмайди; бу жазо эса, ўзини ўз моҳияти бўйича ёмон одамларга ўхшатиш ва бу ўхшашлик натижасида инсон яхши одамлардан ва уларнинг сўзларидан ўзини олиб қочиб, улардан (яхши одамлардан) ажралиш ва ёмон одамларга ёпишиб, уларнинг жамиятини (сухбатларини) исташдан иборат бўлади. Бу одамлар билан қардош бўлиб, зарурат юзасидан, бунга ўхшаш одамлар ўз табиатларига кўра бир-бирлари билан қандай муомалада бўлсалар ва бир-бирлари билан қандай гаплалашсалар шундай гаплашадиган ва муомала қиладиган (шунга яраша дард чекадиган) бўладилар. Аниқроқ айтилса, бу ҳатто одиллик эмас, – чунки одиллик ва адолат бир гўзаллик-зеболикдир, – балки, ўч олишдир, бошқача айтадиган бўлсак, адолатсизликка ҳамроҳ бўлган надомат, дарддир. Инсон бу ўчга дучор бўладими, йўқми у барибир бахтсиздир; охирги ҳолатда – бедаво бўлгани учун, биринчи ҳолатда – бошқа кўп одамлар қутқарилишлари учун, у ҳалок бўлади. Умуман айтганда, бизнинг номусимиз, яхши нарсага эргашиш ва агар яхшиланиши ҳали мумкин бўлса, ёмон нарсани яхшилашдан иборатдир.

Инсонда, ўз табиати (фитрати)га кўра ёмонликдан қочиш, олий эзгу ишни (яхшилиқни) исташ ва топиш, топгандан кейин эса, умрининг қолган вақтини у билан биргаликда ўтказишга дил (нафс)дан лаёқатлироқ бошқа ҳеч нарса йўқдир. Шунинг учун ҳам ҳурмат маъносидан у иккинчи ўринга қўйилган ва бизнинг баданимиз ўз табиати-га кўра бу борада фақатгина учинчи ўринда туришини ҳар ким ҳам идрок эта олади.

Ўз навбатида ҳурматнинг ҳар хил турларини кўриб чиқиш керак бўлади: улардан қайси бирлари ҳаққоний-ю қайси бирлари алдамчи. Бу соҳиби қонуннинг вазифаси. Менинчга, ушбу масалани у тахминан қуйидагича тушунтиради: чиройли, кучли, эпчил (тез), катта, соғлом бўлган бадан гарчи кўпчилик шундай фикрда бўлса ҳам, ҳурматга лойиқ бўлолмайди; худди шу тарзда, буларга қарама қарши сифатларга эга бўлган бадан ҳам ҳурматга лойиқ эмас. Ушбу икки ҳолат орасида ўрталикда бўлган фазилатлар тақ-

қослаб бўлмас даражада ишонгли ва мулоҳазалиликка яхшироқ олиб борадилар. Чунки, биринчиси дилларни бўмбўш (яъни эзгуликдан холи-тарж.) ва қўрс, иккинчиси – тубан ва разил қилиб қўяди. Мулк ва буюмлар олишга шу ҳолат тааллуқли бўлиб, худди шундай баҳоланади. Буларнинг ҳаммасининг бисёрлиги давлат ҳаётида ҳам, шахсий ҳаётда ҳам нохушлик ва низолар, камёблиги эса кўпинча – қулларча тобеъликни келтириб чиқаради. Болалари деб, уларга имкон борича кўп бойлик қолдириш мақсадида, ҳеч ким ғаразгўй бўлмасин: бу улар учун ҳам, давлат учун ҳам яхши эмас. Заруратлар таъминладиган ва тилёғламалик, лаганбардорликка йўл қўймайдиган мулкый ҳолат (рўзгор) ёшлар учун энг яхши ва мақсадга мувофиқдир; у (мулк) уларнинг ҳаётини ғамсиз этарди, чунки бу ҳол уларнинг ҳаётини бизнинг ҳаётимиз билан мувофиқлаштириб бошқа ҳамма нарса билан мувозанатга келтирарди. Болаларга олтин эмас, юксак виждонлиликни мерос қолдириш керак. Биз, беномус ишлар қиладиган ёшларга ўз талабларимиз билағ уни (яъни виждонлиликни – тарж.) сингдирамиз, деб ўйлаймиз. Аммо бунга, ҳамма нарсада шарм-ҳаёни сақлаш кераклиги ҳақидаги кечиккан маслаҳатлар ва оғзаки талаблар билан эришиб бўлмайди. Оқил соҳиби қонун, катта ёшдаги одамларга ўзларидан кичиклардан уялишни ва ёшлардан биронтаси улар (катталар) томонидан қандайдир ёмон хатти-ҳаракатни кўриб, ёмон сўз эшитиб қолишларидан эҳтиёт бўлишларини албатта маслаҳат беради; чунки, чоллар беҳаё бўлган ерларда ёшлар жуда ҳам беҳаё бўлишлари муқаррардир.

Ёшлар ва ўз-ўзимизга энг яхши тарбия ўғитларда эмас, балки, бошқага қилинаётган насиҳатни ўз ҳаётимизда бошқаларга равшан ҳолда амалга оширишдадир. Кимки ўз оила аъзоларига ва қон-қардошлик туфайли ҳаммалари бир (хил) худоларни эъзозлайдиган барчага эъзоз ва эҳтиром кўрсатса, ўша одам тўла ҳуқуқ билан ўзининг уруғи – болаларига оила худоларининг меҳр-шафқат қилишларига умид қилса бўлади. Турмуш муаммоларида дўстлар ва улфатларнинг хайрхоҳликларига эришмоқ учун, уларнинг хизматларини уларга кўра юқорироқ баҳолаш керак; бизнинг дўстларимизга қил-

ган яхшиликларимизни эса аксинча, дўстларимиз ва ул-фатлар ўйлаганларидан озроқ билишимиз зарур. Давлатга ва фуқароларга нисбатан, Олимпия ўйинлари ва ҳар қандай ҳарбий ёки тичликдаги мусобақалар ғалабаларидан кўра юрт қонунлари хизматини ўтовчи одам шон-шуҳратини афзал биладиган, ўз ҳаётида бу хизматни барча одамлардан яхшироқ адо этган одам энг яхши одамдир.

е Бошқа томондан, ажнабий-меҳмонларга нисбатан бўладиган барча мажбуриятлар олий даражада муқаддас бўлмоғи керак. Чунки, ажнабийларга тааллуқли ва уларга қарши қаратилган жиноятлар учун худолар оладиган қасос, ҳатто ўз юртларига қилинган ёмонликлар учун олинadиган қасосдан кўпроқ даражада бўлади. Негаки, дўстлари ва қариндошлари бўлмаган ажнабий, худолар тарафидан ҳам, одамлар тарафидан ҳам кўпроқ ачиниш уйғотади. Қасос олишга кучи етган одам уларга кўпроқ ён босади.

730 Ҳар кимда мавжуд бўлган меҳмондўст демон ва худо бунга айниқса бажариши мумкиндир: чунки улар Зевс-Меҳмондўст ортидан борадилар. Шунинг учун кимда-ки озгина бўлсада эҳтиёткорлик ҳиссиёти бўлса, ажнабийларга қарши бехос ёмонлик қилишдан ўзини тийиши зарур ва бутун ҳаёти давомида шундай бўлмоғи керак. Ажнабийлар ва ҳамюртларга қарши қилинган ёмонликларнинг энг мудҳиши афв этишни илтижо қилганларга қарши қилинганидир. Чунки, илтижо қилувчи берган мажбуриятларига гувоҳ этиб чақиргани – худо унинг бош ҳомийси бўлиб қолади ва шу сабабли жабрланган учун албатта қасос олинади.

б Биз, ота-оналар, ўзимизга, ўз мол-мулкимизга, давлатга, дўстларга, қариндошларга, ажнабийларга ва ҳамюртларга бўладиган муносабатлар ҳақида деярли барча нарсани кўриб чиқдик. Бундан кейин, инсон ўз ҳаётини яхши яшаб ўтиши учун қандай сифатлар имконият яратиб беришини кўриб чиқмоқ зарур. Энди эса, қонун эмас, балки мақтов ва танбеҳ одамларни тарбиялаши ва нашр этиладиган қонунларга уларни мойил ва бўйсунувчи қилиши керак бўлади. Биз энди ана шулар ҳақида гаплашишимиз керак.

Худолар учун ҳам, одамлар учун ҳам барча эзгу (яхши)ликлар бошида ҳақиқат туриши керак. Кимки бахтли ва фароғатли бўлишни истаса, имкон борича узоқ вақт тўғри яшаши учун бошланишиданоқ унга (ҳақиқатга) тааллуқли бўлмоғи керак. Бундай одам ишонч уйғотади; аммо, кимга ихтиёрий ёлғон хуш келса, бундай бўлмайди; агар кимга беихтиёр ёлғон хуш бўлса, у нодондир. Аммо на униси, на буниси ҳавасга лойиқ эмаслар. Негаки, ишончга нолойиқ жоҳил ҳеч кимга ҳам хуш келмайди (ёқмайди); қанчадир вақт ўтиши билан уни осонгина билиб оладилар ва у ўзига-ўзи ҳаёти охирида қариликнинг оғир танҳолигини тайёрлаб қўяди. Дўстлари ва болалари ҳаётми ё йўқлигидан қатъий назар унинг умри етимона ўтади.

Кимки адолатсизлик қилмаса – ҳурматли; аммо, бошқаларга ҳам адолатсизлик қилишга йўл қўймайдиган одам икки марта (кўп) ҳурматга лойиқдир. Чунки биринчиси биттага баробар, иккинчиси эса – кўпчиликка, негаки у бошқа одамларнинг адолатсизликларини ҳукмдорларга кўрсатади (билдиради). Агар кимки жазоларни амалга оширишда ҳукмдорларга кучи этганича кўмакланса у одам баркамол ва давлат учун буюқдир: эзгу (яхши) ишлардаги голиб сифатида унинг ҳақида баралла айтиш керак.

Мулоҳазалилик, оқиллик ва бошқа эзгу (яхши)ликлар, агар бундай эзгуликлар соҳиб бўлган(одам) фақат уларга эга бўлибгина қолмай, балки бошқаларга ҳам уни ўтказолса, улар борасида ҳам худди шундай мақтов бўлиши зарур. Бошқаларга ўтказувчи энг юксак эҳтиромларга сазовор бўлиши керак; иккинчи ўринда бунинг ҳаммасини (бошқаларга) ўтказолмасида, аммо уни қила оладиган бўлишни истаган туради. Қандайдир эзгу (яхши)ликни ихтиёрий баҳам кўришни хоҳламайдиган ҳасадгўй танбеҳга лойиқдир. Аммо, бойлик (мулк) унинг соҳиб деб шармсор этилмаслиги зарур; аксинча, бор куч билан ўша бойликни олишга ҳаракат қилиш керак. Бизнинг ҳар биримиз эзгу (яхши)лик ҳақида жон куйдиришимиз лозим. Кимки шундай қилса, ўзи эзгу ишга интилиб ва бошқаларга туҳмат билан қаршилиқ қилмай давлатнинг юксалишига мадад беради. Ҳасадгўй бошқаларга бўҳтон қилиб ўсиш, улфайишни ўйлайди, ўзи эса ҳақиқий эзгу ишга унча ин-

тилмайди. Адолатсиз танбеҳ билан у ўз рақибларининг руҳига шикаст етказди ва шу тарзда давлатнинг эзгу ишлардаги мусобақани ривожлантиришига имкон бермайди; ҳасадгўй кучи етганича ўз давлатининг шуҳратини камайтиради.

- b** Аммо ҳар ким ғазабнок (шиддатли) руҳни энг буюк ҳилм билан бирлаштириши зарурдир. Бошқа одамлар томонидан содир этиладиган оғир, тузалиши қийин ва ҳатто умуман бедаво адолатсизликлардан қутилишнинг фақат битта воситаси бор: бу, улар билан курашиш, даф этиш, ғалаба қозониши ва уларни беаёв жазоламоқдир. Ҳеч қандай дил (руҳ, нафс) буни руҳнинг олийжаноб қаҳрисиз амалга ошира олмайди. Адолатсиз, аммо тузатса бўладиган ишларни қиладиганларга келсак, аввало шуни билиш керакки, ҳар бир адолатсиз одам ўз ихтиёрисиз адолатсиз бўлади.
- c** Чунки энг улкан ёмонликлардан биронтасини ва айниқса, унинг учун ҳамма нарсадан қадрли бўлган соҳада ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ихтиёрий равишда ўзлаштириб олмайди. Дил (нафс) эса, биз айтиб ўтганимиздек, – ҳамма учун энг қимматли нарсадир. Ҳеч ким, ўзи учун энг қимматли бўлган қисми билан энг улкан ёмонликни ўзига қабул қилиб олмасин ва бундай мулк билан бутун умрини ўтказмасин. Адолатсиз ва ёмонлик эгаси бўлган инсонга ачинмоқ лозим. Аммо, тузалиши мумкин бўлган инсонга
- d** ачинмоқ ўринлидир; аммо авж олиб келаётган руҳ қаҳрини босиш керак ва хафалик таъсирида худди хотин кишидек аччиғланиб кўполлик қилмаслик керак. Аниқ ёмон ва ёвуз, панд-насихатга қулоқ солмайдиган одамга нисбатан ғазабга эрк бермоқ даркор. Биз шунинг учун, яхши одам ҳар бир айрим ҳолда ҳам қаҳрли (ғазабнок), ҳам ҳилмлиқ бўлиши зарур, дедик.

- e** Кўпчилик одамларнинг дилларида туғма ёмонлик (ёвузлик), барча ёвузликларнинг энг ёмони бор; ҳар ким уни ўзи кечиради (афв этади) ва ундан қочишни умуман ўйламайди. Бу ёмонлик ушбудан иборат: айтадиларки, ҳар қандай инсон табиатан ўзини ўзи севади ва у шундай бўлиши ҳам керак. Аммо ҳақиқатда эса, ҳар бир айрим ҳолда одамнинг барча ёмон ишларининг айбдори унинг ўзига ўзи ошуфталигидир. Негаки яхши кўрувчи севилувчига нисбатан кўрдир,

шунинг учун нима адолатли, яхши ва зебо эканлигини яхши баҳолай олмайди ва ҳақиқатга кўра кўпроқ унга хос нарсани қадрлашга мойилдир. Кимки буюк инсон бўлишни хоҳласа, у ўзини ва ўз хислатларини эмас, балки унинг ўзи ёки бошқа бирор кимса амалга ошираётган адолатни яхши кўриши (севиши) зарур.

Бундан яна шу нарса келиб чиқади-ки, ҳаммага ўзининг шахсий жоҳиллиги донишмандлик бўлиб туюлади. Шунинг учун, биз ўзимизни ҳамма нарсани биламиз, деб ҳисоблаймиз, аслида эса, айтса бўладикки, ҳеч нарсани билмаймиз. Ўзимиз билмаган нарсани бошқаларга бажаришни топширмаймиз, ҳамма нарсани ўзимиз бажаришга ҳаракат қиламиз ва албатта адашамиз. Шунинг учун ҳар бир одам ҳаддан ташқари ўзини яхши кўришдан нари бўлиши, ўзидан яхшироқларни исташи ва уларни ўзидан юқори қўйишга уялмаслиги керак.

Кўпинча, булардай юксак аҳамиятга эга бўлмаган, аммо фойдаси улардан кам бўлмаган ўғитлар берилади: уларни эсда сақлаб қолиш ва улар ҳақида суҳбатлашиб турмоқ зарур. Худди дарёда, сув доимо озайиб ва кўпайиб турганидай, эсга олиш ҳам кетаётган оқилликнинг қўйилишидир. Шундай қилиб: ортиқча кулги ва кўз ёшидан тийилиш лозим; одамлар бир-бирига ҳар қандай ҳаддан ошган қувонч ва дардни яширишни маслаҳат бериши ва хушфезъликни сақлашга ҳаракат қилмоқлари керак. Бизнинг муваффақиятимизга гений (назорат учун) қўйилган; тақдиримиздаги баъзи ўзгаришларга ҳаддан зиёд юксак нарса сифатида генийлар қарши турадилар. Яхши одамлар, ҳар кимнинг улишига тушадиган қийинчиликларни худо камайтиради, ҳозирги аҳволни яхши томонга ўзгартиради ва уларнинг бахт-саодатларига, аввалги офатларга қарама-қарши турли яхшиликлар ато қилади, деб умид қилишлари лозим. Ҳар бир одам шундай умид билан яшаши ва доимо буларнинг ҳаммасини хотирасида сақлаши даркор; хасислик қилмай, жиддий машғулотларда ҳам, ўйинлар пайтида ҳам ўз-ўзига, бошқаларга ушбулар ҳақида эслатиб туриш керакдир.

Шундай қилиб, бизларнинг ҳар биримиз қандай бўлишимиз ва қандай ҳаёт тарзида яшашимиз кераклиги ҳақида тахминан айтиб бўлинди. Аммо буларнинг ҳамма-

си кўпроқ илоҳий нарсалардир, инсонийларини ҳали баён қилмадик, аслида шундай қилиш керак эди. Биз худоларга эмас, инсонларга мурожаат қилмоқдамиз-ку. Ҳузурланишлар, дард чекишлар, эҳтирослар табиатан кўпроқ инсонийдирлар. Ҳар қандай банда албатта уларга дучор бўлади ва ўзининг интилишларида уларга жуда боғлиқ бўлади. Шунинг учун, энг яхши ҳаётни, у ўз орази билан яхши шуҳрат қозониши мумкинлиги учунгина эмас, балки, у, биз ҳаммамиз нимага интилсак ўшанга олиб бориши учун ҳам мақташимиз зарур, биз интиладиган нарса эса ушбудир: агар биз энг яхши ҳаёт нашъасини тотиб кўришни хоҳласак ва ҳаётдан навқиронлик даврида кетиб қолмасак, токи биз бутун умримиз давомида, кўпроқ қувонсак ва камроқ ғамгин бўлсак.

Ким ушбу ҳаёт нашъасини тўғри тотишини аниқлаш осон. Бу тўғрилиқ нимадан иборат? Буни онг (ақл) асосида муҳокама этиш ва у ёки бошқа ҳаёт тарзи табиий ё нотабиий эканлигини қараш керак. Шунинг учун ёқимли ҳаётни ёқимсиз билан солиштириб кўриш зарур. Биз ҳузур-ҳаловат истаймиз, дард чекишни эмас: дардни танлашни ҳеч ҳам хоҳламаймиз. Ораликдаги ҳолатни ҳузурланишдан авло кўрмаймиз, аммо дард чекишни унга жон деб алмаштираммиз. Биз кўп ҳузурланишга камроқ дардандух кўшилишини истаймиз; оз ҳузурланишнинг улкан ғам-дард билан бирлашиши бизга номақбулдир. Агар ҳузур ва дард тенг кўшилган бўлса, бизга улар маъқулми йўқлигини билиш мушкул иш.

Буларнинг ҳаммасида – биз хоҳлаганимизга қарама-қарши ҳолатларда ҳам, – миқдор, катталиқ, куч ва тенглик танлаш маъносида аҳамиятсиз эмасдир. Буларнинг ҳаммасига шундай тартиб берилган. Демак, биз ҳам ҳузурланишлар, ҳам дардлар кўп миқдорда ва кучли даражада мавжуд бўлган ҳаётни афзал кўраммиз ва шу билан бирга ҳузурланишлар кўпроқ ва кучлироқ бўлиши керак. Бунинг қарама-қаршисини афзал кўрмаймиз. Худди шунга ўқнаш, униси ҳам, буниси ҳам озгина, катта бўлмаган, осойишта ўтадиган ва шу билан бирга дард-алам оғирроқ бўлган ҳаётни хоҳламаймиз; иш бунинг айни тескарисидай бўлганини эса хоҳлайммиз. Қаерда мувозанат бўлса,

бундай ҳаётни юқорида айтилганига кўра баҳолаш керак: биз шундай мувозанатни хоҳлаймиз-ки, унда, бизга хуш бўлган нарса оғирроқ бўлсада, бизга нохуш бўлган нарса камроқ мавжуд бўлса. d

Айтиб ўтиш керак-ки, ҳар қандай одамнинг ҳаёти табиатан ана шу худудларга жойлашган ва биз, табиатга кўра қандай ҳаётни кутишимизга эътибор бермоқ керак. Агар биз, унга тўғри келмайдиган бирор нарсани хоҳлашимизни тасдиқлайдиган бўлсак, бизнинг сўзларимиз ҳақиқий ҳаётни билмаслигимиз ва тажрибасизлигимизнинг натижаси бўлади.

Бизга хуш келадиган ва ҳар бир одам учун қонун сифатида ихтиёрий қабул қилса бўладиган ҳамда шу қатори ёқимли, дилхуш, энг яхши ва зебо, одамлар эриша оладиган, саодатманд яшаса бўладиган қанча ҳаёт турлари бор? Биз ушбу (ҳаёт) турларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин: мулоҳазали (онгли), оқил, мардона, соғлом ҳаёт. Бу тўрт турга тўртгаси қарама-қаршидир: мулоҳазасиз (онгсиз), бебош, кўрқоқ, носоғлом. Кимки мулоҳазали ҳаёт билан таниш бўлса, у ҳар жиҳатдан осойишта кечади: унинг дардлари осойишта; ҳузурлари ҳам осойишта; унда бўшаштирувчи эҳтирослар ҳам, жунбушга келувчи хоҳишлар ҳам йўқ. Аксинча, бебош ҳаёт кўполликларга тўла: дард-аламлари кучли; ҳузурлари ҳам кучли; унда жинни (ақлсиз), қутурган эҳтирослар ва бўлиши мумкин бўлган, қутурган ҳирс бор. Мулоҳазали ҳаётда ҳузурлар қийинчиликлардан оғирроқ келадилар, бебош ҳаётда эса – дард-аламлар ҳузурлардан ҳам катталиги, ҳам миқдори, ҳам кескинлиги билан оғирроқ келадилар. Шунинг учун ҳаётнинг биринчи тури биз учун ёқимли, иккинчиси эса, ўз табиатига кўра албатта маҳзунроқ бўлади. Осойишта яшашни хоҳлаган одамга ўз ихтиёри билан қаноатсиз яшаш мумкин бўлмай қолади. Бундан равшан бўладикки, ҳар ким ҳам ўз ихтиёрисиз (иродага қарши) бебош бўлади; агар биз ҳозиргина аниқлаганимиз тўғри бўлса, шундай бўлиши керак. 734

Ҳар қандай оломоннинг ҳаёти ё жоҳиллигидан, ёки ўзини тута билмаслигидан ёхуд бу сабабларнинг иккаласидан – мулоҳазалиликдан маҳрумдир. Соғлом ҳаёт ва но- b

- соғлом ҳаёт ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин, унда ҳам, бунда ҳам ҳузурлар ва дардлар бор, аммо соғломликда ҳузурлар дардлардан оғирроқ келади, носоғломликдан эса, аксинчадир. Биз эса, дардлар устун келадиган ҳаёт тури-
 c ни танлашни истамаймиз; улар камроқ бўлган ҳаёт тури- ни биз ёқимлироқ, деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда ай- тишимиз мумкинки, мулоҳазали ҳаёт бебош ҳаётдан, оқил ҳаёт жоҳилидан, мардона ҳаёт – қўрқоғидан устун кела- ди, чунки, биринчиларида ҳузурлар ҳам, дард-аламлар ҳам камроқ, улар майдароқ ва сийракроқдир. Аммо биринчи- ларида ҳузур, иккинчиларида дард устун келади. Шунинг учун мардона ҳаёт қўрқоқ ҳаётдан, оқил ҳаёт жоҳилидан устундир. Шу сабабли ҳаётнинг биринчи турлари иккин-
 d чиларидан ёқимлироқ, яъни, мулоҳазали, мардона, оқил ва соғлом ҳаёт қўрқоқ, мулоҳазасиз, бебош ва носоғлом ҳаётдан ёқимлироқдир. Қисқаси, эзгу (яхши) ишга таал- луқли ҳаёт, ёмонликка тааллуқли ҳаётдан ёқимлироқдир. Чирой, тўғрилиқ, эзгу иш ва яхши шон-шуҳрат маъносида ҳам, бошқа бор нарсаларда ҳам у ундан авлодир. (Яъни эзгуликка тааллуқли ҳаёт, ёмонликка тааллуқлидан ҳар
 e тарафлама афзал, дейилмоқда, тарж.). У ўз соҳибини (эга- сини), ундан маҳрум одамга қараганда барча жиҳатдан бахтлироқ яшашига мажбур этади.

Ушбу ҳолатлар (низомлар) билан бизнинг қонунларга ки- риш сўзимизни (дебочамизни) тугатсак бўлади. Дебоча- дан кейин албатта қонуннинг ўзи ёки аниқроғи, давлат қонунлари баёни келиши зарур.

- 735 Матолар ва тўқималарда арқоқ ва асосни бир хилдаги ашёдан қилиш мумкин эмас: негаки асос шубҳасиз яхши сифати билан ажралиб туриши, куч ва қувватга эга бўли- ши зарур, арқоқ эса бўшроқ бўлиши мумкин ва унга унча жиддий талаблар қўймайдилар. Худди шунга ўхшаш ра- вишда, давлатлардаги бўлғуси ҳукмдорларни, баъзида фақатгина озроқ тарбия ола оладиганлардан фарқ қилиш керак бўлади. Икки хилдаги давлат тартиботи бор: бири, унда ҳамма (наrsa) устидан ҳукмдорлар турадилар, бошқ- аси –унда ҳукмдорларга ҳам қонунлар белгилангандир.

- b Аммо дастлаб ушбу нарсага эътибор бериш керак: ҳар қандай чўпон, молбоқар, отбоқар ва бошқа шунга ўхшаш

одамлар, зотдор ҳайвонларни зотдор бўлмаганларидан, соғломларини носоғломларидан ажратиб танлаш ёрдамида подани тозаламай туриб ишга киришмайдилар; бу охиргиларини отбоқар бошқа бир подаларга юбориб, кейин биринчиларига қарашга киришади. Агар шундай тозалашни амалга оширилмаса, бадан ва дил (нафс)га сарф қилинган меҳнат зоеъ ва бефойда эканлигини у тушунади. Охирги ҳолатда табиий бузуқлик ва ёмон тарбия унинг мулкидаги (яъни чопоннинг мулкидаги. -тарж.) соғлом ва пок ахлоқ ҳамда баданга эга бўлган зотларни ҳам халок этадилар. Қолган барча тирик мавжудотлар борасида ҳарқалай ташвишлар анча кам; бу мулоҳазада уларни мисол тариқасидагина келтирса бўлади. Аммо одамлар энг олий ғамхўрликка лойиқ, муносибдурлар. Шунинг учун соҳиби қонун, тозалаш (поклаш) ва барча бошқа нарсалар учун ким нима қилиши зарурлигини излаб топиши ва тушунтириши зарур.

Давлатни поклаш борасида иш қуйидагичадир: тўла поклашларнинг кўпи мавжуд; уларнинг баъзилари энгил, баъзилари офир (машаққатли). Офир ва энг яхшиларини бир пайтнинг ўзида ҳам тиран, ҳам соҳиби қонун бўлган одамгина ўрнатиши мумкиндир. Тираник ҳокимиятдан маҳрум бўлган соҳиби қонун, агар у, янги давлат тартиботи ва қонунларни ўрнатишда покланишнинг энг юмшоқ усулларидан фойдаланса ҳам, шунинг ўзи билан қаноатланиши зарур. Шунга ўхшаш дориларни қабул қилаётганда бўлганидек, энг яхши усул азоб-уқубатлидир. Бу усулда адлия адолатли қасосни келтириб чиқаради; қасос ўлим ёки ҳайдаб чиқариш билан тугайди. Давлат учун фавқулодда хавфли, тузалмайдиган жиноятчилардан шундай қутиладилар. Юмшоқроқ покланиш бизда қуйидагича: агар мулксиз (фақир) одамлар ўз доҳийларига эргашиб тарбия етишмаслиги натижасида мулкдорларга қарши чиқишга майл билдирсалар, бу, давлатга илашган касалликка айланади. Шунинг учун уларни олисларга сургун қилиш керак бўлади, аммо бу ишни олий даражада дўстоналик билан амалга ошириб, уларнинг ҳайдалишини “кўчириш” номи билан юмшатмоқ даркор. Ҳар қандай бўлганда ҳам ҳар қайси соҳиби қонун бу ишни дарҳол амалга оширмоғи зарур. Аммо биз ундан

- ҳам қийинроқ аҳволдамиз, чунки, биз ушбу пайтда кўчириш ёки поклаш йўли билан бошқа қандайдир саралашни
- b** ўтказмаслигимиз керак. Аммо бир кўлга кўп дарёчалар ва оқимлар оқиб келганида ва бирга қўшилганида, қўшилаётган сув имкон борича тоза бўлишини кузатиб туриш керак, бунинг учун наҳрлар қазиб сувни чиқариб туриш керакдир. Шундай экан, ҳар қандай давлат тартиботи ҳам меҳнат-машаққат ва хавф-хатар билан ўтади. Биз эса ҳозир бу иш билан сўздагина шуғуланмоқдамиз, ҳақиқатда эмас. Шунинг учун бизнинг фуқароларимиз (райят) тўпланиб бўлган ва уларнинг оқилона покланиши амалга
- c** оширилган, деб фараз қиламиз. Биз, давлатимизнинг фуқаролари бўлиб олишга интилган ёмон одамларга уларнинг ниятлари амалга ошишига имкон бермадик, чунки етарли вақт мобайнида, турли синовлар йўли билан уларни яхши билиб олдик; аксинча, яхши одамларни эса, имкон борича дўстона ва меҳр билан муомала қилиб ўзимизга жалб этдик.

- Биз кўрсатиб ўтганимиздек, Гераклийларга ҳам кўчишларида қулайлик келтирган бир бахтли шароит, яъни ерни қайта бўлиш ва қарзларни олиб ташлаш ҳақидаги кўрқинчли ва хавфли баҳснинг йўқлиги биздан пинҳон қолмасин. Агар давлатда шундай қонунчилик зарур бўлиб қолса, унинг қадимий тартиботларига путур етказмай бўлмайди; бошқа томондан, путур етказишга уриниш зинҳор мумкин эмас. Айтса бўладикки, бир ният қолади: биридан бошқасига оз-оздан ўтувчиларга фақат, ушбу турдаги эҳтиёткорона ва сезилмайдиган, у ҳам бўлса узоқ вақт мобайнидаги ўтиш мумкиндир: мавжуд аҳволга (низомга) ерлари жуда ҳам кўп бўлган одамларгина путур етказишлари мумкин, агар улар кўпдан-кўп ўз қарздорларининг ночорликларини кўриб, уларга марҳамат қилишни хоҳласалар: агар улар қарзларнинг бир қисмидан кечишга, ўзларининг мол-мулкларининг бир қисмини бўлиб беришга рози бўлсалар ва агар улар бу ёки у ҳолда меъёрга риоя қилсалар у ҳолда, камбағаллик, уларга тегишли мол-мулкнинг камайишида эмас,
- d**
- e** балки очкўзликнинг кўпайишида эканлигига амин бўлар эдилар. Бу, давлатни қутқаришдаги энг буюк ибтидо (бошланиш) бўларди: бунинг устига, ишончли асос сифатида кейин ишларнинг шу ҳолатига монанд давлат тартиботини тикласа бўлади.

Аксинча, бу ўтиш оғриқли бўлса, жамиятнинг кейинги аҳволи давлат учун қулай бўлмайди. Биз бунга йўл қўймаймиз, деб ҳисоблаймиз ёки тўғрироғи бунга эришолмасакда, бир чора топамиз деб ўйлаймиз. Бу чора, адолатсиз бойиб кетишни изламасликдан иборат бўлади. Бу офатдан қутилишнинг бошқа йўли йўқ, на кенг, на тор. Бу, шу ондан бошлаб бизнинг давлатимизнинг энг пухта асоси бўлиб қолсин.

Ҳар ҳолда, шундай қилиш керак-ки, мол-мулк борасида бир-бирлари устидан шикоят қилишга фуқароларнинг баҳоналари бўлмасин; чунки, қадимги ўзаро шикоятлар мавжуд бўлганида давлатнинг бошқа тартиботида олға силжиб бўлмайди; кимда-ки озгина онг (ақл) бўлса, ундайларга бу равшандир. Бизга энди худо янги давлатга асос солишга имконият ато қилган ерда ўзаро душманлик бўлиши мумкин эмас. Агар бу ерда ҳам ер ва яшаладиган жойларни бўлиб олишдан душманлик чиқса, бунга ҳар хил, бузуқликлар билан қўшилиб кетган ноинсоний жоҳиллик айбдор бўлар эди.

Бундай тўғри тақсимотни қандай усул билан амалга оширса бўлади? Энг аввал аҳоли сонини, бошқа сўз билан айтганда, бизда қанча фуқаро бўлишини белгилаб олиш зарур. Кейин уларни қанча қисмга бўлиш ва ҳар бир қисм қандай катталиқда бўлишини ҳал этиш керак. Буларнинг ҳаммасини белгилаб олгач, ерлар ва уй-жойларнинг тақсимотига киришса бўлади. Фуқароларнинг сони (миқдори) етарли даражада эканлигини ернинг миқдори ва яқин атрофдаги давлатларни инобатга олиб аниқлаш мумкин. Ушбу миқдордаги одамларни, уларнинг мулоҳазали эканлиги шарти билан тўйдиришга етадиганича ер бўлиши керак, ундан кўп эмас, фуқаролар шунча бўлишлари керак-ки, токи улар кўп қийинчиликсиз, атрофдаги аҳолининг ҳужумларини қайтара олсинлар ва камситилаётган қўшниларга ёрдам бера олсинлар. Биз ерларни ҳам, қўшниларни ҳам кўрганимиздан кейин, буларнинг ҳаммасини сўзда ҳам, амалда ҳам аниқлаймиз. Ҳозирча эса бу умумий баён ва қораламадир; уни ниҳоясига етказиб, қонунчиликка ўтамыз.

Бўлғуси фуқаролар беш минг қирқта бўла қолсин. Бу – маъқул сон: шунда деҳқонлар душманни ўз чекларидан

даф қилишлари мумкин. Ер ва уй-жойлар шунча қисмга бўлиб берилади; инсон ва у қуръа бўйича олган ер майдони чек асосини ташкил этади. Кўрсатилган барча сонни аввалига икки қисмга, кейин учга бўлиш мумкин. Ўз табиатига кўра у кетма-кет тўртга ҳам, бешга ҳам, ва то ўнгача кейинги сонларга бўлинади. Сонларга келганда, **738** ҳар қандай соҳиби қонун, қандай сон ва соннинг қандай сифатлари ҳар қандай давлат учун қулайроқ эканлигини ҳисобга олиши зарур. Энг кўп кетма-кет бўлувчиларга эга бўлган сонни биз энг қулай, деб биламиз. Албатта, ҳар қандай сон ўзининг турли бўлувчиларига эгадир; беш минг қирқ сони эса элик тўққизта бўлувчига эга, кетма-кетлари эса – бирдан то ўнгача. Бу урушда ҳам, тинчлик замонида ҳам ҳар хил муомалалар, иттифоқлар, солиқлар ва тақсимот учун ҳам жуда қулайдир.

Ушбу нарсани, кимларга уни қонун буюрган бўлса, бўш вақтларида яхшилаб ўзлаштиришлари зарур: чунки иш шундай аҳволда ва шунинг учун буни давлатга тартибот берувчига кўрсатиб ўтиш даркор.

Янги давлат бошидан барпо қилинадими ёки йўқ бўлиб кетган қадимгиси янгитдан тикланидими бари-бир ақли бор (онгли) одамлардан ҳеч ким худолар ва муқаддас жойларга тегишли нарсаларни бузмайди: давлатда айнан қайси, қандай худоларга муқаддас жойлар (зиёратгоҳлар) бино этилиши кераклиги ва улар қайси худолар ёки демонлар **c** номи билан аталишлари борасида Делфалар, Додон, Амонга ёки аввалги башоратлар ва илоҳий илҳомлар ҳақидаги қадимий ривоятларга риоя қилиш керак. Одамлар бунга ишониб, ё шу ернинг, ё Тиреннинг ёки Кипр ва ниҳоят яна қаердандир олинган мўъжизалар билан боғлиқ қурбонликлар белгилар эдилар. Бу ривоятларга кўра илоҳий нутқ, **d** ҳайкаллар, меҳроблар ва ибодатхоналарни муқаддаслаштирганлар ва худоларнинг ҳар бирига муқаддас ер майдонларини ажратганлар. Соҳиби қонун булардан ҳар бирининг ҳеч нимасига, ҳатто энг оз қисмига ҳам тегмаслиги керак, аммо фуқароларнинг ҳар қайси қисмига алоҳида худо, демон ва қаҳрамонни бериши зарур. Ерни бўлишда аввало энг яхши муқаддас ер майдонини барча унга **e** зарур нарсалар билан ажратиш керак; ўзаро эҳтиёжлар-

ни енгиллатиш, қурбонликлар вақтида бир-бирларига хайрихоҳлик ифода қилишлари ва бир-бирларига ўрганиш (кўникиш) ва ўзаро танишишлари учун фуқароларнинг ҳар қайси қисми белгиланган муддатларда у ерда йиғилиб туришлари зарур. Фуқароларнинг ўзаро танишишларидан ҳам буюкроқ яхши иш йўқдир. Қаердаки ўзаро муносабатларда нур бўлмай, қоронғулик ҳукмрон бўлса, у ерда ҳеч ким муносиб ҳурматга, ҳокимиятга ва лойиқ ҳуқуқларга эриша олмайди. Ҳар қандай давлатда ҳар бир одам бошқаларга нисбатан доимо риёсиз, ҳақгўй ва оддий бўлишга интилиши зарур ва шундай бўлатуриб улар томонидан алданишдан эҳтиёт бўлиши керак.

Қонунчилик ҳақидаги мулоҳазанинг кейинги йўналиши (ўйиндаги ҳал қилувчи йўлга ўхшаб) аввалига эшитгувчини ҳайратга солиши мумкин: у шунчалик ғайриоддийдир. Аммо, кимдир ўйлаб фикрласа ва кузатса, у ҳолда, биз энг яхшисига нисбатан иккинчи давлатни қураётганимизни тушунади. Балки уни қабул қилмаслар, чунки тираник ҳокимият эгаси бўлмаган соҳиби қонун ғайриоддийдир. Энг тўғриси, аввал энг яхши давлат тартиботини, кейин фазилатига кўра иккинчисини ва ниҳоят учинчисини баён этиш бўларди, баён этилганидан сўнг жамият тепасида турган одамга танлаб олиш учун имкон бериш зарур. Ҳозир ҳам шу фикрга кўра иш тутамиз ва фазилатига кўра биринчи бўлган давлат тартиботини, кейин иккинчи ва учинчиларини кўрсатиб ўтамиз. Ҳозир танлашни (сайлаб олишни) Клинийга топширамыз, умуман эса кейинчалик ҳар қандай хоҳловчига у истаган вақтида, ўз мойиллиги бўйича, унинг ватанига мос келадиганини танлаш имкониятини берамыз.

Энг яхшиси, биринчи давлат, унинг тартиботи ва қонунларидир. Бу ерда барча давлат, дўстларда аслида ҳамма нарса умумий, деган қадимги ҳикматга қатъий риоя қилади. Бизнинг давримизда, бирор ерда, хотинлари, болалари, барча мол-мулки умумий бўлган, ва хусусий деб номланувчи бор мулк барча воситалар билан ҳамма ёқда йўқ қилинган жой мавжудми ва қачондир бўлиши мумкинми? Токи, имконият етганича, бу ёки у ҳолатда, табиатдан хусусий бўлган – кўзлар, қулоқлар, қўллар, гўёки биргалик-

739

b

c

- d да кўрадиган, эшитадиган, ҳаракат қиладиган, бир нарсани ҳамма мақтовчи ё ёмонловчи қилиб кўядиган воситалар ўйлаб топилиши мумкин бўлсин? Бир сабабнинг ўзидан ҳамма қувонади ёки хафаланади, қонунлар эса кучи етганича давлатни иложи борича бирлаштирадилар: эзгу (яхши) иш маъносида, ҳеч ким, ҳеч қачон бундан яхшироқ ва тўғрироқ чегарани кўя олмайди. Агар қаердадир худолар ёки худоларнинг ўғиллари бундай давлатга тартиб берсалар ва унда якка-якка эмас, кўпроқ бўлиб истиқомат қилсалар, у (давлат) – қувончли ҳаёт гўшаси бўлур эди. Агар ундай давлат бўлса, бошқа давлат тартиботлари намуналарига кўз тикишга ҳожат қолмайди, аммо унга кучлироқ интилишнинг ўзи етарлидир. Биз ҳозир тасвирламоқчи бўлаётганимиз давлат ҳам абадийликка анчагина яқин, аммо у ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда туради. Агар худо хоҳласа, ўз аҳамиятига кўра учинчи давлатни ҳам тасвирлашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

740

Аввал фуқаролар ерлар ва уй-жойларни бўлиб олсинлар; жамоа зироатчилиги бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки ҳозирги авлод ўз тарбияси ва билими бўйича бу даражага етгани йўқ. Аммо ушбуларни ҳисобга олган ҳолда бўлишни амалга ошириш керак: қуръа бўйича чек олган ҳар бир одам ўз ерини бутун давлатнинг мулки, деб ҳисоблаши зарур. Фуқаролар она замин ҳақида болалар оналарига қиладиган ғамхўрликдан кўпроқ ғам ейишлари керак; чунки у худо – бандалар ҳукмдоридир. Маҳаллий худолар ва генийлар ҳақида ҳам шундай фикрламоқ лозим. Буларнинг ҳаммаси абадий сақланиб қолиши учун, айтиб ўтиш керак-ки, биз белгилаган макон (оила)лар сони ҳамма вақт бир хил бўлмоғи, яъни кўпаймаслиги ҳам, озаймаслиги ҳам керак. Давлатда мустаҳкам ҳолатга қуйидагича эришмоқ мумкин: чек ер эгаси ўз турар жойини болаларидан фақат бирига, энг севимлисига мерос қилиб қолдирмоғи керак, ўша фарзанд унинг вориси, ўз уругининг худоларини, давлатни ва тирик ёки умрларини яшаб бўлган [одамларни] қадрловчи бўлади. Бошқа болаларга келсак – агар кимдадир бир эмас, бир нечта бўлса – қизларни ўрнатиладиган қонунга мувофиқ равишда жойлаштирадилар, ўғил болаларни эса, кўпроқ шахсий майлга қараб, авлоди йўқ фуқаролар-

га ўғил қилиб берадилар. Агар бундай майл бўлмаса, эркак ёки аёл авлод кўпчилилик бўлса ва аксинча бўлганида яъни бола туғилиши камчил бўлганида, бу ишлар билан ҳукуматнинг мансабдор шахси шуғулланади, бу мансаб катта аҳамиятга эга ва жуда ҳурматли бўлади. Ушбу шахс бу ёки у ҳолда қандай чора кўриш кераклигини кузатиб боради ва хўжаликларнинг умумий сони доим беш минг қирққа тенг бўлиши учун восита излайди.

Бундай воситалар кўп, масалан: кимда авлод кўп бўлса, бола туғишдан сақланиш ёки аксинча бўлганида авлод кўп бўлиши ҳақида қайғуриш ва ғамхўрлик қилиш. Бизнинг мақсадимизга ҳурмат-эъзоз ёки шарманда этиш (йўли билан) ёки катталар ёшларга панд-насиҳатлар билан муурожаат этганларида эришилади. Ниҳоят, агарда фуқароларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижасида (аҳоли ўртасидаги ўзаро муҳаббат меваси сифатида) беш минг қирқ оилани сақлаб қолиш жуда мушкуллашиб қолса, у ҳолда бу мушкулликдан чиқиш учун бир ажойиб восита бор, унинг ҳақида биз кўп эслатганмиз: етарли миқдордаги янги масканлар (колониялар) барпо этиш. Бу восита тинчликсевар фазилатга эга; шунинг учун уни яроқли деса бўлади. Агар баъзида, касалликларнинг кўпайишини ва ҳалокатли урушларни келтириб чиқарадиган тесқари тўлқин пайдо бўлиб қолса ва фуқаролар етим бўлиб, белгиланган сондан анча камайиб кетса, у ҳолда фуқаролар сонига ҳамма хоҳловчиларни – аниқроғи ёлғондакам тарбияланганларни ҳар ҳолда кўшиб бўлмайди. Аммо, мақол борку, заруратга ҳатто худо қаршилиқ кўрсатолмайди.

Ҳозиргина айтиб ўтилганни қуйидагича маслаҳат билан ҳам ифодаласа бўлади: “Одамларнинг энг яхшилари! Сиз табиатга ва ушбу сонга (5040-тарж.) монанд равишда ўхшашлик, тенглик, айнанлик, ҳамжиҳатликка эҳтиром кўрсатасиз, сиз зебо ва яхши амаллар учун битта ҳам имкониятни қўлдан берманг. Шунинг учун аввало бутун умр давомида белгиланган сонни сақланглар; кейин мулкий чекингишнинг ҳажми ва катта-кичиклигини сақлангиз. Ўзингишнинг аввалидаги монанд чекингишни ўзаро сотиб олиш ёки сотиш билан бузманг (матнда шарманда

этманг), чунки бундай ишда сизга на соҳиби қонун, на худо иттифоқдош бўлмайдилар”.

- Бу ерда биринчи марта бўйсунмаганлар учун қонун жорий этилади, бу қонун, фақат ушбу шартлар билангина, бошқача йўл билан эмас, хоҳловчилар чек ер олишлари мумкинлигини огоҳ этади: биринчидан, ер барча худоларга бағишланган; кейин биринчи, иккинчи ва учинчи қурбонликларда эркак ва аёл қоҳинлар кимки қуръа бўйича олган чек ерни ва турар жойни сотиб олса ёки сотса бунинг учун унинг бошига муносиб жазо келсин, деб дуолар қиладилар. Буни сарв жадвалларига ёзиб қўйиб муқаддас жойларга қўйсинлар, токи у келажакка эслатма бўлиб хизмат қилсин. Бундан ташқари, буларнинг ҳаммасининг ижросини назорат қилишни энг зийрак мансабдор шахсга топширилади, токи, баъзан бўладиган бузғунчиликлар пинҳон қолмасин ва бўйсунмаганлар қонунлар ва худолар томонидан жазолансинлар. Агар яхши бажарилса, бу тартиботни амалга оширувчи давлатлар учун қанчалар яхшилиқ келтирувчи эканлигини, қадимий мақолга кўра, биронта нодон билолмайди, уни фақат тажриба ва оқил ахлоқ соҳиби бўлган одамгина билиши мумкин. Бундай тартиботда (ортиқча) бойишга ўрин бўлмайди, бундан келиб чиқади-ки, ҳеч ким нопок йўл билан бойиб кетиши мумкин эмас – айтиш керак-ки, бундай қилолмайди ҳам; бундай шармандали ҳунар олийжаноб ахлоқларни бузадиганлиги учун, бунга ўхшаш бойиб кетишни ҳатто хоҳлаш ҳам мумкин эмас.

742

Бунга қуйидаги қонун ҳам киради. Ҳеч бир хусусий шахснинг олтин ва кумушли бўлишга ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Аммо кундалик айрибошлаш учун танга бўлиши зарур, чунки ҳунармандлар, ва маош тўланиши керак бўлганлар учун – корандалар, қуллар ва ажнабий келгиндилар учун айрибошлаш муқаррардир. Шунинг учун танга бўлиши зарур, аммо у фақат мамлакат ичкарасида қийматга эга бўлади, бошқа одамлар учун эса ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Умумий элдин тангасини эса, давлат фақат ҳарбий юришлар ёки элчиларнинг бошқа давлатларга саёҳатлари, ёхуд – агар бу давлатга керак бўлса, – турли хил хабарчилар учунгина қўллайди. Яъни, ҳар сафар кимнидир бо-

шқа давлатга жўнатиш керак бўлса, давлат бутун Эллада учун ҳақиқий бўлган тангага эга бўлиши зарур. Агар хусусий шахс ватан ташқарисига чиқиши керак бўлса, бунини у фақат ҳукумат рухсати билангина амалга ошириши мумкин; уйга қайтганидан кейин у давлатга ўзида бўлган чет эл пулларини топшириши ва унинг эвазига ҳисоб-китобга мувофиқ равишда маҳаллий пулларни олиши керак. Агар кимнингдир ажнабий пулларни ўзида олиб қолгани маълум бўлиб қолса, улар хазина фойдасига олиб қўйиладилар; бунини билган ва хабар бермаган эса, шу пулларни олиб кирган билан биргаликда танбеҳ ва қарғишга, ҳамда олиб кирилган чет эл пуллари миқдоридан кам бўлмаган жаримага мажбум бўлади. Уйланаётганда ва эрга тегишда қандайдир қалин бериш ва олиш манъ этилади. Яна, ким ишончли бўлмаса, унга қарз берилмайди. Яна, пулларни фоизлар учун (суджўрлик йўли билан) бериш мумкин эмас: бундай ҳолда суджўрга на устама фоизни, на барча қарзни қайтариб бермасликка рухсат берилади.

Бу тартиботларнинг юксак сифатларини баҳолаш, бизнинг бирламчи, ибтидодаги ниятимизга ҳар сафар мурожаат қилиб амалга оширилса тўғрироқ бўлади. Биз шуни тасдиқлаймиз-ки, оқил сиёсатдоннинг нияти кўпчилик ўзига тасаввур этганидек эмас: кўпчилик, яхши соҳиби қонун гўёки ўз давлатини буюк давлат сифатида кўришга интилиши керак, деб ҳисоблайди; гўёки у, давлатнинг иложи борича бой бўлишини, олтин ва қумуш конларига эга бўлишини ва денгизда ҳам, қуруқликда ҳам кўп давлатлар устидан ҳукмронлик қилишини ўйлаб яхши қонунлар беради. Яна қўшиб қўйиш керак эди: ҳақиқий соҳиби қонун ўзининг давлати энг яхши ва энг бахтиёр бўлишига интилиши зарур. Бунини қисман амалга оширса бўлади, қисман бўлмайди. Тартибот қилувчи бажариб бўладиганини хоҳлайди; бажариб бўлмайдиганини хоҳлаш беҳудадир: бу ерда ҳамма ҳаракатлар зое бўладилар. Масалан, тартиботчи фуқароларнинг яхши ишлар қилувчилар бўлишларини ва шу билан бирга албатта бахтли бўлишларини истайди; яхши иш (эзгу ишлар) қилувчи бўлиб туриб жуда бой бўлмоқ, ҳар ҳолда кўпчилик тушунган маънода – мумкин эмас. Бой деб, жуда катта маблағ билан баҳо-

ланадиган мулкни ўзлаштирган айрим одамларни айтадилар, гарчи у яхши одам бўлмасада. Агар бу ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, гўёки бадавлат одам яхши одам бўлмай туриб ҳақиқатан бахтли бўлиши мумкин, деган кўпчилик фикрига мен ҳеч қачон қўшилмайман. Бир пайтнинг ўзида ҳам жуда яхши, ҳам жуда бой бўлиш мумкин эмас. Балки кимдир: “Нега энди?” – деб сўрар. “Шунинг учунки,

- b** – жавоб берардим мен, – ҳам ҳалол, ҳам ҳаром йўл билан ўзлаштириш (бойиш), фақатгина ҳалол бойишдан икки баробар осон. На энг яхши (ажойиб) нарсага, на шармандали нарсага сарф қилишни хоҳламайдиганнинг ҳаражати, энг яхши одамларнинг энг яхши (зебо) эҳтиёжлар учун ҳаражатларидан икки баробар камдир. Бундай иккиланган даромадлар ва ярим сарфларда, тўғридан-тўғри аксинча иш тутган одам бадавлат бўлиши мумкинми? Бу икки одамдан бири яхшидир ва бошқаси агар у тежамкор бўлса, ёмон эмас; аммо кўпинча у умуман ёмон одам ва ҳар ҳолда, биз ҳозир кўрсатиб ўтганимиздай яхши эмас. Кимки ҳам ҳалол, ҳам ҳаром йўл билан маблағ топса-ю аммо, уни на биринчи, на иккинчи усулда сарф этмаса, бунинг устига яна тежамкор ҳам бўлса бой бўлади. Умуман ёмон одам одатда исрофгардир ва шунинг учун у жуда камбағал. Кимки, яхши (ажойиб) нарсаларга ҳаражат қилиб, ўз маблағларини фақатгина ҳалол йўл билан топдиган бўлса, жуда бойиб кетиши даргумон, аммо камбағал ҳам бўлмайди”.

c Демак бизнинг, яхши ва шу билан бирга жуда бадавлат одамлар йўқ, деб тасдиқлаганимиз тўғридир. Ким яхши бўлмаса, у бахтли ҳам эмас.

- d** Бизнинг қонунларга қораламаларимизнинг мақсади одамларни кўпроқ бахтлироқ ва самимийроқ этиш эди. Ўргаларида тортишув ва адолатсизликлар кўп бўлганида фуқаролар самимий дўст бўладиларми? Йўқ, қаерда адолатсизлик энг кам ва арзимас даражада оз бўлса, ўша ерда улар самимий дўст бўладилар. Шунинг учун биз, бизнинг давлатимизда олтин ҳам, кумуш ҳам, хунар ва судхўрлик йўли билан бойлик орттириш ҳам, ҳаддан ташқари кўп чорвачилик ҳам бўлмаслиги керак, аммо, фақат зироатчилик билан келадиган даромадлар бўлиши зарур дей-

миз; яна улардан (деҳқончиликдан келган даромадлардан-тарж.) фақатгина, мулк нимага кераклигини инкор қилишга мажбур этмайдиганлари бўлиши керак. Бу – дил (нафс, рух) ва бадандир: машқлардан ва бошқа тарбиядан маҳрум бўлганларида улар эътиборга лойиқ бўлмас эдилар. Шунинг учун ҳам биз бир неча марта мол-мулк жуда оз ҳурмат-эҳтиромга лойиқ деб такрорлаган эдик. Ҳар бир инсон ғамхўрлик қиладиган уч нарсадан, адолат бўйича, мол-мулк фақат учинчи ўринни, яъни охирги ўринни, бадан ҳақидаги ғамхўрлик – ўртанчасини эгаллайди, биринчи ўринда дил ҳақидаги ғамхўрлик туради. Биз ҳозир муҳокама қилаётганимиз давлат тартиботи ҳам, агар ҳурмат-эҳтиром худди шундай тақсимланган бўлсагина тўғри тартиб берилган бўлади. Агар ўрнатилган қонунлардан биронтаси давлатда унга кўрсатилаётган эҳтиром бўйича саломатликни мулоҳазалилик (онглилик)дан юқори, бойликни эса, – мулоҳазалилик ва саломатликдан юқори кўядиган бўлса у, бундай қонуннинг нотўғри жорий этилганининг аломати бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам соҳиби қонун ўзига тез-тез ушбу саволни бериб туриши керак: “Мен ўзи нимага интилоқдаман? Ўз мақсадимга эришаманми ё муваффақиятсизликка учрайманми?” Шундай тарздагина у ўз қонунчилигини ниҳоясига етказди ва бошқаларни бу ташвишлардан халос этади: бундан бошқа йўл йўқ.

Шундай қилиб биз тасдиқлаймиз-ки, қуръа бўйича чек ер олган (одам) кўрсатилган шартларда унга эгалик қилиши зарур. Кўчиб келганларнинг ҳар бири қолган барча мол-мулкка ҳамма билан бир хил улушга эга бўлганида ажойиб бўлар эди. Аммо бу мумкин бўлмас: бири катта мулк билан, бошқаси камроқ мулк билан келади. Шунинг учун, ҳамда яна бошқа кўп сабабларга кўра, қулайлик учун ва ҳамма учун давлатда тенг улуш бўлиши учун тенг бўлмаган мулкий чегаралаш (ценз) белгилаш зарур. Шундай қилиб, мансаблар, ер солиқлари, тақсимотлар ва ҳар кимга лойиқ ҳурмат-эҳтиром фақат шахсий эзгу иши ёки ажодларининг эзгу ишлари учунгина, фақат баданининг кучи ва чиройлилиги учунгина эмас, балки мулкий бойлиги ва эҳтиёжи учун ҳам белгилаб қўйилади. Мансаблар ва эҳти-

744

b

c

ромлар ана шу мулкий тенгсизликка кўра тақсимланадилар, бунда низолар учун баҳоналар йўқ. Мулкнинг ҳажмига қараб тўрт синф белгилаб қўйиш зарур, уларга: биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи номларини ёки бошқача ном бериш керак бўлади. Фуқаролар ё ўз синфларида бўладилар ёки бойиб кетиб ёхуд камбағаллашиб, уларнинг ҳар бирига хос синфга ўтадилар.

- d Бундан ташқари мен, олдинги қонундан келиб чиқадиган қонуннинг яна ушбу турини ҳам ўрнатган бўлар эдим: тўғрироқ номи “ички низо” ёки “адоват” бўлган энг буюк касалликка алоқадор бўлмаган давлатда баъзи фуқаролар орасида ўта камбағаллик ҳам ўз навбатида бойлик ҳам
- e бўлмаслиги керак, чунки камбағаллик ва бойлик ўзаро бир-бирларини барпо қиладилар. Соҳиби қонун ҳам энди камбағаллик ва бойликнинг чегараларини белгилаб қўйиши керак. Камбағалликнинг чегараси, ҳар кимда албатта қоладиган чек ер баҳоси бўла қолсин; биронта ҳукмрон, худди шундай, яхшилик (эзгу иш) ҳақида жон куйдирувчи биронта фуқаро унинг (чек ернинг) ҳеч ким учун камайтиришига йўл қўймаслиги лозим. Уни ўлчов (меъёр) сифатида қабул этиб соҳиби қонун ўз баҳосидан икки, уч, тўрт марта каттароқ мулкни олишга йўл қўяди; агар кимдир, ниманидир топиб олибми, бировдан совға сифатида олибми ёки
- 745 бойиб кетиб, – яъни, шуларга ўхшаш бир ҳолат орқали унда меъёрдан ошиб кетадиган мол-мулк пайдо бўлса, у меъёрдан ортиқчасини давлатга ва ҳомий-худого бериши шарт. Шундай қилиб у яхши шон-шухратга сазовор бўлади ва жазосиз қолади; бу қонунга бўйсунмаганни эса, ҳар бир хоҳлаган одам тутиб бериши мумкин, шунда унга маблағнинг ярми тегади, қолган ярми эса худолар фойдасига берилади; бундан ташқари айбдор худди шунча маблағни ўз мулкидан бериши шарт бўлади.

Чек ерни ҳисобга олмай, ҳар кимнинг нимаси бўлса ошқора равишда қонун назарда тутган одамлар яъни, мансабдор шахслар – соқчилар томонидан ёзиб қўйилади, токи мулкка таалуқли барча баҳслар осон ва очиқ-равшан бўлсинлар.

b Кейин, бизнинг шаҳримизнинг қаерда жойлашиши борасида (гапирадиган бўлсак), у имконият борича мамла-

катнинг ўртасида бўлгани маъқул. Шаҳарга барча афзалликларни берувчи ерни танлаб олиш керак. Буни фаҳм этиш ва баён қилиш қийин эмас. Шундан кейин мамлакатни ўн икки қисмга бўлиш керак. Аввал Гестия, Зевс ва Афина муқаддас жойларини барпо этиш, уни акропол (қалъа) деб атаб, девор билан ўраш керак; шу ердан бошлаб шаҳарнинг ўзини ҳам, бутун мамлакатни ҳам ўн икки қисмга бўлиш зарур. Бу ўн икки қисм бир хил қимматли бўлмоғи даркор; шунинг учун яхши ер майдонлари кичикроқ, ёмони – каттароқ бўлади. Барча ер чеклари беш минг қирқта бўлади. Уларнинг ҳар бири яна тенг икки ер майдонига бўлинади: яқини ва узоқдагиси. Шу иккита яримталикдан бир ер чеки барпо бўлади. Шаҳарга жуда яқин бўлган ер майдонини, энг четидаги ер майдони билан қўшиб битта чек ер қилиш керак бўлади; шаҳарга яқинроқ ер майдонини жуда ҳам четда бўлмаган ер майдони билан ва шу аснода кейингиларидан (чек ерлар барпо этиладилар). Икки қисмга бундай бўлишда, биз ҳозир айтиб ўтганимиздай ернинг (тупроқнинг) яхши ёки ёмон сифатига эътибор бериб, шунга кўра ер майдонларини ё катта ёки кичикроқ қилинади.

Фуқароларни ҳам худди шундай ўн икки қисмга бўлиш зарур. Бунинг учун уларнинг мулкани ҳисобга олиниб, уни иложи борича тенг қийматли ўн икки қисмга бўлинади. Кейин, ушбу ўн икки чек ер ўн икки худо ўрталарида бўлинади ва қуръа билан аниқланган ҳар бир қисмни у ёки бу худога бағишлаш ва унинг номи билан аташ керак. Бундай қисм фила деб номланади. Ўз навбатида шаҳар ҳам қолган бутун мамлакат бўлинганидай ўн икки қисмга бўлинади. Ҳар бир фуқарога иккита турар жой ажратилади: бири – шаҳарнинг ўрта қисми яқинида, бошқаси – четда.

Шу билан турар жой масаласини тугатса бўлади.

Аmmo биз яна ушбуни умуман назарда тутишимиз зарур: ҳозир биз кўрсатиб ўтганимизнинг ҳаммаси биз айтганимиз бўйича амалга оширилишига қачондир қулай фурсат келиши даргумондир. Жамиятнинг бундай тартибига кўнгли тўладиган ва бутун умрлари давомида биз олдин эслатганимиз мулк ва бола туғилишида белгиланган мўътадилликка риоя қиладиган ёки олтин ҳамда қонун-

чилик таъқиқлаган ҳамма нарсадан воз кечадиган одамлар топилиши қийин бўлса керак. Бундай таъқиқларнинг албатта бўлиши барча олдин айтилганлардан аниқ равшандир. Бунинг устига яна мамлакатнинг ва шаҳарнинг ўртадаги ҳолати, турар жойларнинг айланма жойлашиши! Буларнинг ҳаммаси тушлар ҳақидаги ҳикояга ёки давлат ва фуқароларнинг мумдан сунъий ясалган ҳайкалларига ўхшайдилар.

- b** Маълум бир маънода биз айтганларимизнинг ҳаммаси – унча ёмон эмас; аммо яна бир бор ушбуларни ўйлаб кўришимиз керак. Соҳиби қонун бизга ушбу сўзлар билан қайта мурожаат этиши мумкин: “Дўстларим, бу эътирозларнинг маълум бир ҳаққонияти мендан гўё яширин қолди, деб ўйламанг. Аммо мен, энг адолатли келажакнинг ҳар бир қораламасида энг зебо ва ҳаққонийдан ҳеч нарсани тушириб қолдириб бўлмайди, деган фикрдаман; бу биз интилимимиз лозим бўлган нарсага бир намуна бўлиб хизмат қилади. Агар у ерда амалга ошириб бўлмайдигани учраб қолса, у ҳолда албатта ундан ўзимизни тортишимиз ва уни бажаришга интилимаслигимиз керак. Аммо, бошқа
- c** ҳолларда, маъқул нарсага энг яқин ва ўз табиатига кўра унга қардош нарсани амалга оширишга ҳаракат қилмоқ зарур. Демак, соҳиби қонунга унинг барча ниятларини амалга оширишига имконият бериш керак. Аммо, кейинчалик у билан биргаликда унинг айтганларидан нималар фойдали, қонунчилик учун нималар жуда кескин эканлигини кўриб чиқиш даркор. Негаки, ҳатто энг нўноқ ҳунарманд ҳам, эслатишга арзигулик бирор нарсани яратишга
- d** ният қилаётиб ишнинг моҳияти билан доимо мослашиб туриши керак”.

- Энди, биз қарор қилган ўн икки қисмга бўлишнинг маъноси нимада эканлигини диққат билан кўриб чиқишимиз керак бўлади. Чунки, ушбу ўн икки қисмнинг ичида кўп бўлимлар, ҳамда, шу охириларида уларнинг табиий асарни сифатида келиб чиқадиган нарсалар бор. Шу тариқада биз беш минг қирқ сонигача борамиз. Бу бўлимлар ушбулардир: фратриялар, демалар, комалар ва турли ҳарбий қисмлар; бундан ташқари яна бундай бўлимлар: танга, оғирлик ҳамда суюқ ва қуруқ жисмлар ўлчови. Қонун
- e**

буларнинг ҳаммасининг ўзаро келишиши ва мутаносиб-
лигини ўрнатиши керак.

Бу борада, ҳатто рўзгор буюмларининг миқдори белги-
ланаётганидаги ўзаро маломатлар ва сохта хасисликдан
қўрқмаслик зарур. Умумий қоидага риоя қилиб, сонларга
кўра тақсимот ва сонлар муносабатининг турфа хиллиги
бу мавҳум сонларга ёки узунлик, чуқурлик, товушлар ва **747**
тўғри, юқори ва пастга ёхуд айланма ҳаракатга таалуқ-
лими, барибир, ҳамма нарса учун фойдали, деб ҳисоблаш
керак. Соҳиби қонун буларнинг ҳаммасини назарда тути-
ши ва барча фуқароларга уларнинг кучи етганича бу тар-
тиботлардан чекинмасликни амр қилиши зарур. Зеро, ҳўжа-
лик учун, давлат учун, ниҳоят, барча санъатлар учун ҳеч **b**
нарсa, сонлар (рақамлар) билан шуғулманишчалик муҳим
эмас ва ҳеч қандай илм-фаннинг тарбиявий кучи унчалик
бўлолмайди. Энг асосийси, бу машғулот илоҳий санъат кўма-
ги билан табиатан уйқусираган ва бетаъсир одамларни
уйғотади ва уларнинг табиатига қарши уларни таъсирла-
нувчи, фаҳман ва зеҳли этади. Агар бошқа қонунлар ва
машғулотлар ёрдамида бу илмни ўз манфаати учун ўзлаш-
тириб олишга интилаётганларнинг дилларидан бойлик ор-
ттиришга бўлган нолайиқ эҳтиросни қувиб чиқариш мум-
кин бўлганида, бу энг гўзал ва мақбул тарбия воситаси булар
эди. Акс ҳолда ҳикмат ўрнига сезилмаган ҳолда, ҳозир мис-
рликлар, финикиялилар ва бошқа кўп халқлардаги каби
фақатгина муромбирлик пайдо бўлади. Улар, ё бошқа бир
нолайиқ машғулотлар ва ҳирслар ёки улардаги лаёқатсиз
соҳиби қонунлар ёхуд уларнинг бошига тушган машаққат-
лар ёки, ниҳоят уларнинг табиатлари (фитратлари) ўзи
шундайлиги туфайли шундай бўлиб қолганлар. **c**

Мегилл ва Клиний, бир (хил) жойлар энг яхши ёки ёмон одам-
лар туғилишлари билан бошқаларидан усгунроқ бўлиши биз-
дан яширин қолмаслиги лозим. Ва маҳаллий шароитларга мос
келмайдиган қонунларни жорий этиш ҳам мумкин эмас. Бат-
зи жойларда турли ҳаво оқимлари ва жазирама иссиқ одам-
ларни галати ва омадсиз қилади-ку; бошқа тамондан, об-ҳаво-
нинг намлиги ва ўсимликлар (наботот) баданни гоҳ яхши, гоҳ
ёмон қилибгина қўймайди, балки буларнинг ҳаммаси дил (руҳ)га **e**
ҳам таъсир этадилар. Ер юзида, қандайдир илоҳий насим се-

зиладиган ерлар энг афзал ерлардир; бу ерлар (жойлар) – қадимдан шу ерда яшовчи аҳолига марҳаматли генийлар ерийдир (бу ерда яна бир маъно: генийлар тақдиридаги ерлар - тарж.); қаерда бу бўлмаса, у ерда ҳамма нарса аксинча бўлади. Оқил соҳиби қонун, бунга эътибор бериб, қонунларни худди шундай ўрнатиш инсон кучи етадиган даражада ҳаракат қилиб кўради. Клиний, сен худди шунга қилишинг керак бўлади, чунки, агар сен мамлакатга аҳолини жойлашгирмоқчи бўлсанг, аввало шунга эътибор беришинг зарур бўлади.

Клиний. Сенинг сўзларинг афиналик, ажаб зебо сўзлар. Мен худди шундай қиламан.



Намунавий (идеал)
давлатни ташкил
этиш: мансаблар,
фуқаролар
тарбияси ва ҳаёт
тарзи

А ф и н а л и к . Ҳозиргина айтиб ўтилганлардан сўнг сен бу давлатда мансабларни ўрнатишга киришишинг керак бўладиганга ўхшайди.

К л и н и й . Ҳа, шундай.

А ф и н а л и к . Давлат ободончилиги-га икки нарса тааллуқли: биринчидан, мансаблар ва мансабдорларни тайинлаш, яъни, уларнинг сони (миқдори) ва мансабга қўйиш усулини аниқлаш; иккинчидан, ҳар бир мансаб қандай қонунлар бўйича иш олиб боришини белгилаш ва бу қонунларнинг сони ва сифатини аниқлаш. Аммо, бу танловни (саралашни) ўтказишдан олдин бир оз тўхтаб оламиз ва бунинг муносабати билан лозим бўлган фикрни билдирамиз.

К л и н и й . (Аниқроқ гапир) қандай фикр?

А ф и н а л и к . Ушбу (фикр): ҳаммага равшанки, қонунчилик – буюк иш. Аммо, яхши тартибот берилган давлат, яхши ўрнатилган қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни қўядиган бўлса, у ҳолда бу қонунлар ҳеч қандай фойда келтирмайдилар ва анча қулгили ҳолат юзага келади; янада ёмонроғи, давлат учун у жуда улкан зарар келтиради ва уни ҳалокатга олиб боради.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Дўстим, худди шу хавф ҳозир сенинг давлат тартиботинг ва давлатингга хуруж қилмоқда, деб тасаввур қилайлик. Шунинг учун, сенга айтсам, ҳукумат мансабларига интилаётган шахслар, ўзларининг ҳам, насабларининг ҳам болаликдан бошлаб то сайланиш вақтларигача қилган (эзгу ишларига) етарлича далиллар тақдим этсинлар. Ўз навбатида бўлғуси сайловчилар ҳам қонунлар руҳияти бўйича яхши тарбияланган бўлишлари зарур, токи, танбеҳ ёки маъқуллаш йўли билан ҳар бир

- d сайланувчини кўрсатган хизматига кўра, ё сайласинлар ёхуд рад этсинлар. Яқиндагина бир жойга йиғилган, бир-бирларини билмайдиган, бунинг устига тарбиядан ҳам маҳрум одамлар хатосиз равишда мансабдор шахсларни сайлай оладиларми?

Клиний. Бу деярли мумкин эмас.

Афиналик. Аммо, айтадиларку, мусобақалар пайтида баҳоналар унчалик ҳам қабул бўлавермайди. Сен билан бирга биз ҳам ҳозир шундай йўл тутишимиз зарур. Сўзларингга қараганда сен крит халқига яна бошқа тўққиз шахс билан биргаликда янги манзилгоҳнинг давлат тузумини ўрнатиш тўғрисида ғамхўрлик қилишга ваъда бергансанку. Мен эса сенга ушбу суҳбатда ёрдам беришга ваъда қилганман. Шунинг учун ўз нутқимни тугалланмай қолишини истамас эдим: бундай бир ҳолатда бесамар у (нутқ) алашиб юрарди ва бутунлай шаклсиз бўлиб туюларди.

752

Клиний. Ажнабий (биродар). Ажойиб сўзлар!

Афиналик. Фақат айтибгина қолмай, мен кучим етганча уни амалга ҳам ошироқдаман.

Клиний. Кел, қандай гапираётган бўлсак, шундай йўл тутаёлик.

Афиналик. Агар худога хуш келса ва агар биз ўз қарилгимизни енга олсак, шундай бўлақолсин.

b

Клиний. Худога маъқул бўлса ажаб эмас.

Афиналик. Дарҳақиқат, шундайга ўхшайди. Демак, худонинг раъйи бўйича, ушбуларни айтиш зарур...

Клиний. Нимани?

Афиналик. Бизнинг ҳозирги давлатимиз мардона ва жасур тартибот топади.

Клиний. Қайси маънода? Ҳозир сен нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Тажрибасиз одамлар учун, ҳозир ўрнатиш қонунларни қачонлардир қабул қилишларини хоҳлаб, биз енгилгина ва кўрқмай қонунлар ўрнатаётганимиз! Аммо Клиний, ҳар қандай одамга, майли у жуда дснишманд бўлмаса ҳам, ушбу нарса ҳар ҳолда равшандир: одамлар, улар қандай бўлсалар-да – аввалига қонунларни осонликча қабул қилмайдилар. Агар биз улар билан бу вақтга, (яъни) бу қонунларни тотиб кўрган уларнинг фар-

c

зандлари то катта бўлгунларигача ва улар то давлат сайловларида қатнашмагунларигача бирга бўлсак, у ҳолда, биз айтаётганларимизнинг ҳаммаси амалга ошганида – агар бу қандайдир тарзда меъёрига етадиган даражада рўй берса, – менингча, бундай тарбияланган давлатга келажакда мустаҳкам барқарорлик таъмин этилган бўлади.

Клиний. Бу асосли далил.

Афиналик. Шундай қилиб, кўрайлик-чи, бу мақсад учун етарли воситани биз топа олармикинмиз. Мен, Клиний шуни тасдиқлайманки, бошқа критлилардан устун равишда кнослилар, манзилгоҳ этаётганлари мамлакат учун нафақат покловчи қурбонлар қилишлари зарур, балки яна, асосий давлат мансаблари мустаҳкам ва энг яхши бўлишлари учун барча саъй-ҳаракатларини ишга солишлари даркор. Бошқа мансабларга келсак, бу ерда иш оддийроқдир. Биз аввало жуда синчковлик билан қонунлар кўриқловчиларини сайлашимиз керак.

Клиний. Бунинг учун нима кўрсаткич ва асос бўла олади.

Афиналик. Мана бу: эй Крит фарзандлари, мен шуни тасдиқлаб айтаманки, кносликлар ўзларининг бошқа кўп давлатлардан нисбатан катталиклари туфайли қолган кўчиб келганлар билан биргаликда улардан ва ўз ораларидан ҳаммаси бўлиб, ўттиз етти одамни сайлашлари керак, улардан ўн тўққизтаси – кўчиб келганлардан, қолганлари эса – Кноснинг ўзидан бўлсин. Бу охирилари кносликлар сенинг давлатингга берсинлар; сен ўзинг ҳам шу манзилгоҳ фуқароси ва шу ўн саккизларнинг бири бўласан. Кносликлар, ё ўз маслақларига кўра, ёки меъёрадаги босимга ён босиб шундай қиладилар.

Клиний. Ажнабий (биродар), нима сен ыа Мегилл бизнинг давлат қурилишимизда қатнашмайсизларми?

Афиналик. Афиналиклар, Клиний, ўзларини мағрур тутадилар; Спарта ҳам мағрурдир. Бундан ташқари улар бу ердан узоқдалар. Сенинг ишларинг яхши бормоқда, бошқа кўчиб келганларда ҳам худди сендагидек. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда ишларни қандай қилиб ўрнига кўйиш ҳақида гапирчиш керак бўлади.

Вақт ўтиши билан давлат тузуми мустақкамлангач, мансабдор шахсларни сайлаш тахминан қуйидагича бўлади. Давлат мансабдор шахсларини сайлашда ким қурол-ярроғ олиб юрса – отлиқ ёки пиёдалар – ва ўз ёшига қараб қайси қисмда бўлишига қараб, урушда иштирок этган бўлсалар, ҳаммалари қатнашадилар. Сайловлар давлат энг катта эҳтиром кўрсатадиган ҳарамда ўтказиладилар. Ҳар бир одам худога қурбонлар келтириладиган ерга тахтача келтириб қўяди, унда сайланувчининг исми шарифи, фила ва у аъзо бўлган дем номини ёзиб қўяди; худди шу равишда ўзининг ҳам исмини ёзиб қўяди. Агар кимгадир тахтача унинг ниятидай ёзилмаган бўлиб туюлса уни майдонга олиб чиқиб қўяди, майдонда тахтача ўттиз кунгача туради. Мансабдор шахслар, асосий деб тан олинган уч юзтагача тахтачани сайлаб олиб уларни фуқароларга кўрсатадилар. Фуқаролар шу уч юзтадан яна ўзлари хоҳлаганларини сайлайдилар. Улардан иккинчи марта юзтасини сайлаб олиб яна ҳаммага кўрсатадилар. Учинчи марта шу юзта ичида бўлганлар учун ким-кимни хоҳласа ўшанга, овоз беради, фақат бу сафар қурбонлик қилинган ҳайвонларнинг ичак-чавоқлари устида қасам ичиб кейин сайлайдилар. Энг кўп овоз олган ўттиз еттита одам давлат ҳукмдорлари бўладилар. Айтинг-чи Клиний ва Мегилл, бизнинг давлатимизда кимлар мансабдор шахсларнинг сайловларига раҳбарлик қиладилар ва докима-сияни ишлаб чиқадилар? Биз тушунамик-ки, шу тарзда биринчи марта бир бутун бўлаётган давлатда мансабдор шахслар сайлангунларигача қандайдир раҳбарлар бўлишлари керак. Шу аснода, улар шунчалик эмас, балки фаол шахслар бўлишлари лозим. Мақол борки, бошланиш – ҳар қандай ишнинг ярмидир ва биз ажойиб бошланишга мақтовлар изҳор қиламиз. Бизнинг бу ҳолатимизда эса, бошланиш – яримдан кўпроқдир ва бу ажойиб бошланишни лойиқ даражада мақташ ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.

А ф и н а л и к . Биз буни тушунар эканмиз, бу масалани ҳал қилишга олиб борадиган воситаларни ўз-ўзимизга равшанлаштирмай туриб унинг хусусида сукут сақлаб бўлмайди. Мен кўп нарсани айтолмайман, аммо ишларнинг

ҳозирги аҳволида фойдали ва зарурий бўлган бир ҳолатни айтиб ўтишим керак.

Клиний. Бу ўзи нима?

Афиналик. Мен шу нарсани тасдиқлайманки, биз асос солмоқчи бўлаётган давлатнинг, бу манзилгоҳга асос солаётган давлатдан ўзга отаси ва онаси йўқдир. Манзилгоҳ ва асос солувчи давлат орасида кўпинча, – бу кейин ҳам бўлаверади, – анчагина фарқланишлар бўлиши менга яхши маълумдир. Аммо шунда (ҳам) бизнинг давлатимиз худди болакайдай, гарчи ота-онасидан қандайдир фарқланишлари бўлсада, ўзининг ҳозирги тарбиясининг барча мураккабликларига қарамай уларни севади, ота-онаси ҳам уни севадилар. У ўз қариндошлари олдиларига югуриб боради ва уларда ўзига иттифоқчилар топади. Мен тасдиқлайманки, янги давлатга бўлган ғамхўрликлари туфайли кносийлиларда иш худди шундай бўлади. Мен ҳозиргина айтилганни яна қайтараман, зеро ажойиб-зебо нарсани икки марта қайтариш фойдалидир. Кнослилар оқсоқолларни ва кўчиб келганлар (колониствлар) орасидан юзтадан кам бўлмаган, имкон борича энг яхши одамларни сайлаб, буларнинг ҳаммаси ҳақида биргаликда ғамхўрлик қилишлари зарур. Кнослиларнинг ўзларидан ҳам бошқа юзта одамни сайлашлари керак. Мен тасдиқлаб айтаман-ки, улар янги давлатга бориб, мансабдор шахслар тайинланишлари ва қонунларга мувофиқ равишда текширилишлари ҳақида ғамхўрлик қилишлари зарур бўлади. Шундан кейин кнослилар Кносга қайтадилар, янги давлат эса, мустақил равишда ҳаёт кечириш ва фаровон бўлишга интилади.

Бизга ҳозир ҳам, кейин ҳам ўттиз еттита мансабдор шахс шу усулда сайлансинлар. Улар аввало қонунларнинг қўриқчилари (нигоҳбонлари) бўладилар, кейин, ҳар бир фуқаро мансабдор шахслар ахбороти учун ўз мулкларини кўрсатиб ёзган – биринчи синф учун тўрт минадан, иккинчи синф учун уч минадан, учинчи синф учун икки минадан ва тўртинчи синф учун бир минадан ташқариси – ёзувларнинг сақловчилари бўладилар. Агарда кимдир ёзувда кўрсатилганидан ортиқ (мулк) олган бўлса, у ҳолда шу ортиқчаси давлат фойдасига мусодара қилинади. Бун-

дан ташқари, хоҳлаган одамнинг харид қилган одам устидан маҳкама иши уйғотиши мумкин бўлади; бу эса асло шуҳрат келтирмайди, аксинча, агар бу одам нафсониятни деб қонунларни менсимаган бўлса шармандаликка олиб боради. Ҳар қандай хоҳлаган одам, унинг шармандаларча ҳирсга берилганини ёзма равишда кўрсатиб, қонунлар

755 нигоҳбонлари ҳузурларида суд маҳкамасига жалб этиши мумкин. Жазога ҳукм қилинганида у умумий мулкдаги ўз улушидан маҳрум бўлади; агар давлатда қандайдир қайта бўлиш ўтказилса, у биринчи марта қуръа бўйича олган чек еридан бошқа ундан (қайта бўлишдан -тарж.) ўз улушини олмайди; айбдорнинг номи унинг бутун умри давомида, ҳар қандай хоҳловчи ўқиши мумкин бўлган ерга ёзиб қўйилади.

Қонун нигоҳбони ҳокимиятда йигирма йилдан кўп турмаслиги зарур; бу мансабга элик ёшдан кам бўлганлар сайланмайдилар. Агар олтмиш ёшли одам сайланадиган бўлса, у фақат ўн йил ҳукм юритади ва шундай ҳисоб билан кейин ҳам шу йўсинда, демак, етмиш ёшдан ошганлар, бу ёшда улар бу мансабни эгаллай олмасликларини назарда тутишлари керак.

б

Қонунлар нигоҳбонлари ҳақида ҳозирча шу учта талаб билан кифояланамиз. Қонунчиликнинг ривожланиши билан бу шахслар олдида ҳозир кўрсатилганларидан бошқа янги масалалар пайдо бўладилар ва улар бу масалаларнинг ҳал қилиниши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак бўлади.

Энди, бошқа мансабдор шахсларни сайлаш масаласига ўтайлик. Кўрсатиб ўтилган шахслардан кейин стратегларни (қўмондон, саркардаларни) ва уларнинг ҳарбий ишдаги ёрдамчиларини: гиппархлар, филархлар ва пиёда қисмлар бошлиқларини сайлаш керак бўлади; бу охиригиларини таксиарх деб аташ муносиб бўларди, кўпчилик уларни шундай деб атайдилар ҳам. Қонун нигоҳбонлари фуқаролар орасидан стратеглар мансабига сайлайдилар. Ҳарбий ишга тааллуқли ҳамма одамлар шу онда ва олдин ҳам кўрсатилган одамлардан сайлаш ҳуқуқига эгалар. Агарда

д кимдир, қонунлар нигоҳбонлари кўрсатганларидан яхшироқ одамни кўрсата олса, қасамёд қилиб уларнинг ўрнига

бошқасини (номзод) қилиб кўрсатиши мумкин. Қўл кўтариш йўли билан овоз беришда иккисидан қайси бири кўпроқ овоз олса ўша сайланувчи сифатида кейинги овоз беришга кўйилади. Энг кўп овоз олган уч киши ҳарбий ишнинг стратеглари ва ҳомий (ғамхўр)лари бўладилар, аммо улар ҳам қонунлар нигоҳбонлари каби докимасиядан ўтадилар. Сайланган стратеглар ўзлари ҳар бир фила учун биттадан, ўн иккита таксиархларни танлаб (сайлаб) оладилар. Бу ерда ҳам, худди стратегларни сайлагандаги каби бошқа шахсларнинг номзодини кўрсатиш мумкин бўлади. Бунда ҳам худди ўшандай қўл кўтариш йўли билан овоз берилади ва охириги қарор қабул қилинади. Пританлар ва кенгаш сайланмасдан аввал, қонунлар нигоҳбонлари энг муқаддас ва маъқул жойда бу йиғин (мажлис)ни чақирадилар, оғир қуролланганлар, отлиқлар ҳамда бошқа ҳамма жангчилар айрим-айрим жойлаштириладилар. Стратеглар ва гиппархлар учун барча фуқаролар қўл кўтариш йўли билан овоз берсинлар; таксиархлар учун эса фақат қалқон кўтарганлар; филархларни суворийлар сайлай қолсинлар. Стратеглар ўзлари учун энгил қуролланганлар, тийрандозлар ёки бошқа турдаги қўшинлар устидан қўмондонларни ўзлари тайинласинлар.

Бизга яна гиппархларни тайинлаш масаласи қолади. Стратегларни кимлар номзод қилиб кўрсатсалар, ўшалар гиппархларни ҳам кўрсатсинлар; сайлаш ва шу мансабнинг ўзига қўшимча номзодлар кўрсатиш ҳам стратегларни сайлашдаги каби бўлсин. Отлиқлар (суворийлар) пиёдалар ҳузурларида улар кўриб турганларида қўл кўтариш йўли билан овоз берсинлар. Энг кўп овоз олган иккитаси суворийлар қўмондонлари бўлсинлар. Агар қўл кўтаришда бирор ноаниқлик пайдо бўлса, қайта овоз бериш мумкин бўлади. Агар учинчи марта ҳам ноаниқлик бўлса, ҳар бир айрим ҳолда кимлар овоз беришга раҳбарлик қилган бўлсалар ўшалар ишни ҳал қилсинлар.

Кенгаш ўттиз дюжина (30x12- тарж.) аъзодан иборат бўлсин. “Уч юз олтмиш” сони қулай бўлинишга мойилдир. Бу сонни тўрт қисмга, ҳар бири тўқсонгадан бўлган қисмга бўлиб, фуқароларнинг тўрт синфининг ҳар бири кенгашнинг тўқсонга аъзосини сайлашларини қарор қиламиз.

- Аввало, ҳамма аҳоли олий синф вакиллари сайлаши зарур; бўйсунмаган (одам)га белгиланган жазо берилади. Овоз берилганидан кейин сайланганларнинг исмлари ёзиб қўйилади. Эртасига иккинчи синф вакиллари сайландилар, бу сайлов ҳам олдинги кундаги тартибда ўтади. Учинчи кун ҳамма хоҳловчилар учинчи синф вакилларига овоз берадилар, аммо биринчи учта синфга бу мажбуран бўлади, тўртинчи синф, энг паст синф сифатида, агар бу синфнинг фуқароси овоз беришни хоҳламаса, жазодан озод қолади. Тўртинчи кун ҳамма тўртинчи, энг паст синф вакиллари учун овоз беради; аммо, агарда тўртинчи ёки учинчи синф фуқароси овоз беришни истамаса, у жазоланмайди. Овоз беришга қатнашмаган биринчи ва иккинчи синф фуқаролари жазоланишлари керак: иккинчи синфга мансублар – биринчи жазодан уч баробар кўпроқ жазо, биринчига мансублар – тўрт баробар кўпроқ. Бешинчи кун мансабдор шахслар барча фуқаролар эътибори учун сайланганлар рўйхатларини намоиш этадилар. Биринчи мартабадаги жазонинг такрорланиши қўрқуви остида ҳар ким яна улардан бири учун овоз бериши керак. Шу тарзда ҳар бир синфдан бир юз саксон одам сайланганида уларнинг ярми қуръа ташлаш йўли билан бартараф этиладилар, қолганлари эса шу кенгаш аъзолари бўлиб қоладилар.

Шу тарзда ўтказилган сайловлар мутлақ ҳукмдорлик (монархик) билан демократик тартибот орасини эгалладилар: давлат тартиботи умуман ҳамма вақт ўрталикни тутиши керак. Қуллар ҳеч қачон хожаларнинг дўстлари бўлмайдилар, худди шундай, (ҳеч нарсага) арзимас, ту-

757 бан одамлар номусли одамларга дўст бўлмайдилар, гарчи улар эҳтиром бўйича тенг мансабларни эгалласаларда. Зеро, агар зарурий меъёрга риоя қилинмаса, тенг бўлмаганлар учун тенглик тенгсизлик бўлиб қолар эди. Шу икки сабаб билан давлатлар ўзаро низолар билан тўлиб-тошадилар. Тенглик дўстликни пайдо қилади, деган қадимги мақол ҳаққонийдир: бу, ҳам жуда тўғри ҳам чиройли айтилган. Аммо, қандай тенглик бундаин кучга эга эканлиги унча равшан эмас ва бу ҳолат бизни кўп ноқулай

в аҳволга солиб қўяди. Тенгликнинг икки хили бор: улар бир

хил номда бўлсаларда аммо аслида кўп томонлари билан бир-бирларига деярли қарама-қаршидирлар. Бу икки хилдан биринчисига, қуръа ёрдамида унинг тақсимотини бошқариб, ҳар қандай давлат ва ҳар қандай соҳиби қонун фахрли ўринни бериши мумкин: ўлчов, оғирлик, сонлар тенглиги шундайдир. Аммо ҳар қандай одамга энг ҳаққоний ва энг яхши тенгликни пайқаш қийин кечади, зеро бу – Зевс мулоҳазасидир. Одамларга у жуда кам берилади; аммо давлатга ва хусусий шахсларга ажратилганлиги учун у ҳамма эзгулик (яхшилиқ)ларни барпо этади. Унинг табиатига нима монанд бўлса ўшани тухфа этиб, каттага у каттароқ, кичикка кичикроқ ажратади. Энг хайрли ишлар, яхшилиқлар қилувчи одамларга у алоҳида катта ҳурмат кўрсатади; қарама-қаршиси эса – яхшилиқлар ва тарбияда кам даражага эришган одамларга кўрсатилади. Ҳар кимга у (тенглик) оқилона ўзига лойиқ нарса ни тухфа этади.

Бизда давлат тартиботига тааллуқли барча нарса доимо адолат билан мос келади. Биз Клиний, энди ўсиб келадиган давлатимизни назарда тутиб, ҳозирнинг ўзидаёқ шу тенгликка интилишимиз керак. Агар кимдир, қачонлардир бошқа давлатни қурадиган бўлса, у ҳам тиранларни – битта ёки унча кўп бўлмаганларни ва халқ ҳокимиятини эмас, худди шуни – адолатни доимо назарда тутиб қонунлар нашр этиши керак бўлади. Ҳар бир айрим ҳолда табиатга кўра тенг бўлмаганлар учун ўрнатиладиган тенглик ҳақидаги ҳозиргина айтилган бизнинг фикримиз худди шундан иборатдир.

Ҳарқалай, ҳар қандай давлат, агар маълум миқдорда ички тўлқинланишлардан нари бўлишни истаса, ўз номи ни биринчисидан олган тенгликнинг бошқа бир хилдан ҳам фойдаланиши зарурдир. Зеро, ахлоққа мос келадиган андишаллик маъқул адолатга хилоф равишда амалга ошириладиганида изчил баркамолликнинг бузилиши бўлиб қолади. Шунинг учун кўлчиликнинг норозилиги натижасида қуръа ташлаш йўли билан тенгликни қўллаш зарур бўлади, яна албатта худо ва яхши тақдирдан, олий адолат нуқтаи назаридан улар қуръа ташлашни тартибга келтиришларини илтижо қилмоқ керак. Тенгликнинг ик-

кала хилидан шу йўсинда фойдаланиш керак; ammo, тасодиф бошқарадиган хилларидан иложи борича камроқ фойдаланиш зарур.

- Дўстлар, агар ўзини сақлаб қолишни истаса, давлат албатта шундай йўл тутиши даркор. Денгизда сузиб бораётган кема кечаси ҳам, кундузи ҳам доимий қўриқланиб туришга муҳтож бўлганидай, давлат ҳам турли найрангларга дучор бўлиш хавфи билан, бошқа давлатларнинг жўшқин сиқуви орасида ўз йўлидан боради. Шунинг учун тонгдан то тунгача, тундан тонггача толиқмай ҳокимлар ҳокимлар билан алоқада бўлишлари ва нигоҳбонлар нигоҳбонларни алмаштириб туришлари даркор. Оломон ҳеч қачон бунга тезда эриша олмайди. Албатта, кенгаш аъзоларининг кўпчилиги кўпроқ вақтни ўз ишлари билан ўтказишлари ва ўз хўжаликларини тартибга келтиришлари учун имкон бўлиши зарур.
- Аmmo, уларнинг ўн иккидан бир қисми, ўн икки ойга мос равишда нигоҳбонликда туришлари керак. Шунда улар чет элдан келган ҳар бир одам ва ёки ўз давлатининг фуқароси хизматига тайёр бўлардилар, агар у бирор нарса ҳақида хабар беришни, ёхуд аксинча, бир давлатнинг бошқа давлатларга жавоб бериши керак бўлган нарсалардан бирини билиш, ёки улардан жавоблар олишни хоҳласа. Улар айниқса, давлат ичида турли баҳоналар билан пайдо бўладиган тўлқинланишларнинг олдини олишлари керак бўлади; улар пайдо бўлганларида давлат иложи борича тезроқ уларни бартараф этишга ҳаракат қилиши зарур. Шунинг учун давлатнинг олий ҳукмдорлари, қонунлар томонидан ўрнатилган ҳамда зарурати фавқулодда, ногоҳ пайдо бўлувчи мажлис (йиғин)ларни чақиритиш ва тарқатишнинг доимий ҳуқуқига эга бўлишлари даркор. Буларнинг ҳаммасига кенгашнинг ўн иккинчи қисми масъул, ўн бир қисмнинг бошқалари эса йилнинг бошқа қисм (вақт)ларида дам олсинлар. Кенгашнинг ўн иккинчи қисми бошқа ҳокимлар билан биргаликда давлатни қўриқлаб турсинлар.

- Шаҳар учун ушбу тартиботлар етарли бўлса керак. Мамлакатнинг қолган барча жойлари ҳақидаги гамхўрлик ва ундаги тартиб қандай бўлмоғи даркор? Шаҳар ўн икки қисмга бўлинганидан кейин бутун мамлакатни ҳам ўн икки қисмга бўлиш маъқул эмасми? Йўллар, турар

жойлар, бинолар, лиманлар, бозор, чашмалар ҳамда муқаддас ер майдонлари, ҳарамлар ва шунга ўхшаш барча нарсалар устидан қандайдир назоратчилар тайинлаш керак эмасми?

К л и н и й . Албатта, зарур.

А ф и н а л и к . Ҳарамларда кузатувчилар, мубадлар ва мубад аёллар бўлишлари кераклигини айтиб ўтишимиз зарур. 759
Йўллар, бинолар (қурилишлар) ва у ерларда тартиб сақлаб туриш (ишларига) келсак, – одамлар ва ҳайвонлар шаҳар ичида ва шаҳар атрофида зарарлар келтирмасликлари ва давлатда ҳамма нарса маъқул бажарилиши учун, – уч турли мансабдор шахсларни ҳозиргина айтиб ўтилганига – астиномлар деб аталувчиларни, бозор назорати учун – агораномларни, ҳарам (ибодатхона)лар учун – мубадларни сайлаш лозимдир. Агар баъзи оилаларда мубадлик лавозими ворисий бўлса ва эркак авлодлар ёки аёл авлодлар бўйича ўтадиган бўлса, бу тартибни бузмаслик даркор. Лекин, янги асос солинаётган давлатда албатта, башарти жуда камчиликда бўлмаса, ҳаммада ҳам шундай бўлиши даргумон. Шунинг учун улар тайин этилмаган бўлсалар, ибодатхона хизматларини бажаришлари учун мубад ва мубад аёлларни тайинлаш керак. Уларни тайинлаш қисман сайлов билан, қисман қуръа ташлаш йўли билан ўтказилади. Бу ҳолда халқ ва унга мансуб бўлмаганлар, мамлакатнинг ҳар бир қисми ва ҳар бир шаҳарида, имкони борича кўпроқ ҳамжиҳатликка эришиши учун бир-бирлари билан дўстона бирлашадилар. Мубадларга келсак, буни қуръа ташлаш йўли билан илоҳий тақдирга топшириб, ўзига маъқул бўлганларни танлаш (сайлаш) имконини худонинг ўзига бериш зарур. Аммо, кимга чек тушган бўлса ўшани ҳар сафар докимасия этиш ва унинг бадан саломатлиги ҳамда туғилишининг қонунийлигини, бундан ташқари, покиза тўшак мевасими, қотилликдан тозами ва унинг ўзи ёки отаси ёки онаси бошқа шунга ўхшаш илоҳий тартиботлар (чегарасидан) ўтиб кетмаганини текшириш керак. Барча илоҳий нарсалар борасида Делфлардан қонунлар олиш керак ва бу қонунлар учун таъбирчиларни тайинлаб улардан (қонунлардан - тарж.) фойдаланиш зарур. Ҳар бир мубадий унвон (коҳин-

b

c

d

лар унвони) бир йиллик бўлиши зарур, ундан асло қўп эмас. Муқаддас қонунларга қўра ва маъқул равишда ибодатни ўтказишни ким хоҳласа, бизда у олтмиш ёшдан кам бўлмаслиги керак. Худди шундай қонун мубадлар борасида ҳам бўлгани тузук.

Ҳар бир тўрт фила тўрт таъбирчини уч мартадан сайласинлар, ҳар сафар ҳар бир филадан биттадан. Энг қўп овоз олган учтаси докимасиядан ўтадилар: ҳар бир учликдан биттаси сайлаб олиниси учун тўққизтасининг ҳаммаси Делфага юборилдилар. Бу докимасия ва таъбирчига зарурий бўлган ёш худди мубадлардагидай бўлсин, аммо улар умрбод таъбирчи бўлиб қоладилар. Чиқиб кетганининг ўрнига, у қаердан бўлса, ўша тўрт фила бошқасини сайласинлар.

760 Олий синфлардан, катта ҳарамлар учун учта, кичиклари учун – иккита, энг камтарлари учун битта хазинабонни сайлайдилар. Улар муқаддас хазина, муқаддас ер майдонлари ва улардан келадиған даромадларни бошқарадилар ҳамда уларни ижарага бериш ваколатларига эга бўладилар. Хазинабонларни сайлаш ва докимасияси худди стратеглардаги каби бўлсин. Ҳарамлар борасидаги тартиб шундай бўлади.

б Иложи борича, ҳеч нарса назоратсиз қолмасин. Шаҳар устидан назорат ва ғамхўрликни стратеглар, таксиархлар, гиппархлар, филархлар, пританлар ҳамда астиномлар ва агораномлар томонидан улар маъқул сифатда сайланган ва тайинланганларидан кейин бошқарилади. Бутун мамлакат қуйидагича қўриқланади: унинг ҳаммаси имкони борича тенг майдонларга бўлинади. Ҳар бир фила қуръа бўйича битта ер майдонини олади; ҳар йили фила бешта агораном ва нигоҳбонларни етказилади. Бу бештанинг ҳар бири ўз филасида йигирма беш ёшдан ёш бўлмаган ва ўттиздан катта бўлмаган ўн иккита ёш йигитни сайлаб оладилар; қуръага қўра ҳар бирига бир ойдан бутун мамлакат ер майдонлари улар орасида тақсимланади, токи, уларнинг ҳаммаси бутун мамлакат билан тажрибада танишишсин ва билим олсинлар. Бошқарув ва назорат, кузатувчилар ва бошлиқларга икки йилга топширилади. Аввалида қуръа бўйича қандайдир ер майдо-

нини олиб, уни улар ҳар ойда қўшни майдонга айлана бўйича чапдан ўнгга, – бунда ўнг шарқ бўлади, нигоҳбонлар бошлиқлари раҳбарлигида алмаштирадилар. Имкони борича кўпроқ миқдордаги назоратчилар мамлакат билан танишишлари учун ва фақат йилнинг қандайдир бир вақтдагина эмас, балки мамлакатдан ташқари яна ҳар қандай жойда ва йилнинг ҳар қандай вақтида нима бўлаётганини билишлари учун йил тутаганидан кейин, кейинги йилда ўша раҳбарлар уларни яна йўлга бошлайдилар, аммо бу гал чапга, доимо жойни ўзгартириб токи иккинчи йил ўтмагунича. Учунчи йилга бешта янги бозор қузатувчиларини ва нигоҳбонлар қўмондонларини – ўша ўн икки йигитнинг бошлиқларини сайлаш керак. Ҳар бир муайян жойда турганларида уларнинг раҳбарлиги (ғамхўрлиги) ушбулардан иборатдир: аввало мамлакат душманлардан иложи борича яхши муҳофаза қилиниши керак. Бунинг учун керак бўлган ерда хандақлар қазииш, тупроқ кўтармалар барпо этиш керак, токи ушбу иншоотлар бу ёки у усул билан мамлакатга ва унинг бойликларига зарар етказишга ҳаракат қиладиганларнинг йўлига тўсиқ бўлсинлар. Бунинг учун маҳаллий юк кўтарадиган ҳайвонлар ва қуларни иложи борича уларнинг уй ишларидан бўш вақтларида ишга жалб қилиб фойдаланиш мумкин; бу ишларга раҳбарлик даркор. Мамлакатда ҳамма нарсани душманлар учун ўтиб бўлмайдиган, дўстлар учун эса имкониёт борича осон ўтиладиган қилиш керак – бу ҳол одамлар учун ҳам, юк кўтарадиган ҳайвонлар учун ҳам, пода учун ҳам шундай бўлиши зарар. Йўлларга ғамхўрлик қилиш керак, токи улар иложи борича ободонлашган, қулай бўлсин; ёмғир сувларига ҳам эътибор бўлиши керак, токи улар юртга зарар келтирмасдан чўққилардан тоғ дараларига оқиб тушиб фойда келтирсиналар.. Сув манбаъларини тўғонлар ва хандақлар билан тўсиш керак, токи у ерда пастликда жойлашган далалар ва жойларга, ҳатто энг қурроқ жойларни ҳам мўл-кўл сув билан таъминлайдиган сув манбаълари ва булоқларни барпо этилсин. Манбаъ сувлари – хоҳ дарёдан ёки булоқдан бўлсин – дарахтлар ва иншоотлар ёрдамида иложи борича яхшилаб тартибга келтириш зарур; уларни каналлар билан бирлаштириш

керак, токи бутун ён атроф ҳосилдор бўлсин. Агар яқин атрофда дарахтзор ёки худоларнинг муқаддас ерлари бўлса, ариқлар қазиб худолар ҳарамларини безаш учун у ерларга сув чиқариш керак. Шунга ўхшаш ҳамма жойларда ёшлар ўзлари учун гимнасиялар, чоллар учун – кексаларбоп иссиқ ҳаммомлар қуриб берсинлар. Бунинг учун, касаллар ва деҳқончилик машаққати билан баданларини беҳол этган одамлар фойдасига кўпгина куруқ ўтин, қуриган шох-шаббалар тўплаш керак. Охиргилар (деҳқонлар-тарж.) у ерда, нўноқ шифокордан оладиган шифоларига қараганда тузукроқ даво топардилар.

Шундай қилиб ва шу тарзда хуш кўнгул вақтичоғлик билан бирга бу ерларда фойдали иш ва тартиб амалга ошсин. Ишнинг жиддий томони ушбулардан иборатдир: кўрсатиб ўтилган олтмиш одам (матнда: олти ўнлик одамнинг ҳар бири - тарж.) ўз ерлари (жойлари)ни нафақат душманлардан, балки ўзларини дўст қилиб кўрсатаётганлардан ҳам кўриқлайдилар. Агар кўшниларидан ёки бошқа фуқаролардан биронтаси – озод ёки қул бўлишидан қатъий назар, – бир-бирини хафа қиладиган бўлса, унча жиддий бўлмаган ҳолларда азият чеккан одамнинг ишини бешта мансабдор кўриб чиқадилар; жиддийроқ шикоятлар бўлган ҳолларда эса, сўз уч минагача бўлган нарҳда бораётганида, иш яна ўн икки мансабдор шахс кўшилиши билан, энди ўн етти киши иштирокида кўриб чиқилади. Битта ҳам судья (қози) ва битта ҳам мансабдор шахс назоратсиз иш юрита олмасликлари зарур, бундан, худди подшоҳлар каби сўнгги қарорни қабул қила оладиганлар истиснодир. Худди шу тарзда бозорларнинг нозирлари ҳам, агар улар ўзларининг ғамхўрлик қилишлари лозим бўлганларни ҳақоратласалар, агар вазифаларни тенг бўлмасалар ёки эгасининг розилигисиз деҳқончилик қуролларидан бирор нарсани тортиб олишга ва олиб кетишга ҳаракат қиладиган бўлсалар, ҳамда хушомадгўйлик билан ўзига ағдариб олишни истовчилардан совғалар олсалар ёки жазоларни тенг тақсимламасалар, улар порахўрлар сифатида бутун давлат бўйича шармандаи-шармисор қилинадилар. Маҳаллий аҳолига нисбатан улар томонидан бир минага баҳоланадиган номуносиб ишларга келсак, агар бозорлар

нозирлари рози бўлсалар қўшнилар ва қишлоқ аҳолисининг судига жалб этилишлари мумкин. Агар улар, ҳар ойдаги янги жойга ўтишлари муносабати билан суддан (маҳкамадан) омон қолишлари умиди билан буни истамасалар, у ҳолда катта ёки кичикроқ номуносиб ишлар бўлганида азият чеккан (одам) умумий судга мурожаат қилиши зарур бўлади. Агар у ишни ютиб чиқса, қочиб кетишга ҳаракат қилаётган ва иштиёрий равишда бўйсунитгани хоҳламайдиган нозирдан жазо сифатида икки баробар миқдорда жарима олинади.

Ҳокимлар ва бозорларнинг нозирлари икки йил давомида қуйидаги ҳаёт тарзида яшайдилар. Аввало ҳар бир жойда биргаликдаги овқатланишлар ташкил этилади, унда ҳамма йиғилиб таомлар ейдилар. Кимда ким ҳатто бир кун бўлсада, мансабдор шахслар рухсатисиз ёки ўта муҳим заруратсиз бунда қатнашмасалар ёхуд тунда кетиб қолсалар ва буни беш киши сезиб қолса, улар унинг номини ёзиб қўйиб, ўз вазифасига хилоф иш қилган тартибни ёзиб исми сифатида майдонга олиб чиқиб (илиб) қўядилар. У, ўз ишида давлатга хиёнат қилган одам сифатида шармандаликка маҳкум бўлади; ким хоҳласа ўша одам уни таёқ билан бемалол уриши мумкин бўлади. Агар мансабдор шахслардан биронтаси шунга ўхшаш иш қилиб қўйса, бу ҳақда барча олтмиштаси бунинг рамини ейиши зарур бўлади. Агар буни сезган ва билиб қолган одам унинг ҳақида иш қўзғатмаса, у худди ўша қонунлар бўйича ёки мансабдорлардан қаттиқроқ жазога маҳкум бўлади: бундай шахслар эгаллаши мумкин бўлган барча мансабларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бунга ўхшаш ишлар аввалидан пайдо бўлмаслиги ёки агарда пайдо бўлиб бўлган бўлса, унга яраша жазо берилишини қонунларни ёзиб қўйиш билан кузатиб туришлари керак.

Ҳар бир инсон ҳеч истисносиз ҳамма одамлар ҳақида қуйидагича фикрлаши зарур: аввал тобе бўлмаган одам мақтовга сазовор хожа бўла олмайди: шунинг учун яхши ҳукмронлик қилиш уқувидан кўра кўпроқ, яхши бўйсунитиш уқуви билан мақтанмоқ маъқулдир: аввали – қонунларга бўйсунитиш уқуви, бу ҳудодарга бўйсунитишни англатади; кейин – ёшларнинг, бутун умри бўйи ҳалол яшаган катта-

ларга бўйсунуш уқуви. Кейин, янги бозор нозири бўлган одам икки йил давомида ҳар куни оғир ва фақирона ҳаётни тотиши зарур. Дарҳақиқат, ўн иккилар сайланганларидан кейин улар бешлар (Бу ерда ўн иккилар, деб ўн икки ёш йигитлар, бешлар, деб нигоҳбонларнинг бешта бошлиғи назарда тутилади, – тарж.) билан биргаликда кенгашга йиғилсинлар : ахир улар, худди хизматкорлардай бошқа

763 хизматкорлари ва қуллари бўлмайди, ўз шахсий эҳтиёжлари учун қолган деҳқонлар ва ҳамқишлоқларининг хизматларидан фойдалана олмайдилар, албатта, табиий заруратга улардан фойдаланишлари мумкин. Улар бир-бирларининг эътиборларини ўзларига ўзлари хизмат қилишлари кераклигига қаратишлари зарур; бунинг устига, ўз вилоятларини ҳам қўриқлаш учун, ҳам жойлардаги воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун улар қиш ва ёзда доимо текшириб туришлари зарур бўлади. Ҳар бир одамнинг ўз юртини аниқ-равшан билиши – бу, ҳар қандай бошқа

б илмдан қолишмайдиган илмдир. Шунинг учун ёшлар бошқа кўнгилахушликлардан кам бўлмаган ҳолда ҳар бир одамга фойда келтирадиган ит билан ов қилиш ёки қандайдир бошқача ов билан шуғулланишлари керак. Бу билан – шуғулланувчиларни (машғулотлари турига қараб) биз хабаргири (разведкачи) ёки назоратчилар деб, ёки бошқа бир тўғри келадиган ном билан атаймиз; ўз давлатига маъқул тарзда кўмак беришга (хизмат қилишга) ният қилган ҳар бир одам кучи етганича астойдил бу билан шуғуллансин.

с Кейин биз мансабдор шахсларни: шаҳар нозирлари ва бозорлар нозирларини сайлаш ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Бозорларнинг олтишта нозирига, шаҳарнинг уч нозири тўғри келсин, улар шаҳарларнинг ўн икки қисмини уч қисмга бўлиб оладилар; қурилишларга мутасаддиликда уларнинг қонунларга мувофиқ бино этилишини таъминлаш зарур, худди шундай ҳолат сувлар хусусида ҳам бўлиши керак, токи тартиб нигоҳбонларига юборилаётган сув, сув манбаларига етарли, тоза бўлиши, шаҳарни безашга ва унинг фойдасига хизмат қилиши керак. Шунинг учун, шаҳар нозирлигига сайловлар учун, олий синфларнинг ҳар бирлари хоҳлаган одамларини номзодини

кўрсатсинлар; сайлов қўл кўтариш йўли билан ўтади. Энг кўп овоз олганларнинг сони олтига етганида, шунга масъул бўлганлар улардан учтасини қуръа ташлаш йўли билан танлаб (сайлаб) оладилар. Уларнинг ўтмишлари текширилади ва улар, улар учун ўрнатилган қонунларга кўра ҳукмронлик қиладилар. Улардан кейин иккинчи ва учинчи синфлардан бозорларнинг бешта нозирини сайланади. Қолган ҳамма жиҳатлари бўйича уларни сайлаш, шаҳар нозирларини сайлаш каби ўтади: қўл кўтариш йўли билан ўнта одам сайланади, улардан эса қуръа ташлаш йўли билан бештаси ажратилади, уларнинг ўтмишлари текширилгач ниҳоят уларни мансабдор шахслар деб эълон қилинади. Қўл кўтариш йўли билан овоз беришда ҳар бир сайловчи қатнашсин. Бунга бўйсунмаган (одам)га, мансабдор шахслар хабар топишлари билан, элик драхмга жарима солинади ва бундан ташқари ёмон фуқаро сифатида шуҳрат топади. e

Ҳар бир хоҳлаган одам халқ йиғинлари ва мажлисларда иштирок этиши мумкин. Уларда қатнашишга иккинчи ва биринчи синфлар аъзолари мажбурдирлар, исботланган қатнашмаганлик учун ўн драхм жарима солинади. Учинчи ва тўртинчи синф фуқароларига қатнашиш мажбурий эмас; агар мансабдор шахслар қандайдир бирор сабаб билан ҳамманинг қатнашиши зарурлигини эълон қилмасалар, уларга жарима хавфи йўқ.

Агораномлар бозорларда қонунлар талаби бўйича тартиб ўрнатишлари, шаҳар бозор майдонидаги ҳарамлар ва сув манбаълари ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак, токи ҳеч ким ҳеч нарсада хафа бўлиб қолмасин; бузғунчига жазо бериш керак, агар у қул ёки ажнабий бўлса таёқ билан уриш ва зиндонбанд қилиш билан, агар маҳаллий аҳолидан биронтаси бебошлик қиладиган бўлса, у ҳолда агораномлар юз драхмадан ошмайдиган тортишувларда мухтор судьялар (қозилар) бўладилар; дилозорни бундан икки баробар миқдорда кўп бўлган жаримага ҳукми фақат астиномлар билан биргаликда чиқаришлари мумкин. Худди шунга ўхшаш жарима солиш ва жазо бериш ҳуқуқига астиномлар ҳам ўзларига тобе жойларда эга бўладилар; бир минагача бўлган жаримани уларнинг ўзлари тайин- b

лай оладилар, икки баробар кўп миқдордагисини – агораномлар билан биргаликда тайинлайдилар.

- Муסיқий ва гимнастик санъатларни бошқарувчи мансабдор шахсларни тайинлаш керак, – унисидан ҳам, бунисидан ҳам иккитадан: бирини – ўқитиш (ўргатиш) учун, бошқасини – мусобақалар учун. Биринчиларини қонун гимнасиялар ва билим юртларидаги назоратчилар, деб тушунади, улар тартиб, тарбия, давомат ва у ерда ўфил болалар ҳамда қизларнинг бўлишларини назорат қилади; иккинчиларини – гимнастик ва муסיқий мусобақалар қатнашчиларига ҳакамлик қилувчилар, деб тушунади. Бу охиргилар икки турли бўладилар: бирлари – муסיқий санъатдаги ҳакам (судя)лар, бошқалари – бадантарбия мусобақаларида. Одамлар ёки отларнинг мусобақаларида ўша ҳакамларнинг ўзи мукофотни беришга қарор қилдилар; аммо муסיқий мусобақаларда бирлари якка хонандалик ва мимик (сўзсиз театр) санъатга яъни рапсодлар, кифара, найда чалувчилар ва уларга ўхшаш устозлар (усталар)га мукофотлар беришга, бошқалари эса кўп овоз (хор) кўшиқчилик учун мукофотлар беришга ҳукм чиқарадилар.
- 765** лар. Аввал хор ўйинлари раҳбарларини, яъни, ўфил болалар, эркаклар ва қизларнинг хорлари ва бошқа хиллардаги санъатлар раҳбарларини, уларнинг муסיқий мавзунлиги тарбиячиларини сайлаб олиш керак. Бунинг учун қирқ ёшдан ёш бўлмаган битта раҳбар етарлидир. Яккахон хонандалик учун ҳам ўттиз ёшдан ёш бўлмаган битта раҳбар етарли; у мусобақаларга қатнашишга рухсат беради ва мусобақалашаётганларга ҳакамлик қилади. Хоравий
- b** маросимлар раҳбари ва ташкилотчисини қуйидагича сайлаш лозим: бунга мойиллиги бор одамлар агар унга келмасалар жазо берилиши хавфини ҳис этган ҳолда; келишлари керак: бу ҳолда қонунлар нигоҳбонлари ҳакам бўладилар. Бошқалар учун, агар улар хоҳламасалар бу шарт эмас. Сайлаш учун билимдон одамлар номзоди қўйилиши керак; докимасия пайтида, (бирор номзодни) рад этиш ёки тасдиқлашда фақат бир ҳолатгина эътиборга олинади, яъни: қуръа ташлаш йўли билан сайланган одам билимдон шахслар қаторига кирадими ё йўқми. Қўл кўтариш йўли билан дастлаб сайланган (яъни биринчи тур сайлов-
- c**

дан ўтган. – тарж.) ўн шахсдан қуръа ташлаш йўли билан шу йилнинг ўзига яққажон қўшиқчилик ва найда жўр бўлиш раҳбари сайланади, бундан ташқари алоҳида тайинланган ҳакамлар унинг сайланганлигини тасдиқлайдилар. Шундан кейин, иккинчи ва учинчи синфлардан отлар ва одамларнинг гимнастик мусобақалари учун бошқарувчи ҳакамлар сайланадилар.

Биринчи уч синфга тааллуқли барча одамларнинг сайловларда қатнашишлари шарт (мажбурийдир); энг паст синф агар сайловларда қатнашмаса жазо берилмайди. Қуръа ташлаш йўли билан сайланганлар фақат учта бўлсин, қўл қўтариш йўли билан дасталаб (асосий сайловдан олдинги сайлов. -тарж.) сайланганлар йигирмата бўлсин. Шу йигирматадан қуръа ташлаш билан, агар ўз фойдаларига докimasия ўтказган шахсларнинг овозларини олсалар, уч киши сайланадилар. Агар қуръа (чек) тушган одам қарор қабул қилиш керак бўлганида докimasия пайтида рад этилса, унинг ўрнига, айтиб ўтилган ўша усул билан, ҳамда докimasиядан ўтказиб бошқа одамларни сайлаш керак бўлади.

Бизда битта давлат мансаби (юқорида айтиб ўтилганига тааллуқли), ўғил болалар ва қизлар ҳақида имкон борича рамжўрлик қиладиган мансаб қолди. Қонунларга кўра, бу иш тепасида битта, элик ёшдан кам бўлмаган ва қонуний фарзандлари бўлган, энг яхшиси ҳам ўғиллари, ҳам қизлари бўлган ёки ҳеч бўлмаса улардан бири бўлган мансабдор шахс турсин. Сайловчи ҳам, сайланувчи ҳам, бу мансаб давлатдаги энг юксак мансаблардан ҳам анчагина аҳамиятлироқ эканлигини тушунишлари керак. Дарҳақиқат, ҳар қандай ўсимликнинг биринчи ниҳоли яхши йўналтирилганида, унинг табиатига хос бўлган сифатларни (фазилатларни) камолотга етказиш имкониятига эга бўлади. Бу ҳол, нафақат барча ўсимликлар, хоҳ ваҳший, хоҳи хонаки бўлсин ҳайвонларга, яна одамларга ҳам тааллуқлидир. Биз инсонни ҳилмик мавжудот, деб ҳисоблаймиз. Ҳа, албатта, агар унинг саодатманд табиий хосиятлари тарбия билан маъқул тарзда ривожлантирилган бўлсалар у ҳақиқатан ҳам энг ҳилмик (тавозели) ва илоҳий мавжудот бўлиб етишади. Аммо, агар одам етар-

ли даражада тарбияланмаса ёки ёмон тарбияланган бўлса, у ҳолда у – ер туғиши мумкин бўлган энг ваҳший мавжудотдир. Шунинг учун соҳиби қонун, болаларни тарбиялаш иккинчи даражали иш бўлиб қолишига ва паалпартиш ўсишига (асло) йўл қўмаслиги зарур. Аксинча, соҳиби қонун ишни аввалан шундан бошлаши керакдир. Агар у, болалар ҳақида маъқул ғамхўрликни яратмоқчи бўлса, фуқаролар орасидан ҳар жиҳатдан энг яхши одамни танлаши ва иложи борича худди ўша одамни болаларга ғамхўр–раҳбар этиб тайинлаши керак. Шундай қилиб, кенгаш аъзолари ва пританлардан ташқари барча мансабдор шахслар Аполлон ҳарамиди йиғилишиб, яширин овоз бериш йўли билан қонунлар нигоҳбонлари орасидан, сайловчиларнинг фикрларига кўра тарбия масалаларига ким энг яхши раҳбарлик қила оладиган бўлса, ўша одамни сайласинлар. Қонунлар нигоҳбонларидан ташқари, уни сайлаган барча мансабдор шахслар томонидан ўтказилган докимасиядан кейин, энг кўп овоз олган одам ўз мансабиди беш йил давомида ишлайди, олтинчи йили эса, худди шу тарзда унинг ўрнига бошқа одам сайланади.

Агар ижтимоий мансабни бажариб келаётган одам унинг ваколати тугашига ўтгиз кундан олдинроқ вафот этса, шунга масъул шахслар бу мансабга бошқа одамни худди шу тарзда тайинласинлар. Агар етимлар ўз ҳомийсидан маҳрум бўлиб қолсалар, у ҳолда, мамлакатда яшовчи ота ва она томонидан қариндошлар, тоғавачча ва амакивачча биродарлари ҳам ўн кун мобайнида бошқа ҳомийни тайинлашлари зарур. Акс ҳолда, уларнинг ҳар бири, токи ҳомий тайинламагунларигача ҳар бир кун учун бир драхмдан жарима билан жазоланадилар.

Ҳар қандай давлат, агар унда судлар лойиқ тарзда тартиб топмаган бўлсалар давлат бўлмай қолади. Ўз навбатида,

Суд маҳкамаси
ва ҳакам (судя)лар

да, бизнинг фикримизча, маҳкама пайтида тортишувчи томонларга қараганда ортиқроқ сўз айтолмайдиган нўноқ, журъатсиз судья адолатли ҳукм чиқаришга ҳеч қачон қодир эмас; бу фақат хусусий воситачиликда бўлиши мумкин. Мана шунинг учун жуда кўп сонли судья (ҳакам)лар бўла туриб адолатли ҳукм чиқариш қийин, худди шундай равишда агар

улар ёмон бўлсалар ҳам адолатли ҳукм чиқариш амрима-
ҳолдир. Томонлар томонидан баҳс этилаётган нарсани дои-
мо тушунишга ҳаракат қилиш керак; баҳсли масалани аниқ-
лаш учун, бир қанча вақт давомида дастлаб, билинтирмай
(пинхона) ва бир неча маротаба текшириш ўтказиш керак.
Бунинг учун тортишувчи томонлар ўз қўшнилари, дўстла-
рига ва иш билан яхши таниш одамларга мурожаат қилиш-
лари зарур. Агар қоникарли мулоҳаза пайдо бўлмаса, бошқа
судга мурожаат қилинади. Агар бу судларнинг ҳеч бири ишни
ҳал қилолмаса, учинчиси охириги қарорни чиқарсин. 767

Судларни тайинлаш ҳоқимларни сайлашга маълум да-
ражада тааллуқлидир. Дарҳақиқат, ҳоқим маълум бир
ҳолатларда худди судя (ҳакам)дек иш юритади, ҳакам эса,
ҳоқим бўлмаса ҳам, бари-бир ҳоқим бўлиб қолади ва яна
энг охиригиси эмас, – айнан маҳкама ишини тугатиб ҳукм
чиқараётган кунда. Шунинг учун ҳакам (судя)ларни ҳам
ҳоқимлар қаторига қўшамиз ва улар қандай фазилятлар-
га эга бўлишлари лозимлиги ҳамда ҳар бир айрим ҳолатда
улар нечта бўлишлари, нимани суд қилишлари кераклиги-
ни кўриб чиқайлик. b

Тортишувчи томонлар биргаликда танлаб ўзлари учун
тайин этганлари суд энг мужими бўлсин. Бундан ташқари
яна икки суд бўлсин: бири хусусий шахслар орасидаги иш-
ларни кўриб чиқиш учун, токи, ўзини бошқа одам томони-
дан ҳақоратланган деб ҳисоблаган одам ўз хоҳишига қараб
адлия маҳкамасига мурожаат қила олсин, бошқаси эса –
фуқаронинг фикрича, кимнингдир томонидан жамият
манфаатларига путур етказилаётган бўлса ва у, улар ёр-
дамга келишни истаган ҳоллар учун.

Яна ким ҳакам (суд) бўлиши мумкинлиги ва қандай фа-
зилятлар соҳиби бўлиши кераклиги ҳақида ҳам гапириш
зарур. Биринчи суд бизда, учинчи марта ўз ишлари бўйи-
ча тортишаётган барча хусусий шахслар учун умумий
бўлади. Ушбу суд тахминан қуйидагича бўлади: бир йил
ва ундан кўпроқ муддатга сайланган барча мансабдор
шахслар, янги йил бошланиши олдидан, ёзги қуёш тури-
шидан кейин келадиган ойда, шу кун арафасида бир
ҳарамда йиғилишлари, худога қасамёд қилишлари ва би-
ринчи назр сифатида ҳар бир ҳукумат мансабидан ҳакам
(судя) сифатида, бу мансабда энг яхши иш кўрсатган бир c

d шахсни ажратишлари керак: бу шахс энг аъло даражада ва ҳалоллик билан келгуси йилда фуқаролар орасида адолатли ҳукмлар чиқаради деб умид қилсак бўлади.

Сайланган бу шахсларни сайловчилар ўзлари докима-сиядан ўтказадилар. Агар улардан кимдир рад этилса, худди шу тарзда унинг ўрнига бошқаси сайланади. Доки-масиядан ўтганлар, бошқа судлардан бош тортганлар ус-тидан суд ўтказадилар. Бу судда овоз бериш очиқ ўткази-лади. Кенгаш аъзолари ва судьяларни сайлаган бошқа ман-сабдор шахслар албатта бу суд жараёнларининг эшитув-чилари ва томошабинлари бўлишлари даркор, шу қатори e барча хоҳловчи фуқаролар ҳам. Агар кимдир, судя (ҳакам) томонидан адлия ишларига путур етказгани ҳақида арз қилса, бу айблашни қонунлар нигоҳбонларига юбориш ке-рак бўлади. Бундай иш билан тутилган одам, зарар қан-чага баҳоланса, ўшанинг ярмига тенг пулни жабрланган-га беради. Агар гуноҳкор кўпроқ жазога лойиқ бўлса, ҳукм чиқарадиган қонунлар нигоҳбонлари бундан ортиқ яна қандай жазо бериш мумкинлигини ва у жамиятга ҳам суд маҳкамасига мурожаат қилган жабрланувчига ҳам зарар-ни қандай қилиб қоплаши мумкинлигини ҳал этадилар.

768 Давлатга қарши қилинган жиноятлар тўғрисидаги ай-бловлар аввал халқ ҳукмига ҳавола этилади. Давлатни ҳақорат қилинганида барча фуқаролар жабрланувчи бўла-дилар; агар суд қарорига алоқадор бўлмай қолсалар улар адолатли равишда норози бўлар эдилар. Шунинг учун бун-дай ишнинг бошланиши ва унга охири қарорни чиқариш халқнинг ўзига ҳавола қилинади; аммо, даъвогар ва жа-вобгарнинг келишувига кўра, муҳокама учта олий ман-сабдор шахс томонидан бажарилади. Агар бу охирилари (бир қарорга) келолмасалар, кенгашнинг ўзи, иккала то-мон тарафидан танланган одамлардан ҳакам (судя)лар-ни тайинлайди.

Хусусий ишларни текширишда ҳам иложи борича бар-ча иштирок этмоғи даркор. Адлия ишларининг умумий ўтказилишидан фойдаланмайдиган одам давлатга уму-ман ҳеч қандай муносабати йўқ одам, деб ҳисобланади. b Шунинг учун ҳар бир филада (қишлоқда) судлар (суд маҳ-камалари) бўлиши керак ва у ерда илтимосларга ёнбос-

майдиган ва қуръа ташлаш йўли билан сайланган судьялар суд қилишлари керак. Бунга ўхшаш барча ишларда, биз айтиб ўтганимиздек инсоннинг кучи етганича энг адолатли суд, энг сўнгги суд бўлади; бу суд, на қўшнилар суди, на фила суди ҳал қила олмаган ишларни охирига етказишга мўлжалланган.

Судларга тааллуқли нарсалар шулардир. Биз айтиб ўтганимиздай, судьялар давлат мансабдорларими ёки йўқми, буни айтиш қийин. Биз қисман суд жараёнининг ташқи баёнини бердик; аммо баъзи нарсалар ҳали баён этилмади. Ҳар ҳолда, қонунчиликнинг сўнггида суд қонунчиликлари ва судларнинг бўлимлари ҳақидаги масалада батафсилроқ тўхталса тўғри бўлар эди. Охирида бизни шу кутмоқда. Қолган мансабдор шахсларни тайинлашга келсак, бу бизнинг томонимиздан қонунчиликда анчагина амалга оширилган деса бўлади. Аммо, бизнинг буларни кўриб чиқишимиз унга тааллуқли барча нарсаларни – ашённинг аҳамиятига кўра ҳам асосий, ҳам иккинчи даражали, ҳам ўртанчасини ўзига қамраб олиб охирига етмагунича давлат ва унинг тартиботига тегишли барча масалаларни битта ҳам қўймай тўла ва шу билан бирга аниқ билиб олиш асло мумкин бўлмайди. Ҳозир мансабдор шахсларни сайлашгача бўлгани билан чекланса бўлади. Энди қонунларни ўрнатиш бошланади; энди турли чекинишлар ва ҳар хил тўхталишларга хожат қолмади.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сенинг айтганларинг менинг истакларимга мос келади. Аммо янада ёқимлисиз шулки, сен бу (масалани) тугатиб, давоми ҳақида гап бошламоқдасан.

А ф и н а л и к . Демак, чолларча дилхушликларимиз шу пайтгача бизга гўзал равишда муваффақ бўлди.

К л и н и й . Дилхушлик эмас, балки балоғатга эришган одамларнинг зебо ва жиддий машғулотлари, – сенинг сўзларингдан менингча шундай маъно келиб чиқади.

А ф и н а л и к . Балки шундайдир. Агар менинг фикримга қўшилсанг, у ҳолда ушбуларга эътибор бер...

К л и н и й . Нимага? Қайси соҳа бўйича?

А ф и н а л и к . Сен биласанки, рассомларнинг ўз асарлари устида ишлашларининг ҳеч қандай поёни йўқ; рас-

сом расмни ҳам ундай, ҳам бундай рангдор этади, ним соялар туширади (мусаввирларнинг шогирдлари шундай атайдилар шекилли) – бир сўз билан айтганда у ҳеч нуқсонсиз ажиб гўзал ва ифодали бўлмагунича расмни тинимсиз яхшилаверди.

b Клиний. Сен айтаётганингни тахминан тушунмоқдаман, гарчи бу санъат менга бутунлай нотаниш бўлса ҳам.

Афиналик. Сен бу билан ҳеч нарса йўқотмадинг. Аммо, шу кузатувдан фойдаланайлик. Иш мана бундай: агар кимдир мумкин бўлганча зебо нақшни чизмоқчи бўлса, у кейинги йилларда ҳам ўз хислатларини йўқотмайдиган бўлсада, яна бунинг устига яхшироқ бўлиб кўринадиган даражада бўлишини истаса, сен ўзинг тушунасан-ки, у ўзидан кейин бир издош қолдириши керак (унинг ўзи ҳам бир бандаку), токи у (шогирди) унинг нақшини агар вақт ўтиши билан шикастланса тузатиб турсин ва унинг ижодкори санъатининг баркамол эмаслигидан нақшдаги камчиликларни маҳорат билан бартараф этсин. Шунинг учун қисқа вақт ичида унинг давомчисига улкан ишни бажариш керак бўлади.

Клиний. Тўғри.

Афиналик. Хўш, нима дейсан? Соҳиби қонуннинг нияти ҳам шундай эмасми? Аввало соҳиби қонун кучи етганча етарли диққат билан қонунларни ёзиб қўйишини хоҳлайди. Вақт ўтиши билан унинг қораламаси тажрибада текширилади. Наҳотки сенингча, соҳиби қонун, кейинги тузатишларга мухтож кўпгина нарсалар ўтиб кетганлигини тан олмас даражада нодон бўлса? Фақат шу тарздагина соҳиби қонун режалаштирган давлат қурилиши ва тартибот ёмон эмас, яхшиланиб бориши мумкин.

e Клиний. Албатта. Ҳар ким ҳам худди шуни истайди.

Афиналик. Агар кимдир, қайси йўл, восита билан, сўз биланми ёки иш билан бошқа одамни ўргатиш мумкинлигини, қонунларни қай тарзда қўриқлаш ва тузатишга аслида қанча эътибор бериш кераклигини билса, – наҳотки то умри тугагунича шу воситани айтиб қўймайди?

Клиний. Албатта айтар эди.

Афиналик. Шунинг учун ҳам ҳозир биз сиз билан шу ишни қилишимиз зарур.

Клиний . Нимани?

Афиналик. Биз қонунлар бериш ниятидамиз. Бизда қонунларнинг нигоҳбонлари танлаб олинган. Биз ҳаётимизнинг кун ботарида турибмиз, улар бизларга қараганда ҳали ёшдирлар. Шунинг учун, биз айтаётганимиздай, қонунчилик билан бир вақтнинг ўзида кучимиз етганича улардан соҳиби қонунлар ва қонун нигоҳбонларини барпо этишимиз зарурдир.

Клиний . Маъқул, агар кучимиз етса.

Афиналик. Ҳар ҳолда бу билан шугулланишга ҳаракат қилиб кўриш керак.

Клиний . Албатта.

Афиналик. Бўлмаса уларга ушбу сўзлар билан мурожаат этайлик: “Дўстлар, сизлар – қонунларнинг халоскорларидирсиз. Бизлар ўрнатган ҳар бир қонунда биз жуда кўп камчиликларга йўл қўямиз. Шаксиз шундай бўлади. Тўғри, кучимиз етгани қадар муҳим масалаларнинг умумий қораламасини чизамиз. Сизларнинг вазифангиз шу қоралама чизмани охиригача нақш этишдир. Шунинг учун бу ишни қилаётганда нимага эътибор беришингиз кераклигига қулоқ солинг: биз Мегилл ва Клиний билан биргаликда бунинг ҳақида кўп марта гаплашганмиз ва ўз мулоҳазаларимизни тўғри деб биламиз. Сизлар уларни тан олишингизни хоҳаймиз, шу билан бирга бизнинг шогирдларимиз бўлишингизни истаймиз. Бизнинг умумий тан олишимизча, соҳиби қонуннинг мақсади ва қонунлар нигоҳбони бор, шунга эътибор беринг. Мана буни биз энг асосий нарса деб тушунамиз, инсон яхши бўлмоғи керак, у ёки бу одатлар ва ахлоқларга, ўзи эга бўлган нарсасига, маълум бир интилиш, фикр ва билимга асосланган, ўзига монанд руҳий эзгу ишлар соҳиби бўлиши зарур. Инсоний умум уйда барча – эркаклар, аёллар, ёшлар, қарилар – биз кўрсатган мақсаднинг амалга оширилишига бутун умрлари давомида имкон борича жаҳд билан интилишлари керак. Шунинг учун, бу мақсадга эришишга тўсқинлик қилувчи бошқа ниманидир сал бўлсада афзал кўрувчи биронта одамга у ерда жой тошилмайди. Ниҳоят, бутун давлат ҳам агар жанжалларнинг бўлиши муқаррарлиги маълум бўлиб қолса, қуларча истибдод остида бўлишни истамайди, ҳокимият тепасига энг ёмонлар чиқиб оли-

b

c

d

- шига йўл қўймайди: фуқаролар ўз давлатларини ташлаб чиқиб кетишни афзалроқ кўрадилар ва ҳижрат қиладилар;
- е одамларни ёмон қилувчи давлат тузуми ўзгармагунча улар бошқа шунга ўхшаш нарсаларни бошдан кечиришни афзал биладилар. Бунга биз олдин келишган эдик, энди эса сизлар, қонунлар нигоҳбонлари бу икки нуқтаи назарни ҳисобга олган ҳолда бизнинг қонунларни маъқуллашингиз ёки (улар борасида) танбеҳ беришингиз зарур. Бу мақсадга олиб бормайдиган қонунларга танбеҳ беринг, олиб борадиганларини табрик этинг, хайрихоҳлик билан қабул қилинг ва унинг бўйича яшанг. Бошқа урф-одатлар ҳамда бошқа
- 771 эзгулик, деб аталадиган нарсаларга олиб борадиганлари билан видолашмоқ зарур.

Дин,
хоровод
(ўйинлар),
никоҳлар

Қонунларнинг бошланиши тахминан қуйидагича бўлсин. Илоҳий масалалардан бошлаймиз. Аввало биз “беш минг қирқ” сонини эсга олишимиз керак; у қанча қулай қисмларга бўлинганлиги ва яна бўли-

- нади – умуман олганда ҳамда филалар бўйича. Ҳар бир фила (қишлоқ), биз белгилаганимиздек, бу соннинг ўн иккидан бир қисмини ташкил этади ва йигирма бир сонини йигирмага кўпайтириш йўли билан энг тўғри равишда ташкил топади. Бизнинг умумий сонимиз ўн икки қисмга бўлинади. Филани ташкил этадиган сон ҳам худди шунчага бўлинади. Шу тарзда олинадиган ҳар бир қисм – бу илоҳий неъмат (туҳфа) эканлигига эътибор бериш керак: у ойларга ва Коинотнинг айланишига мос келади. Шунинг учун ҳар қандай давлат бу бўлимларни ўз табиатига кўра муқаддас деб ҳисоблайди. Бошқа давлатларнинг соҳиби қонунлари балки, бўлимларни тўғрироқ тузгандирлар ва уни бахтли равишда муқаддаслаштиргандирлар. Биз ҳозир ҳам, бу “беш минг қирқ” сонини олдин олий равишда тўғри танлаганмиз, деб айтаемиз: чунки унда бирдан бошлаб то ўн иккигача бўлган турли бўлувчилар бор, “ўн бир” сонидан ташқари. Аммо бу ерда ҳам оғир аҳволга чора топиш осон: агар беш минг қирқ оиладан иккени айрилса, ҳамма нарса ўз ўрнига келади. Бу ҳақиқатан ҳам шундайлигини, биз бекорчиликда намоёиш этадиганимиз кичкинагина далил кўрсатади, ҳозир эса бу кашфнинг оқилона эканлигига

ишониб турамиз. Шунга монанд равишда бўлим (қисм)лар тузамиз ва ҳар бир қисмни худолар ёки худоларнинг болаларига бахш этамиз. Барча зарурий буюмлари билан уларга меҳроблар тиклаймиз. Бу меҳроблар ҳузурда ойда икки маротаба қурбонлик йиғинларини таъсис этамиз. Бу йиғинларнинг биринчи ўн иккитаси ҳар бир филанинг бўлинишига, иккинчи ўн иккитаси – давлатнинг узвланишига монанд бўлади. Бу йиғинлар биринчидан, худоларнинг марҳамати ва илоҳий барча нарса учун, кейин эса бизларнинг яқинлашишимиз, танишувимиз ва айтса бўладики, мулоқотларимиз учун амалга оширилишлари зарур.

Ҳақиқатан ҳам никоҳ муносабатлари ва турмуш қуришда, сен қайси оиладан ўзингга хотин олаётганинг ёки қизингни қайси оилага бераётганингдан беҳабарликдан сақланиш зарур. Бундай масалаларда хатога йўл қўймасликни, – албатта имкони борича, – жуда ва жуда қадрлаш керак. Мана шу муҳим мақсад учун йигитлар ва қизларнинг хоровад ўйинларини таъсис этмоқ керак, токи у ерда улар учун (ёшлар учун - тарж.) ҳар бирининг камтарона ҳаёлари йўл қўядиган даражада уларнинг ёшларига муносиб ва оқилона – бир-бирларини ечинган ҳолда кўриш баҳонаси бўлсин. Буларнинг ҳаммасини тартибга солувчи назоратчилари, хоровад ўйинлар раҳбарлари ҳамда соҳиби қонунлар ва қонунлар нигоҳбонлари бўладилар – улар биз йўл қўйган камчиликларни тузатадилар. Зеро, биз айтиб ўтганимиздек, соҳиби қонун бундай масалаларда албатта кўпгина икир-чикирларни ўтказиб юборадилар. Шунинг учун йил сайин билимларини ошириб борувчи билимдон шахслар доимо тузатишлар ва ўзгаришлар киритиб туришлари керак, токи, бу қоидалар ва одатлар баркамоллик чегарасигача етиб борсинлар. Қурбонликлар қилиш ва хоровад ўйинларда умуман ҳам, тафсилотларида ҳам тажриба орттириш учун ўн йиллик муддат етарли ва мутаносибдир. Буларнинг ҳаммасига тартиб берган соҳиби қонуннинг ҳаётлик даврида ўзгартишлар унинг билан биргаликда ўтказилади. Унинг вафотидан кейин ҳар бир мансабдор шахс қонунлар нигоҳбонларига ўз вилояти (соҳаси)даги тузатилишига муҳтож камчиликлар ҳақида маълумотлар беради. Ҳамма нарса то ўз камолотига етиб

пишмагунича шундай давом этади. Шундан кейин, ҳамма нарса қатъий этиб қўйилади ва соҳиби қонун томонидан аввалидан ўрнатилган бошқа қонунлар қатори улардан фойдаланилади. Келгусида эса, бу нарсаларда ихтиёрний равишда бузишга ҳеч қачон йўл қўйилмайди; агар истиқболда ўзгаришларга зарурат пайдо бўлса, у ҳолда

d барча мансабдор шахслар кенгашига йиғилишлари ва бутун халқ ва илоҳий кароматлардан маслаҳат сўрашлари керак. Агар ҳамма рози бўлса, ўзгартиш киритиш мумкин бўлади, акс ҳолда – ҳеч қандай тарзда ва ҳеч қачон: ҳар қандай норозилик бунда қонуний кучга эга.

Йигирма беш ёшга етган одам бўйи етган қизларни кўрганидан кейин улар ҳам уни кўришгач, хоҳиши бўйича аёлни танласин ва у (аёл) болалар туғиш ва биргаликда тарбиялаш учун тўғри келишига ишонч ҳосил қилсин, шундан кейин – ўттиз беш ёшдан ошмай уйлансин. Аммо у олдин маъқул ва монандини қандай излаб топиши ҳақидаги (маслаҳатга) қулоқ солсин. Клиний айтганидай, ҳар бир қонунга ҳақиқатан ҳам зарурий дебоча бўлиши керак.

e Клиний. Ажнабий (биродар), сен эслатган нарсанг ажойибдир ва менинча жуда тўғри. Сен суҳбатимизда бунга яхши вақт танладинг.

Афиналик. Жуда яхши. “Болажон, – деймиз биз номус-орли ота-оналарнинг ўғлига, – сен, оқил одамларнинг таҳсинига лойиқ бўладиган турмуш қуришинг керак. Турмуш қураётганда улар сенга камбағалликдан қочиб ва айниқса бойлик кетидан қувишни маслаҳат бермайдилар. Бошқа тенг шароитларда камтарона мол-мулк (бойлик)ни афзалроқ кўриш керак ва шундан кейин никоҳ иттифоқини тузиш зарур. Зеро бу, ушбу давлат учун ҳам, турмуш қураётганларнинг оилалари учун ҳам фойдалидир”.

Дарҳақиқат, эзгу ишлар нуқтаи назаридан тенг ва мос (нарса) ўта ортиқчаликдан бениҳоя юксақдир. Ўзини қўпол ва шу билан бирга ҳар хил ишларга керагидан тезроқ киришишга мойил, деб биладиган одам мўътадил ота-оналарнинг куёви бўлишга қаттиқ интилиши зарур; кимки табиатан қарама-қарши сифатларга эга бўлса, у бундай қариндошликда қарама-қаршисини излаши керак бўлади. Ҳар қандай никоҳ борасида ушбу бир талабга риоя

қилинади: ҳар бир одам фақат ўзигагина жуда ёқимли эмас, балки давлат учун фойдали бўлган никоҳда бўлиши зарур. Табиатан ҳар бир одам, ўзига энг кўп ўхшаш нарсага қандайдир даражада мойилдир; шундан давлатда ҳам мулкӣ, ҳам ахлоққа оид номутаносибликлар пайдо бўлади. Шунинг учун кўп мамлакатларда биз хоҳламайдиган нарсалар рўй беради. Агар биз бойга бой аёл билан, кудратлига – кудратли оиладан бўлган аёл билан турмуш қурмасин, деб талаб қилсак кулгудан ташқари, кўпчиликнинг норозилигини ҳам келтириб чиқарган бўлар эдик, ёки, агар биз ҳаракатчан фитратлилар ва суфт фитратлиларни турмуш қуришга мажбур этсак (ҳам шундай бўларди). Зеро, давлат кратердаги ичимликка ўхшаб аралашган бўлиши кераклигини тушуниш қийин, кратерда май жунбушга келиб жўш уради, бошқа бир маъбуд уни раъйдан қайтаради, шундай қилиб, яхши, меъёрида аралашган ичимлик – май ва сувнинг ажойиб иттифоқнинг маҳсули вужудга келади. Турмуш қурганда ҳам шунинг ўзи бўлишини айтиш керак-ки, ҳеч ким англай олмайди. Шунинг учун ҳам бунга қонун билан мажбур этиб бўлмайди, бунинг ўрнига, гўё ота-оналарни сеҳрлаб қўйишга ҳаракат қилиш керак ва турмуш қуришда мулкӣ тенгликка очкўзлик билан интилиш эмас, ҳар бир одам болаларининг ўзаро лойиқ бўлишларини ҳамма нарсадан юқори қўйиши кераклигига ишонтириш зарурдир. Кимки турмуш қуришда турли йўл билан фақат мулкӣ аҳволга эътибор қаратадиган бўлса, танбеҳ бериш йўли билан уни бундан қайтаришга уриниб кўрамиз. Аммо биз уни ёзилган қонун ёрдамида мажбур этмаймиз.

Никоҳлар борасида шу панд-ўғитлар билан чекланамиз. Юқорида айтиб ўтилганни яна бир эслатамиз, яъни: инсон ўзининг абадий ижодкорлик табиатига риоя қилмоғи керак; шунинг учун у ўзидан болалар ва болаларидан болалар қолдириб, ўз ўрнига худога хизмат қилувчиларни етказиб бермоғи керак. Булардан ташқари, никоҳни қандай амалга ошириш ҳақида яна кўп гапириш мумкин эди. Бу тўғри дебоча бўлар эди. 774

Аммо агар кимдир ўз ихтиёрича бўйсунмайдиган, бу давлатга алоқаси йўқ ажнабийдек ўзини тутадиган бўлса

ва ўттиз беш ёшга етганида уйланмаса у ҳар йили жарима тўлайди: олий синфга мансуб фуқаро – юз, иккинчига мансуби – етмиш, учинчисига мансуби – олтмиш, тўртинчисига мансуб бўлгани – ўттиз драхм. Бу пуллар Герага аталади. Ҳар йили тўламайдиган одам икки баробар миқдорда тўлашга мажбур этилади. Уни маъбуданинг хазинабони талаб қилиб олади; агар у ололмаса, у ҳолда ўзи тўлаши керак бўлади. Бу, унинг ҳисоботларида мулоҳаза учун инobatга олинади. Шундай қилиб, уйланишни хоҳламайдиган одамга шунга ўхшаш пул жаримаси солинади; ҳурмат-эҳтиромга келсак, ёшлар унга турли танбеҳлар берадилар. Ёшлардан ҳеч ким ихтиёрий равишда унга қулоқ солмасин, агар у кимнидир мажбур этмоқчи бўлса, у ҳолда ким бўлсада ёрдамга келиб хафа қилинаётгани ҳимоя қилсин. Кимки шундай мажбур этишнинг гувоҳи бўлатуриб ёрдамга келмаса, қонун бўйича у қўрқоқ ва ёмон фуқаро деб аталади.

b Қалин тўғрисида олдин айтилган эди. Яна қайтарамиз: ўзаро тенглик, мулкий муҳтожлик туфайли қалин олмаслик ва бермаслик ҳақида камбағалларга ўғитлар бериш зарур. Давлатимизнинг барча фуқароларида зарурий нарсалар мавжуддир; шунинг учун у ерда пул туфайли аёлларда шаддодлик ва улар (жотинлар - тарж.) томонидан эрларига зулм ўтказиш кам вужудга келади. Бўйсунган бу билан олижаноб иш қилган бўлади; кийим олиш учун қалин олган ёки берган бўйсунмаган одам эса, агар (кийим) нархи эллик драхмдан қиммат бўлса, жамоат хазинасига агар у тўртинчи синфга мансуб бўлса бир драхм, агар **c** учинчига мансуб бўлса – уч ярим мина, агар иккинчига мансуб бўлса – икки мина ва агар олий синфга мансуб бўлса – охиргидан икки баробар кўпроқ пул тўлаши керак бўлади. Берилган ёки олинган қалин эса Гера ва Зевсга бағишланади. Бу икки худонинг хазиначилари уйланмаганлардан Гера хазиначилари томонидан доимий жарима ундириб олиш ҳақида айтилганидек уни ундириб оладилар; бўлмаса хазиначилар ўзлари жарима тўлайдилар.

d Никоҳда аввало ота томонидан бўлган кафилик ваколатлидир, – кейин – бобоси ва ниҳоят қондош ака-укалар томонидан бўлган кафилик ваколатли. Агар улардан ҳеч

ким бўлмаса, худди шу равишда она тарафидан бўлган кафиллик ваколатлидир. Агар қандайдир гайритабиий воқеа юз берса, у ҳолда энг яқин қариндошлар ва васийлар ваколатлидирлар. Никоҳ қурбонликларининг дастлабкиларига ва никоҳ пайтидаги, никоҳгача, ёки кейин бўладиган бошқа муқаддас ишларга келсак, ҳар бир одам таъбирчилардан сўраб олишлари ва шундан кейин маъқул тарзда бажарилди, деб ҳисоблашлари керак.

Никоҳ базмларига ҳар бир томон бештадан кўп бўлган дўстлари ёки дугоналарини таклиф этишлари ва икки томондан қариндошлар ва аҳли оилалари сони ҳам шунча бўлиши керак. Ҳеч кимда, унинг мулки (бойлиги) имкониятидан ташқари ҳаражат бўлмаслиги керак, яъни: энг бой синф фуқаролари учун – бир мин, иккинчига – ярим мин ва шу тарзда мулкий чекланиш (ценз)нинг камайишига мувофиқ равишда. Барча бўйсунганларни қонун маъқуллаши зарур; бўйсунмаганлар гўзаллик ҳиссиётидан маҳрум ва тўй музалари қонунарига мос тарбияланмаган одам сифатида қонунлар нигоҳбонлари томонидан жазоланадилар. То маст бўлишгача ичиш, майни туҳфа этган худо шарафига бўлган байрамлардан ташқари ҳеч қачон мумкин эмас. Бу ерда куёвга ҳам, келинга ҳам жуда оқил бўлиш маъқулдир: зеро бу уларнинг ҳаётларидаги кичик ўзгариш эмас. Авлодлар ҳам энг оқил ота-онадан туғилишлари зарур; зеро қайси тунда – ёки кунда – худонинг иродаси билан ҳомила бўлиши деярли маълум эмас-ку. Шунинг учун бадан майдан оғирлашганида никоҳ маросими бўлмаслиги керак. Аксинча, бола бақувват, босиқ ҳомила бўлиши зарур, бачадонда у тентирамаслиги керак. Маст одам эса ўзи ҳам оромсиз ҳар тарафга ташланади, ҳам ҳамма нарсани тортиб кетади; у бадани билан ҳам; қалби (дили) билан ҳам жунбушга келади; демак, ким маст бўлса у ўзини тутолмайди ва авлод вужудга келтиришга ярамайди. Табиийки, бола баъзан тентак, довдир ва ҳам фитрати, ҳам бадани ила муваффақиятсиз бўлиб туғилади. Шунинг учун йил давомида ҳам, бутун умр давомида ҳам ва асосан туғиш вақти келганида эҳтиёт бўлиш ва ихтиёрий равишда зарар келтирувчи, беҳаё ва адолатсиз ишлар қилмаслик керак. Чунки буларнинг ҳаммаси боланинг дили (руҳи) ва

баданида муҳрланиб қолади ва болалар ҳар жиҳатдан ёмон бўлиб туғиладилар. Бундан айниқса никоҳ бўладиган кун ва тунда сақланиш зарур. Зеро, инсонга берилган илоҳий бошланиш, агар уни ҳар ким маъқул равишда эъзоз-икром этса ҳамма нарсани қутқаради.

776 Турмуш қураётган одам унинг чек еридаги уйлاردан бирини болаларининг туғиладиган ва тарбияланадиган жойи, деб ҳисоблаши зарур. У ерда у отаси ва онасидан ажралиб уйланади ёки эрга тегади; бу – унинг ўзи ва болалари яшайдиган ва овқатланадиган жойдир. Дарҳақиқат: дўстона муносабатларда турли фитратларни боғловчи ва мустаҳкамловчи эҳтиросли қизиқишнинг қандайдир тури бор. Вақт-вақти билан бу қизиқиш пайдо бўлмайдиган биргаликдаги ҳаётдан келган малоллик ўзаро бегоналикни келтириб чиқаради. Шунинг учун хотинининг онаси, отаси ва қариндошларга уларнинг уйларини қолдириб келин-куёвлар гўёки янги манзилгоҳга кўчиб кетишлари керак бўлади. Аммо улар ота-оналарини зиёрат қиладилар, улар ҳам уларни кўргани борадилар. Бола туғиб ва тарбиялаб, улар уларга – бирлари бошқаларига – худди машъаладай ҳаётни узатадилар, шу билан қонунга монанд равишда худоларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар.

б **Қулдорлик** Энди, қандай турдаги мулкка эгалик қилиш маъқулроқ бўлади? Кўп ашёлар (буюмлар) борасида буни фаҳмлаб олиш қийин эмас, уни сотиб олиш ҳам қийин эмас. Аммо қуллар ҳақидаги масала барча жиҳатлардан қийин. Бунинг сабаби шуки, биз қуллар ҳақида қандайдир нотўғри гапирамиз ва шунга қарамай маълум даражада тўғри (гапирамиз). Дарҳақиқат: қуллар борасидаги бизнинг ибораларимиз, улардан фойдаланишимизга гоҳ зид бўладилар, гоҳи ўз навбатида у билан мос келадилар.

Мегилл. Биз яна нималар деяпмиз? Ажнабий (биродар), сен нималар ҳақида гапирмоқдасан, биз тушунмаяпмиз?

с **А ф и н а л и к**. Бу жуда ҳам табиий, Мегилл. Лакедемон илотияси деярли барча эллинларга буюк қийинчиликлар келтириши мумкин эди ва баҳслар келтириб чиқарарди: бировларнинг фикрича бу яхши муассаса, бошқаларнинг фикрича – ёмон. Гераклеялилар забт қилган мариандин-

ларнинг қулларча аҳволи ҳақида ҳамда пепестларнинг фессалий қабиласи ҳақида баҳслар озроқ бўлар эди. Бундай воқеаларга агар биз эътибор берсак, у ҳолда қулдорлик билан қандай йўл тутишимиз керак бўлади? Мен ўз нутқимда бунга озгина тўхтадим; сен табиийки, менинг нима демоқчи эканлигимни билиш учун савол бердинг. Мана буни (назарда тутганман): маълумки, биз энг яхши ва энг хайрихоҳ бўлган қулларга эга бўлиш керак, деган бўлар эдик. Ҳақиқатан, кўпгина қуллар ўз фазилатлари бўйича бизнинг биродарларимиз ва ўғилларимиздан яхшироқ бўлиб чиқдилар, чунки ўзларининг хожаларини, уларнинг бойлигини ва уларнинг турар жойларини қутқардилар. Биз биламиз-ки, қуллар ҳақида худди шуни баъзан ҳикоя қиладилар.

Мегилл. Хўш, нима бўлибди?

Афиналик. Аммо тескарисини ҳам, яъни қулнинг дили (руҳи) барча соғлом нарсадан маҳрум ва ақл-идрок соҳиб бўлган инсон ҳеч қачон бундай одам зотига ишониши керак эмас, деб тасдиқлайдилар. Зевс ҳақида гапириб, буни бизнинг шоирларимиздан энг донишманди ҳам изҳор этган:

*Ғамгин қулликнинг машаққатли чекини инсонга бериб.
Ундаги энг яхши онг ярмини Зевс яксон этади.*

Демак, одамлар турли фикрларга эгалар: бирлари қуллар зотига ҳеч нарсада ишонмайдилар; улар, қулларнинг руҳ (дил)ларига – худди бу (йиртқич) ҳайвонлар зотидан бўлгандай – қамчилар ва дарралар билан таъсир этадилар, уч марталаб эмас, кўп марталаб. Бошқалар эса бутунлай бунга зид иш қиладилар.

Мегилл. Албатта.

Клиний. Буларнинг ҳаммаси шунчалик ҳар хил бўлса, ажнабий (биродар), бизнинг мамлакатимизда қулларга қандай муомалада бўлайлик – уларга қандай эгалик қилайлик ва уларни қандай жазолайлик?

Афиналик. Нима демоқчисан Клиний? Ростики инсон – оғир ахлоқли мавжудот экан, ўйлайманки, иштиёрий равишда у – эркин хожалар ва қулларга зарурий ушбу

ажратилишга ҳеч қачон рози бўлмайди. Қулларга эгалик қилиш машаққатли. Бу, мессенцларнинг тез-тез бўладиган ва одатий бўлиб қолган исёнларининг вужудга келиши билан исбот қилинган. Бир тилда гаплашадиган кўп сонли қулларга эга бўлган давлатларда қанчалаб фалокатлар рўй беради! Италия ҳудудларида пиратлар (денгиз қароқчилари - тарж.), деб аталувчилар томонидан қилинган ўғриликлар ва келтирилган зарарларни ҳам шунга қўшамиз. Буларнинг ҳаммасига нигоҳ ташлаб, барча бундай ҳолларда нима қилиш кераклигини ҳар ким ҳам айтолмайди. Фақат иккита восита қолади: биринчидан қуллар яхши бўйсунилари учун улар бир-бирлари билан ватандошлар бўлишлари керак эмас, балки аксинча, тил бўйича иложи борича фарқ қилишлари зарур; иккинчидан: қулларни керакли тарзда тарбиялаш керак, фақат улар учунгина эмас, балки ўзининг (хожанинг - дейилмоқчи - тарж.) номуси учун ҳам. Бу тарбия шундан иборатки, биз қулларга нисбатан ҳеч қандай қўполикка йўл қўймаслигимиз ва имконият борича ўзимизга тенгларга қараганда уларни камроқ хафа қилишга ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, хафа қилиш осон бўлган одамларга нисбатан қилинадиган муомалалардан ким хўжа кўрсинга эмас, табиатан адолатни эъзозлаши ва адолатсизликни чиндан ёмон кўриши аниқ, равшан бўлиб қолади. Шундай қилиб, қулларга нисбатан ким ўзига беномуслик ва адолатсизлик доғини юқтирмаган бўлса у, эзгу ишлар даласига уруғ сепувчи энг лойиқ одам бўлади. Худди шунинг ўзини хожа, тиран ва ожизроқ одамлар устидан хўжайинликнинг ҳар қандай хили ҳақида ҳам айтса бўлади. Ҳар ҳолда, қулларни адолат бўйича жазолаш керак ва эркин одамларга насихатлар қилиб талтайтиргандек талтайтирмаслик зарур. Деярли ҳар бир мурожаат буйруқ бўлмоғи керак. Ҳеч қандай тарзда ва ҳеч қачон на аёл, на эркак қуллар билан ҳазиллашмаслик керак. Кўпчилик ҳеч ўйламай қулларни эркалайдилар; бу билан уларнинг тобелик ҳаётларини янада қийинлаштирадидлар, ўзларига ҳам бошқарувни мушкуллаштирадидлар.

778 Клиний. Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

Афиналик. Шундай қилиб биз фуқаролар иложи борица қуллар билан таъминланишларини маъқуллаймиз, қулларнинг сифатлари эса ҳар қандай ишда ёрдам беришга ярайди. Энди фуқароларнинг турар жойларини тасвирлаш керак бўлади.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Бунинг устига янги ва
Шаҳар қурилиши ва ҳарамлар қуриш ҳалигача аҳоли кўчиб келмаган давлатда турар жойларни қуриш ҳақида ғам-хўрлик қилиш табиий ҳолдир. Ҳарамларга тааллуқли барча нарсалар ва деворлар қайси тарзда бино этиладилар? **Клиний,** бу қонунлар, никоҳлар ҳақидаги қонунлардан олдинроқ келишлари лозим эди. Лекин бизнинг давлатимиз фақатгина сўзда пайдо бўлаётгани учун, ҳозир ҳам бунинг ҳақида гаплашсак маъқул бўлаверади. Давлат амалда бино этилаётганида худо хоҳласа буни биз никоҳ қонунчилигидан олдинроқ бажарамиз ва бошқа ҳамма нарсага бу охиригини (яъни, никоҳ ҳақидаги қонун - тарж.) тож этиб яқунлаймиз. Ҳозир эса, мухтасар қоралама берамиз холос.

Клиний. Аъло.

Афиналик. Ҳарамларни бутун савдо майдони атрофида қуриш керак. Ҳа, бутун шаҳарни ҳам айлана равишда, яхши ҳимояланиши ва покизалик учун баланд жойларга кўтарилиб борадиган қилиб жойлаштириш зарур. Ҳарамлар олдида ҳокимлар ва суд маҳкамалари учун бинолар жойлаштирамоқ керак. Энг муқаддас жойлар сифатида ўша ерда адолат иш юритади, бу қисман шунинг учунки, шикоятлар номусга тааллуқли бўлганидан, қисман эса, ёнида муайян худоларнинг ҳарамлари бўлганидандир. Бу ерда, қотиллик ҳақидаги ишлар кўриб чиқиладиган судлар бўлади ва қатл этишга лойиқ жиноятлар учун жазолар берилди.

Шаҳар деворларига келсак, Мегилл, мен Спартага ишора қилган бўлардим, яъни: деворлар ер остида ётаверсинлар ва уларни қайта тикламасинлар. Бунга сабаб ушбу: улар ҳақида шоирнинг сўзларида ажаб яхши айтилгандир, яъни, деворлар яхшиси мисдан ва темирдан бўлганлари маъқул, тупроқдан эмас, аммо, агар биз бу фикрга

- қўшиладиган бўлсак, у ҳолда адолатли равишда, биз ёш йигитларни ҳар йили у ер, бу ерда гоҳ зовурлар, гоҳ хандақлар қазिशга, баъзи жойларда – бизнинг мамлакатимиз чегараларидан душман ўтмасин деб қандайдир иншоотлар қуришга юборсак ва бирдан шаҳар атрофига девор тикласак, адолатли равишда роса кулги келтириб чиқарган бўлар эдик. Аввало, бу давлатлар учун унчалик фойдали эмас, чунки одатда одамларнинг руҳларини сусайтириб юборади: зеро деворлар фуқароларни уларнинг ортига беркинишга ва душманга қарши зарба бермасликка таклиф этадилар. Шунинг учун фуқаролар, кундузи ва кечаси, доимо улардан баъзилари соқчиликда туриб ҳимояланиш ўрнига, аксинча, ўзларини девор ва дарвозалар билан тўсилган, деб ҳисоблаб бемалол юрадилар, гўёки
- 779** улар ҳақиқатан ҳам ҳимояланиш воситасига эга бўлгандай ва гўёки улар меҳнат учун туғилмаганлар: улар енгиллик, аслида меҳнат маҳсули эканлигини тушунмайдилар. Уятли ёнбосиш ва лоқайдликдан, мен ўйлайманки одатда яна меҳнатлар (машаққатлар) пайдо бўладилар. Агар одамларга деворлар жуда керак бўлса, у ҳолда, энг бошланишидан, турар жойлар қурилаётганида, хусусий уйларни шундай қуриш зарурки, токи бутун шаҳар битта яхлит деворга ўхшаб қолсин; бунда, кўча тарафдаги барча уйларнинг бир турдалиги ва ўхшашлиги яхши ҳимоя бўлиб хизмат қилади. Битта уй кўринишини берадиган шаҳарни кўриш хуш бўларди; уни бутунича ҳам, бўлақлар билан ҳам кўриқлаш ва шу тарзда ҳимоялаш ҳам ниҳоятда осон бўларди. Олдин қурилган биноларни сақлаш ҳақида аввало унда яшовчилар қайғурсалар дуруст бўларди. Астиномлар ҳам унинг ҳақида жон куйдирадилар, бепарво одамни мажбур этадилар ва жазолайдилар; улар яна шаҳарнинг барча мавзеларининг тозалиги ҳамда биронта ҳам хусусий шахс ўз қурилишлари учун шаҳар ерини тортиб олмаслиги ҳақида жон куйдирадилар. Астиномлар ёмғир сувларининг яхши оқиб кетиши ҳақида ҳамда шаҳар ичи ва ташқарисидаги тузатишга муҳтож ҳамма нарсалар ҳақида ғамхўрлик қилишлари зарур. Қонунлар нигоҳбонлари ҳам буларнинг ҳаммасини кузатиб турадилар ва қийинлиги туфайли қонун томонидан безъятибор қол-

дирилган барча нарсалар борасида, зарурат тақозосига кўра қўшимча қонунлар ўрнатадилар.

Бу бинолар ҳамда бозор майдони атрофида жойлашган бинолар қурилиб бўлгач, гимнасиялар, турли-туман билим юртлари ва театрлар бино этилиб бўлгач ва уларга ташриф этувчилар ёки томошабинларни фақатгина кутиб туриш қолганида биз, қонунчиликнинг никоҳдан кейинноқ келадиган қисмидан бошлаймиз.

К л и н и й . Албатта.

Жамият ҳаёти.
Эр-хотинлик
ва аёллар аҳволи

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, Клиний, никоҳлар бўлади, деб фараз қилайлик. Бундан кейин, то болалар пайдо бўлгунларигача бир йилдан кам бўлма-

ган вақт давомида ёш эр-хотинларнинг яшаш тарзларига нигоҳ ташлаш керак бўлади. Кўп давлатлардан шунчалик фарқ қиладиган давлатда уларнинг турмушлари қандай кечади? Бу, биз ҳозир айтиб ўтганимизга яқин алоқадордир. Аммо бу ерда келишиш осон эмас: халқ уни, бу турдаги аввалги қонунлардан ҳам қийинчилик билан қабул қилади. Нима бўлганда ҳам Клиний, тўғри ва ҳаққоний кўринганни айтиб ўтиш керакдир.

К л и н и й . Тўғри.

А ф и н а л и к . Кимки, давлатларга жамият ва умумхалқ муомаласида бўладиган ахлоқнинг ҳаётий қоидалари тўғрисида қонунлар беришни ўйлаб, аммо хусусий ҳаётга эътибор беришни зарур деб ҳисобламаган бўлса, бу билан ҳаммага ҳамда ҳар кимга ўзи хоҳлаганича кун ўтказишига имконият яратиб берган бўлса; фуқаролар, ўзларининг хусусий ҳаётлари қонунлаштирилмаганига қарамай, жамият ва умумхалқ ҳаётида қонунларга мос яшайдилар, деб ҳисобласа, у нотўғри мулоҳаза юритган бўлади. Мен нега буларни айтмоқдаман? Шунинг учун-ки: биз тасдиқлаб айтаманки, ёш эр-хотинлар афзалликлардан фойдаланмасликлари ва улар худди турмуш қурганларигача бўлганидай бир дастурхон атрофида овқатланишлари керак. Бизнинг юртларда янги пайдо бўлганида бу қонун аввал ҳайратга солди. У, қандайдир уруш туфайли ёки одамлар оз ва қийинчилик, муҳтожликда яшайдиган урушга ўхшаш таъсир этадиган бошқа бирор шароит туфайли пайдо бўлди шекилли.

Сисситиялардан фойдаланишга ва уларни тотиб кўришга мажбур бўлганларидан улар бу қонун ҳаёт учун жуда муҳим эканлигини тан олдилар. Шундай қилиб бизда шу сисситиялар одати ўрнашиб қолди.

К л и н и й . Эҳтимол.

- c А ф и н а л и к . Шунинг учун бу одат қачонлардир ҳайратлангирар эди ва уни талаб қилиш қалтис, деб айтгандим. Аммо бизнинг давримизда, агар кимдир уни хоҳласа қонулаштириш унчалик қийин бўлмайди. Аммо кейинчалик, – гарчи ҳозир ҳеч қаерда бўлмаса ҳам амалга ошириш табиий бўлсада, – соҳиби қонунни ҳазиллашиб айтдиларку “оловга мушт кўтариш”га ва шунга ўхшаш бекфойда ишлар билан шуғулланишга мажбур этади. Булар ҳақида гапириш осон эмас, айтиб қўйиб эса охиригача етказиш осон эмас.

- d К л и н и й . Ажнабий (биродар), бунинг ўзи нима? Сен ниманидир айтмоқчисану, аммо негадир иккиланиб турибсан шекилли.

А ф и н а л и к . Йўқ нарсага кўп гап бўлмаслиги учун эшитингларчи. Тартиб ва қонунга тааллуқли нарса, давлатда турли эзу (яхши)ликлар келтириб чиқаради. Тартибсизлик ва ёмон тартиблар эса, бошқа, яхши тартибларнинг кўп қисмини барбод этадилар. Ҳозирги нутқимиз худди шунга асослангандир. Сизларда, Клиний ва Мегил, айтиб ўтганимдек, гўё қандайдир илоҳий зарурат бўйича, сисситиялар ҳайратланарли равишда ажойиб зебо қарор топганлар. Лекин улар фақат эркакларга мўлжалланган. Аёллар учун эса сисситиялар ҳеч қаерда яхши қонулаштирилмаганлар ва бу одат дунёга келмай қолди. Аммо айтиш керак-ки, аёллар инсон зотининг бошқа (бир) қисмидир; тўғри, ўзининг ожизлиги сабабли сир бой бермайдиган ва муғомбирроқ туғилган. Бунинг устига у тартибсиз бўлганидан соҳиби қонуннинг бепарволиги ноўридир.

- 781 Шунинг учун агар аёлларни четга суриб қўйилса кўп нарса қамраб олинмай қолади. Ҳозир мавжуд бўлган аҳволдан кўра улар учун ҳам қонулар нашр этиш анча тўғри бўларди. Агар аёлларга тааллуқли барча нарсаларни тартибсиз қолдирилса, зарурий қонуларнинг ярмидан кўпини назардан қочирган бўламыз. Зеро, аёл табиати ўз фазилати бўйича бизники, эркакларникидан қанчалик ёмон бўлса, у ўзининг кўлпсонлиги –

икки мартадан кўпроқлиги билан биздан шунчалик авлодир. Демак, давлатнинг фаровонлиги учун бу масалага қайта қайтиш, бу ерда такомиллаштиришларни амалга ошириш ва барча одатларни аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам бир хилда ўтказиш дуруст бўлар эди. Аммо, инсоният бизнинг замонамизда бунга хайрихоҳ эмас, шунинг учун оқил одам бунинг ҳақида бошқа юртларда ва давлат тартиботи сифатида умуман сисситиялар йўқ бўлган давлатларда уни ҳатто эслатиши ҳам мумкин эмас. Кимнингдир аёлларни одамлар орасида, ҳамманинг нигоҳи остида овқатланиш ва ичимлик ичишга дарҳақиқат мажбур этиши кулги чиқармайдимиз? Зеро, аёл зоти бундан ҳам кўпроқ жирканадиган бошқа нарса йўқдир. Аёллар сояга беркиниб яшашга ўрганганлар; агар уларни зўравонлик билан ёруғликка олиб чиқилса, улар жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатадилар ва соҳиби қонун устидан ғалаба қозонадилар. Шунинг учун мен, бошқа жойларда бунинг ҳақида ҳатто эслатиш ҳам бақриқ-чақриқларсиз ўтмайди, деган эдим – балки бу ерда ундай бўлмас. Агар, давлат тартиботи (қурилиши) ҳақидаги бизнинг мулоҳазаларимиз мақсади оқил бўлгани учун умуман олганда муваффақиятсиз эмас деб ҳал қилинса, у ҳолда мен, бундай қарор яхши ва муносиб, деб айтишни хоҳлардим, фақат, агар сиз эшитишдан воз кечмасангиз. Акс ҳолда гапни чўзиб ўтирмаймиз.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), биз иккимиз ҳам эшитишни жуда хоҳаймиз.

А ф и н а л и к . Бўлмаса эшитинг! Аммо, агар сизларга, мен сўзимни жуда узоқдан бошлаётганга ўхшасам ҳеч ҳам хайрон бўлманг. Биз бўш вақтимиздан роҳатланмоқдамиз ва ҳеч шошилмасак ҳам бўлади. Шунинг учун қонунлар ҳақидаги масалани ҳар тарафлама кўриб чиқишимиз мумкин.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, олдин айтилганига қайтамиз. Ҳар қандай одам, ҳеч бўлмаса, инсон зоти ё ҳеч қандай бошланиш (ибтидо)га эга бўлмаган, шунинг учун унинг охири ҳам бўлмайди, аммо у ҳамма вақт бўлган ва барибир бўлади ёки унинг пайдо бўлган вақтидан бери беҳисоб вақт миқдори ўтди, деган мулоҳазаларни яхшилаб фикрлаб кўриши керак.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, биз, бутун ер юзида давлатларнинг тузилишлари ва вайрон бўлишлари юз бериб турган ва бу (давлатлар) ўз тартибларига кўра ёки аксинча тартибсизликларига кўра ва овқатдаги, ичимликдаги ва роҳатланишларидаги урф-одатларига қараб турли тарзда бўлганлар; вақтнинг турли бурилишлари рўй бериб турган, уларда тирик мавжудотлар табиий, кўпсонли ўзгаришларга дучор бўлганлар, деб ҳисоблашимиз керак.

б К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Давом этайлик. Ток новдаси қачонлардир пайдо бўлган, олдин эса йўқ эди. Бунга биз ишонмаймизми? Худди шунинг ўзини зайтун дарахти ҳақида ҳам, Деметра ва Кора тухфалари ҳақида ҳам айтса бўлади; Триптолем деган зот шунда хизматкор бўлганлигига наҳотки ишонмаймиз? Буларнинг ҳаммаси бўлмаган вақтда, айтиш керакки ҳозир ҳам тирик мавжудотлар ўзаро бир-бирларини ейишга тушганларини ҳисобламаймизми?

К л и н и й . Нега бундай ҳисобланмаслиги керак?

с А ф и н а л и к . Одамлар бир-бирларини қурбонлик қилганларининг сарқитларини биз ҳозир ҳам баъзи халқларда кўрамиз. Ва аксинча, миш-мишларга кўра, баъзи жойларда мол гўштини ейишга журъат этмайдилар, худоларга тирик мавжудотларни қурбонлик қилмайдилар, фақатгина нонлар, асал билан намланган мевалар ва шунга ўхшаш покиза тухфалар келтирадилар. У ерда, худди гўшт ейиш ҳаромдай ва худоларга қурбонлик келтириладиган жойларни қон билан булғашдан сақланадилар; у замонларнинг одамлари қандайдир орфейча ҳаёт билан яшаганлар; овқатда улар жонсиз барча нарсаларни ишлатганлар, аксинча, жонли барча нарсалардан ўзларини тийганлар.

д К л и н и й . Сен айтаётганларинг ҳақида кўп ҳикоя қиладилар; буларнинг бари етарли даражада ишонарлидир.

А ф и н а л и к . Аммо буларнинг барини ҳозир биз нега эслаганимизни сўрашлари мумкин?

К л и н и й . Сен ҳақ сўзларни айтмоқдасан, ажнабий (биродар).

Афиналик. Шундай қилиб Клиний, агар қўлимдан келса, бунинг ортидан нималар келишини айтаман.

Клиний. Илтимос, гапир.

Афиналик. Одамларда ҳамма нарса уч эҳтиёж ва ҳирсга боғлиқ эканлигини кўраман. Буларнинг ҳаммаси тўғри бўлганида эзгу (яхши)лик туғилади, нотўғри бўлганида эса – акси бўлади. Аввало, турилган кунидан бошлаб пайдо бўладиган овқат ва ичимликка бўлган ҳирс; ҳар қандай тирик мавжудот овқат ва ичимликка жони борича интилади, агар кимдир бошқача бўлишини, аста-секин турли дард чекишларни бартараф эта бориб бу турдаги ҳирсларни қониқтириш ва ҳузурланишдан тийилишни маслаҳат берса қулоқ солмайди. Бизнинг учинчи энг катта эҳтиёжimiz (муҳтожлигимиз) ва энг ашаддий интилиш эса бизни кейинроқ исканжасига олади; у жунбушга келиб одамларни эҳтирос ўтида ёндиради ва уларни турли-туман бебошликлар ўтида куйдиради. Бу – насли давом эттиришга бўлган интилишдир. Бу уч касалликни, олий ҳузурланиш деган нарсадан қайтариб уларни олий эзгулик (яхшилик)ка йўналтириш даркор. Уларни учта энг қудратли восита: қўрқув, қонун ва тўғри сўз ёрдамида тутиб туришга ҳаракат қилиши керак, бунда яна, ушбу эҳтиросларнинг ўсиши ва тўлқинланиб келишини сўндириш учун, мусобақалар ҳомийлари – музалар ва худолардан фойдаланмоқ лозим.

Шундай қилиб, никоҳ тўғрисидаги нутқдан кейин болаларнинг туғилиши ҳақида, ундан сўнг – уларни овқатлантириш ва тарбиялаш ҳақида сўз юритамиз. Шундай бўлиши мумкинки, суҳбатимизни шу тарзда давом эттириб, барча қонунларни ниҳоясига етказамиз ва шу йўл билан сисситияларгача етиб борамиз. Биз шунга ўхшаш иттифоқларга яқинроқ келганимизда – улар фақат эркаклардан иборат бўладими ёки яна аёллар ҳам бўладиларми (барибир) – балки биз бу ерда нималар қонунлаштирилмай қолганини тезроқ кўриб уни олдинга сурармиз. Ҳозир айтилганидек, бу ерда қандай энг ўринли ва маъқул қонунлар ўрнатилиши кераклигини равшанроқ кўра олармиз.

Клиний. Сен мутлақо ҳақ гапни айтдинг.

Афиналик. Ҳозиргина айтилганни хотирамизда сақлаб қолайлик. Балки, буларнинг ҳаммаси қачонлардир керак бўлиб қолар.

Клиний. Нимани эсда сақлашни маслаҳат берасан?

Афиналик. Биз уч сўз билан белгилаганимизни: овқат ҳақида, кейин ичимлик ва учинчиси, қандайдир ишқий тўлқинланишлар ҳақидагини.

d Клиний. Ажнабий (биродар), бизга берган маслаҳатларингни яхшилаб эслаб қоламиз.

Афиналик. Жуда яхши. Энди янги турмуш қурганлар ҳақидаги гапимизни давом эттирамиз. Биз уларга болаларни қандай қилиб вужудга келтириш ҳақида ўғитлар берамиз: агар биз бунга ишонтиролмасак, унда уларни керакли қонунлар билан қўрқитамиз.

Клиний. Қайси йўл билан?

Афиналик. Янги турмуш қурганлар давлатга иложи борича энг зебо ва энг яхши болаларни беришлари кераклиги ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Барча одамлар, улар қайси ишда қатнашмасинлар, ўз ишларига ва ўз-ўзларига эътиборли бўлган вақтларида улар ҳамма нарсани яхши ва зебо бажарадилар. Улар безътибор бўлсалар ёки онгли бўлмасалар ҳамма нарса аксинча бўлади. Ёш эр ўз хотини ва бола туғилишига эътибор берсин. Ёш хотин ҳам худди шундай қилсин, айниқса, улардан ҳали бола туғилмаган вақт мобайнида (эътиборли бўлсинлар). Бунда биз танлаб олган аёллар муҳофаза

784 қилувчилар бўладилар; уларнинг миқдори ҳамда фаолиятларининг муддати ҳокимлар белгилаганлари бўйича кўп ёки оз бўлиши мумкин. Улар соатнинг учдан бири давомида Илифия ибодатхонасида йиғиладилар; йиғилишиб, улар бир-бирларига болага ҳаёт бахш этадиган турли эркак ва аёллар борасида кўрганларини айтиб берадилар, яъни: тўйнинг муқаддас қурбонликлари билан белгиланган нарсалардан бошқа нарсаларга улар ўз нигоҳларини ташламаяптиларми. Бола туғилишининг бориши

b яхши бораётганида, болаларни туғиш ва болаларни туғувчи шахсларни қўриқлаш муддати ўн йилдан кўп бўлмасин. Агар бу вақт давомида баъзи эр-хотинларда авлод бўлмаса, у ҳолда улар ўзаро фойдалари учун,

қариндошлар ва аёл-назоратчилар билан маслаҳатлашиб ажрашсинлар. Агар нима фойдали эканлиги ва иккала тараф нима қилиши кераклиги борасида қандайдир гумон пайдо бўлса, улар қонунлар нигоҳбонлари орасидан ўн кишини танлашлари ва уларнинг кўрсатмалари ва қарорларини бажаришлари даркор. Аёл-назоратчилар янги уйланганларнинг уйларига бориб қисман ўғитлар берадилар, қисман жоҳилик ва бузғунчиликларни тўжатиш учун дўқ-пўписалар қиладилар. Агар улар бу ерда ожизлик қилсалар, қонунлар нигоҳбонларига мурожаат қиладилар, уларга айтиб берадилар, улар эса чоралар кўрадилар. Агар нигоҳбонлар ҳам нимададир ожиз қолсалар, у ҳолда улар буни халққа эълон қиладилар, маҳкама (суд) ишини кўзғатадилар ва қайси эр-хотинни тuzатишга кучлари етмагани ҳақида қасам ичадилар. Агар маҳкамада айбланувчи ўз айбловчиларини ишонтира олмаса у фуқаролик ҳуқуқларидан ушбу борада маҳрум бўлади: у тўйларга ва бола туғилиши шарафига бўладиган байрамларга боролмайди; агар у ерга борадиган бўлса, ҳар қандай хоҳловчи одам бемалол уни таёқ билан уриб жазолаши мумкин. Худди шундай қоидалар аёллар учун ҳам белгиланади. Агар аёл худди шу тарзда бебошликда айбланадиган бўлса ва агар маҳкамада ўзини оқлай олмаса, (у ҳолда) у, аёлларнинг тантанали юришларида қатнаша олмайди, аёлларнинг фахрли мансабларини эгаллай олмайди ва тўйлар ҳамда болаларнинг туғилган кунлари нишонланаётган тантаналарда қатнаша олмайди. Агар эр-хотинлар қонун бўйича болалар вужудга келтирсаларда, кейин эр худди шу мақсадда бошқа одамнинг хотини билан, хотини эса – бошқа аёлнинг эри билан қўшилса, у ҳолда, улар, ўз ёшлари бўйича бола туғиши мумкин бўлган одамлар билан қўшилган бўлсалар, улар, ҳали болаларни туғаётганлар учун кўрсатилган жазоларга маҳкум этиладилар. Бу ёш ўтиб бўлганида эса, буларнинг ҳаммасида мулоҳазали эркак ва мулоҳазали аёл эзгу шухратга мушарраф бўладилар. Акс ҳолда ҳурмат-эҳтиром ҳам аксинча бўлади, тўғрироғи, улар шарманда бўладилар. Кўп одамлар бунда мўътадил бўлганлари учун қонун бунга сукут сақлайди; аммо, агар

бебошликлар рўй берса, у ҳолда, аввал ўрнатилган қонунларга монанд қоидалар ўрнатилади.

Ҳар кимнинг ҳаётининг бошланиши – унинг биринчи йили. Ўғил бола ёки қиз ҳаётининг бу бошланишини уруғларнинг ҳарамларида ёзиб қўйиш керак. Ҳар бир фратрияда оқланган деворда бу ёзув ёнида барча ҳокимларни йиллар бўйича белгилаб қўйсинлар: фратриянинг тирик аъзоларини доимо бир-бирларига яқин ёзиб борадилар; ҳаётдан кўз юмганларнинг исмлари ўчирилади.

Қизларнинг никоҳга кириш муддатлари ўн саккиздан то йигирма ёшгача бўлади: бу – энг кечи; ёш йигит учун – ўттиздан то ўттиз беш ёшгача. Давлат мансабларини эгаллаш учун ушбу ёш белгиланади: аёл учун – қирқ ёш, эркак учун – ўттиз. Эркак ҳарбий хизматни йигирмадан то олти ёшгача ўташи зарур, аёл эса (агар уларни ҳам ҳарбий ишга жалб этишга, уларга нима тўғри келишини ва маъқулини қўшимча равишда белгилаб қўйиб қарор қилинса) болаларни туғиб бўлганидан кейингина – ва то эллик ёшгача ўтайди.



А ф и н а л и к . Ўғил ва қиз болалар туғилиши ҳақидаги нутқдан кейин уларнинг тарбияси ва таълими ҳақида сўз юритиш тўғри бўлар эди. Буни таҳлил этмай қолдириш мумкин эмас; аммо бизнинг айтадиган сўзимиз қонунларга кўра кўпроқ панд-насиҳатга ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, ҳар бир одамнинг хусусий ва оилавий ҳаётида ҳам-манинг кўз ўнгида содир бўладиган кўпгина икир-чикирлар бор; бунда, шахсий дардмандлик, ҳузурланиш ва ҳирсининг таъсири остида соҳиби қонуннинг маслаҳатларига хилоф бўлган воқеалар осонгина рўй берадилар, шунинг учун фуқароларнинг ахлоқлари турли-туман ва бир-бирларига ўхшамайдиган бўлиб қоладилар, бу эса – давлат учун бир офатдир. Аммо бу ўринда қонунлар бериш ва жазолар белгилаш нохуш ва нолайиқ иш бўлар эди, бу воқеалар тез-тез (учрасаларда) улар жуда ҳам кам аҳамиятлидирлар. Бошқа томондан, агар одамлар тез-тез қайтарилиб турадиган икир-чикирларда қонунга хилоф иш юритишга ўрганиб қолсалар, унда бу ҳолат қонунларнинг ўзларининг ҳалокатли бузилишларига олиб боради, гарчи, ёзма равишда жорий этилган бўлсалар ҳам. Шунинг учун, бу ерда қонунлар бериш қийин бўлса ҳам бирор нарса демаса бўлмайди. Лекин менинг фикримни аниқлаш керак, уни худди бир намуна сифатида ёруғликка қўйиш зарур, зеро биз ҳозир, ҳар ҳолда худди қоронғуликда турганга ўхшаймиз.

b

c

Болаларни тарбиялаш

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, маъқул тарбия, баданларни ҳам, дил (нафс, руҳ)ларни ҳам энг зебо ва энг яхши қила олишга қодир кучга эга бўлиши зарур.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

d Афиналик. Бадан энг зебо (гўзал) бўлиши учун, ўйлайманки, уни гўдаклик пайтидан тўғри тарзда катта қилиш керак.

Клиний. Сўзсиз шундай.

Афиналик. Ҳар қандай тирик мавжудотда дастлабки ўсиш энг катта ва кучли бўлишини билмаймизми? Бу ҳолат, кўп одамларни, инсон баданининг катта-кичиклиги беш ёшдан бошлаб, қолган йигирма ёшгача иккиланмаслиги ҳақида баҳслашадилар.

789 Клиний. Ҳақиқатан шундай.

Афиналик. Нима десак экан? Кучли ўсиш, агар кўпгина монанд меҳнат-машаққатлар билан биргаликда бўлмаса минглаб бадан хасталикларини келтириб чиқаришини биз билмаймизми?

Клиний. Албатта.

Афиналик. Демак, бадан худди ўша энг кўп озиқа олаётган пайтида энг кўп меҳнатга муҳтож бўлади?

Клиний. Ажнабий (биродар), наҳотки биз ҳақиқатан ҳам энди дунёга келган ва энг кичкина болачаларга энг кўп меҳнатни раво кўриб талаб қиламиз?

Афиналик. Йўқ уларга эмас, балки аввалан, она қорнида озиқланаётганларга.

Клиний. Дўстим, нималар деяпсан? Наҳотки сен она қорнидаги гўдакларни назарда тутмоқдасан?

b Афиналик. Ҳа. Агар сизлар бу ёшдаги гўдакларга қўлланиладиган бадан машқлари тўғрисида билмасангизлар ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Бу қанчалик ғалати бўлмасин, мен сизларга бу масалани тушунтириб беришни истардим.

Клиний. Ҳақиқатан ҳам бу жуда ғалати.

Афиналик. Буни бизда кўриш осонроқ, чунки, бу ерда баъзи одамлар керагидан ортиқ равишда эрмакларга бериладилар. Бизда фақат болаларгина эмас, ҳатто катталардан ҳам баъзи бировлар хонаки қушчаларни тарбиялайдилар ва бу паррандаларни бир-бирлари билан уришишга ўргатадилар. Аммо бу одамлар, қушни фақат жанг қилишга ўргатишга мўлжалланган ҳаракатлардаги қийин машқларни юқори баҳоламайдилар; машқлардан ташқари бу одамлар қушларнинг кичкиналарини кафтла-

рига қўйиб, катталарини қўлда кўтариб олиб, – шундай, қўлтиқлари остига олишиб узоқларга, кўпгина стадий нарига сайр қилгани кетадилар, ўзларининг баданлари саломатлиги учун эмас, ана шу қушчаларнинг саломатликлари учун. Фикрлашга лаёқатли одамга бундан ҳеч бўлма-са шу нарса равшан бўлади-ки, ҳар қандай бадан учун ушбу тинимсиз силкинишлар ва ҳар хил йўналишлардаги турткилар, унинг ўзи ўз устидан бундай қиладими ёки уларни ҳалинчакда, денгизда ёки отда юрганида, ёки ниҳоят, ҳар қандай жисм ҳаракати билан суворий бўлганида ҳис этадими барибир фойдалидир. Бу туфайли овқат ва ичимлик биз учун тўйимли бўлади ва демак, бу машқлар бизга саломатлик, чирой ва бошқа кучни бахш этади.

Ростки шундай экан, биз нима қилмоғимиз керак, деб сўраймиз. Табассум билан айтамыз-ки, ушбу қонуларни ўрнатишимизни хоҳлайсизми: ҳомиладор аёл сайр этиши керак; гўдакни, у ҳали эгиловчанлиги пайтида, гўёки у мумдан қилинганидай шакллантириш ва то икки ёшигача йўрғаклаш зарур. Худди шундай, жазолаш хавфи остида қонун воситасида, гўдакни доимо далаларга ёки ҳарамларга ёки қаергадир қариндошлариникига то оёғида тураолдиган бўлгунича олиб бориб туришга энагаларни мажбур этамиз. Аммо шунда ҳам, болалар нимагадир қаттиқ таяниб ўз аъзоларини қийшайтириб олишларидан энагалар эҳтиёт бўлишлари керак; энага ўшанда ҳам озгина машаққат чекиши ва бола то уч ёшга етгунича кўтариб юриши зарур. У, имконият борича кучли бўлиши ва боланинг ҳузурда якка ўзи бўлмаслиги лозим. Хўш, агар бу шартлар бажарилмаса-чи? Балки жазолар белгилаш керакдир? Ёки бу даркор эмасмикин? Дарҳақиқат, бу тадбир, биз ҳозиргина айтиб ўтганимизни бисёр келтириб чиқаради.

К л и н и й . Яъни?

А ф и н а л и к . Биз кўп кулгу келтириб чиқарган бўлар эдик; бундан ташқари, энаганинг аёллик ва қулик ахлоқи ўзини инонтиришга йўл қўймас эди.

К л и н и й . Бўлмаса, нега буларни гапирмоқдамиз?

А ф и н а л и к . Қуйидагилар учун: давлатдаги хожалар ва эркин инсонлар буларни эшитганларидан кейин, агар хусусий ҳаётда маъқул тартибот назарда тутилмаса, жами-

ят масалаларида қонунчиликнинг мустаҳкам бўлишига умид қилиб бўлмаслигини эҳтимол яхши тушуниб идрок этадилар. Буни фаҳмлаб хожалар ва эркин туғилган инсонлар ҳозиргина кўрсатиб ўтилган қонунлардан фойдаланарлар ва улардан фойдаланиб ўз уйлари ва давлатни яхшилаб тартибга келтирарлар ва бахтиёр бўларлар.

К л и н и й . Сенинг сўзларинг айна ҳақиқатга ўхшайди.

А ф и н а л и к . Шунинг учун ҳам, Биз бадан машқлари ҳақидаги нутқимизни қандай ниҳоясига етказган бўлсак, ҳатто чақалоқларнинг ҳам дил (руҳ)ларига тааллуқли машғулотларни ўрнатмагунимизча, қонунчиликнинг ушбу қисмини (шундай) қолдирмаймиз.

К л и н и й . Жуда тўғри.

А ф и н а л и к . У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам яъни чақалоқ бадани учун ҳам, дили (руҳи) учун ҳам илк бошланиш қилиб кўкрақдан боқиш ва иложи борича бутун кечаси ва кундузи қилинадиган сайрларни оламиз. Бу ҳамма болаларга, айниқса энг кичкиналарга фойдали, – шундай бўлсинки, агар имкони бўлса улар доимо гўёки денгизда яшагандай бўлсинлар. Янги туғилган чақалоқлар билан худди шундай муомала қилишга интилиш даркор. Корибантларнинг муқаддас даволаши билан машғул аёллар ва чақалоқларни эмизувчилар худди шуни тажрибада ўзлаштирганлари ва фойдали деб тан олганларидан ҳам бунга ишонч ҳосил қилса бўлади. Дарҳақиқат, оналар боланинг ухлашини хоҳлаганларида боланинг уйқуси келмаса, улар (оналар) оромни эмас, аксинча, болани қўлда тинмай тебратиб, ҳаракатни қўллайдилар. Улар сукут сақлашни эмас, қандайдир навони ишлатадилар, худди болаларга найчалиб бераётгандай. Вакхий жунбушни ҳам шу тарзда, ҳаракат билан биргаликда рақс ва мусиқани қўллаб даволайдилар.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), бу ерда асосий сабаб бўлиб нима хизмат қилади?

А ф и н а л и к . Буни билиб олиш қийин эмас.

К л и н и й . Қандай қилиб?

А ф и н а л и к . У ва бу ҳолат кўрқувга бориб тақалади, кўрқув эса, дил (руҳ)нинг нохушлагидан пайдо бўлади. Бунга ўхшаш ҳолатларга ташқи силкинишлар қўшилганида,

бу ташқи ҳаракат қўрқув ва жунбушдан иборат ички ҳаракатдан устун келади. Устун келиб, дилда у гўё шаббода-сиз сокинлик ва ором пайдо қилади. Оғир юрак уриши тўхтайдиган; бу ҳар ҳолда маъқулдир. Болаларни ухлатади; бедорлар, рақс тушаётган ва найда машқ қилаётганларни эса, маъқул қурбонликлар келтирганлари худолар ёрдамида унинг жунбушини онгли ҳолатга алмаштиради. Гарчи биз бу ҳақда мухтасар сўз айтган бўлсакда, аммо бунда ҳам ишончли далил бор.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Агар буларнинг ҳаммаси шундай таъсир ўтказса, ўзимизда бўладиган ҳолатни ҳам ўйлаб кўришимиз керак бўлади: гўдакликдан қўрқув ҳиссиёти бор бўлган ҳар қандай дил (руҳ) вақт ўтиши билан унга янада кўпроқ ўрганади. Ва ҳар қандай одам, бу ерда мардлик машқи эмас, балки қўрқоқлик машқи ўтаётганини айтади.

К л и н и й . Тўғри, шундай дейди.

А ф и н а л и к . Ва аксинча биз, ёшлиқдан мардликни ривожлантирадиган машғулот, бизга ҳужум қиладиган касаллик ва қўрқувни енгишни билишдан иборатдир, деб айтган бўлардик.

К л и н и й . Тўғри.

А ф и н а л и к . Биз яна айтамызки, гўдакларнинг ҳаракатлардаги машқлари бизда руҳий эзгу (яхши)ликнинг қисмларидан бирига кучли таъсир ўтказади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Дарҳақиқат, осойишта руҳий кайфият – бу дил (руҳ)нинг яхши ҳолатининг салмоқли қисмидир худди шунга ўхшаш, оғир руҳий кайфият – дил (руҳ)нинг ёмон ҳолатининг салмоқли улушидир.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Бизга маъқул бўлган бу кайфиятни янги туғилган чақалоққа қандай бирдан уқдириб бўлади? Бу ерда қанчалик муваффақиятга эришиш мумкинлигини аниқлашга уриниб кўриш зарур.

К л и н и й . Ҳа, шундай.

А ф и н а л и к . Мен, бизда ҳукмрон фикрни келтираман: тантиклик болаларнинг фитратини оғир, қизиққон ва арзимас нарсаларга таъсирчан; аксинча, болаларни ҳаддан

ташқари қўпол равишда эзиш уларни қимтинган, паст-каш, одамлардан нафратланадиган қилиб қўяди, охир оқибат улар биргаликда яшашга ярамай қоладилар.

- е К л и н и й . Ҳали гапирмайдиган ва бошқа тарбияни то-тиб кўришга қобилиятсиз ёшда бўлганларида давлат умуман қандай тарзда болаларни ўстириши мумкин?

А ф и н а л и к . Тахминан бундай: ҳар қандай янги туғилган мавжудотнинг биринчи товуши – бақриш; бу, бақришдан ташқари, айниқса йиғи хос бўлган бутун инсон зотига ҳам таалуқдир.

К л и н и й . Албатта.

- 792 Афиналик. Шунинг учун, энагалар, боланинг нима хоҳлашини билиш мақсадида, унга ҳар хил буюмлар келтириб бериб, унинг ҳақида (бола хоҳиши ҳақида - тарж.) хулоса чиқарадилар. Дарҳақиқат, агар бола келтирилган буюмни кўриб жим бўлса, улар тўғри топдик, деб ҳисоблайдилар; агар йиғи ва бақриш давом этаверса, демак тополмаганлар. Болалар ўзларининг муҳаббат ва нафратларини йиғи ва бақриш – унча муваффақиятли бўлмаган белгилар билан маълум қилдилар. Бу вақт эса уч йилдан кам бўлмайди; уларнинг бу қисмини қандай: ёмон ёки яхшироқ ўтиши катта аҳамиятга эгадир.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

- б Афиналик. Ёмон ахлоқди, ҳеч қачон қувноқ бўлмайдиган бола, яхши одамга кераклигидан кўпроқ йиғи ва ҳиқиллашга мойилга ўхшамайдими сизларга?

К л и н и й . Менингча шундай.

Афиналик. Хўш? Агар кўрсатилган уч йил ичида, сизларнинг тарбияланувчингиз оғриққа, кўркүвга ва ҳар қандай дардларга иложи борича камроқ дучор бўлиши учун турли воситалар қўллашга уриниб кўрилса биз айтаётганимиздек, бу унинг дили (руҳи)ни қувноқ ва шод этмайдими?

- с К л и н и й . Балки шундай бўлар; айниқса, ажнабий (биродар), агар унга кўпроқ ўйин-кулги ташкил этиб берилса.

Афиналик. Азизим, бу ерда мен Клиний сўзларига қўшилолмаيمان, чунки, бундай иш қилиб биз болани жуда

ҳам бузиб қўямиз, тарбиянинг бошланишида бу ҳол тез-тез учраб туради. Мен тўғри айтаяпманми, йўқми кўрамиз.

К л и н и й . Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Ҳозир бизда жуда аҳамияти катта бўлган мавзу устида гап кетмоқда. Мегилл, сен ҳакамлик қил. Менинг тасдиқлашимга кўра, тўғри ҳаётда ҳузурланишларга интилиш ҳам, ва ўз навбатида дардлардан бутунлай қочиб юриб ҳам бўлмайди. Нимадир ўртачалик билан қаноатланиш зарур, унинг ҳақида мен ҳозир қувончли деб белгилаб эслатиб ўтдим; дил (руҳ)нинг бундай ҳолатини биз, қандайдир муқаддас кароматга кўра худога ҳам мансуб деб биламиз. Мен тасдиқлайманки, биздан кимдир илоҳий инсон бўлишга қарор қилган бўлса, шунга ўхшаш ҳолатга интилиши керак, токи шундай бўлсинки, уни ўзи ҳам фақат биргина ҳузурланишларга (чунки у дардлардан ҳам қочиб қутулолмайди) интилмасин, бошқа ҳаммага – чоллар ва ўспиринларга, эркаклар ва аёлларга ҳам ўшанинг ўзига интилишга йўл қўймасин, айниқса, иложи борича янги туғилган чақалоққа ҳаммадан кам имконият бериш зарур. Зеро ҳар бир инсон фитратининг асолий хусусиятлари одатга кўра худди шу ёшда шаклланадилар. Агар мен ҳазил қилаётгандай бўлиб кўринмасам айтар эдим-ки, барча ҳомиладор аёллар ҳам ҳомиладорлик пайтларида кўпдан кўп жазавага тушиб лаззатланишлардан ва шу қатори дард чекишларга берилишдан сақланишлари зарур; улар бу вақт мобайнида қувончли, осуда ва мулойим кайфиятда яшашлари маъқулдир.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), Мегиллдан биз иккимиздан қайси биримиз ҳақ эканлигимизни сўрашингни ҳожати йўқ. Мен ўзим тан оламан: ҳа, ҳаётда ҳамма ҳаддан ортиқ дард чекишлар ва ҳузурланишлардан ўзларини олиб қочишлари ва доим ўрта ҳолатда бўлишлари керак. Сен буни ажойиб гўзал айтдинг, мен ҳам сенинг сўзларингга қўшиламан.

А ф и н а л и к . Жуда яхши, Клиний. Бундан ташқари, келинг уччаламиз яна ушбуни мулоҳаза қилиб кўрайлик.

К л и н и й . Нимани?

А ф и н а л и к . Кўпчилик айтганидек, ҳозир биз таҳлил этганларимиз ёзилмаган урф-одатларга тааллуқлидир. Бо-

- боларнинг қадимги қонулари деб аталадиган нарсалар, шунга ўхшаш қоидалар мажмуасидан бошқа нарса эмас.
- б** Ҳозир миямизга келган, бу ҳолатларда қонулар тўғрисида гапириб бўлмайди, гарчи бошқа тарафдан буларнинг ҳаммасини айтмасдан қолдириб ҳам бўлмайди, деган ёрқин фикр, зебо ифодаланган. Ушбу урф-одатлар ҳар қандай давлат тузумини бирлаштириб турадилар; улар ёзма жорий этилган қонулар билан яна энди жорий этиладиганларининг ўртасидадирлар. Улар оддийгина, боболарнинг қадимги, бениҳоя қадимги қоидаларидир. Агар уларга яхши тартиб берилса ва жорий этилса, улар ёзган замонавий қонуларга олий даражада халоскорона ёпинчиқ бўладилар. Агар шу борада бепарволик билан зеболик чегараларидан ўтиб кетилса, меъморлар гўё яширин равишда бинонинг ўртанча асосларини олиб ташлагандаги каби ҳамма нарса барбод бўлади; бирини бири тутиб турганлигидан, қадимги асосларни бузиб ташланса, кейинги ғаройиб иншоот ҳам қулаб тушади. Биз, Клиний, бу билан ҳисоблашишимиз зарур; шунинг учун, қонулар, урф ёки одатлар, деб аталувчи нарсалардан буюкларини ҳам, кичикларини ҳам имконият борича назардан қочирмай бизнинг давлатимизни ҳар тарафлама мустаҳкамлашинг даркор. Зеро буларнинг ҳаммаси давлатни бирлаштириб боғловчидирлар; бу икки бошланишнинг биттаси бошқасисиз мустаҳкам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, агар қонулар бизда беҳисоб кўп қоидалар ва бир қараганда арзимас бўлиб туюлган одатлар тўлқинидан кенгроқ қўлам касб этса ҳайрон бўлмаслик керак.
- д**

К л и н и й . Сен тўғри айтасан; биз худди шундай тарздаги фикрларга мойилмиз.

- е** А ф и н а л и к . Демак, кичик ёшли тарбияланувчилар учун, агар уларга шунчалик эмас, балки жуда диққат билан, ўғил бола ёки қизнинг уч ёшга киргунича бу қоидаларни қўлласалар жуда фойдали бўлар эди. Ҳар қалай, ўзининг руҳий ҳолати бўйича уч ёшли, тўрт ёшли, беш ёшли ва ҳатто олти ёшли болалар ўйинларга муҳтождурлар. Аммо нозиклаштиришдан қочиш, болаларни жазолаш керак, фақат уларнинг нафсониятига асло тегмасдан; бу ерда одатда худди қуларга қилингандай муомала қилмоқ ке-

рак, бу ҳақда гапириб ўтганмиз: жазо берувчига, жазола-
наётганни ҳақоратлашга йўл қўймаслик керак, чунки уни
рашини келтиради; аммо жазо бермай эркалатиш ҳам
шундай йўл тутиш зарур. Бу ёшдаги болаларда ўйинлар
ўз-ўзидан пайдо бўлади; болалар бирга йиғилганларида
улар ўйинларни ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ёшдаги яъни
уч ёшдан то олти ёшгача болалар қишлоқлардаги ҳарам-
ларда йиғилсинлар, токи, қишлоқнинг барча болалари у
ерда бирга бўлсинлар. Энагалар, бу ёшдаги болалар кам-
тар бўлишлари ва талтайиб кетмасликлари учун уларни
назорат этиб туришлари керак. Ушбу энагалар устидан
ва бу болалар галаси устидан ўн икки аёл тайин этилади-
лар. Тартиб сақлаш учун ҳар бир галага биттадан; улар-
ни, аввал эслатиб ўтилган энагалардан қонунлар нигоҳ-
бонлари тайинлайдилар. Уларни танлашни никоҳлар
ҳақидаги бош назоратчи аёллар амалга оширадилар. Ўз
тенгдошлари орасидан улар ҳар бир филадан биттадан
сайлайдилар. Бу мансабга тайинланган аёл ҳар куни қан-
дайдир бир ҳарамга бориб туради ва агар кимдир айб иш
қилиб қўйса, ҳар сафар жазо белгилайди; кул ва аёл кул-
ни, ажнабий ва ажнабий аёлни унинг ўзи давлат қуллари
ёрдамида жазолайди, фуқарони эса, агар у жазога қар-
шилиқ кўрсатса, астиномлар маҳкамасига олиб боради;
агар фуқаро қаршилиқ кўрсатмаса, назоратчи аёлнинг
ўзи жазолайди. Болалар олти ёшга кирганларида ўғил бо-
лалар ва қизчалар ажратиладилар. Ўғил болалар ўғил бо-
лалар билан, худди шундай, қизчалар қизчалар билан вақт
ўтказадилар. Аммо, улари ҳам, булари ҳам ўқишга кири-
шишлари зарур. Ўғил болалар суворийлик, тийрандозлик,
палохмондан отиш, найзачалар улоқтириш ўқитувчила-
рига (шогирдликка) борадилар. Агар қизчалар рози бўлса-
лар улар ҳам ушбу (айтилганлар) билан, ҳар ҳолда то ўрган-
гунларигача шуғулланишади; айниқса қурол ишлатишни
улар яхши ўрганишлари зарур. Бу ерда мавжуд ҳолат
ҳақида деярли ҳеч ким ўзига ҳисоб бермайди.

К л и н и й . Қандай ҳисоб?

А ф и н а л и к . Гуё бизнинг ўнг ва чап қўлларимиз таби-
атан турли ҳаракатлар учун ишлатиладилар. Аммо шуни-

- си аниқ-ки, оёқлар ва умуман пастки узвлар иш маъносида ҳеч ҳам фарқланмайдилар. Қўлларга келсак, бунда ҳар биримиз энагалар ва оналарнинг билмай қилган ишлари туфайли мажруҳ бўлиб қолишимиз мумкин. Аслида эса табиат у ва бу узвларни деярли мувозанатга келтириб
- e** қўйган ва бизнинг ўзимиз одатга кўра, тўғри фойдаланмай уларни турлича этиб қўйдик. Баъзи ҳаракатларда бу фарқ катта эмас; яъни, биз лирани чап қўлда, плектрни эса ўнг қўлда ушлаймиз ва ҳоказо, бу ерда бу унча аҳамиятли эмас. Аммо, бошқа хатти-ҳаракатларда ҳам худди шундай қилмаслик керак, деб ўйлаш деярли ақсизлик бўлар эди. Бу, скифларнинг одатлари билан ҳам исботланади: улар камонни фақат чап қўлларида, ўқни эса фақат ўнг қўлларида ушламайдилар, лекин унинг учун ҳам, бунинг учун ҳам иккала қўлни навбат билан ишлатадилар. Жанговор араваларни бошқариш санъати ва бошқа ҳар қандай ҳунарда кўпинча ўзга мисолларни топиш мумкин. Бу мисоллардан тушуниш мумкин-ки, кимларки чап қўл зарарига ўнг қўлни ривожлантирсалар улар табиатга хилоф иш тутган бўладилар. Биз айтиб ўтганимиздек (ҳайвон) шохидан қилинган плектрлар ва уларга ўхшаш қуролларда бу унча аҳамиятли эмас. Аммо, ҳарбий мақсадларда темир қуроллар, камонлар, жупин (кичкина найза), умуман қуролдан фойдаланиш зарурати бўлганида бу жуда муҳимдир. Аммо, қурол билан қуролни қайтарилганида бу ўта муҳим бўлади. Буни ўрганиб олган ва ўрганмаган, бунга машқ қилган ва машқ қилмаган одамларнинг бунда фарқлари жуда катта. Яъни, панкратияни билиб олган одам, муштлашиш ёки курашда чапдан ҳам ура олади; аммо агар бунга безътибор бўлган бўлса, рақиб йўналишни ўзгартирса ва бошқа томондан ҳужум қилишга мажбур этса, у ҳолда у қоқилиб, оёғини судраб қолади; қурол билан курашганда ва бошқа ҳолатларда шунинг ўзи бўлиши мумкин. Одам, ҳужумларни қайтариш ва рақибини ушлаб олиш учун икки қўлга эга-ку; шунинг учун улардан ҳеч бирини иложи борича бекор ва машқсиз қўймаслик даркор. Ва агар кимдир худди Герцион ёки Бриарейга ўхшаб туғилса, у, ўзининг юзта қўли билан юзта ўқни отадиган бўлмоғи зарур.
- b**
- c**
- d**

Буларнинг ҳаммаси ҳақида мансабдор шахслар – эр-каклар ва аёллар гамжўрлик қилишлари лозим. Биринчилари бунини ўйинлар ва тарбияда, иккинчилари ўқитиш пайтида кузатадилар, токи, барча ўспиринлар ва қизлар оёқ ва қўл эпчиллигига эришсинлар ва иложи борича, ўзларини табиий фазилатларини [ёмон] одатлар билан озгина бўлсада бузиб қўймасинлар.

Икки хил ўргатиш бўлиши зарур: баданни гимнастик санъатга, дил (руҳ)ни – унинг эзгулигини ривожлантириш учун – мусиқий санъатга ўргатиш керак. Гимнастик санъатга тааллуқлиси икки хилга бўлинади: биринчидан, бу рақс, иккинчидан – кураш. Рақс тури улуғворлик ва шу билан бирга олижанобликни сақлаган ҳолда, Муза тилини келтириб чиқаради; бошқа хили баданнинг ўзининг қисмлари ва аъзоларига ҳар бирига мос бўлган эгилишлар ва тикланишлар ёрдамида саломатлик, эпчиллик ва чирой бахш этади, айтиш лозимки, улар билан узлуксиз боғлиқ бўлган рақс бутунича бир маромдаги ҳаракатлардан иборатдир.

Курашга келсак, Антей ва Керкион ўз санъатларида, Эпей ва Амик эса – муштлашишда номуссиз шахсиятпарастлик ила қабул қилганлари, урушда қатнашиш учун умуман бефойда ва сўз билан зийнатлашга нолайикдир. Тик туриб кураш тушишда, энса, қўллар, биқинларни бўшатиб олишга интилаётганларида ва эзгулик тарзидаги қудрат, ҳамда саломатлик учун жон-жаҳд ва қатъият билан меҳнат қилганларида бу ҳар тарафлама фойдалидир. Бундай курашга бепарво бўлмаслик зарур; аксинча, биз ўзимизнинг қонунчилигимизда шу ерга келганимизда уни шогирдлардан ҳам, устозлардан ҳам талаб қилиш зарур. Устозлар буларнинг ҳаммасини хайрхоҳлик билан ўргатсинлар, шогирдлар эса – шукроналик билан қабул этсинлар.

Хоровод рақслардаги тақлидларда мавжуд бўлган шунга ўхшаш нарсаларни ҳам четга суриб бўлмайди. Бу ердаги куретларнинг Лакедемонда эса – Диоскурларнинг қуроли ўйинлари ҳам шундай. Бизда Қиз-Хукмдор хоровод эрмакларга қувониб кетиб, бўш қўллари билан шодланишни лозим топмади, балки тўла қуролланиш ила зийнатланиб, ўшалар билан ўз рақсини ижро этди. Мабуда-

нинг марҳаматини эъзозлаб, ҳамда ҳарбий эҳтиёжлар ва байрамлар учун йигитлар ва қизлар ҳам бунга тақлид этишлари зарур. Кичкина болалар, улар ҳали урушга бормаганлари учун, барча худолар шарафига бўладиган юришлар ва тантаналар вақтида доимо қурол билан безанишлари, отда ўтиришлари, рақс тушишлари ва худолар, худоларнинг болаларига сифиниб, гоҳ тез, гоҳи секин юришлари дуруст бўларди. Мусобақалар ва дастлабки машқларни бошқа бирор нарса учун эмас, худди шунинг учун уюштириш керак. Бу мусобақалар тинчлик пайтида ҳам, уруш пайтида ҳам, давлат учун ҳам, хусусий маишат (рўзғор) учун ҳам фойдалидир. Мегилл ва Клиний, бадан ҳақидаги барча бошқа меҳнатлар, эрмаклар ва ташвишлар ҳур туғилган одамларга тўғри келмайдилар.

Бундан аввалги нутқимда гимнастик санъатни текшириб чиқиш кераклигини кўрсатиб ўтган эдим. Буни тўла адо этдик, деб ҳисоблаймиз. Аммо, агар сиз нимадир яхшироқ нарсани таклиф эта олсангиз, умумий маълумот учун уни айтинг.

Клиний . Ажнабий (биродар), сен айтганларни инкор қилиш ва гимнастик санъат ва мусобақалар учун яхшироқ нарсани таклиф қилиш осон эмас.

Афиналик . Шундай қилиб, Музалар ва Аполлоннинг туҳфалари ҳақидаги кейинги масалага келсак, биз ўшанда гўё ҳамма нарсани айтиб бўлдик, ва фақат гимнастика ҳақидаги масала қолди, деб ўйлаган эдик. Аммо ҳозир, бу масала нимадан иборат эканлиги ва биринчи навбатда унинг ҳақида нима дейиш кераклиги равшан бўлди. Келинг ҳозироқ шу масалага ўтайлик.

Клиний . Жуда яхши, ўтамиз.

Афиналик . Менга олдин қандай қулоқ солган бўлсангиз, шундай қулоқ солинг. Энди ҳам қандайдир ғалати ва ғаройиб нарсани эҳтиёткорлик билан айтиш ва эшитишга тўғри келади. Шунинг учун ўз сўзимни хавфсираб айтаман; аммо мен руҳимни тетиклаб оламан ва орқага қайтмайман.

Клиний . Ажнабий (биродар) нималар ҳақида гапирмоқдасан?

Афиналик . Мен тасдиқлаб айтаманки: ҳеч бир давлатда ҳеч ким ўйинларнинг қандай бўлишлиги қонунлар-

нинг ўрнатилишига жуда кучли таъсир қилишини ва улар мустақкам бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлашини билмайди. Агар, ўша-ўша бир қоидаларга риоя қилиб ва ўша-ўша бир эрмак-ўйинларга қувониб, ўша-ўша бир одамлар, ўша-ўша бир ўйинларда қатнашсалар, у ҳолда буларнинг ҳаммаси жиддий қонунлаштирувларнинг барқарорлигига хизмат қиладилар. Агарда ёшлар ўйинларнинг бир хиллигига путур етказсалар, янгиликлар киргизсалар, доимо ўзгаришларни исташса ва турли нарсаларни ёқимли, деб ҳисобласалар, агар улар ўзларининг ташқи кўринишлари ва кийимларидан норози бўлсалар, нима яхши ва нима хунук эканлиги ҳақидаги доимийликка ўрнатилган қоидаларни тан олмасалар, аммо, нимадир ташқи кўриниш, рангда ўзгача, ғайриоддий нарса бўлса ўшанга ва шунга ўхшаш нарсаларга доимо қандайдир янгиликлар киргизадиган одамларни эъзозласалар, у ҳолда биз, давлат учун булардан ҳалокатлироқ ҳеч нарса йўқ, деб айтишга тўла ҳақлимиз. Дарҳақиқат, буларнинг ҳаммаси ёшларнинг ахлоқларини киши билмас ўзгартириб юборди ва эскиларини обрўсизлантириш ва фақат янгиларини эъзозлашга уларни мажбур этади. Мен яна қайтараман: барча давлатларга бунга ўхшаш турдаги фикр ва тартибдан ҳам ёмонроқ жазо йўқдир. Яхшилаб эшитиб олинг, менингча, бу офат қанчалик улкан.

К л и н и й . Сен, давлатлардаги қадимийликка бўлган менсимаслик ҳақида гапирмоқдамисан?

А ф и н а л и к . Ҳа, худди шундай.

К л и н и й . Бу ҳолда биз камоли диққат билан эшитамиз ва нутқингнинг энг хайрихоҳ эшитувчиси бўламиз.

А ф и н а л и к . Бу табиийдир.

К л и н и й . Сен давом этсанг бас.

А ф и н а л и к . Келинг, бир-биримизга, ҳозир биз жуда диққат-этиборли бўлишимиз зарур, деб айтайлик. Дарҳақиқат, энг ёмон офатлардан ташқари барча нарсадаги ўзгаришлар – энг омонат ишдир: бунга барча йил фасларининг алмашиши ҳам, шамолларнинг алмашиши ҳам, бадан ҳаёти тарзидаги, фитратдаги ўзгаришлар ҳам, – бир сўз билан айтганда бирор нарсадаги эмас, балки барча нарсалардаги ўзгаришлар тааллуқлидир, фақат энг ёмон

- офатлар бундан мустасно. Агар баданга назар ташланса, ҳар хил овқатга, ҳар хил ичимликларга, меҳнатларга у қандай ўрганишини сезиш мумкин. Аввал буларнинг ҳаммаси хафалик келтириб чиқаради, аммо кейинчалик, вақт ўтиши билан, бунинг ҳаммасига монанд бир андом пайдо бўлади; бадан бу ҳаёт тарзи билан танишади, кўникади, уни севади, ундан ҳузурланади, соғломлашади ва ўзини аъло даражада ҳис этади. Ва агар бундай бадан у кўникиб қолган у ёки бу ҳаёт тарзини қачондир ўзгартиришга мажбур бўлиб қолса, у ҳолда аввал нохуш бўлади ва қийинлик билан, янги хилдаги овқатга ўрганганидан сўнгра қайта ўз ҳолига келади. Ўйлаш керакки, одамларнинг фикрлар тарзи ва руҳий табиатлари билан ҳам худди шунинг ўзи рўй беради. Улар озиқлантирилган қонунлар кўп вақт давомида қандайдир илоҳий тақдир туфайли барқарор бўлиб қолдилар, натижада, қонунлар иши қачонлардир ҳозиргидан ўзгачароқ бўлганлигини ҳеч ким эслай олмайди ҳам, эшитмаган ҳам. Ҳар қандай дил (руҳият) аввал ўрнатилган қонунлардан нимагадир путур етказишдан жон-дилидан қўрқади. Шунинг учун соҳиби қонун, унинг давлатида қандайдир тарзда худди шу нарса амалга оширилиши мақсадида қанақадир бир восита ўйлаб топиши зарур. Агар менга келсак, бу воситани ушбу нарсада деб биламан. Биз олдин айтиб ўтганимиздек, ёшларнинг ўйинларидаги ўзгаришларни ҳамма одамлар ҳеч ҳам жиддий бўлмаган ва ўзи билан ҳеч қандай зарар келтирмайдиган оддий ўйин, деб ҳисоблайдилар ва ёшларни бундан қайтармайдилар, балки кўнгилчанлик билан бу ишда уларга эргашадилар. Бу ерда ушбу нарсани ҳисобга олмайдилар: ўз ўйинларига янгиликлар киритаётган болалар албатта улғаядилар ва булар ўша болалар эмас, бошқа одамлар бўладилар; ростки-ки улар бошқа одамлар бўлганликларидан, улар бошқа ҳаётга интила бошлайдилар ва бу интилишлари билан бошқача одатлар ва қонунларни кўмсаб қоладилар. Улардан ҳеч қайсиси, бундан кейин давлат учун, ҳозир айтиб ўтганимиздек, энг ёмон офатлар рўй беришидан қўрқмайди. Тўғри, фақат ташқи кўринишга таалуқли бўлган баъзи ўзгаришлар бунчалик офатлар келтирмайдилар. Одамлар, қачонки аввал ёмон-

лаганларини тез-тез мақтаб турсалар ва олдин мақтаганларини ёмонлайдиган бўлсалар, у ҳолда бундай ахлоқ ўзгаришларига ўйлайманки, бошқа нимага бўлсада қарагандан кўпроқ эҳтиёткорлик билан қараш керак бўлади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Яна нима деймиз? Биз олдин тасдиқлаган нарса, яъни усул (ритм)га ва умуман ҳар қандай муסיқий санъатга тааллуқли ҳамма нарса – бу инсоний фитратларга, яхшисига ҳам, ёмонига ҳам тақлиддир, деганимизга ишончимиз комилми? Шу тўғрими ёки нотўғрими? e

К л и н и й . Худди шундай; ҳар ҳолда бизнинг фикримиз шунақа.

А ф и н а л и к . Демак, биз тасдиқлаб айтаемизки, бизда болалар рақслар ва тароналарда бошқа тақлидларга интимасликлари ва ҳеч ким бўлғуси ҳузурланишлар иштиёқиди уларни бунга рағбатлантирмасликлари учун турли хилдаги воситалар топмоғимиз зарур.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақ гапни айтмоқдасан.

А ф и н а л и к . Орамизда кимдадир мисрликларнинг услубларидан яхшироқ услуб борми? 799

К л и н и й . Қандай услуб ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . У, ҳар қандай рақс ва таронани муқаддас қилишдан иборатдир. Бунинг учун, аввал бутун йилга мўлжалланган байрамлар белгиланганди, бунинг устига қайси байрамларни қачон ўтказиш ва қайси худолар, уларнинг болалари ёки генийлар шарафларига ўтказилишлари ҳам белгиланган эди; бундан ташқари ҳар бир қурбонлик (маросимида) қандай тароналар айтилиши ва бу қурбонликда қандай хоровод рақслар билан худоларга эҳтиром кўрсатиш зарурлиги (ҳам белгиланган). Аввал баъзи кўшиқлар ва рақслар белгилаб қўйилди. Улар ўрнатилиши билан фуқаролар Мойрлар ва бошқа ҳамма худоларга биргаликда қурбонликлар қила бошладилар ва май келтириш маросимларида худолар ва бошқа олий мавжудотларнинг ҳар бирлари шарафига ҳар бир таронани муқаддаслаштира бошладилар. Агар бунга хилоф равишда кимдир, қайсидир бир худо шарафига бошқа мадҳияларни ёки хоровод рақсларни киргизишга уринса, у ҳолда уларни мубадлар ва мубад аёллар, соҳиби қонунлар билан бир-

b

галиқда, виждонийлик ва қонунга риоя қилиб уни тўхта-тардилар. Агар бу одам ихтиёрий равишда тўхтамаса, унинг бутун умри давомида ҳар қандай истак билдирган одам унинг виждонсизлиги учун суд маҳкамасига тортиши мумкин бўлган.

К л и н и й . Тўғри.

с А ф и н а л и к . Сухбатимизнинг шу ерида, бизнинг ёши-мизга мансуб бўлган нарсани синаб кўришимиз керак бўлади.

К л и н и й . Сен нималар ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Ҳар қандай ёш йигит, чолларни гапир-маса ҳам бўлади, камёб ва фаройиб ниманидир кўриб ёки эшитиб қолгач, қийин баҳсда осонликча ён бермайди ва гўёки айрилишда тургандек дарҳол бир қарорга келмайди. У бир ўзи йўлда бўладими ёки бошқа одамлар билан биргами, агар у йўлни яхши билмаса, ўзини қийнаётган нарса ҳақида у ўз-ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам сўрайди ва ўз йўлини ҳамда бу йўл қаерга олиб боришини яхшилаб текширмагунича йўлини давом эттирмайди. Биз ҳам худди шундай қилишимиз даркор. Ростики бизга ҳозир қонунлар ҳақида ғалати тасдиқлаш учрадимиз, демак ҳар тарафлама уни текшириш керак, бундай муҳим масала ҳақида гўё биз ниманидир камоли равшанлик билан дарҳол ҳал қилиб юборишга қодирдай енгилтаклик билан сўз айтиш ярамайди: бизлар энди у ёшда эмасмиз.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

е А ф и н а л и к . Бунинг вақтнинг (ўзига) қўйиб берайлик; қачонки уни етарли даражада кўриб чиқсак, бунинг ҳаммасига далил кўрсатамиз. Биз энди яқунлашимиз зарур бўлган қонунларнинг тартибини бузмаслик учун уларни кўриб чиқишни охиригача етказамиз. Эҳтимол, агар бу худога маъқул келса, бизнинг кўриб чиқишимиз бутунлай тутаганида мулоҳазамиз ушбу вақтинчалик қийинчиликни етарли даражада тушунтириб беради.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сен жуда яхши гапирмоқдасан. Биз сен айтганингдек қиламиз.

А ф и н а л и к . Биз айтамыз-ки: бизда қўшиқ қуйлаш қонун бўлиб қолади, деган бу ғалати ҳолатга йўл қўяйлик. Зеро бу “номлар”ни – қадимгилар, қўшиқчи кифара жўрли-

гида ижро этган нарсага нисбатан ишлатганлар. Улар бизнинг ҳозирги тасдиқ этаётганимиздан эҳтимол узоқ бўлмагандурлар: кимдир ўшанда, уйқусида (тушида) ёки бедорлигида, пайғамбарона хаёлдан уйғониб, уни башорат қилгандир. Шундай қилиб, бизнинг қароримиз бундай бўла қолсин: ҳеч ким муқаддас умумхалқ кўшиқлари ва ёшларда барча қабул қилинган рақсларга номувофиқ кўшиқ куйламаслиги ва рақс тушмаслиги зарур. Бошқа ҳар қандай қонунни бузилишидан кўра, бунга кўпроқ эҳтиёт бўлиш керак. Ким бунга риоя қилса, жазоланмайди; қулоқ солмагани эса, биз айтиб ўтганимиздек, қонунлар нигоҳбонлари, мубадлар (коҳинлар) ва мубад аёллар жазолайдилар. Бизнинг ушбу суҳбатимизда шундай қарор қилайлик.

К л и н и й . Шундай қарор қилайлик.

А ф и н а л и к . Ҳаддан зиёд заҳарханда кулгулар чиқармаслик учун бу қонунни қандай ўрнатмоқ зарур? Бу ерда ушбу нарсага эътибор берайлик: энг беҳатари – бу қонунларни аввал оғзаки яратиб олиш, гўё улардан намунавий нақш тушириб олинганидай. Мен ўзимга шундай нақшлардан бирини куйидагича тасаввур этаман: агарда фараз қилайлик, қонун бўйича адо этилган қурбонлик ва қурбонлик ҳайвонларини куйдиришдан кейин, кимнингдир ўғли ёки биродари, ўз ташаббуси билан меҳроб ва қурбонликлар олдида туриб ғийбат қилиб, ёмон сўзлар гапирса, наҳотки бу, сўраймиз биз, унинг отаси ва қариндошларида хафагарчилик пайдо қилмайди ва ёмонлик даракчиси ва каромати бўлмайди?

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Ҳар ҳолда бу бизда, айтса бўладики, балки барча давлатларда бўлиб туради. Қандайдир мансабдор шахс давлат номидан қандайдир қурбонлик қилганида унинг кетидан у ерга хор келиб меҳроб яқинида туради, баъзан эса унинг ўзининг ёнига келиб туради ва ўзининг сўзлари, усул (ритм)лари ва зорланувчи куйлари билан эшитувчиларнинг дилларини вайрон қилиб муқаддас маросим номига турли ёмон сўзларни ёғдирабошлайди; ва кимда-ким, ҳозиргина қурбонлик қилган одамларнинг кўз ёшини тўқдира олса, ўша ролиблик мукофотини олади.

Наҳотки биз бу одатни йўқотмаймиз? Агар фуқаролар қачонлардир бунга ўхшаш нола-фарёдларни, масалан, бахтсиз ва нопок кунлари эшитишлари керак бўлса, худди дафн маросимларида майитни ёлланган одамлар карий йиғилари билан кузатиб борганларидек, бунинг учун ёлланган чет элик ашулачилар чиқишлари керак бўлади; эслатиб ўтилган қўшиқ куйлашларга ҳам шунга ўхшаш нарсани қўллаш зарур. Дафн қўшиқчилигига ҳам гулчамбарлар ва олтин суви билан зийнатланган анжомлар эмас, узун кийимлар зарур. Буни тезроқ тугатиш учун айтиб ўтишим керак-ки, бу ерда ҳамма нарса бутунлай бошқача бўлиши даркор. Бизнинг ўзимизга мен яна савол бераман: биз, ана шу биринчи намунани қўшиқчилик учун аввал тартиб берсак маъқул бўладими?

Клиний. У нимадан иборат?

801

Афиналик. Эзгу нутқдан. Биздаги қўшиқчиликнинг тури ҳар жиҳатдан эзгу нутқли бўлсин. Бунинг ҳақида яна гапириш керакми ёки шундай тартибот бериб бўлинди, деб ҳисобласа ҳам бўладими?

Клиний. Албатта, уни шундай белгилаб қўй. Зеро бу қонун барча овозларни олди.

Афиналик. Эзгу нутқдан кейинги, муסיқий санъатнинг иккинчи қонуни билан не ҳол рўй беради? Биз ҳар сафар қурбонликлар келтирадиганимиз худоларга сифинишлар эмасми?

Клиний. Ҳа, шундай.

Афиналик. Учинчи қонун менинча ушбу бўлади: шоирлар билишлари керакки, худоларга сифинишлар (дуолар, ибодатлар) бу илтижолар (илтимослар)дир; ва улар эзгулик (яхшилиқ) ниқоби остида билмасдан ёмонликни сўраб қўймасликка эътибор беришлари зарур. Агар шундай дуо қабул бўлса, ўйлайманки, кулгили бир ҳолат пайдо бўларди!

Клиний. Нима бўлибди?

Афиналик. Биз сал олдинроқ ўз суҳбатимизда давлатда олтин ва қумуш заҳиралари бўлмаслиги керак, деган фикрга келгандик.

Клиний. Дарҳақиқат.

Афиналик. Биз ўз нутқимизда нега бу мисолни келтирдик? Шоирларнинг барча тури ҳам эзгу (яхши)ликни

ёмонликдан яхшигина ажрата олмасликлари учун эмасмикин? Демак, агар қандайдир шоир ўз асаридида, таронасида ёки сўзларида бу борада хатога йўл қўйса, бундай дуолар ногўғри бўладилар ва бу бизнинг фуқароларимизни энг жиддий ишларда керак бўлгани ҳақида эмас, бошқа нарса ҳақида дуолар қилишга (сигинишга) мажбур этади. Биз айтиб ўтганимиздай, бундан ҳам катта хатоликларни топиш қийин. Музанинг намуналаридан ва қонунларидан бири сифатида бу қоида ҳам ўрнатамиз.

К л и н и й . Қандай қоида? Равшанроқ гапир.

А ф и н а л и к . Шоир, давлат урф-одатларига хилоф равишда, адолатга, гўзалликка ва эзгуликка хилоф равишда ҳеч нарса ижод қилмаслиги зарур. Ўз асарларини, бунинг учун тайин этилган ҳакамлар ва қонунлар нигоҳ-бонларига кўрсатмай ва уларнинг розилиklarини олмай туриб, хусусий шахслардан ҳеч кимга кўрсатмаслиги керак. Бизда бунинг учун тайинланган шахслар аллақачон бор: бу, биз томондан сайланган, мушиқий санъатлар ишидаги соҳиби қонунлар ва тарбия ҳақидаги назоратчи-гамхўрлардир. Нима дейсиз? (мен бу саволни биринчи бор қайтараётганим йўқ): буни биз учинчи қонун, намуна ва нақш сифатида ўрнатамизми? Ё сиз бошқача фикрдамисиз?

К л и н и й . Ўрнатамиз. Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Кейин, худоларга мадҳиялар ва ибодатлар билан бирга мақтов кўшиқларини куйлаш ва худди шунга ўхшаб, худолардан сўнг, демонлар ва қаҳрамонларга мос дуолар қилиш анча тўғри бўларди.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Шундан кейин ҳеч эътирозга учрамайдиган қонунни ўрнатаверса бўлади: бадани ва дили (руҳи) билан зебо, қийин ишларни амалга оширган ва қонунларга бўйсунган, ўтиб кетган фуқароларни ҳам мақтов кўшиқлари билан эъзозлаш керак бўларди.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Барҳаёт одамларни, улар токи бутун ҳаёт йўларини ўтиб бўлмагунларигача ва уни зебо интиҳо билан тугалламагунларигача мақтов кўшиқлари ва мадҳия (гимн)лар билан эъзозлаш хавфсиз эмас. Бизда буларнинг ҳаммаси ўз яхши ишларини намоён этган эркакларга ҳам, аёлларга ҳам тааллуқдир. Қўшиқ куйлаш ва рақсларни

c

d

e

802

- куйидагича ўтказган маъқул: мусиқий санъатда эски, муаллифларнинг қадимий зебо асарлари бор, бадан учун эса худди шунга ўхшаш рақслар мавжуд. Қурилаётган давлатга мос ва монанд нарсаларни улардан танлаб олишга ҳеч нарса халақит бермайди. Уларни баҳоловчилар қилиб элик ёшдан ёш бўлмаган шахслар сайланадилар. Улар қадимий асарлардан танлаб оладилар ва тўғри келадиганларини ўтказадилар; умуман тўғри келмайдиган асарларни улар мутлақо рад этадилар; камчиликлари бор асарларни кўп марта лаб тузатилишини таъминлайдилар. Бунинг учун улар шоирлар ва машшоқларни жалб этиб, уларнинг шоирона иқтидорларидан фойдаланадилар; ва уларнинг таъблари ва эҳтирослари билан улар (ҳакамлар - тарж.) ҳисоблашмайдилар, - фақат баъзи бир ҳолларда бўлмаса, - аммо уларга (шоирлар ва машшоқларга - тарж.) соҳиби қонуннинг ниятларини иложи борича яхши тушунтириб берадилар, токи рақслар, қўшиқ айтишлар ва хоровод ўйинларга тегишли барча нарсалар шу руҳиятда бўлсинлар. Номавзунлик ўрнига мавзунлик келтирадиган Музалар билан шуғулланиш, ҳатто бу ерда лаззатли Муза бўлмаса-да, доимо бениҳоя яхшидир. Ёқимлилик эса барча Музаларнинг умумий хислатидир. Болаликдан бошлаб то оқил, етук ёшгача мулоҳазали ва мўътадил Муза билан чиқишиб келган одам, унга (мўътадил Музага - тарж.) душман Музани эшитиб ундан нафратланади ва уни разил, деб ҳисоблайди, кимки бозори чаққон, ширинмаза Музада тарбияланган бўлса, унга қарама-қарши Музани у совуқ ва ёқимсиз дейди. Шунинг учун, ҳозир айтилганидек, ёқимли ёки ёқимсизлик маъносида уларнинг ҳеч бири бошқасидан афзал эмас. Бироқ, биринчиси унда тарбияланган одамларни ғоят яхшилайти, иккинчиси эса - ёмонлаштиради.

К л и н и й . Сен буни (жуда) яхши айтдинг,

- А ф и н а л и к . Яна, эркаклар қўшиқчилигининг, аёлларга хос қўшиқчиликдан фарқлайдиган фитратини аниқланса бўларди. Улар учун маъқул бўлган уйғунлик ва усулларни белгилаш керак. Агар тарона умум уйғунликка хилоф бўлса, агар усул бузилса ва тароналарда ҳеч нарсага лозим бўлганича рия қилинмаса яхши эмас. Бу ерда ҳам

қонун билан маъқул бир шаклларни аниқлаб қўйиш зарур. Эркакларга ҳам, аёлларга ҳам бу икки зарурий шаклларни – [уйғунлик ва усулни] раво қўриш керак, аммо бунда, аёл зотининг табиий хислатларига айнан нима мос келишига эътибор бериш керак. Худди шуни аниқламоқ зарур. Улуғвор ва жасурликка мойиллик қилувчи барча нараса эркаклик кўринишига, камтарлик ва одобга мойил нарсалар эса, аёлларга хосдир; шунинг учун буни уларга қонун бўйича лозим кўриш зарурдир. Бу тартибот тахминан шундай бўлади.

803

Кейин бунга ўрганиш борасида сўзлашиб олиш керак – бошқаларга буни қандай ва қайси тарзда топшириш керак ҳамда буни ким ва қайси вақтда амалга оширади. Кемасоз, кема ясаши олдидан қоралама (чизма) чизаётиб кема пуштагининг шаклини белгилаганидек, мен ҳам, ахлоқ шаклини белгилашга ҳаракат қилаётиб худди шундай қилаётганга ўхшайман. Бу борада мен ҳар бир одам руҳиятининг тузилишига асосланаман; у дарҳақиқат уларнинг пуштагини ташкил қилади. Мен албатта, бизнинг яшашимиз гўё (денгизда) сузишга ўхшагани учун, ана шу сузишда ҳаётимизни қайси воситалар ва усуллар ёрдамида яхши ўтказишимизни аниқ ҳисобга олишга интиламман. Тўғри, инсоний ишлар алоҳида жонкуярликка арзимайдилар; аммо, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур, гарчи бунда бахт бўлмаса ҳам. Ростки биз шундай аҳволга тушган эканмиз, ўз вазифамизни маъқул равишда бажариш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳа айтгандай, буларни нимага гапирмоқдаман? Кимдир шу савол билан менинг сўзимни бўлиб қўйишга ҳақлидир.

b

c

К л и н и й . Бу тўппа-тўғри.

А ф и н а л и к . Мен тасдиқлаб айтаманки, жиддий ишларда жиддий бўлмоқ керак, жиддий бўлмаган ишларга жиддий бўлмаслик керак. Илоҳ ўз табиатига кўра мумкин қадар фароғатли ғамхўрликка лойиқдир, инсон эса, биз олдин айтиб ўтганимиздек, бу худонинг ўйлаб топилган қандайдир бир кўғирчоғидир ва шу, унинг энг яхши вазифаси бўлиб қолди. Худди шунга риоя қилиш керак; ҳар бир эркак ва ҳар бир аёл, ўз ҳаётини зебо ўйинлар ўйнаб ўтказсин, гарчи бу, ҳозир қабул қилинганига зид бўлсада.

Клиний . Қайси маънода?

- d Афиналик . Энди, жиддий ташвишлар (ғамжўрликлар) ўйинлар учун бўлмоғи керак, деб ўйлайдилар. Уруш билан боғлиқ жиддий масалаларга тинчлик учун тартиб бериш керак, деб ҳисоблайдилар. Аммо, урушда бўладиган нарса, ўз табиатига кўра ҳеч ҳам ўйин эмас ва бизнинг элатишимизга лойиқ бўлган тарбия воситаси ҳам эмас: ҳозир ҳам у ундай эмас, кейин ҳам ундай бўлмайди. Биз эса, биз учун энг муҳим нарса деб айтамыз. Ҳар бир одам иложи борича ўз ҳаётини узоқроқ ва яхшироқ тинчликда (дунёда) ўтказиши зарур. Охир-оқибатда ўзи нима тўғри? Ўйнаб яшаш керак. Бу қандай ўйин? Худоларнинг марҳаматларига мушарраф бўлишнинг (йўлини) билиш, душманларни қайтариш ва жангларда ғалаба қозониш учун қурбонликлар қилиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш. Аммо, қандай қўшиқлар ва рақслар билан уни ва бошқасини амалга ошириб бўлади? Бунга намуналар кўрсатилган ва бориладиган йўл ҳам гўё очиб қўйилган, деб ҳисобланса, шоир ҳам бундай деган экан ва ҳақ бўлган эди:
- e

- 804 *Кўп нарсани Телемак, сен ўз ақл идрокинг ила билиб оласан;
Кўп нарсани хайрихоҳ демон сенга кўрсатар; доим тириклар
иродасига қарши эмас, ўйлайман, тугилишинг ва тарбиянг.*

- Бизнинг шогирдларимиз ҳам, қисман қурбонликлар ва хоровод рақслар ҳақида бисёр кўрсатмалар бериб бўлинган, қисман ўйин тушиб худолар марҳаматига эришиш ва ўзининг табиати ҳислатларига мос равишда яшаш учун гений ва худо кимнинг шарафига ва қачон уларни адо этиш кераклигини уқдирганлар, деб ҳисоблаб худди шундай фикрлашлари зарур; зеро одамларнинг кўпчилик қисми кўғирчоқлардир ва ҳақиқатга озгина таалуққадирлар.
- b

Мегилл . Сен, инсоният зотини пастга урмоқдасан, ажнабий (биродар)!

Афиналик . Ҳайрон бўлма Мегилл, мени кечир! Мен худода боқиб тургандим ва шу таассурот остида ҳозирги сўзларни айтдим. Агар сенга маъқул келадиган бўлса инсон зотини разил эмас, балки, жиддий ғамжўрликка лойиқ,

- c деб ҳисобласак бўлади.

Кейин сўз шаҳар ўртасида, учта жойда гимнасиялар ва шу билан бирликда мактаблар қуриш ҳақида боради. Сўнгра – яна учта жойда, фақат шаҳар ташқарисиди тийрандозлик ва ирғитиш бўйича машқларга мўлжалланган отчопарлар ва майдонлар ташкил этиш ҳақида (сўз боради). Улар, ёшларни ўқитиш ва уларнинг машқ қилишлари учун ташкил этиладилар. Агар олдин булар ҳақида етарли даражада сўз айтилмаган бўлса, энди улар ҳақида гапирибгина қолмай, балки қонун билан барқарор қилиб қўйилсин. Бу барча мактабларда ўтроқ бўлиб қолган ажнабийлардан чиққан ўқитувчилар (мактабга) келадиган ўқувчиларга ҳарбий фанлар ва мусиқа санъатидан дарс берадилар; ўқув юртини фақат отаси хоҳлаган болагина эмас, – кимнинг отаси хоҳламаса, у тарбияланмаса ҳам бўлади, демасдан – балки, айтиладиганидек, қари ҳам, ёш ҳам кучи етганча албатта тарбия олишлари керак: зеро, болалар ота-оналарига қараганда кўпроқ давлатга қарашлидирлар. Буларнинг ҳаммасини менинг қонуним бир хилда, аёллардан ҳам, эркаклардан ҳам талаб қилган бўларди: биринчилар (яъни аёллар - тарж.) худди шу тарзда машқ қилишлари зарур. Мен, шунинг ўзини суворийлик ва гимнастика ҳақида ҳам қарор қилишга қўрқмаган бўлардим; бу эркакларга мумкину аёлларга мумкин эмасми? Қадимий ривоятларни эшитиб ўзимнинг ҳақ эканлигимга амин бўламан; ҳа, айтгандай, ҳозир ҳам, мен биламан, Понта вилоятида беҳисоб аёллар борки, – уларни савроматидлар, деб аташади, – улар эркаклар билан тенг равишда ва биргаликда нафақат чавандозлик билан, балки тийрандозлик ва бошқа қурооларни ишлатиш бўйича машқлар қиладилар. Бунинг устига, бу борада менинг яна бундай мулоҳазаларим бор: мен тасдиқлайманки, ростики буларнинг ҳаммаси умуман мумкин экан, у ҳолда бизнинг томонларимизда, бор кучлари билан эркаклар ҳам, аёллар ҳам бир жон бўлиб ва бир хилда бунга ўрганмаётганлари олий даражадаги ақсизликдир. Деярли ҳар қандай давлат бу тарзда, меҳнат ва мақсад бирлиги туфайли икки баробар катта бўлиши ўрнига яримта бўлиб қолади. Албатта бу, соҳиби қонун томонидан йўл қўйилган ғалати камчиликдир.

К л и н и й . Шундайга ўхшайди. Ҳар қалай ажнабий (биродар), биз ҳозир айтиб ўтганларимизнинг кўп қисми одатдаги давлат тузилишига зид бўлади.

А ф и н а л и к . Мен айтдимки, аввал суҳбатимизнинг яхшилаб ривожланишига йўл қўйиб бериш зарур, у ривожлангач, маъқул деб тан олинганини ундан танлаб олиш даркор.

К л и н и й . Сенинг сўзларинг равон ва сен, мени ўзим айтган сўзим учун ўзимга танбеҳ беришимга мажбур этдинг. Қалбингга хуш келадиган бор гапингни айтавер!

**Эркаклар
ва аёлларнинг
маиший ва
ҳарбий тенг
ҳуқуқликлари**

А ф и н а л и к . Менинг қалбимга аввал айтганларим хуш келади, Клиний. Агар менинг ниятим (фикрим) ишда яхши асосланмаган бўлса, у ҳолда, унга эътирозлар топилиши турган гап. Аммо, ҳозир бу қонунни қабул қилмаган одам,

бошқа ниманидир излаб кўриши керак. Аммо, шу билан бирга, умуман аёллар эркаклар билан тенг равишда тарбияга ва бошқа ҳамма нарсага лойиқ эканликлари ҳақидаги бизнинг истакларимиз сўниб қолмайди; дарҳақиқат, биз **d** бу ерда шундай фикрлашимиз керак. Ва яна айтчи: агар аёллар эркаклар қатори ҳаётнинг барча томонларига тааллуқли бўлмасалар, у ҳолда улар учун қандайдир бошқа бир тартибот ўрнатиш лозим, шундай эмасми?

К л и н и й . Бу жуда зарур.

А ф и н а л и к . Ростики биз аёллардан эркаклар қатори ҳаётда қатнашишини талаб қилар эканмиз, юқорида кўрсатиб ўтганларимиздан қайси бир ҳаёт тарзини аёллар учун ўрнатамиз? Аёллардан деҳқончилик, чорвачилик, қўйлар боқиш, уй-рўзғор ишларида фойдаланиладиган фракийлилар ва бошқа қабилалардаги каби – яъни, аёллар ва қуллар ўртасида ҳеч фарқ бўлмаган ҳаёт тарзиними? Ёки биздаги ва бизнинг жойларимиздаги ҳамма аҳолининг (ҳаёт тарзиними)? Ҳозир бизда иш бундай равишда: ўзимизнинг барча [оилавий] мулкимизни бир хонадонга олиб бориб қўямиз ва аёлларга топширамыз; улар ундан фойдаланадилар, юнг тўқиш ва йигиришга раҳбарлик қиладилар. Мегилл, Аакедемония тартиблари эса, **806** тўғри эмасми, ушбу икки қарама-қарши ҳолат ўртасидир. Қизлар гимнастик машқлар ва шу билан бирга мусиқий санъатлар машғулотларида қатнашишлари керак. Хотинлар эса, юнг йигирмасалар ҳам, машқлар ила

тўла, арзигулик ва қадрли ҳаёт тўрини тўқишлари зарур; хўжалик ва болалар тарбияси ҳақидаги ғамхўрлик бўйича улар бу ерда яна ўртача ҳолатни эгаллайдилар; аммо ҳарбий ишларда қатнашмайдилар. Шу сабабдан давлат ва болалар учун жангга кириш зарурати бўлганида, улар, камондан фойдаланишни биладиган амазонкаларга ўхшаб камондан фойдаланишни билмайдилар; иргитиладиган, отиладиган бошқа қуроолларда улар уқувсизлар; улар, ўз ватанларининг талон-тарож бўлишига мағрур қаршилик кўрсатиш ёки ҳеч бўлмаса қандайдир бир ҳарбий қисмда ўзининг пайдо бўлиши билан душманларга даҳшат солиш учун (қўлларига) қалқон ва найза олиб аёл худога тақлид қила олмайдилар. Бундай ҳаёт тарзида яшаб улар албатта савроматларга тақлид қилишга журъат этолмайдилар: зеро, савроматларнинг аёллари, умуман аёлларга нисбатан эркаклар бўлиб кўринишлари мумкин. Шундай қилиб, агар кимдир хоҳласа, сизларнинг соҳиби қонунларингизни мақтайверсинлар. Мен эса, ўзимнинг аввалги фикримни айтган бўлардим: соҳиби қонун ярим йўлда тўхтаб қолмай, охиригача изчил бўлиши керак. Шунинг учун у, аёлларнинг ишратга берилишларига ва тартибсиз ҳаёт тарзи ила яшашларига йўл қўймаслиги зарур; зеро, соҳиби қонун фақат эркаклар ҳақида охиригача ғамхўрлик қилиб, бу билан давлатга, айтса бўлади-ки, икки бахтли ҳаёт ўрнига ярим бахтли ҳаёт беради.

b

c

Мегилл. Биз қандай йўл тугамиз, Клиний? Бу ажнабийга Спартага бундай ногоҳ ҳужум қилишга йўл қўямизми?

d

Клиний. Ҳа, тўла сўз эркинлиги берилганидан кейин йўл қўшишга тўғри келади – токи биз қонунларни етарли даражада ва ҳар жиҳатдан кўриб чиқмагунимизча.

Мегилл. Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

Афиналик. Шундай қилиб, кейингиларини ҳам аниқлашга ҳаракат қилиб кўриш менинг ишим.

Клиний. Албатта.

Ҳаёт тарзи.
Қун ва тун
тартиботи

Афиналик. Барча зарурий нарсалар билан таъминланган одамлар қандай ҳаёт тарзида яшайдилар? У ерда ҳунарлар ажнабийларга топширилган; эркаклар учун умумий дастурхон ало-

e

- ҳида солинган, уларнинг аҳли оилалари – қизлар ва она-лар учун улардан нарироқда жой қилинган. У ерда, эркак ва аёл мансабдор шахслардан бирга овқатланувчиларнинг ўзларини қандай тутишларини кузатиб туриш ва кейин бу йиғинларни тарқатиб юбориш талаб қилинади, сўнгра
- 807** албатта мансабдор шахс ва ҳаммалари ўша кун ёки тун бағишланган худоларга шароблар келтириш маросимини ўтказадилар. Шундан кейин ҳамма уй-уйига тарқалади. Аммо наҳотки, бундай кун тартибига риоя қилувчи одамлар учун зарурий ва муносиб биронта иш қолмаган бўлса? Ёки уларнинг ҳар қайсиси фақат ҳайвондай семириб яшаши керак? Йўқ, деб айтамиз биз, бундай яшовчи одамдан ўч олинмаслиги ҳам адолатсизлик, ҳам яхши эмас, ҳам номумкин дир. У шундан иборатки, семириб (ёғ босиб) кетган жонзот, мардлик ва меҳнатларда тобланган бошқа жонзотнинг ўлжаси бўлиб қолади. Агар биз, ҳозир амалга ошираётганимиздай ўз текширувларимизни синчковлик билан бажарсак, токи бизларнинг ҳар биримиз ўзимизнинг хотинимизга, болаларимизга, уй-жойимизга ва умуман хусусий мулкка эга бўлмагунимизча балки бу ҳолат рўй бермас. Демак, агар унчалик мукамал бўлмаган тузум яратилса, ҳозир сўз шу ҳақда кетмоқда, у ҳолда, албатта
- с** зарурий меъёрга риоя қилинади. Биз айтамиз-ки, кўрсатилган тарзда яшовчи одамлар учун жуда ҳам муҳим иш қолади: аксинча, адолатли қонунчилик томонидан талаб қилинадиган нарсалар ичида у энг муҳимидир. Дарҳақиқат, ҳатто Пифия ёки Олимпия ўйинларида ғалаба қозонишга интилаётган одамларда ҳам бошқа турмуш ишларига вақтлари қолмайди; аввал тўппа-тўғри кўрсатиб ўтилганидай бадан ва руҳоний турли эзгу ишлар ҳақидаги ташвишлар билан ҳаёт кечирадиган одамлар учун икки баробар ёки ундан ҳам кўпроқ вақт етишмайди. Шунинг учун,
- д** ҳеч қандай қўшимча машғулотлар баданни меҳнатларда тоблайдиган, дил (руҳият, кўнги)га эса – билим ва кўникмалар берадиган бошқа ишлар учун тўсиқ бўлиб хизмат қилмасликлари зарур. Кимки худди шуни амалга оширса, дил ва баданнинг етарли даражадаги баркамоллигига эришишга интилса, менингча, бунинг учун барча тунлар ва кунлар камлик қилади.

Ростки табиатнинг ўзи бўйича иш шундай бўлар экан, у ҳолда барча ҳур туғилганларга бутун кун тартиботини белгилаб қўйиш лозим. Бу тартибот деярли тонгдан бошланиб, кейинги тонггача, бошқача айтганда, қуёш чиққунича та-наффуссиз давом этиши керак. Агар соҳиби қонун, умуман уй-рўзгорда тез-тез учрайдиган барча икир-чикирлар ҳақида ва айниқса, охиригача синчковлик билан давлатни ҳимоя қилишга бел боғлаган одамларга хос бўлган тунги бедорлик ҳақида сўз юритса хунук кўринган бўлар эди. Айтиш керакки, агар эркин инсон бутун тун бўйи уйқута берилса ва (эрта) уйғониб, биринчи бўлиб ўрнидан туриш билан оила аҳлига намуна бўлмаса (унинг бу ишини) ҳамма 808 ҳур инсон учун шармандалик ва номуносиб иш, деб ҳисоблаши керак. Буни қонун дейиладими ёки одат дейиладими – фарқи йўқ. Худди шунга ўхшаб, агар уй бекаси уйдагиларнинг ҳаммасини уйғотиши ўрнига чўриларга унинг ўзини уйғотишга мажбур этса, у ҳолда қул, хизматкор ва – агар бу мумкин бўлса, – бутун уй бу (воқеа) ҳақида нимадир шармандали нарса ҳақида гапиргандек гапириши лозим. Ҳамма тунда уйқудан туриши (ҳали тонг ёришмасдан дейилмоқчи шекилли - тарж.) ва ҳокимлар давлатда, хожалар ва бекалар – ўз уйларида кўпгина давлат ишлари ёки уй ишлари билан шуғулланишлари керак. Узоқ уйқу табиатнинг ўзи бўйича на бизнинг баданимизга, на бизнинг дилимиз (руҳиятимиз)га тўғри келмайди ва баданий фаолиятга ҳам, руҳоний фаолиятга ҳам халақит беради. Дарҳақиқат: уйқудаги одам ҳеч нарсага ярамайди; у, ўликдан ҳеч қанча ҳам яхши эмас. Бизлардан қайси биримиз оқилона ҳаёт ҳақида ҳамма нарсдан кўпроқ қайғурса, у имконият борича узоқроқ бедор бўлсин, аммо у, бу борада саломатликка – фойдали нарсага рия қилиши даркор. Агар бу одатга айланиб қолса, у ҳолда одамларнинг уйқуси узоқ бўлмайди. Давлатларда тунлари бедор бўлган ҳокимлар ёмон одамлар учун даҳшатлидирлар – душманларга ҳам, фуқароларга ҳам, – аммо адолатли ва соғлом фикр юритувчилар учун марҳаматли ва эҳтиромлидирлар; улар ўз-ўзларига ҳам, бутун давлатга ҳам фойдалидирлар.

Шу тарзда ўтказилган тун, олдин айтиб ўтилганлардан ташқари ҳар бир фуқаронинг дилига мардлик олиб ки-

- d рарди. Эрталаб, тонгда болалар ўқитувчилар ҳузурларига боришлари керак. На қўйлар, на бошқа ҳайвонлар чўпонсиз яшай олмайдилар; шунга ўхшаб, болалар ҳам қандайдир раҳбарларсиз, қуллар – хожаларсиз ўзларини эплай олмайдилар. Аммо болани, бошқа ҳар қандай тирик жонзотга қараганда қўлга олиш қийинроқдир. Зеро боланинг онги маъқул ўзанга қанча кам йўналтирилган бўлса, у шунча шўхроқ, чўрткесарроқ бўла боради ва бунинг устига қўрслиги билан қолган барча жонзотлардан ўтади. Шунинг учун уни турлича мумкин бўлган воситалар билан
- e ва аввало, энага ва она қўлидан чиқиб болаларча ўйинларга, раҳбарнинг, кейин эса, янги туғилган одам ўрганиши керак бўлган турли фанлар ўқитувчиларининг назорати, ғамхўрлигига ўтганида уни тийиб олмоқ зарур. Агар бола қуллар тоифасига кирса, ҳур туғилганлардан ҳар қандай ўткинчи одам ўша болани ҳам, айбдор тарбиячисини ёки ўқитувчисини ҳам жазоласин. Агарда бундай йўловчи адолатли жазо бермаса, у биринчидан энг зўр
- 809 шармандаликка учрасин, бундан кейин эса, болаларни назорат қилиши керак бўлган қонун нигоҳбони жазоланиши керак бўлганни жазоламагани ёки етарли даражада жазоламагани учун, сўз бораётган ўткинчини кузатсин. Бундай қонун нигоҳбони бизда зийрак бўлиши зарур; у, болалар тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиши, уларнинг феъл-атворларини тузатиши ва доимо қонунларга мувофиқ равишда уларни эзуликка йўналтириши керак.

Аммо, ана шу қонун нигоҳбонини, қонуннинг ўзи, маъқул даражада қандай тарбиялайди? Чунки биз ҳали етарли даражада ҳеч нарсани равшан айтмадик; Баъзи нарсалар ҳақида гапирилди, аммо қолганлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмади. Айтиш керак-ки қонун имкон борица ҳеч нарсани (баён этмай) қолдирмаслиги даркор; бу қонун бошқаларга огоҳлантирувчи ва тарбияловчи намуна бўлиши учун ҳар бир сўзни тушунтириш лозимдир. Хоровод ашулалар ва рақслар борасида яъни, улар қандай фитратда бўлишлари, уларни танлаш, тузатиш ва муқаддаслаштириш ҳақида олдин айтиб ўтилди. Сен, болаларнинг назоратчи ғамхўрларининг энг

c яхшиси, шеърый бўлмаса ҳам, ўзингнинг тарбияланув-

чиларинг билан шуғулланиш учун қандай ёзма асарлардан фойдаланишинг ва бу ишни қандай амалга оширишингни биз ҳали айтмадик. Айтгандай, ҳарбий иш ҳақидаги бизнинг суҳбатимиздан тарбияланувчилар нимани ўрганишлари ва нимани машқ қилишлари зарурлигини билиб олдинг. Аввало савод чиқариш, кейин кифарада чалиш ва ҳисоб, ҳарбий ишда, рўзғорда ва давлат бошқарувида ишлатилишлари учун, айтиб ўтганимиздек, ҳамма ўрганиши зарур, бундан ташқари, ҳамма юлдузлар, Қуёш ва Ойнинг илоҳий айланишлари ҳақида фойдали маълумотлар олиши зарур, бунинг борасида ҳар қандай давлат тартиботларга эга бўлиши кераклигидан... аммо, ҳозир нималар ҳақида сўз юртаётган эдик? Йилнинг барча фасллари, қурбонликлар ва байрамларга табиатнинг ўзи бўйича уларнинг ҳар бирига хос нарсани уларга берилиши учун; бу, давлатни яшнатиши ва уйротиши учун; худоларга эҳтиром кўрсатилиши, одамлар эса бу ишларда оқилроқ бўлишлари учун, Ойнинг ойлик айланишлари тартиби ва ҳар йилги ойларнинг тартиби ҳақида (сўз бормоқда эди) – буларнинг ҳаммаси, дўстим, сен учун соҳиби қонун томонидан етарли даражада баён этилгани йўқ. Эндиги сўз нималар ҳақида боришига эътибор бер-чи!

d

Муסיқий
ва гимнастикавий
тарбия

Биз айтиб ўтдик-ки, аввало саводхонлик борасида сенда етарли даражада кўрсатмалар йўқ. Биз ўзимизнинг баёнимизга нимани таъна қиламиз? Ушбуни:

e

лойиқ фуқаро бўлишни хоҳлаган одам бу фанни мукаммал билиши керакми ёки унинг яқинига ҳам келмаслиги мумкинми, буни сенга айтилгани йўқ. Кифарада чалиш борасида ҳам шундай. Демак, биз тасдиқлаб айтаемизки, у буларни ўрганиши зарур. Ўн ёшидан бошлаб бола тахминан уч йил мобайнида савод ўрганиши лозим; ўн уч ёшда кифарада чалишни ўргана бошласа бўлади; бу ўқишга яна уч йил вақт керак. Аммо, на боланинг отасига, на боланинг ўзига – буни у яхши кўрадими ёки ундан нафратланадими барибир – бу муддатни кўпайтиришга ҳам, озайтиришга ҳам рухсат бериламайди; қонунни кўп ёки озроқ бузиб бу иш билан шуғулланишга ҳам рухсат бериламайди. Бунга қулоқ

810

солмаган эса, биз кейинроқ айгиб ўтадиганимиз, ўқимишли бўлишга қилинадиган ҳурмат-эҳтиромларга ҳуқуқдан маҳрум этилади. Аммо, кўрсатилган вақт давомида ёшлар ўз ўқитувчиларидан нимани ўрганишлари керак? Худди шуни сен ўзинг ўзлаштириб олишинг зарур. Бола то ўқиш

- b** ва ёзишни билмагунича саводхонлик билан шуғулланиши даркор. Равонлик ва чиroyлиликка келсак, агар боланинг табиати белгиланган муддатда бунга мойил бўлмаса, мажбур этмаслик керак. Мусиқий жўрлиги бўлмаган, ёзиб қўйилмаган шоирона, қисман назмдаги, қисман вазнсиз, бошқача айтганда насрдаги уйғунлик (гармония) ва усул (ритм)дан маҳрум асарларга келсак, бу турдаги ёзувлар кўпгина хавфли одамлар томонидан қолдирилганлар. Қонунлар нигоҳбонларининг энг яхшилари, улардан сиз қандай фойдаланасиз? Ёки: соҳиби қонун нимадан фойдаланишни талаб этади ва қайси шароитларда унинг талаблари тўғри бўладилар? Унинг қийин аҳволга тушишини мен аввалдан билиб турибман.

К л и н и й . Нима бўлди, ажнабий (биродар)? Дарҳақиқат қийин аҳволга тушиб қолдинг шекилли ва сен ўз-ўзинг билан гаплашяпсанми?

А ф и н а л и к . Мени тўхтатганинг яхши бўлди, Клиний. Зеро, сизлар мен билан биргаликда қонунларни ўрнатишда қатнашмоқдасизлар; шунинг учун сизларнинг ҳузурингизда менга нимани амалга ошириш осон, нимани эса қийин эканлигини баён этишим керак.

- d** **К л и н и й .** Айт-чи, сен қайси таассурот остида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Майли, айта қолай: кўпинча минглаб овозга эга миш-мишга зид бўлган нарсани айтиш осон эмас-ку.

К л и н и й . Нималар демоқдасан? Бизнинг олдин қонунлар ҳақида айтганларимиз наҳотки кўпчиликнинг фикрига озгина ёки жуда ҳам озгина зид?

А ф и н а л и к . Бу ўринда сен мутлақо ҳақсан. Сен менга, менингча, кўпчилик нафратланадиган, аммо, шу билан бирга балки, улардан кам бўлмаган агар оз бўлсаларда ҳар ҳолда ёмон бўлмаган одамларга ёқимли йўлдан боришни буюрмоқдасан шекилли; сен мени хавф-хатарларни менсимай, улар билан қўрқмай боришга, ва биз-

нинг қонунчилигимизда, ушбу суҳбатда белгиланган йўлдан қайтмасликка ундамоқдасан.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, мен чекинмайман. Мен айтмоқдаманки, бизда ўз асарларида гексаметр, триметр ва бошқа вазнлардан фойдаланувчи шоирлар жуда кўп; бу шоирларнинг бирлари жиддий, бошқалари – кулдириш учун ижод қиладилар. Минглаб одамлар кўпинча айни шу шоирларнинг тўлалигича ёд олинган асарлари билан, маъқул тарбия олаётган ёшларни озиклантириш ва тўйдириш керак, токи улар ўқиш йўли билан кўп нарсалар ҳақида эшитсинлар, кўп нарсаларни билсинлар ва ўзлаштириб олсинлар, деб тасдиқлайдилар. Бошқалари ҳамма шоирлардан энг асосий нарсаларни танлаб оладилар, ҳикматлар тўпламларини тузадилар ва катта тажриба ҳамда билимлар туфайли ким бизда эътиборли ва донишманд бўлишни хоҳласа, худди шуниси эсда сақлаши ва ёд олиши зарур деб тасдиқлайдилар. Шундай қилиб, сен мени улар нимада ҳақ, нимада – ноҳақ эканликларини очиқ айтишга ундамоқдасан.

К л и н и й . Худди шундай.

А ф и н а л и к . Барча саволларга бир сўзда жавоб беришим учун нима дейишим керак? Ўйлайманки, мана бу сўзни айтишим керак ва ҳар ким ҳам менинг фикримга қўшилади: ушбу шоирлардан ҳар бири зебо, гўзал нарсаларни кўп айтган аммо ёмонини ҳам (кўп айтган): иш шундай экан у ҳолда мен тасдиқлаб айтаманки, бу ерда болалар учун улкан билимлар хавфлидир.

К л и н и й . Қонунлар нигоҳбонига сен қандай маслаҳат берган бўлардинг?

А ф и н а л и к . Қайси борада?

К л и н и й . Намуна сифатида нимага қараши керак? Барча ёшларга ўрганиш учун нимани тақдим этади-ю нимани манъ қилади? Ҳозир айт.

А ф и н а л и к . Меҳрибоним Клиний, менга гўёки омад кулиб боқди шекилли.

К л и н и й . Қандай (омад)?

А ф и н а л и к . У (омад) шуки, мен бу намуна борасида унчалик ғафлатда эмасман. Ҳозир эрталабдан то шу пайт-

гача бўлган – менингча қандайдир илоҳий илҳом билан йўғрилган – суҳбатимизга қайта назар ташлаб мен, бизнинг нутқларимиз кўп жиҳатдан шеърятга ўхшайди, деган фикрга келдим. Балки, ўз нутқимга назар ташлаган чоғимда қувонаётганим ажабланарли ҳол эмасдир. Дарҳақиқат, мен биладиган ёки эшитганим назм ёки насрдаги кўп нутқлардан, улар менга ёшларнинг эшитишлари учун энг тўғри келадиган ва энг мувофиқлари бўлиб туюлдилар. Шу сабабдан қонунлар нигоҳбони учун ҳам, тарбиячи учун ҳам, ўйлайманки, бундан кўра яхшироқ намуна тополмасдим: ўқитувчилар ўқувчиларни менинг маслаҳатим бўйича ўқитсинлар. Агарда шоирларнинг асарларини, ёзма наср ёки оғзаки асарларни ўтаётганда, бизнинг мулоҳазаларимизга ўхшаш нутқларни учратсалар, у ҳолда бепарво бўлмай ёзиб қўйиш керак. Аввало ўқитувчиларнинг ўзларини буни ўзлаштиришга ва маъқуллашга мажбур этиш керак. Бу иш ёқмайдиган ўқитувчилар ёрдамидан фойдаланмаслик керак; қайси бирлари маъқулласалар ва рози бўлсалар, фойдаланиш керак. Ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни худди ўшаларга топшириш лозим. Шу билан мен савод (ўргатиш) ўқитувчилари ва саводхонликнинг ўзи ҳақидаги сўзимни тугатаман.

812 Клиний . Бизнинг масалага келсак, менга ажнабий (биродар), суҳбатимиз белгилаган йўлдан бошқа йўлга бурилиб кетмаганга ўхшаймиз. Ўз йўлимизда охиригача қоламизми, йўқми, ҳозир бир нима дейиш қийин.

б Афиналик . Кўп марта айтиб ўтилганидек, Клиний, бизнинг қонунлар ҳақидаги мулоҳазаларимизнинг охирига етганимизда бу маълум бўлади.

Клиний . Тўғри.

Афиналик . Шундай қилиб, савод муаллимидан кейин биз кифара чалувчи ҳақида гаплашиб олишимиз зарур.

Клиний . Шундай.

Афиналик . Олдинги мулоҳазаларимизни эслаб, биз, мен ўйлайманки, кифара чолғучиларига маорифдаги ва шу билан бирга шунга ўхшаш тарбиянинг ҳар қандай хилдаги ўринларини белгилаймиз.

Клиний . Ҳозир сен нималар ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к. Яхши эслайман, дионисий хорларининг олтмиш ёшли қатнашчилари, қўшиқдаги тақлидларда руҳий ҳолатга яхши тақлидларни ёмонларидан фарқ қила биайшлари учун усул ва уйғунлиқдаги бирикувларга жуда таъсирчан бўлмоғлари зарур, деб айтган эдик. Яхши руҳий ҳолатга монандини, ёмон руҳий ҳолатга монандидан ажрата оладиган одам ёмон руҳий ҳолатга монандини рад этиб биринчисини ўз ижроси учун қабул қилади; у қўшиқлар айтади ва навқирон ёшларнинг дилларини шайдо этади ҳамда, шундай тақлидлар ёрдамида ҳар бир ёшни эзгуликка эришишда ўзига эргашишга ундайди.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақ гапни айтдинг.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, кифара чалувчи ва унда тарбияланувчилар лиранинг – унинг товушларининг аниқравшанлиги туфайли – жўрлигидан фойдаланишлари ва лиранинг садосини тарона товушларига мослаштиришлари керак, аммо қачонки, торлар бир таронани чиқарсалару шоир бошқа куйни ёзган бўлса, қачонки, зичлик ва сийрақлик, тезлашув ва секинлашув, кўтарилиш ва тушишлар билан ҳамоҳанглик ва зидоҳангликка эришсалар ва худди шундай равишда усул (ритм)ларнинг ола-була рангбаранглигини лира садоларига мослаштирсалар, мадомики болалар тезда, ҳаммаси бўлиб уч йил давомида мусиқада мавжуд бўлган фойдали нарсаларни ўрганиб олишлари керак экан, уларни ўқитишда фойда келтирмайдилар. Дарҳақиқат, ўзаро чалкашлик келтириб чиқарадиган қарама-қаршилиқлар, ўзлаштириш учун фақат қийинчилик туғдиради холос, ёшлар эса, ҳамма нарсани имкон борича яхши ўзлаштиришлари зарур. Ва уларга тайин этилган мажбурий фанлар оз эмас, аҳамиятлари ҳам кам эмасдир, бунини мулоҳазаларнинг давоми ўз вақтида кўрсатади. Бизда тарбиячи мусиқа борасида худди шундай гамжўрлик қилсин. Хорларнинг мураббийлари ўргатишлари керак бўлган тароналарнинг ўзлари ва сўзларига келсак, улар олдин муҳокама қилинган эдилар. Биз айтдик-ки, улар муқаддас бўлишлари даркор; тароналар ва сўзлар маълум бир байрамларга монанд бўлишлари лозим; улар давлатларга фойда ва муваффақиятли танланган ҳузурланиш келтиришлари керак.

К л и н и й . Бу ҳам тўғри айтилади.

Афиналик. Ва ҳаттоки, жуда ҳам. Бизнинг ушбу сўзларимизни мусиқа устидан назорат қилиш учун сайланган мансабдор шахе тўғри қабул қилсин; ва бу борадаги унинг уринишлари тўла муваффақият билан шарафли тугасин. Биз эса, рақс ва гимнастик машқлар ҳақидаги олдин айтганларимизга қўшимча равишда яна баъзи нарсаларни муҳокама қиламиз. Биз гимнастика билан ҳам мусиқага ўргатиш борасида ҳамма нарсани муҳокама қилиб чиққанимиздек йўл тутамиз. Ўғил болалар ҳам, қизчалар ҳам рақслар ва гимнастик машқларни ўрганишлари зарур. Шундай эмасми?

Клиний. Ҳа (шундай).

Афиналик. Машқ қилиш учун, ўғил болаларга рақс муаллимлари, қизчаларга эса – муаллималар бўлиши мақсадга мувофиқроқдир.

Клиний. Шундай бўла қолсин.

Афиналик. Келинг яна болаларга ғамхўрлик қилувчини чақирайлик, гарчи унинг иши жуда кўп бўлсада: чунки у мусиқа ишида ҳамма нарсага ғамхўрлик қилганидай, гимнастика борасида ҳам ҳамма нарсага ғамхўрлик қилади; шунинг учун унинг бўш вақти оз бўлади.

Клиний. Бунинг устига у ёши улуғ одамдир. Шунча кўп нарсага у қандай ғамхўрлик қилади?

Афиналик. Жуда оддий, дўстим. Қонун унга бундай ғамхўрлик қилиш учун, фуқаролардан – эркаклар ёки аёлларни – кимни у хоҳласа ўшани ёрдамга жалб этишга ҳуқуқ берган. Бу ишга кимни таклиф қилишни у билади; у бепарво бўлишни ҳеч хоҳламайди; чунки, ўз мансабининг аҳамиятини тушуниб оқилликла виждонан ёндошади, бундан ташқари, агар ёшлар яхши тарбия олсалар ёки тарбияланаётган бўлсалар, бизда ҳамма нарса маромида бўлишини у инобатга олади. Агар бу бўлмаса ... яхшиси (фикрни) тугатмаган маъқул: янги давлат пайдо бўлишида ҳамма нарсада башоратларни назарда тутишга ўрганган одамлар ҳурматидан бу ҳақда гапириб ўтирмаймиз.

Шундай қилиб, биз бунинг ҳақида ҳам, яъни рақслар ва турли хилдаги гимнастик машқларга тааллуқли нарса ҳақида кўп гапирдик. Дарҳақиқат: биз, гимнастик машқларга, ҳарбий ишлардаги жисмоний машқлар ҳам: камон-

дан отиш, ирғитиш (улоқтириш)нинг ҳар хиллари, енгил ва турли оғир қуроолар, сафдаги тартиб, ҳар қандай юришга бориш уқуви, қароргоҳ қуриш ҳамда чавандозликнинг барча илмлари киради, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг ҳаммасини давлатдан маош оладиган жамоатчи ўқитувчилар ўргатишлари керак. Уларнинг ўқувчилари – эркаклар ва ўғил болалар, қизчалар ва хотинлар бўладилар, агар охиргилари, қизлик пайтларида тўла қурооланган ва жангда ҳар қандай рақсларни ўрганиб ҳарбий ишни билсалар; эрга текканларидан кейин улар ҳарбий тартиботга, сафга, қуроолни ўзига осийш ва ечишга киришадилар. Буни, бирор нарса учун эмас, халқ қўшинининг давлатни ташлаб, ундан ташқарига юришига тўғри келиб қоладиган пайтларидаги ҳолат учун қилиш керак. Бу ҳолатларда улар ҳеч бўлмаса болаларни ва давлатни ҳимоя қилиш учун; бунинг акси бўлганида (улар бўлмайдилар, деб айтиб бўлмайди), яъни душман четдан улкан қудрат билан – булар варварларми, эллинларми барибир, – бостириб келганида давлат ҳимоясида тура биийш учун улар қуроолдан фойдаланишни билишлари зарур. Ўз полапонлари учун ҳар қандай энг кучли ҳайвонлардан бири билан ҳатто қушлар ҳам жанг қилсалару, агар аёллар болалари учун ўлишни ёки ҳар хил жавфхатарларга дучор бўлишни хоҳламасалар, хотинларнинг бундай шармандаларча тарбияланишлари давлат учун улкан бир фалокат бўлади. Аёллар эса, инсон зоти ҳақида, барча мавжудотлардан кўра ўз табиати бўйича энг кўрқоғи сифатида шуҳрат таратиб, шу заҳотиёқ муқаддас жойларга шошиладилар, барча ибодатхоналарни тўлдирадилар, меҳробларни ўраб оладилар.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), Зевс билан қасам ичиб айтаманки, агар бу қаердадир рўй берса, давлат шуҳратли бўлмайди, зарар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

А ф и н а л и к . Демак биз қонунни ушбу чегараларда ўрнатдик: аёллар ҳарбий ишга нописанд бўлмасликлари зарур, балки ҳамма, эркак ва аёл фуқаролар унинг устида қайғуришлари керак.

К л и н и й . Мен ҳар ҳолда бунга қўшиламан.

А ф и н а л и к . Яна, биз кураш ҳақида гапирган эдик. Аммо биз, мен энг муҳим, деб ўйлайдиганим нарса тўғрисида ҳеч

нарса демадик; тўғри, буни имо-ишораларсиз тушунтириш қийин. Шунинг учун сўз иш билан бирга келганида ва муҳо-кама этилган бошқа нарсалар борасида ҳам, ундай кураш бошқа жисмоний ҳаракатларга қараганда ҳақиқатан кўпроқ жангга яқинроқ эканлиги ҳақидаги бизнинг фикри-миз борасида ҳам қандайдир аниқлик киритилганида унинг ҳақида бир нима дейиш мумкин бўлади. Ҳарбий ишни ку-раш (тушиш) учун эмас, балки уруш учун кураш билан шу-ғулланиш керакли эканлиги айниқса равшан бўлиб қолади.

К л и н и й . Бу албатта жуда тўғри.

А ф и н а л и к . Кураш (тушиш)нинг аҳамияти ҳақида шу билан чекланамиз. Баданнинг бошқа ҳаракатларига кел-сак, – уларнинг кўп қисмини ўзича бир рақс деб атасак тўғрироқ бўлади, – бу ерда икки турини фарқ этиш за-рур: биринчиси, юксак мақсадларда гўзалроқ баданлар-нинг ҳаракатларини акс эттиради: иккинчиси эса, тубан мақсадларда хунук баданларнинг ҳаракатларини акс эт-тиради. Ўз навбатида рақснинг тубан тури икки хилга, жиддий тури ҳам икки хилга бўлинадилар. Жиддий рақ-снинг икки хилидан бири гўзал баданларнинг ва мард дил (руҳият)нинг урушдаги ёки оғир шароитлардаги ҳара-катларини, бошқаси эса, – мулоҳазали дил эзгу ишлар ва

815 мўътадил ҳузурланишларга берилганидаги ҳаракатлар-ни акс эттирадилар. Бундай рақсни табиатта мос равиш-да тинчлик рақси деса бўлади. Тинчлик рақсининг зидди бўлган жанговар рақсни “пирриха” деб атаса бўлади. Чап бериш ва чекиниш, баландликка сакраш ва эгилишлар билан у, зарбалар ва камон ўқларидан қочишга ёрдам берадиган усулларни акс эттиради; у, бунга қарама-қар-ши ҳаракатларни ҳам, ҳужум пайтидаги яъни, камон-дан ўқ отишда, найза улоқтиришда ва турли зарбалар беришда ишга тушириладиган ҳаракатларни ҳам акс эттиришга интилади. Яхши бадан ва дилларнинг ҳара-катларига тақлид қилаётганларида, баданнинг тик ва қатъиятли, бутун бадан аъзоларининг кўпинча бўлади-гандек олдинга интилган ҳолати тўғри бўлади; бадан-нинг бунга зид ҳолати нотўғридир. Ўз навбатида ҳар қан-дай тинчлик рақсида, бу зебо рақс тушувчи тўғри ва та-биатга хилоф бўлмаган ҳолда ёндошмоқдами ва қонунга

б

бўйсунувчи эркаклар хороводларида маъқул вақт ўтказ-
моқдами, деб уларга эътибор бериш зарур. Демак, авва-
ло рақснинг гумонли хилини гумон уйротмайдиган хили-
дан ажратиб олиш зарур. Бу охиргиси қандай бўлади ва
унинг бир хилини бошқасидан қандай ажратиш мумкин?
Вакхий рақс ва унга туташган, покланиш ва бошқа ди-
ний маросимларда ижро этиладиган, мастларга тақлид
қилинадиган, деб ҳисобланувчи бошқа хилдаги нимфлар,
панлар, силенлар ва сатирлар рақсларига келсак, рақс-
нинг бу тури тинчликка оидми ёки жанговорми – унинг
мақсади қандайлигини аниқлаш осон эмас. Менимча, уни
қуйидагича аниқлаш тўғри бўлади: бу турни жанговори-
дан ҳам, тинчликка оиддан ҳам ажратиб, давлат ҳаёт-
ига алоқаси йўқ, деб айтамыз. Шунинг учун ҳам уни тинч
қўйиб, жанговор ва тинчлик рақсларига ўтамыз, шубҳа-
сиз бу бизнинг ишимиз.

Жанговор бўлмаган Музага таалуқли, одамлар худо-
ларни ва худоларнинг болаларини рақс билан эъзозлайди-
ганлари рақснинг бир турини ташкил этади: у, одамлар-
нинг фаровонлик (яхши ҳаёт) ҳақидаги тасаввурлари асо-
сида пайдо бўлади. Ўз навбатида биз уни яна икки хилга
ажратар эдик: биринчиси қийинчиликларда ва хавф-ха-
тарлардан фориг ва эзгуликка эришган одамларга хос-
дир; ундан кўп ҳузурлар топадилар. Иккинчи хили, аввал-
ги яхшиликларни сақловчи ва кўпайтирувчи одамларга
хосдир; бу хили, биринчисига қараганда вазминроқ ҳузур-
ларни келтиради. Бу ҳолларда ҳар бир инсон, кучсизроқ
ёки кучлироқ ҳузурларни ҳис этганига қараб кучсизроқ
ёки кучлироқ бадан ҳаракатларини қилади; Инсон қанча-
лик мўътадил ва мардликда тобланган бўлса, у шунча кам
ҳаракатлар қилади; агар у қўрқоқ ва мулоҳазалиликда
машқ қилмаган бўлса, унинг ҳаракатларида ўзгаришлар
бисёр ва улар кучлироқлар. Умуман ҳамма ҳам, товуш
чиқараётганида – ашула айтишдами, сўзлашишдами, –
ўз баданини сокинликда (ҳаракатсиз) тута олмайди. Шу-
нинг учун, сўзлашаётганларнинг хатти-ҳаракатларига
тақлид бус-бутунлиги билан рақс санъатини вужудга кел-
тирди. Аммо бизлардан баъзиларимизнинг ҳаракатлари-
миз равон, текис, бошқаларимизники пала-партиш, бес-

ўнақайдир. Агар ўйлаб кўрилса, табиатга кўра гўзал берилган бошқа кўп қадимий номларни маъқулламай бўлаганидай, фаровон, аммо ўз ҳузурланишларида мўътадил одамларнинг рақсларига берилган ўша номни ҳам маъқулламай бўлмайди. Бунга ўхшаш ҳар қандай рақсга “равон” (“эммелия”), деб ном қўйган одам, – у ким бўлишидан қатъий назар, – қандай тўғри ва назокатли ном қўйган! У икки хил зебо рақсларни белгилади: биринчиси, ҳарбий – “пирриха” ва иккинчиси, тинчликка оид – “эммелия”; ҳар бир хилига унга мос ва монанд ном берди.

Соҳиби қонун мисоллар орқали бу рақсларнинг фитратини тушунтириб бериши лозим. Қонунлар нигоҳбони уларни ўйлаб топиши, топгач эса, мусиқий санъатнинг бошқа хиллари билан бирлаштириши ва барча байрам қурбонликлари ўртасида ҳар бир байрам фойдасини кўзлаб тақсимлаши даркор. На рақс, на қўшиқда ҳеч нарсани ўзгартирмаслик учун, ўша бир мамлакат, ўша фуқаролар имконият борича ўзларига ўхшаш қолиб ва яхши ҳамда бахтли яшаб вақтларини ўша-ўша ҳузурланишлар билан ўтказишлари учун у уларнинг ҳаммасини тартиб билан муқаддаслаштириши зарур.

Шундай қилиб, зебо бадан ва қалблари олийжаноб одамларнинг хоравий рақслари қандай бўлиши кераклигини таҳлил қилиб бўлдик. Кулгу келтириш ва сўздаги, қўшиқдаги ва рақсдаги хунук бадан ва фикрлаш тарзи ёмон одамларнинг ҳаракатларига ҳазилона тақлидларга келсак, уларни ҳали кўриб чиқиш ва тушунтириш зарур.

Дарҳақиқат, кулгиликсиз жиддийликни билиб бўлмайди; агар одам оқил бўлишни истаса, қарама-қаршилиқ ҳам қарама-қаршилиқ ёрдамида ўрганилади. Агар одам озгина бўлса ҳам эзгу (яхши) ишга тааллуқли бўлишни истаса, у ҳолда унисини ҳам, бунисини ҳам бир вақтда амалга ошириш мумкин эмас. Ниманидир кулгили нарсани қачондир билмасдан айтиб қўймаслик ва қилмаслик учун ҳам булар билан танишиб чиқиш керак. Бунга ўхшаш тақлидларни куллар ва ёлланган ажнабийларга қўйиб бериш зарур. Ҳеч қачон ва ҳеч қандай ҳолатда бу билан жиддий шуғулланиб бўлмайди; ҳур одамлар – эркакми, аёлми – бундай билимларни ошкор этмасликлари даркор. Бу ерда

акс эттирилаётган нарса доимо янги бўлиб туюлиши керак. Демак, биз ҳаммамиз комедия, деб атайдиганимиз кулгили эрмаклар борасида шу қонунни, шу ибора билан ўрнатамиз.

Жиддий деб ҳисобланадиган фожеа (трагедия) ижодкорларига келсак, агар улардан кимдир келиб ушбу саволни берса: “Ажнабийлар, биз сизнинг давлатингиз ва мамлакатингизга борайликми, йўқми? Сизларга ўзимизнинг асарларимизни олиб келайликми? Ёки сиз бошқа бир қарорга келдингизми?” Ушбу илоҳий одамларга биз қандай жавоб беришга ҳақлимиз? Менингча қуйидагича (жавоб беришимиз) керак: “Ажнабийларнинг энг ҳурматга сазоворлари, – дер эдик биз уларга – биз ўзимиз ҳам – энг ажойиб, имконият борича энг яхши фожеанинг ижодкорларимиз. Зеро бизнинг бутун давлат тузумимиз энг зебо ва энг яхши ҳаётга тақлиддан иборатдир. Биз тасдиқлаб айтамызки, шу энг ҳақиқий фожианинг ўзидир. Шундай қилиб, сизлар – ижодкорларсиз, бизлар ҳам – ижодкорлармиз. Бизларда ижод мавзуси биттадир. Шунинг учун биз сизлар билан санъат бўйича ҳам, энг зебо саҳна кўринишидаги мусобақалар бўйича ҳам рақиблармиз. Фақат биргина ҳақиқий қонун ўз табиатига кўра бизнинг ишимизни ниҳоясига етказиши мумкин. Билиб қўйинг-ки, биз сизларга ўзимизнинг майдонимизда чодир қуришингиз ва ўз товушлари билан бизларни қарқиладиган ширин овозли артистлар олиб келишингизга; болалар, аёллар ва авом олдида нотиклик қилишингизга ва бир хил машғулотлар ҳақида биз айтадиган гапларни эмас, бошқа гапларни, балки кўпинча уларнинг тескарисини гапиришга осонликча йўл қўймаймиз. Агар сизларнинг асарларингиз омма олдида ижро этилишга яроқли ва йўл қўйса бўладиганми ёки йўқми буларни мансабдор шахслар дастлаб муҳокама этмасларидан, ҳозир сўз бораётган нарсани қилишга сизларга имконият берсак, дарҳақиқат биз ва ҳатто бутун давлат ҳам мутлақо ақдан озган бўламиз. Шу сабабдан сизлар, назокатли Музаларнинг авлодлари бизларнинг тароналаримиз билан солиштириш учун олдин бизнинг ҳокимларимизга ўз тароналарингизни тақдим этинг. Агар улар бизнинг таронамизга ўхшасалар ёки агар улар ҳатто

817

b

c

d

яхшироқ бўлсалар, биз сизларга хорни берамиз. Акс ҳолда дўстлар, биз бундай қилолмаймиз”.

Шундай қилиб, хоровод рақслар ва уларга ўргатиш борасида, агар сиз рози бўлсангиз, худди шу одатлар ўрнатилсин (яъни) айрим қуллар учун, айрим хожалар учун.

К л и н и й . Бу билан келишмай бўлмас?

Арифметика
ва
фалакшуносликка
ўргатиш

А ф и н а л и к . Демак, ҳур инсонлар ўрганишлари учун яна учта мавзу қолади: ҳисоб ва арифметика битта мавзу; узунлик, текислик ва чуқурликни ўлчаш – иккинчи мавзу; учинчиси

818

осмон ёритқичларининг ўзаро жойлашишлари ва уларнинг табиатига хос айланма ҳаракатларга тааллуқлидир. Буларнинг ҳаммасини тубигача ўрганиш учун кўп одам меҳнат қилмаса ҳам бўлади, улар билан айрим одамларгина шуғулланадилар. Булар кимлар – бу ҳақда сўз кейинроқ, энг охирида бўлади; у ерда маъқулроқдир. Аммо тўғри айтадиларки, агар кўпчилик бу соҳада зарурий маълумотларга эга бўлмасалар ва жаҳолатда қолсалар бу шармандалик бўларди; бу ерда мукамал текширувларга киришиш осон эмас ва умуман номумкин дир. Аммо зарурийликни бунда инкор этиб ҳам бўлмайди. Худо ҳақидаги мақолни биринчи бўлиб ёйган одам, ўйлаш керак-ки, ушбун назарда тутгандир: ҳатто худо ҳам зарурийлик билан курашмайди (бу ерда, ўйлайманки, сўз илоҳий зарурийликлар ҳақида бормоқда). Агар иш инсоний зарурийликлар ҳақида бўлса, – бундай фикрни билдираётиб кўпчилик одам худди шуни назарда тутади, – у ҳолда бундай тасдиқлаш ҳаммасидан кўра бемаънироқ бўларди.

К л и н и й . Ўқитишда, ажнабий (биродар), зарурийликлардан қайсилари инсоний эмас, балки илоҳий бўладилар?

А ф и н а л и к . Менинча улар, уларни амалга оширмасдан ҳамда ўзлаштирилмасдан ҳеч ким одамлар учун худо, гений ва қаҳрамон бўлолмайдиган заруратлардир ва бу (зарурат)ларсиз одамларга у жонкуярлик билан гамхўрлик қила олмайди ҳам. Агар инсон, бир, икки, уч нима эканлигини ва умуман жуфт ва тоқ нима эканлигини билмаса; агар у ҳисобда ҳеч нарсани фаҳмига бормаса; агар у тун

ва кунни ҳисоблай олмаса; агар у Ой, Куёш ва қолган юлдузларнинг айланиши ҳақида ҳеч нарса билмаса у инсонга илоҳий бўлиш учун кўп нарса етишмайди. Шу сабабдан энг зебо фанлардан ниманидир ўрганишга тайёрланаётган одам учун буларнинг ҳаммаси гўё моҳиятан зарурий билимлар эмас, деб ўйлаш жуда катта нодонликдир. Аввало маъқул тарзда, бундан айнан нимани, қандай ҳажмда ва қачон ўрганиш кераклигини, қандай тартибда – биргами ёки бошқаларидан айримми – яъни, ўрганиладиган мавзуларнинг бирикмалари қандай бўлиши кераклигини билиб олиш зарур. Фақат шундан кейин, санаб ўтилган фанларга суяниб бошқаларига ўтиш мумкин. Ўзининг табиий ҳуқуқларини зарурийлик (зарурият) ана шундай тасдиқлайди, у билан, биз айтиб ўтганимиздек, худоларнинг ҳеч бири ҳозир курашаётгани йўқ, – ва ҳеч қачон курашмайди ҳам.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сенинг бу сўзларинг тўғри ва табиатга мосдир.

А ф и н а л и к . Ишлар шундай, Клиний. Аммо, биз буларнинг ҳаммасини кўрсатиб ўтганимиздан сўнг, қонунларни ўрнатиш қийин бўлади. Агар жоиз бўлса, биз бу билан бошқа пайтда шуғулланамиз.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), бундай масалаларда бизнинг одатий жоҳилитимиздан хавфсирамоқдасан шекилли. Аммо сенинг бу хавфсирашинг ноўриндир. Бу сабаблар билан ҳеч нарсани яширмай айтишга ҳаракат қил.

А ф и н а л и к . Ҳа, мен ҳозир айтаётганингдан ҳам хавфсирайман, аммо ундан ҳам кўпроқ бу фанларга қўл урган, аммо ёмон қўл урган одамлардан кўрқаман. Тўла жоҳиллик умуман унча кўрқинчли эмас ва ёмонликларнинг энг буюк ёмони эмас; ёмонлик ила йўналтирилган кўп тажрибалилик ва кўп билишлик, – бу анча улканроқ жазодир.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтдинг.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, айтиш керак-ки, ҳур инсонлар ушбу фанлардан ҳар бирини Мисрда бениҳоя кўп болалар савод билан бирга қандай ҳажмда ўргансалар, шу ҳажмда ўрганишлари зарур. Аввало, у ерда болаларни ҳисобга ўргатишнинг оддий усулини топдилар; ўқиш пайтида хуш ёқар эрмаклар ишга туширилади: олмалар ва гулчамбар-

- лар кўп ёки оз миқдордаги болалар ўртасида бўлинади ва бунда уларнинг умумий сони сақланади; муштлашувчи жангчилар ва курашувчиларнинг чиқиш тартибларини ва гуруҳларини белгилайдилар; одатда бўладигандек, қуръа ташлаб ким, ким билан жуфт бўлишини аниқлайдилар. Яна бундай ўйин бор: олтин, биринж, қумуш ва бошқа синмайдиган идишларни бир уюм қилиб тўплайдилар, кейин уни кимдир ўйин иштирокчилари ўртасида тақсимлайдилар, бу борада ҳам сонлар билан зарурий танишиш бўлади. Ўқувчилар учун бу фойдали, негаки юришлардаги сафда бўлиш, қайта сафланиш ва ҳатто рўзгорда керак бўлиб қолади. Умуман бу, одамни ўзига кўпроқ фойда келтиришига мажбур этади ва одамларни ҳушёрроқ қилади. Бундан ташқари, узунлик, кенглик ва чуқурликни ўлчаш йўли билан одамлар бу соҳадаги уларга табиатан хос бўлган кулгили ва шармандали жоҳилликдан халос бўладилар.

Клиний. Қандай жоҳиллик ҳақида гапирмоқдасан?

Афиналик. Дўстим Клиний, биз барчамиз тушган бу ҳолатни шунча кеч билганимга мен ўзим ҳам ҳайронман. Буларнинг ҳаммаси менга инсонга эмас, балки қандайдир чўчқаларга хосдай кўринарди. Ва мен фақат ўзим учун балки барча элинлар учун уялиб кетдим.

Клиний. Ажнабий (биродар), сен бу билан нима демоқчисан, тушунтир.

Афиналик. Яхши, тушунтираман. Яхшиси, мен сенга савол берай, фақат сен қисқа жавоб бер, шунда ҳаммаси равшан бўлади. Сен узунлик нималигини биласанми?

Клиний. Ҳа.

Афиналик. Кенглик (эн)ни-чи?

Клиний. Албатта биламан.

Афиналик. Булар икки ўлчов эканликларини ва учинчи ўлчов чуқурлик бўлишини-чи?

Клиний. Албатта шундай.

Афиналик. Буларнинг ҳаммаси сенга бир-бири билан ўлчовдош (таққосланувчи) бўлиб туюлмайдими?

Клиний. Ҳа.

- 820 Афиналик. Табиатнинг ўзи бўйича узунликни узунлик билан, кенгликни-кенглик билан ва чуқурликни ҳам худди шундай ўлчаш мумкинми?

Клиний . Албатта.

Афиналик . Агарда, баъзи нарса на тўлалигича, на озгина бўлсада ўлчовдош эмаслиги сабабли бу фақат қисман мумкин бўла туриб сен ҳаммасини ўлчовдош (таққосланадиган), деб ҳисобласанг, – у ҳолда сен қандай аҳволга тушиб қолишинг мумкинлигини ўйлаб кўрдингми?

Клиний . Шуниси аниқ-ки, ноқулай аҳволга тушардим.

Афиналик . Энди нима дейсан? Биз барчамиз, эллилар, узунлик ва кенглик бу ёки у йўл билан чуқурлик билан ўлчовдош ёки кенглик ва узунлик бир-бирлари билан ўлчовдош, деб ҳисобламаймизми?

Клиний . Ҳа, худди шундай ҳисоблаймиз.

Афиналик . Агарда яна, буларнинг ҳаммаси номумкин бўлиб чиқсаю биз эллилар ҳаммамиз эса бу мумкин, деб ҳисобласак, бунинг ўзи, ҳаммамиз учун уялишга етарли даражадаги сабаб эмасми? Уларга бундай десак арзимайдими: “Эллиларнинг энг яхшилари, буни билмаслик биз айтиб ўтганимиздек, шармандали бир ҳолдир; яна айтиб ўтиш лозимки, бундай билим, гарчи зарурий бўлсада ҳали жуда гўзал бир нарса дегани эмас.”

Клиний . Ҳа, бу шундайдир.

Афиналик . Бундан ташқари, яна буларга яқин бўлган нарсалар борки, улар борасида ҳам бизда биринчиларига ўхшаш адашишлар пайдо бўлади.

Клиний . Булар қандай нарсалар?

Афиналик . Булар, ўлчовдошлик ва ноўлчовдошликни табиатга мос равишда пайдо қиладиган сабаблардир. Уларни назарда тутиш ва фарқ этиш керак, акс ҳолда инсон бутунлай арзимас бўлиб қолади. Бунга эътибор бериш кераклигини одамлар бир-бирларига айтиб туришлари даркор. Шундай қилинганда одамлар, чоллар шашка ўйнаганларига қараганда вақтларини анча хуш ўтказар эдилар: зеро, бу ўйинда мусобақалашиб вақт ўтказиш чоллар учун ўринлидир.

Клиний . Эҳтимол. Демак, бундан чиқадики, шашка ўйини бу фанлардан унча узоқ эмас эканда?

Афиналик . Шунинг учун ҳам Клиний, мен тасдиқлаб айтаманки, ёшлар уни ўрганишлари лозим. Дарҳақиқат: бу зарар келтирмайди ва қийин (ҳам) эмас; ўйин билан ту-

таш бўлган ўқитиш (ўргатиш) фойдалидир ва бизнинг давлатимизга ҳеч қанча зарар келтирмайди. Яна эшитиб кўриш керак, балки эътирозлар бўлар?

Клиний. Ҳа, эшитиб кўриш керак.

Афиналик. Агарда иш худди шундай бўлиб чиқса, у ҳолда биз уни қабул қиламиз; агар бундай бўлиб чиқмаса, у рад этилади.

е **Клиний.** Тушунараи. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Шундай қилиб, ажнабий (биродар), қарор қиламиз, чунки бу мавзу, бизнинг қонунларимизда нуқсонлар бўлмаслиги учун албатта ўрганилиши зарур бўлган фанлар сонига киради. Гарчи у на биз таъсисчиларга, сизлар учун таъсис этилган бўлсада, на сизларга бутунлай ёқмасада, бутун давлат учун халос этувчи омил сифатида шундай қарор қиламиз.

Клиний. Бундай қонун адолатлидир.

Афиналик. Шундан сўнг, ёшларнинг эслатиб ўтилган юлдузлар ҳақидаги фанни ўрганишлари бизнинг ис-таклиримизга мос келиши ёки мос келмаслигини муҳокама қиламиз.

Клиний. Давом эттир.

Афиналик. Бу ерда аҳвол мутлақо йўл кўйиб бўлмайдиган ва жуда ғалати.

Клиний. Гап нима ҳақида кетмоқда?

Афиналик. Биз айтмоқчимизки, гўё олий худо ва бутун коинотнинг ҳаммасида пала-партиш изланишлар ва текширувлар билан шуғуланмаслик керак, ҳамда сабабларни билишга интилмаслик зарур, чунки бу гуноҳ ишдир.

821 **Аммо,** ҳар ҳолда, иш аслида аксинчага ўхшайди.

Клиний. Нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Ҳозир мен айтадиган нарса балки қари одам учун кутилмаган ва ноўрин бўлиб туюлар. Аммо, қандайдир фанни давлат учун зебо, ҳақиқий, фойдали ва худога хуш келадиган деб билсанг, буни ҳеч айтмай бўлмайдди.

б **Клиний.** Бу табиий. Аммо биз юлдузлар ҳақидаги фанда шунга ўхшаш бирор нарсани топа оламизми?

Афиналик. Дўстларим, шу пайтда мен айтган бўлардим-ки, биз, барча эллинлар буюк худолар – Қуёш ва Ой борасида адашамиз.

К л и н и й . Бу адашиш нимадан иборат?

А ф и н а л и к . Биз айтамикки, улар ҳеч қачон ўша бир йўлнинг ўзида ҳаракат қилмайдилар, бошқа баъзи юлдузлар ҳам худди шундай, шунинг учун биз уларни адашганлар (тентираганлар, сайёралар), деб атаймикки.

К л и н и й . Зевс билан онт ичаманки, сен ажнабий тўғри айтмоқдасан. Аммо мен ўз ҳаётим давомида кўп кузатганман Тонг юлдузи, Кечки юлдуз ва баъзи бошқалари бир йўлдан юрадилару аммо ҳар ерда тентирайдилар (сайёрдурлар); Қуёш ва Ой эса, бизга доимо маълум бўлган ҳаракатдадирлар.

А ф и н а л и к . Шунинг учун ҳам Мегилл ва Клиний, ҳозир мен тасдиқлаб айтаманки, бизнинг фуқароларимиз ва ёшлар фалак худолари ҳақида буларнинг ҳаммасини ҳеч бўлмаса шу ҳажмда билсинларки, токи уларни беҳурмат қилмасинлар, аммо қурбонликлар ва ибодатларда эҳтиром сақласинлар.

К л и н и й . Бу тўғри, агар аввало сен нима ҳақида гапирётганинг билинса. Кейин, ростки биз, бу худолар борасида нималардадир адашаётган бўлсак, ўқиб-ўрганиб эса хато қилмас эканмикки, у ҳолда, бундай фанни шу ҳажмда ўзлаштириш кераклиги ҳақида сенинг фикрингга қўшиламан. Сен эса, иш дарҳақиқат шундай эканлигини тушунтиришга уриниб кўр. Буни ўзлаштириб, биз сенга эргашамиз.

А ф и н а л и к . Мен нима ҳақида гапирётганимни тушуниш осон бўлмасада, аммо унчалик қийин ҳам эмас. Бунга кўп вақт ҳам кетмайди. Мана сизларга исбот: ёшлигимда эмас, мен яқиндагина буни билдим; аммо энди мен сизларга уни қисқа вақт ичида тушунтириб бераман. Агар бу қийин бўлганида, менинг ва сизларнинг кекса ёшингизни ҳисобга олсак, уни ҳеч қачон тушунтира олмаган бўлардим.

К л и н и й . Бу тўғри. Аммо, қандай фан ҳақида бундай галати нарсаларни айтмоқдасан? У бизга номаълум бўла туриб уни ёшлар ўрганишлари керакми? Озгина бўлсада тушунтиришга ҳаракат қилиб кўр.

А ф и н а л и к . Ҳаракат қилиб кўриш керак. Дўстларим, Ой, Қуёш ва қолган юлдузларнинг адашиши (сайёралиги) ҳақидаги бу фикр нотўғридир. Иш аслида бутунлай ак-

- синчадир. Бу ёритқичларнинг ҳар бири ўша-ўша бир йўлни сақлайдилар; у, кўп айланма ҳаракат қилмайди, битта айланма ҳаракатда бўлади. У кўп йўналишларда ҳаракат қилаётганга ўхшайди фақат. Яна, бу ёритқичларнинг энг тезини – энг секини, энг секинини – энг тези, деб ҳисоблаш ҳам хатодир. Табиат бунга ўзи хоҳлаганидек тартиб берди, биз эса бошқача фикрдамиз... Агар Олимпда от пойгаларида ёки одамларнинг узоққа югуриш мусобақаларида шунга ўхшаш фикрласак ва энг тез югурувчини энг секини, энг секинини – энг тези, деб ҳисобласак, у ҳолда биз енгилган (одам)ни галаба билан шарафлар эдик. Ўйлайманки, агар биз ўз мақтовларимизни шундай тўхфа қиладиган бўлсак бу хато ва югурувчилар учун нохуш бўлар эди. Агар биз худолар борасида шундай хатога йўл қўйсак, у ҳолда, биринчи ҳолатда кулгили ва нотўғри бўлган нарса, энди худолар тўғрисида сўз бораётганида ҳеч ҳам кулгили бўлмай қолади. Агар биз худоларни ёлғон шарафласак бу уларга хуш ёқмайди.

К л и н и й . Агар иш шундай бўлса, албатта сенинг сўзларинг тўғри.

А ф и н а л и к . Демак, агар биз, дарҳақиқат иш худди шундай эканлигини исботласак, у ҳолда барча шунга ўхшаш фанларни ҳеч бўлмаса шу ҳажмда ўрганиш зарур бўлади. Агар биз буни исбот қила олмасак, унда бу фанларни ўз ҳолида қолдирамиз. Биз шундай қарор қилайлик.

К л и н и й . Албатта шундай.

**О в ҳ а қ и д а г и
қ о н у н л а р**

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, айтиш керак-ки, фанларни ўқитиш борасидаги қонунларни тутатдик. Ов ва шунга

ўхшаш нарсалар ҳақида ҳам шу тарзда мулоҳаза юритиш керак. Соҳиби қонуннинг вазифаси кенгроқ бўлиши мумкин ва у қонунларни бергач ўз вазифасини ўтаб бўлган ҳисобламаслиги даркор. Қонунлардан ташқари яна бир ўзга нарса борки, у ўз табиатига кўра панд – насиҳат ва қонун ўрталигидан жой олгандир. Бу ўзга нарса бизнинг суҳбатимизга тез-тез аралашиб турди: масалан болаларнинг тарбияси ҳақидаги масала, шундай нарсалардандир. Биз тасдиқлаб айтамызки, буни баён

қилмай қолдириб бўлмайди, аммо бошқа тарафдан, барча биз айтган нарсаларни ўрнатилган қонунлар, деб ҳисобланса, ўта ақлсизликка берилиб кетганлик бўлар эди. Қонунлар ва бутун давлат тузуми қайсидир тарзда белгиланганларидан кейин, агар ўз яхши ишлари билан машҳур, буюк фуқаро ҳақида, у фуқаро қонунларга ҳаммадан яхшироқ хизмат қилади ва ҳаммадан кўпроқ буйсунади, демак у – яхши инсон, дейиладиган бўлса, буни мукамал мақтов деб ҳисоблаб бўлмайди. Ушбу мулоҳаза мукамалроқ бўлар эди: “Соҳиби қонуннинг талаблари қонунлар сифатида берилганми ёки фақатгина маъқуллаш ва ёмонлаш сифатида берилганми бари бир бутун умрини соҳиби қонунга бўйсуниб ўтказадиган одам мана шу”. Бу, фуқаро мақтовининг энг аниқ ифодасидир. Дарҳақиқат, соҳиби қонун, фақат қонунни белгилаши (қоралама чизгисини чизиши)гина эмас, балки ўз чизгисига нима зебо-ажойиб, яхшию нима ундай эмаслиги ҳақидаги фикрни ҳам киритиши керак. Намунали фуқарони эса бу – бажармаса қонунлар жазолаши мумкин бўлган талаблардан кам бўлмаган даражадаги масъулиятли этиши зарур.

Биз ҳозир машғул бўлаётган нарсамизни далил қилсак бўлади. Бу, бизнинг ниятимизни тезроқ равшанлаштиради. Ов – бу нимадир жуда хилма хил нарса, аммо бизнинг давримизда буларнинг ҳаммасини бир ном қамраб олган. Сув ҳайвонларига овнинг кўп хиллари, қушларга овнинг кўп хиллари, ҳамда қуруқликдаги ҳайвонларга овнинг кўп хиллари бор. Бундан ташқари, фақат ҳайвонларга ов эмас, балки одамларга ҳам ов бўлади, худди урушда бўладигандай. Зеро, агар ўйлаб кўрилса, бу ҳам ов номини олишга муносиб. Иштиёқ келтириб чиқарган кўпгина ов хиллари бор: улардан баъзилари мақтовга сазовор, бошқалари – сазовор эмас. Яна, қароқчиларнинг ҳам, бир қўшиннинг бошқа қўшин томонидан талон-торож қилишлари ҳам овнинг хилларидир. Ов ҳақида қонун нашр этувчи соҳиби қонун буни албатта аниқлаши зарур; аммо бошқа жиҳатдан буларнинг ҳаммасига қаҳрли қонунлар ўрнатиб ва уларга (яъни қонунларга - тарж.) турли фармойишлар ва жазоларни қўшиб бўлмайди.

Бундай ҳолларда қандай йўл тутиш зарур? Бир одам, яъни соҳиби қонун овга алоқадор ёшларнинг меҳнатлари ва машғулотларига ўзининг маъқуллаши ёки ёмонлаши (танбеҳи)ни ифода этиши зарур; бошқа томондан, ёш йигит унинг кўрсатмаларини диққат билан эшитиши ва уларга бўйсунитиши керак, бунга на ҳузурланишлар, на машаққатлар монёлик қилмасликлари зарур; энг асосан соҳиби қонун маъқуллаган нарсани – жазо билан кўрқитувчи талабномаларга қараганда кўпроқ ҳурмат қилиш даркор.

Шундан кейин у ёки бу ов хилларини маъқуллаш ёки ёмонлаш (ёмонлигини айтиш) ўринли бўлар эди. Йигитларни дил (нафс, руҳият)ларини баркамол этадиган ов хили маъқуллашга лойиқдир; бунга қарама-қарши хили эса танбеҳга лойиқдир. Кейин ёшларга ушбу истақлар билан мурожаат этамиз: “Оҳ дўстлар, сизларни, денгиз ови, балиқ тутиш, умуман сув ҳайвонларига ов қилиш, бу бекорчилик кундузимиз ёки кечаси новдадан тўқилган балиқ тутиш асбоблари ёрдамида қилинадиган ов эҳтироси сизларни ўз домига тортмаса эди! Сизларни ҳеч қачон одам овлаш ва денгиз қароқчилигига бўлган ингилиш чулғаб олмасин, улар сизларни қаҳри қаттиқ ва ноқонуний овчиларга айлантирадилар. Ўз юртингиз ва давлатингизда ўғрилиқ қилиш ҳатто хаёлингизга ҳам келмасин. Ёшлардан ҳеч кимни қушларга ов қилиш иштиёқи зимдан қамраб олмасин, ҳур туғилган инсонга бу ҳеч ҳам тўғри келмайди. Бизнинг мусобақаларга ҳавасмандларимизга фақат ер устидаги ҳайвонларни овлаш ва тутиш қолади ҳолос; дангасалар навбат билан ухлайдиган тунги ов ҳам, нафас ростлашга йўл қўядиган ва меҳнатсевар руҳ кучи эмас, йиртқич ҳайвонларнинг кучини енгитишга ёрдам берувчи тўр ва тузоқлар ғалаба қиладиган ов ҳам мақтовга сазовор эмасдир. Демак, ҳамма учун энг яхши бўлган бир ов хили – тўрт оёқли ҳайвонларга қилинадиган отдаги ва ит билан бўладиган ов қолади; унда одамлар ўзларининг баданлари кучини ишлатадилар; кимки илоҳий мардлик ҳақида ғам еса у ерда устун бўлади; улар отда чопадилар, зарбалар берадилар, камондан отадилар ва ўз қўллари билан овни ушлайдилар”.

Бизнинг сўзимиз, бу барча ов хилларига мақтов ва ёмонлаш бўлиб хизмат қилади, қонун эса бундай бўлади: ушбу, дарҳақиқат муқаддас овчиларга қаерда бўлсада ва қан-

дай бўлсада, ит билан ов қилишга тўсқинлик қилмасинлар. Ўз тўрлари ва пистирмаларига ишонган тунги овчига эса, ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ов қилишга йўл қўймасин. Қуш оловчига эса, ҳосил бермайдиган ерлар ва тоғларда ов қилишга ҳалақит бермасинлар; аммо биринчи учраган йўловчи уни ишлов берилган муқаддас ерлардан ҳайдасин. Балиқчига эса, лиманлар, муқаддас дарёлар, кўллар ва ариқлардан ташқари барча жойда балиқ овлашга рухсат берилади, фақат у сувларни лойқаладиган (ифлос қиладиган) шарбатлар қоришмасини ишлатмаса бўлди.

К л и н и й . Бағоят гўзал.



828

Ўзга қарорлар
(байрамлар,
ҳарбий, мусиқий
ва гимнастик
мусобақалар)

А ф и н а л и к . Шундан кейин Делфий башоратлари ёрдамида байрамларни таъсис этиш ва қонунийлаштиришга киришиш керак; қандай қурбонликлар қайси худоларга қилинса давлат учун фойдалироқ ва яхшироқ бўлишини аниқлаб олмоқ зарур. Улар қайси вақтда ва қанча миқдорда бўлиши керак? Биз бу ерда яна баъзи қонунларни ўрнатишимиз керак.

К л и н и й . Ҳар ҳолда биз байрамлар миқдорини белгилаб қўйишимиз зарур.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, аввало уларнинг миқдорини аниқлаймиз. Ҳамма вақт қайсидир бир мансабдор шахс қандайдир бир худога ёки генийга давлат, фуқаролар ва уларнинг мулкларига қурбонликлар қилиши учун байрамлар уч юз олтмиш бешдан кам бўлмасин. Таъбирчилар, мубадлар, мубад аёллар ва башоратчилар қонунлар нигоҳбонлари билан бирга йиғилишиб соҳиби қонунлар шаксиз ўтказиб юборганларини аниқласинлар. Шунинг учун улар, соҳиби қонун томонидан ўтказиб юборилган барча нарсаларни яхши билишлари керак. Қонун эса бундай дейди: номларини ўн икки фила (қишлоқ) олган ўн икки худо шарафига ўн иккита байрам бўлсин. Бу худоларнинг ҳар бирига ҳар ойда қурбонликлар қилинсин; хоравий маросимлар ва мусиқий мусобақалар ўтказилсин; гимнастик мусобақаларга келсак, бу худолар ва йил фаслларига мос равишда керакли тарзда қўшиб қўйиш даркор. Аёлларнинг қайси байрамларида эркаклар иштирок этишлари мумкин, қайсиларида мумкин эмаслигини аниқ белгилаб қўйиш зарур. Бундан ташқари, ер ости худоларни эъзозлашни самовий худолар, деб аталиши керак бўлган худолар ва уларнинг йўлдошлари билан аралаштирмас-

лик керак. Аксинча, уларни ажратиш зарур ва ер ости худоларини эъзозлашни ўн иккинчи ой – Плутон ойида ўтказиш лозим. d

Жангчилар бу худога жирканч туйғусини ҳис этмасинлар; йўқ, улар уни эъзозлашлари зарур; зеро у барча жиҳатлардан инсон зоти учун энг эзгу худодир. Дарҳақиқат, дил (нафс, жон, руҳ) ва баданнинг умумийлиги уларнинг айрилишларидан ҳеч қанча яхши эмас. Бунинг устига, бўш вақт ва зарурий бойлик маъносида, бизнинг давлатга ўхшаганини бошқа давлатлар орасидан ҳар кимнинг ҳам топиши мушкуллигини ўйлаб кўриш зарур. Шунинг учун, бизнинг давлатимиз ҳам, ундаги ҳар қандай айрим инсон ҳам бахтли яшаши керак, бахтли яшаётганлар эса, иложи борича бир-бирларини хафа қилмасликлари ва бошқалар тарафидан хафа қилинмасликлари даркор. Бу шартларнинг биринчиси унча ҳам қийин эмас; аммо хафа қилинишга йўл қўймаслик учун жуда катта қудратга эга бўлиш қийин. Фақат тўла эзгу (яхши) ишлар қиладиган бўлибгина бунга мукамал равишда эришиш мумкин. Давлат билан ҳам худди шундай бўлади: эзгу (яхши) ишлар қилувчи (яхши ниятли) давлат бўлганидан кейингина бу давлатда ҳаёт тинч бўлади, ёмон давлатда эса – ташқари ва ичкаридан исёнкор бўлади. Ростки иш шундай экан, ҳарким урушга урушда эмас, тинч ҳаётда машқ қилиши даркор. Шунинг учун оқил давлат қароргоҳларда ҳар ойда бир кундан кам бўлмаган миқдорда – яхшиси кўпроқ, агар ҳокимлар шундай қарор қилсалар, – ҳарбий машқларга эътибор беришлари зарур; бу борада на совуқ, на иссиқдан кўрқмаслик керак. Агар ҳокимлар бу машқларни умум халқни жалб этиб ўтказишни қарор қилсалар, у ҳолда фуқаролар уларга ўз хотинлари ва болалари билан чиқишлари зарур; бошқа ҳоллардаги машқларда фуқароларнинг бир қисми қатнашади. Қурбонликлар билан бирга ёқимли ўйинлар уюштириш керак; бу борада яна имконият борича ҳақиқий жангларни кўргазмали акс эттирадиган тантанали жанглар бўлиши лозим. Ҳар бир айрим мусобақага роғиблик мукофотлари ва белгилари белгиланиши керак. Мусобақаларда ва умуман ўз ҳаётида ким ўзини қандай кўрсатса ўшанга қараб фуқаролар бир-бирларини b

мақтайдилар ёки ёмонлайдилар. Энг яхши, деб тан олинганни шарафлайдилар, энг ёмонини шарманда этадилар. Бу жасоратларни ҳар қанақа шоир ҳам куйлаш ҳуқуқига эга бўлмайди; аввало унинг ёши эликдан кам бўлмаслиги ва у, ўзида шоирлик иқтидори бору лекин ҳеч қачон зебо бирор иш қилмаганлар қаторида бўлмаслиги керак. Гарчи унча равон бўлмасада, аммо ўзлари яхши инсон бўлган ва ўзининг яхши, ажойиб ишларидаги маҳорати

d учун давлатда ҳурмат қозонган шоирларнинг асарлари куйлансин. Бу шоирлар ҳақида тарбияловчи ва қолган қонунлар нигоҳбонлари ўз фикрларига эга бўлишлари даркор; фақат шундай шоирларга улар ижод қилиш учун фахрли тухфа сифатида тўла эркинлик берадилар, қолган шоирларни бу имкониятдан тўла маҳрум этадилар. Гарчи Орфей ёки Фамирадан ҳам ширинроқ куйласада, қонунлар нигоҳбонлари маъқул топмаган, хуш кўрилмаган Музани шарафлаб куйлашга ҳеч ким журъат этолмайди. Худолар шарафига (ёзилган) муқаддас, деб тан олинган асарлар ва эзгу (яхши) ишлар қилувчи инсонлар томонидан

e тузилган мақтовлар ва танбеҳларга йўл қўйилади, чунки уларнинг монандликлари тан олинади.

Менинг ҳарбий хизмат ва асар ёзиш эркинлиги ҳақида айтганларим эркаклар ва аёлларга бир хилда тааллуқли бўлиши зарур. Соҳиби қонун буларнинг ҳаммасини (ақ тарозусида) тортиб кўриши ва ўзича қуйидагича мулоҳаза қилиши керак. “Жуда яхши, давлатни-ку туздим, аммо

830 унинг фуқаролари тарбия берганимдан кейин қандай бўлишлари зарур? Кўп минглаб рақиблари бўладиган буюк жанг курашчилари эмасми?” – “Албатта, шундай”, – шу жавоб тўғри бўларди. – “Хўш, кейин-чи? Агар биз муштлашувчи жангчиларни, панкратчиларни ва шунга ўхшаш кураш тушадиганларни, полвонларни тарбияласак, наҳотки бундан олдин ҳеч ким билан жанг қилмай туриб мусобақага чиққан бўлар эдик? Ёки, ростдан ҳам биз муштлашувчи жангчилар бўлсак, у ҳолда биз мусобақа бошланишидан анча олдин кўп кунлар давомида, кейин ғалаба қозониш учун керак бўлиб қоладиган барча усулларни ўрганамиз ва кўп меҳнат қиламиз. Уларга иложи борича тақлид қилишни ўрганиб оламиз: камар совут ўрнига, зар-

б

баларни иложи борича яхши ўрганиш ва уларни барта-
раф этиш (уни қайтариш) учун биз темир қуббачалардан
ташқил топган совут киямиз. Агар бизда гимнастика ма-
шқларини қилишда кўп дўстлар етишмасалар, у ҳолда биз
рақиб ўрнига жонсиз осиб қўйилган тулум билан машқ
қиламиз. Наҳотки биз жоҳил одамларнинг кулгусидан
кўрқиб бундай қилишдан хавфсираймиз? Ниҳоят, агар
бизда тирик рақиблар ва жонсиз нарсалар бўлмаса, агар
бизга саҳрода машқ қилишга тўғри келса, биз якка ўзи-
миз, аслида ўз соямиз билан машқ қилишга журъат эт-
маймизми? Қачонки биз қўлнинг турли ҳаракатларига
қўникканимиздан кейин шундай бўлади, деб айтиб бўлмай-
дими?”

К л и н и й . Ажнабий (биродар), иш худди сен ҳозир айт-
ганингдек бўлса керак.

А ф и н а л и к . Хўш? Бизнинг давлатимизнинг жангчи-
лари бу полвонлардан ёмонроқ тайёрланадими? Ҳар ҳол-
да у, ҳаёт учун, болалар учун, мулк учун ва ўз давлати
учун жанг қилиб, ҳар қандай вақтда энг оғир жангга ки-
ради. Шунинг учун соҳиби қонун бунга ўхшаш икки киши
қиладиган машқлар кимгадир кулгили туюлишидан
кўрқмайди; аксинча у ҳар кунги, майли қуролсиз бўлсин
кичик юришларни, бунга хоравий маросимлар ва умуман
бутун гимнастикани мослаштириб, ташқил этишни
талаб қилади. Ойда бир мартадан кам бўлмаган, бирмун-
ча ёки озроқ оғирликдаги гимнастик машқларни ҳам бу-
юради. Бутун мамлакатда фуқаролар пистирмалар
қуриб, ва умуман ҳарбий ҳаракатларга тақлид қилиб, қан-
дайдир ерни босиб олиш учун курашиб бир-бирлари би-
лан курашга киришишлари керак. Бу фақат ўзаро хав-
фсиз эрмаккина бўлиб қолмасдан балки кўрқув ҳам бўли-
ши учун жуда ҳам хавфсиз бўлмаган мосламалардан фой-
даланиб, улар иложи борича ҳақиқийларига ўхшаган ка-
мон ўқларини отадилар ва катта золдирларни улоқтира-
дилар: шунда кимнинг руҳияти кучли, кимники кучсиз
эканлиги ошкор бўлади. Биринчиларига ҳурмат кўрса-
тилади, иккинчилари шарманда бўладилар. Шу тарзда
бутун давлат то мавжуд экан, кераклик даражада
ҳақиқий жангга тайёрланади. Агар бу борада кимдир

жаётдан кўз юмса, у ҳолда, бу ўлим беихтиёр содир бўлганидан, қонун бўйича покланишни бажо қилганидан кейин ўлдирган қотилнинг қўли покиза, деб ҳисобланади. Соҳиби қонун, озгина одамнинг ўлими, ўлганлардан асло ёмон бўлмаган бошқаларининг туғилиши билан тўлдирилади, деган фикрга риоя қилади. Агар бу ерда қўрқувни йўқ қилинса, у ҳолда яхши одамларни ёмонларидан ажратиш воситасини топиб бўлмайди; бу эса, давлат учун анча кўпроқ офат бўлади.

Клиний. Ҳар ҳолда, ажнабий (биродар), ҳар қандай давлат бу машқларни қонун билан белгилаб қўйиши ва улар билан шуғулланишни одатга айлантириши зарур, деб сенинг сўзларингга қўшилишга тайёرمىз.

Афиналик. Хоравий рақслар ва барча шунга ўхшаш мусобақалар, – фақат, жуда оз миқдорда бўлмаса, – ҳозирги давлатларда нега деярли ҳеч ҳам қўлланмаслигини наҳотки биз ҳаммамиз тушунмаган бўлсак? Бунинг сабаби, кўпчилик одамларнинг ва уларга қонунлар ўрнатадиганларнинг жоҳиликлари эмасмикин?

Клиний. Шундай бўлиши мумкин.

Афиналик. Йўқ, ундай эмас, азизим Клиний. Айтиш керакки, бу ерда иккита керагича етарли сабаб бор.

Клиний. Қандай?

Афиналик. Биринчиси ушбулардан иборат: бутун бўш вақтни ютиб юборадиган бойликка бўлган эҳтирос сабабли одамлар ўз сарватларидан бошқа ҳеч нарсанинг ғамини емайдилар. Ҳар қандай фуқаронинг дили унга боғланиб қолган ва кундалик фойдадан ташқари бошқа ҳеч нарсанинг ғамини емайди. Ҳар ким ҳам ўзича шу мақсадга олиб борувчи фанлар ва машғулотларни ўрганишга тайёрлик ила тўлиб тошган; бошқа ҳамма нарса уларда кулгига маҳкум этилган. Давлатлар нега эслатиб ўтилган одатларни ҳам, бошқа ҳар қандай муносиб одатни ҳам жиддий амалга киритишни хоҳламасликларининг сабабларидан бири шу, деб тан олиш зарурдир. Олтин ва кумушга бўлган ҳирс сабабли, маъқулми ё номаъқулми барибир, фақат бойиса бўлгани, ҳар ким, ҳар қандай айёрликлар ва воситаларни қўллашга тайёрдир. Қилинаётган иш ҳалолми ёки харом ва шармандалими бу уни қийна-

майди, фақат, нима қилса ҳам кўп овқат, ичимлик ва худди ҳайвондай турли шаҳватларга берилса бўлгани.

Клиний. Тўғри.

Афиналик. Демак, мен айтаётган нарса, нимада бўлса ҳам, шу қатори ҳарбий санъатда ҳам давлатларга яхши малакаларни ривожлантиришга йўл қўймайдиган сабаблардан биридир. Табиатан умуман яхши одамлардан у савдогарларни, кемасозларни, турли-туман хизматчиларни; жасур одамлардан – қароқчиларни, девор тешарларни, муқаддас нарсаларни менсимайдиганларни, урушқоқларни ва тиранларни яратади; баъзан улар унча ёмон ҳам эмаслар, аммо, фақат уларга бахт қулиб боқмаган холос.

832

Клиний. Нималар деяпсан?!

Афиналик. Агар улар бутун умрлари давомида руҳий қашшоқлик ва ҳирсга маҳкум этилган бўлсалар уларни бутунлай бахтсиз, демай бўладими?

Клиний. Шундай қилиб бу сабабларнинг биридир. Иккинчиси, деб сен нимани ҳисоблайсан, ажнабий?

Афиналик. Сен менга яхши эслатдинг.

Клиний. Биринчи сабаб, сенинг сўзларингга қараганда доимий ва тўймайдиган очкўзликдан иборат; бу аҳволда, ҳарбий ишни машқ қилиш ҳар кимга ҳам қийин ва бунга вақтлари йўқ. Майли, шундай бўлсин. Иккинчи сабабни айт.

Афиналик. Мени қийин аҳволга тушиб қолгану шунинг учун уни айтишга шошилмаяпти, деб ўйламаяпсанми?

Клиний. Йўқ. Аммо, сенга нохуш бўлган ахлоқий сифатлар ҳақида сўз борганида, сен керагидан ортиқ даражада уларни калтакладинг.

Афиналик. Ажнабий (биродарлар), сизларнинг танбеҳларингиз адолатлидир. Шундай бўлса-да, охиригача қулоқ солинг.

Клиний. Гапир, гапир.

Афиналик. Мен тасдиқлаб айтаманки, – олдинги суҳбатда буни кўп гапирганман, – бунга давлат тузуми: демократик, олигархий, тиранлик ҳам сабабдир. Айтиш керакки, на униси, на буниси, на учинчиси ҳатто давлат тузуми эмас, аммо буларнинг ҳаммасини узоққа чўзилган

ички низо, деб атаса ҳам бўлади, чунки, бу тартиботлардан ҳеч бири ихтиёрий равишда қабул қилинмайди, балки фуқароларнинг иродасини эзиб турадиган доимий зўравонлик ва ўзбошимчалик билан барқарордир. Хукмдор эса, ўз фуқароларидан хавфсираб, уларни ҳурматга муносиб, бой, мард ва умуман ҳарбий ишдан хабардор бўлишларига ҳеч қачон йўл қўймайди. Деярли барча офатларнинг ва асосан эса биз эслатиб ўтганимиз (офат) нинг асосий икки сабаби шулардир. Аммо, ҳозир бизлар муҳокама қилаётганимиз ва қонунларини ўрнатаётганимиз давлатда на у, на бу сабабга ўрин йўқдир. У ерда фуқароларда ажаб бир хушҳол вақт бўлади; улар бир-бирларининг измларида бўлмайдилар; ўйлайманки, бизнинг қонунларимиз остида улар асло манфаатпараст бўлмайдилар. Шунинг учун, барча ҳозир мавжуд бўлган давлат тузумларидан фақат шунисигина биз айтиб ўтган тарбияни ва биз ўз суҳбатимизда муҳокамасини ниҳоясига етказганимиз ўша ҳарбий эрмакларни амалга ошира олади.

К л и н и й . Ажойиб айтилган сўзлар.

А ф и н а л и к . Бундан кейин гимнастик мусобақалар ҳақида эслатиб ўтиш жоиз эмасмикин? Улардан баъзилари ҳарбий ишга яроқли бўлганлари учун бу мусобақаларда волиблик мукофотлари белгиланиши керак; қолган мусобақаларни қолдириб туришга тўғри келади. Сўз қайси мусобақалар ҳақида бораётганини олдиндан айтилгани ва қонун билан тасдиқлаб қўйилгани маъқулдир. Аввало тез югуриш мусобақасига келсак, унга рухсат бериш лозим эмасми?

К л и н и й . Бунга албатта рухсат бериш керак.

А ф и н а л и к . Дарҳақиқат, бадан ҳаракатчанлиги, хусусан оёқ ва қўл ҳаракатчанлиги ҳарбий ишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Тез чопиш, қочиш ва таъқиб қилишда асқотади; қўл билан уришиш жанглари қўл кучи ва қувватини талаб қилади.

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Аммо қуролсиз булардан фойда оз.

К л и н и й . Яъни?

А ф и н а л и к . Аввало бизда мусобақалардаги жарчи ҳозир ҳам қилаётганларидек югурувчини мусобақа май-

донига чақиради. У қурол билан чиқади: қуролсиз мусобақалашаётганларга биз мукофот белгиламаймиз. Биринчи бўлиб, қурол билан якка югуришда қатнашадиган чиқади; иккинчи бўлиб – иккиланган югуришда мусобақалашаётган; учинчи бўлиб – от чопадиган масофага югуришда мусобақалашаётган; тўртинчи бўлиб – узоққа югуришда мусобақалашаётган чиқади; бешинчисини эса, аввал Арес ҳарами йўналишида олтиш стадий масофага қуролланган ҳолда чиқарамиз; кейин унга гоплит номини бериб ва оғирроқ қуроллантириб текисроқ йўлни тавсия этамиз; яна бир мерган тўла қуролланган ҳолда турли тоғли ерларда Аполлон ва Артемида ҳарамлари йўналишида мусобақалашсин. Бу мусобақани бошлаб қўйиб, биз уларнинг қайтишларини кутамиз ва ҳар бир голиб бўлганга мукофот берамиз.

Клиний . Жуда яхши.

Афиналик . Биз бу мусобақаларни уч даражага бўламиз: биринчи даража ўғил болалар учун, иккинчиси – ўсмирлар учун, учинчиси – катта ёшдаги эркаклар учун бўлади. Ўсмирларга пойганинг учдан иккисини; ўғил болаларга – учдан иккиннинг ярмини белгилаймиз, ва улар мусобақада мерганлар ва гоплитлар сифатида қатнашадилар. Аёлларга келсак, ҳали балоғатга етмаган қизлар учун бир ҳисса ким ўзарни, от чопар масофанинг икки ҳисса ким ўзарини, узоққа қуролсиз ким ўзарга югуришни тайин этамиз. Қизлар ўн уч ёшдан то турмуш қуришларигача, яъни, йигирма ёшдан кўп бўлмаган ва ўн саккиз ёшдан кам бўлмаганлари бу мусобақаларга тегишли кийинган ҳолда қатнашадилар.

Эркаклар ва аёлларнинг югуриш бўйича мусобақалари шу тарзда ташкил этилсин. Куч бўйича мусобақаларга келсак, кураш ва ҳозир қабул қилинган оғир машқлар ўрнига қурол билан жанг жорий этилади: бир одамга қарши бир одам, иккитаси иккитасига қарши ва ҳоказо – то ўнтаси ўнтасига қарши. Фалабага олиб борувчи (кураш) усуллари, хужум ва ҳимояга келсак, уларни яхши биладиганларга белгилангани каби нимани тўғри, нимани хато эканлигини белгилаб, аниқлаб қўйилади; шу қатори, қурол билан кураш тушиш қоидаларини аниқлаб, жорий этиш-

ни ҳам унда маҳорат кўрсатганларга топширилади. Улар ғалаба ва мағлублик шартларини белгилайдилар, ҳужум ва ҳимоянинг у ёки бу йўлига (усулига) рухсат бериш ё берилмаслигини аниқлайдилар. Аёлларнинг эрга тегишларигача бўладиган мусобақаларига ҳам булар тегишлидир. Улар учун муштлашиш жангларини камон ўқи, енгил қалқон, найза, палохмон ишлатиладиган мусобақалар ёки қўлда тош отиш билан алмаштирилади. Буларнинг ҳаммаси борасида ҳам қондалар ўрнатилиши даркор. Ким уларга энг яхши рия қилса, ўша одам фахрий совғалар ва мукофотлар олади.

- b** Бундан кейин чавандозлик мусобақаларининг қондаларини ўрнатиш лозим. Айтгандай, бизда сўз Крит ҳақида бормоқда-ки – отларга унча эҳтиёж бўлмайди. Шунинг учун уларни кўпайтириш ва чавандозлик пойгалари ҳақида ташвиш камроқ бўлади. Бизда араваларга кўшиладиган отларни кўпайтирадиган одамлар умуман бўлмайдилар; демак, бундай турдаги шуҳратпарастлик учун ҳеч кимда асос бўлмайди. Маҳаллий шароитларга мос келмайдиган мусобақаларни ташкил этиш ҳар қандай маънодан мутлақо холидир. Шундай бўлсада биз,
- c** мамлакатнинг табиатини ҳисобга олиб, арғумоқлар, сут эмувчи тойчоқлар ва тойчоқлар билан катта отлар ўртасидаги отлар учун мусобақалар ташкил этишни белгилаб қўямиз. Қонунга кўра улар ўртасида мусобақалар уюштирилсин; қурол билан ўтадиган мусобақалар ҳақидаги умумий фикрни филархлар ва гиппархлар билдирсинлар. Қуролсизларга эса гимнастик мусобақаларда ҳам, ушбу мусобақаларда ҳам қатнашишни манъ этиш тўғри бўлар эди. Крит суворий мергани ҳамда найза улоқтирувчи асқотиб қолишлари мумкин. Эрмак учун улар ўртасида ҳам рақобат ва мусобақа бўла қолсин. Бундай мусобақаларда қатнашишни қонунлар ва талабномалар билан мажбур этмаслик керак. Агарда қизчалардан ёки қизлардан биронтаси тарбияси туфайли бунга одатланган бўлса ва уларнинг табиатлари буни қабул этса ва қаршилик кўрсатмаса, уларни бу мусобақаларда қатнашишларига рухсат бериш зарур ва бунинг учун уларни ёмонламаслик даркор.
- d**

Оммавий ўйинлар ва ўқитувчилар билан бўладиган ҳар кунги машғулотлар пайтидаги гимнастик тарбия ва мусобақалар билан боғлиқ нарсалар энди равшан бўлди. Рапсодлар ва улар билан боғлиқ ҳамма нарса ҳамда байрам хорларининг мусобақалари учун бўладиган қоидаларни кейин, турли худолар ва уларнинг йўлдошларига ойлар, кунлар ва йиллар белгиланганида ўрнатиш керак бўлади. Худди ўшанда, бу мусобақаларни ҳар уч йилда ёки беш йилда бир марта ўтказилиши маълум бўлади: биз бунда худолар берган кўрсатмаларга риоя қиламиз. Ўйлаш керакки, ўшанда мусобақаларни уюштирувчилар, ёшларнинг мураббийлари ва қонунларнинг нигоҳбонлари яна турли мусиқий мусобақалар ҳам жорий этадилар. Бунинг учун барча кўрсатиб ўтилган шахслар бир ерга йиғилишади ва ўзлари соҳиби қонунлар бўладилар; улар турли қўшиқчилик ва раққослик хорлари бўйича мусобақаларнинг қачон, қандайлари ва қайси таркибда ўтказилишини белгилаб қўядилар. Ҳар бир айрим мусобақада усул ва рақслар билан аралашган сўзлар, қўшиқлар ва уйғунликлар қандай бўлиши кераклиги ҳақида биринчи соҳиби қонун тарафидан бир неча бора айтилган эди. Ҳар бир қурбонликка маъқул вақтда муносиб мусобақани бағишлаш ва шу тарзда давлат учун маъқул байрамлар жорий этиш учун барча кейинги соҳиби қонунлар ҳам ўшанга риоя қилишлари зарур. Бунга ўхшаш нарсалар қонун билан тартибга келтирилишлари мумкинлигини тушуниш қийин эмас; бундан ташқари, турли ўрин ўзгартиришлар бу ерда давлатга на алоҳида бир фойда, на зарар келтирмайди.

Эркак
ва аёлларни
биргаликда
тарбиялаш

Аммо муҳим нарсаларда ишонтириш бениҳоя қийин. Агар худодан кўрсатмалар олиш мумкин бўлганида бу кўпроқ худога муносиб иш бўларди. Бизнинг давримизда, бунинг учун очикчасига гапиришни алоҳида эъзозлайдиган, давлат ва фуқаролар учун олий эзгулик борасида ўз фикрини яширмайдиган, қалблари қабиҳ инсонлар орасида бутун давлат тартиботига мос, маъқул ахлоқ қоидаларини жорий этувчи жуда жасур одам керакка ўхшайди. Унга энг кучли эҳтиросларга қарши исён кўтара олишга тўғри келарди; унга ҳеч

ким ёрдамга келмасди; у танҳо равишда фақат биргина ақл-идрок далилларига риюя қилган бўларди.

d К л и н и й . Сўз яна нима ҳақида бормоқда, ажнабий (биродар)? Биз ниманидир тушунмаяпмиз.

А ф и н а л и к . Бу табиий. Лекин, тушунарлироқ қилиб баён қилишга интилиб кўраман. Мен ўз мулоҳазаларимда тарбия ҳақидаги масалага келганимда, йигитлар ва қизларни дўстона мулоқотда кўрдим. Ва шунда, бундай давлат тузумидан уларнинг ҳар бири қандай фойдаланишлари мумкинлигини ўйлаб даҳшатга тушдим. Зеро бизнинг давлатимизда йигит ва қизлар аъло даражада овқатлантириладилар, қўполликни энг яхши равишда тиядиган, диққатни оширувчи ва камситувчи меҳнатдан озодлар;

e уларнинг ҳаётдаги ягона ишлари қурбонлик қилишлар, байрамлар ва хоравий маросимлар бўлади. Бундай давлатда, қай тарзда эркаклар ва аёлларни ҳар кўйга соладиган эҳтирослардан асраш мумкин? Зеро ақл-идрок далиллари бу эҳтирослардан тийилишни буюрадилар: улар қонун бўлишга интиладилар. Агар аввал ўрнатилган (жорий этилган)

836 урф-одатлар эҳтиросларнинг кўп қисмидан устун келсалар, ажабланмаса ҳам бўлади. Дарҳақиқат: ҳаддан зиёд бойиб кетишнинг мумкин эмаслиги (номумкинлиги) сермулоҳазаликка яхшигина кўмак бўлади. Шу мақсадда, бутун тарбиянинг ҳаммаси учун мос қонунлар берилган эди; ёшлардан кўз узмаслик ва уларни доимо муҳофаза қилиш вазифалари бўлган ҳокимларнинг назоратлари ҳам шунга хизмат қиладилар. Қаранг-ки, ўғил болаларнинг ўғил болаларга, қизчаларнинг қизчаларга, аёлларнинг аёлларга ва эркакларнинг эркакларга майл ва интилишлари туфайли

b айрим одамлар учун ҳам, давлат учун ҳам бениҳоя бахтсизликлар юз бермоқда. Бундан қандай сақланиш мумкин? Бундай хавфдан қутилиш учун бу ҳолатларнинг ҳар бирига қандай дору ўйлаб топиш керак? Ҳа, Клиний, бу ҳар жиҳатдан қийин. Дарҳақиқат: жуда кўп бошқа нарсаларда Крит ва Лакедемон яхлит равишда бизга кўпчилик одатлардан фарқ қилувчи қонунлар бериб, катта ёрдам кўрсатдилар. Ишқий майлларга келсак – бу ерда биз яккамиз ва айтса бўлади-ки – Крит ва Лакедемон фикрлари

c бизнинг фикрларимиздан бутунлай фарқ қиладилар. Шу-

нинг учун, Лайгача бўлган қонунни табиатга риюя қилиб маъқуллаган одамнинг сўзи албатта тўғри бўлар эди. Бу одам шундай деган бўлар эди: эркаклар аёллар билан жуфтлашгандай ўсмирларга ишқий кўнгилахушликлар учун яқинлашмасликлари керак: бу тўғридир; ва нарлари нарларига тегмайдиган ҳайвонларни (мисол) қилиб кўрсатиб у ўз сўзини тасдиқлаган бўларди, чунки бу, табиатга зиддир. Аммо бу сизларнинг икки давлатингизга умуман тўғри келмайди. Шу билан бирга, бизнинг сўзларимиз буйича ҳар йўл билан соҳиби қонун риюя қилиши керак бўлган нарсага сизларнинг одатларингиз тўғри келмайдилар. Дарҳақиқат, биз мунтазам равишда ўрнатган қонунларимизда қайси бирлари эзгулик (яхшилик)ка олиб боради-ю қайси бирлари олиб бормаслигини кузатиб борамиз. Фараз қилайлик-ки, биз ҳозир бу барча нарсаларни зебо ва ҳеч ҳам шармандали бўлмаган нарсалар сифатида жорий этсак; буларнинг ҳаммаси нима билан эзгуликка ёрдам берарди? Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш, бундай ишга ўзини кўндирилишига йўл қўйган одамнинг дилига мардлик, бунга кўндирган одамнинг дилига мулоҳазалилик сингдириши билан эмасми? Йўқ, бунга ҳеч ким, ҳеч қачон ишонмайди. Менинчга, бутунлай аксинча бўлади; ҳузурларга бўш келадиган ва уларга қаршилиқ кўрсатишга қурби етмайдиган одамнинг бўшанглигини ҳамма ҳам қоралайди. Аёл тимсолига ўхшашга журъат этган одамни ҳамма ҳам ёмонламайдими? Қайси одам буни қонун қилиб кўтаришга журъат қилади. Ҳеч ким, ҳар ҳолда ҳақиқий қонун тўғрисида ўйлайдиган одамлардан ҳеч бири бундай қилмайди. Бизнинг фикримиз тўғрилигининг ҳаққонийлигига қандай ишонч ҳосил қилса бўлади? Бу ўринда ким тўғри фикрламоқчи бўлса у, дўстлик, шахват, ҳамда бу билан бирга ишқий мойиллик, деб аталадиган нарсаларнинг табиатини кўриб чиқиши зарур. Дарҳақиқат: гарчи аслида улар иккита бўлсада, бу ерда бу барча [хиллар] бир умумий ном билан қамраб олинган, ҳамда бу икки хилдан алоҳида бир хил, учинчиси пайдо бўлади.

К л и н и й . Қандай қилиб?

А ф и н а л и к . Баъзида биз бундай деймиз: ўхшаш ўз сифатлари билан ўхшашига дўстона, тенг тенгига дўстона

d

e

837

муносабатда. Бошқа томондан, етишмасликни ҳам биз керагидан ортиқликка дўстона деймиз, гарчанд ўз табиати-га кўра у унга қарама-қарши нарсадир: қачонки униси ҳам, буниси ҳам жуда кучайиб кетса, буни биз муҳаббат, деб атаймиз.

b Клиний . Тўғри.

Афиналик. Шундай қилиб, қарама-қаршиликларга асосланган дўстлик кўрқинчли, ваҳший ва бу – одамларнинг муштарақлигига камдан-кам вақтда олиб боради. Ўхшашликка асосланган дўстлик эса, ҳилми ва бутун умрга яғонадир. Бу икки хилнинг аралашшидидан пайдо бўлган дўстликда аввало, учинчи хил мойилликни ҳис этадиган инсон нимага интилаётганини билиб бўлмайди. Айтиш керакки, бундай одамнинг аҳволи мушкул, чунки икки хил

c [ҳиссиёт, туйғу] уни қарама-қарши томонларга тортадилар: бир [туйғу] уни гуллаб-яшнаб турган ёшликка тегиб кўришга рағбатлантиради, бошқаси буни манъ қилади. Зеро, кимки баданга майл қилса ва худди етилиб пишган мевани тотишни хоҳлагандай гуллаб турган ёшликка орзуманд бўлса, у унга тўйишни жон дили билан истади; у ўз маҳбубининг руҳий сифатларини ҳеч ҳам қадрламайди. Кимдаки баданга бўлган майл нимадир иккинчи даражали бўлса, у хоҳиш билдирмай асосан завқланиб кузатади, чунки руҳий эҳтирос билан бошқанинг дилига (кўнглига) интилади ва ўз баданини маҳбубининг бадани билан қондиришни сўзсиз андишасизлик, деб ҳисоблайди. У уятчанлик билан мулоҳазалилик, мардлик, олийжаноблик ва оқиликни эъзозлайди ва унинг бирдан бир истаги – бу ўзининг покиза маҳбуби билан бирга доимо покизаликни сақлашдир. Ўша икки хил мойилликнинг аралашувидан ҳосил бўлган учинчи хил мойиллик шундайдир; учинчи хил сифатида биз уни муҳокама қилдик. Модомики шунча хил майл ва интилиш бор экан, наҳотки уларнинг ҳаммасини қонун билан таъқиқлаш ва улардан воз кечиш керак? Йўқ, шуниси равшанки, бизнинг давлатимизда эзгулик билан боғлиқ ва ёш йигитни олий камолотга эришиш учун интилишга мажбур этадиган майл ва интилиш хили қарор топишини истар эдик. Агар имконият бўлса, қолган икки хил майлни биз таъқиқлаган бўлардик.

d

Мегила. Сен, ажнабий (биродар), буларнинг ҳаммасини жуда яхши ифодалаб бердинг.

Афиналик. Аниқ-равшанки дўстим, мен ўз мақсадимга – сен билан келишувга эришдим. Буларнинг ҳаммаси борасида сизларда қонун қайси маънода ўрнатилганлиги ҳақида билиб олишга ҳаракат қилмасам ҳам бўлади; мен, фақат менинг мулоҳазам билан сенинг келишувингга эришишни хоҳлардим холос. Кейин сўз билан шайдо қилиб, Клинийни ҳам ишонтиришга ҳаракат қиламан. Сизларнинг энгил қўлларингиз билан шундай бўла қолсин. Яна, қонунларнинг умумий муҳокамасига ўтайлик.

Мегила. Сен мутлақо ҳақ гапни айтдинг.

Афиналик. Ушбу шароитда бу қонуннинг ўрнатилиши (тартиботи)га келсак, менда бир усул бор, қисман осон, гарчи бошқа тарафдан у жуда қийин бўлсада.

Мегила. Сен нимани назарда тутмоқдасан.

Афиналик. Биз биламиз-ки, бизнинг давримизда ҳам кўпчилик одам, майли ҳатто қонунсиз бўлсаларда, ниҳоятда астойдил гўзал ўсмирлар билан мулоқотдан ўзларини тиядилар, мажбуран эмас, балки ихтиёрий равишда.

Мегила. Нималар деяпсан?!

Афиналик. Ҳа, агар кимнингдир чиройли биродари ёки сингиси, ҳамда ўгли ва қизи бўлса. Бу ерда айтса бўладики, ёзилмаган қонун аъло даражада пинҳона ва ошкора алоқалардан, ҳамда ҳар қандай бошқа ожизона истаклардан тўхтатиб туради. Кўп одамларда бу ҳолатларда бундай алоқаларга ҳатто мойилик ҳам йўқ.

Мегила. Бу тўғри.

Афиналик. Демак, оддийгина сўз буларга ўхшаш ҳузурланишларни сўндиради.

Мегила. Қандай сўз?

Афиналик. Бундай муносабатлар муртадлик, худога нохуш ва улар барча шармандаликлардан шармандароқ эканлигини билдирувчи сўз. Бу ерда сабаб шуки, ҳеч ким ўзга бир фикрни айтмайди; бизларнинг ҳар биримиз туғилганимиздан бошлаб ҳамма вақт ва ҳамма жойда бунга ўхшаш фикрни комедияларда ҳам, Фиестлар, Эдиплар ёки Макарейларни ҳузуримизга чақириб камоли жиддийлик билан қайтариладиган фожеълар (трагедиялар)да ҳам

эштамиз: Макарей ўзининг сингиси билан пинхона алоқа қилди, кейин буни билиб қолганларида, ўзининг жиноятини ювиш учун ўзини ўзи ўлдирди.

d Мегилл. Ҳеч ким ҳеч қачон одатга хилоф равишда ҳатто нафас ололмаса, демак, миш-мишнинг бундай га-ройиб кучини айтганинда сен ҳақсан.

Афиналик. Демак, одамларга энг кўп зулм қиладиган эҳтирослардан бўлган қандайдир бир эҳтиросни маҳв этади-ган усулни соҳиби қонунга билиб олиш осон эканлигини биз ҳозир тўғри айтдик: фақат, умумий миш-мишни ҳамма учун – қулар учун, ҳур инсонлар учун, аёллар, болалар ва умуман бутун давлат учун муқаддас этиш зарур; шу йўл билан соҳи-би қонун ўз қонунини барқарор этади.

e Мегилл. Мутлақо тўғри. Аммо, бунга ўхшаш фикрни билдириш истагини ҳамма одамларга сингдиришга им-коният бўлиши зарур кўринади...

Афиналик. Эътирозинг жуда ўринли. Бола туғилиши учун яқинлик фақат табиат билан мос бўлиши кераклиги ҳақидаги қонунни ўрнатиш учун менда малакали усул бор, деб айтганимда шуни назарда тутган эдим. Эркак зоти-дан тийилиш зарур ва инсон зотини атайлаб маҳв этмас-лик керак: уруғни қоялар ва тошларга ташламаслик ке-рак, у ерда ҳеч қачон у иддиз отмайди ва табиий ривож-лана олмайди. Даласида сенинг экканинг кўкаришини хоҳ-ламайдиган барча аёллардан тийилиш зарур. Агар бу қонун доимо ота-оналар билан жинсий алоқаларга қарши қандай устунлик қилса, ҳамда у бунга ўхшаш алоқалар-нинг барча хиллари борасида адолатли равишда устун бўлса, ўзи билан минглаб яхшиликлар келтиради. Аввало у табиатга монанд; кейин у ишқий курашлар, жунбуш-лар, турли жинсий бузуқликлар, ичимлик ва овқатга ҳад-дан зиёд берилиб кетишлардан ўзини тийишга мажбур этади; эрларни уларнинг хотинлари билан яқин дўст қила-ди. Агар инсон бу қонунга эга бўлса, яна қанчалик кўп эзгуликлар бўларди! Бундай бўлиши ҳам мумкин, яъни бирор ёш ва бақувват, уруғ кўплигидан оғирлашган эр-как бундай қонуннинг ўрнатилганини эшитиб бизнинг ҳузуримизга келади-да бақириб, дўқ-пўписалар билан, бебурд ва бажариб бўлмайдиган қоидалар ўрнатибсизлар, деб

сўка бошлайди. Худди шуни назарда тутган ҳолда айтган эдимки, мендаги мавжуд усул бир томондан ҳаммасидан ҳам осон, бошқа томондан эса, бу қонун ўрнатилгач ўз кучида қолиши кераклиги маъносида бениҳоя қийин. Дарҳақиқат: бу қонуннинг амалга оширилиши мумкинлигини ҳамда бунга қандай йўл билан бажариш кераклигини фикрлаб олиш қийин эмас. Биз тасдиқлаб айтаемизки, у ҳар қандай дил (нафс, руҳ)ни тобеъ этиб ва инсоннинг қоидаларга қўрқинч-даҳшат билан бўйсунушига умуман мажбур этиши учун уни муқаддас, деб эълон қилиниши етарлидир. Аммо шу кунларда иш шунга бориб етдики, уни амалга ошириш номумкин, деб ҳисобланади; тўғри, худди шунга ўхшаб, сисситиялар борасидаги одатлар ҳамда бутун давлат ўзининг мавжуд бўлган даврида бундай одатга риоя қилишига ишонмаган бўлар эдилар. Аммо бунга биздаги бор бўлган сисситиялар рад этишга хизмат қиладилар; айтиш керакки, ҳатто сизларнинг давлатларингизда ҳам, аёллар табиати уларга ҳам ҳозирча бу одатни ёйиш (жорий этиш)га йўл қўймайди, деб ҳисоблайдилар. Бу одат қонун кучига эга бўлиши бениҳоя қийин кечади, деб мен ана шу кучли ишончсизлик учун айтган эдим.

М е г и л л . Бунда ҳам ҳақ гапни айтдинг.

А ф и н а л и к . Агар хоҳласангиз тўғрига ўхшашликдан холи бўлмаган бир ривоятни, буларнинг ҳаммаси инсоний кучлардан зиёдроқ эмаслиги ва бемалол амалга ошириш мумкинлигини тушунтириш мақсадида айтиб бераман.

К л и н и й . Албатта хоҳаймиз.

А ф и н а л и к . Қандай одам ишқий кўнгилахушликлардан тезроқ ўзини тияди ва улардан қонун белгилаган чегараларда фойдаланишга рози бўлади – бадани яхши ҳолатда ва ҳар томонлама ривожланганими ёки бадани ёмон ҳолатдагисими?

К л и н и й . Бадани яхши ривожлангани анча тезроқ.

А ф и н а л и к . Тўғри эмасми, биз эшитганмизки, тарентли Икк Олимпия ўйинлари ва бошқа мусобақаларни деб, мусобақаларга қаттиқ тайёргарлик кўраётганида бир марта ҳам на аёлларга, на ўғил болаларга тегмади? Бу ерда унинг шухратпарастлиги, ўз санъатига вафодорлик, ҳамда унинг мулоҳазалилик билан бирга руҳий мардлик

c

d

e

840

соҳиби эканлиги сабаб бўлди. Худди шунинг ўзини Криссон, Астил, Диопом ва бошқа кўпчилик ҳақида ҳикоя қиладилар, гарчи уларнинг диллари (кўнгиллари) сен билан биз Клиний, фуқаролардан анча ёмонроқ бўлсада, баданлари эса ҳаётгий кучларга кўпроқ эга бўлсаларда.

Клиний. Ҳа, бу тўғри: бу полвонлар ҳақида қадимгилар ҳикоя қилганларидай ҳақиқатда улар томонидан шундай қилинган.

Афиналик. Хўш? Кўпчилик фараҳ деб биладиган нарсадан улар курашда, югиришда ва бошқа мусобақаларда ғалаба қозониш учун ўзларини тийишга журъат этдилар; наҳотки бизнинг фарзандларимиз ундан ҳам яхшироқ ғалаба учун ўзларини қўлга олмайдилар? Бу ғалабанинг мафтункор чиройини биз табиийки, афсоналар, ҳикматли сўзлар ва қўшиқларда болаликларидан бошлабоқ тасвирлаймиз.

Клиний. Бу қандай ғалаба?

Афиналик. Ҳузурлардан ғалаба қозониш, зеро бу ғалаба уларнинг ҳаётларини фараҳли этади; ҳузурларга ёнбосиш эса, бутунлай бошқа бир ҳаётни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, бизнинг фуқароларимиздан кўра ёмонроқ бўлганлар ўзларини қўлга олганлари каби ўзини қўлга олиш учун наҳотки, бундай ўзини тута олишга қодир бўлмаслик эзгу (яхши) иш эмаслигининг қўрқинчи аҳамиятсиз бўлиб қолса?

Клиний. Албатта бунинг ҳам аҳамияти бор.

Афиналик. Мен тасдиқлаб айтаманки, кўпчилик одамларнинг бузуқликлари туфайли қонуларнинг бизни тараддудга туширган жойида биз тўхтаб қолган бўлсакда, қонунимиз, фуқароларимизга, қушлар ва катта подаларда туғилган, то бола туғиш маҳалигача жуфтлашишсиз, покиза ва тоза ҳаёт кечирадиган кўп бошқа ҳайвонлардан ҳам ёмонроқ бўлиш номаъқул иш, деган фикрни ифодалаши зарур. Қачонки у (ҳайвон)лар балоғатга етсалар, нар ва модалари мойилликлари бўйича бир-бирлари билан қўшиладилар ва қолган ҳамма вақтда тўғри ва адолатли ҳаёт кечирадилар, шу билан бирга ўзларининг дастлабки танлаганларига содиқ бўладилар. Бизнинг фуқароларимиз ҳайвонлардан яхшироқ бўлишлари зарур.

Аммо агарда қолган элинлар ва кўпчилик варварлар уларнинг ахлоқларини бузсалар ва шу элинлар ва варварлар орасида суюқоёқ Афродитани кўриб, унинг буюк кучини билсалар, у ҳолда қонунлар нигоҳбонлари, соҳиби қонун бўлишлари ва улар учун бошқа қонун ўйлаб топишлари зарур.

841

К л и н и й . Агар ҳозир биз таъсис этган қонун бузилса, сен уларга қандай қонун ўрнатишни маслаҳат берар эдинг?

А ф и н а л и к . Бу иккинчи қонун бевосита биринчисига бориб туташиши тушунарли, Клиний.

К л и н и й . У нимадан иборат бўлади?

А ф и н а л и к . У, меҳнат ёрдамида, ҳузурларнинг оқими ёпирилиб келишини ва ўсишини тўхтата туриб ва бадан эҳтиёжларига қарама-қарши йўналиш бериб ҳузурларнинг ривожланишини сусайтиради. Агар одамлар уятчанлик туфайли уларга кам берилсалар, бу, ишқий кўнгилхушликларга кам берилиш шарофати билан уятсизлик ҳукмронлигини кучсизлантиради. Улар билан пинхона шуғулланишни бизнинг фуқароларимиз учун бир ажиб зебо нарса сифатида қонунаштирилади; худди шу ҳолат, одат ва ёзилмаган қонун, деб тан олинсин. Шу сифатдаги бундай муносабатларнинг ўзлари эмас, аксинча уларнинг ошқораликлари шармандалик, деб тан олинсин. Бизнинг қонунимизда, шундай қилиб, шармандалик ва зеболик нимадир иккиламчи сифатида белгиланади, чунки бу муносабатларнинг ўзлари ҳам уларнинг тўғрилиги нуқтаи назардан биз тарафдан иккиламчи деб ҳисобланадилар. Ўз табиатларига кўра барча бузук, ахлоқсизлар – биз уларни ўзларининг ожизликларидан енгилганлар, деб атаймиз, – бир турни ташкил этадилар; қолган уч турдаги фуқаролар уларни ҳамма томондан ўраб оладилар ва қонунлардан четга чиқмасликка мажбур этадилар.

б

К л и н и й . Ушбу уч тур фуқаролар қандай фуқаролар?

с

А ф и н а л и к . Улар, художўйлар, улар жонкуяр-ғайратдилар, ва ниҳоят баданга эмас, дил (руҳ)нинг зебо хусусиятларига мойиллик билдирувчилардир. Тўғри, бизнинг бу барча сўзларимиз, ҳозирча эртақларда баён этиладигандай фақатгина эзгу тилаклар бўлиб қолмоқдалар; аммо бу, барча давлатларда амалга оширилса қанчалик яхши

бўлар эди. Худо хоҳласа, эҳтимол биз муҳаббатда ушбу икки нарсадан бирига рию қилишга мажбур этамиз: ё фуқаро ўзининг қонуний хотинидан бошқа ҳеч қайси олижаноб ва ҳур туғилган аёлга тегишга журъат этмасин; у ўз уруғини дин ила муқаддас этилмаган чўрилар, ҳамда эркаклар билан табиатта хилоф ва самарасиз алоқаларга бемаъни сарф этмасин. Ёки биз эркаклар билан алоқаларни бартараф этамиз, аёллар билан алоқаларга келсак, муқаддас никоҳ йўли билан, худоларнинг хабардорлигида унинг уйига кириб келган хотинидан ташқари бошқа сотиб олинган ёки ўзга бир қандайдир йўл билан олинган аёллар билан кимда-ким яшаса, бу дарҳол барча эркаклар ва хотинлар орасида маълум бўлиб қолади, у ҳолда биз соҳиб қонунлар сифатида ўйлайманки, бизнинг давлатимизга ҳақиқатан ҳам ёт одам сифатида уни барча фахрий фуқаролик нишонларидан маҳрум этсак, тўғри иш қилган бўламиз. Ишқий кўнгилхушликлар ва муҳаббатнинг ҳар бир турларига тааллуқли бўлган барча нарсалар борасидаги бу қонун жорий этилсин, – бу битта қонун, деб ҳисобланадими, иккитами барибир. Бу қонун, бундай майлар пайдо бўлганида, ўзаро муносабатларда қайси хатти-ҳаракатлар тўғрию қайсилари нотўғри эканлигини белгилайди.

Мегилл. Ажнабий (биродар), бу қонунингни мен жон деб қабул қилар эдим. Клинийга келсак ўз фикрини ўзи айтсин.

Клиний. Қулай фурсат келганида айтаман, Мегилл. Ҳозир эса меҳмонимизга ўз қонунларини яна баён қилишига имкон берайлик.

Мегилл. Яхши.

б

Бирга
овқатланишлар
(сисситиялар)
ва овқат топш

Афиналик. Энди биз биргаликда овқатланишларни ташкил қилишга ўтайлик. Агар бизнингча бошқа юртларда уларни ўрнатиш қийин бўлсада, Критда ҳамма худди шу умумий овқатланишлар бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Аммо уларни қандай ташкил этиш керак? Бу ерда мавжуд бўлганидекми ёки Лакедемондаги кабири? Ёки бу икки хил

сисситиялар қатори яна учинчиси, улардан яхшироғи борми? Менинча, учинчи хилини ҳам ўйлаб топиш қийин эмас, лекин бу ҳеч қандай афзалликлар келтирмайди. Зеро, ҳозирги тартибдаги мавжудлари ҳам муваффақиятли чиққанлар.

Сисситиялар билан овқат заҳираларини топиш масаласи боғлиқ. Бу қандай амалга оширилади? Қолган барча давлатларда овқат заҳиралари турлича ва ҳамма жойдан олинадилар, шунинг учун у ерда бизнинг фуқароларникига қараганда манбаълар икки баробар кўп. Зеро, кўпчилик элминларга овқатни қуруқлик ҳам, денгиз ҳам етказиб беради, бизда эса фақат қуруқликнинг ўзи. Соҳиби қонун учун бу осонлик туғдиради: қонунлар икки баробардан кўпроқ қисқарадилар; бунинг устига улар ҳур туғилган одамларга кўпроқ мос келадилар. Дарҳақиқат: давлатимизнинг соҳиби қонуни денгиздаги катта ва кичик савдо ҳақидаги, меҳмонхоналар, божхоналар ҳақидаги, конлар ҳақидаги, қарз ва мураккаб фоизлар ҳақидаги ҳамда шунга ўхшаш кўндан-кўп бошқа қоидалар, қонунлар, қарорлар билан хайр-хўш қилса бўлади. У фақат, деҳқонлар, чўпонлар, асаричилар учун, уларнинг омборлари учун ва қишлоқ хўжалик қуролиари устидан назорат қилувчилар учун қонунлар ўрнатади. Зеро биз энг муҳим – никоҳлар ҳақидаги, болалар туғилиши ва уларни ўстириш ҳақидаги қонунларни, бундан ташқари тарбия ва давлат мансабларини таъсис этиш ҳақидаги қонунларни ўрнатиб бўлдик. Энди соҳиби қонун овқат ва уни топади-ганлар ҳақидаги масалаларга мурожаат этиши зарур.

Деҳқончилик ҳақидаги қонунлардан бошлаймиз. Биринчи қонун, Зевс – чегаралар хомийсининг қонуни бундай дейди: агар кимнингдир ери четда жойлашган бўлиб, унинг ери билан чегарадош ер бўлса, у фуқаро бўладими ё ажнабий бўладими барибир ҳеч ким ўзининг энг яқин қўшнисининг ер чегараларини бузмасин. Ҳар ким ҳам буни, бузиб бўлмайдиган тартибни бузиш деб ҳисобласин. Худолар жамоли олдида онт ичилган, душманлик ва дўстликни ажратадиган чегара устунни ёки ҳатто кичкина тошчани сурганидан кўра тезроқ

улкан бир қояни суриб кўрсин. Бу ерда фуқаро учун Уму-мқабилавий Зевс, ажнабий учун – Меҳмондўст Зевс гу-воҳ бўлади. Ким бу қонунни менсимаса, икки карра масъ-улиятли бўлади: биринчи ва асосийси – худолар олдида, иккинчиси – қонун олдида. Шунинг учун ҳеч ким қўшни-лар чегарасини ихтиёрий бузмасин; агар кимдир шундай қилса, ҳар бир хоҳлаган одам бу (воқеа) ҳақида ер эгаларига етказиши мумкин, улар эса, уни суд маҳкамасига тортадилар.

Агар кимдир, пинхона ва зўравонлик билан ерни янги-дан бўлганида айбдор бўлиб қолса, у ҳолда суд маҳкамаси ишни ютқазган одам қандай жазо олишини ҳал қилади. Шундай ҳам бўладикки, қўшнилар бир-бирларига жуда кўп майда зарарлар етказадилар ва бу тез-тез қайтарилиб душ-манликнинг оғир ҳиссиётини турдиради, оқибатда қўшни-чилик чидаб бўлмайдиган ва аччиқ бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар бир қўшни, қўшнисига умуман, ҳамда муҳими ер ҳайдалаётганида душманликка баҳона топиб беришдан эҳтиёт бўлиши зарур. Зарар етказиш жуда осон – буни ҳар ким ҳам қила олади: ёрдам бериш эса ҳамманинг ҳам қўли-дан келмайди. Кимда-ким қўшнисининг ерини ҳайдаса, яъни марзадан ўтган бўлса, ўша (одам) келтирилган зарар-ни қоплаши ва бундан ташқари, азият чекканга икки ба-робар миқдорда ҳақ тўлаши зарур, токи унинг ўзи ҳам бе-номусликдан, ҳам олижаноб бўлмаган мойилликлардан да-волансин. Бу ва барча шунга ўхшаш ҳолларда текшириш, ҳакамлик қилиш ва жарима белгилаш ишларини агроном-лар қиладилар; катта бузилишлар бўлганида, аввал айт-ганимиздек – бутун мамлакатнинг ўн иккидан бирини таш-кил этувчи вилоятнинг барча мансабдор шахслари бу ишни бажарадилар. Агар кимдир бошқаларнинг ўтлоқларини бо-сиб олса, келтирилган зарарни кўриб ишонч ҳосил қилган-ларидан сўнг ўша шахсларнинг ўзлари ҳакамлик қилади-лар ва келтирилган зарарни қоплаш бўйича ҳукм чиқара-дилар. Агар кимдир, алдаб чақиритиш йўлини билиб, биров-ларнинг асал ари галаси яқинроққа ўтирганида йиғишти-риб олса, у (шахс) келтирган зарарни қоплаши зарур. Агар кимдир, қўшнисини ўйламай ўз ўрмонини ёқса, у одам, мансабдор шахслар қарорлари бўйича жазоланади. Агар

кимдир, ўзининг ва қўшнисининг ери ўртасида жой қолдирмай нималардир экса, у ҳолда ўша одам кўп соҳиби қонуналар кўрсатиб ўтганларидек жазоланади: бу ерда уларнинг ҳам қонуналаридан фойдаланиш зарур.

Давлатнинг олий тартиб берувчиси (тузувчиси) барча майда-чуйдалар учун қонун ўрнатишини талаб қилмаслиги керак – бундай қонуналар ҳар қандай қонун чиқарувчининг кўлидан келади. Деҳқонлар учун ўрнатилган сув ҳақидаги қадимий қонун зебо қонундир ва бизнинг суҳбатимизга ўзга йўналиш беришнинг ҳожати йўқ, – кимки ўз ерига сув келтирмоқчи бўлса, уни жамоат сув омборларидан чиқарсин, аммо ҳеч қачон хусусий шахсга тегишли манбаълардан сув олмасин; у сувни хоҳлаган йўналишда олиши мумкин, фақат уйлар, ҳарамлар ва мақбаралар билан банд жойлар бундан мустаснодир; бу борада атроф жойларни бузмаслик ва фақат сув ўтадиган ерлардан фойдаланиш зарур. Агар баъзи жойларда ернинг табиий шароити бўйича сув йўқ бўлиб, шу сабабли ёмғир сувини шимиб оладиган бўлса ва у ерда сув манбаълари бўлмаса, у ҳолда ўз ер майдонидан ерни то лой қатламигача қазиб сув ҳавзалари яратиш зарур; агар бу чуқурликда ҳам сув бўлмаса, сувни қўшнилардан – ҳар бир оила аъзосига зарур миқдорда сув олиши мумкин. Агар қўшниларнинг ўзларига сув зўрға етадиган бўлса, у ҳолда уни келтириш тартибини агрономлар ўрнатадилар унда: ҳар куни ким сувга бориши ва шу тарзда сувдан қўшнилар билан биргаликда фойдаланиши кўрсатилади. Агар тоғ ёнбағрида яшовчи кимдир ёмғир сувларини тўсиб қўйса ва бу билан ўзидан юқоридаги қўшнисининг ишлов берилган ерига зарар етказса ёки аксинча, тоғда яшовчи одам хоҳлаган тарзда сувни оқизиб юборса ва бу билан пастроқда яшовчи қўшнисига зарар етказса, у ҳолда, агар улар бир-бирлари билан келишишни хоҳламасалар дуч келган одам астиномни (агар иш шаҳарда рўй берса) ёки агрономни (агар қишлоқда) чақирсин, токи бу ерда ҳар ким қандай йўл тутиши кераклигини у (астином ёки агроном) ҳал қилсин. Кимда-ким белгиланган тартибга риоя қилмаса, ўша одам ҳасадгўйлик ва қайсарликда айбланади; агар у айбдор бўлиб чиқса, у ҳолда, мансабдор шахсларга қулоқ сол-

844

б

с

d магани учун келтирган зарарини икки баробар қоплаб жаб-
рланганга ҳақ тўласин.

Барча фуқароларнинг меваларнинг кузги йиғимида қатнашишларига келсак, бу ерда ушбуларга риюя қилиш зарур. Маъбуда марҳамат билан икки хил неъмат тухфа қилади: биринчидан, сақланмайдиган узоқ дионисий эрмаги; иккинчидан эса, ўзининг табиий хислатлари билан ғамлаб қўйишга мўлжалланган узум. Ҳосил ҳақида ушбу қонун ўрнатилсин: йиғиштириб олиш вақти (бу эса,

e Арктурнинг чиқиши – тулуъ этиши билан боғлиқ) келгуни-
ча, ўз еридами ёки бошқанинг еридами барибир кимда-
ким қишлоқ мевалари, узум ёки анжирни тотиб кўради-
ган бўлса, Дионис фойдасига, агар мевани ўз еридан узиб
олган бўлса олтмиш драхм, агар қўшниларининг еридан узиб
олган бўлса, бир мина (жарима) тўлаши зарур; агарда у
бошқа кимнингдир ерида узиб олган бўлса, учдан икки
мина тўлаши даркор. Ҳозир олижаноб, деб аталувчи ток-
нинг ёки олижаноб анжир мевасини йиғиб олишни иста-
са, агар бу унинг мулки бўлса улардан хоҳлаганича, қачон

845

бўлсада фойдаланиши мумкин; агарда бу – бошқа биров-
ники бўлса ва эгаси бунга рухсат бермаган бўлса, у ҳолда
қўймаган нарсасига тегишни манъ қиладиган қонун бўйи-
ча бу одам жазоланади. Агар қул, бундай нарсаларга ер
эгасининг рухсатисиз тегадиган бўлса, узум бошидаги
(шингилдаги) узум доналари ва анжирлар миқдоридан кал-
такланади. Агар хоҳласа, метек олижаноб ток мевасидан
ҳақ тўлаб фойдаланиши мумкин. Агар келгинди ажнабий,

b

йўллардан ўтиб кетаётиб мевалардан тотиб кўришни иста-
таса, олижаноб ток мевасидан бемалол текинга фойдала-
наверсин – (фақат) унинг ўзи ва унинг ҳамроҳларидан бири:
бу меҳмоннавозлик қонуни бўлади. Полиз меваси, деб ном-
ланадиган ва уларга ўхшаш меваларга келсак, уларни
узиш ҳаттоки ажнабийларга ҳам манъ этилади. Агар аж-
набий ва унинг қули қонунни билмасдан манъ этилган (ме-
валарга) тегсалар, у ҳолда қулни калтаклаб жазоланади,

c

ҳур туғилган ажнабийни эса қўйиб юборадилар, аммо ав-
вал унга танбеҳ берилади ва майиз майини тайёрлашга
ярамайдиган барча ток мевалари ҳамда қоқи қилишга
ярамайдиган барча анжирларга тегиш мумкинлигини ту-

шунтирадилар. Нок, олма, анор ва шунга ўхшаш меваларни яширинча узиш шармандалик, деб ҳисобланмасин; аммо бу борада қўлга тушган одам калтакланади, агар у ўттиз ёшга кирмаган бўлса. Айтгандай, уни жароҳатламаслик зарур. Бу уришлардан ташқари ҳур туғилган одам ҳеч қандай суд маҳкамасига тортимайди. Ажнабийга бу мевалардан худди узумга ўхшаб фойдаланишига рухсат берилади. Агарда ўттиз ёшдан ошган фуқаро шу ернинг ўзида ейиш учун бу меваларни узса, аммо ўзи билан ҳеч нарса олиб кетмаса, у ҳолда у, ажнабий билан бир хил ҳуқуқда буни қилиши мумкин. Агар бунинг ҳақида мукофотлар берилиш вақтида ҳакамларга эслатиб қўйсалар, бу қонунга қулоқ солмаган (одам) эзгу ишлар мусобақасидан чиқариб ташланиши мумкин.

Сув боғдорчиликда энг катта аҳамиятга эгадир, аммо у тез бузилади. Гап шундаки, заминдан ўсиб чиқадиган нарсага сув билан биргаликда таъсир этадиган ер, қуёш ва шамолларни бузиш осон эмас; уларни заҳарлаб, четга чиқариб, ўғирлаб бўлмайди, сув билан эса буларнинг ҳаммасини қилса бўлади: унинг табиати шундай. Шунинг учун бу ўринда ёрдамга қонун келиши даркор. Шундай экан, сув ҳақида қўйидаги қонун амалда бўлсин: агар кимдир, ўзга бир одамга тегишли, булоқ ёки ёмғирдан тўплаб қўйилган сувини заҳарласа, кавлаб қазииш йўли билан бошқа жойга бурса ёки ўғирласа, у ҳолда жабрланган одам ўзига етказилган зарарни баҳолаб, адолат истаб астиномларга мурожаат қилиши зарур. Кимда-ким, қандайдир заҳар билан сувни бузганликда ушланса, у одам зарарни қоплашдан ташқари, сув ҳавзаси ёки сув манбаъини тозалаб бериши керак. Ҳар бир айрим ҳолда қонунларнинг шарҳловчилари бу тозалашни қандай бажариш ҳақида кўрсатма берадилар.

Ғамлаб қўйиладиган овқатларга келсак, шуни айтиш лозим-ки, ҳар қандай буни хоҳловчига ҳамма жойда ғамламаларни йиғишга рухсат берилади, фақат бу билан у ҳеч кимга ҳеч қандай зарар етказмаса ва қўшниси кўрадиган зарардан уч баробар фойда олмаса бўлди. Мансабдор шахслар буни, ҳамда, фуқаро билиб туриб яширин ёки ошкора – бошқа одамга унинг ихтиёрига қарши – шахсан ўзига ёки мулкига зарар етказса муҳокама этиб бу ҳолни

846

текширишлари зарур. Агар зарар уч миндан ошмайдиган бўлса, жазони белгилайдиган мансабдор шахсларга буни маълум қилиш керак. Жиддий айблар бўлса, иш умумий суд маҳкамасига тушади ва у хафа қилувчига жазо белгилайди.

Агарда мансабдор шахслардан биронтаси адолатсиз жарима солса, жабрланувчи ундан суд маҳкамаси орқали икки баробар маблағни ундириб олади. Ҳар бир хоҳлаган одам умумий судга мансабдор шахсларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари бўйича шикоят қилиши мумкин.

Яна минглаб майда қонун-қоидалар бор, уларнинг асосида жазо белгилаш, даъволашиш, суд маҳкамасига чақириш, даъвогар учун гувоҳлар олиб келиш мумкин – ва ҳоказо, шунга ўхшашлар. Буларнинг ҳаммасини қонунларсиз қолдириб бўлмайди. Аммо кексайиб қолган соҳиби қонун буларни амалга оширмаслиги керак. Бу ўринда, олдин ўрнатилган муҳим қонунларга тақлид қилиб, қонунларни ёшроқ одамлар ўрнатсинлар. Ҳамма нарса қандай маъқул бўлса, шундай қилингани аниқланиб қарор қилинмагунча бундай майда қонунларнинг зарурийлигини улар тажриба орқали билиб оладилар. Шундай қилиб улар барқарор қонунлар ўрнатадилар ва улардан меъёрида фойдаланиб яшайдилар.

Ҳунармандлар билан бундай йўл тутиш керак: аввало ерли аҳолидан ҳеч ким ҳунарлар билан шуғуланмасин. Гап шундаки, фуқаро, бир вақтнинг ўзида машқларга ва кўпгина билимларга муҳтож бўлган санъат соҳиби бўлса бас: бу – умумдават фаровонлиги, ободлигини таъминлаш ва унга рия қилишдир. Фуқаро ҳунар билан йўл-йўлакай шуғулана олмайди. Ҳеч ким керагича ниманидир машқ қилиб, ҳам бир вақтнинг ўзида бошқаларнинг машқларига раҳбарлик қилолмаганидай, ҳеч бир одам ўз табиатига кўра ҳар қалай, иккита машғулот ёки иккита санъатта жон-жаҳди, қунт билан кириша олмайди. Худди шу нарса давлатда амалга оширилмоғи зарур. Ҳеч бир темирчи бир вақтнинг ўзида дурадгорчилик билан ҳам шуғуланмаслиги зарур; кўлида ишлайдиган жуда кўп қулларга ғамхўрлик қилиш кераклиги ва гўё шу йўл билан ўзининг ҳунарида ҳам муваффақият қозонишини баҳона қилиб, ўз навбатида дурадгор ҳам темирчилик ҳақида

Ўзининг касбига қараганда кўпроқ ҳам емаслиги керак. Йўқ давлатда ҳар бир одам фақат бир ҳунар соҳиби бўлиши зарур ва бу ҳунар унга яшашга маблағ етказиб беради. Астиномлар бу қонунга риоя қилинишини райрат билан назорат қилишлари керак. Агар ерли аҳолидан кимдир эзгулик ҳақидаги гамхўрликдан кўра кўпроқ қандайдир ҳунарга мойилик билдирса, токи у тузалмагунча ва ўз йўлига тушиб олмагунча, астиномлар шарманда қилиш билан кўрқитиб уни тийиб туришлари зарур. Агар ажнабийлардан кимдир иккита ҳунар билан шуғуллана бошласа, у ҳолда зиндон, жарима ва давлатдан чиқариб юбориш кўрқинчи орқали, бирданига бир неча эмас, битта одам бўлишга мажбур этадилар. Қачонки кимдир устани хафа қилиб қўйганида ёки ўзи хафа бўлиб қолган чоғда мукофот ёки буюмларни йўқ қилишга келсак, агар улар элик драхмдан ошмаса, у ҳолда астиномлар бу ишларни текширадилар. Элик драхмдан ортиқ бўлганида қонунга кўра умумий суд маҳкамаси қарор чиқаради.

b

Давлатда ҳеч ким келтирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган моллар учун бож тўламаслиги керак. Ибодат вақтида ишлатиладиган хорижий бошқа хушбўй тўтатқиларни олиб кириш ва арғувон ва мамлакат ишлаб чиқармайдиган бўялган матоларни олиб кириш, ҳамда, хорижий молларда ишлайдиган ҳунарлар учун керак бўлган барча нарсани, ростки ҳеч зарурат бўлмаганидан кейин, олиб кириш манъ этилади. Худди шундай равишда мавжудлиги мамлакат учун зарур бўлган нарсаларни олиб чиқиб кетишга рухсат берилмайди. Буларнинг ҳаммасини қонунлар нигоҳбонлари аниқлашлари зарур; уларнинг ўзлари – ўн иккита биринчилари ёшларига қараб, бешта катталари бундан мустасно, – буларни назорат қиладилар. Қурол ва барча ҳарбий қурооларга келсак, агарда бунинг учун хориж буюмлари, бирлаштириб маҳкамлашга ярайдиган нарсалар, ёғоч, темир ёки ҳайвонлар керак бўлиб қолса, у ҳолда давлат муҳтож бўлган ёки ишлаб чиқарадиган нарсаларнинг олиб келиниши ва олиб чиқиб кетилишини гиппархлар ва стратеглар белгилайдилар. Қонунлар нигоҳбонлари бу ҳолатда ҳам мос ва қониқарли қонунлар ўрнатадилар. Аммо бу ерда, бошқа ҳамма нарсада бўлгани каби, еримизнинг барча жойларида, бутун давлат бўйи-

c

d

ча бойлик орттириш мақсадидаги майда (чакана) савдога ўрин бўлмайди.

e

Озиқ-овқат
тақсимоти
ва туғар жойлар
қуриш

Овқатлар ва мамлакат етказиб берадиган ғамлама (кут)ларнинг тақсимотига келсак, крит қонунини жуда эслатадиган тартибот ўрнатиш албатта тўғрироқ бўлар эди. Бу ғамламаларнинг ҳаммаси одамлар томонидан

848

ўн икки қисмга бўлиниши ва шунга монанд равишда истеъмол этилиши зарур. Ҳар ўн иккидан бир қисми эса, – масалан, буғдойнинг, арпанинг ва барча пишиб етилган нарсанинг, ҳамда ҳар бир одам сотадиган барча ҳайвонлар ҳисоб-китобга кўра яна уч қисмга бўлинади: биринчи қисм ҳур туғилганларга мўлжалланади, иккинчиси – қулларга, учинчиси – ҳунармандлар ва умуман ажнабийлар, ҳамда кун кўриш эҳтиёжи билан, бизга кўчиб келганлар ҳамда ҳар сафар бизга давлат ишлари ёки хусусий ишлар билан келиб турадиганлар учун. Зарурий ғамламалардан ажратилган ана шу учинчи қисмни сотишга тўғри келади; қолган икки қисмдан эса бирор нарсани бўлсада сотишга зарурат йўқ. Аммо бундай тақсимотни қандай қилиб тўғри амалга оширса бўлади? Аввало шуниси равшанки, бу қисмлар бир жиҳатдан бир-бирлари билан тенг, бошқа бир жиҳатдан тенг эмас.

b

Клиний. Сен нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Шаксиз, ғамламаларнинг баъзилари яхши ҳосил беради, бошқалари ёмонроқ.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Ростки шундай экан ва ҳамма қисмлар учта бўлса, у ҳолда ҳожалар учун мўлжалланган қисм, қулларга мўлжалланган қолган икки қисмдан ҳам, яна шу тарзда ажнабийларга мўлжалланганидан ҳам бисёрроқ бўлмаслиги лозим. Бўлишни шундай амалга ошириш керакки, токи ҳамма қисмлар сифат борасида ҳам тенг бўлсин. Ҳар бир фуқаро икки қисм олади ва ғамламаларни қуллар ва ҳур туғилганлар орасида бўлиб беради: бўлинадиган нарсанинг миқдори ва сифатини у ўз хоҳишича аниқлайди. Ортиқчасини, ердан ўз ризқини олувчи ти-

c

рик мавжудотларни назарда тутиб, шунга монанд тақсимланади.

Фуқароларга айрим турар жойлар ажратилиши зарур. Бу ўринда ушбу тартиб маъқул бўларди: мамлакатнинг ўн иккидан бир қисмини ташкил этувчи ҳар бир фила (бу ерда фила-вилоятга тўғри келади. -тарж.) ўртасида биттадан ўн иккита қишлоқ бўлиши керак. Ҳар бир қишлоқда аввало худолар ва уларнинг йўлдошлари – генийларига ҳарамлар учун майдон ажратиш зарур. Бу, ё магнетларнинг маҳаллий худолари ёки хотиралари эски иморатларда сақланиб қолган қадимий худолар бўладилар; қадимда уларга қандай эъзоз-эҳтиром кўрсатган бўлсалар, фуқаролар худди шундай эҳтиром кўрсатадилар. Ҳамма жойда Гестия, Зевс, Афина ва мамлакатнинг ҳар ўн иккидан бир қисми учун асосий бўлган худо ибодатхоналарини бино этиш зарур. Аввало бу ибодатхоналарнинг атрофига, энг баланд ерга тартиб нигоҳбонлари учун энг ишончли жой бўладиган бино қуриш зарур. Ҳунармандларни ўн уч қисмга бўлиб бутун мамлакат бўйлаб тақсимлаш керак; битта, ўн учинчи қисми бутун давлатнинг ўн икки қисмига монанд равишда бўлиб шаҳарга жойлаштирилади. Қолган ҳамма ҳунармандлар ён атрофда, шаҳар четида жойлашадилар, шундай қилиб, ҳар бир турар жойда (касабада) деҳқонлар билан биргаликда уларга фойдали усталар жамоаси яшайди. Буларнинг ҳаммасини агрономларнинг бошлиқлари назорат қиладилар. Улар, ҳар бир турар жойга қандай ва қанча усталар кераклигини ва улар қаерда жойлашсалар деҳқонларга камроқ зарар ва кўпроқ фойда келтиришларига эътибор берадилар. Шаҳарда яшовчи усталар устидан барча ҳолатларда ҳоким – астиномлар назорат қиладилар.

Бозор
майдонлари
ва ажнабийлар
билан
савдо-сотиқ

Бозор майдонининг назорати агрономларда бўлади. Майдонда жойлашган ибодатхоналар назоратидан сўнг бу назорат одамларнинг зарурий мулк-бойликларини кўриқлашдан иборат бўлади; бундан ташқари, улар мулоҳаза, андиша кўриқланишини ва сурбетликка қар-

849

ши туришни таъминлашлари ҳамда ким жазоланиши зарур бўлса, ўшани жазолашлари керакдир. (Сотиладиган) нарсаларга келсак шаҳар аҳолиси ўз мол (буюм)ларини ажнабийларга сотаётганларида ҳамма муомала қонун бўйича бўлиши зарур. Қонун эса бундай: ҳар ойнинг биринчи куни, шаҳарликлардан топшириқ олган ажнабийлар ёки қуллардан (кимлардир), ажнабийларга мўлжалланган молларнинг бир қисмини, яъни аввало бор миқдордаги буғдойнинг ўн иккидан бирини бозорга олиб борадилар. Ушбу биринчи бозор куни ажнабий ўзи учун бутун ойга етарли буғдой ва бошқа озиқ-овқатни сотиб олиши даркор. Ҳар ойнинг ўнинчи куни етарли миқдорда суюқ нарсаларни бутун ойга сотилади ва олинади. Йигирма учинчи куни – ҳайвонларни сотилади. Ҳар ким ўзига керак нарсани олади ва сотади; деҳқонлар асбоб-ускуна ва турли нарсалар – тери, ҳар қандай кийим, мато, жун ва шунга ўхшашларни сотадилар, ажнабийлар эса буларнинг ҳаммасини сотиб олиш йўли билан харид қиладилар. Ҳеч ким бу нарсалар билан, арпа ва буғдой уни билан ҳам чакана савдо қилмасин. Бошқа ғамламалардан шаҳарликларга ҳам, уларнинг қулларига ҳам ҳеч нимани ҳеч ким сотмасин; агар кимдир сотса ҳам ҳеч ким олмасин. Ажнабий бозорда май ва буғдой (нон)ни ажнабийлар, ҳунармандлар ва уларнинг қулларига сотиши мумкин; бу – кўпчилик чакана савдо, деб атайдиган нарса. Қассоблар нимталанган гўшти чакана савдо қилсалар бўлади; уларни ажнабийлар, ҳунармандлар ва уларнинг хизматкорларига сотаверсинлар. Ажнабий яна, агар зарур бўлса, руҳсати бор одамлардан турли ёқилғиларни ҳар куни сотиб олиши мумкин; кейин унинг ўзи бошқа ажнабийларга ёқилғини хоҳлаган пайтда ва қанча бўлса ҳам сотиши мумкин. Турли бошқа буюмлар ва жиҳозларни ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб умумий бозорда, қонунлар нигоҳбонлари ва агораномлар билан астиномлар биргалиқда молларнинг энг баланд нархини белгилаб берганларидан кейин, улар лозим топган ерларида сотишлари мумкин. Худди шу ҳақларда (чегараларда) тангалар буюмларга, буюмлар тангаларга алмаштирилади; сотувчи ва олувчи алмаштиришни кейинга қолдирмайдилар. Зеро кимки алмаштиришни

кечга қолдирса, демак у бошқасига ишонади ва ўзиникини олишга умид қилади; агарда у олиши керак бўлган нарсани ололмаса, унда дод демасин: адлия ишларининг бундай хилдаги ўзаро алмаштиришларга дахли йўқ.

Агар мол, ҳам пасайиш, ҳам фойдани белгилувчи ва бу чегаралардан чиқишни манъ этувчи қонун томонидан ўрнатилганидан кўра кўпроқ миқдорда ёки қимматроқ нарҳда сотилган ёки олинган бўлса, у ҳолда ортиғи қонунлар нигоҳбонларида ёзиб қўйилади, камомад эса, ўчириб ташланади. Кўчиб келувчиларнинг мол-мулкани ёзиб қўйишга ҳам булар таалмуққидир.

Метеклар
(кўчиб келган
ажнабийлар)

Кўчиб келишни хоҳлаганлар фақат маълум шартлар билан бунга эришадилар. Кўчиб келишни хоҳловчи ва бунга имконияти бор ажнабий, агар

унинг ҳунари бўлса ва агар у ёзиб қўйилган вақтдан бошлаб мамлакатда йигирма йилдан кўп муддатга қолмаса у турар жой олади. Кўчиб келиш ҳуқуқи учун ундан ҳеч қандай бож олинмайди; ундан фақат мулоҳазалилик (идрок) талаб қилинади. Тижорат ҳуқуқи учун ҳам ундан бож олинмайди. Аммо, бунинг эвазига, муддат ўтиши билан у ўз мол-мулкани олиб кетиши зарур. Агар у, ўзининг давлат учун яхши ишлари билан бу даврда ўзига эътибор қарата олган бўлса; агар у, ҳатто бутун умрга мамлакатда қолишни сўраса-да бу илтимоси рад этилмаслигига ва кенгаш ҳамда халқ йиғинини кўндира олишига ишонса – у ҳолда кенгаш ва халқ йиғини олдида сўз сўзласин, ва агарда у давлатни ишонтира олса, у нимага кўндирган бўлса ўша амалга ошсин. Метекларнинг болалари эса, агар улар ҳунарманд бўлсалар ва ўн беш ёшга етган бўлсалар, кўчиб келиб туриш муддати ўн беш ёшдан ҳисобланади. Кейин, йигирма йил ўтгач, улар хоҳлаган томонларига кетишлари даркор. Агар улар қолишни хоҳласалар, худди шундай равишда давлатни кўндиришлари керак бўлади. Давлатдан чиқариб юборишдан олдин, мансабдор шахслар олдин рўйхатга олган мол-мулкларини рўйхат ёзувидан ўчириб ташлаш керак бўлади.

b

c

d

Жиноятлар
ва жазолар
ҳақида
таълимот

А ф и н а л и к . Қонунларнинг табиий тартиби бизни энди юқорида кўрсатиб ўтилган ишларга ҳамроҳ бўлувчи адлиявий масъулият масаласига олиб келади. Асли қандай гуноҳлар учун суд олди-

да масъулиятли бўлиши кераклиги ҳақида, деҳқончилик ва у билан яқин соҳаларга тааллуқлилари ҳақида қисман айтилган эди; аммо энг катта гуноҳлар борасида ҳеч нарса дейилмаганди. Шунинг учун келгусида худди ана шу гуноҳларни текширишимиз, уларнинг ҳар бирини айрим муҳокама қилишимиз керак, токи, бу ерда қандай жазо белгилаш зарур ва қайси ҳакамлар бу ишни олиб боришлари керак, деган масалаларда бир хулоса чиқариб олайлик.

К л и н и й . Жуда тўғри.

А ф и н а л и к . Айтгандай, биз энди қилмоқчи бўлаётганимиз, яъни, бизнинг эътироф этишимизча, яхши тартиб топадиган ва фуқароларининг эзгуликка кўникма маъносида умуман тўғри йўналш оладиган шундай давлатда бунга ўхшаш қонунларни ўрнатиш шармандаликдир. Мана бехосдан, биз шундай давлатда, шунақа гуноҳ ишларга алоқадор одам пайдо бўлади, деб тахмин қилмоқдамиз, асли бундай ишлар барча бошқа давлатларда бузилганлик (фасол) туфайли пайдо бўладилар. Шундай қилиб, воқеаларни олдини олиб, қонун чиқарувчилик билан шуғулланишга яъни: шунга ўхшаш одам пайдо бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳолатда кўрқитишга тўғри келади. Бундай одамлар албатта учрайдилар, деб тахмин қилиниб, гуноҳ ишларнинг олдини олиш ва жазолаш учун қонунлар ўрнатиш – худди шунда, қайтараман, қандайдир шармандалик бор. Биз қадимги соҳиби қонунлардан эмасмиз. Ҳозирги пайтда ҳикоя қилишларича,

уларнинг келиб чиқишлари илоҳий бўлган ва улар ўз қонунларини ҳам худоларнинг болаларига, қаҳрамонларга, яъни илоҳий мавжудотларга берганлар. Йўқ, биз – инсонлармиз ва энди қонунларни инсон уруғига бермоқдамиз; шунинг учун бизда табиатлари худди шохга ўхшаш фуқаролар учрайдилар, уларни ҳеч тозалай олмайсан, деб кўрқишга ҳақлимиз. Ўтда ҳам куймайдиган уруғлардек, улар ҳам қонунларга, ҳатто шундай кучли қонунларга ҳам бўйсунмайдилар. Бундай одамлар шаккоклик борасидаги нохуш қонун ҳақида гапиришга – агар кимдир бундай ишга журъат этадиган бўлса, – мени мажбур этадилар. Айтиш керак-ки, тўғри тарбия олган фуқаро қачондир бундай касалга чалиниб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлагинг ҳам келмайди; лекин бундай ишларга уринишларни фуқароларга тегишли хизматкорлар, ажнабийлар ва уларнинг қуллари томонидан кутиш мумкин. Айниқса улар учун – айтиш керак-ки, инсоний ожизликдан ҳам эҳтиёт бўлиб, – мен, шаккоклик ва шунга ўхшаш жиноятлар ҳақидаги қонунни айтиб ўтаман, чунки уларни даволаш қийин ёки умуман бедаводирлар.

Юқорида ўрнатилган тартибга кўра бу ерда ҳам дебоча бўлиши, аммо мумкин қадар қисқа дебоча бўлиши керак. Шаккокликка бўлган ёвуз эҳтирос кундузи ва тунда тинч қўймайдиган одам билан суҳбатлашаётганинда мана бундай дейиш мумкин: “Сен галати одамсан, сени шаккокликка инсоний ва илоҳий ғазаб рағбатлантираётгани йўқ; йўқ, бу, эски, покланмай қолган гуноҳлар туфайли одамларга санчилаётган нишдир; ўша сени ҳалок этмоқда ва қийнамоқда; борича ундан эҳтиёт бўлмоқ зарур. Бундай эҳтиёткорлик нимадан иборатлигини билиб ол. Бунга ўхшаш фикр мияннга келганида уни даф этиш учун Зевсга қурбонлик қилгин. Илтижо қилувчи сифатида бахтсизликларни қайтарадиган худолар ҳарамларига бор. Бизда яхши одамлар, деб тан олинган одамлар билан мулоқотда бўлишга интил. Гоҳ уларнинг нутқларини эшит, гоҳида, ҳар қандай одам зебо ва адолатли нарсани эъзозлаши кераклиги ҳақида ўзинг гапиришга ҳаракат қил. Ёмон одамлар даврасидан орқанга қарамай қоч. Агар буларнинг ҳаммасини бажарилишидан сенинг

d
854

b

c

касалинг тийилса, жуда яхши; агар бундай бўлмаса, у ҳолда ўзингга ўлимни яхшироқ ҳисобла-да, ҳаёт билан хайрлаш!”

Жиний
қонулар

Давлат учун турли муртад ва ҳалокатли гуноҳларни қилмоқчи бўлган одамларга бизнинг кириш сўзимиз ана

шундан иборатдир. Бўйсунувчилар қошида қонун сукут сақлаши лозим; бўйсунмаганга эса, кириш сўзидан сўнг у бундай хитоб қилади: “Кимки шаддодлик ила қўлга тушса, агар у қул ёки ажнабий бўлса, юзи ва қўлларига унинг қабихлиги муҳрини босадилар, ҳакамлар қанча уришга қарор берган бўлсалар шунча калтаклайдилар ва яланғоч ҳолда мамлакат ташқарисига ҳайдаб юборадилар”. Балки, бундай жазо уни тузатар ва ақлини жойига келтирар. Гап шундаки, қонун бўйича ҳеч бир жазо ёмонлик келтириш учун қилинмайди. Аммо агар, худоларни, ўзининг ота-онасини ёки давлатни ёмон ҳақорат этган фуқаро томонидан бундай гуноҳ иш қилингани маълум бўлса, у ҳолда ҳакам уни бедаво, деб тан олиши керак бўлади: бу фуқаро қандай тарбия олганини, ёшлақдан қандай ўсганини, шундай бўлса ҳам у энг даҳшатли ёвузликдан ўзини тиймаганини ҳакам билади. Бундай одамнинг жазоси – ўлим, ва бу ҳали офатларнинг энг кичкинаси дир. Бошқа фуқаролар учун, жиноятчининг шармисорлиги ва унинг жасади мамлакат ташқарисига олиб чиқиб ташланиши, фойдали мисол бўлади. Агар ахлоқлари ила ўз оталарига ўхшамасалар, унинг фарзандлари ва авлодига шон ва шараф бўлсин; ҳамма: улар ёвузликдан, хайрли ишга яхши ва мардларча ўтди, деб айтади. Бундай жиноятчиларнинг мулки, чек ерлари юртда ўша битталигича ва бир ҳолда қолиши кераклиги учун давлат мусодара қилмаслиги лозим. Лекин гуноҳни пул билан ювиш мумкин бўлган ҳол бўлса, у одамни пул билан жазолаш керак; бу жаримани, чек ер билан солиштирилганида ортиқча бўлган мулқдан олиниши даркор; аммо жарима миқдори шу ортиқчадан ошмаслиги керак. Шу мақсадда қонулар нигоҳбонлари ёзувларни синчиклаб кўриб туришлари ва ҳакамларга аниқ маълумотлар билан хабар беришлари керак, токи ҳеч ким ҳеч қачон пул етишмаслигидан чек еридан маҳрум бўлиб қолмасин. Агар кимдир катта жа-

рима солинишига лойиқ топилсаю унинг дўстлари уни озод қилиш учун кафиликка олишни ва пул йиғиб унинг учун тўлаб юборишни хоҳламасалар, у ҳолда уни узоқ муддатга зиндонбанд этилади ва бунинг устига уни қандайдир очиқ ҳақоратлар билан жазоланади.

Умуман ҳеч ким, ҳеч қачон ҳар қандай гуноҳ иш учун жазоланмасдан қолмаслиги керак, ҳатто, гуноҳ қилиб қўйган одам давлатдан ташқарига қочиб кетган бўлса ҳам. Жазо ушбулардан иборатдир: ўлим, зиндонга ташлаш, калтаклаш, камситиладиган ўринларда ўтириш ва туриш ёки мамлакат чеккасидаги ҳарамлар олдида туриш; ёхуд аввал айтганимиздек, пул жаримаси жазо бўлиши керак. Ўлимга ҳукм этувчи ҳакамлар, қонунлар нигоҳбонлари ва ўтган йилги мансабдор шахслардан энг ўзини кўрсатганлардан сайланганлар бўлсинлар. Кейинги соҳиби қонунлар, шикоят қилиш, суд маҳкамасига чақириш ва шунга ўхшаш – ва умуман, буларнинг ҳаммаси қандай амалга оширилиши ҳақида ғамхўрлик (назорат) қилишлари зарур. Бизнинг вазифамиз эса, овоз бериш борасида қонун ўрнатишдир. Овоз бериш очиқ бўлсин. Унинг бошланишидан олдин ҳакамлар даъвогар ва айбланувчи қаршисида, иложи борича ўз ёшларига қараб ўтирсинлар. Барча бўш вақти бор фуқаролар бундай суд маҳкамасига диққат билан ёндошсинлар. Аввал сўз шикоятчига, сўнг айбланувчига берилади. Уларнинг нутқларидан кейин ҳакамларнинг энг кексаси уларнинг берган маълумотларига алоҳида эътибор бериб сўроқ қилишни бошлайди; кейин қолган барча ҳакамлар ҳам, иккала тортишувчи томонларнинг маълумотлари ва сукутларидан билишлари лозим бўлган нарсаларни бир-бир суриштириб, текширишлари керак. Ҳакамларнинг қайси бирлари буни хоҳламасалар, сўроқ қилишни бошқасига қўйиб берадилар. Ишга тааллуқли бўлган маълумотлар ёзувини барча ҳакамлар муҳрлари билан муҳрлаб, беркитиб, Гестиянинг қурбонлик жойига қўйилади. Эртаси куни ҳакамлар яна йиғиладилар ва худди шу йўсинда, сўроқлаб ишни кўриб чиқадилар ва маълумотлар ёзувига ўз муҳрларини босадилар. Уч марта шундай қиладилар; кейин, етарли даражада далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тўплангач,

c

d

e

856

кучи етгунча адолатли ва тўғри ҳакамлик қилишга Гестия олдида сўз бериб, ҳар бир ҳакам ўзининг муқаддас овозини беради. Бундай суд маҳкамаси ишлари шу тарзда тугайди.

Худоларга қарши жиноятлардан кейин, мавжуд давлат тузумини ағдаришга тааллуқли жиноятлар келади. Кимда-ким, қонунлар билан ҳисоблашмай давлат мансабига ўзининг гумаштасини олиб келса ва давлатни партияларга бўйсунушга мажбур этса, у бу борада зўравонликка ўтса, уни бутун давлатнинг энг ашаддий душмани, деб ҳисоблаш керак. Агар кимда-ким, бундай одамларнинг ҳеч қайсисига ўхшамаса ҳам, аммо энг асосий давлат мансабларини ўтаб турганида бундай ҳолатларга эътибор бермаган бўлса ёки эътибор берсада, қўрқоқлик қилиб ватан ҳимоясида турмагани учун, бундай одамни бузилганлик борасида иккинчи ўринга қўйиш зарур.

Виждонли (фойдаси тегадиган) ҳар қандай инсон, зўравонлик билан, шунингдек қонунга хилоф равишда давлат тузимини ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган фитналар ҳақида ҳокимларга хабар беришлари зарур. Улар учун ҳам ҳакамлар, шаккоқларга ҳакам бўлган шахслар бўлсинлар. Суд маҳкамасининг олиб борилиши ҳам ўша биринчи ҳолга ўхшаш бўлади. Кўпчилик овоз билан айбдорни қатл этишга ҳукм қиладилар. Отанинг шарманда этилиши ва жазоланиши болалардан ҳеч бирига (салбий) таъсир этмайди: отаси, бобоси ва бобосининг отаси – барчаси қаторасига ўлимга ҳукм этилган болаалар бундан мустаснодир. Давлат бундай шахсларни ўз ватанларига, ўзларининг асл давлатларига қайтариб юборади, шунда ҳам улар ўз мулкларини сақлаб қоладилар, аммо бунга уларнинг чекидаги бор ускуналар кирмайди. Аммо фуқарода бир эмас, бир нечта ўғил бўлса, ҳамда уларнинг ҳаммалари ўн ёшга кириб бўлган бўлсалар у ҳолда қуръа ташлаб улар орасидан, ота ёки она тарафидан ота ёки бобоси кимнинг фойдасига фикр билдирса ўшалардан ўн кишини сайлаб оладилар; қуръа олганларнинг исмлари Делфага хабар берилди. Худо кимни сайлаб олса, ўша шахс уйни ташлаб кетганларга қараганда яхшироқ умид билан ворис сифатида уйга қадам қўяди.

Клиний. Аъло, аъло.

Афиналик. Учинчидан, кимнидир сотқинликда айблаб жавобгарликка тортсалар, юқорида айтилганга ўхшаш ишлар бўйича ва суд маҳкамасини ўтказиш усулида ҳакамлик қилишлари керак бўлганларга ўша қонуннинг ўзи тааллуқлидир. Худди шунга ўхшаш, жинойтчининг авлодларини мамлакатда яшашлари ва ватанларига кетишлари борасида ҳам уч хил жинойтлар: сотқинлик, шаккоклик ва мамлакат қонунларини зўравонлик билан ағдариш учун, бир хилдаги битта қонун ўрнатилади.

857

Ўғри учун, у нимадир катта нарсани ёки бирон-бир майда-чуйдани ўғирлайдими (барибир) фақат битта қонун ва барча ўғрилар учун бир хилдаги битта адлиявий жазо берилади. Аввало ўғри, агарда ўғриликда ушланган бўлса ва унинг чекдан ортиқча бўлган мулки ушбу жаримани тўлашга имкон берса, ўғирланган нарсанинг баҳосидан икки баробар кўп миқдорда қайтариши зарур; акс ҳолда, токи пулни тўламагунича ёки айбловчи билан ярашмагунича у зиндонга ташланади. Агар кимдир халқ олдида ошкора ўғриликда ушланган бўлса, фақат давлат кечирганидан кейин ёки ўғирланган нарсанинг икки баробар қийматини тўлаб зиндондан озод этилиши мумкин.

b

Клиний. Ажнабий (биродар), ўғри нимадир катта нарсани ўғирлайдими ёки майда-чуйданими ва бу қурбонликлар ёки муқаддас нарсалар ва ҳоказо, бўладими унинг учун фарқ қилмайди, деб тўғри айтмоқдамизми? Бу ўғриликларнинг ҳаммаси бир хилда эмас, шундай бўлгач, соҳиби қонун ҳам турли жазолар белгилаши керакдир.

Афиналик. Жуда яхши, Клиний, сен мени гўё вақтида уйғотдинг ва жуда узоққа бориб қолишимга йўл қўймадинг. Менда аввал ҳам пайдо бўлган фикрни эсга солдинг: қонунчиликка тааллуқли барча нарсалар ҳеч қайси меъёрда ва ҳеч қачон охиригача тўғри ишлаб чиқилган эмас, ҳар ҳолда энди кўтарилган масалада шундай. Аммо нима ҳам дер эдик? Ким учун қонунлар ўрнатилаётган бўлса ҳозирги ўша одамларни, қуллар даволаётган қуллар билан солиштириб кўриш ёмон бўлмас эди. Ушбу нарсани яхшилаб идрок этиш керак: агар,

c

d билим асосида эмас, тажриба асосида даволовчи шифокорлардан бири, ҳур туғилган шифокорни, бир ҳур туғилган бемор билан суҳбатда кўрса, шу билан бирга бу шифокор ўз нутқларида касаллик манбаъларини таҳлил қилиб фалсафага яқинлашиб қолса ва демак баданларнинг умуман табиатини муҳокама эта бошласа, у ҳолда шифокор - қул шу ондаёқ қулиб юборарди ва бундай шифокорларнинг кўпини тили учида бўладиган ушбу сўзлар билан ўша шифокорга мурожаат қилган бўларди: “Эҳ, ғалати одам, – деган бўларди у, – сен касални даволаш! ўрнига ўқитмоқдасан-ку, гўёки у тузалиши эмас, шифокор бўлиши керакдай!”

e К л и н и й . Бундай деганида у ҳақ бўлмасмиди?

А ф и н а л и к . Агар қонунлар ҳақидаги масалани ҳозир биз муҳокама қилаётгандай, муҳокама қилаётган бирор одамни фуқароларга фақатгина қонунлар берибгина қўймай уларни ўргатмоқда ҳам, деб ўйлайдиган бўлса, балки шундай бўлиши ҳам мумкиндир. Унинг бундай фикрлаши сенга ўринли бўлиб туюлмайдими?

К л и н и й . Ўринлига ўхшайди.

А ф и н а л и к . Ҳозир биз яхши аҳволдамиз.

К л и н и й . Нега?

858 А ф и н а л и к . Негаки бизда қонунлар бериш учун ҳеч қандай зарурат йўқ; йўқ, биз ўзимиз давлат тузумига тегишли барча нарсаларни кўриб чиқиш билан машғулмиз ва ҳамма нарсдан яхшироқ ва энг зарурроқ бўлган нарсаларни қандай амалга ошириш мумкинлигини билиб оломоқчимиз. Мана ҳозир ҳам биз албатта, агар хоҳласак, энг яхши нарса нима бўлиши мумкинлигини кўриб чиқишимиз мумкин; ёки, яна-да хоҳлайдиган бўлсак, қонунларда энг зарурий нарса нималигини кўриб чиқишимиз мумкин. Иккитадан бирини танлайлик.

б К л и н и й . Ажнабий (биродар), бизга қулгани бир танловни амалга ошириш керак бўлади. Мана шунда биз, эртага буни амалга оширишнинг имкони бўлмай қолиши мумкинлигидан, ўта муҳим зарурат қонунчилик билан шуғулланишга мажбур этаётган соҳиб қонунларга ўхшаб кетишимиз мумкин. Зеро биз, худога шукр, худди тошйўнувчилардек ёки қандайдир бир қурилиш бошлаётганларга ўхшаб қурилиш ашёларини тўплашимиз ва ундан кел-

гусидаги бино учун тўғри келадиганларини бўш вақтимизда танлаб олишимиз мумкин. Шундай қилиб, фараз қилайлик, биз ҳозир, зарурат уй қуришга мажбур этаётган одамлар эмасмиз, баъки, биз бўш вақтида гоҳ бир ашёни бошқаси билан солиштираётган, гоҳ бу ашёларни бирлаштириб кўраётган одамлармиз. Демак қонунларнинг бир қисми ўрнатилиб бўлди, бошқалари эса таққослаш учун ёнига қўйилган, деб айтишга бизнинг ҳуқуқимиз бор.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб Клиний, қонунларнинг табиий умум баёнини кўриб чиқишни дуруст, деб ҳисоблаймиз. Худолар ҳаққи, соҳиби қонунлар борасида мана бу нарсага эътиборни қаратамиз...

К л и н и й . Айт, нимага?

А ф и н а л и к . Давлатда турли одамлар тарафидан ёзилган кўпгина ёзувлар ва ёзиб қўйилган асарлар бор; шу қатори соҳиби қонунларнинг ёзувлари ва ижодлари бор.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Наҳотки биз фақат қолган шахслар – назмда ёзган шоирлар ёки ҳаётга ўз қарашларини хотира учун баён этган ижодкорларнинггина ёзувларига эътибор берамизу соҳиби қонунларнинг асарларига эътибор бермаймизми?

К л и н и й . Шубҳасиз.

А ф и н а л и к . Барча ёзувчилардан фақат соҳиби қонун зебо эзгулик ва адолатлиликка ўзининг қарашларини баён этиши керак эмасми? Бу нарсаларнинг маъносини ва кимда-ким бахтли бўлишни истаса уларни қандай ишлаштиш кераклигини ҳам у тушунтириши зарур эмасми?

К л и н и й . Албатта шундай бўлиши керак.

А ф и н а л и к . Айтчи, Ликург, Солон ва умуман соҳиби қонун бўлганидан сўнг асарлар ёзганларнинг ҳаммасидан кўра Ҳомер, Тиртей ва бошқа шоирларга ўз асарларида ҳаёт ва унинг тузилишига ўз қарашларини ёмон баён этиш кўпроқ шармандалик бўладими? Ёки тўғрироғи, давлатларда мавжуд барча асарлардан кўра, қонунлар ҳақида ёзилганлари анча зебороқ ва яхшироқ бўлганидан ўқувчи томонидан кўпроқ қўлга олиниб тургани тўғри бўлмай-дими? Қолган ёзувчиларнинг асарлари буларга мос бўлиши ёки фарқлансалар кулгига лойиқ, деб ҳисоблаш ке-

рак эмасми? Давлатларда қонунларни ёзиб қўйиш ҳақидаги бизнинг фикримиз шундай эмасми? Бу асарлар худди ота ва онага ўхшаган оқил ва муҳаббатли одамларга тегишлидай бўлиб туюлиши зарур. Тираник тарзда ўрнатилган ва дўқ-пўписалар билан таъминланган қонунлар агар деворларга ёзиб қўйилган бўлса наҳотки ишни тугади, деб ҳисоблаш керак?

Шундай қилиб, қонунлар борасида худди шундай этиқодларни айтишга бизнинг ҳаракат қилиб кўришимизни муҳокама этиб кўрайлик. Бунга кучимиз етадими ёки йўқми барибир қатъий истагимиз шу. Агарда бу йўлда бориб, биз бирор нарсада азият чекишимиз керак бўлса, —

нима ҳам қиламиз, жафо чекамизда: зеро, бу эзгулик бўлар эди ва агар худо хоҳласа, бу худди шундай бўлади ҳам.

К л и н и й . Ажойиб сўзлар. Биз сен айтганингдек йўл тутамиз.

А ф и н а л и к . Демак, биз ҳаракат қилиб кўрганимиздай, аввало шаккоклик, турли туман ўғриликлар ва барча бошқа жиноятлар ҳақидаги масалани диққат билан кўриб чиқиш зарур. Агар биз қонунчилик меҳнатининг боришида бирини ўрната олган бўлсагу бошқасини эса энди кўриб чиқишга киришаётган бўлсак жавотирланмаслик керак; Зеро, биз ҳали соҳиби қонунлар эмасмиз; биз энди соҳиби қонунлар бўлмоқдамиз ва балки тез орада бўлиб қолармиз. Шундай экан, келинг, агар сизлар муҳокама қилишга киришишни хоҳласангиз, мен айтган нарсани ва худди мен айтгандай кўриб чиқайлик.

К л и н и й . Албатта розимиз.

Зебо адолат
ва ихтиёрини ҳамда
ихтиёрсиз
адолатсизлик
ҳақида

А ф и н а л и к . Барча зебо ва адолатли нарсалар борасида қуйидагиларни тушуниб идрок этишга ҳаракат қиламиз: биз бу ўринда ҳозир нималар бўйича бир-биримиз билан келиша оламиз, нималар бўйича эса ҳатто ўз-ўзимиз билан ҳам келиша олаемиз; зеро биз, бошқа нарса билан бўлмасада, ҳеч бўлмаганида шу билан ўзимизни оломондан ажратиш истагини билдирган бўлар эдик. Кейин яна, оломон ўз-ўзи билан нималар бўйича бир фикрда ёки бир фикрда эмаслигини ҳам кўриб чиқамиз.

К л и н и й . Сен бизда қандай ихтилофларни кўрмоқдасан?

Афиналик. Тушунтиришга ҳаракат қиламан. Умуман адолат, адолатли одамлар, хатти-ҳаракатлар ва амаллар борасида биз ҳаммамиз буларнинг барчасини зебо деб биламиз, бу борада ихтилоф йўқ. Агар, барча адолатли одамлар, ҳатто баданлари ўта хунук бўлсада, худди шу энг адолатли ахлоқий сифатлари билан зебо-гўзалдирлар, деб тасдиқланадиган бўлса, у ҳолда бу сўзларда ҳеч қандай ғалатилик бўлмайди.

Клиний. Мутлақо тўғри.

e

Афиналик. Эҳтимол. Энди, ростики адолатга алоқадор барча нарса зебо бўладиган бўлса, кўрайликчи, буларнинг ҳаммасига, ҳаракатлар қатори – дард чекишлар ҳам кирадими?

Клиний. Нима демоқчисан?

Афиналик. Зеро, ҳар қандай адолатли ҳаракат, зебо-гўзалликка қанчалик тааллуқли бўлса, шунчалик адолатга ҳам тааллуқлидир.

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Демак, адолатлиликка тааллуқли уқубат, дард чекиш ҳам шунинг учун зебо-гўзал бўлиб қоладими? Агар биз бунга розилик билдирсак, у ҳолда мулоҳазаларимизда зиддият бўлмайди.

860

Клиний. Тўғри.

Афиналик. Агар биз азоб-уқубатни адолатли, аммо бемаъни деб ҳал қиладиган бўлсак, у ҳолда адолатлилик ва нафосат-зеболик орасида зиддият пайдо бўлади, негаки бунда биз адолатлилик энг бемаъни, хунук нарса, деб тан оламиз.

Клиний. Нима, нималар деяпсан?

Афиналик. Тушуниш жуда осон. Гап шундаки, сал аввалроқ биз ўрнатган қонунлар ҳозирги мулоҳазаларга бутунлай тескари бўлаётганга ўхшаб қолиши мумкин.

Клиний. Қайси мулоҳаза билан?

b

Афиналик. Биз қарор қилдик-ки, адолатан шаккок (одам)ўлиши керак; яхши ўрнатилган қонунлар душмани ҳам шундай (жазоланиши керак). Бундай қонун-қоидаларнинг жуда кўпини ўрнатишга ҳаракат қилиб, бундай ҳолатда, тўғри, барча азоб-уқубатлардан энг адолатлилари, аммо шу билан бирга улардан энг хунук бўлган жуда улкан азоб-уқубатлар бениҳоя кўпайиб кетишини кўриб, биз

бир зумга тўхтаб қолдик. Бизга, адолатлилик ва нафосат-зеболик гоҳида бир нарсанинг ўзидай, гоҳида эса мутлақо қарама-қаршидай бўлиб туюлмайдими?

К л и н и й . Шундай ҳам бўлиши мумкин.

А ф и н а л и к . Шунинг учун кўпчилик нафосат ва адолатлилик ҳақида бундай юзаки ва номувофиқ фикрлар билдирадилар.

К л и н и й . Шундай бўлса керак, ажнабий (биродар).

А ф и н а л и к . Демак, Клиний, бу борада фикр-мулоҳазаларнинг мувофиқлиги маъносида ишлар қандай ҳолатда эканлигини кўриб чиқайлик.

К л и н и й . Нимани нима билан мувофиқлиги маъносида?

А ф и н а л и к . Бундан олдинги суҳбатимизда ўйлайманки, бунинг ҳақида аниқ гап айтгандим; агар етарли бўлмаса ҳозир айтишимга рухсат беринг.

К л и н и й . Равшанроқ гапир, нимани?

А ф и н а л и к . Ушбуни: барча разил одамлар ҳамма нарсада фақат ихтиёрларига қарши разил бўладилар. Ростики шундай экан, бундан кейинги натижа ҳам келиб чиқади.

К л и н и й . Қандай?

А ф и н а л и к . Адолатсиз одам разил, беномусдир; аммо разил одам ўз ихтиёрига қарши шундай бўлади. Нимадир ихтиёрий нарсани иродага қарши бажаришнинг маъноси йўқ. Шундай қилиб, адолатсизлик иродага қарши қилинмоқда (амалга оширилмақда), деб қарор қилган одамга, адолатсизлик қилаётган одам бу ишни ихтиёрсиз қилаётгандай туюлиши мумкин. Бу фикрга мен ҳам қўшилишим зарур: гап шундаки, мен ҳам тасдиқлаб айтаман-ки: адолатсизликларни ҳамма ўз иродаларига қарши бажарадилар. Агар кимдир, рақобат ёки шахсиятпарастлик туфайли одамлар иродага қарши адолатсизлик қиладилар, аммо кўпчилик ҳар қандай адолатсизликни ихтиёрий равишда қиладилар, деб тасдиқлайдиган бўлса, у ҳолда мен иккинчи эмас, биринчи тасдиқ билан келишган бўлардим. Лекин сўзларимнинг мақоми нимадан иборат? Клиний ва Мегилл, менга ушбу саволни бермайсизларми: “Ажнабий, агар иш шундай экан, магнетлар давлати учун қонунчи-

лик борасида сен қандай маслаҳат берган бўлардинг? Бу ўринда қонунчилик билан шуғулланиш керакмикин? – “Албатта керак”, – жавоб бераман мен. – “Демак сен ихтиёрий ва ихтиёрсиз адолатсизликларни чегаралайсан ва биз ихтиёрий хатоликлар учун катта-катта жазолар, ихтиёрсизлари учун – кичик жазолар белгилаймиз, шундайми? Ёки, ростданам ихтиёрий адолатсизликлар бўлмаса, биз ҳаммаси учун тенг жазолар белгилаймизми?”

861

К л и н и й . Албатта сен ҳақсан, ажнабий; ҳозир айтилган нарсани биз қандай қилиб қўлаймиз?

А ф и н а л и к . Ажойиб савол. Биз уни аввало қуйидагича қўлаймиз...

К л и н и й . Ростдана?

А ф и н а л и к . Биз олдин жуда чиройли қилиб нима деганимизни эслайлик: адолат борасида бизда тўла тартибсизлик ва чалкашлик ҳукм суради. Шундан келиб чиқиб ўз-ўзимизга савол бериб кўрамиз: “Биз бу мушкул ҳолатдан чиқиб кета олдикми ва ихтиёрий ҳамда ихтиёрсиз кирдикорлар бир-бирларидан нима билан фарқ қилишларини белгилаб қўйдикми? Зеро, барча давлатларда қачон бўлган бўлсада ўтган ҳамма соҳиби қонунлар томонидан адолатсиз кирдикорларнинг икки хили мавжудлиги тан олинган: бирлари – ихтиёрий, бошқалари – ихтиёрсиз. Наҳотки бу шундайлигича қонун билан белгилаб қўйилади ва биз, бу худди худонинг ҳикмати каби маълум ҳолатни айғиб қўя қоламиз-да, аммо унинг тўғрилигини асосламай туриб тўғридан-тўғри қонун даражасига кўтарамиз? Йўқ, бу мумкин эмас; қонунларни беришдан олдин, бу икки хил кирдикорни ва уларнинг фарқларини тушунтиришимиз зарур, токи биринчи ёки иккинчи хилга тааллуқли кирдикор учун жазо белгилаётган ҳар қандай шахс ўрнатилган низомни ўзига раҳнамо эта олсин ва ушбу ўрнатилган (қоида) тўғри келадими ёки йўқми қандайдир йўл билан баҳолашга қудрати етсин.

b

c

К л и н и й . Назаримда сен ҳақсан, ажнабий. Мана ҳозир биз: ё, барча адолатсиз кирдикорлар иродага қарши равишда амалга оширилади, деб тасдиқлашдан воз кечишимиз ёки аввал ўзимизнинг тасдиқлаган фикримизнинг тўғрилигини аниқлаб олишимиз зарур бўлади.

d

А ф и н а л и к . Бу икки имкониятдан биринчиси – чин ҳақиқат, деб ҳисоблаган нарсани тасдиқлашдан воз кечиш – мен учун қабул қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Дарҳақиқат, бундай қилиш ноқонуний ва гуноҳкорона иш бўлар эди. Агар бирлари ихтиёрий, бошқалари эса иродага қарши содир бўлишига кўра уларни фарқлашдан воз кечиладиган бўлса, бу кирдикорларни бошқа бир қандайдир аломати бўйича бўлиш мумкинми, шуни қайсидир тарзда тушунтирмоқ зарур бўлади.

К л и н и й . Биз, ажнабий (биродар) булар ҳақида асло бошқача фикр юрита олмаймиз.

А ф и н а л и к . Шундай ҳам бўла қолсин. Айтиб ўтиш лозимки, фуқаролар ўзаро мулоқотлари ва танишишлари борасида бир-бирларига албатта кўп азиятлар етказадилар ва яна шуниси ҳам борки, бу ерда ҳам ихтиёрий ва ихтиёрсизлик бисёр учраб туради.

К л и н и й . Албатта шундай.

А ф и н а л и к . Шунинг учун, адолатсизлик билан етказилган ҳар қандай зарарни кўриб чиқиладиганида бу ўринда икки хил: биринчидан – ихтиёрий, иккинчидан ихтиёрсиз адолатсиз кирдикорлар бўлиши мумкин, деб ҳисобламасинлар. Гап шундаки, ихтиёрсиз етказилган зарар ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам ўлчовлари жиҳатидан ҳар турдаги ихтиёрий етказилган зарардан кам эмас. Кўрингчи, менинг сўзларим, мен ўзим ўзимга қўйган вазифага қандайдир алоқадорми ёки умуман алоқадор эмасми? Гап бундай: мен тасдиқлайманки Клиний ва Мегилл, қачонки бир одам, ўзи ҳеч хоҳламаган ҳолда бошқа бир одамга зарар етказаётганида у адолатсиз иш қилади, аммо буни у ихтиёрсиз қилади. Шунинг учун, қонунчилик билан шуғулланаётиб, бу кирдикор ихтиёрсиз адолатсизлик, деб қонун билан белгилаб қўяман. Аммо, зарар келтиришнинг бу хилини, қандай катталик (ўлчовлар)да ва кимга етказилганидан қатъий назар, умуман адолатсизликка ҳеч ҳам киритмайман. Агар менинг фикрим ғолиб бўлса, у ҳолда, адолатсиз кирдикор, қандайдир нотўғри кўрсатилган хизматнинг айбдори бўлган шахс томонидан ҳам қилинган, деб тез-тез тасдиқлаб тураимиз. Менингча дўстлар, иш аслида бундай: бир одам кимгадир бошқа одамга ниманидир ўз нарсасини бергани ёки аксин-

ча кимдандир ниманидир тортиб олгани учун бирини адолатли, бошқасини адолатсиз, деб ҳисоблаб бўлмайди; йўқ; соҳиби қонун, инсон кимгадир хизмат қилганида ёки қандайдир зарар етказганида, бу одамнинг адолатга нисбатан ният ва ҳаракатлар тарзи қандай бўлганлигини кўриб чиқиши керак. Икки хилдаги жиҳатларга: адолатсизлик ва зарарга эътибор бериш зарур. Қонунлар ёрдамида, имкониёт борича, ҳалок бўлаётган нарсани қутқариб, кимнингдир айби билан йиқилганни кўтариб, ўлаётган ёки жароҳатланганни даволаб келтирилган зарарни қоплаш зарур. Энди гуноҳ иш қасос (жазо) ила ювилган экан, жанжаларнинг ва зарарнинг ҳар бири қонунлар ёрдамида, айбдор ва азият чеккан одамлар орасида дўстона муносабатлар ўрнатиш учун бир баҳона бўлишига ҳаракат қилиб кўриш зарурдир.

К л и н и й . Шу ергача бари гўзал (фикрлар).

А ф и н а л и к . Ўз навбатида, тамаъ туфайли адолатсиз зарар келтиришга келсак, қачонки кимдир адолатсизликлар йўли билан бошқа бировнинг бойишига ёрдамлашса, у ҳолда, бу офат тузаладиган бўлгани учун уни руҳий касаллик, деб ҳисоблаб тузатиш зарур. Тан олиш керак-ки, бизнинг фикримизча, адолатсизликдан даволаниш мана бу томонга оғишиб кетади...

К л и н и й . Қайси томонга?

А ф и н а л и к . Катта ёки кичкина адолатсиз кирдикорлик қилган ҳар қандай одамга қонун панд-насиҳат беради ва ё, бунга ўхшаш кирдикорликларни қайтаришга ҳеч қачон ўз ихтиёри билан журъат қилмасликка ёки бу нарсани жуда кам даражада қилишга мажбур этади; бундан ташқари, келтирилган зарарни қоплаш керак. Иш ёки сўз билан, ҳузур ёки азоб-уқубат билан, ҳурмат ёки шарманда этиш билан, жарималар ёки совғалар билан – бир сўз билан айтганда, умуман қандайдир бир тарзда, адолатсизликни ёмон кўришга ва адолат табиатини яхши кўриш ёки ҳеч бўлмаса, адолат табиатидан нафратланмасликка одамни мажбур этмоқлик булар ҳаммаси энг яхши қонунларнинг вазифасидир. Агар соҳиби қонун, (бирор) инсон тузалмаслигини сезса, унга жазо белгилайди ва бошқа қонун ўрнатади. Соҳиби қонун идрок этади-ки, бу одамларнинг ўзлари учун, ҳаёт билан видолашиб, яшашни

тўхтатишлари маъқулдир; шунда улар қолган барча одамларга икки баробар фойда келтирган бўлардилар; адолатсиз иш қилмаслик керак, деган маънода бошқаларга намуна бўлар эдилар, яна бунинг устига давлатни ёмон одамлар иштирокидан халос қилган бўлардилар. Шундай қилиб соҳиби қонун бундай одамлар жазоси учун айна ўлимни белгилашга мажбур бўлади, бошқа қандайдир жазони эмас.

К л и н и й . Менинг назаримда сен буларнинг ҳаммасини жуда яхши ифодаладинг; аммо биз мамнуният билан бунинг янада равшанроқ баённи, яъни: биз, адолатсизлик ва зарар орасидаги фарқни ва ихтиёрийлик ҳамда ихтиёрсизлик қай хилда бунга келиб қўшилишини эшитишни истардик.

А ф и н а л и к . Ўз нутқимда сизларнинг истакларингизни адо этишга ҳаракат қиламан. Гап мана бунда: равшанки, сизлар ўз суҳбатларингизда дил (нафс, руҳ)га қуйидаги нуқтаи назардасиз: дилнинг ўзида табиатан ё қандайдир бир ҳолат, ёхуд унинг (дилнинг. -тарж.) бир қисми бўлган – дарғазаб руҳ (жин) бор; бу жанжалкаш, енгиб бўлмас хусусият дилга кириб олган ва ўзининг номаъқул кучи билан кўп нарсани остин-устун қилиб юборади.

К л и н и й . Ҳа, шунақа.

А ф и н а л и к . Ҳузурни эса биз дарғазаб руҳ билан ўхшатиб тенглаштирмақчи эмасмиз. Биз айтган эдик-ки, бу (ёвуз) руҳга қарама-қарши куч туфайли у (ҳузур) ҳукмронлик қилади. Зўравонлик ва адашлар билан қўшилган ишонарли далиллар ёрдамида у нимани хоҳласа, шуни қилади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Кирдикорларнинг учинчи сабаби сифатида жоҳилликни кўрсатилса хато бўлмайди. Соҳиби қонун тарафидан бу жоҳиллик (жаҳолат)ни икки хилга ажратилса яхши бўларди: энгил кирдикорларга сабаб бўладиган оддий жаҳолат ва жоҳил нафақат билмаслик (беҳабарлик), балки яна сохта донишмандликка – унга умуман маълум бўлмаган нарсдан худди яхши бохабардек, – гирифторм бўлгандаги иккиланган жаҳолат. Агар бунга куч ва қудрат қўшиладиган бўлса, у ҳолда буни энг улкан ва энг кўпол кирдикорликларнинг сабаби, деб ҳисобласа бўла-

ди; агар бунга ожизлик қўшилса, у ҳолда болаларча ва кексаларча гофилликлар пайдо бўлади. Соҳиби қонун буни кирдикор, деб тан олиши зарур, аммо бу ҳолда қонунлар айбдорларга жуда юмшоқ ва кечиримлилиқ билан ёндошади.

К л и н и й . Сен айтаётган нарсалар табиий шундай.

А ф и н а л и к . Айтсак бўладики, бизлардан бирларимиз ҳузур ва ғазабдан кучлироқ, бошқаларимиз эса кучсизроқ эканлигимизни барчамиз тан оламиз. Иш шундай.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

А ф и н а л и к . Аммо бизлардан бирларимиз нодонликдан (жоҳилликдан) кучлироқ, бошқаларимиз кучсизроқ, деб айтиш ғалатдир.

К л и н и й . Айни ҳақиқат.

А ф и н а л и к . Барча бу учта хислат – [дарғазаб руҳ, ҳузурларга мойиллик ва жоҳиллик] – уларнинг хоҳиш истакларини қондириш (йўлини) излашга мажбур этадилар; шу билан бирга, кўпинча улар бизни қарама-қарши томонга судрайдилар.

К л и н и й . Ҳа, бундай ҳолат тез-тез бўлиб туради.

А ф и н а л и к . Мана энди мен, адолат ва адолатсизлик ўргасидаги фарқни қандай тушунишимни равшан ва тўғридан-тўғри аниқлашим мумкин. Ғазаб, қўрқинч, ҳузур, азоб-уқубат, ҳасад ва эҳтиросларнинг дил (нафс, руҳ) устидан тираник ҳукмдорлигини, бу нарса кимгадир зарар етказадими, йўқми барибир мен уни умуман адолатсизлик деб ҳисоблайман. Аксинча, олий эзгулик (яхшилиқ) ҳақидаги тасаввурнинг ҳукмронлиги, давлат ёки хусусий шахслар унга эришиш имкониятига қандай нуқтаи назар билан қарасалар-да, ҳар қандай инсонни яхши ахлоқли этади. Агар у қандайдир янглиш қадам қўйса ҳам, бундай тарзда қилинган (ножўя) ишни деярли адолатли ва бундай ибтидо раҳбарлигида қилинган ҳамма нарса инсоннинг бутун умри учун энг яхши нарса бўлади, деб ҳисоблаш керак. Кўпчилиқ бундай зарар келтиришни ихтиёрсиз адолатсизликка йўядилар. Биз ҳозир номлар устида баҳслашиб ўтирмаймиз; лекин, ҳозир ойдинлашган уч хил кирдикорликнинг мавжудлигини яхшилаб эслаб қоламиз. Шундай қилиб, биз дарғазаблиқ ва қўрқинч сифатида бел-

гилаб қўйганимиз дард чекиш (азоб-уқубат) бизда бир хил кирдикорликни ташкил этади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Иккинчи хил кирдикорликлар ҳузурлар ва яна бир жиҳатдан эҳтирослар туфайли келиб чиқадилар; учинчи хил умидларни амалга оширишга бўлган интилиш ва олий эзгулик ҳақидаги тўғри фикр билан боғлиқ. Бу учинчи хилни яна уч қисмга бўлиб, биз, ҳозир рўй берганидек беш хил кирдикорликни оламиз. Бу беш хил учун

К л и н и й . Қандайларини?

А ф и н а л и к . Битта – аниқ кўриниб турган зўравонлик ҳаракатлар учун, бошқаси – яширин, қоронғу тунда, алдаш йўли билан қилинган кирдикорликлар учун. Бу ҳолда қонунлар жуда шафқатсиз бўлишлари зарур, албатта, агарда улар тўғри нисбатга риоя қилсалар.

К л и н и й . Табиий-ки шундай бўлиши керак.

А ф и н а л и к . Бизнинг бошланиш нуқтамиз бўлган нарсага яна қайтамиз ва қонунлар ўрнатишни давом этамиз. Хотиримда, биз шаккоқлар, сотқинлар ва мавжуд давлат тузумини ағдариш мақсадида қонунларни бузадиганлар борасида қонунлар ўрнатдик. Айтса бўладики, бундай кирдикорни инсон ақсизлик, касаллик ёки жуда кексалиги таъсирида қилиши мумкиндир: буларнинг ҳаммаси болалик ҳолатидан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди. Агар жиноят ҳақида, ҳар бир айрим ҳолда сайланувчи ҳакамлар хабардор этилсалар, бунини ё жиноятчининг ўзи ёки унинг ҳимояловчиси маълум қилса ва агар инсон кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан бирида қонундан четга чиққан бўлса, у ҳолда кимгадир етказган зарарни қоплашигина керак холос, суд маҳкамасининг барча расмийчиликларидан у озод бўлади. Қотил ўз қўлини қотилликдан покламагандаги ҳолат бундан мустаснодир; бундай ҳодиса рўй берганида у бошқа мамлакатга, бошқа жойга кетиши зарур ва у ерда бир йил гурбатда яшаши керак. Агар у қонунда кўрсатилган муддатдан олдин қайтиб келса ва қаерда бўлмасин бир ерда она юрт заминига қадам қўйса, у ҳолда қонунлар нигоҳбонлари уни давлат зиндонига ташлашлари керак,

лекин энди у фақат икки йил ўтганидан сўнг чиқарилиши мумкин.

Қотиллар
учун жазо.
Бошқа хил
зўравонликлар
учун жазолар

Бошқа хилдаги зўравонликлар учун жазолар. Қотиллик ҳақида гап бошлаган эканмиз, унинг барча хиллари борасидаги қонуларни ўрнатишни охиригача етказайлик. Аввало зўравонлик билан ва ихтиёрсиз қилинувчи қотилликлар ҳақида гаплашайлик.

865

Агар кимдир мусобақаларда ёки давлат (ташқил этган) ўйинларда беихтиёр, ўзи дўстона муносабатда бўлган одамни ўлдириб қўйса, – ўлим бирдан рўй берадими ёки берилаган зарбалар туфайли кейинми, бари-бир – ёки кимдир, урушда ёхуд ҳокимлар тарафидан уюштирилган ҳарбий машқларда бировни ўлдириб қўйса (айтиш лозимки, ҳарбий ҳаракатлар ё қурол ишлатилиб ёки ишлатмай машқ қилинади), – у ҳолда шундай ҳодиса учун Делфадан олинган қонунга мос равишда покланиши керак, шундан кейингина у пок, деб ҳисобланади. Агар шифокорлар айби билан бемор ўлса, бу (қонун) уларнинг барчасига ҳам тааллуқли бўлади; бу ҳолда шифокор қонунга кўра пок, деб ҳисобланади. Агарда кимда-ким кимнидир ихтиёрсиз, аммо ўз қўли билан, бадани ҳузи ёки қурол билан, ўқ-ёй билан ёки бирор нарсани ейишга ва ичишга бериш билан ҳамда олов ёки совуқ ёрдамида ёки нафасини бўғиш билан – бир сўз билан айтганда – ўз кучи ёки бошқа жисмлар ёрдамида ўлдирса, барибир ўз қўли билан ўлдирган одам бўлади. Унга қуйидагича жазо бўлади: агар ўзининг қули, деб ўйлаб бировнинг қулини ўлдириб қўйса, ўлган қулнинг хожасига келтирган зарар ва зиённи қоплаши зарур: акс ҳолда жазо сифатида ўлган қулнинг баҳосини икки баробар миқдорда тўлаши керак бўлади. (Қулнинг) баҳосини ҳакамлар белгилайдилар. Бундай ҳолатда ўйинларда ўлдирилганларга қараганда покланишлар каттароқ ва кўпроқ бўладилар. Бу масалани ҳал қилишга худо танлаган таъбирчилар ҳуқуқлидирлар. Агар кимда-ким ўз қулини ўлдириб қўйса, у ҳолда покланишлар бажо этилгач, қонунга кўра унга қотиллик айби қўйилмайди. Кимдир ҳур туғилган одамни ихтиёрсиз ўлдириб қўйса, қулни ўлдирган одам қилган покланишларни қилсин. Аммо бу борада энг қадимий удумлардан бирига ҳурмат билан қарасин: ҳикоя қиладиларки,

b

c

d

ўз умрини ҳур туғилган инсонга хос фикрлаш тарзида ўтказган, зўравонлик билан ўлдирилган одам, ўзининг бевақт ўлими учун қотилга дарғазаб бўлади ва бошидан ўтказилган зулм туфайли кўрқинч ва даҳшатга паймонаси тўлган ҳолда, агар қотил марҳум ўрганган жойларда яшашни давом эттирса, қотилни ваҳимага солади. Марҳум ўзи хавотирга гарқ бўлиб, бор кучи билан қотилни ваҳимага солади ва унинг барча ишларига ташвиш, хавотир қўшиб туради, айтиш керак-ки бу ўринда марҳумга хотира иттифоқдош бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун қотил мақтулни ўз ҳолига қўйиши ва марҳумнинг юртидаги унинг барча қадрдон жойларидан бир йилга кетиши зарур. Агар марҳум ажнабий бўлса, қотил шу муддатга унинг юртини ташлаб кетиши зарур. Кимдаким бу қонунга ихтиёрий равишда бўйсунса, марҳумнинг барча содир бўлган воқеалар гувоҳи бўлган энг яқин қариндоши уни кечириши ва умуман у билан ярашиши зарур. Қотилликдан покланмаган бўйин товлоччи, ибодатхоналарга боришга ва қурбонликлар қилишга журъат қиладиган бўлса, бунинг устига яна ғойиб бўлиб туриш муддатини сақлашни хоҳламаса, марҳумнинг энг яқин қариндоши уни қотиллик учун суд маҳкамасига жалб этиши зарур. Айблов ҳукми чиқарилган тақдирда жазоларнинг барчаси иккилантирилади. Агарда ушбу энг яқин қариндош, бўлган воқеа учун суд маҳкамаси таъқибига тортмаса, у ҳолда ҳар қандай хоҳловчи шахс, уни, бадбахтлик (ифлослик) юқиб қолган одам сифатида ва азият чекканнинг азоблари мурожаат этгандай суд маҳкамасига тортиши мумкин; бундай бўлганида қонун бўйича уни ўз ватанини беш йилга ташлаб чиқиб кетишга мажбур этиш мумкин бўлади.

Агар ажнабий ихтиёрсиз равишда давлатда яшаётган ажнабийлардан бирини ўлдириб қўйса, ўша-ўша қонунлар асосида уни ҳар бир хоҳлаган одам суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агар у метек бўлса, бир йилга (бошқа ерга) кетсин; агар у шунчалик бир ажнабий бўлиб ажнабий, метек ёки шаҳарликни ўлдириб қўйган бўлса, бу қонунлар амалда бўлган мамлакатни умрбод ташлаб чиқиб кетсин. Агар у қонунларга хилоф равишда қайтиб келса, соҳибби қонунлар ўлим билан жазоласинлар, унинг молмулкини эса, жабрланувчининг энг яқин қариндошига

ўтказиб берсинлар. Мабодо у ўз ихтиёрига қарши қайтиб келса, масалан, денгиз бўрони уни шу мамлакат қирғоғига чиқариб ташлаган бўлса, у чодир тикиши мумкин, лекин, қирғоқнинг энг четига, оёғига сув тегиб турадиган жойга; шу ерда у сузиб кетишга имконият пойлаб туриши зарур. Агар уни кимдир зўравонлик билан мамлакат ичкарисига олиб бораётган бўлса, биринчи учраган мансабдор шахслар уни озод қилсинлар ва азият етказмай саломатликда денгиз бўйига жўнатсинлар.

Агар кимдир ўз кўли билан ҳур туриганни ўлдириб қўйса, бунинг устига бу воқеа унинг дарғазаб ҳолида рўй берса, бу ўринда икки ҳолатни фарқлаш зарур, хусусан: кирдикорлик газабнок ҳолатда қилинганми, яъни, бирданига ва атайлаб, қасддан эмас, балки оний шиддат таъсирида зарбалар ёки нимадир шунга ўхшаш нарса билан одамни ўлдирадилару кейин шу заҳоти қилинган номаъқулчиликдан ўкинадилар. Худди шунга ўхшаб, аввал сўз ёки номуссиз ишлар билан хафа қилинганига ўч олишнинг фикрида бўлиб, дарғазаблик билан ўлдириш пайига тушадилар ва ҳақиқатан ўша хафа қилганни ўлдирадилар: бундай ҳолатда қилинган ишга ўкиниш, ачиниш пайдо бўлмайди. Демак, ҳар қалай, икки хил қотилликни фарқ этиш зарур ва деярли бу иккала хил ҳам қизиққонлик ва дарғазаблик таъсирида рўй беради; уларни ихтиёрий ва ихтиёрсиз жиноятларнинг ўртасидаги жиноятлар, деб айтилса мутлақо адолатдан бўларди. Айтгандай, йўқ: қотилликнинг у хили ҳам, бу хили ҳам ё ихтиёрий ёки ихтиёрсиз хатти-ҳаракат билан ўхшашликка эгадирлар. Зеро, газабни босган одам тўсатдан бундай хатти-ҳаракатни қилмайди, балки, ўзининг қасд олиш (вақтини) келгусига қолдиради; бундай одамнинг ҳаракатлари ихтиёрийларга ўхшашдир. Аксинча, газабни тийилмайдиган, дарҳол унинг таъсирига учровчи ва ўз ниятларида ўзига ҳисобот беролмайдиган одам ихтиёрсиз иш қилмайдиган одамга ўхшайди, гарчи у, бунчалик хатти-ҳаракат қилмасада: бу ерда ихтиёрсиз кирдикорлик билан ташқи ўхшашлик бор холос. Шунинг учун, бу қотилликлардан қайси бирларини қонун ихтиёрий, қайсиларини эса – ихтиёрсиз, деб тан олиши кераклиги нуқтаи назаридан, газаб таъсирида қилинган қотилликларни фарқлаш қийиндир. Улар ҳақида ўхшашлик

d

e

867

b

белгиси бўйича фикр билдириб баҳолаш ва бу икки хил жиноятни ният қилинганлик ёки ният қилинмаганлик нуқтаи назаридан фарқ этиш, кейин эса, кимда-ким ғазаб устида билиб туриб, ният қилиб жиноят қилган бўлса унга оғирроқ, ният қилмай ва тўсатдан жиноят қилганга – енгилроқ жазо берилса, ҳаммадан яхшироқ ва ҳақиқатга мосроқ бўлар эди. Дарҳақиқат: катта ёвузликка катта жазо, кичигига – кичик жазо тайинлаш зарур. Биз ҳам ўз қонунларимизда шундай йўл тутишимиз керак бўлади.

К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Мавзуимизга яна қайтиб ушбуларни айт-тамиз: агар кимдир ўз қўли билан ҳур туғилган одамни ўлдирган бўлса ва буни билмасдан (ният қилмаган ҳолда), ғазаб устида, қилиб қўйган бўлса, у ҳолда айбдор, ғазабнок бўлмай туриб қотиллик қилган одамга қандай жазо берилса, унга ҳам шундай жазо берилиши зарур, яъни, ўзининг қизиққонлиги учун жазо сифатида икки йилга юртдан ҳайдалиши, бадарға қилиниши зарур. Агар кимдир дарғазабликда аммо ниятсиз (билмасдан) қотиллик қилиб қўйса, у, биринчи ҳолдаги каби жазоланади, аммо икки йил ўрнига уч йилга бадарға қилинади, яъни ғазабнинг кучлироқ даражаси учун узоқроқ муддатга бадарға қилинади. Бу шахсларнинг яна орқага қайтишларига келсак, бу ўринда ушбуларга риоя қилинсин: бу ерда аниқ қонунлар бериш қийин; шундай ҳам бўладики, икки хил қотилликдан қонун томонидан оғирроқ деб тан олинган хили аслида енгилроқ бўлиб чиқиши ва аксинча, енгилроқ, деб тан олинган хили оғирроқ бўлиб чиқиши мумкин, яна айтиш лозим-ки, қотиллик билан боғлиқ барча ҳолатларда бир одам шафқатсизроқ, бошқаси юмшоқроқ иш қилади. Шундайки, кўпинча ҳамма нарса биз ҳозир айтганимиздек рўй беради. Буларнинг ҳаммасини қонунлар нигоҳбонлари (соқчилари) текшириб билишлари керакдир. Бу икки хил жиноятчиларнинг ҳар бирлари учун бадарға муддати тугагач, улар (қонунлар нигоҳбонлари - тарж.) мамлакат чегараларига ўн икки ҳакамни юборсинлар, токи улар бу пайтда қувғиндиларнинг фаолиятларини аниқроқ кўриб чиқсинлар ва уларнинг номус-орлари ҳамда давлатга киритиш борасида

қарор қабул қилсинлар. Бадарға қилинганлар ўз тарафларидан бу мансабдор шахсларнинг қарорларига бўйсунмишлари зарур. Агарда собиқ бадарға қилинганлардан кимдир қайтиб келганидан сўнг ғазаб устида яна худди ўша кирдикорни қилса, у ҳолда унга қайтиш ҳуқуқсиз бадарға белгиланади; агар у бари-бир қайтиб келадиган бўлса, ажнабий бадарға қилинганидан кейин қайтиб келганида қандай жазоланса, шундай жазо берилиши керак.

868

Кимки ўз қулини ўлдирса покланишлардан ўтсин; агар кимдир жаҳл устида бошқа одамнинг қулини ўлдириб қўйса, унинг эгасига келтирилган зиённинг икки баробар ҳақини берсин. Қонунга бўйсунмаган, покланишдан ўтмаган, бозор майдони, ўйинчоқлар ва қолган барча муқаддас нарсаларни ўзининг қатнашиши билан нопок этган ҳар қандай қотил ҳар қандай хоҳловчи томонидан, шу қатори, марҳумнинг қотили бу ишларни қилишига йўл қўйган қариндоши ҳам суд маҳкамасига тортилиши мумкин: суд маҳкамасида уни икки карра миқдорида жарима тўлашга мажбур этиш ҳамда бошқа жазо чораларига икки марта кўп жазо бериш мумкин бўлади. Қонун бўйича (ундириб) олинган жарима суд маҳкамасида иш кўзгаган одам фойдасига ўтказилади. Агар қул жаҳолат устида ўз хожасини ўлдириб қўйса, марҳумнинг яқинлари қотил билан хоҳлаган ишларини қилишлари мумкин, аммо зинҳор у қулни тирик қўймасликлари зарур: шунда улар айбдан пок бўладилар. Агар қандайдир қул ғазаб устида ҳур туғилган инсонни ўлдириб қўйса, у ҳолда ўша қулнинг хожалари уни марҳумнинг яқинларига берадилар, улар эса қотилни хоҳлаган усулда қатл этишлари мумкин. Шундай ҳам бўлади-ки, – тўғри, аҳён-аҳёндагина, – ота ёки она жаҳл-ғазаб билан уриш ёки бошқа қандайдир зўравонлик йўли билан ўз ўғли ёки қизини ўлдириб қўйиши мумкин; у ҳолда улар, ҳамма бошқалар каби покланишни ўтишлари ва уч йилга сургун бўлишлари зарур. Қайтганидан сўнг қотилнинг хотини эридан, эр эса хотинидан ажрашиши керак; энди улар биргаликда бола кўрмасликлари керак, улар, авлоддан ёки ака-укадан маҳрум этганлари учун оиланинг аъзолари бўлолмайдилар ва умумий ибодатхо-

b

c

d

на, ҳарамларни зиёрат қилишда қатнаша олмайдилар. Бу (қонун) билан ҳисоблашмайдиган беномус, итоатсиз, хоҳлаган одам томонидан беномусликда айбланиб суд маҳкамасига тортилиши мумкиндир. Агар эр ғазабноклик билан ўзининг қонуний хотинини ёки агар хотин худди шундай ишни қиладиган бўлса, у ҳолда улар кўрсатиб ўтилган покланишни ўтишлари ва бадарғада уч йил бўлишлари керак. Бунга ўхшаш жиноят қилган одам қайтиб келгач, ўз болалари билан биргаликда муқаддас маросимларда қатнашмаслиги ва улар билан бир дастурхон устида ўтирмаслиги лозим. У ота бўладими ёки ўғлими, итоатсиз одам беномусликда айбланиб бунини хоҳлаган одам томонидан суд маҳкамасига тортилиши мумкин. Агар ака дарғазаб ҳолатда укаси ёки синглиси (опаси)ни ёки сингил (опа) акаси (укаси)ни ёки синглиси (опаси)ни ўлдириб қўйса, покланиш ва бадарға муддати ота-оналар ва уларнинг болаларига белгилангандай бўлади; улар ҳам, ака-укаларни ака-укадан, ота-онани ўғилдан маҳрум этганлари учун оиланинг аъзолари бўлолмайдилар ва улар билан биргаликда муқаддас маросимларда қатнаша олмайдилар. Итоатсизга, эслаб ўтилган беномуслик ҳақидаги қонунни қўллаш тўғри ва адолатдан бўлар эди. Агар кимдир ўз ота-онасига нисбатан ўта ўзини тута олмайдиган ва қизиққон бўлиб, ғазаб жунбушида улардан бирини ҳатто ўлдиришга журъат этадиган бўлса, қотил, агар марҳум ўлимидан олдин уни афв этган бўлса, беихтиёр қотиллар учун белгиланган покланишларнинг ўзинигина ўташи зарур; ўшаларга белгиланган барча покланишларни ўтганларидан кейин улар айбдан покланган ҳисобланадилар. Аммо, агар марҳум афв этмаган бўлса, у ҳолда бунга ўхшаш жиноятни қилган одам кўп қонунлар олдида жавобгар бўлади: зеро у, ўзининг ота-онасини ҳаётдан маҳрум этишга қўл ургани учун беномуслик ва шаккокликда ва фаол ҳақоратлаш туфайли энг оғир жиноят бўйича суд маҳкамасига тортилади. Демак, агар бир одамга бир неча марта ўлиш иложи бўлганида падаркуш ва модаркушни кўп марта лаб қатл этиш жуда адолатли бўлар эди. Агар ота-она уни ўлдирмоқчи бўлсалар қонун бундай одамга ҳимояланишни манъ этади ва биронта ҳам қонун бола-

ларга уларни дунёга келтирган ота ёки оналарини ўлдиришга йўл қўймайди. Шу сабабдан, бундай ишни қилиб қўймаслик учун қонун бу одамдан ўзини тутишни талаб қилади. Рост шундай экан, қонун отаси ёки онасини ўлдирган одамга қандай масъулият юклайди? Йўқ, кимки даргазабликда отаси ёки онасини ўлдирган бўлса, унинг жазоси ўлим бўлсин. Агар юртдаги ўзаро низолардаги тўқнашувлар ёки шунга ўхшаш шароитларда ака укани (ука акани) ўлдириб қўйса, айтиш жоизки, у уриш чиқаргандан фақат ҳимояланаётган бўлса, худди душманни ўлдирган сингари айблардан пок ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш шароитларда агар фуқаро фуқарони, ажнабий ажнабийни ўлдирса у ҳолда ҳам айтиб ўтилганидай бўлади. Агар фуқаро ҳимояланаётган ажнабийни ёки ажнабий фуқарони ўлдирса, ўша қоидага биноан у айбсиз ҳисобланади. Агар қул қулни ўлдирса ҳам шунинг ўзи. Аксинча, агар қул гарчи ҳимояланаётган бўлсада ҳур одамни ўлдириб қўйса, у отасини ўлдирган қайси қонунлар билан жазоланса ўша қонунлар бўйича жазо олади. Ота ўз қотилини афв этгани ҳақидаги гаплар бу ҳолатларнинг ҳам ҳаммасига таалуқлидир. Агар инсон ўз ихтиёри билан ўз қотилини бу ишни беихтиёр қилган сифатида кечирса, жинояткор покланишлардан ўтсин ва қонун бўйича мамлакатни бир йилга тарк этсин.

Зўравонлик билан ёки билмасдан (ният қилмай), ҳамда ғазаб таъсири остида қилинган қотилликлар борасида етарли даражада айтилди. Булардан кейин биз, билиб туриб (ният қилиб) қилинган қотиллик ёки турли-туман адолатсизликлар таъсирида ҳамда одамнинг ҳузурларга бўлган (кучли) мойиллиги ва эҳтирослар ва ҳасад туфайли рўй берадиган қотилликлар ҳақида гаплашиб олишимиз керак бўлади.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтмоқдасан.

А ф и н а л и к . Бу борада ҳам кучимиз етганича, қанча хиллар борлигини кўрсатиб ўтамиз. Энг зўр бало, дил ҳирслардан ваҳшийлашиб кетганидаги эҳтирос ҳукмронлигидир. Бу нарса, кўп одамларда энг тез-тез бўладиган ва кучли интилиш, яъни, табиий ёмон хислатлар ва тарбия натижасида юлиб-юлқиб мулк ёки пул орттиришга бўлган минглаб

ҳавасмандликларни пайдо қиладиган зўравонлик (зулм)да кўпроқ намоён бўлади. Тарбиясизликнинг сабаби эса, эл-линлар ва варварлар орасида кенг тарқалган, бойликни мадҳ этувчи фикрдир. Бойликни яхшиликлар (эзгуликлар) орасида биринчиси, деб тан олиб, – аслида эса у фақат учинчи ўринда туради, – улар ўзларини ҳам, авлодларини ҳам бузадилар. Агар барча давлатларда бойликка ҳақиқий қараш ҳукмрон бўлганида қанчалик яхши ва зебо бўлар эди: бойлик бадан учун мавжуд, бадан эса дил (нафс, руҳ) учун мавжуддир. Ростки бойлик бу икки эзгулик учун мавжуд экан, демак, уни учинчи ўринга – жисмоний ва руҳий (қалбий, нафс) сифатлардан кейинга қўйиш керак. Бу ҳолат (низом), бахтли бўлишни истаган инсон бойиб кетишга интизмаслиги керак, лекин адолат ва мулоҳазалилик (идроқлик)ни сақлаган ҳолда бой (бадавлат) бўлиши зарур, деб ўргатади. Шунда, давлатларда бошқа қотилликлар гуноҳини ювиш учун қотилликлар қилинмас эди. Биз олдин айтиб ўтганимиздек энг қаттиқ жазога лойиқ бир ёвузлик бор, бу – билиб туриб (ният қилиб) одам ўлдиришдир. Иккинчи ўринда шуҳратпарастлик бўлиб, у билан шайдоланган дилда (қалбда) ҳасад уйғотади, ҳасад эса аввало ўз эгаси билан, кейин эса, давлатдаги энг яхши одамлар билан ҳам қийинчилик билан чиқишади. Инсон, – ҳозир ёки ўтиб кетган пайтда, – қилиб қўйган у ёки бу ишларини ўзидан бошқа ҳеч ким билмаслигини хоҳлаганида содир этадиган кўп қотилликларни келтириб чиқарувчи, қўрқоқликдан бўладиган ва асоссиз хавфсираб даҳшатга тушишлар учинчи ўриндадилар: шунинг учун у, бориб етказиши мумкин бўлганларни ҳаммасини ўлдириш йўли билан бартараф этади.

Буларнинг ҳаммаси шу турдаги қонунларга дебоҳа бўла қолсин. Бунга яна, муқаддас сирли маросимлар ўтказиш билан шуғулланувчилар оғзидан эшитганларида кўп одамлар жуда ишонадиган таълимотни қўшиш мумкин. Бу таълимот тасдиқлайдики, бунга ўхшаш кирдикорликлар учун инсонни Аидда интиқом кутади, у яна Ерга қайтганида эса, табиат адлиясига биноан жазоланиши керак бўлади, яъни, ундан азият чеккан одам тақдирини ўзида синаб кўриши керак бўлади: ўзининг ўшандаги ҳаётида у худди шу тарзда бошқа одам тарафидан ўлдирилади. Ким-

ки бўйсунса ва дебоча (кириш сўз)нинг асосида бу адлиявий маҳкамадан қўрқадиган бўлса, ундай одамга қонун ҳам баён этишининг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Аммо унга қулоқ солмайдиган одам учун ушбу қонун албатта ёзма равишда берилсин.

Кимки аввалдан ўйлаб қилинган ният билан ва адолатсизлик йўли билан ўз юртдош (қабилadoш)ларидан биронтасини ўлдирса, у аввало қонун ҳимоясидан маҳрум бўлади, на ҳарамлар, на бозор майдони, на лиманлар, на мажлислар ўтадиган умумий жойларни ўзининг иштироки билан ҳаром қилишга журъат этолмайди; жинойтчига у ерга киришни кимдир манъ қилганми, йўқми барибир: зеро, қонуннинг ўзи унга буни манъ этади ва бутун давлат муҳофазаси учун бундай таъқиқни доимо ифода этаверади. Марҳумнинг қариндошларидан кимдир, шу қатори эркаклар ва аёллар тарафларидан яқин қариндошлар (амаки, тоға, амма, хола, амакивачча, тоғавачча, аммавачча, холавачча - тарж.) жинойтчига қарши адлия таъқибини қўзгатмаса за у билан ҳар қандай муомалани тўхтатишни талаб этмаса, унга энг аввало, қонун сўзи огоҳлантирганидай худоларнинг лаънат ва душманликлари ёғилади. Иккинчидан, марҳум учун ўч олмоқчи бўлган ҳар қандай одам жинойтчини суд маҳкамасига тортиши мумкиндир. Қасос олмоқчи бўлган одам, худо талаб қилган барча поклантирувчи ювинишлар ва бошқа урф-одатларни сидқидилдан бажо келтирсин. Кейин уни огоҳлантирсин, шундан сўнг жинойтчини қонуний адлия маҳкамасида жавоб беришга мажбур этиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси, давлатларда қотилликлар бўлмаслиги ҳақида қайғурадиган худолар томонидан белгилаб қўйилган дуолар (ибодатлар) ва қурбонликлар билан биргаликда бўлиши зарурлигини соҳиби қонуннинг кўрсатиб ўтиши жуда осон. Қонунлар нигоҳбонлари таъбирчилар, башоратгўйлар ва худованд билан биргаликда бундай ишларни қандай амалга ошириш кераклигини белгилайдилар ва булар қайси худоларга тааллуқли эканлиги ҳамда бундай суд маҳкамаси ишларини олиб боришнинг қайси усули илоҳий ҳуқуққа маъқулроқ равишда тўғри келиши ҳақида қонунлар нашр этадилар. Бу ерда шаккоқлар устидан суд маҳкамасини

b

c

олиб боришга ҳуқуқлари бор шахсларнинг ўзлари ҳакамлар бўладилар.

- d Айбдорлиги тан олингач, жиноятчи ўлим билан жазоланади; уни, жабрланган одамнинг мамлакатида дафн этиш керак эмас, чунки жиноятчи беномуслиқдан ташқари яна ҳаёсизлик ҳам қилган. Кимда-ким суд маҳкамасига тортилишни хоҳдамаса ва қочиб кетиб унда омон қолишни истаса, абадий қувғинликда бўла қолсин. Агар жиноятчи яна қаердадир ўлдирилганнинг юртига кириб келса, у ҳолда биринчи учрашган одам ўлганнинг оила
- e аъзоларидан бўладими ёки бошқа фуқаролардан бири бўладими (барибир) уни ўлдириши мумкин ёки шундай ишлар ҳакамлари бўлган ҳокимларга қатл этиш учун боғлаб топшириши мумкин. Даъвогар бу билан бирга, кимга даъвосини топширган бўлса ўша шахсдан кафилларни кўрсатишни талаб қилсин. Жавобгар эса, ушбу ҳакамлар лойиқ, маъқул, деб тан олганлари кафилларни, бошқача айтганда, айбдор суд маҳкамасига келишига кафолат бера оладиган учта ишончли кафилни кўрсатсин. Кафилларни

- 872 кўрсатишни хоҳламайдиган ёки кўрсата олмайдиган (жавобгарни) ҳукумат ушлаб унга қоровул кўяди ва суд маҳкамаси ҳукмига (қарорига) ҳавола этади. Агар кимдир ўз кўли билан ўлдирмаган бўлсаю фақат кимдир ўлдиришга қасд қилган бўлса ва ўзининг бу истак ва хоҳиши натижасида шу одамнинг ўлимига сабабчи бўлиб қолса ҳам қотилликдан покланмай, шу давлатда яшашни давом эттираверса, бу ҳолда ҳам иш тафтиши худди ўшандай бўлади, фақат кафолатлик бундан истиснодир. Айбдорга ўз ватанида кўмилишга рухсат бўлади, қолганлари ҳаммаси бундан аввалгида қандай бўлса худди шундай. Бу, ажнабийлар ўртасидаги муносабатларга ҳам, фуқаролар ва ажнабийлар ўртасидаги муносабатларга ҳам бир хилда тегишлидир; бу яна қуллар ўртасидаги муносабатларга ҳам албатта тегишли бўлиб, ўз кўли билан ўлдиргандаги ва ўлдиришга қасд қилгандаги ҳолларга ҳам тааллуқлидир. Фақат кафолот масаласи бу ўринда истиснодир: кафилларни, айтиб ўтилганидек, фақат ўз кўли билан ўлдирганларгина кўрсатишлари зарур. Бундай қотилликда айбланётган (одам) ҳам кафилларни, ҳам кафолатларни кўрсат-
- b
- c

тиши лозим. Агар кул ҳур туғилган одамни ўз қўли билан ёки шу қотилликни қасд қилиб ўлдириб қўйса ва айбдор, деб топилса, давлат жаллоди уни ўлган одамнинг қабр усти ёдгорлик тоши олдига олиб борсин ва шу ерда, айбловчи қанча уришга буюрган бўлса шунча калтакласин; агар кул бу калтаклашлардан ўлмаса, уни қатл этадилар. Агар кимдир, ҳеч ёмонлик қилмаган қулни, шу одамнинг шармандали ва ёвуз ниятларини у қул кимгадир етказишидан хавфсираб ёки шунга ўхшаш бошқа бир сабаб билан ўлдирса, у ҳолда қотил, фуқарони ўлдиргандаги каби жазога ҳукм этилади.

Шундай ҳоллар ҳам бўлади-ки, улар борасида қонунлар чиқариш даҳшатли ва мушкул, лекин шундай бўлсада уларни чиқармасдан бошқа илож ҳам бўлмайди. Қариндошлар орасида рўй берадиган ўз қўли билан ва қасддан ният қилиб, ҳар жиҳатдан адолатсиз ўлдиришлар шундай ҳолларга киради. Кўпчилик ҳолларда бу, шароити ёмон ва ривожланиши тубан мамлакатларда рўй беради; лекин бунга ўхшаш ҳоллар баъзан ҳеч қутилмаган жойда ҳам рўй бериши мумкин. Шунинг учун, биз яқиндагина айтиб ўтганимизни қайтариш керак бўлади, яъни, бизни эшитаётган одам шу сабабдан ҳам ҳар жиҳатдан энг нопок, номуссиз бундай қотилликлардан ихтиёрли равишда ўзини тийсин. Зеро, қадимги мубадлар (қоҳинлар), қариндошлар қонини тўкканлар қасдини Ҳақиқат посбони олади, деган сўз ёки ривоятни, билмадим, нима деб аташ керак, – айтишарди; ҳозиргина айтиб ўтилган қонундан фойдаланиб у (яъни Ҳақиқат -тарж.). инсон нима қилган бўлса ўша нарсага ўзи мубтало бўлишини тайин этиб қўйган. Агар кимдир, қачондир ўз отасини ўлдирса, у ҳам ўз фарзандлари тарафидан шундай жазоланади. Агар у ўз онасини ўлдирса, у кейин янгитдан албатта аёл бўлиб туғилади, сўнгра ўз туққани уни ўлдиради. Чунки ўз жигарининг қонини тўкишнинг бундан бошқа покланиш йўли йўқ; айбдорнинг руҳи ўз жиноятини худди ўша тарзда гуноҳини ювмагунича қон доғи ювилмай тураверади: ўхшашлик ўхшаши билан, қотиллик қотилнинг қўлидан ўлиш билан оқланади. Шунинг учун ҳар ким илоҳий қасосдан қўрқиб бундай жиноятлардан ўзини тийиши керак. Агар қайсидир одамлар бошига шундай тақдир тушса ва улар билиб туриб

873

ва ихтиёрий равишда ўз отаси, онаси, биродари ёки боласининг бадани (жисми)дан жони (руҳи)ни жудо қилмоқликка журъат этсалар, у ҳолда бундай воқеалар учун ўлим соҳиби қонуни томонидан ушбу қарор чиқарилади. Бу одамлар қонундан ташқари, деб эълон қилинадилар; олдин эслатиб ўтилган ҳоллардаги каби улар кафолатларни ўша тарзда кўрсатишлари зарур. Агар (бирор) одам шунга ўхшаш жиноят билан фош этилса, яъни у дарҳақиқат ўз қариндошларидан бирини ўлдирган бўлса, ҳакамлар ходимлари ва мансабдор шахслар ўлимга маҳкум этадилар, унинг жасади эса давлат ташқарисига, шундай воқеалар учун (махсус) ажратилган чорраҳага яланғоч ҳолда ташлаб юборилади. Кейин барча мансабдор шахслар давлат номидан ҳар бири биттадан тош олиб келиб мурданинг бошига этадилар, токи шу йўл билан бутун давлат поклансин. Шундан кейин мурдани мамлакатнинг энг четки чегараларидан нарига чиқарадилар ва шу ерга ташланади, айтиш керак-ки, қонун бўйича у дафн этилишдан маҳрумдир.

Бундай бўладиган бўлса, энг яқин, энг қадрдонини ўлдирган одамга қандай жазо берилиши керак? Мен ўзини ўзи ўлдирганлар, тақдир берган нарсадан ўзларини маҳрум этадиганлар ҳақида гапирмоқдаман. Гарчи уларни бунга давлат ҳукм этмаган, бахтсиз тасодиф ёки уларнинг улушига тушган ҳаётини заҳарловчи мушкул уят, қайтариб бўлмас азоб-уқубатлар сабаб бўлмасада: ўзларининг ожизликлари ва мардликнинг йўқлиги тўғрисида улар бу ноҳақ суд қарорини ўз-ўзлари устидан ўтказадилар. Бундай одамни поклаш ва дафн этишга келсак, бу урф-одатлар худонинг ўзига маълумдир. Шунинг учун энг яқин қариндошлар таъбирчиларга ва шу билан бирга бу ишларга тааллуқли қонунларга мурожаат этишлари керак ва уларнинг кўрсатмаларига қараб, уларга монанд иш тутишлари зарур. Ўз жонига қасд қилиб ўлган одамни аввало, бошқа одамлар кўмиладиган жойга эмас танҳо ўзини кўмиш керак. Кейин, бундай шарафсиз одамларни номи йўқ биёбонларга, давлатнинг ўн икки қисми чегараларига кўмилади, шу билан бирга улар кўмилган жой қабр тошлари ва ёзувлар билан белгиланмайди.

Агар бўйинтуруқли мол ёки қандайдир бошқа бир ҳайвон одамни ўлдириб қўйса (бу ўринда умумдавлат мусобақаларида қатнашаётган полвон билан рўй берганидаги ҳолат бундан истисно), у ҳолда қариндошлар суд маҳкамаси орқали қотилга қарши чиқадилар; ишни, қандайдир бир қариндош тарафидан қанча бўлсада сайлаб олинган агрономлар кўриб чиқадилар. Ушланган ҳайвонни ўлдириб мамлакат ташқарисига чиқариб ташлайдилар. Агар, яшин ва унга ўжшаш худолар перунларидан ташқари бошқа жонсиз нарса одамни жонидан жудо қилса, бошқача айтганда бирор нарса тушиб кетиб одамни ўлдирса ёки одам ўзи унга йиқилиб ўлса, унинг қариндоши бу иш учун энг яқин қўшнисини ҳакамликка танлаб, унинг ҳузурида ўзи ва қариндошлари поклансинлар; айбдор буюм (нарса)ни эса ҳайвонлар борасида айтгилганидек йироққа олиб бориб ташлаш зарур.

374

Агар кимнингдир ўлгани маълум бўлиб қолсаю аммо қотил кимлиги номаълум бўлса ва синчиклаб қидирилганидан кейин ҳам уни топа олмасалар, бошқа ҳоллардаги каби таъқиқлар кучга кирадилар. Бу ишни қилганни қотилликнинг айбдори, деб эълон қиладилар ва суд маҳкамасининг қарорини бозор майдонида (ўқиб) эшиттирилади: “Фалончини ўлдирган (одам) қотиллиги учун ҳукм чиқарилди ва (энди) ҳарамларга кириши ва жабрланувчи яшаган мамлакатда бўлиши мумкин эмас; агар у келиб қолса ва таниб қолинса, у қатл этилади ва жабрланувчининг юртидан ташқарига чиқариб ташланади”. Бизда қотиллик ҳақида шундай бир қонун жорий этилсин.

b

Бундай нарсалар борасида ҳозиргача шундай бўлган. Қандай шароитларда қандайдир одамнинг ўлдирилиши ўлдирганга айб сифатида таъна қилинмаслигига келсак, бу ўринда ушбу қарор бўлиши керак: агар кимдир кечаси ўғри ўғрилик қилишга ҳаракат қилаётганида ушлаб олиб ўлдириб қўйса, у айбдор эмас; ким ўзини ҳимоя қилаётиб талончини ўлдирса, у айбдор эмас; агар кимдир, ҳур тутилган аёлни ёки ўспиринни зўрлашга ҳаракат қилса, уни зўрланаётган шахс, ҳамда унинг отаси, ака-укаси ва ёки ўғли ҳам ўлдиришлари мумкин, улар айбдор бўлмайди-лар. Агар эр, хотинини кимдир зўрламоқчи бўлганида

c

ушлаб олса, зўрловчини ўлдирса қонун бўйича у айбдор ҳисобланмайди; агар кимдир, ҳеч қандай беномус иш қилмаган отасини ёки онаси, болалари, ака-укалари, хотинини ҳимоя қилаётиб қотиллик қилиб қўйса, у мутлақо айбдор эмас.

Биз дил (нафс, руҳ) учун ҳаётни маъқул қиладиган тарбия ва таълим ҳақидаги (улардан маҳрум дилга ҳаёт, ҳаёт бўлмади) қонунларни, ҳамда зўравонлик учун жазо бўлмиш қатл ҳақидаги қонунларни ўрнатиб бўлдик; биз яна бадан тарбияси ва парвариши ҳақида ҳам гапирдик. Булардан кейин одамлар билиб туриб (ният қилиб) ва ихтиёрсиз бир-бирларига қиладиган ишларини кўриб чиқиш зарур. Куч етганича уларнинг қандайлигини, неча (хил) эканлигини ва бу ҳолларда қандай жазолар фойдали бўлишини аниқлаш керак бўлади. Ана шулар ҳақидаги қонунларни энди ўрнатиш назаримда тўғри иш бўларди.

Қотилликдан кейин иккинчи ўринга ҳар қандай, ҳатто энг нодон соҳиби қонун ҳам жароҳатлар ва жароҳатлар ила етказилган шикастланишларни қўйган бўлар эди. Биз қотилликнинг ҳар хилини фарқлаганимиздай, жароҳатларнинг ҳам хилларини фарқлаш лозим: уларнинг бирлари ихтиёрсиз, бошқалари – дарғазабликда, учинчилари – кўрқув таъсирида, тўртинчилари – онгли ният билан амалга ошириладилар. Булар борасида дастлаб қуйидагиларни айтиш керак: одамлар қонунлар ўрнатишлари ва қонунлар бўйича яшашлари зарур; акс ҳолда улар энг ваҳший ҳайвонлардан фарқланмай қоладилар. Бунинг сабаби, инсоннинг табиий сифат (хислат)лари инсоний жамият турмуши учун, барча фойдали нарсаларни билиш (идрок этиш) учун унчалик етарли эмас, ёки ҳатто билиб олса ҳам, олий эзгулик (яхшилик)ни амалга ошириш ва унга интилиш учун етарли даражада эмас. Энг аввало, давлат бошқарувининг ҳақиқий санъати хусусий эмас, умумий манфаатлар ҳақида ғамхўрлик қилишини – зеро, бу умумийлик давлатни бирлаштиради (кучли этади - тарж.), хусусийлари эса ажратиб бўлак-бўлак этади (кучсизлантиради - тарж.). – агар умумийси хусусийсидан яхшироқ тартиботда бўлса, унисига ҳам, бунисига ҳам, яъни умумийга ҳам, хусусийга ҳам фойдали бўлишини тушуниб етиш қийин. Иккин-

чидан, кимдир, табиатдан ҳамма нарса худди шундай бўлишини ҳатто тушуниб, идрок этса ҳам ва буларнинг ҳаммасини амалда ўзлаштириб олса ҳам, лекин кейинчалик, давлатнинг чекланмаган ва мустабид ҳукмдори бўлиб олгач, у ҳеч қачон ушбу нуқтаи назарда қололмайди ва бутун умри давомида давлатда хусусий эҳтиёжларнинг умумий эҳтиёжлар ортидан юришларини таъминлаб, умумий эҳтиёжларни қўллаш зарур, деб билмай қўяди. Йўқ, унинг бандалик (абადий барҳаёт бўлолмаслик) табиати уни доимо ҳирсга ва ўз манфаатига хизмат қилишга қизиқтириб тортади. Телбаларча азоб-уқубат, дардлардан қочиб ва ҳузурларга интилиб, бу табиати ҳузурларни адолатли ва яхши нарсалардан юқори қўяди. У ўз-ўзини зулматга олиб боради ва охир оқибат ҳам ўзини, ҳам барча давлатни бутунича турли офатларга гирифтор қилади. Зеро илоҳий тақдир иродаси бўйича қачонлардир ўз табиатига қўра бу нуқтаи назарларни етарли даражада ўзлаштира оладиган қобилиятли одам пайдо бўлса, у ҳолда уларни (бу нуқтаи назарларни - тарж.) бошқарадиган қонунларга у (одам) ҳеч ҳам муҳтож бўлмас эди. Қонун ва тартибот қандай бўлмасин билим (илм)дан юқори турмайдилар. Идрок (ақл) ниманингдир итоатгўй қули бўла олмайди; йўқ, агар у ўз табиатига қўра ҳақиқий эркин (хур) бўлса, у ҳамма нарсани бошқариши керак. Аммо бизнинг давримизда буни ҳеч қачон учратмайсан, агар кичик ўлчовлардагина учратиб қолмасанг. Шунинг учун идрок (ақл)дан кейин иккинчи ўринда турган нарсани – қонун ва тартибни қабул қилиш керак, улар ўз нигоҳлари билан кўп нарсани қамраб ола биладилар, лекин ҳамма нарсани қамраб ололмайдилар. Буларнинг ҳаммаси шу мақсадда айтилган эди.

Энди биз, бошқа бир одамни жароҳатлаган ёки унга қандайдир шикаст етказган одам билан нима қилиш кераклиги ёки у қандай ҳақ тўлаши зарурлиги тўғрисида қонун ўрнатишимиз даркор. Ҳар кимда ҳам бу ўринда тўла асосли саволлар туғилади: қаерга жароҳат етказилди, ким жароҳатланди, қандай ва қачон – ҳаммасини уларга тушунтириш зарур; зеро бу ерда жуда ҳам кучли фарқланадиган бениҳоя кўп ҳолатлар мавжуддир. Буларнинг ҳаммаси ҳақида фикр юритишни суд маҳкамаларига топши-

876

риб бўлмайди; бу ҳуқуқни улардан тортиб олиб ҳам бўлмайди. Лекин бир нарсани уларнинг қарор чиқаришлари учун топшириш керак, хусусан эса: ҳақиқатан ҳам жароҳат олинганми ёки у умуман бўлмаганми. Айтиш лозимки, улар кўриб чиқишлари учун хафа қилувчини жазолаш ва адабини бериб қўйиш ҳақидаги масалалардан ҳеч бирини тақдим этмасдан ҳамма жиддий ва кам аҳамиятли жароҳат турлари бўйича ўзимиз қонун чиқаришимиз ҳам мумкин бўлмайдиган бир ҳолга ўхшайди.

К л и н и й . Биз бунга нима ҳам дер эдик?

А ф и н а л и к . Мана бундай деймиз: масалаларнинг бир қисмини суд маҳкамаларига бериш керак; қолган қисмини эса уларга топшириб бўлмайди, ўзимиз бу ўринда қонунлар ўрнатишимиз керак.

К л и н и й . Нималар ҳақида қонунлар ўрнатиш даркор ва нималарни ҳакамларга ҳал қилиш учун топширилади?

b

А ф и н а л и к . Бундай дейилса тўғрироқ бўлар эди: давлатда ўз обрў-эътиборларига ўзлари путур етказувчи, ярамас, ошкоралиқдан маҳрум ҳакамлар ўз қарорларини сир сақловчи ёки ундан ҳам даҳшатлиси, босиқлик билан эмас, балки, чидаб бўлмас шовқин остида, худди театрдагига ўхшаб қатнашаётган нотиклардан ҳар бирини қичқариқлар билан рағбатлантириб ёки ёмонлаб, қарор чиқарувчи бўлсалар – бундай давлатда одатда қийин ҳолат пайдо бўлади. Бундай суд маҳкамаларига қонунлар бериш зарурати ҳеч қандай қувонч келтирмайди. Лекин, бунга ўхшаш давлатда қонунлар ўрнатишга кимдир мажбур бўлса, уларнинг кўп қисмини ўзи таъкидлаб изоҳ бериши керак, ҳакамларга эса энг арзимас ишлар бўйича жазо белгилашни қолдириш зарур. Аммо, суд маҳкамалари имкон борича маъқул ташкил этилган, ҳакам бўлмоқчи бўлганлар яхши тарбияланган ва уларнинг ўтмишлари синчиклаб текширилган давлатда айбдорларга қандай жазо бериш ҳақида қарор чиқариш кўнгиллик ҳолларда ҳакамларга топширилса, тўғри ва зебо иш бўлади. Шунинг учун, биз ҳозир энг муҳим ва кўп талабномаларни

c

уларга бермаётганимизни таъна қилмаслик керак: зеро, ҳатто унча яхши тарбия олмаган ҳакамлар ҳам у ёки бу жинойт учун қандай жазо бериш кераклигини фаҳм этиш-

d

лари мумкин, токи жазо, қилинган кирдикорлик ва у келтирган азоб-уқубатларга лойиқ бўлсин. Агар биз ўрнатаётган қонунлар билан ишлайдиган ҳакамларни ҳозиргина айтиб ўтганимиз ҳакамлардан ҳеч қанча ёмон эмас, деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда уларга кўпроқ имконият бериш керак бўлади. Айтиш керак-ки, биз бир неча бор кўрсатиб ўтганимиздай ва қонунлар ўрнатаётиб қандай йўл тутганимиздай бу ерда ҳам ҳакамларга намуналар бўладиган ва уларга адлия чегараларидан чиқиб кетишларига қаршилик кўрсатадиган жазоларнинг умумий баёни ва хилларини айтиб ўтиш лозим. Шунда бу тўғри бўлар эди; ҳозир ҳам худди шундай йўл тутиб яна қонунларга қайтиш зарур.

Жароҳат ҳақидаги ишлар бўйича даъво бизда қуйидагича бўлади: агар (қонун томонидан мумкин бўлган ҳоллар бундан истисно) кимдир тинч яшаётган одамни олдиндан ўйланган ният билан ўлдирмоқчи бўлиб фақат жароҳат етказган бўлса, ёмон ниятда жароҳатлаган бундай одамни аяш керак эмас: ҳеч виждон азобини ўйламай, худди қотилни суд маҳкамасига тортгандай уни суд маҳкамасига тортиш зарур. Лекин унинг унчалик ёмон бўлмаган тақдири ҳурмати, унга ва жароҳатланганга раҳми келиб, улардан биридан ўлдирадиган жароҳатни, бошқасидан эса – лаънат ва бадбахтликни қайтарган худованд ҳурмати ва ана шу худовандга бўлган шукрона туфайли унга (худовандга - тарж.) қарши чиқмаслик учун жароҳат етказганни қатл этилишдан халос этиш керак ва бу жазо ўрнига уни қўшни давлатга умрбод бадарга қилиш зарур, бу борада унда ўзига тегишли мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолиниши даркор. Агар у жароҳатланганга шикаст етказган бўлса, бу иш қўлида бўлган суд маҳкамасининг баҳосига мос равишда уни қоплаши зарур. Бу суд маҳкамаси, агар етказилган жароҳатдан мабодо жабрланувчи ўлиб қолса қотиллик ҳақидаги иш бориб тушадиган суд маҳкамасининг ўзидир. Агар ўғил ўз ота-онасини, қул эса – хожасини билиб туриб жароҳатласа, у ҳолда унга қатл этиш жазоси берилади. Агар худди шу равишда биродар биродарини ёки опаси (синглиси)ни ёки опа (сингил) – акаси (укаси)ни ёки синглиси (опаси)ни

e

877

ь

c

жароҳатласа ва жароҳатлашнинг ёмон ниятда, атайлаб қилингани исботланса, у ҳолда ўлимга ҳукм унинг жазоси бўлади. Ўз эрини ўлдириш нияти билан эрини жароҳатласа ёки эр – ўз хотинини шундай жароҳатласа, улар абадий сургунга кетишлари зарур. Агар бадарға бўлганнинг ўғиллари ёки қизлари ёш бўлсалар унинг мулки ҳақида васийлар ғамхўрлик қиладилар ва болаларни етимлар сифатида васийликка оладилар. Агарда фарзандлари катта бўлиб қолган бўлсалар, у ҳолда, сургун қилинганни таъминлаш мажбуриятисиз ҳайдалган ота-оналарининг мулкларига эга бўладилар. Агар бундай бахтиқаролик фарзандсиз одам бошига тушса, ҳайдаб юборилганнинг қариндошлари иккинчи даражали ҳам ота, ҳам она тарафидан бўлган икки тараф қариндошлар (яъни амаки, тоға, амма ва ҳ. - тарж.)гача бирга йиғилишиб бу уйнинг – давлатдаги беш минг қирқ уйдан бирини, – ворисини тайинлашлари керак ва бу борада улар қонунлар нигоҳбонлари ва қонунлар билан маслаҳатлашишлари ва ушбу қоидага риоя қилишлари зарур: беш минг қирқ уйдан битта ҳам уй на унда яшовчининг ёки унинг оиласининг хусусий мулки бўлмайди, балки у бутун давлатнинг хусусий мулки бўлиб қолади. Давлат уйлари эса имкони борича тақводор ва саодатманд бўлишлари керак. Агар уйлاردан қайси биридир бундай беномуслик ва бадбахтликка учрагундай бўлса, бу уйнинг эгаси бўйдоқлиги ёки никоҳда фарзанд кўрмаганлигидан уйда бола қолдирилмаса ва билиб туриб қотиллик қилганликда ёки худоларга ёхуд давлатга қарши бошқа бир жиноят билан қўлга тушса, бу жиноят учун қонун томонидан қатл этиш белгиланганлиги ёки умрбод бадарға бўлиш кераклиги туфайли қонун бўйича аввало бу уйни поклаш ва Зевсга гуноҳини кечиришга ёрдам берувчи қурбонликлар қилиш керак. Кейин оила аъзолари ҳозиргина айтилганидай, қонунлар нигоҳбонлари билан йиғилишлари керак ва давлатда қандай оила ўз яхши амаллари ва бахтиёр тақдири билан энг яхши шуҳрат қозонгани, бунинг устига бу оилада бир неча фарзанд борлигини кўриб чиқадилар: бу болалардан бирини марҳум отанинг ва шу қавмнинг барча аждодларининг боқиб олган ўғиллари деб қабул қилиб, унга яхши бир исм бериш зарур,

токи у отасига қараганда саодатмандроқ башоратларга кўра оила отаси, уй хожаси ва тақволи муқаддас амалларнинг гамжўр ижрочиси бўлиб қолсин. Шу тарзда дуолар қилиб уни қонуний ворис қилиб тайинлайдилар, жиноятчи эса бундай бахтсизлик бошига тушгач исмсиз, фарзандларсиз, чек ерисиз қолади.

Албатта, нимаики мавжуд бўлса ҳаммаси чегара билан ёндош (туташ) бўлавермайди: чегарага киритилган чегаралар, улардан олдин келадиган ва улар орасидагилари бўлади. Дарғазаблик ҳолатида қасд билан ёки ихтиёрсиз қилинган кирдикорлар ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин. Шундай қилиб, агар кимнингдир худди шу ҳолатда бошқа бировга жароҳат етгазгани фош қилинса, у ҳолда аввало у етказган зарарини икки баробар қайтариши (қоплаши) зарур – агарда жароҳатни тузатиб бўладиган бўлса; агар тузатиб бўлмаса, зарарнинг тўрт баробар миқдордаги ҳақини тўлаши керак. Агар жароҳат тузатса бўладиган бўлсаю лекин жароҳатланган уятга қолган ва ҳақоратланган бўлса, айбдор зарарга уч баробар ҳақ тўлайди. Агарда жароҳат фақат жабрлангангагина эмас, давлатга ҳам зарар келтирса, яъни жароҳатланган ватанни ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлса, айбдор, бошқа жазолардан ташқари яна давлатга етказган зарар ҳақини тўлайди: у ўзининг ҳарбий мажбуриятидан ташқари жароҳатлангани учун ҳам сафда туриб хизмат қилади. Агар буни бажармаса, хоҳлаган одам уни ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлиги учун суд маҳкамасига тортиши мумкин. Овоз бериш йўли билан тайинланган ҳакамлар икки, уч, тўрт карралик қилинган зарар учун қасд олиш тўловларини аниқлайдилар. Агар кўрсатиб ўтилган тарзда ака укани (ука акани) жароҳатласа, унинг отаси ва онаси тарафларидан қариндошлари, то амаки ва тоғаларигача бирга – эркаклар ҳам, аёллар ҳам. – кенгашиш учун йиғилдилар, жазони белгилашни эса ота-онасига топширадилар. Агар жазо даражаси борасида баҳс бўлса, эркак тарафидан қариндошлар фикри устун бўлади. Агар улар ҳал қилолмасалар, у ҳолда буни қонунлар нигоҳбонларига топширадилар. Болалар тарафидан ота-оналарга етказиладиган жароҳатлар бўйича ҳакамлар олтмиш ёшдан ош-

ган бўлишлари ва боқиб олган эмас, ўзларининг фарзандлари бўлиши даркор. Агар кимнингдир жиноят қилганлиги фош этилса, бу одам қатл этиладими, янада кучлироқ жазоланадими ёки камроқ жазо бериладими аниқлаб олиш зарур. Жиноятчининг қариндошларидан ҳеч ким суд маҳкамасида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, гарчи у қонун рухсат берган ёшга етган бўлса ҳам. Агар қул дарғазаблик васвасаси билан ҳур туғилган одамни жароҳатласа унинг хожаси бу қулни жароҳатланган одамга беради – у хоҳлаган ишини қилсин. Агар қулни бермаса, у ҳолда келтирилган зиённи ўзи оқласин (зиён ҳақини ўзи тўласин). Агар у, жароҳатланган одам ва қулни фитна қилганликда ва қандайдир айёрликда айбласа у суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агар у ютқазса, зиённи уч баробар ҳақини тўлайди; агар ютиб чиқса, қул билан биргаликда айёрлик қилган одам ноқонуний зулм ўтказганликда айбланади. Кимда-ким ихтиёрсиз бировга жароҳат етказса фақат зиённи қоплайдиган ҳақ тўлайди. Болалар томонидан ота-оналарни жароҳатлаш ҳолида ҳакам бўлганлар бунда ҳам ҳакамлик қиладилар: улар, келтирилган шикаст зарарини қоплаш миқдорини аниқлайдилар.

Ҳозир биз кўрсатиб ўтган хатти-ҳаракатлар зўравонликлардир. Хатти-ҳаракат билан қилинган ҳар қандай ҳақорат хили зулмдир. Ҳар бир эркак, аёл ва бола булар ҳақида бундай фикрлашлари зарур: худолар ҳамда бахтиёр ва безарар бўлишни хоҳлаган одамлар назарида, ёшларга қараганда кекса одамлар анча катта эъзоз-эҳтиромга лойиқдирлар. Ёши кичик одам ёши катгани ҳақорат қилиши давлат учун шармандалик ва худолар нафратини келтирувчи ҳолатдир. Агар чол ёш йигитни урса, у ёш йигит ўз ғазабини тийиши керак, бунда у, ўзи ҳам қариганида унга ҳам шундай имтиёз берилишини назардан қочирмасин. Шундай қилиб қуйидаги қарор амалда бўлсин: ҳар ким бизда, ҳам ишда, ҳам сўзда ўзидан каттадан уялсин. Ўзидан йигирма ёш катта бўлган ҳар бир эркак ва ҳар бир аёлни ота ва она, деб билсин ва ҳурматини сақлаб авайласин. Туғилиш ҳомийлари – худолар ҳаққи, ўз ёшига кўра сени туғиши ва дунёга келтириши мумкин бўлган одамларни ҳақоратлашдан (қаттиқ) сақланиш керак. Шун-

дай сабаб билан ҳатто ажнабийни ҳам ҳақорат қилиб бўлмайди, бу ўринда унинг мамлакатга қачон келганлигининг фарқи йўқ: на ўз хоҳиши билан, на ҳимоя сифатида бундай ёшдаги одамни уриб ақлини киргизиб бўлмайди. Агар кимдир унга беҳаёлик ва номуссизларча ташла-ниб урган ажнабийни тийиб қўйиш керак, деб ўйласа уни ушлаб ҳоким-астиномлар ҳузурларига олиб бориш зарур, аммо уни уришдан ўзини сақлаши лозим. Айниқса ўз юртдошини қачон бўлмасада қўполлик билан уришдан ўзини сақлаши зарур. Бундай қилган ажнабийни астиномлар қўлга олиб, ажнабийлар ҳомийси – худога эҳтиром сақлаб ишни муҳокама ва таҳлил этадилар. Агар улар, туб ерли одамни ажнабий адолатсиз равишда қамчи билан урган, деб қарор қилсалар, улар унга ҳам ўзи қанча урган бўлса шунча марта саваланишни белгилайдилар – унинг жасорати учун шу билан иш чегараланади. Агарда ажнабий бу ишини адолатли қилган бўлса, уни суд маҳкамасига олиб келган одамга танбеҳ бериб, астиномлар уларнинг иккаласини қўйиб юборади.

880

Агар тенгдош ўз тенгдошини ёки ўзидан ёши катта, лекин фирзандсиз одамни урса ёки чол чолни, ўспирин ўспиринни урса, у ҳолда табиий ҳимояга рухсат берилади, аммо қуролсиз, қўлнинг ўзи билан. Агар қирқ ёшдан ўтган одам ўзи (жанжал) бошлаб ким биландир уришишга журъат қилса, уни қўпол, ноолижаноб ва қўл сифат, деб ҳисоблайдилар ва бундай танбеҳ (ёмонлаш) унга муносиб жазо бўлади. Агар бундай пандларга у бўйсунса, уни итоат эттириш, танобини тортиб қўйиш осон бўлади. Бўйсунмаган, ушбу қонунлар дебчасига ҳеч қандай эътибор бермайдиган одам эса, қуйидаги қоида-тартибларга тайёр бўлсин: кимда-ким ўзидан йигирма ёш ва ундан ҳам каттароқ одамни урса, у ҳолда аввало, бу воқеанинг гувоҳи, агар у, уришаётганларга тенгдош бўлмаса ёки улардан ёш бўлмаса, уларни ажратиб қўйиши керак – акс ҳолда у, қонунга биноан ёмон фуқаро, деган ном чиқаради. Агар у калтакланаётганнинг тенгдоши бўлса ёки ундан ҳам ёш бўлса, ўз биродари, отаси ёки умуман хафа қилинаётган катта қариндоши сифатида унга ёрдам бериши керак. Бундан ташқари, айтиб ўтилганидай, ўзидан катта ёшда-

c

ги одамни уришга журъат қилган одамга ҳақоратлаганлик айби қўйилади. Агар унинг айби бўйнига қўйилса, уни бир йилдан кам бўлмаган муддатга зиндонбанд этилади. Агар ҳакамлар кўпроқ муддат берсалар, шу тайинланган муддат кучга кира қолсин. Агар ажнабий ёки метек ўзидан йигирма ёки ундан кўпроқ катта ёшдаги одамни урса, ўша қонуннинг ўзи, худди шу равишда жабрланган тарафни олишга чақиради. Суд маҳкамаси ишини ютқазган одам модомики асли шу ерли эмас, ажнабий экан, жазо сифатида уч йилга зиндонбанд қилинади; агар метек қонунларга бўйсунмаса, у ҳолда у уч йилга зиндонбанд қилинади, мабодо суд маҳкамаси ундан кўп муддат бермаса. Бундай ҳодисанинг, қонун талаб қилиши бўйича ёрдамга келмаган гувоҳи агар у олий синфга тааллуқли бўлса бир мина, агар иккинчи синфга тааллуқли бўлса – эллик драхмга, агар учинчи синфдан бўлса – ўттиз драхмга, агар тўртинчидан бўлса – йигирма драхмга жарима солинади. Бундай одамларни терговчи суд маҳкамаси стратеглар, таксиархлар, филархлар ва гиппархлардан иборат бўлади.

Одамлар тинч-тоғув яшашлари учун, бир-бирлари билан қандай муомалада бўлишлари кераклигини уларга ўргатиш мақсадида қонунлардан бири андишали одамларга мўлжаллаб ўрнатилса керак; бошқа қонунлар эса тарбия олмаган ва ўжар, ҳеч нарса билан мулоҳимлашгириб бўлмайдиган одамларга, бу одамлар бутунлай ёмонликка кириб кетмасинлар деган мақсадда берилади. Худди шундай одамлар дилимиздаги гапларни айтишга мажбур этадилар. Соҳиби қонун уларга қонунларни фақат иложсиз, мажбуран беради ва бу қонунлар ҳеч қачон қўлланмаслигини афзал билар эди.

Агар кимдир, отаси, онаси ёки уларнинг ота-оналарини на олий ҳудолар разабидан, на Аидда инсонни пойлаб туради, деб ҳисобланадиган ўч олишдан қўрқмай ҳақорат ва (уларга нисбатан) зўравонлик қилишга журъат этса; агар бундай одам, ўзи ҳеч ҳам билмайдиган нарсаларни худди ҳаммасини биладигандай бўлиб қадимий, ҳамма айтиб юрадиган ривоятларни менсимаса ва қонунларга хилоф иш қилса, у ҳолда бундай одамни жиноят қилиши-

дан қайтариш учун энг қатъий чоралар бўлиши зарур. Ўлим ҳам бундай чора бўлолмайди; айтадиганларидек, Аидда мавжуд бўлган азоб-уқубатлар, балки улардан ҳам аччиғроқ, надоматлироғи муносибдир. Аммо олий ҳақиқатдан хабар берувчи таълимотлар ҳам бундай дил (қалб)ларга ҳеч қандай таъсир ўтказмайдилар ва уларни жиноят қилишдан қайтара олмайдилар. Зеро, акс ҳолда ўлдирувчилар ҳам, бошқа катта ёшдаги қариндошларини беҳаёларча урадиганлар ҳам асло бўлмас эди. Бундай ҳолларда, буларга ўхшаш одамларни бундай кирдикорлари учун ҳаёт пайтларида оладиган жазолари, Аидда олинadиган жазолардан иложи борича кам бўлмаслиги зарур.

Энди бундай дейиш керак: агар кимдир жинниликка гирифтор бўлмай, ақлдан озмаган вақтида ўз отаси ёки онаси ёки уларнинг ота-оналарини уришга журъат этса, у ҳолда, аввал кўрсатиб ўтилган воқеалардаги каби биринчи учраган одам уларга ёрдамга келиши зарур. Бундай ёрдам берган метек ёки ажнабий мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаш ҳуқуқини олади. Ёрдам бермаган одамлар эса мамлакатдан қайтиб келмайдиган қилиб ҳайдаладилар. Метек бўлмаган ёрдам берувчи тасаннога лойиқ бўлади; ёрдам бермаган танбеҳ олади. Ёрдам берган кул озод бўлади; бундай ёрдам бермаган кулни қамчи билан юз марта уриш билан агораномлар жазолайдилар, агар жиноят бозор майдонида рўй берган бўлса; агар (бозор) майдонидан ташқарида, қаердадир шаҳар ичида рўй берса, бу ерда яшовчиларни жазолаш астиномлар иши бўлади. Агар бу воқеа қаердадир (бирор) қишлоқда рўй берса, агрономлар бошлиқлари жазо берадилар. Ҳар бир учраган шу ерда яшовчи одам – эркакми, болами ёки аёл – бундай одамни гуноҳкор одам, деб ҳисоблаб унга зарба бериши керак. Уни даф қилмаган одам қонун бўйича, қариндош-уруғчилик алоқалари ва ота ҳуқуқлари ҳомийси Зевспинг лаънатига ўзини гирифтор қилади. Кимнингдир ўз ота-онаси билан шафқатсиз муносабатда жанлиги фош этилса, у аввало шаҳардан мамлакатнинг бошқа жойларига бадарға қилинади ва ҳеч қандай ибодатхоналар, ҳарамларга киритилмайди. Қачонки у ерга борса астиномлар калтаклаб ва бошқа ҳар қандай йўл билан хоҳ-

b

c

d

лаганларича жазолайдилар. Агар у қайтиб келса унинг жазоси ўлим бўлади. Хур туғилганлардан кимдир бундай одам билан бирга ичса ёки овқатланса ёки ошқора равишда у билан мулоқотда бўлса, ёки ҳатто, уни танҳо учратиб ихтиёрий равишда унга қўл тегизса, бу одам то покланмагунча ҳарамларга кирмаслиги, бозор майдонига ва умуман шаҳарга келмаслиги керак, чунки у, ҳалок этувчи тақдир билан ёндошиб қолдим, деб ҳисоблаши керак. Агар у қонунга риоя қилмаса ва унга хилоф равишда ҳарам ва шаҳарни ҳаром қилса, буни билиб қолган ва суд маҳкамасига тортмаган мансабдор шахс ўз вазифаларини бажармаганлиги масъулиятини бўйнига олади ва албатта, жазога лойиқ бўлади. Агар қул фуқароми ёки ажнабийми барибир, хур туғилган одамни урса, биринчи учраган инсон унга (хур одамга - тарж.) ёрдам бериши керак, акс ҳолда у ўз мулкий мавқеига мос равишда биз аввал кўрсатиб ўтганимиз жаримани тўлаши керак бўлади. У ерда ҳозир бўлган одамлар жабрланган билан биргалликда уни (қулни) боғлашлари ва ўша жабрланганга топширишлари зарур. У эса ўзини хафа қилганни қабул қилиб олиб, кишанлаб хоҳлаганича савалаши мумкин, фақат бу билан қулнинг хожасига зиён келтирмаса бас; шундан кейин уни ўз хожасига топширади ва у қонун бўйича унга эгалик қилади. Қонун эса бундай: агар кимдир қул бўла туриб, мансабдор шахсларнинг бунга рухсатсиз хур туғилган одамни урса, у ҳолда хожа ўз қулини жабрланувчидан олиб уни кишанда сақлайди ва жабрланувчини қул ўзини озодликда яшашга лойиқ эканлигига ишонтирганидан кейингина кишандан озод этади. Ушбу барча қонунлар аёлларнинг ўз аро муносабатлари, аёлларнинг эркаклар билан муносабатлари ва эркакларнинг аёллар билан муносабатларига тааллуқлидир.

**Зўраволикнинг
(зулмининг) барча
хиллари учун
умумий қонун.
Бошқа ҳуқуқ -
бузарликлар**

Афиналик. (Кирдикор) ҳаракат билан қилинган ҳақоратлар ҳақидаги масалани кўриб чиққач, ҳар қандай турдаги зулмга бир хилда тааллуқли бўлган тахминан қуйидаги қонун - қоидаларни берамиз: бировнинг мулкидан ҳеч ким ўғирламаслиги, қўшни-

ларга тегишли бўлган нарсалардан унинг эгасининг рухсатисиз фойдаланмаслиги керак. Дарҳақиқат: шунга боғлиқ равишда, юқорида кўрсатиб ўтилган барча офатлар пайдо бўлган, рўй бермоқда ва рўй бераверади. Ўзга балолардан энг ёмони ёшларнинг беадабликлари ва интизомсизликларидир; агар бало-офат давлат ҳарамлари ёки фила аъзолари учун ва шунга ўхшаш бошқа бирикмалар учун умумий бўлган ҳарамлар борасида бўлса энг даҳшатли, улкан бало-офат бўлади. Муҳимлик даражаси бўйича иккинчиси хусусий муқаддас жойлар ва қабрларга нисбатан қилинган ҳақоратли ишлардир. Учинчи ўринда ота-оналарга нисбатан қилинган адабсизликлардир: бундай ахлоқсизлик намоён бўлганида, уни юқорида эслатиб ўтилган кирдикорлик билан қилинган ҳақоратлардан фарқ этиш зарур. Ахлоқсизликнинг тўртинчи тури - (бирор одам) мансабдор шахсларга бепарво муомалада бўлиб уларнинг буюмларини ўғирлаганида ёки уларнинг рухсатларисиз уларга тегишли нарсалардан фойдаланганида намоён бўлади. Бешинчи ўринга ҳар қандай фуқаронинг фуқаролик ҳуқуқини бузишни қўйса бўлади: бу суд маҳкамасига чақирилишга олиб боради. Бу ҳолатларнинг ҳар бири учун ҳаммага яхшилик келтирувчи қонун нашр этилиши зарур.

885

б

Худоларга қарши
жиноятлар.
Худоларга ногўфр
муносабатнинг уч
хили

Биз зўравонлик билан ва пинҳона муқаддас буюмларни ўғирлашда бўладиган шаккокликка бериладиган жазо ҳақидаги масалани қисқача қўриб чиқдик. Сўз ёки амал билан худоларни

ҳақоратловчи одамга бериладиган жазо ҳақидаги қонунларга дебоча сифатида панд-насиҳат илова қилиш зарур. Насиҳат эса қуйидагича бўлади: қонунларга монанд равишда худоларнинг мавжудлигига ишонганлардан ҳеч бири билиб туриб (ният қилиб) беномус иш қилмайди ва қонунга хилоф сўз айтмайди. Одам буни уч ҳолатда қилиши мумкин: қайтараман ё худоларнинг мавжудликларига ишонмаса, ё (иккинчи ҳолат) уларнинг борлигига ишонса ҳам уларнинг инсон ишларига аралашувларини инкор қилади, ё худ, ният (учинчи ҳолат), агар одам худоларни қурбонликлар ва дуолар, ибодатлар билан ўзи тарафига осонликча оғдириб олиш ва раҳм-шафқатларига эришиш мумкин, деб ўйлайдиган бўлса.

К л и н и й . Бундай одамлар билан биз қандай муносабатда бўлишимиз керак ва улар ҳақида нима дейиш мумкин?

А ф и н а л и к . Азизим, аввало уларнинг ўзлари нима дейишларини эшитиб кўрайлик. Улар ўзларини биздан устун деб билиб ҳазиломуз нималар дейишларини фаҳмлаб турибман.

К л и н и й . Нима дейдилар?

А ф и н а л и к . Бизга тегажаклик қилиб бундай дейишлари мумкин: “Афиналик ажнабий, сен лакедемониялик, ва сен кнослик, сизлар ҳақ сўзни айтмоқдасизлар. Дарҳақиқат, бизлардан баъзиларимиз худоларни мутлақо тан омайдилар, бошқалари эса худди сизлар айтганингиздек тан оладилар, Бешафқат жазолар билан бизни қўрқитишдан олдин – қонунлар билан бўлганидек аввало – худоларнинг мавжуд эканликларига ва қандайдир туҳфалар билан адолатга хилоф равишда уларни (ўзимизга) мойил ва мафтун этмоқ учун улар ҳаддан зиёд саодатманд эканликларига бизни ишонтирсангиз ва ўғитлар берсангиз адолатдан бўлар эди, деб ўйлаймиз. Зеро биз ҳозирги пайтда энг яхши ва энг машҳур шоирлар, нотиклар, башоратгўйлар, коҳинлар

ва беҳисоб кўп бошқа одамлардан худди шундай ёки шунга ўхшаш фикрни эшитамиз. Шунинг учун бизларнинг кўпчилигимиз, адолатсизлик қилмаслик ҳақида эмас, балки, қилиб бўлинган адолатсизликни юмшатиш, хаспўшлаш ҳақида кучлари етганича ҳам ейдилар. Агар ўзларини қаҳрли эмас, ювош деб эълон қилган соҳиби қонунлар бизга нисбатан ишонтиришни қўлласалар адолатдан бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Агар сизлар, бошқалар худоларнинг мавжудлиги ҳақида гапирганларидан озгина бўлсада яхшироқ гапирсангиз ҳам, бу, ҳақиқат борасида барибир анча яхши бўлар эди. Шундай ҳам бўлар-ки, биз ҳам осонликча ишонармиз. Агар биз бирор тутуруқсиз гап айтмаётган бўлсак, ҳар ҳолда бизнинг чақирғимизга жавоб бериб кўринг”.

Худолар мавжудлигининг исботи **К л и н и й .** Худолар мавжуд, деб тасдиқлайдиганларнинг ҳақ эканликларини исбот қилиш анчагина осон бўлиб кўринмаяптими сенга, ажнабий (биродар)?

А ф и н а л и к . Қандай қилиб?

886

К л и н и й . Буни аввало Ер, Қуёш, юлдузлар, умуман бутун Коинот, вақтнинг ушбу зебо тақсимоти, йиллар ва ойларга бўлиниш исботлайдилар. Кейин – барча юнонлар ва варварлар худоларнинг мавжуд эканликларини тан оладилар.

А ф и н а л и к . Азизим, бизга нафратли муносабатда бўлиб қолмасинлар, деб номақбул одамлардан кўрқаман (гўёки улардан уяламан, деб ҳеч қачон айтмайман). Зеро сиз улар нимада фарқланишларини билмайсиз: сиз, уларнинг диллари ҳузурлар ва эҳтирослардаги ўзининг фақат ўзбошимчалиги туфайли беномус ҳаётга берилганлар, деб ўйлайсиз.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), яна нима сабаб бўлиши мумкин?

А ф и н а л и к . Менингча, сизлар, бошқа шароитларда яшовчилар билмайдиган нарса: бу сиздан яширин қолади.

К л и н и й . Ҳозир нималар ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Энг буюк оқиллик (идрок) бўлиб туюладиган жуда ҳам оғир жоҳиллик ҳақида.

К л и н и й . Сўзларингни қандай тушуниш керак?

Афиналик. Биз афиналикларда ёзувларда – қисман назмда, қисман оддий баён этиб, – битилган худолар ҳақидаги ривоятлар бор. Менинг фикримча, яхши давлат тузуми туфайли сизда улар йўқ. Ривоятларнинг энг қадимийлари осмоннинг биринчи табиати ва қолган барча нарсаларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қиладилар. Шундан кейин ривоятлар худоларнинг пайдо бўлишларига ўтадилар ва худолар пайдо бўлганларидан сўнгги уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Айтгандай, агар маълум бир маънода бу ривоятлар эшитувчиларга ёмон таъсир ўтказсалар, ривоятларнинг жуда қадимийлигини назарда тутиб уларга таъна қилиш қийин. Мен уларни, (яъни, ривоятларни - тарж.) фойдали ва ота-оналарга ғамхўрлик ҳамда уларни эъзозлашга ёрдам берадилар, деб ёки уларда бўлиб ўтган ҳақиқий воқеа ҳикоя қилинади, деб ҳеч қачон мақтамаган бўлардим. Қадимий ривоятлар ҳақида шунинг ўзи етарлидир. Улар худоларга хуш келганликлари учун ҳикоя қилинаверсинлар, биз эса улар билан хайрлашамиз. Аммо, донишмандлар янги авлодининг асарлари, офат-балоларнинг асосий сабабчилари бўлганликларидан бизнинг танбеҳларимизга учраши керак. Бундай одамларнинг асарлари мана буларни келтириб чиқарадилар: худоларнинг мавжудлигига исботлар келтириб иккаламиз бир нарса – Қуёш, Ой, юлдузлар, Ер ҳақида худолар сифатида, нимадир илоҳий нарса ҳақида гапирамиз. Бу донишмандлар томонидан ишонтирилиб фикрларини ўзгартирган одамлар эътироз билдирадилар: буларнинг ҳаммаси – фақат тупроқ ёки тошлардир, бундан келиб чиқадики улар инсонларнинг ишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятига эга эмаслар. Бу фикрни сўзлар билан зийнатлаб, улар уни анчагина ишонарли қиладилар.

К л и н и й . Биттагина бўлса ҳам, сен ажнабий (биродар) қийин далилга дуч келиб қолдинг. Аммо бундай далиллар бисёр: шунинг учун иш қийинлашиб бормоқда.

А ф и н а л и к . Нима қилиш керак? Лекин қандай жавоб берамиз ва қандай йўл тутамиз? Худолар мавжуд, деган ишонч билан қонунлар ўрнатиб, нимадир ғаройиб иш қилмоқдалар, деб тасдиқловчи ва қонунчилик атрофида ивирсиб юрувчи беномус одамлар ҳузурларида кимдир бизни

айблаётгандек, биз ҳимояланамизми? Ёки бизнинг дебочамиз қонунларнинг ўзларидан узунроқ бўлмасликлари учун биз бу одамлар билан хайрлашиб яна қонунларга мурожаат этамизми? Агар биз, беномусликка интилаётган одамларга, бир томондан, уларнинг фикрларига кўра бу ҳолда гапирилиши керак бўлган нарсани бемалол исботлаб, бошқа томондан эса, нафратга лойиқ барча нарсага уларда кўрқинч ва нафрат уйғотиб ва шундан кейингина қонунчилик билан шуғулланадиган бўлсак, бизнинг баёнимиз асло мухтасар бўлмайди!

К л и н и й . Аммо ажнабий (биродар), қисқа вақт ичида биз бир неча бор, нутқ мухтасарлигини кенг қўламдаги баёндан авло кўрмаслик керак, деб айтдик-ку. Зеро, бизнинг ортимиздан ҳеч ким қувлаб келаётгани йўқ. Агар биз энг яхшиси ўрнига қисқасини танлаб олсак кулгили ва ёмон иш бўларди. Зеро, бизнинг худолар мавжуд, улар яхши, фаровон ва қиёслаб бўлмас даражада одамларга қараганда адолатли маҳкамани (адлияни) кўпроқ эъзозлайдилар, деб тасдиқлаганимиз ҳар ҳолда қандайдир ишонarli таассурот касб этди. Бу бизда умуман барча қонунлар ҳимояси учун энг яхши ва зебо дебоचा (кириш сўзи) бўлар эди. Шундай қилиб, ҳеч ҳам ховлиқмай ва шошимай ва имкон борича ҳеч нарсани назардан тушириб қолдирмай, бизда мавжуд бўлган бор ишонтириш қувватини ишга соҳиб бу муҳим масалани муҳокама этамиз.

А ф и н а л и к . Сен шундай сидқидилдан гапирдингки, менингча сенинг ҳозирги сўзларинг дуо (ибодат) қилишга ундайдилар! Сусткашлик қилиб бўлмайди энди! Дарҳақиқат, худолар мавжудлигини ким ҳаяжонсиз тасдиқлай олади? Ушбу нутқларимизнинг олдинги ва ҳозирги сабабчилари бўлган одамларни хуш кўрмаслик ва ёмон кўриш табиий бир ҳол. Энагалар ва оналарнинг (кўкрак) сутларидан озиқланаётган пайтларида, ҳам эрмак учун, ҳам жиддий айтиб берилган ривоятларга бу одамлар ишонмайдилар, худди энагалар шайдо қилувчи қўшиқлар айтганларидай. Улар бу ривоятларни қурбонликлар қилинганидаги ибодат, дуолар пайтида эшитганлар. Ёш йигитларнинг кўзларига ҳам, қулоқларига ҳам жуда хуш ёқадиган, монанд томошаларни кўрганлар. Улар ўз ота-

оналарнинг худоларга дуолар ва илтижолар билан ўзлари ва болалари учун мурожаат этиб қурбонликлар келтиришга қанчалик сидқидиллик кўрсатганларини ва бу билан худоларнинг мавжуд эканликларига чуқур ишонч билдирганларини кўрганлар. Улар, элинлар ва барча варварлар турли бахтсизликларда ҳам, мукаммал фаровонликларда ҳам Қуёш ва Ойнинг чиқиш ва ботиш онларида тиз букиб ва ерга бош қўйишларини ва бу билан худолар мавжудлигига ўзларининг тўла ишончларинингига эмас, ҳатто ҳеч ҳам бунга шубҳалари йўқ эканлигини кўрсатишлари ҳақида эшитганларидан биладилар ва ўзлари буни кўриб турибдилар ҳам. Озгина ақли бор ҳар қандай одам тан олиши керак бўлган нарсани ҳеч қандай асоссиз менсимасдан бу одамлар, бизни шу айтаётган сўзларимизни айтишга мажбур этмоқдалар. Насиҳатларни бу ўринда қисқа қилиб бўладими, агар худолар ҳақидаги таълимотни уларнинг мавжуд эканликларига исботдан бошланса! Лекин бунга журъат этамиз! Чунки, бирларимиз ҳузурларга қондириб бўлмайдиган эҳтиросдан, бошқаларимиз – шундай одамларга нафратланиб жазавога тушишимиз, номаъқул ишдир. Бунчалик фикрлари бузуқ одамларга босиқлик билан ўтит берайлик. Улардан бири билан суҳбатлашаётганда ўз ғазабимизни тийиб, мулойимлик билан бундай деймиз: “Болам, сен ҳали ёшсан. Вақт ўтиши билан ҳозирги фикрларингнинг кўпини қарама-қаршисига ўзгартиришингга тўғри келади. Шунинг учун бундай муҳим нарсалар ҳақидаги ўз мулоҳазаларингни ўша пайтгача қолдир. Энг муҳими эса – сен ҳозир ҳеч ҳам ўйламаётганинг, одам яхши яшайдими ё йўқми барибир худолар ҳақида унинг тўғри тасаввурга эга бўлишидир. Бу борада мен сенга ҳозир бир танбех берсам, ҳеч ёлгон бўлмайди: фақат сен бир ўзинг ва сенинг дўстларинг биринчи бўлиб худолар ҳақида бундай фикрга эга бўлмагансизлар; ҳамма вақт бу касалликка гирифтор одамлар озми кўп учраб турадилар. Уларнинг кўплари билан таниш эдим, мен сенга бундай деган бўлардим: ёшлигида худолар гўёки мавжуд эмаслар, деган фикрга эга бўлганлар бундай фикрлар тарзини то қаригунларигача сақлаб қолмаганлар. Бошқа икки

иллат сақланиб қолади – тўғри кўпчиликда эмас, фақат баъзиларида: биринчидан бу гарчи худолар бўлсалар ҳам инсонлар ишлари ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар, деган фикр, иккинчиси гарчи худолар инсонларнинг ишлари ҳақида ғамхўрлик қилсалар-да, уларни қурбонликлар ва дуолар (ибодатлар) билан ўз фойдаларига оғдиркиш мумкин, деган фикр. Агар сен менга ишонсанг, худоларга бўлган бу фикр имкон борича равшан бўлади; иш ҳақиқатан шундайми ёки бошқачами деган бу масаланинг муҳокамасини сен кейинга қолдирасан ва бошқа одамлардан, айниқса эса, соҳиби қонунлардан сўрай бошлайсан. Бу орада худолар борасида ҳеч қандай беномус (ёмон) ишларга журъат этмагин. Сен учун қонунлар нашр этувчи эса, ҳақиқий аҳвол ҳақида сенга ўғитлар беришга яна бир ҳаракат қилиб кўрсин”.

К л и н и й . Шунгача айтганларингнинг ҳаммаси ажнабий (биродар) жуда гўзал ва зебо.

А ф и н а л и к . Мутлақо тўғри, Мегилл ва Клиний; аммо ўзимиз сезмаган ҳолда ғалати бир таълимотга дуч келиб қолдик.

К л и н и й . Қандай таълимот ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Кўпчилик одам ҳаммасидан кўра донороқ, деб ҳисоблайдиган.

К л и н и й . Аниқроқ гапир.

А ф и н а л и к . Баъзи одамлар барча пайдо бўлаётган, пайдо бўлган ва пайдо бўладиган нарсаларнинг содир бўлишига қисман табиат, қисман санъат, қисман эса тасодиф сабабчи, деб ўргатадилар.

К л и н и й . Бу нотўғрими?

А ф и н а л и к . Албатта, донишмандларнинг таълимотлари табиийки, тўғри бўлгани маъқул. Уларга эргашайликда, бундай одамлар қандай фикрлар тарзига келишларини кўрайлик.

К л и н и й . Жуда яхши.

А ф и н а л и к . Улар айтадиларки, ҳар қалай энг улуғ ва зебо нарсалар табиат ва тасодиф томонидан, номухимроқлари эса – санъат томонидан яратилган, санъат табиат кўлидан унинг буюк ва бирламчи ижодларини тайёр ҳолда олади; у (санъат) эса унга фақат ишлов беради ва ҳайкалта-

d

e

889

рошлик қилади, бу унчалик муҳим эмас ва буларнинг бари-
сини биз унинг асарлари, деб атаймиз.

б Клини й . Нималарни назарда тутмоқдасан?

Афиналик . Равшанроқ баён этай: олов, сув, ер (туп-
роқ) ва ҳаво – буларнинг ҳаммаси, табиат ва тасодиф
туфайли мавжудлар; санъатнинг эса ҳеч алоқаси йўқ, деб
тасдиқлайдилар. Ўз навбатида ушбу мутлақо жонсиз [бош-
ланғич унсурлардан] жисмлар – Ер, Қуёш, Ой ва юлдуз-
лар пайдо бўладилар. Ушбу [унсурлардан] ҳар бирлари
тасодифий куч иродаси билан ҳаракатланардилар ва
улар қаерда тўқнашсалар, қандайдир ўхшашлик туфай-
ли: иссиқ совуққа, қуруқ намга, юмшоқ қаттиққа бир-
бири билан мослашган. Яъни, тақдирга кўра барча зар-
рур ва мос равишда, қарама-қарши [унсурлар, ибтидо-
лар]лар аралашиб кетдилар: шундай қилиб бутун осмон
яхлитлигича ва ундаги барча нарсалар, ҳамда ҳайвонот
ва наботот пайдо бўлганлар, деб тасдиқлайдилар улар.

с Гўёки ақл ёки қандайдир худованд ёки санъат туфайли
эмас, шундан йил фасллари ўзгариши ҳам бошланган дей-
ишади: қайтариб айтаман, гўё буларнинг ҳаммаси таби-
ат ва тасодиф туфайли пайдо бўлган, деб ўргатадилар.

д Санъат эса буларнинг ҳаммасидан кейинроқ пайдо
бўлган; у боқий эмас ва ҳақиқатга унча алоқаси бўлма-
ган одатда тасвирий, мусиқий санъатлар ҳамда улар би-
лан ҳамкор санъатлар бунёд этадиган шундай нарса-
ларга ўхшаш шартлар, қандайдир эрмак сифатида, бо-
қий бўлмаган нарсадан кейинроқ пайдо бўлган. Демак,
санъатлардан фақат ўз кучини табиат билан биргалик-
да қўллайдиганларигина ниманидир жиддий нарсани ву-
жудга келтирадилар: масалан, табиблик, деҳқончилик ва
гимнастика шундайдилар. Давлат бошқарувида эса, дей-
дилар ўша одамлар, фақат озгина арзимас қисмигина
табиатга тааллуқли, қўп қисми эса санъатга тааллуқли-
дир. Шунинг учун ҳар қандай қонунчилик ҳам табиатга
эмас, санъатга боғлиқ; шу сабабдан унинг низомлари
ҳақиқатдан йироқдир.

е Клини й . Нималар деяпсан?

Афиналик . Азизим, бунга ўхшаш одамлар худолар
ҳақида бундай дейдилар: худолар табиатдан эмас, санъ-

ат кучи ва қонунлар туфайли мавжудлар, бунинг устига ҳар бир халқ ўз қонунчилигининг пайдо бўлишида, қандай бўлиши кераклиги ҳақида келишиб олганига монанд равишда қонунлар турли жойларда турлидирлар. Худди шунга ўхшаб табиат бўйича бир нарса, қонун бўйича эса бошқа нарса зебо, гўзалдир; табиат бўйича адолатлилик умуман йўқ. Бу борада соҳиби қонунлар доимо турли фикрларга эгалар ва бу ерда доимо янги ва янги ўзгартишлар киритадилар. Соҳиби қонунларнинг бу ўзгарувчан қарорлари гўё ҳар бири ўз навбатида ўз вақти учун ҳукмрон бўлади, ҳамда улар табиат бўйича эмас, санъат ва муайян бир қонунлар туфайли пайдо бўладилар. Азиз дўстларим, донишманд одамлар, улар шоирларми ёки оддий ҳикоя қилувчиларми олий адолат – бу, кимнингдир куч билан устун келишидир, деб тасдиқлаб шуларнинг ҳаммасини ёшларга айтадилар. Ёшларда шунда ёмон, беномус фикрлар пайдо бўлади, гўё қонун тан олишни талаб этадиган худолар йўқдай. Шу сабабли ғалаёнлар ҳам чиқади, чунки (уларнинг) ҳар қайсилари бошқаларини табиатга мос равишда яшашга қизиқтиради, бундай ҳаёт эса, гўёки, бошқа одамларга қонунга мос равишда тобеъ бўлиб яшаш эмас, балки бошқалардан устун бўлиб яшашдан иборатдек.

890

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сен қандай таълимотни баён этдинг! Бу ерда ёшлар учун ҳам умумдавлат, ҳам хусусий, ҳам оилавий ҳаётда қанчалар ҳалокатли нарсалар мавжуд!

b

А ф и н а л и к . Сен ҳақиқатни айтмоқдасан, Клиний. Сенингча соҳиби қонун нима қилиши керак? Зеро бундай ҳолат анча олдин шакланган. У, шаҳарнинг ўртасида туриб олиб: улар худоларнинг мавжудлигини ҳатто тан олмасалар ҳам ва худоларни қонун тан олганидай деб ҳисобламасалар ҳам (зеболик, адолат, яхшилик ва ёмонликка йўналтирувчи умуман энг муҳим нарсалар борасида ҳам худди шундай), барибир соҳиби қонуннинг ёзма кўрсатмаларига фикран ҳам, амалда ҳам риоя қилишлари керак, деб барча одамларга дўқ-пўписа қилиши керакми? Кимда-ким қонунларга бўйсунмаса, гўё уларнинг бирини – қатл этишга, бошқасини калтаклаш ва зиндонга, учинчисини фуқаролик

c

хуқуқларидан маҳрум этишга, бошқаларни эса хазина фойдасига мол-мулкни олиб қўйиш ва сургунга ҳукм қилиши зарурми? Ёки одамларга қонунлар ўрнатиш билан баробар равишда иложи борича ўз нутқини ишонтириш ёрдамида юмшатиши даркорми?

d

К л и н и й . Албатга шундай, ажнабий (биродар), агар бундай нарсаларда одамларни ишонтиришга имконият, ҳатто арзимайдиган имконият бўлиб қолса, у ҳолда ҳар қандай озми-кўпми маъқул соҳиби қонун бунга ўзига ортиқча юк, деб билмаслиги зарур, балки аксинча, қадимги қонунга сўз билан хизмат қилиш ва худоларнинг мавжуд эканликларини ҳамда ҳозиргина сен таҳлил қилган барча нарсаларни исботлаш учун айтганларидек овозини баралла қўйиши зарур. У қонуннинг ўзига ва санъатга ёрдам бериши ва уларнинг иккаласи ҳам – табиат ижодлари эканлигини ёки сен ҳозиргина келтирган ва унга мен ҳам рози бўлганим соғлом низомга кўра ақл вужудга келтирган нарса бўлгани учун ҳам табиатдан паст эмаслигини кўрсатиши керак.

e

А ф и н а л и к . Оҳ, толиқмас, Клиний! Қандай қилиб? Оломонга мўлжалланган, яна бениҳоя узун низомларга риоя қилиш осонми?

К л и н и й . Нима ҳам қилардик, ажнабий (биродар)! Агар биз ўзимизнинг сархушлик - мастлик ва мусиқа санъати ҳақидаги мулоҳазаларимизга қаноат қилиб чидаган эканмиз, наҳотки сўз худолар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар ҳақида борганида чидамаймиз? Бу, онг (ақл) билан туташ қонунчилик учун сўзсиз буюк бир кўмак бўлади. Гап шундаки, қонунлар борасидаги ёзиб қўйилган панд-насихатлар барқарор турадилар ва хоҳлаган пайтда фош этувчи бўлиб хизмат қиладилар. Шунинг учун, агар уларни ўзлаштириш аввал қийин бўлса кўрқмаслик керак: кимда-ким фаҳм этолмаса, уларни кўриб чиқишга тез-тез қайтавереди. Уларнинг кенг кўламлигидан ҳам кўрқмаслик керак – улар фойдали бўлсалар бўлди. Шунинг учун, бу низомларни иложи борича қувватлаш зарур, қувватламасликка ҳеч кимда асос йўқ. Бунинг устига менга бу ҳақиқатан ҳам муртадлик бўлиб туюлар эди.

891

М е г и л л . Ажнабий (биродар), менингча Клиний жуда яхши гапирди.

b

А ф и н а л и к . Ҳа, жуда яхши, Мегилл; ва худди у айтганидай қилиш керак. Зеро, агарда бундай таълимотлар, айтса бўладики, ҳамма одамлар орасида тарқалмаган бўлганида худдоларнинг мавжудлиги ҳақидаги таълимотни ҳимоя қилишга хожат бўлмас эди. Аммо ҳозир бу зарурдир. Ёмон одамлар тарафидан бузилаётган олий қонунларга ёрдам бериш айнан соҳиби қонунларга муносиб эмасми?

Аммо, Клиний менга яна бир бор қайтариб айт, – сен бу мулоҳазаларнинг қатнашчиси бўлишинг керак-ку: эслатиб ўтилган таълимотларнинг ихлосмандлари, назаримда, олов, сув, тупроқ ва ҳавога ҳамма нарсаларнинг ибтидолари (бирламчи бошланишлари) сифатида қарайдилар ва худди шуни табиат, деб атайдилар. Дил (нафс, руҳ, жон)ни эса кейинроқ шу ибтидолардан келтириб чиқарадилар. Айтгандай, эҳтимолки, шундай бўлиб туюладигина эмас, балки аслида бундай нуқтаи назар бу таълимот томонидан тасдиқланади.

К л и н и й . Ҳа, шундайлиги аниқ.

А ф и н а л и к . Зевс билан онт ичаман-ки, табиат ҳақидаги текширувларга қачонлардир қўл урган одамларнинг бемаъни фикрлари манбаъини топгандекмиз. Бу таълимотни кўриб чиқ ва диққат билан таҳлил қил! Бу гуноҳкорона таълимотларнинг бошловчилари умуман камкўстсиз эмас, балки аксинча хато мулоҳазалар олиб бораётган бўлиб чиқсалар жуда муҳим бўлар эди. Менга худди шундай бўлиб туюлади.

К л и н и й . Яхши айтилган сўз; аммо уларнинг хатолари нимада, тушунтир.

А ф и н а л и к . Назаримда, одатдагидан ўзгачароқ мулоҳазалардан бошлашимизга тўғри келади.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), аммо бу, иккиланишлар учун сабаб бўлолмайди. Тушунаман, агар бу масалани кўриб чиқсак биз қонунчилик чегарасидан чиқиб кетамиз, деб ўйлаяпсан. Аммо, ҳозир қонун худолар ҳақида бераётган тасаввур билан келишишга одамларни мажбур этадиган бошқа усул йўқ бўлгани учун, дўстим, бу йўлни ҳам синаб кўрайлик.

А ф и н а л и к . Ундай бўлса мен бир ғайри оддий сўз айтаман, яъни: таъсирида гуноҳкор одамларнинг дили

(нафси, руҳи) ривожланадиган таълимотлар, ҳамма нарсаларнинг пайдо бўлиши ва ҳалокатлари сабабчиси бўлган нарсани бирламчи эмас, балки кейинроқ пайдо бўлган, деб эълон қиладилар; аслида кейинроқ пайдо бўлган нарсани эса, улар бирламчи (ибтидоий) деб эълон қиладилар. Худодарнинг ҳақиқий (чин) моҳиятлари (жавҳари) борасидаги уларнинг адашишлари шундан келиб чиқади.

892

К л и н и й . Ҳозирча мен тушунмаяпман.

А ф и н а л и к . Дил (нафс, жон, руҳ) нима эканлиги, дўстим, деярли ҳеч кимга маълум бўлмаса керак – у ўзи қандай, қандай аҳамиятга эга, унинг бошқа хусусиятлари қандай, айниқса у қандай пайдо бўлган; зеро у – бирламчи, барча жисмлардан олдин пайдо бўлган ва шунинг учун, жисмларнинг турли-туман ўзгаришлари ва қайта тузилишлари устидан бошқа нарсаларга қараганда кўпроқ ҳукм юрита олади. Ростки иш шундай экан, дилга яқин бўлган нарса, жисмга тегишли бўлган нарсадан олдин пайдо бўлиши зарур, чунки дил жисм (бадан)дан каттароқ ёшда, шундай эмасми?

К л и н и й . Албатта, шундай бўлиши зарур.

А ф и н а л и к . Фикр (мулоҳаза), ташвиш (ғамхўрлик), ақл, санъат ва қонун демак қаттиқ, юмшоқ, оғир ва енгилдан олдин бор бўлганлар. Санъатнинг дастлабки буюк асарлари ҳам, олий намуналари ҳам эрта пайдо бўлганлар, чунки улар бирламчи бошланиш (ибтидо)лар орасида мавжуддирлар; табиат бўйича мавжуд нарсалар ва табиатнинг ўзи ҳам, – айтиш керак, бу номни нотўғри ишлатишади, – кейинроқ, санъат ва онг (идрок)дан пайдо бўлган ва уларнинг ҳукми остидадир.

К л и н и й . Нотўғрилиқ нимадан иборат?

А ф и н а л и к . Бу одамлар бирламчи бошланиш (ибтидоий)нинг пайдо бўлишини табиат, деб аташни хоҳайдилар. Агар, ибтидо (дастлабки бошланиш)нинг ўзи олов ва ҳаво эмас, дил (нафс, жон, руҳ) бўлиб чиқса, чунки дил бирламчи, у ҳолда айнан дил кўпроқ табиатдан мавжуд, дейиш тўғрироқ бўлади. Агар кимдир дилнинг жисм (бадан)дан каттароқ (ёшда) эканлигини исботласа, – бу шундайдир, ҳеч бошқача эмас.

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан.

Афиналик. Шундай қилиб, энди исботнинг ўзига ўтмаймизми?

Клиний. Албатта.

Афиналик. Фақат ёшларга тўғри келадиган бу муғом-бир таълимот биз чолларнинг фикримизни ўзгартириб ва қўлдан сирғалиб чиқиб, бизни кулгили ҳолга солиб қўйишидан эҳтиёт бўлишимиз керак; катта нарсани мўлжалга олиб, кичкина нарсага теккиза олмагандай бўлиб туюлмасин тагин. Қаранг, агар уччаламизга шиддат билан оқаётган дарёдан ўтишга тўғри келиб қолса, у ҳолда мен энг ёш ва кучли оқимлардан сузиб ўтишга энг тажрибали бўлганим учун, ўз-ўзимча, бир ўзим сузиб ўтишни синаб кўрмоғим, сизларни эса беҳатар жойда қирғоқда қолдиришим ва сизларга бу каттароқ ёшдагиларга ҳам бу ердан ўтиш иложи борми ё йўқлигини билишим керак. Агар сузиб ўтиш мумкин бўлса, мен сизларни чақириб, тажрибали бўлганлигимдан ёрдам берган бўлардим; агар ўтиб бўлмаса, фақат мен ўзим хавф остида бўлардим. Бундай эҳтиёткорлик ўринлидир. Ҳозир ҳам шундай: бўлғуси муҳокама ундан ҳам шиддатлироқ ва бизнинг куч-қувватимиз билан ундан ўтиш деярли мумкин эмас. Саволларнинг бундай шиддатли оқимини кўриб сизлардай жавобларга ўрганмаган одамларнинг бошингиз айланиб, кўзингиз қоронғулашиб кетмасин. Бундай нохуш ва нолайиқ иш бўлмаслиги учун мен худди шундай йўл туттишим зарур: сизлар хавф-хатарсиз эшитасиз, мен эса аввал ўзим ўзимга саволлар бераман, кейин эса уларга ўзим жавоб бераман. Дил борасида аниқлик киритилмагунча ва дил жисм (бадан)дан бирламчироқ эканлиги исботланмагунча бу текширишни шу тарзда олиб борамиз.

Клиний. Ажнабий (биродар), сенинг таклифинг жуда гўзал; энди уни амалга ошир.

Афиналик. Жуда яхши. Агар бизга қачондир худони ёрдамга чақириб зарурати бўлса, бу зарурат ҳозир айниқса кучлидир. Шундай қилиб, жону дилимиз билан мавжудлигини исбот қилишимиз керак бўлганлардан илтижо қиламиз! Шу арқон билан қирғоққа ўзимизни маҳкам боғлаб, мулоҳазаларимизнинг очиқ денгизига тушамиз. Агар мени ушбу саволлар билан фош этмоқчи бўлсалар, менингча у ҳолда қуйидагича жавоб бериш лозим. Қачонки кимдир:

– Ажнабий, ҳамма нарса бир жойда туриб, ҳеч нарса ҳаракатда бўлмайдими? Ёки аксинчами? Ёки нарсаларнинг бир қисми ҳаракатда, бир қисми сокинми? – деб сўраса, мен жавоб бераман:

– Ҳа, нарсаларнинг бир қисми ҳаракатда, бир қисми сокин.

c – Албатта, турган нарсалар турибдилар, ҳаракатланувчилари эса қандайдир маконда ҳаракатланадилар?

– Албатта шундай.

– Яна, нарсаларнинг бир қисми қандайдир бир жойда ҳаракатланади, бошқа қисми – кўп жойларда, шундайми?

– Бир жойдаги ҳаракат ҳақида гапириб, – жавоб берамиз биз, сокин турувчи нарсаларнинг кучи марказга жойлашганларини назарда тутмоқдасан, – масалан, филдиракнинг айланаси айланиб турсада, филдиракнинг ўзи ҳақида у (жойида) турибди, дейдилар.

d – Ҳа, биз тушунамиз, бунга ўхшаш ҳаракат бундай айланишда, ҳам энг катта, ҳам энг кичик айланани айлантириб, шу айланаларнинг меъёри (катта-кичиклиги)га қараб тақсимланади, шундай қилиб улар ўлчовига қараб гоҳ камаяди, гоҳ кўпаяди. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракат хилма-хил ажойиб [ҳодисот] манбаъси бўлиб хизмат қилади: у, бир вақтнинг ўзида катта ва кичик айланаларга бир-бирлари билан мувофиқлашган айланиш секинлиги ва тезлигини беради, айтиш керак-ки, кимдир уни номумкин, деб ҳисоблаши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

– Сен мутлақо ҳақсан. Кўп жойларда ҳаракатланувчи нарсалар, деб сен, менинчга, жой ўзгартириш (силжиш) йўли билан доимо ўз жойини янги жойга алмаштириб турувчи ва гоҳ бир асос, бир тўпланиш, гоҳида эса юмалашлари туфайли кўп асос касб этадиган нарсаларни назарда тутсанг керак. Бу барча нарсалар ўртасида тўқнашувлар бўлиб туради: бу борада тез келаётган нарса турган нарсага урилиб парчаланади; агар қарама-қарши тарафдан бир-бирига қараб келаётган нарсалар учрашсалар, улар бир бўлиб қўшилиб кетадилар ва аввалги иккитасининг орасидаги ўртанча бир нарсани пайдо қиладилар.

– Сен айтгандек бўлади, мен ҳам шу фикрдаман.

– Бундай турдаги бирлашувда нарсалар катталашадилар, парчаланганда эса ҳалок бўладилар: бу, нарсаларнинг маълум бир ҳолати қарор топганида бўлади; агарда у қарор топмаса, шу икки сабаб туфайли нарсалар ҳалок бўладилар. Қандай ҳолатда барча нарсаларни пайдо бўлиши рўй беради? Равшанки, бу ҳолат, қачонки бирламчи бошланиш (ибтидо) қўшилишни қабул этиб иккинчи даражага, ундан эса – энг яқин кейингисига ўтса рўй беради; уртагача ўтишни (кўчишни) адо этиб, кимда сезиш қобилияти бўлса ўша сезадиган бўлади. Шундай қилиб, шунга ўхшаш кўчиш (ўтиш) ва жой ўзгартириш (силжиш) йўли билан ҳам барча нарса пайдо бўлади; бу энди ҳақиқий борлиқ (мавжудият)дир, негаки у барқарордир; бошқа ҳолатга ўтишда эса у бутунлай ҳалок бўлади.

Дўстларим, иккитасини ҳисобга олмаганда, биз санаб ўтиш мумкин бўлган барча ҳаракат хилларини айтиб ўтдик, тўғрими?

К л и н и й . Қайсиларини?

А ф и н а л и к . Бу текширувни бошлашимизнинг асосий сабабчиларини деса ҳам бўлаверади, дўстим.

К л и н и й . Аниқроқ гапир.

А ф и н а л и к . Дил учун бу текширишларни қилмаяпмизми?

К л и н и й . Албатта шундай.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, бу ҳаракатларнинг хилларидан бири, бошқа нарсаларни ҳаракатга келтира оладиган, ўз-ўзини эса ҳеч қачон ҳаракатлантира олмайдигани бўла қолсин. Бошқаси эса, яна аввалгидай бошқа ҳамма хиллардан айрим, ҳар доим ҳам ўзини, ҳам бошқа нарсаларни қўшилиш ва парчаланитиш, ўсиш ва камайитиш, пайдо бўлиш ва барбод бўлишда ҳам ҳаракатга келтира оладигани бўлади.

К л и н и й . Шундай бўла қолсин.

А ф и н а л и к . Бошқа нарсаларни доимо ҳаракатлантирадиган ва уларнинг таъсирида ўзи ўзгарадиган ҳаракатни ҳаракатнинг тўққизинчи хили, деб атамаймизми? Ўз-ўзини ҳам, бошқа нарсаларни ҳам ҳаракатга келтирувчи ва ҳар қандай ҳаракатлар ва ҳолатлар билан мослаша оладиган ҳаракатни барча мавжудиятнинг ўзгариши ва

ҳаракати, деб чин гапни айтадилар; бу ҳаракатни биз ўнинчи хил, деб белгилаб қўямиз.

К л и н и й . Сўзсиз шундай аташ керак.

А ф и н а л и к . Ҳаракатнинг бу ўн хилдан қайси бирини энг қудратли ва айниқса таъсирчан, деб ҳисобланса тўғрироқ бўларди?

К л и н и й . Ўз-ўзини ҳаракатлантирувчи ҳаракатни бошқаларидан беқиёс юксак деб тан олиш керак бўлади; ҳаракатнинг қолган ҳамма хиллари иккинчи ўринда турадилар.

А ф и н а л и к . Яхши. Демак, ҳозир унча тўғри айтилмаган нарсаларда битта ёки иккита ўзгаришлар қилишимизга тўғри келади.

К л и н и й . Қандай ўзгаришлар ҳақида гапирмоқдасан?

А ф и н а л и к . Айтиш керакки, биз бу хилни ўнинчи, деб унча тўғри айтмадик.

К л и н и й . Қайси маънода нотўғри?

А ф и н а л и к . Бизнинг мулоҳазамизга кўра, ҳаракатнинг бу хили, ўзининг келиб чиқиши бўйича ҳам, қудрати бўйича ҳам биринчиси бўлади; ҳозиргина тўққизинчи деб нўноқ аталган хили эса, ундан кейин иккинчи бўлади.

К л и н и й . Сен нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Мана буни: агар бизда бир нарса бошқасида ўзгариш содир этса, у эса ўз навбатида учинчисида ўзгариш содир этса, у ҳолда бунга ўхшаш нарсалар орасида биринчи марта бу ўзгаришларни содир этгани топиладими?

Бошқа нарса билан ҳаракатланадиган бир нарса ўзгаришлар келтириб чиқарадиган нарсалар орасида биринчи бўла оладими? Зеро, бундай бўлиши мумкин эмас. Айтиш керак-ки, қачон нарса ўзини ўзи ҳаракатлантирса ва бошқа нарсани ўзгартирса, бу бошқаси эса учинчисини ва ҳоказо, яъни, қачонки, ҳаракат бениҳоя кўп сонли нарсаларга узатилса (ўтказилса), у ҳолда ўзини ўзи ҳаракатга келтирадиган бу нарса ўзгаришларидан ташқари, бошқа бир қандайдир ҳаракат ибтидоси (бошланиши) топиладими?

К л и н и й . Сен мутлақо ҳақсан. Бу гапга қўшилиш керак.

Афиналик. Ўзимизга яна бундай саволни берамиз ва ўзимиз унга жавоб берамиз: кўпчилик одамлар тасдиқлаб айтишга журъат қилганларидек, агар барча нарсалар ўзларининг пайдо бўлишлари заҳотиёқ беҳаракат (турғун, сокин) қолсалар юқорида санаб ўтилганлардан қайси ҳаракат улар орасида биринчи бўлиб пайдо бўлиши кераклиги зарур эди? Албатта, ўзини ўзи ҳаракатлантирувчиси. Дарҳақиқат, то ўша пайтгача бошқа [нарса] таъсирида у ўзгаришга учраши мумкин эмас эди, чунки у пайтда нарсаларда умуман ўзгариш бўлмаганди. Демак, турғун ва ҳаракатдаги нарсалар орасида туғилган барча хил ҳаракатларнинг бирламчи бошланиши (ибтидо)си, бизнинг тан олишимизча ўзи ҳаракатланувчи, барча ўзгаришлар ичида энг қадимий ва кучлисидир; бошқа нарса таъсирида ўзгарувчи ва сўнгра бошқа нарсаларни ҳаракатга келтирувчи нарсани биз иккиламчи, деб тан оламиз.

Клиний. Жуда тўғри.

Афиналик. Ростики биз ўз мулоҳазаларимизда шу жойга етиб келибмиз, энди мана бунга жавоб берайлик...

Клиний. Ростданми?

Афиналик. Агар биз ушбу ибтидонинг туғилишини тупроқ, сув ёки оловсифат муҳитда кўриб қолсак, – бу муҳит соф ҳолатдами ёки аралаш ҳолдами, барибир, – бундай ҳолатни қандай атаган бўлар эдик?

Клиний. Ростики у ўзини ўзи ҳаракатлантирса, биз уни ҳаёт, деб атаймизми деб сўрамоқдасан шекилли?

Афиналик. Ҳа.

Клиний. Албатта ҳаёт деб, бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Хўш, қачонки биз бирор нарсада дил (нафс, жон, руҳ)нинг (борлигини) пайқасак, бу ўшанинг ўзи, яъни ҳаёт, деб айтмаймизми?

Клиний. Албатта (шундай деймиз).

Афиналик. Зевс ҳурмати бунга эслаб қол! Ҳар бир нарса ҳақида биз уч (хил) фикрлашимиз мумкинлигини тан оласанми?

Клиний. Нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Биринчидан, нарсанинг моҳияти (жавҳари), иккинчидан, шу моҳиятни аниқловчиси, учинчидан,

унинг номи. Бутун мавжудият (борлиқ) борасида ҳам иккита савол берилиши мумкин.

Клини й . Қандай саволлар?

Афиналик . Бирорта нарсанинг номини таклиф этиб, унинг аниқловчиси ҳақида сўраш мумкин ёки аксинча, унинг аниқловчисини таклиф этиб, номи борасида сўраш мумкин. Шунга ўхшаш нарса ҳақида ҳозир ҳам нимадир демоқчимиз, тўғрими?

Клини й . Айнан нима ҳақида?

Афиналик . Нарсаларнинг иккиҳадликлари ҳамда сонлар ҳақида. Сонга нисбатан у “жуфт” номини олади. Бу номнинг аниқловчиси: “иккита тенг қисмга бўлинадиган сон”.

Клини й . Ҳа (шундай).

Афиналик . Мен шунга эътибор қаратмоқчиман. Биздан аниқловчини сўрашганида, биз эса, номини айтаемиз, худди шунга ўхшаб, биздан номини сўрашганида, биз эса, аниқловчини айтаемиз, бу иккала ҳолда ҳам биз бир нарсани белгилаймиз, тўғри эмасми? Зеро биз бир нарсанинг ўзини, “жуфт” номи ва “иккита қисмга бўлинадиган сон” аниқловчиси ёрдамида белгилаймиз.

Клини й . Шубҳасиз шундай.

896 Афиналик . Номи “дил” (“нафс”, “жон”, “руҳ”), бўлган нарсанинг аниқловчиси қандай бўлади? Ҳозиргина берилган: “дил – бу, ўзини ўзи ҳаракатлантира оладиган ҳаракат”, деган аниқловчидан бошқа аниқловчи бормикин?

Клини й . Биз ҳаммамиз дил, деб атайдиганимиз ўша моҳиятнинг аниқловчиси: “ўзини ўзи ҳаракатлантира оладиган”, деб тасдиқлайсанми?

Афиналик . Ҳа, тасдиқлайман. Агар шундай бўлса, мавжуд, олдинги ўтган ва келгусидаги, ҳамда бунга қарама-қарши барча нарсанинг биринчи пайдо бўлиши ва ҳаракати дил (нафс, жон)нинг ўзи эканлигининг тўла исботи учун яна нимадир талаб этилади, деб ҳисоблаймизми, бунинг устига у (дил) – барча нарсаларнинг ўзгариши ва турли ҳаракатларнинг сабаби эканлиги маълум бўлди-ку?

Клини й . Йўқ. Дил, ҳаракатнинг бошланиши сифатида пайдо бўлганлигидан у (дил) ҳамма нарсадан катта ёшда эканлиги тўла исботланди.

Афиналик. Бошқа нарсада пайдо бўладиган ва ўзи ўзида ҳаракатланадиган, ҳеч нарсага, ҳеч қачон бўлмаган ҳаракат иккиламчидир, тўғрими? Айтиш лозим-ки, қанчалик арзимаган сонлар билан уни ўлчанмасин, барибир бу тўлалигича жонсиз жисмнинг ўзгариши бўлади.

Клиний. Айни ҳақиқат.

Афиналик. Агар биз, бизда дил (жон, нафс, рух) бадандан олдин, бадан эса кейин пайдо бўлган, шунинг учун у иккиламчи, шундан келиб чиқиб дил ҳукмронлик қилади, бадан (жисм) эса унга тобеъ ҳолда бўлади, деб айтсак, тўғри, тўла асосли, ҳаққоният билан энг мос равишда ва энг мукамал фикримизни билдирган бўлар эдик.

Клиний. Ҳа, бу ҳақиқатга мутлақо мос келади.

Афиналик. Биз олдин келишганимизни эслайлик: агарда дил бадандан (жисмдан) катта (ёшда) бўлиб чиқса, у ҳолда дилга тааллуқли барча нарсалар, бадан (жисм)га тааллуқли барча нарсалардан каттадир.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Шундай экан, дил бадандан олдин пайдо бўлгани учун, ахлоқий фазилатлар, истак-хоҳишлар, ақлий хулосалар, ҳақиқий фикрлар, ғам-ташвишлар (ғамхўрликлар) ва хотира, баданнинг (инсон жисмининг) узунлиги, уларнинг кенглиги, йўғонлиги ва кучидан олдин пайдо бўлганлар.

Клиний. Шундай бўлиши керак.

Афиналик. Аммо агар дилни ҳамма нарсанинг сабаби, деган қарорга келсак, бундан кейин, дил яхшилик ва ёмонлик, зебо ва уятли, адолатлилик ва адолатсизлик ва бошқа барча зидларининг сабаби эканлигини тан олиш керак бўлмайдами?

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Кўп ҳилда ҳаракатланувчи, ҳамма нарсага ҳукмронлик қилувчи ва барча нарсада яшовчи дил, осмонни ҳам бошқаради, деб тан олиш керак эмасми?

Клиний. Албатта (тан олиш керак).

Афиналик. Аммо битта [дилми] ёки кўп (дилларми)? Мен сиз учун жавоб бераман: кўп (диллар). Чунки биз иккитадан камини ҳеч тасаввур қилолмаймиз – бири эзгу ишлар қилувчи ва бошқаси, биринчининг қиладиган ишларини тескарисини қилишга қобилиятлиси.

Клиний. Сен жуда тўғри гапирдинг.

Афиналик. Жуда яхши. Шундай қилиб дил, осмондаги, ердаги ва денгиздаги барча нарсаларга ўзининг хусусий ҳаракатлари ёрдамида ҳукмронлик қилади, бу ҳаракатларнинг номлари ушбулардир: истак, назарда тутиш, ташвиш (ғамхўрлик), кенгаш, тўғри ва ёлгон фикр, қувонч ва дард чекиш, жасорат ва қўрқинч, муҳаббат ва нафрат. Буларга қариндош ва бирламчи ҳаракатлар ёрдамида дил ҳукмронлик қилади, улар эса ўз навбатида, жисмлар (баданлар) нинг иккиламчи ҳаракатларини келтириб чиқарадилар ва ҳамма нарсани ўсишга ёки ҳалокатга, қўшилишга ёки парчаланишга ва буларнинг ҳаммасини кузатиб борувчи иссиқликка ва совуқликка, оғирликка ва енгилликка, қаттиқликка ва юмшоқликка, оппоқликка ёки қора рангга, нордонликка ёки ширинликка олиб борадилар. Дил буларнинг ҳаммасидан фойдаланиб, бунинг устига абадий илоҳий ақлни қабул қилиб, ҳаммасини тарбиялаб парваришлайди ва ҳаққоният ва комронлик, саодатга олиб боради. Ақлсизлик билан учрашганида эса, у ҳамма нарсани қарама-қарши тарафга олиб боради.

Нима дейсиз, биз шундай қарор қабул қиламизми ёхуд бу бошқача эмасмикин, деб гумон қилаверамизми?

Клиний. Ҳеч ҳам гумон қилмаймиз.

Афиналик. Шундай қилиб, дилнинг қайси турини осмон, ер ва бутун даврлар устидан ҳукмронлик қилувчи, деб тан оламиз: оқилиними ва яхшилик (эзгу ишлар)ка азм этганими ёки на униси, на бунисига эга бўлмаганими? Бу саволга бундай жавоб беришимизни истайсизми...

Клиний. Айнан қандай?

Афиналик. “Қизиқ одамсан, деймиз биз, зеро агар осмоннинг ундаги бор нарсалар билан бирга кўчиш йўли, Ақлнинг ҳаракати, айланма ҳаракати ва ақлий хулосаларига ўхшаш табиатга эга бўлса, агар у ҳам, бошқаси ҳам, қардошлик (яқинлик) тарзида ўтса, демак, аниқ тан олишимиз керак-ки, бутун коинот ҳақида дилнинг энг яхши тури ғамхўрлик қилади ва уни энг яхши йўлдан олиб боради”.

Клиний. Тўғри.

Афиналик. Агарда [коинот] ғазабнок (ёвуз) ва бетартиб ҳаракат қилса, у ҳолда тан олиш керакки, бу ёмон дилнинг ишидир.

Клиний. Бу ҳам тўғри.

А ф и н а л и к . Ақлнинг ҳаракати қандай табиатга эга? Азиз дўстларим, мана бу саволга оқилона жавоб бериш қийин. Шунинг учун, агар мен сизга ёрдам берсам адолатли иш бўлар эди.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтдинг.

А ф и н а л и к . Баъзилар кундузи Қуёшга тик қараб туриб ўзини гўёки қоп-қоронғу тунда ҳис этганларидек, биз ҳам, шу оддий кўзимиз билан Ақлни кўра оламиз ва етарли даражада уни идрок этамиз, деб айтолмаймиз. Агар биздан сўраётган нарсаларининг тимсолига қарайдиган бўлсак уни биз хавфсизроқ кўра оламиз.

К л и н и й . Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Бундай тимсол сифатида, биз санаб ўтганимиз ўнга ҳаракатдан, Ақл энг яқин келадиган нарсани оламиз. Мен сизларга бу хилни эслатиб ўтаман ва кейин сиз билан биргаликда жавоб бераман.

К л и н и й . Шундай қилинса яхши бўларди.

А ф и н а л и к . Биз олдин, бир қисм нарсалар ҳаракатланади, бошқа бир қисми эса турғун (соқин)ликда бўлади, деб аниқлаб олганимиз эсимизда.

К л и н и й . Шундай.

А ф и н а л и к . Ўз навбатида, ҳаракатланувчи нарсаларнинг бир қисми (ўз) жойида, бошқа бир қисми кўп жойларда кезиб юради.

К л и н и й . Худди шундай.

А ф и н а л и к . Икки хил ҳаракатнинг бир жойда рўй берадигани зарурий равишда доимо қандайдир марказ атрофида ўтади ва худди пилдиروقқа ўхшаб кетади. Худди ўша, нақадар мумкин бўлса, шунчалик, Ақлнинг айланма ҳаракатланишига ҳар жиҳатдан ўхшаш ва ҳаммасидан яқин келади.

К л и н и й . Сен нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Агар биз, ақл (онг) ҳам, бир жойда бўладиган ҳаракат ҳам, йўнилган пилдиروقқа ўхшаб айнан бир хилда, бир жойнинг ўзида, ўша бир [марказ] атрофида, ўша бир нарсага нисбатан доим бир хилдаги тартиб ва тузилишни сақлаб ҳаракатланадилар, деб айтсак умид қиламанки, сўздан тикланган тимсолларнинг ёмон ижодкорлари бўлиб туюлмаймиз.

К л и н и й . Жуда тўғри гапирдинг!

Афиналик. Худди шунга ўхшаб, ҳеч қачон, айнан бир хилда, бир жойнинг ўзида, ўша бир нарсанинг атрофида бўлиб ўтмайдиган – ўша биргина [марказга] муносабати бўлмаган, тартибсиз ўтувчи, ҳеч қандай изчилик, мунтазамликсиз ҳаракат ҳар қандай ақлсизлик (онгсизлик)ка яқин (қардош) бўлмайdimи?

Клиний. Айни ҳақиқат – бу, ақлсизликка қардош бўлар эди.

с **Афиналик.** Ростики, дил бизда ҳамма нарсани айланма ҳаракатлантирса, у ҳолда зарурат бўйича тан олиш керакки, осмоннинг айланма ҳаракати ҳақидаги рамжўрлик ва уни тартибга солиш эзгу дилга мансубдир, деб аниқ айтиш энди жуда осон. Ёки ёвузимми?

Клиний. Ажнабий (биродар), ҳозир айтилганлардан келиб чиқади-ки бошқача деб тасдиқлаш ҳатто гуноҳ иш бўлар эди. Йўқ, бундай айланма ҳаракатлантириш турлитуман эзгу (якши) ишлар соҳиби бўлган дилнинг ишидир. Бундай дил битта ёки бир нечта бўлса ҳам.

Афиналик. Сен мени жуда тўғри тушундинг, Клиний. Энди мана бунга эътибор бер.

Клиний. Айнан нимага?

д **Афиналик.** Агар дил ҳамма нарсани айлантирса, у ҳолда аниқ-ки у, ҳар бир нарсани – Қуёш, Ой ва бошқа юлдузларни айрим-айрим ҳам айлантиради.

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Булардан биронтаси ҳақида мулоҳаза қилиб кўрайлик; мулоҳазаларимизни қолган барча юлдузларга ҳам тадбиқ этса бўлади.

Клиний. Нимани олиб кўрамиз?

Афиналик. Ҳар қандай одам Қуёшнинг жисмини кўради, унинг дилини эса ҳеч ким кўрмайди. Худди шундай, ҳеч ким тирик жисмларнинг дилини на уларнинг тиригида, на ўлганида, умуман кўрмайди. Бу ҳолатни ўз табиати бўйича, бизнинг жисмоний ҳис-сезгиларимиз билан мутлақо ўзлаштириб бўлмайди ва уни фақат ақл билан идрок этилади, деб ҳисоблашга мукамал имконият мавжуддир. Фақат биргина ақл ва мулоҳаза ёрдамида ушбу ҳолни қабул этайлик...

Клиний. Қандай?

Афиналик. Агар дил Қуёшни айлантлар экан, у ҳолда, дил – учтадан бирини адо этади, деб тахмин қилсак унча адашмасак керак...

Клиний. Нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Ёки у (дил), юмалоқ бўлиб туюлган бу жисм ичида туриб, ҳар хил йўл билан, худди бизнинг дилимиз ҳам бизни турлича ҳаракатлантирганидек (ёки, ҳар кўйга солганидек - тарж), уни (Қуёшни) ҳаракатга келтиради. Ёки, баъзиларнинг таълимотлари бўйича, қаердандир ташқаридан оловли ёхуд қандайдир ҳаводан (иборат) жисмни ўзига ўзлаштириб олиб у зўрлик билан жисмни жисм билан сиқиштиради ёки ниҳоят, унинг ўзи жисм (бадан, тана)дан маҳрум, аммо қандайдир бошқа ғаройиб имкониятларга эга ва шу тарзда Қуёшни бошқаради. 899

Клиний. Албатта, ҳеч гумон йўқ-ки, дил буларнинг ҳаммасига шу уч усулдан бири орқали раҳбарлик қилади.

Афиналик. Бу дилни, Қуёшни у ҳаммага нур бериб муҳташам аравага ўтказадими ёки унга ташқаридан таъсир ўтказадими ёки қандайдир бошқа бир тарзда иш юриадими барибир, ҳар қандай одам Қуёшдан баландроқ эъзозлаши (дилга Қуёшдан улуғроқ эҳтиром кўрсатиши - тарж.) ва худо, деб тан олоғи керак. Тўғрими?

Клиний. Ҳа, ҳар қалай, ақсизликнинг охириги чегарасигача етиб бормаган ҳар қандай (одам) шундай қилиши лозим. b

Афиналик. Барча юдузлар, Ой, йиллар, ойлар, йил фасллари борасида шунга ўхшаш мулоҳазадан бошқа қандай мулоҳаза келтиришимиз мумкин, хусусан: дил ёки диллар буларнинг сабаби бўлиб чиққанлари учун ва улар бунинг устига барча ахлоқий баркамолликларга эга бўлганлари учун, улар жисмларда ёки бошқа яна қаердадир тирлик мавжудот сифатида макон тутадиларми ва бошқа усул билан осмонни бошқарадиларми бари-бир, биз уларни худовандлар, деб тан оламиз. Бунга розилик билдириб, “ҳамма нарса худоларга тўла” эканлигини инкор этадиган одам топилармикин.

Клиний. Ажнабий (биродар), бунчалик нотўғри, тескари фикрловчи ҳеч ким топилмайди. c

Афиналик. Бу мулоҳазаларни тутатайлиқда, Мегилл ва Клиний, аввал худоларни инкор этганларга чегараларни кўрсатайлик.

Клиний. Айнан қандай (чегаралар)?

Афиналик. У бизга, дилни энг аввал пайдо бўлган, деб нотўғри ҳисоблаганлигимизни ҳамда, бундан кейин нима деган бўлсак ҳаммаси нотўғри эканлигини исботлаши керак. Ёки, агар у, биз айтганларимиздан нимадир яхшироқ нарсани айта олмаса, у ҳолда бизга қулоқ солсин ва келгусида худоларни тан олиб яшасин. Шундай қилиб худоларнинг мавжуд эканликларини уларни инкор этувчиларга етарли даражада исбот қилдикми ёки яна нимадир етишмайдими?

Клиний. Ажнабий (биродар), етарли даражадан ҳам ортиқроқ.

Афиналик. Шундай қилиб шу ерда мулоҳазаларимизни тутатамиз. Энди биз, худоларни тан оладиган, аммо уларнинг инсоний ишлар устидан қиладиган амалларини инкор этувчига бериладиган ўтишларга ўтишимиз керак. “Азизим, – деймиз биз унга, – сенинг худоларни тан олишингни ўзи балки, сенинг ва илоҳий табиатнинг ораларидаги қандайдир яқинлик туфайли сени уларни эъзоз-эҳтиром этишингга ва уларнинг мавжуд эканликларини тан олишингга олиб боради. Лекин сени, ёвуз ва адолатсиз одамларнинг хусусий ва ижтимоий қисмати гуноҳларга олиб боради. Бу қисмат ҳақиқатан ҳам бахтдан йироқ; аммо бу орада, хато бўлсада, кўпчиликнинг фикри бўйича у олий даражадаги бахт, деб ҳисобланади; маъқулига хилоф равишда уни қўшиқлар ва турли хил нутқларда мадҳ этадилар. Балки гуноҳкор (ахлоқсиз), одамларнинг қариб-қартайтунарлигача яшашлари ва энг буюк эъзозларга қуршалган болаларини қолдириб, ўз ҳаётлари чегарасига етиб боришлари томошаси сени хижолат қилиб доводиратиб кўяр? Балки сен ўзинг кўргандирсан, ё биродан эшитиб билгандирсан ёки ниҳоят сен ўзинг жуда кўп даҳшатли ва ахлоқсиз кирдикорликлар ёрдамида энг буюк эъзозлар ва тиранияга эришганларининг гувоҳи бўлгандирсан? Ўзингнинг худоларга яқинлигинг (асосий сифатлар бўйи-

Худоларнинг инсоний ишларга аралашмасликлари назариясининг танқиди

900

ча ўхшашлик ва ёки келиб чиқишнинг умумийлиги - тарж.) туфайли уларга, гўё буларнинг ҳаммасига улар айбдор, деб таъна қилишни хоҳламай, сен қандайдир охиригача фикрла-маслик таъсирида ўзингнинг шу ҳолингга келдинг ва худо-ларга аччиқ қилишга ўзингда куч тополмайсан; сен уларнинг борлиги (мавжудликлари)ни тан оласан, аммо, улар инсоний ишларга юқоридан ва бепарволик билан қарайдилар, деб ўйлайсан. Шундай қилиб, сенинг ҳозирги аҳволингда гуноҳ оғир келиб қолмаслиги ва сен янада ночорроқ ҳолатга тушиб қолмаслигинг учун, биз, ўсиб, ривожланаётган гуноҳни, агар куч топиш мумкин бўлса нутқлар ёрдамида, худди покловчи қурбонликка ўхшаб, юмшатиш учун, кейинги мулоҳазалар-ни, худо мавжудлигини мутлақо тан олмайдиган одамга му-рожаат қилиб бошидан охиригача айтиб ўтганимиз билан қўшиб улардан ҳозир фойдаланмоқчимиз". Сен эса Клиний ва сен Мегилл, олдингидай у ёш йигит учун жавоб беринглар. Агар мулоҳазада бирон бир қаршиликка учраб қолсангиз мен сизларнинг ўрнингизга ўтаман ва дарёдан ўтказиб қўяман.

Клиний. Сен ҳақ гап айтдинг. Худди шундай қил, биз эса кучимиз етганича сен айтганингдек иш қиламиз.

Афиналик. Худолар кам нарса ҳақида, улур нарса ҳақида жон куйдиришларидан кам жон куйдирмасликларини исбот қилиш, айтиш керак-ки қийин иш эмас. Зеро бизнинг рақибимиз, бу ерда иштирок этди ва ҳозиргина айтганларимизни эшитди. Хусусан, худоларнинг умумэз-гулик эканликлари ва демак, ҳамма нарса ҳақида гамхў-рлик соҳиби бўлиш улар учун олий даражадаги фазилят-дир.

Клиний. Албатта, буларни у эшитди.

Афиналик. Худолар умумэзгуликдирлар, деб келиш-ганимизда қандай эзгу иш ҳақида гапирганлигимизни энди ҳаммамиз бирга текширайлик. Биз мулоҳазалик ва ақл соҳиби бўлиш эзгу ишга (гўзал фазилятга), унга қара-ма-қарши барча нарсалар – ёвузликка тегишли, деб тан оламиз, тўғрими?

Клиний. Тан оламиз.

Афиналик. Яна нима? Мардлик – яхши фазилятга, қўрқоқлик эса – ёмон иллатга тегишли эмасми?

Клиний. Албатта.

Афиналик. Биринчисини биз зебо, иккинчисини эса – қабиҳ, деб атамаймизми?

Клиний. Шубҳасиз (шундай атаймиз).

Афиналик. Биз бирига – ёмонига алоқадормиз, деб айтсак; худолар ҳақида эса, улар бунга на оз, на кўп даражада алоқадор эмаслар, десак бўладими?

Клиний. Ҳар ким ҳам бунга рози бўлади.

Афиналик. Яна нима эди? Бепарволик, бемаънилик ва роҳат-фароғатни дилнинг яхши фазилатлари қаторига қўшамизми? Сен нима дейсан?

Клиний. Бу мумкинмикин?

Афиналик. Демак, сен буларнинг ҳаммасини яхши фазилатларнинг қарама-қаршиси бўлган нарсага қўшасан, шундайми?

Клиний. Ҳа.

901 Афиналик. Бунга зид бўлганни яна зиддигами?

Клиний. Ҳа, зиддига.

Афиналик. Давом этайлик. Кимки ишёқмас, нозик ва ношуд бўлса, шоирнинг ибораси бўйича ниши йўқ асариларга ўхшайди, ҳақиқатан шундайми?

Клиний. Бу таққослаш ниҳоятда тўғри.

Афиналик. Шундай қилиб, худо ўзи ёмон кўрадиган ахлоқий хислатларга эга, деб айтиб бўлмайди. Агар кимдир шундай дейишга ҳаракат қилса, бунга йўл қўймаслик зарур.

Клиний. Албатта, йўл қўйиб бўлмайди. Мумкин эмас, асло!

б Афиналик. Бошқалардан кўра кўпроқ ғамхўрлик ва ҳаракат қилиши керак бўлганни, унинг ақли (онги) улур нарсалар ҳақида қайғуриб кичик нарсаларга белисанд бўлса, қайси асосга кўра биз, – энг қўпол хатога йўл қўймай, – мақташимиз керак? Буни қуйидагича кўриб чиқайлик: буни қилаётган, у худо бўладими ёки инсонми икки сабабга кўра бундай йўл тутиши зарур, тўғрими?

Клиний. Қандай сабаблар?

с Афиналик. У, агар кичик (нарса) бепарволикда қолдирилса, бутуни учун ҳеч қандай фарқ йўқ, деб ўйлайди, ёки агар у, фарқ бор деса, кичик (нарса) ҳақида рафлат ва но-

зиклиги, танпарварлиги бўйича ғамхўрлик қилмайди. Ёки, бепарволикнинг балки бошқа сабаблари бордир? Зеро, агар ҳақиқатан ҳам бирданига ҳамма нарса ҳақида ғамхўрлик қилиш мумкин бўлмаса, у ҳолда бу, кичик ёки улуғ (жуда катта) нарса ҳақида ғамхўрлик қилмаган одам тарафидан бепарволик бўлмайди; мен, қачон-ки худо ёки қандайдир бир тубан мавжудот ўз кучи бўйича нимадир ҳақида ғамхўрлик қила олмайдиган ҳолат бўлса, ўша ҳолат ҳақида гапир-моқдаман.

Клиний. Бу мумкин эмас.

Афиналик. Ҳозир биз уччаламизга сизларнинг иккала рақибингиз жавоб берсинлар: улар худоларнинг мавжудлигини тан олишга розилар, аммо, бири тасдиқлаб худоларни ўз фойдасига мойил қилса бўлади, дейди, бошқаси эса, кичикни ҳимояламайди, дейди. Сиз иккинги аввало, худолар ҳамма нарсани билишади, кўришади ва эшитишади ва ҳис этиш ҳамда билим билан эришиш мумкин бўлган нарсалардан ҳеч қайсиси улардан яшириниб қололмайдилар, деб тан олинг. Шундай эканлигини қабул қиласизми ё қабул қилмайсизми?

Клиний. Ҳа, шундай.

Афиналик. Яна нима демоқчи эдик? Бандалар ва умри боқийлар қила оладиган ишларнинг барчасига худолар қодир эканликларини тан оласизми?

Клиний. Бу сўзларга эътироз билдириб бўладими?

Афиналик. Шундай қилиб, биз бешовимиз худолар яхши фазилатли ва ҳатто умум яхши фазилатли (умум эзгули), деб келишиб олдик.

Клиний. Сўз бўлиши мумкин эмас.

Афиналик. Агар улар, биз тан олганимиздай бўлсалар, у ҳолда, уларни ниманидир лоқайд ва унча хоҳламай қиладилар, деб ҳисоблаб бўлмайди, тўғрими? Зеро, биздаги беъманилик, ишёқмаслик – кўрқоқлик фарзанди (натижаси), ялқовлик (ношудлик) эса – беъманилик ва ҳузур-ҳаловат натижасидир.

Клиний. Сен мутлақо ҳақ сўзни айтдинг.

Афиналик. Худолардан ҳеч қайсиси ношудлик ва ишёқмаслик билан бепарво бўлмайдилар, чунки уларга кўрқоқлик умуман хос эмас.

Клиний . Жуда тўғри.

Афиналик . Демак, агар худолар Коинотда кичик ва аҳамиятсиз нарсага бепарво, безътибор эканлар, у ҳолда, бундай нарсалар ҳақида ғамхўрлик қилинмаслиги керак, деган фикр билан улар шундай йўл тутадилар, деб ҳисоблашга тўғри келади. Акс ҳолда, уларга фақат тескариси, яъни [ҳар қандай] тушунишнинг умуман йўқлиги қолади, холос.

Клиний . Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Афиналик . Шундай қилиб, эй, энг лойиқ ва энг юксак рақиб, сен ушбу икки ҳолдан бирини тасдиқламоқдасан, деб тахмин қилсак бўладими: ё, худолар гафлатдалар ва шунинг учун ўз бурчларини бажарилиши ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар, ёхуд эса, улар ўз бурчларини идрок этиб биладилару лекин худди энг пасткаш, нима қилиш кераклигини биладиган, лекин ҳузурлар ёки дард, азоблар таъсирида бу ишни қилмайдиган одамларга ўхшаб уни бажармайдилар.

Клиний . Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик . Инсоний ишлар тирик жонли табиатга таалуқли ва инсон барча мавжудотлар ичиди энг яхши фазилатлисидир, тўғри эмасми?

Клиний . Шундайлиги аниқ.

Афиналик . Биз, барча боқий бўлмаган (оддий) мавжудотлар ва худди шундай бутун осмон ҳам худоларнинг мулкидир, деб тан оламиз.

Клиний . Албатта.

Афиналик . Гўёки бизнинг инсоний ишларимиз худолар учун жуда кичик ёки жуда катта, деб ким хоҳласа ўша тасдиқлайверсин. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам бизнинг умум эзгули ва ғамхўр хожаларимизнинг бизга беписанд бўлишлари маъқул эмас. Яна ушбу нарсани кўриб чиқайлик...

Клиний . Аниқроқ гапир, нимани?

Афиналик . Ҳаракат қилиш қобилияти ва ҳис этиш. Улар табиатан енгил ёки осонлик маъносида бир-бирларига қарама-қаршидирлар, тўғрими?

Клиний . Нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Кичикни кўриш ёки эшитиш қийинроқ. Аксинча, ҳар қандай (одамга) кичик ва аҳамиятсиз нарсани кўтариб юриш, уни бошқариш, унга ғамхўрлик қилиш, катта ва салмоқли нарса ҳақида ғамхўрлик қилишдан осондир.

Клиний. Анча осон.

Афиналик. Агар даволашни хоҳлайдиган ва биладиган шифокорга бор [вужуд] бутунлигича топширилсаю у фақат аҳамиятлисига ғамхўрлик қилиб, аҳамиятсиз хусусларига эътибор бермаса, у ҳолда вужуд яхши ҳолатда бўладими?

Клиний. Албатта бўлмайди.

Афиналик. Худди шунга ўхшаб, на дарғаларда, на ҳарбий кўмондонларда, на уй эгаларида, на давлат арбобларида, умуман буларга ўхшаш одамларда, агар улар кичик ва аҳамиятсиз нарсага бепарво бўлсалар буюклик ва ёки кўпайикдан ҳеч нишон қолмайди. Чунки, тош терувчилар айтганларидек, катта тошлар кичкина тошларсиз текис ётмайдилар (текис терилмайдилар).

Клиний. Шубҳасиз, шундай.

Афиналик. Қанча моҳир бўлсалар, фақат биргина хунарлари (санъатлари) ёрдамида, ўзларига хос кичик ва катта ишларни шунча пухта ва мукамал бажарувчи оддий усталардан худолар пастроқ турадилар, деб айтмаймиз-ку. Наҳотки худо, (шундай) энг доно мавжудот, кичик нарса ҳақида ғамхўрлик қилишни хоҳлаб ва имконияти бўлган ҳолда, қийинчиликларни кўрганда руҳи тушиб кетадиган иш ёқмас ёки кўрқоқ одамга ўхшаб, бутунлай унга жон куйдирмайди, – айтиш лозимки, бу нарсалар кичик бўлганлари учун уларга ғамхўрлик қилиш осон бўлса ҳам?

Клиний. Ажнабий (биродар), худолар ҳақида бундай фикрга асло йўл қўймаймиз. Чунки, бу тарзда фикрлаш барча жиҳатлардан гуноҳ бўлади ва ҳақиқатта мос келмайди.

Афиналик. Менинча, худоларни беписандликда айблашни яхши кўрувчи (одамга) унинг ноҳақлигини тўла исбот этдик.

Клиний. Ҳа, шундай.

d

e

903

А ф и н а л и к . Биз ўз исботларимиз билан унинг ноҳақлигини тан олишга мажбур этдик. Лекин, менингча у, баъзи бир шайдо қилувчи ривоятларга муҳтож.

К л и н и й . Қандай ривоятлар, дўстим?

А ф и н а л и к . Йигитни биз ушбу далиллар билан ишонтирамиримиз: “Ҳамма нарса ҳақида рамхўрлик қиладиган – ким, (яъни худо - тарж) яхлитнинг халос этилиши ва эзгулигини назарда тутиб ҳамма нарсага тартиб берди ва бунда имконият борича ҳар бир қисм ўзига тааллуқли нарсани синаб кўради ва бажаради. Бу қисмларнинг то энг кичикларигача ҳар бирининг устидан барча ҳолатлар ва ҳаракатларнинг энг майда, нозик намоён бўлишларидан воқиф бўлиб турувчи ҳоким қўйилган: буларнинг ҳаммаси аниқ бир якуний мақсадга йўналтирилгандир. Шундай ҳокимлардан бири, эй ночор (ғариб одам) ҳатто вужудингнинг зигирдай заррасигача раҳбарлик қилади ва шу аснода доимо яхлитликни назарда тутди. Барча пайдо бўлган нарса, сен билмайсан ҳам, яхлитлигича барча нарса учун пайдо бўлади, токи яхлитликнинг ҳаётига тааллуқли саодатли мавжудият амалга ошсин ва мавжудият сен учун эмас, аксинча, сен – унинг учун пайдо бўласан. Зеро, ҳар қандай шифокор, ҳар қандай моҳир ҳунарманд ҳамма нарсани бир қисм учун эмас, яхлитлик (бир бутун) учун қилади ва ҳамма нарсани умумий эзгулик (яхшилик)ка йўналтиради. Сен эса, сен учун бўлган нарса, умум пайдо бўлишга кўра энг яхши бўлиб чиқишини, бир бутунлик ва сенинг ўзинг билан мос келишини билмай тажанг бўласан. Кейин, дил гоҳ бу, гоҳида бошқа жисм билан қўшилгани учун ва ҳам ўз-ўзича, ҳам бошқа диллар таъсири остида турли ўзгаришларга учраганлиги учун, ҳокимга худди шашка ўйинчисига ўхшаб, яхши бўлиб қолган фитратни (хулқ-атвори) яхши жойга, ёмон бўлиб қолганини – ёмон жойга кўчириб қўйишдан бошқа илож қолмайди, уларни ўзларига тўғри келадиган нарсага мувофиқ равишда жойлаштиради, токи, ҳар бирига муайян бир қисмат тўғри келсин”.

К л и н и й . Сен нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Менингча, худолар ҳамма нарсага қандай осонликча жонкуярлик қилишлари равшан бўлсин, деб мен шундай деганман. Зеро, агар кимдир ҳамма нарсани бир бутунга (яхлитликка) эътибор бермай қайта тузаверса, масалан, оловдан жонли сувни, бир (нарсадан) кўп (нарса)ни ёки кўп (нарсадан) бир (нарсани) яратса, у ҳолда биринчи, иккинчи ва учинчи пайдо бўлишдан кейин бениҳоя кўп ўзгаришлар ва қайта тузилишлар вужудга келган бўларди. Ҳозир эса, бу, ҳамма нарса ҳақида ғамхўрлик қиладиганлар учун ажаб бир осон ишдир.

К л и н и й . Нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Мана буни: бош ҳукмдор бизнинг ишларимиз руҳлангирилганини ва уларда яхши фазилатлар (эзгу ишлар) кўп, лекин ёмонлик (иллат) ҳам кўплигини кўрган; у яна, бир марта пайдо бўлган нарса, яъни дил ва бадан (жисм), гарчи улар қонунга монанд мавжуд бўлган худолар каби боқий бўлмасалар ҳам, энди ҳалок бўлмаслигини (зеро, агар дил ва бадан ҳалок бўлса у ҳолда янги мавжудотларнинг пайдо бўлиши содир бўлмасди) ва дилда бор бўлган барча яхшилик доимо фойдали, ёмони эса доим зарар эканлигини ҳам кўрган. Буларнинг ҳаммасига эътибор бериб, қисмларнинг ҳар бирига шундай жой ўйлаб топди-ки, токи Коинотда иложи борича ишончлироқ, осон ва яхши равишда эзгу иш (яхши фазилат) голиб келсин, ёмонлик (иллат) эса мағлуб бўлсин. Шуларнинг ҳаммаси учун у, ҳар бир пайдо бўлаётган нарса қандай жойни эгаллаши зарурлигини ўйлаб топди. Пайдо бўлаётганининг сифатига келсак, буни у, ҳар биримизнинг иродамизга қолдирди, чунки бизнинг ҳар биримиз, ўз хоҳишларимиз мавзуси ва ўз дилимиз сифатига монанд равишда кўпинча, бошқача эмас, шундай бўламиз.

К л и н и й . Бу табиий.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, дилга тегишли барча нарса ўзгаради, чунки, унинг ўз-ўзида ўзгариш сабаби мавжуддир: шу билан бирга ҳамма нарса тақдир қонуни ва тартиботи бўйича кўчиб (жойини ўзгартириб) туради. Ўзининг ҳулқини кам ўзгартирадиган нарса текис юза бўйича, кўпроқ ўзгарадигани, бунинг устига адолатсизлик томонга ўзгаргани эса, тубсиз чуқурликка, Аид ҳамда бо-

- d ишқа шунга ўхшаш номлар билан аталадиганлар ер остидаги жойларга бориб қолади. Одамлар улардан жуда кўрқадилар, ҳам ҳаёт пайтларида, ҳам жон (нафс, дил, руҳ) танадан айрилганида улар одамларнинг кўз ўнгларида гавдаланаверадилар. Агар дил ўзининг шахсий иродаси билан ёки бошқанинг кучли таъсири остида улкан эзгу иш томон ўзгарса, у ҳолда илоҳий эзгуликлар билан қўшилиб, айниқса яхши фазилатли (эзгу иш қилувчи) бўла боради ва янги, яхшироқ ҳамда мутлақо муқаддас жойга кўчиб ўтади. Акс ҳолда эса, у ўз ҳаётини ўзига мос жойга олиб ўтади.
- e

Олимда яшовчи худолар адолати ана шундайдир.

(Ҳомер – тарж.)

- 905 Ёигит, сенга эса худолар сенинг ҳақингда қайғурмаётгандай туюлади. Агар сен ёмонлашсанг, у ҳолда ёмон руҳларга (дил, нафсларга) кетасан, агар яхши бўлсанг, у ҳолда яхшиларига кетасан. Умуман олганда ҳаётлигида ҳам, ўлимидан кейин ҳам ҳар ким ўзига хос бўлган нарсани қилади. На сен, на бошқа кимдир, агар унинг омади келмаса, худоларнинг бу адолатидан гўёки юқори тураман, деб мақтана олмайди. Олий таъсисчилар ўрнатган адлия маҳкамасидан алоҳида эҳтиёт бўлмоқ зарур. Чунки у сени ҳеч қачон тинч қўймайди: сен жуда кичкинамансанки, ер тубиларигача туша олсанг ёки шундай юксаксанки осмони фалакка кўтарила олсанг – барибир худолар белгилаган жазони оласан – шунда, ердამисан, Аидга бориб қоласанми ёки янада даҳшатлироқ жойда бўласанми фарқи йўқ. Сеннинг кўз ўнгингда гуноҳкорона ишлар ва умуман ёмон кирдикорликлар йўли билан арзимаган одамлар буюкликка етишган ёки бадбахтликдан – бахтиёр бўлиб қолганлар ҳам худди шунинг ўзига тааллуқлидир. Сен эса, ундайларнинг кирдикорларида, худди кўзгудагидек, худоларнинг умумий бепарволикларини кўрса бўлади, деб ўйлаб юрибсан! Бу одамларда ҳам Коинот тақдирининг улуши (қисмати) мавжуд эканлигини сен билмас эдинг. Одамларнинг энг марди бўлган сен, бунга билмаслигим керак, деб қандай ўйладинг? Кимда-ким бу даҳлдорликни тушунмаса, у ҳеч қачон ўз ҳаёти учун намуна тополмайди ва бахтли ёки бахтсиз қис-
- b
- c

мат нимага боғлиқ эканлиги ҳақида ўзига ҳисобот беришга қодир бўлмайди. Агар мана Клиний ва бизнинг бутун оқсоқоллар кенгашимиз, худолар ҳақида гапираётганимизда ўзинг билмаган нарсага ишонтиришган бўлса, демак худонинг ўзи сенга ёрдам берибди. Агар сенга яна қандайдир исбот керак бўлса, сенда қанчадир ақл борлиги учун, энди учинчи рақибга айтадиган гапларимизга кулоқ сол. Худоларнинг мавжудликлари ва уларнинг одамлар ҳақидаги гамжўрликларини унчалик ёмон исботламадик, деб айтишим мумкин. Аммо, гўё худолар тухфалар қабул қиладилар ва ноҳақ одамлар уларни раҳм-шафқатли қила оладилар, деган фикр бўйича ҳеч ким билан келиша олаемиз ва бу (фикрнинг хатолиги) ҳақида баҳслашамиз.

Клиний. Жуда яхши айтилди. Сен айтгандай қилемиз.

Худоларни ёвуз
ишларда
иштирок этишга
жалб қилиш
мумкинлиги
ҳақидаги фикр
танқиди

Афиналик. Худоларнинг ўзлари ҳаққи, агар уларни раҳм-шафқатли қилиш мумкин бўлса, буни қандай усул билан қилиш мумкин бўлишини кўриб чиқайлик. Улар ким ва улар қандайлар? Ҳақиқатан ҳам бутун осмонни бошқарадиганлар, иложсиз унинг ҳукмдорлари бўлиб қоладиларми?

Клиний. Албатта.

Афиналик. Ҳукмдорлардан (бошқарувчилардан) қайси бирига улар ўхшайдилар ёки ким уларга ўхшайди? Зеро биз кичикни катта билан таққослашимиз мумкин. Уларга мусобақалашаётган муҳташам аравачаларни бошқарувчи извошчилар ёки кемалар дарғалари ўхшайдиларми? Балки улар ҳарбий қўмондонларга ўхшашдирлар. Уларни яна, касалликлар ҳуружидан (“қаршилигидан”) хавотирланиб баданни ҳимоя қилувчи шифокорларга ёки бошоқли ўсимликларнинг ўсишларига ноқулай йил фасларини кўрқинч билан кутадиган деҳқонларга ёки пода боқувчи чўпонларга ўхшатиш мумкин бўларди. Биз ўз ўзимиз билан келишиб олганимиздай, осмон кўп эзгуликлар (яхшиликлар)га тўла, лекин, – айтиш керак-ки, унча кўп бўлмаган миқдорда – ёмонликлар ҳам бор, (шунинг учун) биз тасдиқлаб айтаемизки, улар орасида, фавқулодда хушёр-

лик талаб қилувчи ҳеч туганмас кураш боради. Бизнинг иттифоқчиларимиз – бу худолар ва шу билан тенг тарзда генийлардир, биз эса ўз навбатида – уларнинг ҳам, бошқаларининг ҳам мулкимиз. Адолатсизлик ва қўполлик ақсизлик (онгсизлик) билан қўшилиб бизни ҳалок этадилар, адолат ва мулоҳазалилик билан ақллилик (идроклилик) биргаликда кутқарадилар. Бу эзгу ишлар худоларнинг руҳланган кучларида яшайдилар; бизда эса уларнинг озгина қисмигина яшайди, буни ҳар ким ҳам мана бундан билиб олса бўлади: аниқ-ки, ерда яшовчи ва ноҳақ ғаразли ҳайвонсифат руҳлар (диллар, нафслар) дилларга (руҳларга) қўриқчиларни – булар қўриқчи итларми, чўпонларми ёки энг юксак ҳукмдорларми (барибир) киритиб қўядилар (ҳамда) ёмон одамлар кўп тасдиқлайдиганларидек уларни хушомадли сўзлар ёки қандайдир назр-ниёзлар ва афсун-сеҳрлар билан, одамлар орасида хирсга ўч (ғаразгўй) бўлишга ва шу билан бирга ҳеч қандай оғир жазога учрамасликка имкон беради. Биз эса тасдиқлаб айтгимиз-ки, ҳозиргина эслатиб ўтилган жиноят – ғаразгўйлик (ҳирсга ўчлик), моддий жисмлар устида сўз борганида касаллик, деб аталади, йил фасллари ҳақида ўлат дейилади, давлатлар ҳақида ва фуқаролик ишлари борасида бўлса, бу ном ўз кўринишини ўзгартиради ва “адолатсизлик” сифатида эшитилади.

К л и н и й . Мутлақо тўғри.

А ф и н а л и к . Кимда-ким, гўё худолар адолатсиз одамларни ва адолатсиз ишлар қилувчиларни кечирришга тайёрлар, улардан кимдир, фақат ўзининг адолатсиз ўлжасининг бир қисмини уларга (худоларга - тарж.) берса бўлди. деб гапирадиганлар ушбуни тасдиқлашлари керак: агар бўрилар ўзлари ваҳшиёна талаган нарсаларидан озгина қисмини итларга ажратиб қолдирсалар, улар туҳфалар билан ром бўлиб, бутун подани талашга йўл қўйиб берар эдилар. Худоларни раҳм-шафқатларини қозониш мумкин деб, тасдиқловчиларнинг фикрлари шундай эмасми?

К л и н и й . Ҳа, худди шундай.

А ф и н а л и к . Ҳозиргина эслатиб ўтилган қўриқчилар билан худоларни таққослаб одамлардан қайси бири кулги чиқармасди? Масалан, “майнинг назр қилиниши ва тута-

тқилар тутуни”га сотилиб, кемани ҳам, кемачиларни ҳам ҳалок этувчи дарғалар билан (таққослаб)?

К л и н и й . Бундай таққослаб бўлмайди.

А ф и н а л и к . Ёки, масалан, туҳфаларга сотилиб, бошқа (аравага қўшилган) отларга ғалабани берувчи мусобақалардаги извошчиларга (таққослаб бўладими)?

К л и н и й . Ўз мулоҳазанг учун ғалати ўхшатиш ўйлаб топдинг!

А ф и н а л и к . Худоларни на ҳарбий қўмондонлар, на шифокорлар, на деҳқонлар, на чўпонлар, асло, асло, бўрилар авраган итларга... таққослаб бўлмайди.

К л и н и й . Пичинг қилишни тўхтат – шундай деб ҳам бўладими!

А ф и н а л и к . Аммо барча худолар – туб маънода энг буюк қўриқчилар эмасми ва улар энг буюк нарсани қўриқламайдиларми?

К л и н и й . Сўзсиз шундай.

А ф и н а л и к . Эзгу ишлар борасида ҳушёрликда барчадан афзал ва энг зебо нарсаларни қўриқлайдиган, нопок одамлар томонидан таклиф этиладиган туҳфалар деб, ҳеч қачон адолатга сотқинлик қилмайдиганларни итлар ва оддий одамлардан паст кўрамизми?

К л и н и й . Ҳеч ҳам ундай бўлмайди. Бунга ўхшаш сўзларни қабул қилиб бўлмайди ва кимда-ким шундай фикрда бўлса, барча гуноҳкор (нопок) одамлар орасида энг гуноҳкори, деб айтилса адолатдан бўлади.

А ф и н а л и к . Олдин илгари сурилган учта ҳолатни энди тўла исботланди, деб айтсак бўладими, яъни: худоларнинг мавжудлиги, уларнинг қилар ишлари ва адолатсизликка нисбатан уларнинг раҳмсизликлари?

К л и н и й . Бўлмаса-чи? Биз ушбу исботларга (тўла) қўшиламиз.

А ф и н а л и к . Балки, ёмон феълли одамларнинг баҳсларга ўчликлари туфайли улар анча қаттиқроқ айтилгандир. Азизим Клиний, токи ёмон одамлар, гўё исботларда ютиб чиқиб ўзлари худолар ҳақида қандай ўйласалар шунга мос келадиган, хоҳлаган ишларимизни қилаверамиз, деб ўйламасликлари учун бу баҳсга киришилди. Шунинг учун бизнинг нутқларимизда деярли ўсмирларга хос шид-

дат пайдо бўлди. Агар биз қисман фойда келтирган бўлсак ва бунга ўхшаш одамларни ўзларидан нафратланишга ҳамда қарама-қарши фикрлар тарзини севишга кўндира олган бўлсак, у ҳолда гуноҳкорлик ҳақидаги қонунларга бизнинг кириш сўзимиз яхши чиқди, деб ҳисобласак бўлади.

d Клиний. Ҳар ҳолда бунга умид қилса бўлади. Агар умид қилиб бўлмаса, у ҳолда бари бир мулоҳазанинг бундай тури учун соҳиби қонунга айб қўйиб бўлмайди.

А ф и н а л и к . Кириш сўзи (дебоча)-дан кейин, қонунларни тўғри тушунтирадиган ва гуноҳкор одамларга ўз ҳаёт

тарзларини тақводорлик томон ўзгартиришга буюрадиган талабни қўйишимиз мумкин. Бўйсунмайдиганларга гуноҳ ҳақида қуйидаги қонун бўла қолсин: агар кимдир,

e нимадир гуноҳқорона сўз айтса ёки гуноҳқорона иш қилиб қўйса, ҳар қандай шу ерда ҳозир бўлган одам бунга қаршилик кўрсатиши ва бу иш ҳақида мансабдор шахсларга хабар етказиши зарур ва улардан бу иш ҳақида биринчи хабардор бўлган мансабдор қонунларга мос равишда, бундай хилдаги ишларни текширадиган суд маҳкамасига айбдорларни олиб келиши керак. Агар қандайдир мансабдор шахс, хабардор бўла туриб бу ишни қилмаса, қонунлар тарафини олишни истаган ҳар қандай

908 одам уни суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агар кимда-ким айбдор бўлса, гуноҳкор одамларнинг ҳар бир кирдикори учун суд маҳкамаси керакли жазони белгилаши керак. Ҳар бир айбдор ушланиши зарур. Давлатда зиндонлар учта бўлиши керак: биттаси майдонда кўпчилик ушланганлар учун умумий, бу зиндон кўпчиликнинг шахсий хавфсизлигини қўриқлаш учун мўлжалланади; бошқа зиндон, Тунги йиғин ўтадиган жойга яқин ерда – софронистерий, деб аталади; учинчиси эса мамлакат ўртасида, қандайдир бир дашт-биёбонда – қасос (жазо) маъносини берадиган ном билан аталади. Одамлар биз эсла-тиб ўтган учта сабаб бўйича гуноҳкор бўлганлари учун ва ҳар бир бундай сабаб икки турдаги гуноҳкорларни пайдо қилганлигидан, худолар борасида адашувчи одамларнинг ҳаммаси бўлиб, олтита турли хиллари келиб чи-

қади. Уларнинг ҳаммасига турли ва тенг бўлмаган жазо-
лар берилади. Чунки, худолар мавжудлигини мутлақо ин-
кор этадиган, аммо табиатан адолатли феъл-атворли, адо-
латсизликка нисбатан чуқур жирканиш сабабидан ёмон
одамлардан нафратланадиган одамлар бундай ишларни
қилишга мойил эмаслар, улар адолатсиз одамлардан
нари қочадилар, адолатлиларни эса севадилар. Бошқа
тури эса – булар шундайларки, уларнинг гўё Коинот худ-
долардан холи, деган фикрларига, ҳузурлар ва дард че-
кишлардан ўзини тия олмаслик қўшилади, гарчи улар
кучли хотира ва ажойиб иқтидорга эга бўлсалар ҳам. Бу-
ларнинг иккаласининг ҳам умумий касалликлари худолар-
ларни тан олмасликларидир; лекин биринчилари иккин-
чиларига қараганда қолган одамларнинг ҳалокатлари
учун камроқ ёвузлик (ёмонлик) қиладилар. Улар ўз нутқ-
ларида худоларга, қурбонликларга, қасамларга нисба-
тан беадабликлар қиладилар ва бошқа ҳамма нарса ус-
тидан куладилар; агар адолат уларни вақтида тўхтат-
маса, улар бошқа (одамларни ҳам ўзларига) ўхшатиб қўя-
р эдилар. Иккинчилари биринчиларининг фикрларига
қўшиладилар, улар иқтидорли лекин маккор ва фитнес-
фасодга тўла одамлар сифатида машҳурдирлар. Бундай
хилдаги одамлардан каромат қилувчилар, турли-туман
фол очувчи одамлар, баъзан эса, тиранлар, сафсатабоз-
лар, ҳарбий қўмондонлар, хусусий сеҳр-жоду асосчила-
ри ҳамда назокатли гапга чечан(софистлар) чиқадилар.
Бундай одамларнинг хиллари кўп; аммо улардан икки-
таси алоҳида қонунга лойиқдирлар: улардан бирига та-
аллуқли бўлганлари, хусусан рижорлар қатл этилишдан
ҳам қаттиқроқ жазога муносиблар; иккинчи хилдаги
одамлар эса ўғитлар ва зиндонга ташланишга муҳтож-
дирлар.

Худди шунга ўхшаб, худоларнинг амалларини (ишла-
рини) инкор этувчи фикр ҳам икки хил одамни пайдо қила-
ди; худоларни гўё меҳр-шафқатли қилиб олиш мумкин,
деган фикрдагилар ҳам икки хилдир. Ҳакамлар қонунга
суянган ҳолда ёмон ният ва ёмон хулқ сабабли эмас, бал-
ки билмасдан гуноҳ иш қилиб қўйганни софронистерийга
беш йилдан кам бўлмаган муддатга қамашга ҳукм қила-

дилар. Уларнинг дил (руҳ)ларини халос этиш (қутқариш) учун суҳбатлар олиб борадиган ва панд- насиҳатлар берадиган Тунги йиғин иштирокчиларидан бошқа ҳеч ким бу муддатда уларнинг олдиларига киритилмайди. Қамоқ муддати тугагач, ўзини мулоҳазакор эканлигини кўрсатгани озодликка чиқиб, бошқа мулоҳазали одамлар билан бирга яшасин. Акс ҳолда эса, яъни, агар у яна шундай жазога лойиқ бўлса, уни қатл этиш зарур. Худоларни ва уларнинг қиладиган ишларини тан олмайдиган ёки уларни (худоларни) кўндирса бўлади, деб ҳисобловчилар, бунинг устига ҳайвонларга ўхшаб кетадилар ва одамларни менсимай, уларнинг баъзиларини ҳаётликлариди гўё ўлганларнинг руҳларини чақиришлари мумкин, деб аврайдилар ёки қурбонликлар, дуолар, жодулар ва сеҳргарлик воситасида худоларни мойил этишга, пул учун айрим шахсларни ҳам, бутун оилалар ва давлатларни ҳам бутунлай фахш ишларга буриб юборишга ваъда берадилар. Уларни, шунга ўхшаш ишларда айбдорларни суд маҳкамаси мамлакат ўртасидаги зиндонга қамаш орқали жазоласинлар. Озод, ҳур одамлардан ҳеч кимса бундай одам олдига келмаслиги керак. Қонулар нигоҳбонлари томонидан белгиланган овқатни у қулардан олиши зарур. У ўлиб қолса унинг жасади мамлакат ташқарисига чиқариб ташланади, кўмилмайди. Агар ҳур одамлардан кимдир уни дафн этса, у ҳолда ҳар қандай хоҳлаган одам бу гуноҳи учун уни суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агар у, ўзидан кейин давлатга яроқли фарзандлар қолдирса, у ҳолда ота жазога ҳукм этилган кундан бошлаб етимларга ғамхўрлик қилувчилар уларга худди ҳақиқий етимларга қилингандай ғамхўрлик қилсинлар – айтиш керакки, бу ғамхўрлик бошқалардан кам бўлмаслиги зарур.

Бундан ташқари яна бир умумий қонун таъсис этилиши даркор, токи (бу) қонунда назарда тутилмаган ибодатларни манъ этиб, кўпчиликни амалда ва сўзда худоларга нисбатан камроқ кирдикорликлар қилишга ҳамда оқилроқ (онглироқ) бўлишга мажбур этсин. Содда қилиб айтганда мана бундай қонун ҳаммага тааллуқли бўлиши керак: ҳеч ким хусусий уйларда ибодатхоналар қурмасин. Агар кимдир қурбонлик қилишни ният қилса, у жамоат ибодатхона-

ларига келиб, қурбонликнинг поклиги ҳақида ғамхўрлик қилувчи коҳин ва коҳиналарга уни топширсин. Уларнинг дуоларига у ўз дуосини қўшсин, ҳамда ҳар бир хоҳловчи ҳам у билан бирга дуолар қилсин. Ушбу сабабларга кўра шундай бўлиши керак. Ибодатхоналар ва ибодатларни таъсис этиш осон эмас; буни фақат баркамол мулоҳаза билан бажариш мумкин. Шу билан бирга ҳамма жойда, кўпчилик одамларда – айниқса барча аёллар, касал одамлар, хавф-хатарда ёки қандайдир йўқотишлар бўлганида, ҳамда бунга қарама-қарши ҳолларда – кимнингдир қисматига қандайдир фаровонлик, яхшилик насиб этганида, – ўзларининг қўлларида шу пайтда бўлган нарсани худоларга, генийларга ва худоларнинг болаларига аташ одати мавжуддир; бу орада улар қурбонликлар қилиш ёки ҳарамлар қуриш тўғрисида ваъдалар беришади. Худди шунга ўхшаб, кимда-ким тушда кўрган аломатлардан кўрқиб уйғониб, кўпдан кўп рўёларни эслаб, кўргани ҳар бир шарпачун, ўзини қутқариш воситаси сифатида меҳроблар ёки ҳарамлар бино қилади; пок ерларга ҳам, дуч келган ерга ҳам қуриб, улар бу ҳарамлар билан барча уйлар ва қишлоқларни тўлдириб юборадилар. Шулар ва булардан ташқари, нопок (гуноҳ ишлар қилувчи) одамлар туфайли ҳозиргина кўрсатиб ўтилган қонунга мувофиқ иш қилиш зарур, токи, улар буни яширинча қилмасинлар, яъни шахсий уйларида пинхона ҳарамлар ва меҳроблар қурмасинлар ва гўёки худоларни қурбонликлар ва дуолар (ибодатлар) билан (ўзларига) раҳм-шафқатли қилиб олиш мумкин, деб ўйлаб адолатсизликнинг сўнгги нуқтасига бориб етмасинлар: зеро шу тарзда улар ўзларини ҳам, ўзларидан яхшироқ бўлган, лекин бу ишларни қилишга ва бутун давлат ҳам адолат бўйича гуноҳкор одамлар қисматига учрашига йўл қўядиган одамларни худоларнинг жазосига дучор этадилар. Соҳиби қонунга эса худо танбеҳ бермайди. Шунинг учун қуйидаги қонун бўлсин: шахсий уйларда худоларнинг ҳарамлари бўлмасин. Агар улар кимда-дир бўлса ёки жамоат ҳарамларида эмас пинхона бошқа ҳарамларга бориб сизинса, у ҳолда, айбдор – хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл – ҳеч қандай жиддий ва гуноҳ ишлар қилмаган бўлса, буни сезиб қолган одам қонунлар нигоҳонларига хабар берсин, улар

эса шахсий ҳарамни (муқаддас нарсани) жамоат ерларига олиб ўтсинлар, (қонунга) бўйсунмагани эса, муқаддас нарсани кўчирмагунича жазоласинлар. Агар, кимдир қандайдир гуноҳ ишни болаларча эмас, балки катта ёшдагиларга хос бўлганидай қиладиган бўлса, у шахсий уйда ҳарам (муқаддас бирор нарса) бино этган бўладими ёки жамоат ҳараммида қандайдир худодларга қурбонликлар қиладими барибир, қурбонлик қилиш пайтида у пок бўлмагани сабабли, уни қатлга ҳукм этиш керак. Қонунлар нигоҳбонлари, бу гуноҳ иш болаларга хосми ёки йўқлигини муҳокама этиб ва айбдорни суд маҳкамасига олиб бориб, бу гуноҳ иш учун белгиланган жазони ижро этишлари зарур бўлади.



Фуқаролик
муносабатлари.
Хусусий мулкни
қўриқлаш ҳақида
қонунлар

Афиналик. Шундан кейин биз одамларнинг иш юзасидан ўзаро муносабатларини маъқул тартибга келтиришимиз зарур. Асосий қоида бу ерда оддий: агарда менинг ҳар гал алоҳида руҳсатим бўлмаса, ҳеч ким менинг бисо-

тимга тегмасин ва менинг мулкимни бузмасин. Токи ақлим жойида экан, мен ҳам бошқаларнинг мулкига худди шундай муносабатда бўламан.

Аввало, ким бўлса ҳам, ўзи учун ёки ўз яқинлари учун олиб қўядиган ёки яширадиган хазиналар ҳақида гаплашайлик. Агар бу одам менинг аждодларимдан бўлмаса, мен ҳеч қачон худолардан бундай ганжинани топиб олай, деб илтижолар (дуолар) қилмаган бўлардим; агарда топиб олсам, унга тегмас эдим. Бошқа томондан, мен кароматгўй деб аталувчиларга бунинг ҳақида хабар бермаган бўлардим, чунки улар менга барибир ердан унга (ерга) ишониб топширилган гаровни (кавлаб) олишга маслаҳат берган бўлардилар. Гап шундаки, бундай ўзлаштириб олишдан мулкий борада кўп фойда кўрмайман: агар мен бундай ўзлаштириб олишдан (мусодарадан) ўзимни тийсам, руҳий эзгу иш ва адолат юзасидан кўпроқ фойда кўраман. Мен бир мулк ўрнига бошқа мулкни, энг яхши соҳадаги энг яхши нарсани – пул сифатидаги бойликни эмас, кўнгил (дил)га адолатни жо этаман. Кўп воқеалар борасида айтилган ажойиб сўзлар, – хусусан, тегиб бўлмайдиган (дахлсиз) нарсага тегиб бўлмайди, дейилгани, – бу ҳолат учун ҳам қўлланилгани маъқулдир. Бунинг устига яна афсоналарга ҳам ишониш лозим, уларда айтилишича буларнинг ҳаммаси авлодга фойда келтирмайди. Агарда, ўз авлоди ҳақида ғамхўрлик қилмайдиган одам учраб қолса ва у соҳиби қонунга эътибор бермай, ўзи ёки аждодларидан бири

b

c

томонидан олиб қўйилмаган (яширилмаган) нарсани ўзлаштириб олса, яна бу ишни, ўша нарсани олиб қўйган одамнинг рухсатисиз қилса, у ҳолда, у, қонунларнинг энг зебо ва энг оддийсинигина эмас, яна анчагина ҳурматли одамнинг: “Ўзинг қўймаган нарсани ўзлаштириб олма”, – деган қонунга беписанд бўлиб, ўзи қўймаган, яна бунинг устига озгина нарсани эмас, балки (кўпинча) бўладиган-дек анча катта бойликни ўзлаштириб олса, у қандай жазоланиши керак? Худоларнинг берадиган жазосига келсак, бу фақат худонинг ўзига маълум. Аммо, бу одамни ким билиб қолса, агар бу иш шаҳарда рўй берса, астиномларга, агарда шаҳар бозорининг қаеридадир рўй берса – агораномларга, агар мамлакатнинг бошқа бирор жойида рўй берса – агрономлар ва уларнинг бошлиқларига хабар бериши зарур. Қачонки бу иш ҳақида арз қилинса, давлат Делфага мурожаат қилсин ва пуллар ҳамда уларни ўзлаштириб олган одам борасида худо қандай қарор қилса, худонинг башоратларига ёрдам бериб давлат ўша қарорни ижро этсин. Бундай хабар етказилганида ҳур туғилган одам ўзининг эзгу иши туфайли шухрат қозонади, акс ҳолда эса ёмон отлиқ бўлади. Агар қул хабар берса, унинг эгасига зарурий ҳақ тўлаб озодлик беришга давлатда асос бўлади; агарда қул хабар бермаса у қатл этилиб жазоланади.

b Бундан кейин ҳам катта, ҳам кичкина буюмларга тегишли қуйидаги қонун-қонидани ўрнатамиз. Агар кимдир билиб туриб ёки бехос ўзига тегишли нарсани йўқотиб қўйса, бу нарсани топиб олган одам, йўллар худованди қонун унга бағишлаган нарсаларни кўриқлайди, деб ҳисоблаб, уни ўз жойида қолдирсин, тегмасин. Агар кимдир бунга хилоф равишда бу нарсани олса ва ўз уйига олиб кетса, у ҳолда, агар бу ишни қул қилса ва буюм қимматбаҳо бўлмаса, биринчи учраган, ўттиз ёшдан ёш бўлмаган одам уни кўп калтаклаб жазоласин. Агарда бу ишни ҳур туғилган одам қилса, у ҳолда у, инсон деган унвонга нолайиқ ва қонундан ташқари, деб ном чиқаради, бу одам, ўша нарсанинг эгасига нарсанинг баҳосидан ўн баробар кўпроқ пул тўласин.

Агар кимдир, бошқа бир одамни, ўзининг мулкидан катта ёки кичик қисмини ўша одамда турибди, деб айб- ласа ва айбланувчи бунга иқрор бўлиб унда ҳақиқатан бу мулк борлигини билдирсаю бу нарса асло айбловчига те- гишли эмас, деса, у ҳолда айбловчи, агар унинг қонуний мулки ҳокимларда ёзиб қўйилган бўлса, айбланувчини ҳокимият ҳузурига чақиртирсин, у эса (яъни айбланувчи - тарж) албатта келсин. Текширув иши эълон қилинган ва ёзувларни кўриб чиқилган баҳсли нарса кимга тегишли эканлиги аниқланганидан кейин нарсанинг эгаси эгаллик ҳуқуқини олиб кетади. Агар буюм бу ерда ҳозир бўлмаган учинчи одамга тегишли бўлса, ул иккитасидан баҳсли бу- юмни эгасига беришга кафолотчи шахсни кўрсатгани бу- юмни олсин. Агар баҳсли буюм ҳокимлар рўйхатига кири- тилмаган бўлса, то суд маҳкамасида иш текширилгунича буюм учта катта ҳокимда қолсин. Агар баҳсли нарса уй ҳайвони бўлса, маҳкама ишини ютиб чиққан томон уни боқиб турилганлик учун ҳақ тўласин. Ҳокимлар эса маҳ- кама текширувини уч кун мобайнида ўтказадилар.

Ақли жойида бўлган ҳар қандай одам, ўзининг қочиб кетган қулини ушлаши ва ундан хоҳлаган тарзда фойда- ланиши мумкин, бу фақат ахлоқни бузмаса бўлади. Яна ўз қариндошларининг ёки дўстларининг мулкани сақлаб қолиш учун, уларнинг қочоқ қулини ушлаб қолиши мум- кин. Агарда кимнидир қул сифатида ушлаб қолинса, ким- дир унга озодликни қайтариб берган бўлса, бу қулни уш- лаб олган уни қўйиб юборсин, қулга озодликни қайтариб берган одам эса, учта маъқул кафолот берувчиларни тақ- дим этсин: фақат шу тарзда қулга у озодлик бериши мум- кин, бошқача бўлиши мумкин эмас. Агар кимдир бунга хилоф равишда қулни эркинликка чиқарса, зулм ўтказ- ганликда айбдор бўлади ва агар бу фош этилса, жабр чек- кан томонга, даъвогарлар белгилаган зарардан икки ба- робар кўп пул тўлайди. Агарда озод этилган қулардан баъзилари, уларни озод қилганлар ҳақида етарли дара- жада ёки умуман ғамхўрлик қилмасалар уларни ҳам уш- лаш мумкин бўлади. Ғамхўрлик ушбулардан иборат: озод этилган қул, уни озод қилган одамнинг уйига ҳар ойда уч марта келиб зиёрат қилиши ва адолатли ҳамда шу билан

d

e

915

бирга мумкин бўлган барча нарсани бажаришга розилигини билдириши зарур. Худди шунга ўхшаб, у ўзининг собиқ хожасининг розилигини олиб уйланиши мумкин. Шу қатори, озод этилган қулга уни озод қилган одамдан бойроқ бўлишга рухсат берилмайди: ортиқчаси хожасининг мулки бўлсин. Озод этилган қул мамлакатда йигирма йилдан кўп туриши мумкин эмас; бу муддат ўтганидан кейин, агарда у ҳокимлар ва уни озод этганининг рухсатини олмаган бўлса ўзининг бор мулкани олиб худди бошқа ажнабийлар сингари (мамлакатдан) чиқиб кетсин. Агарда озод этилган қулнинг ёки ажнабийлардан бирининг мулки учинчи синф фуқаролари мулклари меъёридан ошиб кетадиган даражага етса, у ҳолда ана шу ошиш бошланган кунидан ўттиз кун давомида у ўзига тегишли молмулкани олиб кетиши зарур. Ҳокимлар ҳеч қандай сабаблар билан унга мамлакатда қолишга рухсат бермасликлари лозим. Бунга бўйсунмайдиганлар суд маҳкамасига чақириладилар ва айблари исботланса қатл этилсинлар; уларнинг мулклари давлат фойдасига мусодара қилинади. Бундай ишлар, агар иккала тараф қўшнилар суди ёки шу муносабат билан сайланган ҳакамлар воситасида ўзаро айбловларга чек қўймасалар, филалар суд маҳкамаларида кўриб чиқилади.

Агар кимдир, гўёки унга тегишли бўлган бирор буюм ёки уй ҳайвонига даъво қиладиган бўлса, эгаси ўша нарсани сотган, совға қилган ёки қандайдир бошқа ҳуқуқий асосда берган одам олдига уни олиб борсин – албатта, агар бу одам ишончга лойиқ ва адолатли бўлса. Агар бу одам фуқаро ёки шу давлатда яшовчи метеклардан бўлса, ўша нарсанинг эгаси бу ишни ўттиз кунда амалга оширсин; агарда ажнабий тарафидан берилган буюм ҳақида сўз борса, у ҳолда ишни беш ой мобайнида тугатиш зарур, бу беш ойнинг ўртасига куёшнинг ёздан қишга бурилиши тўғри келади.

Савдо-сотиқ
ҳақидаги
қонунлар

Олиш ва сотиш орқали бўладиган ҳар қандай ўзаро алмашув, шаҳар майдонидаги ҳар хил (нарса) учун алоҳида ажратиб қўйилган жойда амалга оширилиши зарур. Нарсанинг нархи шу ернинг ўзи-

да тўланиши керак; қарзга ҳар қандай олиш ва сотиш манъ этилади. Агар қандайдир алмашув бошқа бир усулда ўтса ёки бошқа бир жойда рўй берса ва сотувчи харидорга (ўз нарсасини) қарзга берса, улар бу ишни қилишлари мумкин, аммо шуни билсинларки, қонун бўйича, ҳозиргина кўрсатиб ўтилган талабни бажармаган одамларнинг арзларини суд маҳкамаси қабул қилмайди.

Улуш (пай)ларга асосланган ўртоқликларга шу талаб тааллуққидир: хоҳлаганлар дўстлар орасида уни ташкил этишлари мумкин; лекин берилган бадал бўйича ўзаро келишмовчилик чиқса, билишлари керак-ки, ҳеч ким, ҳеч қандай тарзда бундай иш ҳақида суд маҳкамасида иш кўрмайди.

Элик драхмдан кам бўлмаган қарзга сотган одам шаҳарда ўн кун кутиши зарур; бундай ҳолларда бўладиган шикоятлар ва сотиб олинган нарсани қонуний равишда қайтаришга тўғри келиб қолиши мумкинлигидан, олувчи сотувчининг турар жойини билсин. Нарсани қайтариш ушбу сабабларга кўра ё қонуний ёки ноқонуний бўлади. Агар кимдир сил, сийдиги келиши қийин, тош касалидан дард чекувчи ёки муқаддас касаллик, деб аталадиган дардга йўлиққан кўпчиликдан яширин, даволаниши қийин бўлган бадан ёки руҳий касал қулни сотса у ҳолда олувчи – шифокор ёки гимнастика ўқитувчиси бўлса, қайтариб бериш мумкин эмас; агар сотувчи булар ҳақида огоҳлантирган бўлса ҳам худди шундай. Агарда сотиб олувчи оддий одам бўлса-ю сотувчи эса касалликлардан хабардор бўлса, сотиб олинган нарсани олти ой давомида қайтариш мумкин. Муқаддас касаллик бундан истиснодир; бу ҳолда, бир йил давомида қайтариш мумкин бўлади. Ишни, иккала томон танлаб олган шифокорлар текшириб чиқадилар. Айбдор харид қилинган нарсанинг нархини икки баробарини тўлаши даркор. Агар харидор ҳам, сотувчи ҳам оддий одамлар бўлсалар, суд маҳкамасида кўриш учун, қайтариш ҳозиргина айтилганидек бўлади, лекин айбдор сотиб олинган нарсанинг нархини тўлайди. Агар сотилган қул – қотил бўлса, харидор ва сотувчи эса бундан хабардор бўлсалар, бундай савдода қайтариш бўлмайди. Агарда харидор бу ҳақда олдиндан билмаса, у

916

б

с

d қолда, сотиб олган бундан хабар топиши билан қулни қай-тариб бериши мумкин. Ишни бешта кичик қонун нигоҳ-бонлари муҳокама қиладилар. Агар, сотувчи бу аҳволни билиши тан олинса, у, таъбирчилар қарорларига қараб, сотиб олувчининг уйини поклаши ва қул нархининг уч баробарини тўлаши зарур.

e Пулни пулга ёки бошқа бирор нарсага – у тирик нарсами ёки йўқми (барибир) – алмаштиришда қалбаки бўлмаганини бериш ва олиш ҳамда бу борада қонунга риоя қилиш керак. Бошқа қонунларга қилганимиздек бу ердаги ёмонлик (ёвузлик, бало) борасида ҳам кириш сўз бўлгани маъқул. Ҳар қандай одам ҳар қандай қалбакилик, ёлғон ва алдамчиликни бир турда, деб ҳисоблаши лозим; шунга қарамай кўпчилик одам мутлақо нотўғри фикр билдирадилар, гўё, баъзан – ва ҳатто кўпинча, – агар хонаси келиб қолса, булар мумкин эмиш; хонаси қачон келиши бу борада белгиланмай ва аниқланмай қолаверади. Худди шундай фикр туфайли кўп одамлар ўзлари ҳам зарар кўрадилар, бошқаларга ҳам зарар келтирадилар. Соҳиб қонун буни аниқламай қолдириши кечиримли иш бўлмайди: бу ўринда доимо кўпроқ ёки камроқ кенгликдаги чегараларни аниқ белгилаб қўйиш даркор. Шунинг учун биз 917 ҳам ҳозир уни аниқлаймиз.

b Кимки худолар нафратига жуда қаттиқ учрашни хоҳламаса, на сўзда, на амалда ҳеч қандай ёлғонга, алдамчиликка ёки худоларни гувоҳликка чақириб қалбаки иш қилишга йўл қўймасин; кимдир худолар ҳақида ҳеч ҳам қайғурмай ёлғондакам қасамлар ичадиган ҳолатлари бўлади-ку. Ундан кейингиси, ўзидан юқорироқ бўлган одамлар ҳузурларида ёлғон гапирадиган одамдир. Яхши одамлар ёмонроқларидан юқоридир; чоллар ўсмирлардан умуман юқоридирлар; шунинг учун ҳам, ота-оналар болалардан юқори, эркаклар хотинлардан ва болалардан юқори, ҳукмдорлар тобеълардан юқоридирлар. Бу одамларнинг ҳаммаларига қолганлар ҳурмат-эҳтиром кўрсатишлари зарур, – улар умуман қандайдир мансабда бўлганларида ҳам ва айниқса, давлат мансабдори бўлганларида – шу нарса-лар ҳозирги суҳбатимизнинг бошланиш нуқтасидир. Бозорда қалбаки нарса сотаётган ҳар қандай одам ёлғон

гапиради ва алдайди; худоларни гувоҳликка чақириб, қасам ичиб, уялмай ва худоларни эъзозламай қонунларни ва агораномларнинг огоҳлантиришларига хилоф ишлар қилади. Худоларнинг номларини пуч чақириқлар (яъни, ёлгон қасам ичишлар- тарж.) билан булғамаслик, модомики худоларга поклик ва маъсумлик маъносида шундай муносабатда экансан, зеро бизлардан кўпчилигимиз шундай муносабатдамиз, – гўзал, яхши одатдир. Агар кимнидир бу ишонтира олмаса, қонун ушбу: бозорда нима биландир савдо қилаётган одам ўз моли учун иккита нарх кўймаслиги керак, фақат битта нарх бўлиши зарур. Агар у шу нархда харидор топа олмаса, у ўз молини бозордан қайтариб олиб кетиши мумкин; аммо бир куннинг ўзида у ўз молини гоҳ қиммат, гоҳ арзон баҳоламаслиги керак. Сотиладиган ҳар қандай буюм борасида мақтовлар ва қасам ичишлар бўлмасин. Бунга қулоқ солмагани, ҳар қандай ўттиз ёшга етган биринчи учраган фуқаро уни қасамлар учун жазо бериб уришга ҳаққи бор, бу билан у айбдор ҳисобланмайди. Кимда-ким ўзининг бу ҳуқуқига беписанд бўлса, ўша одам қонунларга хиёнат қилгани учун танбеҳ олади. Агар кимдир бизнинг ҳозирги сўзларимизга қулоқ солишга ўзида куч тополмаса ва нимадир қалбаки нарсани сотса, у ҳолда буни биринчи билиб қолган одам, агар кўлидан келса, ҳокимлар олдида уни фош этсин. Қул ёки метек бу ҳолда қалбаки буюмни ўзига мулк сифатида олади. Хур одам агар бу қалбаки нарсани фош этмаса, ёмон фуқаро, деб эълон қилинади, чунки бу ҳолатда у худоларга тобеъликдан чиқади; агар фош қилса, бу қалбаки буюмни (нарсани, молни) бозор майдони ҳомийлари бўлган худоларга бахшида этиши керак.

Қалбаки иш қилганлиги фош этилган сотувчи ўзининг қалбаки молдан ажралишидан ташқари у, ўз молига қанча драхм сўраган бўлса шунча марта бозор майдонида жарчи томонидан калтакланади, яна жарчи у нега бундай жазоланганини эълон қилади. Агораномлар ва қонунлар нигоҳбонлари қалбаки иш ва қасддан қилинган ёлгончилик борасида буни билладиган одамлардан суриштириб, сотувчи нима қилиш ва нима қилмаслиги кераклигини ёзма равишда аниқлашлари даркор. Бу қонунлар нақш

этилган тошни агорономия олдига шундай қўйиш керак-ки, бозорга иши тушганлар уларни аниқ кўрсинлар.

918 Астиномлар борасида юқорида етарли даражада гапирилди. Агар мабодо, қандайдир қўшимчалар қилиш керакдай туюлса, астиномлар яна ўша қонунлар нигоҳбонлари билан биргаликда тушиб қолган бўлиб туюлганларни астиномияда қўйилган, уларнинг мансабларига тегишли асосий ва қўшимча қонун-қоидаларни ўзида акс эттирувчи тошга ёзиб қўйсинлар.

Қалбаки нарсалардан кейин чакана (майда) савдо билан шуғулланиш келади. Биз аввал умуман бу машғулот борасида маслаҳат берамиз ва оқил далиллар келтира-миз, шундан кейингина қонунни ўрнатамиз.

b Ҳар қандай чакана (майда) савдо ўз табиатига кўра давлат зарарига қаратилган эмас, – бутунлай аксинча. Ҳар қандай ҳар хилдаги ва номутаносиб мулкни мутаносиблик ва бир хилдаликка келтирадиган ҳар қандай одам яхшилик қилувчи одам эмасми? Тан олиш керак-ки, бу пул муомаласи туфайли рўй беради; бунга савдогарлар, ёлланма ишчилар, меҳмонхоналарнинг эгалари ва бошқа машғулотлар вакиллари ёрдам берадилар, бу машғулотларнинг баъзилари камроқ, баъзилари кўпроқ ёқимли, c дурустдир. Буларнинг ҳаммаси бизнинг эҳтиёжларимизни бир хилликка келтиришга ёрдам беради. Бу машғулотнинг на зебо, на дуруст деб тан олинмаганлигининг сабаби нимада? Нега у ёмон отлиқ бўлиб қолган? Бу ҳолатни қонун ёрдамида яхлит бўлмасада, ҳеч бўлмаса қисман ўзгартириш ниятида кўриб чиқамиз. Бу иш осон бўлмаса керак, шунинг учун ҳам кўп эзуликларни талаб этади.

К л и н и й . Сен нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Азизим Клиний, аъло даражада таълим олган, ўз табиатларига кўра фавқулудда (қобилиятли) одамларнинг бир қисмигина қандайдир эҳтиёжлар ва нафс хуружига дуч келганларида ўзларини маълум чега-рада тута оладилар. Бу одамлар, кўп пул топишлари мумкин бўлганида ўзларини ҳушёр тута оладилар, меъёрда- g гини бисёрликдан афзал кўра оладилар. Жуда кўп одам аксинча йўл тутлади: уларнинг истак-хоҳишлари меъёр билмайди, меъёрда фойда топишлари мумкин бўлган ҳол-

да улар очкўзликни аъло кўрадилар. Шунинг учун, майда савдогар, катта тижоратчи ва меҳмонхона эгасининг машгулотлари жуда уятли, деб тан олинади ва ёмон ҳисобдир. Аммо кимдир (бу нарса ҳеч қачон бўлмайди!) – буни айтиш кулгили, лекин шундай бўлсада айтиб ўтамиз, – ҳар жиҳатдан яхши одамларни бир муддат ҳужжатсиз мол сотиш, майда савдо ёки умуман шунга ўхшаш иш билан шуғулланишга мажбур этса ёки аёлларга бу машгулотлар билан шуғулланиш зарурати пайдо бўлса, биз бу машгулотлар қанчалик яхши ва матлуб эканлигини билган бўлардик. Ва агар шулар бузилмасдан оқилона асосларда амалга оширилса у ҳолда, оналар ёки энагалар мушарраф бўладиган ҳурмат ва эҳтиромни қозонган бўлар эдилар. Аммо бизнинг давримизда меҳмонхона эгалари, чакана савдонини деб, ўз уйларини кўп йўллар туташидиган, ҳеч нарса йўқ ерларга қурадилар; бу ерда улар, ётоқ зарур бўлган йўловчиларга жой, агар улар қиш бўронига қолсалар, иссиққина ва тинч хона берадилар ёки қаттиқ жазирама кунлари салқин жойда дам олишга шароит яратадилар. Аммо меҳмонхона хўжайини кейин ўз дўстларини қабул қилган ва уларга совға-саломлар бергандай ҳис этмайди, қилган ишини бундай ҳисобламайди; йўқ, уларга худди асир тушган душманлардай қарайди ва уларни катта пул эвазига озодликка чиқаради. Бунга ўхшаш ишлардаги шундай адашишлар, бу машгулотларни ёмон, деб ҳисоблашга олиб келади, гарчи улар одамларга қийин шароитларда ёрдам беришлари лозим эди. Мана шунга ҳам соҳиб қонун дори тайёрлаб қўйиши керак.

Айтиб ўтиш керакки, қадимда жуда тўғри айтилганидек, иккита, бунинг устига қарама-қарши офатлар билан курашиш қийин, касалликлар ва бошқа ходисаларда шундай бўлади. Ҳозир ҳам биз иккита рақиб билан: камбағаллик ва бойлик билан жангга кирамиз. Бойлик одамларнинг дилларини ҳашамат, зеб-зийнатлар билан ахлоқсиз қилди, камбағаллик уларни дардларга тўғризиб, беномус этди. Оқил давлатда бу касалликка қандай илож қилса бўлади? Биринчидан, иложи борича камроқ савдо билан шуғулланувчилардан фойдаланиш зарур; иккинчидан, бу машгулот билан шуғулланишни ахлоқсиз-

лиги давлатга мумкин қадар кам зиён келтирадиган одамларга топшириш даркор; учинчидан, бу иш билан шуғулланувчиларга, уларни осонгина беҳаёлик ва тубанликка ўтиб кетишларидан сақловчи восита ўйлаб топиш зарур. Ушбу дастлабки мулоҳазалардан кейин, хуш соатда ушбу қонунни жорий этамиз: фаровонлик бўлиши

d учун турар жойларини худо янгидан ташкил этган магнетлардан беш минг қирқ хонадонга кирувчи битта ҳам деҳқон, ўз ихтиёри билан ёки беихтиёр майда савдогар ҳам, катта тижоратчи ҳам бўлмасин; ҳеч ким, ўзи мансуб ижтимоий мавқега тааллуқли бўлмаган хусусий шахсга хизмат кўрсатмасин; ота, она, уларнинг катта ёшли қариндошлари, агар ҳур туғилган бўлсалар ва бундай одамларга хос равишда яшасалар, умуман барча катта ёшдагилар бундан истиснодир. Айтиш керак-ки, ҳур туғилган одамларга хос бўлган ва хос бўлмаган нарсаларни қонун билан аниқ ажратиб қўйиш осон иш эмасдир. Булар ҳақида, ўз эзгу ишлари учун фахрий тўхфалар олган одамлар ҳукм чиқарадилар, бунда улар ўз мойилликлари ёки ўз нафратларига асосланадилар. Агар кимдир, қандайдир айёрлик билан ҳур туғилган одамларга хос бўлмаган савдо билан шуғулланадиган бўлса, ҳар бир хоҳлаган одам, эзгу ишларда улуғ одамлар, деб тан олинган одамлар олдида уни беномуслик қилаётганликда айбласин. Агар, бу одам дарҳақиқат отасининг хонадонига нолойиқ машғулот билан доғ туширса, у ҳолда бир йилга қамаш йўли билан уни машғулотдан воз кечишга мажбур этадилар. Бу иш яна қайтарилса, унга икки йил қамалиш хавфи тушади. Умуман, ҳар бир қўлга олинмишда қамалиш муддати олдингисидан икки баробар кўпроқ бўлади.

920

Мана бу иккинчи қонун: кимда-ким савдо билан шуғулланмоқчи бўлса, метек ёки ажнабий бўлиши зарур. Кейин учинчи қонун келади: биз ўз давлатимизда савдогар шахсиятида имкони борича яхши ёки ҳеч бўлмаса имкон борича ёмон бўлмаган ҳамшаҳарга эга бўлишимиз зарур. Шунинг учун қонунлар нигоҳбонлари, қонунларни бузиш ва ахлоқсизликдан сақлаш осон бўлган одамларнигина ҳимоя этмасликларини билишлари зарур: зеро бундай

одамлар ўзларининг келиб чиқишлари ва тарбиялари билан усиз ҳам яхши тайёрланганлар. Йўқ, бундайларни қўриқлаш керак эмас, аксинча, ёмон (хулқли) этишга мойиллиги бор ишлар билан шуғулланувчи одамларни қўриқлаш керак. Бу жиҳатдан савдо турли-тумандир – у ўзида бундай машғулотларнинг кўпини жамлаган. Биз, давлат учун ўта муҳим, деб тан олинганларини ҳисобга оламиз. Шу мақсадда, қонунлар нигоҳбонлари, савдонинг ҳар бир айрим хилида катта тажрибага эга бўлган одамлар билан, аввал, шунга ўхшаш машғулотлар, қалбаки нарсалар ҳақида талаб этганимиздек, – йиғилишлари зарур. Бу йиғинда, қандай турдаги кирим ва чиқим савдогарга муносиб фойда таъминлашини кўриб чиқиш зарур; чиқим ва кирим нисбатини ёзма равишда белгилаб қўйиш даркор; бу қоидаларга риоя қилишни қисман агораномлар, қисман астиномлар, қисман агрономлар назорат қиладилар. Савдонинг шундай тартиботи барча фуқароларга фойда ва давлатларда бу иш билан шуғулланувчиларга иложи борича кам зарар келтирар эди.

Агар кимдир шартнома тузилгач унинг шартларини бажармаса (қонунлар ва халқ йиғини қарори билан манъ этилган шартномалар бундан истисно) ёки қандайдир адолатсиз зўравонлик билан шартнома тузилса ёки агар кимда-ким ўзи ихтиёрый равишда шартнома шартларини бажаришни истасаю бунга олдиндан билинмаган қаршиликка дуч келса, бу ва бошқа барча воқеаларнинг суд маҳкамасида текширилиши, воситачилар ва қўшнилар суди маҳкамасида олдин ҳал бўлиши мумкин бўлмаганлигидан филалар суди маҳкамасида кўриб чиқилади.

Хунармандлар тоифаси Гефест ва Афина ҳомийликларидадир: зеро хунармандлар ўзларининг умумий меҳнатлари орқали бизга яшаш имкониятини берадилар. Арес ва яна Афина ҳомийликларида ўзларининг мудофаа санъатлари билан хунармандларнинг буюмларини сақловчи одамлар турадилар: демак, жангчилар тоифаси адолатан ана шу худоларга бағишланади. Бу икки тоифа доимо мамлакат ва халқ ҳақида қайғурадилар:

**Хунармандлар
ва буюртмачилар
муносабатлари**

латсиз зўравонлик билан шартнома тузилса ёки агар кимда-ким ўзи ихтиёрый равишда шартнома шартларини бажаришни истасаю бунга олдиндан

бирлари ҳарбий мусобақаларни бошқарадилар, бошқалари эса пулга буюмлар ва қуруллар ишлаб чиқарадилар. Бу охиргилари ўз меҳнатларида алдовга йўл қўймасликлари керак; улар узоқ аждодлари бўлмиш худолардан номус қилсинлар. Агар ҳунармандлардан кимдир кўрсатилган муддатда ўз буюртмасини бажармаса; агар, ўзининг яқинлиги учун худо уни кечиради, деб ҳисоблаб, унга ҳаёт бахш этувчи худодан уялмаса; агар у ўз ақли билан ҳеч нарсани кўриб тушунмаса – уни аввало худо ўзи тергайди (ва жазолайди). Иккинчидан, қуйидаги қонун ўрнатилсин: буюмнинг баҳосини у ўзи алдаган буюртмачига тўлаши керак ва кўрсатилган муддатда уни ясаб бериши керак, аммо текинга. Буюртма қабул қилувчига, қонун сотувчига берган маслаҳатга ўхшаш маслаҳат беради: нарх кўтаришга ҳаракат қилмасин, аммо ўз ишини ҳақиқий қиймати бўйича баҳоласин. Гап шундаки, ҳунарманд ўз ишининг ҳақиқий қийматини билади; демак, ҳур туғилган одамлар мамлакатларида ҳунарманд ҳеч қачон айёрилик билан беҳабар одамни тузоққа туширмаслиги зарур; йўқ, унинг ҳунари – аниқ иш ва ўз табиатига кўра алдашга ётдир. Агар кимдир хафа қилинган бўлса, у одам, хафа қилган одамни суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агарда буюртмачи ҳунармандга қонунларга мувофиқ тузилган шартнома бўйича берилиши керак бўлган пулни бермаса, яъни, агар у, давлат тартиботига тааллуқли бўлган, шаҳар ҳукмдори Зевс ва Афинага нисбатан номусли иш қилса, – бошқача айтганда, агар у арзимаган фойдага меҳр қўйиб улуғ бир алоқани бузадиган бўлса, у ҳолда, давлатни жипслаштириб турган бирдамликка худолар билан қонун ёрдамга келсин: нархини тўлаши керак бўлган буюртмани олиб, агар у белгиланган муддатда берадиган пулни бермаса, у ҳолда буюртмачидан икки баробар кўп пул олинсин. Бизнинг давлатимизда қолган барча мулк агар кимнингдир томонидан қарзга берилган бўлса, (устама) фоиз келтирмайди; аммо ушбу воқеада агар буюртмачи бажарилган буюртмани олганидан кейин бир йил муддат ўтиб кетса, у ўсган фоизларни ҳам тўлаши керак бўлади, хусусан, ҳар бир драхмадан

ҳар ойда унинг олтидан бирини, яъни бир обол тўлаши керак. Бу ишлар филалар судида кўриб чиқилади.

Биз усталар ҳақида эслатиб ўтган бўлсак, у ҳолда, давлатни халос этадиган ҳарбий меҳнат билан шуғулланувчилар: ҳарбий қўмондонлар ва ҳарб ишида моҳир бўлган барча одамлар ҳақида ҳам айтиб ўтишимиз зарур. Уларга ҳам қонун бор, юқорида айтиб ўтилганлардай гўё улар ҳам хунармандлар: уларнинг қайси бири бутун давлат учун фойдали иш қилиб, – ўз ихтиёри билан ёки талаб қилинганидами, барибир, – уни аъло даражада бажарса, унга давлат адолат бўйича ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, бу эҳтиромлар унга ҳарбий мукофот бўлиб хизмат қиладилар, қонун ҳам уларни толиқмай васф этади. Агар бу одам урушда қандайдир ажойиб, гўзал ишни бажаришни олдиндан ўз зиммасига олган бўлсаю, уни амалга оширмаса, унга танбеҳ берилди. Шундай қилиб, бунга ўхшаш ишлар учун мақтов билан аралаш шу қонун ўрнатилсин. Бу қонун кўпчилик фуқароларга, ўз мардиклари ёки ўзларининг ҳарбий ихтиролари туфайли бутун давлат халоскорлари бўлган яхши одамларга, ҳозирча энг юксак бўлмасада, – ҳурмат кўрсатишни мажбур этмасада, маслаҳат беради. Лекин, соҳиби қонунлар талабларига алоҳида ҳурмат билан ёндоша олган одамларга энг улуғ фахрий тухфа ажратмоқ даркор.

922

Етимлар
ва васийлар
ҳақида қонунлар.
Ворислик ҳуқуқи

Биз, одамлар ўзаро қиладиган деярли барча муҳим муносабатларни баён этдик. Энди етимлар аҳволи ва улар ҳақида васийларнинг раҳхўрликлари борасидаги масала қолди. Олдин баён этилганлардан кейин у ёки бу ҳолда барибир уни муҳокама этиш керак бўлади. Буни, ўлимга яқин одамлар тузишга мойил бўлган васиятномалардан ва бундай васиятномалар тузишга йўл қўймайдиган тасодифлардан бошлаш зарур. Клиний, мен айтаман-ки, бу ерда тартиб ўрнатиш керак, чунки мен бу ишнинг мушкул ва машаққатли томонини кўрмоқдаман. Дарҳақиқат буни тартибсиз қолдириб бўлмайди. Агар, ҳар қандай васиятнома, уни тузишда умри тугаётган одам қандай аҳволда эканлигидан

b

c

қатъий назар ҳақиқий, деб ҳисобланса, у ҳолда васиятно-малар турли ҳилда бўлар эди, уларга (васиятно-маларга) қонунлар, ҳали ҳаёт одамларнинг одатларига ва васият қилувчининг, то васиятнома ёзишга қарор қилишигача бўлган вақтдаги фикрларига зид нарсалар кириб қолган бўларди. Гап шундаки, бизнинг кўпчилигимиз, ажал яқинлигини билганимизда ақлдан озамиз ва ожизлашамиз.

К л и н и й . Сен бунни қандай тушунасан, ажнабий (биродар)?

А ф и н а л и к . Ўлимга яқин одам билан бирор иш қилиш қийин, Клиний: у, соҳиби қонун учун даҳшатли ва чидаб бўлмас фикрларга тўладир.

К л и н и й . Қандай (фикрлар)?

А ф и н а л и к . У ўзининг барча ишларини ўзи ҳал қилишни истайди ва газабланади.

К л и н и й . У нималар дейди?

А ф и н а л и к . “Оҳ худолар, бу қандай даҳшат! – дейди у. – Ўзимнинг шахсий мулкимни, ўзим хоҳлаган одамга бериш ёки бермасликка ҳуқуқсизман: бу одамлар менга ёмон ёки яхши муомала қилганига қараб бирига кўп, бошқасига оз; зеро буларнинг ҳаммасини мен касалликларим, қарилигим ва турлича бошқа шароитларда синадим ҳамда кўриб, билдим”.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), у сенга ҳақ сўз айтаётгандай бўлиб туюлмаётими?

А ф и н а л и к . Менинг назаримда, Клиний, қадимий соҳиби қонунлар ҳаддан зиёд юмшоқ бўлганлар; қонунлар билан шуғулланганларида ҳам улар инсоний ишларининг фақат озгина қисмига эътибор берганлар.

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Ҳа, дўстим, улар шу сўзлардан қўрқдилар ва улар ўрнатган қонун, ҳар ким хоҳлаганидек ўз мулкидан фойдаланишга рухсат беради. Биз сен билан, давлатингиз фуқароларидан ўлимга тайёргарлик кўраётганларига бошқачароқ, равонроқ жавоб берамиз.

923 “Дўстлар, – деймиз биз, – сиз бугун бу ердасиз. эртага эса сизлар бу ерда бўлмайсиз. Ҳозир сизларга ўзингизнинг мулкий аҳволингиз ва ўз-ўзингизни тушуниб етишингиз мушкул (Пифия ёзуви шундай маслаҳат беради). Мана мен

соҳиби қонун сифатида (қуйидагиларни) жорий этаман: сиз ўзингизга ўзингиз ва бу мулкингиз сизга тегишли эмасдир. У – бутун уруғингизнинг, аввалги ва кейинги аждод-авлодларнинг мулкидир; бунинг устига бутун уруғингиз ва мулкингиз давлат мулкидир. Модомики шундай экан, сизни касалликлар ва қарилик қўйнаб турган пайтида кимдир пинҳона келиб, сизни энг яхши мақсадга хилоф васиятнома тузишга ишонтиришига ўз ихтиёрим билан асло йўл қўймайман. Йўқ, мен, бутун давлатга ҳам, сизнинг бутун уруғингизга ҳам энг фойдали қонун ўрнатаман. Сиз эса, хайрихоҳлик ва диққат билан инсоний табиатга хос йўлдан боринг. Бу мақсадга адолатли равишда ҳар бир айрим фуқаронинг манфаатларини бўйсундираман. Бизнинг вазифамиз эса, сизларнинг бошқа ишларингиз ҳақида ғамжўрлик қилиш бўлади, биз буни имконият етганича ва синчковлик, диққат билан, ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмасдан амалга оширамиз”. Клиний, ҳали тирик фуқаролар ва ажали яқинлашган одамларга қарата айтиладиган дастлабки насиҳатлар ана шундайдир. Қонун эса қуйидагича бўлади.

Агар кимдадир фарзанд бўлса, васиятнома ёзиш ва мулкни бўлишда, ўз хоҳишича, васият қилувчи энг лойиқ, деб ҳисоблаган ўғилларидан бирини биринчи ворис этиб тайинлаши зарур. Бошқа фарзандларга келсак, агар бошқа бир фуқаро ўғиллардан бирини ўғил қилиб оладиган бўлса, бу ҳам васиятномада ёзиб қўйилиши зарур. Агар васият қилувчида яна бир, ҳеч қандай ер чекига ёзилмаган ўғил қолса ва агар қонунга мувофиқ равишда уни бошқа манзил (колония)га юбориш умиди бўлса, у ҳолда отага ўзининг қолган мулкидан хоҳлаган нарсасини беришга рухсат этилади, фақат ер чеки ва бу чекка тааллуқли нарсалар бундан истиснодир. Агар ўғиллар бир нечта бўлса, ер чекига кирмайдиган барча нарсани ота улар орасида хоҳлаган қисмларга бўлиб берсин. Лекин, ўз уйига эга бўлган ўғилни ҳам мулкдан маҳрум этиб бўлмайди. Худди шунга ўхшаб, агар қизи бўлғуси эри билан никоҳланган (унашилган) бўлса мулкдан уни ҳам маҳрум этиб бўлмайди; агар у никоҳланмаган (унашилмаган) бўлса у ҳолда маҳрум этиш мумкин. Агарда, васиятнома тузиб бўлингани-

дан кейин, ўғиллардан ёки қизлардан бирида мамлакатда ер чеки борлиги маълум бўлиб қолса, у ҳолда васиятнома бўйича уларнинг улушига тушган мулкдан улар асосий ворис фойдасига воз кечишлари даркор. Агар васият қилувчида фақат қизлар бўлиб эркак авлоди бўлмаса, ўз куёвларидан бирига ўзининг танлашига қараб ер чекини бериб уни васиятномада ўғил ва ворис сифатида ёзиб қўйсин. Агар кимнингдир ўғли ёки боқиб олган ўғли эркак, деб аталадиган ёшгача ўлиб қолса, васият қилувчи бу бахтсиз ҳодиса ҳақида васиятномада эслатиб ўтсин ва тақдирга энг яхши умидлар билан кимни иккинчи ўғил, деб аташ мумкинлигини ёзиб қўйсин. Агар васият қилувчи мутлақо фарзандсиз бўлса, ўзининг ҳалоллик билан топган бойлигининг ўндан бир қисмини олиб кимга хоҳласа ўшаларга совға қилсин; қолган мулкни боқиб олган ўғлига қолдириши зарур, токи, қонун кўзда тутганидек уни ўзига миннатдор ўғил қилиб олсин. Агар кимнингдир болалари васийларга муҳтож бўлсалар, у ҳолда, ўз болаларига маълум миқдордаги васийларни ўз хоҳиши бўйича белгилаган васият қилувчи (айтиш зарур: у белгилаган одамлар унинг болаларига ихтиёрий равишда рози бўладилар) вафот этгач, унинг истаги, васиятномага биноан, қонуний кучга эга, деб тан олиниши зарур. Агар кимдир мутлақо васиятнома қолдирмай ўлиб қолса ёки ўзи танлаган васийларни кўрсатишни унутган бўлса, у ҳолда ота ва она тарафидан энг яқин қариндошлар васийлар бўладилар: икки киши ота томондан ва икки киши она томондан. Уларга яна марҳумнинг дўстларидан бири бўлган васийни қўшиш керак. Бу шахсларни қонунлар нигоҳбонлари васийларга муҳтож етимларга васий этиб тайинлайдилар. Васийлик ва етимлар ҳақидаги барча ишларга энг кекса ўн беш қонунлар нигоҳбонлари раҳбарлик қиладилар. Ўзларининг ёшларига қараб гуруҳларга бўлинадилар, ҳар бир гуруҳда учтадан одам бўлади. Биринчи йилга – учтаси, келгуси йилга – кейинги учтаси ва ҳоказо, шу тарзда барча беш гуруҳ тўла айланиб чиққунича; иложи борича бу навбат бузимаслиги зарур. Агар кимдир, умуман васиятнома қолдирмай ва ҳали васийларга муҳтож болалар қолдириб вафот этиб қолса, ўша

қонунларнинг ўзлари уларнинг мушкул аҳволларини тушунишга ёрдам берадилар.

Агар ким биландир бахтсиз ҳодиса рўй берса, бунинг устига аёл авлод қолса, агар соҳиби қонун оталикнинг учта вазифасидан фақат иккитасини бажарса, яъни шу уруғга мос ҳислатли шахсларга эрга берса ва уларнинг ер чеклари сақланиб қолиниши ҳақида ғамхўрлик қилса, у соҳиби қонунни афв этсин. Отасининг учинчи вазифасига келсак, – зеро у ўзига мос ўғил, қизи учун куёвни барча фуқароларнинг ҳислат ва феъл-атворларини ҳисобга олган ҳолда излар эди, – буни соҳиби қонун четда қолдиради, чунки бундай ишни унинг амалга ошириши қийин. Бундай ҳолат учун қуйидаги қонун ўрнатилгани маъқул. Агар кимдир васиятнома қолдирмай вафот эса ва қизлари қолса, у ҳолда марҳумнинг қизи ва ер чекини унинг қондош ёки она бир акаси олеин, негаки унинг ер чеки йўқ эди. Агар акаси бўлмаса, марҳумнинг қизини, унинг акасининг ўғли олсин, фақат, агар у ва марҳумнинг ёшлари бир-бирларига тўғри келса. Агар марҳумнинг опасини ўғлидан бошқа ҳеч ким бўлмаса, у ҳам худди айтилгандай йўл тутсин. Тўртинчи ўринда марҳумнинг отасини укаси, бешинчи ўринда – шу уканинг ўғли; олтинчи ўринда – марҳумнинг отасининг опаси (синглиси)ни ўғли туради. Бошқача айтганда, агар аёл авлод қоладиган бўлса, доимо қон яқинлигига асосланиб уруғни давом этмоқ зарур, яъни, шу уруғнинг эркак йўналишидаги ака-укалар ва жиянлардан бошлаш даркор. Уйланиш (никоҳга ўтиш) вақтининг маъқул ёки номаъқуллигини ҳакам ҳал қиладди, бунинг учун у эркакларни яланғоч ҳолда, аёлларни – белгача ечинган ҳолда кўради. Агар оила аъзоларида қариндошлар шўнчалик озки, ҳатто набира жиянлар ва бобосининг ўғиллари ҳам бўлмаса, у ҳолда марҳумнинг қизи васийлар билан биргаликда, бошқа фуқаролар орасидан ўз мойиллиги бўйича куёв танласин, агар куёв ҳам қизга мойиллик билдирса, бу фуқаро марҳумнинг вориси ва унинг қизининг эри бўлади. Давлатнинг ўзида бундай шахсларни танлашда кўпгина қийинчиликлар пайдо бўлади. Шундай ҳам бўладикки, агар қиз, ерлик фуқароларда ўзига куёв танлаб ололмасдан манзилгоҳ (колония)га юбо-

925

рилган одамга эътибор қаратса ва шу одам отасининг вориси бўлиши унга хуш келса, у ҳолда бу одам қонунга мувофиқ равишда, агар у қиз билан қариндош бўлса, ер чеки эгаси бўлиб қолади; агар улар орасида қариндошлик бўлмаса, бунинг устига қизнинг бундай қариндоши фуқаролар орасида ҳам бўлмаса, васийлар танловлари ва марҳумнинг қизини розилиги билан у қизга уйланиши, ватанга қайтиши ва ота васият қолдирмаганидан кейин, қизнинг отасининг ер чекини олиши мумкин.

Агар васият қолдирмай, мутлақо фарзандсиз одам, яъни на қизлари, на ўриллари бўлмаган одам вафот этса, у ҳолда барча қолган ишларда олдин кўрсатиб ўтилган қонунлар бўйича йўл тутилади; бўшаб қолган уйга унинг уруғидан бўлган эркак ва аёл қонуний эр-хотин ҳуқуқи билан жойлашади ва ер чеки уларнинг мулки бўлиб қолади. Бу ерда биринчи ўринда марҳумнинг сингиси (опаси), иккинчи ўринда – акасининг қизи, учинчи ўринда – опасининг боласи, тўртинчи ўринда – марҳумнинг отасининг опаси, бешинчи ўринда – марҳумнинг отасининг акасини боласи, олтинчи ўринда – унинг отасининг опасини боласи туради. Улар, биз аввал берган қонунларимизга

мувофиқ равишдаги қоидалар бўйича энг яқин қариндошлари билан яшайдилар. Бундай қонунларнинг оғир томонларини ҳам яширмаймиз: марҳум уруғининг аъзолари ўз қариндошларига уйланишларини талаб этувчи бу қоида оғир қоидадир. Назаримда, одамлар орасида бундай талаблар минглаб қаршиликларга учраши эътибордан четда қолганга ўхшайди; уларга бўйсунитишни хоҳламайдилар, ихтиёрларига қарши уйланишдан кўра, айниқса касал,

жисмоний ёки руҳий шикастланганлар билан никоҳдан ўтишдан кўра бошқа ҳар қандай нарсага улар тезроқ рози бўладилар. Балки, баъзиларга соҳиби қонун гўё бу нарсаларни яхшилаб ўйлаб кўрмаганга ўхшар. Лекин бу тахмин нотўғридир. Шундай қилиб, соҳиби қонун ва ундан қонунни олган одамлар ҳимояси учун қандайдир кириш сўзи бўлиши зарур, шу билан бирга тобеъ одамларга соҳиби қонунни афв этиш ҳақида илтимос этиш керак, негаки у кўпчиликка гамхўрлик қилиб, шу билан бирга шахсий бахтсизликларни, ҳар бир фуқаро билан рўй беради-

ган бахтсизликларни бартараф этолмайди. Бошқа томондан, қонунларни соҳиби қонунлардан олувчи одамларни ҳам агар унинг талабларини бажара олмасалар кечириш керак бўлади; зеро у қонунларни кўп шарт-шароитларни оддиндан билмасдан беради.

Клиний. Ажнабий (биродар), бундай қийинчиликлар учраб турар экан, қандай йўл тугилса маъқулроқ бўлади?

Афиналик. Менинча, Клиний, қонунлар ва улар ким учун мўлжалланган бўлса ўша одамлар ўртасида воситачиларни сайлаш керак.

Клиний. Сен нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Баъзан шундай бўлади-ки, жиян, бой отанинг ўғли, ўз амакисининг қизига ихтиёрий равишда уйланишни хоҳламайди: у нозиклашиб, тантиқ бўлиб қолган ва янада яхшироқ никоҳга умид қилади. Шундай ҳам бўладики, эсидан отган қариндошига ёки жисмоний ёхуд руҳий камчилиги бор қизга уйланишга мажбур этишганида у (йигит) соҳиби қонунга қулоқ солмасликка мажбур бўлади, ундай аёл билан яшашни эса асло ҳаёт деб бўлмайди. Бу ҳақдаги бизнинг фикрларимиз қуйидаги қонун кўринишида ифодалана қолсин: агар кимдир, никоҳ борасидаги васиятлар ҳақидаги ёки бошқа бирор нарса хусусида шикоят қилса, агар кимдир, соҳиби қонуннинг ўзи ҳам шу ерда бўлса, тирик бўлса, ҳеч қачон бундай ишга мажбур этмаган бўларди, яъни уйланишга ёки эрга тегишга мажбур этмасди, шунга қарамай амалдаги қонунлар бунга мажбур этмоқдалар, деса, у ҳолда, ҳам эркак, ҳам аёл етимлар учун соҳиби қонун қонунларнинг ўнбеш нигоҳбонини воситачи ва оталари этиб тайинлашига, оила аъзоларидан ёки васийлардан қайси биридир эътироз билдириши мумкин. Ҳар қандай гумонли масала таҳлили бўйича худди шу қонунлар нигоҳбонларига мурожаат этиш зарур ва уларнинг қарорлари ижро этилиши керак. Агар кимдир, бу билан қонунлар нигоҳбонларига жуда катта аҳамият берилмоқда, деб ҳисобласа, шу мақсад учун танлаб олинган ҳакамларга ишни кўриш учун топширсин, токи улар масаланинг гумонли жиҳатларини кўриб чиқсинлар. Ким ишни ютқазса, соҳиби қонун тарафидан у танбеҳ олади ва ҳақорат-

ланади; ақлли одам учун бу катта пул жаримасидан кўра қаттиқроқ жазодир.

- e Энди эса, етимларнинг гўёки иккинчи туғилишлари ҳақида сўз юритамиз. Зеро уларнинг биринчи туғилишларидан кейинги овқатлантириш ва тарбия ҳақида аввал айтилган эди. Улар ота-оналаридан жудо бўлганларида, уларнинг иккинчи бор туғилишларидан кейин, етимлик қисматининг ночорлик ва бахтсизликларини уларга қандай қилиб камайтириш мумкинлигини ўйлаб кўриш зарурдир. Аввало, деймиз биз, ота-оналар ўрнига қонун ёмон бўлмаган оталар сифатида қонунлар нигоҳбонларини уларга беради. Бундан ташқари, бу нигоҳбонлардан етимларга худди ўз оила аъзоларидек ғамхўрлик қилишларини талаб қиламиз. Уларга ва васийларга етимларни ўстириш борасида
- 927 ҳолатга қараб огоҳлантириш билан мурожаат этамиз. Менинчга, бундан олдинги нутқимизда мурҳумларнинг руҳлари улар ўтганларидан кейин ҳам инсоний ишлар ҳақида ғамхўрлик қилишнинг қандайдир қобилиятини сақлаб қолишлари ҳақида яхши эслатиб ўтдик. Буларнинг ҳаммаси тўғри, лекин узундан узоқ мулоҳазалар қилишни талаб қилади. Бу ерда кўпдан-кўп ва жуда қадимий ривоятларга ишониш лозим. Бошқа томондан иш худди шундай, деювчи соҳиби қонунларга негаки улар ҳали бутунлай эсларини йўқотганларича йўқ, ҳам ишониш керак. Агар иш
- b табиат бўйича шундай бўладиган бўлса, у ҳолда қонунлар нигоҳбонлари ва васийлар етимларнинг ёлғизликларини кўриб турувчи олий худолардан кўрқишлари зарур, ундан кейин ўтганларнинг руҳларидан кўрқишлари керак, чунки ўзларининг авлодларига ғамхўрлик уларнинг табиатларига хосдир. Бу руҳлар уларни эъзозловчиларга хайрихоҳ; уларни эъзозламайдиганларга эса хайрихоҳ эмаслар. Яна, кексайиб қолган ва буюк эҳтиромларга эришган тирик одамларнинг руҳларидан ҳам кўрқиш керак: зеро қаерда яхши қонунлар билан давлат фаровон бўлса, у ерда авлодлар бу одамларга меҳрибондирлар ва бу меҳрибонлик билан ўз
- c ҳаётларини безайдилар. Бу одамлар етимларга зийраклик билан қулоқ соладилар, уларга нисбатан хушёрлар ва етимларга адолатли муносабатда бўлувчиларга хайрихоҳдирлар. Аммо етимларга кўполлик қиладиганларни ёмон кўра-

дилар; зеро улар етимларни энг муқаддас ва қимматли ка-
фолот, деб ҳисоблайдилар. Ҳоким-васий, агар у фикрлаш
қобилиятини бутунлай йўқотмаган бўлса, бу борада яхши-
лаб ўйлаб кўриши ва етимларни ўстириш ҳамда тарбия-
лаш масаласида эҳтиёткорликка риоя қилиши, турли-ту-
ман яхшиликлар қилиши зарур; бу билан у ўз фойдасига ва
болалари фойдасига бадал тўлаб қўйгандек бўлади. Ким-
да-ким қонунга кириш сўз сифатида айtilган бу нутққа
қулоқ солса ва етимларга нисбатан қўполлик қилмаса, у
(ҳеч қачон) соҳиби қонуннинг вазабига гувоҳ бўлмайди. Ле-
кин, ота-онасиз қолган етимга нисбатан адолатсизлик қил-
ган (қонунга) итлоатсиз одам, етим кўрган зиённи, ота ва
онаси тирик бўлган болани хафа қилиб қўйса тўлайдиган
жаримага қараганда икки баробари миқдорида қоплаши
зарурдир.

Васийлар, етимлар ва мансабдор шахсларнинг васий-
лар устидан назорати ҳақидаги бошқа қонунларга кел-
сак, уларда ҳур туғилган болаларни ўстириш бўйича на-
муна мавжуддир: улар ўзларининг болаларини ўстириш-
ларида ва мулкий ишлари ҳақида ғамхўрлик қилишлари
борасида қўллайдиган усуллари ана шу намунадир. Бу
ерда маъқул тарзда тузилган қонунлар бор. Агар бундай
бўлмаганида, васийлик ҳақида ўзига хос хусусиятлари
бўлган қандайдир қонунлар ўрнатилш керак бўларди, токи
етим бўлмаганларга нисбатан етимларнинг ҳаёт тарзла-
рига ранг-баранглик киритсинлар. Аммо ҳозир бизда
етимларнинг бу борадаги аҳволи ота-онаси бор болалар-
нинг аҳволидан унча катта фарқ қилмайди, фақат ҳур-
мат ва ҳурматсизлик ҳамда ғамхўрлик борасида ота-она-
си бор болаларнинг аҳволи билан етимларнинг аҳвола-
рини солиштириб бўлмайди. Худди шунинг учун қонун
етимлар борасидаги низомларга диққат билан ёндошди
ва насиҳатлар ҳамда кўрқитишларни қўлади. Яна ушбу
кўрсатма ҳам айни муддао бўларди: кимда-ким қиз бола
ёки ўғил болага васий этиб қўйилган бўлса, ёки васийни
назорат қилувчи қонуналар нигоҳбонларидан бири бўлган
шахс, қисматига етимлик тушган болани ўз болалари-
дан кам бўлмаган даражада яхши кўриши зарур. Тарби-
яланувчининг мулки ҳақида ҳам у ўз оила аъзоларининг

мулклари ҳақида қиладиган ғамхўрликдан кам ғамхўрлик қилмаслиги керак. Ҳатто у, тарбияланувчи (етимнинг) мулки ҳақида ўз мулкидан зиёдароқ ғамхўрлик қилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай васий етимлар ҳақидаги ана шу қонун бўйича иш тутиши лозим. Агар кимдир ушбу қонунга хилоф иш юритса, у ҳолда васийни мансабдор шахс жазолайди (агар мансабдор шахс қонунга хилоф иш қилса - тарж.), мансабдор шахснинг ўзини васий шу мақсадда танлаб олинган ҳакамлар суди маҳкамасига тортиши ва суд маҳкамаси белгилаган зиёндан икки баробар кўп миқдорда жарима билан жазолаши мумкин. Агар оила аъзоларига ва ёки фуқаролардан бирига васий, тарбияланувчига нисбатан бепарво ёки зарар етказётгандай туюлса, уни ана шу суд маҳкамасига тортадилар. Келтирилган зиённи у тўрт баробар миқдорда қайтаради, айтиш керакки, бу маблағнинг ярми боланинг мулкига ўтади, қолгани суд маҳкамаси ишини қўзғаган одам фойдасига берилади. Етим балоғат ёшига етиши билан, агар ёмон васийлик қилдилар, деб ҳисобласа васийлик муддати ўтганидан кейин беш йил мобайнида у ўз васийларини суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агарда васийлардан кимдир бунда фош этилса, суд маҳкамаси унга қандай жазо бериш кераклигини ҳал қилади. Агар мансабдор шахслардан кимнингдир ўз лоқайдлиги билан етимга зарар келтирганлиги фош этилса, суд маҳкамаси болага ўша шахс қанча (шу) тўлашини ҳал қилади. Агар бу шахс адолатсизликда айбланса, жаримадан ташқари уни қонунлар нигоҳбони мансабидан четлатадилар. Фуқароларнинг умумий йиғини унинг ўрнига давлат ва мамлакат учун бошқа қонун нигоҳбонини тайинлайди.

**Оилавий
муносабатлар.
Ота-оналарни
эъзозлаш**

Оталарнинг ўз болалари билан ва болаларнинг ота-оналари билан келишмовчиликлари керагидан кўпроқ миқдорда рўй беради. Бу борада оталар, соҳиби қонун қуйидагича қонунни ўрнатишлари керак эди, деб ҳисоблайдилар: ўғлидан воз кечганини жарчи ёрдамида барчага маълум қилиш учун отага рухсат берилади, шу билан, қонунга мувофиқ

равишда у энди унинг ўғли ҳисобланмайди. Ўғиллар ўз томонларидан, оталари касалик ёки кексалиқдан ётиб қолганларида уни эсидан олган, деб айблашга рухсат бериллади, деб умид қиладилар. Қаерда одамларнинг ахлоқи ярамас бўлса, ўша ерда дарҳақиқат шундай бўлади. Қачонки офат, бало фақат ярим бўлса, – масалан, қачонки ота ёмон эмас, ўғил эса ёмон ёки аксинча бўлса, – у ҳолда бундай бахтсизликлар рўй бермайди ва бу қадар ашаддий душманлик бўлмайди. Бошқа тузумдаги давлатларда ота ошқора равишда, одамлар ҳузурида воз кечган ўғил мамлакатдан чиқиб кетиши шарт эмас. Бизнинг давлат тузумимизда эса, ушбу қонунлар амалда бўлганида отадан айрилган ўғил бошқа юртга кўчиб кетиши мажбурийдир. Гап шундаки, беш минг қирқ оилага битта ҳам ортиқча оила кўшиб бўлмайди. Шунинг учун, фақат отагина эмас, унинг ўзи шундай қисматга ҳуқуқан лойиқлигидан, бутун уруғ бундай одамдан воз кечади. Бу ерда ушбу қонунга кўра иш тутиш керак: кимнинг бошига – адолатданми, йўқми барибир, – ўзи туғдириб ўстирган билан қариндошлик ришталарини узишдай бадбахт эҳтирос қисмати тушса, бу ишни бирданига ва осонгина амалга оширишга ижозат берилмайди; йўқ, аввал у барча қариндошларини: амма, хоалари, амаки, тогалари ва уларнинг фарзандларигача ҳам мани чақдириб йиғсин. Ота уларга ўғлига нисбатан қўйган айбларни айтсин ва бутун уруғ аъзолари ундан воз кечишига лойиқлигини кўрсатсин. Ўғилга ҳам ота билан тенг сўз берилсин, токи у, бундай муносабатга нолайиқ эканлигини исботлай олсин. Агар ота қариндошларни ишонтирса ва ўзи учун уларнинг ярмининг овозини олса (айтиш лозимки, ота, она ва айбланувчининг овозлари ҳисобга олинмайди, бошқа қариндошлардан балоғатга етган аёллар ва эркаклар овоз беришлари мумкин), у ҳолда бу қондаларга риоя қилинганда, отага ўз ўғлидан воз кечишга рухсат бериллади, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Агар фуқаролардан бири, қариндошлари воз кечгани ўғил қилиб олишни хоҳласа, буни манъ этадиган қонун йўқ. Гап шундаки, ёшларнинг феъл-атворлари ҳаётлари давомида одатда жуда кўп ўзгаришларга дучор бўлади. Агар ўн йил давомида қариндош-уруғлари воз кечгани ҳеч ким

е
929

б

с

d ўғил қилиб олишни хоҳлаамаса, у ҳолда, манзилгоҳ (колония)га кўчиришга мўлжалланган авлодлар ҳақида ғамхўрлик қилувчи назоратчилар бундай одамлар ҳолидан хабар олишлари керак, токи улар ушбу кўчишда маъқул иштирок этсинлар.

Агар кимдир, қандайдир касаллик, кексалик, оғир хулқ-атвор ёки буларнинг барчасининг таъсири остида ўзининг ақлсизлиги билан бошқа одамлардан кескин фарқланиб турса, айтиш керакки, бу ҳолат бошқа одамларга сезилмайди ва фақат биргаликда яшовчи оила аъзоларигина буни билишлари мумкин ёки у (ота) барча хислатларга эга, лекин оиласини хонавайрон этмоқда-ю ўғил уялади ва унга қарши суд маҳкамасида ақли ожизликда айблов қўзғатишга шошилмайди, у ҳолда қуйидаги қонун ўрнатилади: аввало ўғил энг кекса қонунлар нигоҳбонларига мурожаат этиши ва уларга отасининг аянчли аҳволини баён қилиши зарур бўлади. Улар эса, етарли даражада бу ишни кўриб чиқиб, бундай айбловни қўзғатиш керак ёки керак эмаслиги ҳақида маслаҳат берадилар; агар улар иш қўзғатиш керак, деб маслаҳат берсалар, улар бир вақтнинг ўзида ҳам айбланувчига қарши гувоҳлар, ҳам суд маҳкамасининг аъзолари бўладилар. Эси паст, деб тан олинган одам, бутун келажак давомида ўз мулкига, ҳатто майда-чуйдага ҳам эгаллик қилолмайди ва қолган умрини бола каби ҳолатда ўтказди.

Агар эр ва хотин ўз феъл-атворларининг бахтсиз хусусиятлари туфайли умуман бир-бирларига тўғри келмасалар, у ҳолда, бундай ишларни доимо ўнта ўрта ёшли қонунлар нигоҳбонлари ҳамда никоҳларни назорат қилувчи аёллардан ўнтаси кўришлари керак. Агар эр-хотин яраша олсалар, уларнинг ярашувлари қонуний кучга эга бўлади. Агар руҳий бўронлар уларни тўлқинлантираверса, имкони борича уларга бошқа жуфтлар топиш лозим. Албатта, бундай эр ёки хотин юмшоқ феълли бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига юмшоқроқ феълли одамни қўшиш керак бўлади. Агар эр-хотин бир-бирлари билан келиша олмасалар ва бунинг устига фарзандсиз бўлсалар ёки уларда бола оз бўлса, у ҳолда болалар учун ҳам янги никоҳга ўтиш керак бўлади. Агар болалар сони

етарли бўлса, у ҳолда ажралиш ва янги турмуш қуришни осойишта кексалик ва ўзаро ғамжўрлик учун қуриш керак.

Агар хотин қиз ва ўғиллар қолдириб вафот этса, у ҳолда қонун, ота уйига ўтай онани киритмай ўзи болаларини тарбиялашга мажбур этмайди, лекин маслаҳат беради. Агар болалар бўлмаса, у ҳолда янги турмуш қуриб оила учун ҳам, давлат учун ҳам болали бўлиш зарур. Агар етарли миқдорда болалар қолдириб эр вафот этса, у ҳолда она, ўлган эрининг уйида яшаб болаларини катта қилсин. Агар у аёл соғлиққа зарар етмасдан эрсиз юриши мумкин бўлмайдиган даражада ёш бўлса, у ҳолда яқинлари никоҳ ишлари билан шуғулланувчи аёллар билан гаплашишлари керак ва ушбу аёллар ҳамда яқин аёллар қарор қилганидай иш юритишлари зарур. Агар ёш аёлда фарзанд бўлмаса, бола учун янги турмуш қуриши керак. Бир ўғил ва бир қизча қонун бўйича етарли миқдордаги болалар ҳисобланади.

Агар ота-оналар туғилган болани ўзлариники, деб тан олсалар, лекин, улардан қайси бирларига болани бериш кераклигини ҳал этиш зарур бўлса, у ҳолда, қул аёлни қул, ҳур туғилган одам ёки озод этилган қул билан алоқаси бўлганда бу воқеаларнинг ҳар бирида бола қул аёлни хожасиники деб тан олинади. Агар ҳур туғилган аёл қул билан қўшилса, бола қулнинг хожасига тегишли бўлади. Агар бола хожанинг шахсий аёл қулидан ёки шахсий қулидан туғилса, яна айтиб ўтиш керакки, бу аниқ-равшан бўлса, у ҳолда ҳур туғилган аёл қулдан туғган болани бошқа мамлакатга отаси билан бирга жўнатиб юборсинлар; ҳур туғилган одамнинг аёл қулдан туғилган боласини қонунлар нигоҳбонлари онаси билан биргаликда бошқа мамлакатга жўнатиб юборсинлар.

Ота-оналарга беписанд бўлишни худо ҳам, ақли бор ҳар қандай одам ҳам маслаҳат бермайди. Шунини яхшилаб билиб олиш керакки, худоларни эъзозлаш ҳақидаги ушбу дастлабки сўз ота-оналарни эъзозлаш ёки эъзозламаслик ҳақидаги масалани тўғри тушунишга йўналтирилгандир. Худолар борасидаги қадимги қонунлар барча халқларда икки хилдир. Биз ўзимиз кўриб турганимиз худоларни

эъзозлаймиз; бошқа худоларни уларга ҳайкаллар ясаб, тасвирларда эъзоз этамиз, яна бу жонсиз тасвирларни эъзозлаш билан жонли худоларнинг меҳр ва мурувватига эришамиз, деб ҳисоблаймиз. Айтиш керакки, кимнингки уйида ота, она ёки уларнинг қарилик юкидан (букилган) ота-оналари каби қимматбаҳо хазинаси бўлса у асло, бундан ҳам каттароқ (аҳамиятлироқ) муқаддас нарса пайдо бўлиши мумкин, деб ўйламасин: йўқ, агар уй эгаси уларга маъқул ҳурмат-эҳтиром кўрсатса, унинг уйида ота-онаси хонадонининг муқаддас нарсаси бўладилар.

б К л и н и й . Бу тўғрилиқ (маъқуллик) нимадан иборат?

А ф и н а л и к . Буни мен ҳозир айтаман, чунки азиз дўстларим, бундай нарсаларни эшитса арзийди.

К л и н и й . Гапирсанг бўлди!

А ф и н а л и к . Биз тасдиқлаб айтамикки, диёнатсизлик босиб қолган Эдип ўз болалари учун улар гирифтор бўлган қисматни илтижо қилди: демак, унинг илтижосини худолар эшитганлар, деб ҳамма тўғри айтади. Ғазабланган Аминтор ўз ўғли Фениксни лаънатлади. Тесей – Ипполитни. Бундай мисолларни беҳисоб келтириш мумкин, демак ота-оналарнинг болаларга қарши қилган илтижоларига худолар қулоқ солишлари маълуум бўлади.

с Дарҳақиқат, ота-онанинг лаънати ўз болаларига бошқа ҳар қандайдан адолатлироқдир. Худо диёнатсизликка учраган ота ёки онанинг болаларига қарши дуоларига қулоқ солар экан, ўз болалари тарафидан кўрсатилган эъзоз-эҳтиромлардан хурсанд бўлган ота дуоларида уларга толиқмай яхшиликлар тиласа ва худоларнинг бу дуоларга қулоқ солишлари ва бизга бу эзгулик-яхшиликни раво кўришлари наҳотки табиий бўлмайди? Акс ҳолда худолар турли яхшиликлар бергувчилар бўлмас эдилар, бу эса, биз тасдиқлаб айтганимиздек худоларга хос эмас.

д К л и н и й . Албатта.

А ф и н а л и к . Сал олдинроқ айтганларимиз ҳақида фикрлаб кўрайлик: худолар олдида кексалиқдан қадлари букик ота ва бободан ортиқроқ ҳеч қандай муқаддас нарса бўлиши мумкин эмас; она ҳам худди шундай аҳамиятга эгадир. Агар инсон уларни эъзозласа, худо қувонади; **е** бўлмаса уларнинг илтижоларига қулоқ солмаган бўларди.

Бизнинг аждодларимиз – муқаддасдирлар, айниқса агар жонсиз ҳайкаллар билан солиштирилса. Жонли муқаддаслар, агар биз уларни эъзозласак, ўз дуолари (ибодатлари)-ни бизнинг дуоларга қўшадилар, агар уларни эъзозламасак ўз дуоларини бизнинг дуоларга қўшмайдилар; ҳайкаллар эса унисини ҳам, бунисини ҳам қиламайдилар. Демак, худоларга хуш келадиган қисмат учун инсон барча муқаддас (нарсалар)дан энг аҳамиятлиси (улуғи) бўлмиш ота, бобо ва шуларга ўхшаш шахслар олдига ҳақиқатан ҳам югириб боришлари зарур.

К л и н и й . Яхши гаплар!

А ф и н а л и к . Ақли бор ҳар қандай одам ота-она дуоларидан қўрқади ва уларни эъзозлайди, чунки, кўпчиликда улар кўп марта амалга ошган. Бу табиат томонидан худди шундай тартиб берилган экан, у ҳолда яхши одамлар учун ҳаёт қирғоғига етиб қолган кекса аждодлар – бир топилмадир, уларнинг ҳаётдан эрта кетишлари эса – йўқотишдир; ёмон одамлар учун бундай аждодлар жуда ва жуда даҳшатлидирлар. Шунинг учун энди ҳамма бизнинг бу сўзларимизга ишониб ўз ота-оналарига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатсинлар. Агар кимда-ким бундай нутқларда баён этилган фикрларга қулоқ солмаса, у ҳолда қуйидаги қонунни ўрнатилса тўғри бўларди: агар бизнинг давлатимизда кимдир ота-онасига нисбатан ўз бурчига беписандлик қилса ва уларнинг истак-хоҳишларини фарзандларининг ва ҳатто ўзининг истак-хоҳишидан олдинроқ бажаришни ва қўллаб-қувватлашни хоҳламаса у ҳолда жабр кўрувчи ўзи ёки бошқа одам орқали учта кекса қонунлар нигоҳбонлари ҳамда учта аёл – никоҳларнинг назоратчиларига хабар берсин. Улар албатта хафа қилувчиларга калтаклаш ва зиндонга ташлаш орқали ўзлари жазо берадилар; агар хафа қилувчилар ёш бўлсалар: бу, ўттиз ёшгача бўлган эркакларга тегишли, аёлларга ҳам худди шу жазони бериш мумкин, фақат, агар улар ўн ёшга катта бўлсалар. Агар бу ёшдан ўтсалар ҳам ота-оналарига нисбатан бепарво қолаверсалар, уларга ёмонлик қилаверсалар, бундай одамлар энг кекса фуқароларнинг суд маҳкамаси текширу-

932

б

с

вига жалб этиладилар. Бу суд маҳкамаси айбдорга қандай жазо берилишини ҳал қилади; бу борада, уларга қандай жарималар ва тўловлар солиш мумкин бўлса ҳеч қайсиси манъ этилмайди.

Агар ёмонлик кўраётган ота-оналар қонунлар нигоҳбонларига хабар бера олмасалар, ҳур туғилган одамлардан қайси бири буни билиб қолса уларга хабар берсин. Акс ҳолда у ёмон фуқаро, деб тан олинади ва ёмон хатти-ҳаракатлари учун ҳар қандай одам уни суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агар қул хабар берса, у озод этилади. Агар бу қул хафа қилувчи ёки хафа қилинганга тегишли бўлса, ҳокимият уни тўғридан-тўғри озодликка қўйиб юборади; агар у бошқа қандайдир фуқарога тегишли бўлса, давлат хазинаси қул эгасига қулнинг баҳосини тўлайди. Хабар етказгани учун қасос олиб уни кимдир хафа қилишидан ҳокимлар асрасинлар.

Турли бошқа
ҳуқуқ
бузилишлар

Одамлар бир-бирларига турли дорилар ёрдамида етказадиган зарарларга келсак, биз ўлдирадиган заҳарлар ҳақидаги масалани таҳлил этган эдик. Лекин, агар инсон ихтиёрий равишда ва

ўйлаб бу ишга қўл урса, турли ичимликлар, ширинликлар, малҳамлар ёрдамида зарар етказишнинг турли усуллари ҳақидаги масала ҳали ҳеч муҳокама этилмади. Гап шундаки, одам насли қўллайдиган икки хил оғу бор; худди ана шу ҳолат бу ерда равшанлик киритишга халақит беради. Биринчиси биз ҳозиргина аниқ айтганимиз, бир жисмга бошқа жисм ёрдамида етказиладиган табиий зиёндан иборатдир. Иккинчи хили – фолбинлик, афсун ва сеҳр-жодулик тугунлари ёрдамида зарар етказиш – бундай йўл билан зарар етказишга жасорат қилган одамларни ҳақиқатан бу ишларни қила олишларига ишонтиради, бошқаларни эса – тилсимни ишга солишни биладиганлардан энг кўп зарар кўрганликларига ишонтиради. Бунга ўхшаш ҳолларда нима бўлаётганини билиш қийин; айтиш керакки, кимдир буни билгани тақдирда ҳам бошқаларни ишонтириш мушкулдир. Бундай нарсаларда бир-бирларидан гумон қилувчи одамларнинг дилла-

рига таъсир ўтказишга ҳаракат қилиш ҳам ноўриндир. Агар улар эшик олдидами, чорраҳалардами ёки ўз отоналарининг қабрларидаги ҳайкаллар олдида мумдан ясалган тасвирлар кўриб қолсалар, бунга эътибор бермасликни маслаҳат бериш керак эмас: зеро уларда ушбу нарсалар ҳақида тасаввур жуда кам.

Оғу ва жоду ҳақидаги қонунни икки қисмга: дам солиш ёки заҳарлашнинг қайси хилидан у одам фойдаланганига қараб бўламиз. Аввало, бу ишни қилмаслик ва содда, худди болалардек одамларни кўрқитмасликни илтимос қилиш, насиҳат ва маслаҳат бериш зарур. Бошқа томондан, соҳиби қонун ва ҳакам (судя)ни бундай инсоний кўрқинчлардан даволашга мажбур этиб бўлмайди: зеро заҳарлашга ҳаракат қилган одам шифокорликдан беҳабар бўлса, баданга нима қилаётганини билмайди; агар одам кароматгўй ва фолбин бўлмаса, дам, афсунлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Заҳарлаш ва афсун ҳақидаги қонун қуйидагича ифодаланади: агар кимдир одамни ёки ўша одамнинг одамларини ўлдириш мақсадида эмас, балки унинг подалари ёки асалариларига зарар етказиш ва ҳатто ўлдириш мақсадида қўллаган бўлса, у ҳолда, агар заҳарловчи шифокор бўлса ва суд маҳкамаси томонидан у заҳарлашда фош этилса у одамга ўлим жазоси берилади. Агар у оддий одам бўлса, суд маҳкамаси қандай жазо бериш ёки жарима солишни ҳал қилади. Агар бирор одам ўзининг жодули тугунлари, сеҳрлари ва афсунлари билан бошқа одамга зарар етказувчига ўхшаб кетса, агар у кароматгўй ёки фолбин бўлса, у ўлиши керак. Агар унга кароматгўйлик санъати ёт бўлса-ю лекин барибир жоду қилгани фош этилса, оддий одамлар орасидан чиққан заҳарловчи қисмати қандай бўлса, шундай қисматга учрасин; суд маҳкамаси қандай жазо беришни ҳал этсин.

Ўғрилик ва зулм (зўравонлик) билан бир-бирига етказиладиган зарарга келсак, у ҳолда зарар қанча кўп бўлса, жабрланганнинг фойдасига зарар шунча кўп қопланиши зарур, зарар қанча кам бўлса, жазо ҳам шунча кам бўлади. Умуман айтганда жазо, келтирилган зарарни қоплаши керак. Ҳар бир ёмонлик кейин келадиган ўч билан ҳисоб

934 қилиниши керак, бу, эсини киритиш учун зарур. Агар ёвузлик билмасдан қилинган ва қачонки жиноятчи ёш бўлиб бировнинг таъсирига учраган бўлса, ҳамда шунга ўхшаш ҳолларда қасос камроқ (енгилроқ) бўлади. Агар жиноят ўзининг ақлсизлигидан, ҳузурлардан, дардлардан ўзини тия олмаслигидан, кўрқинч ва ожизлиги, эҳтирослари, ҳасад ва бедаво ғазаб туфайли қилинган бўлса жазо ҳам оғирроқ бўлади. Бундай одамни қилинган кирдикори учун эмас – зеро қилинган иш ҳеч қачон қилинмай қолгандай бўлмайди, – балки келгусида у адолатсизликдан бутунлай нафратланиши учун, – ҳамда суд маҳкамасини кўрганлар адолатсизликдан нафратлансинлар деб, – ёки ўша одам бундай бадбахтликдан озроқ бўлсада қутилсин, деб адолат уни қўлига олади. Қонунлар шулар учун ҳам. бундай нарсаларни назарда тутиб, яхши мерган каби ҳар бир кирдикорга айрим-айрим жазо миқдорини аниқлаш учун мўлжалга олиши ва жиноятчига муносиб жазо бериши зарур. Ҳакам ҳам худди ўша нарса билан шуғулланади ва қонун суд маҳкамасига тергов қилинаётганга қандай жазо бериш ёки ундан нимани ундириб олиш заруригини ҳал этишни тақдим этган вақтида соҳиби қонунга ёрдам бериши керак. Соҳиби қонун, ҳакам сўзларидан келиб чиққан ҳолда кирдикорликлар қораламасини худди рассомдай чизиб қўйиши зарур. Мегилл ва Клиний, биз худди шунини иложи борича яхши ва мукамалроқ адо этишимиз зарур. Биз, ўғрилиқ ва турли зўравонликларга жазолар аниқлаб қўйишимиз керак, токи худолар ва худоларнинг болалари бизга қонунлар нашр этишга рухсат берсинлар.

Жиннилар шаҳарда юрмасликлари зарур. Уларнинг яқинлари қўлларидан келганича уларни уйда сақласинлар. Акс ҳолда улар жарима тўлашлари керак: олий синфга мансуб бўлган – юз драхм, агар у қулни ёки ҳур туғилганни қаровсиз қолдирса; иккинчи синфга мансуб – минанинг бешдан тўртини; учинчи синф – минанинг тўртдан учини; тўртинчиси – учдан иккисини. Кўпчилик ақлдан озади ва улар турличадирлар: бирлари – биз ўшандайлари ҳақида гапирмоқдамиз, касалликлар туфайли; бу (яна) руҳ табиатининг ёмонлиги ва ёмон тарбиядан бўлади; баъзилари арзимас гашни келтирадиган нарсага овоз-

ларини баланд қилиб (бақирадилар) ва бошқаларни сўкиб ҳақорат қиладилар. Фаровон давлатда бунга ўхшаш нарсалар ҳеч ҳам бўлмаслиги керак.

Ғийбат борасида ҳаммага битта қонун бўлсин, хусусан куйидаги: ҳеч ким ҳеч кимни ғийбат қилмасин. Агар суҳбатлашаётиб одамларнинг фикрлари турлича бўлса, у ҳолда уларни тушуниш керак ва уларга – рақибга ҳам, барча шу ерда ҳозир бўлганларга ҳам мумкин қадар ғийбатлардан тийилиб, насиҳат қилиш зарур бўлади. Гап шундаки, ўзаро ҳақоратлардан аёлларга хос одат, бир-бирини номуносиб, шармандали исмлар билан аташ одати келиб чиқади; шу тарзда, арзимаган нарсадан, пуч, енгилтак сўзлардан ҳақиқий нафрат ва энг оғир душманлик пайдо бўлади. Баҳслашувчи жон деб ноҳуш ғазаб туйғусига берилади. Ўз адоватига ёмон овқат беради: қалбининг қачонлардир тарбия билан жиловланган қисми яна ваҳшийлашади. Ваҳшийлашиб у жиззакилик билан яшайди; лекин у ғазабнинг аччиқ қувончини кўради. Яна баҳсларда чегарадан чиқиб кетишга ва рақибининг устидан кулишга кўникиб қолади. Кимдаким бунга ўрганиб қолса, у ё феъл-атвор жиддийлигини умуман йўқотади ёки ақлнинг олий хусусиятини барбод этади. Шунинг учун муқаддас жойларда ҳеч ким ҳеч қачон бундай гапирмаслиги зарур; худди шунга ўхшаб умумхалқ ўтказадиган қурбонликларда, мусобақаларда, савдо майдонида суд маҳкамаси ва ёки умумий йиғинларда бундай демасликлар керак. Бу ишлар билан шуғулланувчи ҳоким ҳар бир айб иш қилиб қўйгани аёвсиз жазоласин. Акс ҳолда у алоҳида ҳурматга даъво қилолмайди, чунки у қонунлар ҳақида ғам-хўрлик қилмайди ва соҳиби қонуннинг талабларини бажармайди. Агар кимдир бошқа жойларда сўжинса, бу ҳатто ўзини ҳимоя қилаётганида рўй берсада ва ўзини қаҳрли, ёмон сўзлардан тия олмаса, ёши каттароқ бўлган ҳар қандай одам қонунни ҳимоя қилсин ва калтаклаб – бошқа бир ёмонлик билан, – ғазабга бунчалик мойил одамларни ҳайдасин. Акс ҳолда у белгиланган жазога маҳсум бўлади.

Биз ҳозир айтдик-ки, агар кимдир ҳақорат қилаётган бўлса, ҳақоратланаётган одам буни баҳона қилиб, унинг устидан кулмаслиги керак; аммо биз заҳархандалик ғазаб билан бирга бўлганини ёмон деб биламиз. Бунга қан-

d дай тушуниш керак? Зеро, комедияларда ёзувчилар ҳам одамлар устидан кулишга интиладилар-ку. Фуқаролар устидан ғазабланмай кулганларида уларнинг бу чиқишларига йўл қўямизми? Биз бу ерда икки жиҳатни: эрмак ва унинг зиддини чегаралаб қўймаймизми? Масалан, эрмак сифатида ҳар қандай одамга бирор одам ҳақида кулгани нарсаларни гапиришга йўл қўйилади, фақат ғазабсиз равишда; кимда-ким жеркиб ва ғазаб билан биров устидан куладиган бўлса, ҳозир айтганимиздек бунга йўл қўйилмайди. Бу масалани (назардан) четда қолдириб бўлмайди: кимга масхара қилиш мумкин, кимга мумкин эмаслигини қонун билан аниқлаб қўйиш керак. Комик, ямбий ёки мелий шоирга на сўз билан, на имо-ишора билан, бу ғазаб билан қилинадими, ғазабсизми бари бир фуқароларнинг биронтаси устидан кулиш манъ этилади. Бунга қулоқ солмагани шу куннинг ўзида мамлакатдан ҳайдаб чиқарилади. Акс ҳолда улар, қайси худо шарафига мусобақа ўтказилаётган бўлса, ўша худога атаб уч мина тўлашлари зарур. Бир-бирлари устидан кулишга рухсат берилган одамларга бу ғазабсиз, эрмак сифатида бўлсагина рухсат берилади. Буни ажратиб фарқ этиш умуман ёшлар тарбиясига ғамхўрлик қилувчи одамга топширилади: у нимани маъқул деб билса, ўша ҳазилни ёзган одам уни кўпчилик олдида айтиши мумкин; нимани рад этса, уни ҳеч кимга кўрсатмаслиги керак ва токи қул ёки ҳур турилган одамга буни ўргатганликда айбланиб қўлга тушиб қолмасин. Акс ҳолда у ёмон фуқаро ва қонунларга бўйсунмайдиган одам, деб ном чиқаради.

b Қорни оч ёки шунга ўхшаш бошқа бир эҳтиёж ҳис этиётган одам эмас, балки, ўзи мулоҳазали, қандайдир яхшилик, эзгу иш соҳиби ёки шу эзгуликнинг бир қисмига эга одам шуларга қарамай бирор балога учраса, ёмон аҳволга тушиб қолса, ана шу одам ҳамдардликка лойиқдир. Агар шундай хислатли одам ҳамма томонидан нутилса ва жуда фақир, камбағал аҳволга тушиб қолса (бу, қул ёки ҳур турилган бўлишидан қатъий назар), яхши давлат тузуми бўлган мамлакатда бу ажабланарли бир ҳол бўларди. Соҳиби қонун тахминан қуйидаги мустаҳкам қонунни ўрнатиши зарур: бизнинг давлати-

мизда гадой бўлмайдиган; агар кимдир ҳеч туганмас илтимослар билан ўзига овқат топиш учун гадойлик қилишга интилса, уни агораномлар савдо майдонидан, астиномлар шаҳардан ҳайдаб юборадилар, мамлакатнинг бошқа қисмида эса агрономлар давлат ташқарисига чиқариб юборадилар, токи мамлакат бундай одамлардан умуман тозалансин.

Агар қул ёки чўри бошқа одамнинг мулкига ўзининг тажрибасизлиги ёки бошқа қандайдир ақлсизлик туфайли, айтиш керак-ки жабрланувчининг ҳеч айбисиз зиён етказса, у ҳолда, зиён етказган қулнинг хўжайини хасислик қилмасдан ё келтирилган зарарни тўлаши ёки жабрланувчига бу ишни қилган қулни бериши керак. Агар айб қўйилган хўжайин, бу айб, ундан қулни тортиб олиш учун қўйилган, деб тасдиқлайдиган бўлса, ва бу иш, зиён келтирган қул ва жабрланган одам (иккаласи) томонидан қўйилган тузоқ, деб ўйласа у ҳолда, ўзига зиён келтирилгани ҳақида арз қилган одамни суд маҳкамасига тортсин. Агар у ишни ютиб чиқса, суд маҳкамасининг баҳолаши бўйича қул баҳосининг икки баробарини олади; агар ютқазса, у ҳолда етказилган зарарни қоплаши ҳамда қулни унга бериши керак. Худди шундай равишда, юк ташийдиган ҳайвон, от, ит ёки бошқа уй ҳайвонлари томонидан қўшнига етказилган зиён ҳақи тўланиши керак.

Агар кимдир ихтиёрий равишда суд маҳкамасига гувоҳ сифатида келмаса, кимга гувоҳ керак бўлса, ўша (одам) уни чақиртиради. Чақирилганидан кейин у суд маҳкамасига келиши зарур; агар у иш бўйича бирор нарсани билса ва гувоҳлик қилиб маълумотлар бера олса, гувоҳ бўла қолсин; агар у ҳеч нарса билмайман дейдиган бўлса, у ҳолда учта худо – Зевс, Аполлон ва Фемида билан ҳеч нарсани билмаслиги ҳақида онт ичиши керак; шунда у суд маҳкамасидан қўйиб юборилади. Агар кимдир маълумотлар бериш учун чақирилсаю аммо чақирриқ бўйича келмаса, қонун бўйича у келтирилган зарар учун масъул. Агарда кимдир гувоҳ сифатида ҳакамлардан бирини кўрсатса, бу ҳакам гувоҳликка ўтиб билганини айтиб бергач, бу иш

бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Хур турилган аёл гувоҳ бўлишига, ҳимоячи сифатида сўзлашига (агар у қирқ ёшдан ошган бўлса), ва суд маҳкамаси ишини олиб боришига рухсат берилади, агар унинг эри бўлмаса. Эри ҳаётлигида фақат гувоҳликка ўтишга рухсат берилади. Қул, аёл қул ва болага гувоҳ бўлишга ва фақат қотиллик бўйича ҳимоячи сифатида сўзлашга рухсат берилади, лекин бир шарт билан, яъни, агарда уларнинг гувоҳликлари ёлгон, деб тан олинадиган бўлса, суд маҳкамасидан қочмасликларига кафолот берувчини кўрсата олсаларгина амалга оширилиши мумкиндир. Суд маҳкамасининг узилкесил қарори бўлгунича тортишувчи томонларнинг ҳар бири барча гувоҳларни ҳам, уларнинг бир қисмини ҳам ёлгон маълумотлар берганликда айблалари мумкин. Ҳар икки тарафнинг айблов номалари муҳрланиб мансабдор шахсларда сақланади ва гувоҳлик кўрсатмаларининг ёлгонлиги кўриб чиқиладиганида олиб келинади. Агар кимдир ёлгон гувоҳ беришда икки марта фош этилса, қонун энди уни гувоҳлик қилиш учун жалб этмайди; агар уч марта бўлса, келгусида у умуман гувоҳлик кўрсатмалари бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Агар уч марта сохта гувоҳликда ушланган одам гувоҳлик кўрсатмалари билан чиқишга журъат этадиган бўлса, хоҳлаган одам ҳокимларга бу ҳақда хабар етказсин. Ҳокимлар уни суд маҳкамасига топширадилар ва агар у айбдор бўлса, қатл этилади. Суд маҳкамаси ишини ютиб чиққан шахснинг ғалаба қилишини таъминлаган гувоҳларнинг кўрсатмалари сохта эканлиги суд маҳкамаси томонидан аниқланса, айтиш керакки, бундай сохта гувоҳлар (ҳамма гувоҳларнинг - тарж.) ярмидан кўп бўлсалар, бундай шароитда ютиб чиқилган иш ҳақиқий эмас ва баҳсли, деб тан олинади ҳамда, қарор ўша шароитларда чиқарилганми, йўқми бари бир уни қайта кўриб чиқилади: аммо кимнинг фойдасига бу қарор қабул қилинса ҳам, шундай қолсин ва шу билан олдинги иш тугатилади.

Инсон ҳаётида зебо нарсалар қанча кўп бўлмасин, аммо уларнинг кўпига, доғ туширадиган ва ифлос этадиган яралар ёпишганга ўхшайди. Адлия (ақолат)ни олиб кўрайлик – одамлар орасидаги қандай зебо, ажойиб гўзал нар-

са! У барча инсоний муносабатларни юмшатди. Аммо у шунчалик зебо экан, ҳимоя ҳам нега шундай зебо бўлма-син? Шунга қарамай, қандайдир ёвуз туҳмат, суд маҳкамаси ишларида қанақадир найранг мавжуд, деб тасдиқлаб санъатнинг зебо номига соя ташлайди, бу найранг шундан иборатки, ўзи судлашаётиб ёки суд маҳкамасида кимнидир ҳимоя қилаётиб, одам ҳақми ёки ноҳақми бундан қатъий назар ишни ютиб чиқиш мумкин: яъни эмишки, агар яхши (пул) тўласанг, ана шу санъатни ҳам, унга асосланган нутқларни ҳам оласан. Демак, биз ўз давлатимизда ана шунга ўхшаш санъатга ёки аниқроғи, узоқ муддатли тажриба билан орттирилган найранг, хийлага йўл қўймаслигимиз керак экан. Ёхуд шундай қилиш керакки, ўша санъат соҳиби қонун илтимосларига қулоқ солсин ва ҳақиқатга қарши сўзламасин; ёхуд, янада яхшироғи, бошқа мамлакатга кетсин. Қонун, ўзига қулоқ соладиганларни сукут ила четлаб ўтади, қулоқ солмайдиганлар учун бундай дейди: агар бирор одам ҳакамларнинг дил (руҳ)ларини адолатнинг қарама-қарши томонига қайтаришга ҳаракат қилса ва суд маҳкамасини чўзса ёки ҳимояда номақбул нутқ сўзласа, ҳар қандай истак билдирган одам уни суд маҳкамасини суистеъмол қилганликда ёки ёмон ният билан ҳимоя этганликда айблаши мумкин. У ҳолда, ана шу мақсадларда танлаб олинган ҳакамлар суди маҳкамасида иш ҳал қилинади. Агар айбдор фош этилса, суд маҳкамаси уни бундай ўйлашга нима туртки бўлганлигини аниқлайди: тамагирлик (ғараз)ми ёки шухратпарастликми? Агар бу шухратпарастлик бўлса, у ҳолда суд маҳкамаси айбдор қанча муддатга даъво қилиш ёки ҳимоячи сифатида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишини ҳал этади; агарда уни ғаразгўйлик бунга ундаган бўлса, у ҳолда ажнабий мамлакатни ташлаб кетиши ва ҳеч қачон қайтмаслиги зарур, акс ҳолда у қатл этиш билан жазоланади; фуқаро эса, ҳамма нарсадан юқори қўйган ғаразгўйлиги (манфаатпарастлиги) учун қатл этилиши керак. Яна, агар кимдир иккинчи бор шухратпарастлик билан иш тутса ҳам ўлимга ҳукм этилади.

е
938

б

с

941

Халқаро
муносабатлар

Агар кимдир қаллоблик билан ўзга давлатда давлат элчиси ёки жарчи сифатида юрса ёки қандайдир бир элчи

унга топширилган нарса ҳақида бошқача хабар берса ҳамда дўстлар ёки душманлардан олинган жавобларни хато етказса, – бошқача айтганда, агар бирор инсон ўзининг элчи ёки жарчи унвонини суистеъмоқ қиладиган бўлса, унинг устидан суд маҳкамаси ишини қўзғатиш керак, чунки у қонунларга хилоф равишда Гермес ва Зевснинг топшириқ ва ўғитларини нопоклик билан бузган. Агар уни айбдор, деб тан олинса, унга у ёки бу жазони белгилаш зарур ёки жарима солинади.

Ўғрилик

Бировнинг мулкини ўғирлаш қабиҳ иш, қароқчилик – виждонсизликдир. Зевс ўғилларидан ҳеч қайсиси ўз ҳузу-

ри учун унисига ҳам, бунисига ҳам, на алдаш йўли билан, на зўравонлик билан қўл урмаганлар. Демак ҳеч ким, бу нарсаларга эътибор бермаса ҳам бўлади, деб тасдиқловчи на шоирларнинг, на масал ёзувчиларнинг бунга ишонтиришига ва алдашига йўл бермаслиги лозим: ўғрилик ёки зўравонлик қилаётиб, худоларнинг ўзлари ҳам шундай қиладилар, деган асос билан бу кирдикорликларда ҳеч қандай айб, шармандалик йўқ, деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ҳақиқатдан йироқ ва нотўғридир. Йўқ, ким бундай, қонунга хилоф иш қилса, у асло худо ҳам эмас, худонинг ўғли ҳам эмас. Бу ерда соҳиби қонун, барча шоирларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ маълумотга эга бўлиши даркор. Шундай қилиб, ким бизнинг таълимотимизга қулоқ солса, у шод-хуррам бўлади ва доимо шод-хуррам бўлсин! Қулоқ солмайдиганга эса, тахминан ушбу қонун қарши турсин: умумдавлат мулкидан ниманидир ўғирлаганни, бу катта буюм бўладими ёки кичик бўладими (бари бир), – иккала

қолда ҳам бир жазога ҳукм этилади. Гап шундаки, майда ўғрилиқда ҳам ният ўшандай, фақат ўғрининг кучи камроқ, холос. Ўзи олиб қўймаган, нимадир катта нарсани ўғирлаган одам олий даражада адолатсиз иш қилган бўлади. Шундай қилиб қонун у қолда ҳам, бу қолда ҳам ўғриликнинг катта-кичиклигига қарамай бир хил жазо беришни талаб қилади. Бу борада, бир ҳолатларда жиноятчи ҳали тузалиши мумкинлиги, бошқа ҳолатларда тузалмаслиги мумкинлиги назарда тутилади. Агар, шундай қилиб, суд маҳкамасида умумдавлат мулкани ўғирлашда қандайдир ажнабий ёки қулни фош этсалар, табиийки у ҳали тузалиши ҳам мумкин: унга қандай жазо беришни ёки қанча жарима тўлаши кераклигини суд маҳкамаси ҳал қилсин. Лекин маъқул даражада тарбияланган фуқарони тузалмайдиган одам сифатида қатл этиб жазолансин, агар у ватан мулкани зўравонлик билан талон тарож қилишда фош этилса; бу ўринда, уни жиноят устида ушлайдиларми ёки йўқми фарқи йўқдир.

942

Ҳарбий хизмат
ёшидагилар
ҳақида қонунлар

Ҳарбий юришларга келсак, бу ерда кўп нарсани муҳокама қилиш зарур ва яна анчагина қонунлар ҳам беришга тўғри келади. Бу ерда энг асосийси уш-

будир: ҳеч ким ҳеч қачон бошлиқсиз қолмаслиги керак – на эркаклар, на хотинлар. На жиддий машғулотларда, на ўйинларда ҳеч ким ўзи хоҳлаганича иш қилишга ўзини ўргатмаслиги зарур: ҳамма вақт – урушда ҳам, тинчлик вақтида ҳам – бошлиққа қараб яшаш керак ва унинг кўрсатмаларига амал қилиш даркор. Ҳатто энг арзимас нарсаларда ҳам унга қулоқ солиш лозим, масалан, унинг биринчи буйруғи бўйича (айтган) жойида тўхташ, олдинга юриш, машқлар қилишга киришиш, ювиниш, овқатланиш, қоровул туриш ва топшириқларни бажариш учун кечаси уйғониш. Энг хавfli шароитларда ҳам, душманни қувиш ёки чекинишда ҳам бошлиқ кўрсатмасидан ўзгача қилмаслик керак. Бир сўз билан айтганда, инсоний руҳ (дил, нафс) бошқа одамлардан айрим равишда ҳеч нарсани мутлақо қилолмаслик кўникмасини ҳосил қилсин ва ҳатто бунинг қандай мумкинлигини ҳам тушунмасин. Барчанинг ҳаёти доимо имкон борича жипслаш-

b

c

ганроқ ва умумийроқ бўлсин. Чунки, урушда ғалаба қозониш ва омадга етишишдек фойдалироқ, санъаткоронароқ ва яхшироқ ҳеч нарса йўқ ва бўлмайди ҳам. Бунга жуда ёшлиқдан машқ қилиш зарур ва фақат ҳарбий вақтдагина эмас, балки тинчлик вақтида ҳам (машқ қилиш керак). Бошлиқсизлик, барча одамлар ҳаётидан ва ҳатто одамларнинг қўл остидаги ҳайвонлар ҳаётидан ҳам олиб ташланиши даркор. Хоровод рақсларнинг барча хиллари билан шуғулланиш зарур, негаки бу ҳарбий шухратларга олиб келади. Шу боисдан ҳам ҳаракатчанлик ва эпчиликни ривожлантириш, овқат ва ичимликда нафсни тийиш, қиш совуғи ва ёзнинг жазирама иссиғига чидаш, қаттиқ ўринда ухлашга ўрганиш керак. Энг асосийси – бош ва оёқни ортиқча нарсалар билан ўраб кучдан қолдирмаслик керак: зеро бу билан табиий мўй ўсиши ва юриш учун мосламаларни барбод этадилар. Энг четдаги аъзоларни соғлом сақлаш бутун бадан учун муҳим аҳамиятга эга, уларнинг ёмон аҳволи эса кони зиёндир: оёқлар бутун бадан учун асосий ижрочилардир, бош эса энг асосий бошлиқдир, чунки табиат айнан унда асосий сезгиларни жамлаган.

943

Ҳарбий ҳаётнинг бундай мақтови ҳамда ушбу қонунлар ёш йигитга фойдалидирлар: ким рўйхатлар бўйича қайсидир ҳарбий қисмга киритилса ёки тайинланса у ҳарбий юришга чиқиши зарур. Агар кимдир, ҳарбий қўмондонлар рухсатисиз, беписандлик билан бундан бош тортса, у ҳолда, кўшин юришдан қайтгач, ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун ҳарбий мансабдорлар суди маҳкамасига тортилади. Юриш қатнашчиларининг ҳаммаси суд маҳкамасида қатнашадилар, лекин гоплитлар суд маҳкамаси айрим, суворийлар суд маҳкамаси айрим ва ҳар қайси турдаги кўшинларнинг вакиллари суд маҳкамаси айрим ўтади: айбдор гоплитларни гоплитлар суд маҳкамасига, айбдор суворийларни суворийлар суд маҳкамасига тортилади ва ҳоказо. Айбдор деб тан олинган (аскар) жасорат, қаҳрамонлик мусобақаларидан умрбод чиқариб ташланади, бошқа бировни ҳарбий хизматдан бўйин товлаганликда айбдор суд маҳкамасига торга олмайди, шунга ўхшаш ишларда қораловчи бўлолмайди. Бундан ташқари, суд маҳкама-

си унга қандайдир жазо ёки пул жаримаси белгилайди. Ҳарбий хизматдан бош тортганлик ҳақидаги суд маҳкамаси тутагач, ҳар бир қўшин тури қўмондонлари янгидан мажлис чақирадилар, бу мажлисларда хоҳлаганлар ўзларининг қуролдош дўстларига шуҳрат нишонлари топширилишида қатнашадилар. Бу борада олдинги урушни далил қилиб кўрсатиш, уни ўзининг ҳуқуқини асослаш учун дастак этиш ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан қувватлаш мумкин эмас: фақат охириги ҳарбий юришга асосланмоқ керак, холос. Ҳар кимга ғалаба белгиси бўлиб зайтун баргларидан қилинган гулчамбар хизмат қилади. Уни ўз хоҳишига қараб худоларга – уруш ҳомийларига бахшида этиш мумкин, гулчамбарда қандай алоҳида хизмати учун бутун умрга берилганлиги ҳақидаги ёзув бўлади. Иккинчи ёки учинчи марта олинган мукофотни ҳам шундай қилинади.

Агар кимдир, ҳарбий юришга бориб, муддати тугамасдан, ҳокимлар қайтиш ҳақида буюрмасларидан олдин уйга қайтса уни қочоқликда [“қурол йўқотганликда”] айблаб суд маҳкамасига тортилади, ҳарбий хизматдан бош тортганда иш юритадиган ҳакамлар томонидан кўрилади. Айбдор, деб тан олинганларга биринчи ҳолатдаги каби жазо берилади. Ҳар қандай одамга ҳар қандай жазо берилаётганида ҳар ким ҳам билиб туриб ёки беихтиёр нолайиқ жазо белгилашдан иложи борича хавфсираб туриши керак. Чунки Дика [Ҳақиқат] ҳозир ҳам, аввал ҳам, адолатли равишда Виждонлиликнинг покдомон қизи, деб шуҳрат қозонгандир, ёлгон эса, табиийки Виждонлиликка ҳам, Ҳақиқатга ҳам зид, жирканчлидир. Демак, бошқа ҳолларда ҳам адолатнинг бузилишидан эҳтиёт бўлмоқ лозим, айниқса, урушда “қурол йўқотиш” ҳақидаги ишларни кўрилаётганида адашмаслик учун ва (баъзан бўладиган) ноилож заруратни шарманда этишга лойиқ топмаслик учун шундай йўл тутиш даркор: зеро бу ҳолда жазога нолайиқ одамга жазо берилади. Тўғри, бу ўринда иккисини фарқ этиш мушкул иш; аммо қонун айрим ҳолларда ҳарқалай уларни фарқ этишга ҳаракат қилмоғи зарур. Ёрдамга афсоналарни жалб этамиз ва мисоллар келтирамиз: агар хиргоҳга қуролсиз келтирилган Патрокл беҳисоб кўп одамлар билан рўй берганидек

ўзига келса, – Пелей билан никоҳга ўтаётганида шоир айтганидек, худолар Фетидага совға қилганлари Пелейнинг асли қуроли Гектор қўлига тушганлиги рост бўлсада, – ўша ерда ҳозир бўлган нопок одамлар Менетийнинг ўғлини қуролини ташлаганликда айбашлари мумкин бўлар эди. Кейин, қоядан йиқиляётганида, денгизда ёки кўп бўрон бўладиган жойларда аскарларга беҳосдан сув оқими босиб келганида қурол йўқотганларни эслаб ўтиш мумкин. Яъни, бундай воқеалар жуда-жуда кўп, уларни рўкач қилиб ўзини кечириш, баҳона қилиш ва ўз бошига тушган балони зийнатлаш мумкин бўлади, у эса тўхматга осонгина озуқа беради. Шунинг учун, ҳақиқий мушкул бахтсизлик билан унинг зидларини иложи борича фарқлаш керак. Айтиш керак-ки, танбеҳни сўз билан изҳор этишнинг ўзида қандайдир фарқлаш мавжуддир: гап шундаки, кўп ҳолларда “ўз қалқонини ташлаган” ҳақида эмас, балки фақат “ўз қуролини йўқотган” ҳақида гапириш тўғрироқ бўларди. Зеро, “ўз қалқонини ташлаган”, ундан зўрлик билан қалқон тортиб олинганида ва уни ўзи ташлаб юборганида бир хил аҳволда бўлмайди-ку; бу ерда моҳият жиҳатидан жуда катта фарқ бор.

Шунинг учун қонун бундай десин: агар кимнидир душманлар ушлаб олсалар, у эса уларга қарши қурол кўтармаса, қаршилиқ кўрсатмаса, аксинча ўз ихтиёри билан қалқонини ташласа ёки отиб юборса, яъни, мардлик билан ўзига зебо ва фараҳли ўлимга етишиш ўрнига ўзининг шармандали ҳаётини сақлаб қолишни афзал кўрса, у ҳолда бунга ўхшаш “қурол йўқотиш”да у қалқонини ташлаб юборган сифатида айбланади; олдин кўрсатиб ўтилган воқеада эса ҳакам текширувни тўхтатсин. Доимо ёмон одамга, уни тузатиш учун жазо бермоқ керак, аммо бахтсиз одамни жазоламаслик зарур: бу ҳеч нарсага олиб бормайди. Лекин, ҳимоя учун қурол олган, аммо бунинг ўрнига аксинча уни ташлаб юборган одамга қандай жазо нафъ келтиради? Зеро инсонга қарама-қарши сифатларни бериб бўлмайди-ку, буни қачонлардир, афсонага кўра, худо амалга ошириб, ўшанда фессалиялик аёлни эркакка – Кенейга айлантирган эди. Ўз қалқонини ташлаб юборган одамни аксинча айлантириш тўғрироқ бўларди, яъни эр-

какликдан аёлга: худди шу жазо бўларди. Лекин у ўзининг ҳаддан ташқари ҳаётсеварлиги билан шунга яқин (яъни, у аёлга ўжшаб қолгани - тарж.) бўлгани учун кейинги ҳаётида хавф-хатарга учраб қолмасин, аммо шарманда бўлиб узоқ яшасин, деган ният билан ушбу қонун жорий бўлсин: ҳарбий қуролини шармандаларча йўқотганида фош этилган эркак ҳеч қайси стратег ва ҳеч қайси бошқа ҳарбий қўмондон тарафидан жангчи сифатида фойдаланилмайди ва ҳеч қандай ҳарбий бўлинмага қабул қилинмайди; акс ҳолда, яъни бундай ҳарбий бўлинмага қабул кимдир бирор бўлинмага қабул қилса, айбдорга, агар у олий синфдан бўлса, евфин минг драхм жарима солади, агар иккинчи синфдан бўлса – беш мина, учинчи синфдан бўлса – уч мина ва тўртинчи синфдан бўлса – бир мина жарима солади. Қўрқоқликда фош этилган одамга келсак, ўз табиатларига кўра мард бўлган одамлар дуч келадиган хавф-хатарлардан у халос этилишидан ташқари, агар олий синфга мансуб бўлса минг драхм жарима тўлайди, агар иккинчисига мансуб бўлса – беш мина, учинчисидан бўлса – уч мина ва тўртинчидан бўлса бир мина жарима тўлайди; бир сўз билан айтганда, ҳарбий бўлинмага қабул этишда айбдорга қандай жазо бўлса, шундай жазо берилади.

Евфинларни тайинлашда нималарга риоя қилишимиз керак? Зеро баъзи мансабдор шахслар бизда чек ташлаш йўли билан бир йилга, баъзилари кўпроқ йилга бевосита сайловлар орқали тайинланадилар. Бундай мансабдор шахсларга маъқул евфин бўлиш мумкинми? Зеро улардан кимдир ўз мансаби юкидан тинкаси қуриб нимадир ноҳақ нарсани айтиб қўйиши ёки ўз мансабини муносиб ўташ учун унинг кучи етмай қолиши ҳам мумкин-ку. Ҳокимлар устидан ҳокимларни топиш осон эмас, бунинг устига яна ўз эзгу ишлари билан ажралиб турадиган одамни топиш. Аммо, барибир ана шундай илоҳий евфинларни топишга ҳаракат қилиш зарур: иш шуни талаб қилади. Давлат тартиботида, худди кемадаги каби ёки қандайдир тирик мавжудотдаги каби ҳаётий муҳим мосламалар бор. [Охирги икки воқеада] биз уларни тур-

ли номлар билан белгилаймиз: “йўғон арқонлар”, “боғичлар”, “пайлар”. Улар кўп бўлсада, аммо уларнинг вазифалари битта. Аммо, давлатни сақлаб туриш ва унинг янада олға юриши учун муҳим мосламалардан бири, – рўй берган бузилиш (синиш)га қарамай, – ушбудан иборатдир: агар евфинлар, ўзларига ҳисобот берувчи мансабдор шахслардан яхшироқ бўлсалар ва у ерда бенуқсон адолат ҳукмрон бўлса, ҳар қандай мамлакат ва давлат фаровон (омонликда) бўлади ва гуллаб яшнайди. Агарда мансабдор шахсларнинг ҳисобот беришлари ўзгача бўлса, агар давлат бошқарувининг барча идораларини яхлит этиб бирлаштирувчи адолатга путур етса, у ҳолда ҳокимият чириydi, лавозим вазифаларини бажаришда хилма-хиллик бошланади, умумий мақсадга интилиш бўлмайди, бу эса давлат бирлигини барбод этишга олиб келади, давлатни низоларга тўлдиради ва тез ҳалокатга олиб келади. Шунинг учун ҳам евфинлар турли эзгуликлар билан ажралиб туришлари зарур.

Евфинларни тайинлашни қуйидагича таъсис этамиз: ҳар йили қуёшнинг ёздан қишга бурилишидан сўнг бутун давлат Гелиос ва Аполлонга бахшида этилган ер майдонида йиғилади. Ўша ерда ҳар ким худо олдида ҳар жиҳатдан ким энг яхши эканлигини айтсин, фақат ўзидан ташқари, бу одам элик ёшдан ёш бўлмаслиги зарур. Шундай одамлардан ҳаммаси бўлиб учта одамни сайлаш лозим. [Сайлаш тартиби қуйидагича:] таклиф этилган одамларнинг энг кўп овоз олганларидан ярмини саралаб олиш зарур, агар уларнинг умумий сони жуфт бўлса. Агар у тоқ бўлса, у ҳолда ўзи учун энг кам овоз олган одамни чиқариб ташланади, қолганлардан эса кўп овоз билан ярмини рад этилади. Агарда баъзилар бир хил сондаги овозлар олсалар ва бундай одамларнинг умумий миқдори ярмидан кўп бўлса, ортиқчасини энг ёшларидан бошлаб, рад этилади, қолганларини яна бир марта овозга қўйилади, то улардан учтаси тенг бўлмаган овозлар олмагунларигача. Агар уларнинг уччаласида ёки улардан иккитасида тенг овоз бўлса, у ҳолда фараҳди тақдирга ва қуръа ташлашга мурожаат қилиш ва унинг ёрдамида ғолиб келганни, иккинчиси, учинчи-

си кимлигини аниқлаш керак, шундан кейин улар зай-
тун гулдастаси ила шарафланадилар ва ҳаммага эшит-
тириб айтиладики: “Магнетлар давлатига худонинг ёр-
дамида яна қутқарилишга муваффақ бўлинди: давлат
Гелиосга ўз орасидан энг яхши уч одамни ажратди. Дав-
лат уларни қадимий қонунга мувофиқ равишда Апол-
лон ва Гелиосга то уларнинг сайланиш муддатлари ту-
гамагунигача бахш этади”.

Бу шахслар биринчи йилга ўн иккита евфинни тайин-
лайдилар ва улар то етмиш беш ёшга кирмагунларигача c
шундай давом этаверади. Келажак учун эса ҳар йили яна
учта евфин сайланадилар. Улар барча давлат мансабла-
рини ўн икки қисмга бўладилар ва уларни ҳур туғилган
одамларга маъқул бўладиган равишда синовлардан ўтка-
задилар. Евфинлар ўз лавозимлари бўйича иш олиб бор-
ган вақтларида, улар Аполлон ва Гелиоснинг муқаддас ер
майдонларида, ўзлари сайланган жойларида яшайдилар. d
Қисман ҳар бири айрим-айрим, қисман эса бир-бирлари
билан биргаллашиб улар барча мансабдор шахсларнинг фа-
олиятларини кўриб чиқадилар ва бажарилган ишлар
ҳақида давлатга ахборот берадилар, (шу билан бирга)
майдонда ҳар қайси давлат лавозими борасида ўз ёзувлар-
ини намойиш этадилар, бу ёзувларда евфинларнинг фикр-
лари бўйича, бу ёки бошқа бир мансабдор шахсга қан-
дай чора кўриш кераклиги ёки қанча жарима солиниши
тўғрисида маълумотлар келтирилади. Агар қандайдир
мансабдор шахс бу фикрнинг адолатлилиги борасида
талашадиган бўлса, бу мансабдор шахс мана шу мақсад
учун танлаб олинган ҳакамлар суди маҳкамасига торти-
ши ва агар ҳисоботларнинг тўғрилигини исбот этса, ев-
финларнинг ўзларини айблаши мумкин. Агарда мансаб-
дор шахснинг айби исботланса ва унга евфинлар томони-
дан қатл этиш тайин этилса, бу шахс қатл этилсин, нега-
ки икки марта ўлиш номумкин; иккилантириш мум-
кин бўлган бошқа жазолар иккиланган миқдорда тайин
этилсин.

Лекин евфинларнинг ҳисобот беришлари қандай ўтка-
зилиши ва қай тарзда бўлиши ҳақидаги фикрга кулоқ
солиш керак. Евфинлар ҳаёт чоғларида давлат томони-

дан ҳурмат кўрсатилади. Яъни барча умумжалқ йиғинларидан уларга биринчи жойлар ажратилади; кейин умумэлли қурбонликларида ва театр томошаларида ёки бошқа қандайдир умумий ибодатларда худди уларнинг орасидан феорияга раҳбарлик қилувчи шахсларни юборадилар. Фуқаролар ичида фақат уларгина дафна шухрат тожи билан безатилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларнинг барчалари Аполлон ва Гелиоснинг қоҳинлари бўладилар, улардан бири эса ҳар йили бутун йил давомига олий қоҳин этиб сайланади. Олий қоҳин номи ҳар йили нишонланади, шундай қилиб, токи давлат мавжуд экан, бу вақтнинг ҳисоблаш меъёри (ўлчови) бўлиб хизмат қилади. Вафот этган евфинларга дафн маросими – жасадни (ҳамма кўриши учун) қўйиш, олиб чиқиш ва кўмиш – бошқа фуқароларнинг дафн маросимларидан ўзгачароқ тайин этилади: майит оппоқ нарсага кийинтирилган (ўралган) бўлади; йиғи ҳам, хўнграш ҳам бўлмайди; ўн беш қиздан ва яна ўсмирлардан иборат хор жасад этган жой атрофида тик туриб вафот этган қоҳинга қасида (мақтов қўшиқ) лар айтишади, бундай шарафлаш кун бўйи давом этади. Эртасига тонгда, марҳумнинг қариндошлари танлашлари бўйича гимнасияга қатнайдиган юзта ўсмир (йигит) марҳум тобутини мақбарага олиб борадилар. Олдинда уйланмаган ёш йигитлар борадилар, улар барчаси ҳарбий кийимда, кейин от устида суворийлар, тўла қурооланган гоплитлар ва худди шу равишда бошқалар. Ўсмирлар тобут қўйилган жой олдига яқин туриб ватан мадҳиясини куйлайдилар. Тобут ортидан қизлар, ҳамда энди она бўлолмайдиган аёллар борадилар. Кейин, қоҳин ва қоҳиналар уларни ҳаром этмайдиган дафн маросимида қатнашадилар, аммо бошқа барча дафн маросимларида улар қатнашмайдилар: айтиш лозимки, қоҳинлар бу ерда ҳам қатнашишлари мумкин, фақат бунинг учун Пифиянинг розилиги бўлиши керак. Евфинлар учун савана ер остига ва иложи борича тошлардан, қимматбаҳо ва мустаҳкам тошлардан ясси гумбаз шаклида қурилиши керак: ўша ерда, бир-бири олдида тош ўриндиқлар турган бўлади, ана шулар устига осойишталик, шод-хуррамликка алоқадор бўлганни қўйилади. Атроф-

га тупроқдан тепалик қилинади ва ташқари томонга дарахтлар экилиб дарахтзор қилинади. Бир томонни қолдириш керак, токи кейинги даврларда шу тарафдан саябанани кенгайтириш мумкин бўлсин, шунда, ўтганлар учун янги тепалик кўтаришга ҳожат қолмайди. Евфинлар шарафига ҳар йили мусиқий, гимнастик ва от мусобақалари таъсис этилади.

Ҳисоботлари бенуқсон, деб топилганларга кўрсатиладиган эҳтиромлар шундай бўлади. Агар, улардан қайси биридир евфинликка сайланганлигидан фойдаланиб ўзининг инсоний табиатини намоён эта бошласа ва сайланганидан сўнг ахлоқсиз бўлиб чиқса, қонунга биноан ҳар бир хоҳлаган одам унга қарши иш кўзратиши мумкин. Суд маҳкамасининг ўзи қуйидагича ўтсин: аввало бундай суд маҳкамаси рўйхатига қонунлар нигоҳбонлари, кейин олдин евфин бўлиб ишлаганларнинг ҳаммаси ва ниҳоят, маҳсус танлаб олинган ҳакамлар. Қораловчи (айбловчи) ушбу айбни кўяди: фалончи шуҳрат нишонлари ва ўзининг давлатдаги мансабига нолайиқдир. Агар айбланувчи айбдор, деб тан олинса, бу мансабдан, дафн маросимидан ва унга кўрсатиладиган эҳтиромлардан маҳрум бўлади; агар даъвогар ўз фойдасига овозларнинг бешдан бирини олмаса, ўн икки мина тўлаши керак, башарти олий синфга таалуқли бўлса; саккиз мина – агар иккинчи синфдан бўлса, олти – агар учинчидан бўлса ва икки – агар тўртинчидан бўлса.

948

b

c

Яна суд маҳкамаси ишлари ва халқаро муносабатлар ҳақида (Суд маҳкамасидаги) тортишувларни ҳал қилишда Радамант усули, деб аталувчи усул ҳайратланишга лойиқдир. Радамантнинг айтишича у замон одамлари худоларнинг мавжудликларига ишонганлар; бу табиий эди, чунки у замонларда кўпчилик худоларнинг авлодларига мансуб эди, ўшалардан бири Радамантнинг ўзидир. Радамант, суд маҳкамасини инсонлардан ҳеч кимга топшириб бўлмайди, фақат худоларга топширмақ зарур, деб қарор қилган; шунинг учун унинг суд маҳкамаси ишлари оддий ва тез ҳал бўлган. Бирор ишда гумон қилаётган ҳакамларга айбланувчи гумон қилинаётган масала борасида қасам ичиб ваъда берарди; шу билан

иш ҳам тутар эди, тез ва ишончли (бузилмайдиган бўлиб). Аммо бизнинг давримизда, айтиб ўтганимиздек, бир қисм одамлар умуман худоларни тан олмайдилар, бошқалари эса худолар бизга қайгурмайдилар, деб ўйлайдилар, жуда кўпчиликнинг, энг ёмон одамлардан иборат кўпчиликнинг фикри эса қуйидагичадир: худолар арзимас қурбонликлар олиб ва хушомадгўй дуоларни эшитиб, йирик ўғриликлар қилишга кўмаклашадилар ва кўп ҳолларда катта (қаттиқ) жазолардан халос бўлишга ёрдам берадилар. Шунинг учун адлия ишларидаги Радамант усули ҳозирги одамлар учун тўғри келмайди: ростики уларда худолар ҳақидаги тасаввур ўзгардими, демак, қонунларни ҳам ўзгартириш керак.

d Оқилона ўрнатилган қонунлар иккала тортишувчи томоннинг қасамёд қилиб берадиган ваъдаларини суд маҳкамаси ишидан чиқариб ташлашлари зарур. Ҳар қандай даъво ни маҳкаммага бериш пайтида ўзининг шикоятини фақат ёзма баён этиш керак, унга қасам ичиш қўшилмаслиги зарур. Худди

e шунга ўхшаб жавоб берувчи ҳам ўзини оқлайдиган далиллари ни ёзма равишда баён этиши зарур ва уларни қасам билан тасдиқламасдан ҳокимларга бериши лозим. Давлатда суд маҳкамаси ишлари жуда кўп бўлиши билан бирга, биргаликда ўтказиладиган овқатланиш маросимларида, турли жамиятларда ва хусусий равишда осонгина мулоқотда бўладиган фуқароларнинг деярли ярми қасамхўрлар эканлигини идрок этиш даҳшатлидир. Шунинг учун мана бундай қонун ўрнатилсин:

949 суд маҳкамасини олиб борувчи ҳакам қасамёд қилиши зарур. Овоз бериш ва қасам ичиб номларни ошкор этиш учун тахтачаларни қурбонлик жойидан олиш йўли билан бутун давлатга мансабдор шахсларни тайинлайдиган одам ҳам қасам ичиши зарур. Бундан ташқари бу хоравий ва умуман мусиқий мусобақалар ҳакамининг ҳамда гимнастик ва от чопар мусобақалари раҳбарлари ва бошқарувчиларнинг вазифаларига киради. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг фикрича қасам фойда келтира олмайдиган барча вақтларда бунга рухсат берилади. Лекин, қасам билан қувватланган инкор аниқ, каттагина фойда бериши мумкин бўлган ҳолларда тортишаётган томонлар ўз ишларини қасамсиз, суд маҳкамаси йўли билан

b

ҳал этишлари керак. Суд маҳкамаси раислари ҳеч кимга ўз сўзларининг ишончлилигини қасам ичиб тасдиқлашига, ўзини

ва уруғини лаънатлашига, хунук илгизжоларига ва хотинларнинг дод-фарёдларига рухсат бермасликлари зарур, йўқ, ўтиглар бериб ва тушунарли тарзда, нутқнинг одобини сақлаб, ўзининг ҳақлигини исботлаб, шу йўсинда ишни ниҳоясига етказмоқ лозим. Акс ҳолда раис нотикни ўз нутқи мавзусидан четга чиқиб кетаётган одам сифатида асл моҳиятига доим қайтариб туриши керак бўлади. Айтиш керакки, агар хоҳиш билдирсалар икки ажнабийга, ҳозир ҳам қабул қилинганидай, қасамлар билан бемалол мулоқот қилишларига рухсат берилади: зеро улар бизнинг давлатимизда то қаригунларича яшамайдилар ва кўп ҳолларда бу ерда ошиён қурмайдилар; демак улар, ёнма-ён яшайдиган мамлакат хўжайинларига ёмон таъсир ўтказолмайдилар. [Уларнинг] ўз аро даъволарига келсак, бу ерда тартиб ҳаммага битта бўлади, чунки ҳур туғилган одам давлат фармойишларига қулоқ солмайдиган бўлиб чиқади, лекин унинг қилимиши калтаклашга ҳам, зиндонга ташлашга ҳам, қатл этишга ҳам арзимайди.

Баъзи намоёнлардаги хоравий ўйинлар, маросимлар ва бошқа умумий байрамлар ва тантаналарга келсак – бир сўз билан айтганда, ё қурбонликлар учун ёки ҳарбий эҳтиёжларга бадал олишлар учун нимаики қилинаётган бўлса, бу ерда жазолашга бўлган биринчи заруратнинг олди олиниши мумкиндир. Давлат ва шу билан бирга қонун буюрган ундирувчи одамлар бўйсунмаганлардан кафолот оладилар. Агар кимдир ўз мулки кафолотга олинганига қарамай ўжарлик билан бўйсунмаса, у ҳолда кафолотга қўйилган бу мулк сотувга чиқарилади, сотувдан олинган пул давлат хазинасига тушади. Агар янада кўпроқ жазолаш зарур бўлса, у ҳолда бўйсунмаганга ҳар бир мансабдор шахс муносиб жазо белгилайди ва ишни суд маҳкамасига йўллайди, токи, ўжарлик қилаётганлар охир оқибатда улардан қилинаётган талабни бажарсинлар.

На ички савдони (фақат деҳқончилик маҳсулотлари демаса), на ташқи савдони олиб бормайдиган давлат, фуқароларнинг мамлакатдан чиқиб кетаётганларида ва мамлакатга келгинди ажнабийларни киритишда нималар қилиши кераклигини ақл тарозусида тортиб кўриши зарурдир. Бу ерда аввало соҳиби қонун иложи борича ишонтириб иш юритишга ҳаракат қилиб, ўз маслаҳатини бериши зарурдир.

Давлатларнинг бошқа давлатлар билан алоқалари турли хилдаги ахлоқларнинг қўшилиб кетишига олиб келади, чунки ажнабийлар ерли аҳолига ҳар хил янгиликлар билан таъсир этадилар. Тўғри қонунлар туфайли яхши давлат тартиботига эга бўлган фуқароларга бу жуда катта зарар келтирган бўлар эди. Тўғри қонунлари умуман бўлмаган кўп давлатлар ўзларида ажнабийларни қабул қилишларида ва ўз фуқароларини бошқа юртларга юборишда бу қўшилиб, қоришиб кетишга лоқайд қарайдилар: булар ўша фуқароларнинг ҳузурланишлари учун қилинади, инсон қаергадир, қандайдир муддатга саёҳатга борса бўлди, у ёшми ёки қари барибир. Бошқа томондан, ўзида чет эликларни қабул қилмаслик ва бошқа юртларга бормаслик ҳам мутлақо нотўғридир. Бунинг устига қолган одамларга бу кўпол ва шафқатсиз тадбир бўлиб кўринади: улар буни бузуқ ахлоқ ва ўзбошимчаликнинг намоён бўлиши, деб ўйлаган бўлардилар ва буни нохуш сўз “қувгин қилиш” деб атар эдилар. ҳамда бу билан чет эликларни ҳайдаб чиқаришни назарда тутган бўлардилар.

b

Бизнинг ҳақимиздаги бошқаларнинг фикрига бефарқ қараб бўлмайди: улар бизни яхши деб ҳисоблайдиларми ё йўқми. Гап шундаки, кўп одам эзгу ишларни тушуниш иқтидоридан маҳрум бўлганлари миқдорида бошқа одамларга баҳо бериш – улар яхшимилар ё ёмонмилар, – иқтидоридан маҳрум эмаслар. Ҳатто ёмон одамлар ҳам қандайдир ажиб, илоҳий келиб чиқишга боғлиқ фаҳмга эгадирлар, шунинг учун уларнинг кўплари, ҳатто энг ёмонлари ҳам ўзларининг (бошқалар ҳақидаги) мулоҳазалари ва фикрларида яхши ва ёмон одамларни аъло равишда фарқ эта оладилар. Шунинг учун давлатлардан кўпчилик одамлар назаридаги ўзларининг шуҳратларини қадрлай олишларини талаб қилинса яхши бўларди. Айтиш керак-ки, энг тўғри ва энг асосийси – бу ҳақиқатан ҳам яхши бўлиш ва шу тарзда ўз ҳаёти билан энг яхши шуҳрат қозонишдир; агарда инсон камолотга етишишга интиладиган бўлса, бошқа йўл билан бунга эришиб бўлмайди. Критда асос солинаётган, айниқса бизнинг давлатимиз бошқа одамлар назарларида эзгуликнинг зебо ва юксак шуҳратини қозониши маъқул бўлар эди. Умид қиламизки, қан-

c

чадир вақт ўтгач, Қуёш ва бошқа худолар фаровон давлатлар орасида бизнинг ҳам давлатимизни кўрадилар, негаки тез орада давлатимиз оқилона қонунларга эга бўлади.

Шундай қилиб, бошқа юрт ва мамлакатларга саёҳатлар ва ажнабийларни мамлакатга киришларига рухсат бериш борасида куйидагича йўл тутиш зарур. Аввало кимда-ким ҳали қирқ ёшга кирмаган бўлса, унга қаерга бўлса ҳам саёҳат қилишга рухсат берилмайди. Кейин шахсий эҳтиёжлар бўйича саёҳат қилиш ҳеч кимга умуман рухсат берилмайди, фақат умумдавлат эҳтиёжлари билан мумкин: сўз жарчилар, элчилар ва феорлар ҳақида бормоқда. Айтиш керакки, уруш ва ҳарбий юришлар пайтида чегаралардан ўтиш давлат сафарларига кирмайди. Пифиядаги Аполлон ибодатхонасига, Олимпияга Зевс олдига, Немеза ва Истмга худолар шарафига бўладиган қурбонликлар ва мусобақаларда қатнашиш учун иложи борича кўпроқ одамни юбориш керак, улар энг яхши ва лойиқ одамлар бўлсинлар, яъни улар ўша тинч ва муқаддас мулоқот турларида ва ҳарбий жасоратга монанд ишларда ўз давлатларига яхши шухрат келтирсинлар. Ватанга қайтиб келиб улар ёшларга бошқа давлатларнинг давлат тузилишини белгилловчи қонуни бизникичалик эмаслигини кўрсатадилар. Бошқа феорларни ўзга юртларга ўз мулоҳазалари бўйича қонунлар нигоҳбонлари юборадилар. Агар фуқаролардан биронтаси бошқа одамларнинг ҳаётини кузатишни истаса ҳеч қандай қонун уларга қаршилик кўрсатмайди. Зеро давлат, ўзининг бошқалар билан мулоқот қилмаганлиги натижасида яхши ва ёмон одамлар билан тажрибада танишмай туриб ҳеч қачон маъқул даражада ахлоқли ва баркамол бўлолмайди. Агар қонунлар онгли эмас, балки фақатгина одатга кўра қабул қилинадиган бўлсалар, уларга риоя қилиш мумкин эмас. Кўпчилик (одамлар) орасида мулоқотга лойиқ, илоҳий ахлоқли одамлар доимо ажралиб турадилар. Тўғри, улар кўп эмаслар ва яхши қонунлари бор давлатларда, қонунлари ёмон давлатларга қараганда кўпроқ учрамайдилар ҳам. Эзгу (яхши) қонунлари бор давлатда яшовчи инсон денгиз ва қуруқликда кезиб юриб доимо, бузилмаганларнинг из-

d

e

951

b

c

ларини излаши зарур, токи уларнинг ёрдамида қонун-қоидаларнинг яхши томонини мустақамлаб, камчилик-лари эса тузатилсин. Кузатиш мақсадида ўтказиладиган бундай изланишларсиз давлат айтарли даражада барқарор бўлиши мумкин эмас, кузатишлар ёмон бажарилганида ҳам худди шундай бўлади.

К л и н и й . Ҳар иккаласини қандай амалга ошириш мумкин?

А ф и н а л и к . Мана бундай: аввало бизда бундай феор элик ёшдан ошган бўлиши шарт ва бундан ташқари, яхши шон-шухрат қозонган одамлар орасидан бўлиши керак. – умуман ҳам, урушда ҳам, – токи у бошқа давлатлар олдида қонунларнинг намунали нигоҳбони сифатида намоён бўлсин. Кимда-ким олтимиш ёшдан ошса у феор бўлолмайди. Ана шу ўн йил муддат орасида феор неча йил хоҳласа шунча вақт кузатишлар олиб бориши мумкин. Ватанга қайтиб келгач қонунларни назорат қилувчи шахсларнинг йигини (мажлиси)га бориб ҳисоб бериши зарур. Бу йигин ёшлар ва кексалардан иборат бўлади ва ҳар куни, албатта тонгда, Қуёш чиқмасидан олдин йиғиладилар. Унга аввало шухрат нишонини олган коҳинлар, кейин ўнта қонунлар нигоҳбонлари кирадилар, улар доимо кексалардан бўладилар; ундан кейин, умуман тарбияга ғамхўрлик қилувчи бўлиб янгидан тайинланган шахс ва бу мансабдан бўшатишган шахслар унда иштирок этадилар. Айтиш керакки, йигиннинг ҳар бир аъзоси фақат ўзигина қатнашиб қолмайди, балки уларнинг ҳар бири ўзи танлаб ўттиз ва қирқ ёш орасидаги йигитни олиб келади. Бу одамлар доимо бирга йиғиладилар ва ўз давлатларининг қонунларини муҳокама қиладилар. Агар улар, бошқа юртларда қонунлар ҳамда фанларнинг бундай муҳокамалар учун ва бу фанларни ўрганувчилар учун фойдали жиҳати борлигини аниқласалар (зеро уларни ўрганмаганлар гўё қоронғуликда тентираб юрадилар ва қонунларга тааллуқли барча нарсалар уларга тушунарсиз бўлади), у ҳолда йигиннинг энг кекса аъзолари уни бизнинг давлатга олиб кирадилар, ёшлар эса бу янгиликларни диққат билан ўрганишга киришишлари зарур. Агар тақлиф этилган ёш аъзолардан биронтаси тақлифга нолайиқ бўлса, у ҳолда бутун

йиғин (мажлис) ўша йигитни таклиф этган шахсга танбеҳ беради. Аммо, яхши ном қозонган ёш йигитларни бутун шаҳар қўриқлайди; барча фуқаролар уларга ҳурмат билан қарайдилар ва алоҳида қўриқлайдилар. Яхши ахлоқлари учун уларни бошқалардан кўпроқ эъзозлайдилар, лекин, агар улар ёмон ишлар қилсалар, бошқа кўпчиликдан кўра кучлироқ шарманда қиладилар.

Ажнабийларнинг қонунларини кузатган шахс қайтиб келиши билан шу йиғинга келиши зарур. Унинг барча аъзоларига у ўз мулоҳазаларини ёки қонунчилик, маориф ва тарбия борасида бошқа одамлардан эшитган тушунтиришларни айтиб беради. Агар у гарчи яхшироқ бўлмасада, аввал бўлганидан ёмонроқ бўлмай қайтиб келса, қилган ҳаракатлари учун унга таҳсин изҳор этадилар. Агар у анча яхши бўлган бўлса, ҳаётлигидаёқ уни мадҳ этадилар, вафотидан кейин йиғин (мажлис) унга муносиб эҳтиромлар кўрсатади. Аммо, агар у ўзини донишманд ҳисоблаб бузилиб қайтса, уни ёшлар билан ҳам, қарилар билан ҳам мулоқот қилишга қўймайдилар. Айтиш керакки, агар у ҳокимларга қулоқ солса, хусусий шахс сифатида яшайверсин; ақс ҳолда у қатл этиш билан жазоланади, айниқса агар суд маҳкамаси уни тарбия ишига ва қонунларга беҳуда янгиликлар киритганликда фош этса. Агар мансабдор шахслардан ҳеч қайсиси қамашга лойиқ одамни қамамаса, у ҳолда мансабдор шахсларга нишонлар топширилишида танбеҳ берилади.

Мамлакат ташқарисига чиқишига рухсат бериладиган одам ана шундай шартларга жавоб бериши керак. Энди, мамлакатга келадиган ажнабийлар ҳақида ўйлаб кўриш керак. Эслаб ўтишга лойиқ уч хил ажнабийлар бор. Биринчи хили худди узоқдан учиб келадиган қушларга ўхшаб асосан ёзда саёҳат қилишади. Бундай одамларнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам худди денгиздан учиб ўтаётгандек: улар бойиш учун тижорат билан шуғулланадилар ва бошқа давлатларга йилнинг қулай фаслидан фойдаланиб учиб келадилар. Уларни махсус тайинланган мансабдор шахслар – шаҳардан ташқарида, лекин унга яқин жойдаги бозорлар, лиманлар ва жамоат биноларида, – ажнабийлардан қайси биридир қандайдир янгиликларни олиб кир-

масин, деган эҳтиёткорлик билан қабул қилишлари зарур. Улар адолат бўйича муомала қиладилар, аммо иложи борича уларга кам мурожаат этадилар – фақат зарурат бўйича.

953

Ажнабийларнинг иккинчи хили, Музалар асарларидан мумкин бўлганини бир кўриш ва эшитишни хоҳлайдиганлардан ташкил топганлардир. Барча шундай одамларга ибодатхоналар олдида мусофирхоналар тайёрлаб қўйиш керак, бу ерда улар меҳмондўстлик кўрадилар. Коҳинлар ва ибодатхона хизматчилари бундай меҳмонларга ғамхўрлик қилишлари, улар то кетгунларигача меҳрибонлик кўрсатишлари керак, токи улар ҳеч қандай зарар етказмасинлар ва ўзлари ҳам зарар кўрмасинлар, аммо, нима учун келган бўлсалар ўша нарсани кўрсинлар ва эшитсинлар. Агар улардан биронтаси озор етказса ёки улардан биронтасига озор етказилса, уларни эллик драхмдан ошмайдиган барча ишларда, коҳинлар суд маҳкамаси текширади. Агар уларда катта иш бўйича тортишув бўлиб қолса, агораномлар суд маҳкамаси иш олиб боради.

b

Ажнабийларнинг учинчи хили – бошқа давлатдан унинг топшириғи билан келадиганлар, уларни давлат номидан қабул қилинади. Уларни фақат стратеглар, гиппархлар ва таксиархлар қабул қилишлари зарур; уларни, улар қўнган уй соҳиби ва пританлар кутадилар, меҳмондўстлик қиладилар.

c

Тўртинчи даражадаги ажнабийлар фақат баъзан келадилар. Булар бизнинг юртга бошқа юртлардан кузатиш учун келганлардир. Аввало бундай ажнабий эллик ёшдан ошган бўлиши керак. Бундан ташқари у, бошқа давлатларга қараганда бизда яхшироқ бўлган, ўз чиройи билан ажралиб турадиган нарсани кўришга ҳаракат қилиши ва ўз давлатига шунга ўхшаш нарсани кўрсатиши керак. Бундай одам таклифсиз ҳам бой донишмандлар уйининг азиз меҳмони бўлиши керак, негаки унинг ўзи ҳам шундай одам. У тўғри тарбия назоратчисининг уйига бундай одамга муносиб мукаммал меҳмоннавозлик кўриши ишончи билан борсин ёки бўлмаса эзгу ишлар мусобақасида ғолиб бўлган одамнинг уйига борсин. Улар билан суҳбат қуриб, ўғитлар беради ҳамда ўзи улардан панд-насиҳат-

d

лар эшитади, кейин дўстона совғалар билан сийланиб, хурмат ва муносиб эъзозлар кўриб орқага қайтади.

Мана шундай қонунларга риоя қилиб, бошқа юртли барча ажнабийлар ва ажнабий аёлларни қабул қилиш ва ўз фуқароларини ўша юртларга юбориш керак. Биз ажнабийларни ҳозир Нилда тарбия топганлар каби ўз дастурхонимиздан ва қурбонликлардан нари тутмай Зевс Меҳмондўстни эъзозлаймиз ва уларни қўпол буйруқлар билан ҳақоратламаймиз.

Кафолот беришда, гап минг дирахмдан ошмаган пайтда, агар кимдир уни берадиган бўлса, барча бандларни ёзма баён этиб тўла санаб ўтиш керак, бунда учта гувоҳ бўлиши зарур; агарда пул кўпроқ бўлса, у ҳолда бештадан кам бўлмаган гувоҳ бўлиши керак. Кафолотчи сифатида қандайдир нарсани сотиб олишда (қатнашадиган) даллол (воситачи) иштирок этади. Агар у сотувга ногўрри туширилса ёки умуман сотиши мумкин бўлмаса, у ҳолда воситачи ҳам, сотувчи ҳам суд маҳкамасига тортиладилар. Агар кимдир, бировникида тинтув ўтказмоқчи бўлса, бу ишни у, ўша одамнинг уйига яланғоч ҳолда ёки белбоғи боғланмаган калта хитонда, ҳақиқатан шу ердан ўз нарсасини топишга умид қилаётганини, аввал қонун билан белгилаб қўйилган қасамни айтгачгина тинтув қилиши мумкин. Буюмни беркитганликда гумон қилинаётган одам ўз уйини ва у ердаги бор нарсани – муҳрлаб беркитилганни ҳам, муҳрланмаганни ҳам, унга кўрсатиши керак. Агар кимдир тинтув ўтказишни хоҳлаган одамга тинтув қилишга йўл қўймаса, бу одам ўзи излаётган нарсани баҳолаб, йўл қўймаган одамни суд маҳкамасига тортиши мумкин. Агар гумон қилинаётган одам фош этилса, у зарарни икки баробар миқдорда тўлайди. Агар уй соҳиби бирор ерга кетган бўлса, қидирув мақсадида, шу уйда яшовчилар барча муҳрланмаган нарсаларни кўриб чиқишлари мумкин; тинтув қилаётган одам муҳрланган буюм (наrsa)ларга ўз муҳрини босиб, кимни хоҳласа ўшани беш кунга соқчи қилиб қўйиши мумкин бўлади. Агар уй соҳиби узоқ муддат уйда бўлмайдиган бўлса, тинтувни астиномлар билан биргаликда ўтказиш зарур, бунда, астиномлар ва шу уйда

e

954

b

яшовчилар хузурларида муҳрланган буюмлар очилади ва яна қайтадан худди шундай муҳрлаб қўйилади.

c

Кимнинг буюми эканлиги баҳсли бўлган нарсаларга келсак, қонун томонидан муддат чегаралаб қўйилади, бу муддат ўтгач, шу нарсани ушлаб турган одам билан уни таллашиб бўлмайди. Бизнинг давлатимизда ер майдонлари ва турар жойлар борасида баҳс бўлиши мумкин эмас. Аммо, кимдир бир нарсаси бор ва бу нарсадан шаҳарда, бозорда ва ибодатхоналарда фойдаланаётганлигини ошқора кўрсатади, айтиш керакки ҳеч ким уни таллашиб, меники демайди, шу орада буюм эгаси уни доим излаб юрганлигини арз қилади, гарчи буюм қўлида бўлган одам ҳеч яшириб юрмаган бўлсада, бошқача айтганда, агар йил бўйи буюм бир одам қўлида бўлсаю бошқа биров ўша буюмни излаётган бўлса, у ҳолда, бир йил ўтганидан кейин ҳеч ким бу буюмга даъвогар бўлмаслиги зарур. Агар буюм қўлида бўлган одам буюмдан шаҳар ва бозорда фойдаланмай қишлоқда очiq-часига фойдаланса, айтиш керакки беш йил мобайнида унинг эгаси билан учрашмаган бўлса, у ҳолда беш йил ўтгач, буюм эгаси энди ўз даъвосини қилмаслиги керак. Агар кимдир буюмдан шаҳарда, фақат ўз уйида фойдаланса, у ҳолда муддат уч йил бўлади; агарда кимдир бундай нарсадан қишлоқда яширинча фойдаланса, – ўн йил муддат; худди шундай воқеа фақат у ўзга юртларда бўлса, муҳлат ўтганлик бўлмайди, агар унинг эгаси қаердандир излаб топса.

d

e

Агар кимдир ўз рақибига ёки унинг гувоҳига суд маҳкамасига келишга зўрлик билан қаршилик қилса, у ҳолда, агар қулга зўравонлик қилинган бўлса – (қул) ўзиникими ё ўзганикими бари бир – суд маҳкамасининг қарори мутлақо ўз кучини йўқотади. Агар ҳур туғилган одамга зўравонлик қилинса, у ҳолда, қарор ўз кучини йўқотишидан ташқари, айбдор бир йилга қамалади, ҳар қандай хоҳловчи эса уни зулм ўтказганликда айблаши мумкин. Агар кимдир гимнастик ёки музикий санъат мусобақасидаги ёки бошқа ҳар қандай мусобақалардаги ўзининг рақибига мусобақага келишига зўравонлик билан қаршилик кўрсатса, ҳар қандай одам мусобақа раҳбарларини бундан огоҳлантирсин, улар эса мусобақада хоҳлаган одамга эркин қатнашишга эълон берсинлар. Агар улар бундай

955

қилмасалар ва мусобақада ўша, ўз рақибларига қаршилик қилган одам ғолиб чиқса, у ҳолда ғолиблик мукофотини жабр кўрганга топшириш керак ва унинг исмини ғолиб сифатида у ўзи хоҳлаган муқаддас даргоҳда ёзиб қўйилсин. Зўравонга эса ибодатхонага қурбонлик келтириш ва у ерда бундай мусобақа ҳақида ёзув қолдириш манъ этилади; мусобақада у мағлуб бўладими ёки ғолиб бўладими бари бир келтирилган зарар учун жавобгарликка тортиш мумкин бўлади.

Агар кимдир ўғирланган нарсани билиб туриб яширса, у одам ўғри билан баробар жазога лойиқдир. Қувғин қилинган одамни яшириш қатл этиш билан жазоланади. Давлат кимни ўзининг дўсти ёки душмани, деб билса ўшани ҳар бир одам ўзининг дўсти ёки душмани, деб билсин. Агар кимдир ўз ташаббуси билан умумдавлат қарорисиз ким биландир сулҳ тузса ёки кимгадир қарши урушга борса унга ҳам жазо ўлимдир. Агар давлатнинг қандайдир қисми ким биландир сулҳ тузса ёки кимгадир қарши урушга борса, айбдорларни стратеглар суд маҳкамасига тортадилар ва улар бунда фош этилсалар, қатл этилишлари мумкин.

Кимда-ким ўз ватанига хизмат қилса, бунинг учун туҳфалар олмаслиги керак. Бу ерда ҳеч қандай баҳона бўлиши мумкин эмас, ҳеч қандай, ҳаттоки барча (одамлар) маъқуллайдиган баҳоналар, сабаблар ва гап-сўзлар, гўёки яхши мақсад учун туҳфалар олиш мумкин, ёмони учун йўқ, дейиладиган баҳоналар ҳам. Зеро, бунинг англаб олиш қийин ва ҳатто англаб етилганидан кейин ҳам ўзини тийиш қийин. Энг тўғриси қонунга қулоқ солиш, унга бўйсунуш ва туҳфалар учун ҳеч қандай хизмат қилмасликдир. Қулоқ солмаган одам суд маҳкамасида фош этилиши билан қатл этилади.

Умумдавлат хазинасига (бериладиган) пул бадаллари келсак, кўп сабабларга кўра ҳар ким ўз мулкни баҳолаши керак. Филаларнинг аъзолари мулкларининг ҳар йилги кўпайиши борасида агрономларга ёзма равишда хабар беришлари зарур, токи, икки хил бадал мавжуд бўлганлигидан хазина, шу йили қайси бири маъқул бўлса ўшандан ё баҳоланган мулкнинг бир қисмидан ёки шу мулк ҳар йили келтирадиган даромаднинг бир қисмидан фой-

далана олсин. Биргаликда овқатланишга қилинадиган сарфлар ҳисобга олинмайдилар.

956 **е** Ўртамиёна одам худоларга ўртамиёна қурбонликлар қилади. Ҳар кимнинг ери ва уй ўчоғи худоларга бағишлангандир. Шундай қилиб, ҳеч ким худоларга усиз ҳам бахшида этилган нарсани иккинчи марта бағишламайди. Бошқа давлатларда хусусий уйлар ва ибодатхоналардаги олтин ва кумуш ҳасад уйғотадилар. Фил суяги – бу жони (руҳи)дан айрилган бадан қолдиги- номуносиб инъомдир; темир ва мис – уруш қуроладир. Шунинг учун ҳар қандай хоҳлаган (одам) умумхалқ ибодатхоналарига ўзлари танлаб яхши дарахтдан ясалган ёғоч буюмлар, ҳамда тошдан ясалган буюмлар бахшида этсин. Бахшида этиладиган матолар ўзининг катта-кичиклиги бўйича бир аёл бир ой ишлаб тўқийдиган матодан катта бўлмасин. Оқ ранг худоларга муносибдир ва умуман ўзи яхши, шу қатори матолар учун ҳам. Бўялган матоларни бахшида этиш мумкин эмас; уларни фақат ҳарбий безаклар учун ишлатиш мумкин. Энг илоҳий туҳфалар – қушлар ва бир рассом бир кун давомида нақш этадиган тасвирлардир. Бошқа бахшидаларни қилишда ана шу қоидаларга риоя қилиш зарур.

б Давлат қанча қисмларга бўлинади, бу қисмлар қандай бўлишлари керак ва амалий муносабатларнинг асосий хиллари бўйича қонунлар қандай бўлиши керак – буларнинг ҳаммаси ҳақида айтиб ўтилди. Аммо суд маҳкамаси ҳақида яна гапириш зарур.

с Суд маҳкамасининг биринчи хилини жавоб берувчи ва даъвогар томонларидан биргаликда танланган ҳакамлар ташкил этадилар; бундай ҳакамларга воситачи номи кўпроқ тўғри келади. Суд маҳкамасининг иккинчи хили янги қишлоқлар ва филалар аъзоларидан ташкил топади ва мамлакатнинг ўн икки қисмга бўлинишига мос келади. Агар иш биринчи суд маҳкамасида ҳал бўлмаса, ҳамда янада кўпроқ (каттароқ) жазо берилишини хоҳласалар, у ҳолда кейинги ҳакамларга мурожаат қиладилар. Агар жавобгар иккинчи марта ишни ютқазиб қўйса, унга қилинган даъво баҳосининг бешдан бирини тўлайди. Агар кимдир бу ҳакамлардан ҳам норози бўлиб учин-

чи марта ишни кўриб чиқилишини истаса, у ҳолда ишни махсус танлаб олинган ҳакамлар суди маҳкамасига топшириши зарур. Агар у яна ишни ютқазса, қилинган даъво баҳосининг бир ярим баробарини тўлайди. Агар даъвогар ўз ишини биринчи суд маҳкамасида ютқазиб қўйиб тинчимаса, аммо иккинчи суд маҳкамасига мурожаат қилса, агар ютиб чиқса, у бешдан бир қисмини олади; агар ютқазса, даъвонинг худди шунча қисмини тўлайди. Агар аввалги суд маҳкамаларидан кўнгиллари тўлмаган тортишувчилар учинчи суд маҳкамасига мурожаат қилсалар у ҳолда, жавобгар ютқазса, айтиб ўтилганидек, бир ярим баробарини, даъвогар эса ярмини тўлайди. Ҳакамларни қуръа ташлаб сайлаш ва суд маҳкамаси таркибинини тўлдирилиши, ҳакамларнинг ҳар бирига ёрдамчилар тайинлаш, ишларнинг ҳал қилиниши муддатлари, овоз бериш усули, қўшимча муддат белгилаш ва адлия ишларига хос шунга ўхшаш ишларга, ҳамда биринчи ва иккинчи марта даъво қилиш, суд маҳкамасидаги зарурий музокаралар ва ҳоказоларга келсак – буларнинг барчаси ҳақида аввал биз гапирган эдик. Айтгандай, мақол борку, гўзал-зебо нарсани икки марта ҳам, уч марта ҳам айтиш ортиқча эмасдир.

Агар кекса соҳиби қонун қандайдир майда қонун-қондаларни назардан қочирса ва буни билиш осон бўлса, уни ёш соҳиби қонун тўлдириб қўйсин.

Хусусий суд маҳкамаларини ташкил этиш айтиб ўтилганидек бўлиши мақсадга мувофиқдир. Умумдавлат суд маҳкамалари ва ўз хизматини маъқул адо этиш учун мансабдор шахслар мурожаат этадиган суд маҳкамаларига келсак, бу борада кўпгина мамлакатларда бу ишга тўғри келадиган одамлар томонидан тузилган яхши қонунлар кўп учрайди. Энди таъсис этилаётган давлатга тўғри келадиганларини у ердан ўзлаштиришни соҳиби қонунлар амалга оширадилар, улар бу қонунларни тажрибада текширадилар, муҳокама қиладилар ва уларнинг ҳар бири етарли даражада қоникарли бўлмагунларича тузатадилар. Ҳаммаси мукамал, деб ҳисобланганидан кейин бу қонунларнинг ўзгармаслиги муҳрланиб тасдиқланганидан сўнг улардан бутун умр фойдаланадилар.

Хакамларнинг сукут сақлашлари, эзгу нутқлари ва бунга қарама-қаршилари, қисқаси, одатлардан фарқ қиладиган, бошқа давлатларда адолатли, эзгу ва зебо, деб машҳур бўлган барча нарсаларга келсак, булар ҳақида баъзи нарсалар айтиб ўтилди, баъзи нарсаларни суҳбатимиз сўнгида яна айтиб ўтиш керак бўлади. Кимда-ким адолатли ҳакам бўлишни истаса, буларнинг ҳаммаси билан ҳисоблашиши, инобатга олиши, туб маъносини тушуниши ва барчасининг ёзма баёнини ўзида тутиши зарур. Зеро, фанлар билан шуғулланувчи одамни барча фанлардан кўра энг кўп баркамол эътибор билан қонунлар ҳақидаги фандир – агар унинг низомлари (қоидалари) тўғри бўлса, ҳар қалай шундай бўлиши керак, акс ҳолда бизда илоҳий ва ажойиб қонун, “ақл” сўзига яқин номни бекорга олган бўларди. Ва барча қолган асарлар, назм билан ёки одатдагидек баён этилган, баъзан ёзиб қўйилган, баъзан эса ҳар кунги мулоқотларда пайдо бўладиган ниманидир мақташлар ёки танбеҳлар, баҳсга эҳтироси кучлилигидан бировлари гумонсираганларида, бошқалари эса ён босиш, кўпинча беҳуда ён босиш туфайли улар билан келишганларида – буларнинг ҳаммаси учун энг олий маҳак тоши соҳибни қонуннинг асарлари бўлади. Яхши ҳакам бу асарларни, бошқа таълимотлардан сақловчи восита сифатида ўзига сингдириб юбориши ва яхши одамларга адолат ва ривожланишнинг бирлигини тайёрлаб бериш, ёмон одамларга эса – жоҳилликни, интизомсизликни, қўрқоқликни, қисқаси, турли хил адолатсизликларни унинг қўлидан келганича илдизи билан йўқотиш ва ёмон одамларнинг хато фикрлари қанчалик даволаниши мумкин бўлса даволаш мақсадида ўз-ўзини ҳам, ўзининг давлатини ҳам камолотга етказиши керак. Бундай, фикрларга эга бўлиш қисматида бор одамларнинг дил (руҳ, нафс)лари учун эса, фақат ўлим даво бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз буни тез-тез қайтаришга ҳақлимиз, – бундай ҳукми ижро этувчи ҳакамлар ва уларнинг раҳбарлари бутун давлат томонидан таҳсинга лойиқдирлар.

Ҷар йилги суд маҳкамаси ишлари ҳал этилганидан кейин, суд маҳкамаси ҳукмларини ижро этиш ушбу қонунлар бўйича амалга оширилади: суд маҳкамасини ўтказган ҳокимият, овоз беришдан кейиноқ ҳукм этилганнинг энг заруридан ташқари, барча мулки ишни ютиб чиққанга берилсин; ҳар бир овоз беришнинг натижасини ҳакамлар иштирок этиб турганларида жарчи эълон қилади. Агар, суд маҳкамасини ўтказишга белгиланган ойлардан кейин яна бир ой ўтса ва ишни ютқазган (одам) ишни ютган билан ўзаро ҳурмат шартномасини тузмаса, ишни ютиб чиққаннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб суд маҳкамасини ўтказган ҳокимият унга ишни ютқазган одамнинг мулкани олиб беради. Агар ишни ютқазган одамнинг пули бўлмаса (пул оладиган жойи йўқ бўлса) ёки етишмаса – бир драхмдан кам бўлмаган миқдорда, – у ҳолда у, ишни ютиб чиққанга барча қарзини тўламагунича бошқа биров билан судлаша олмайди. Шу вақтнинг ўзида бошқа ҳамма у билан судлаша олади. Агар жазога ҳукм этилган (одам) уни ҳукм этган ҳокимиятга қаршилиқ кўрсатса, у ҳолда адолатсиз равишда қаршиликка дуч келган шахслар уни қонунлар нигоҳбонлари суди маҳкамасига тортсинлар. Агар кимдир бундай жиноятда фош этилса, уни қатл этиб жазолайдилар, чунки у қонунларни ва бутун давлатни ҳалок этади.

b

c

Инсон туғилади, тарбия олади, болалар туғади, уларни тарбиялайди, маъқул тарзда амалий мулоқотларда бўлади, агар кимнидир хафа қилган бўлса жазо олади, бошқа одамларга жазо беради – бир сўз билан айтганда, қонунларга мувофиқ яшайди. Кейин иложсиз, тақдир иродаси билан у қарийди ва табиийки, унинг ўлиш пайти келади. Вафот этган одам борасида – у эркакми ёки аёлми – одатларни шарҳловчи, тушунтирувчилар кўрсатмалар беришга ҳақлидирлар, бу одатларни ер ости ва шу ерлик худолар шарафига ижро этиш зарур.

d

Экин экиладиган ерга мақбаралар қуриш мумкин эмас; у ерда ҳеч қандай – на катга, на кичкина – ҳайкаллар

e ўрнатиш мумкин эмас. Марҳумларнинг жасадларини ўз табиий сифатлари бўйича фақат шунга ярайдиган ерга кўмилади; буни тириклар учун ҳеч қандай ноқулайликлар туғдирмайдиган равишда қилиш зарур. Ер – бизни онамиз, у жон деб одамларга овқат етказиб беради. Шунинг учун ҳеч ким – на тирик, на марҳум – биз тирикларни бундан маҳрум этмайди. Қабр тепасини, беш киши, беш кунда уядигандан баланд кўтармаслик керак. Қабр усти тоштахталарини шундай катталиқда қилинсинки, токи унга марҳумнинг ҳаётини тўрт (қатор) қаҳрамонона шеърда изҳор этган мақтов сирса бўлди.

959

Жасадни уй ичига қўйиб, марҳум ҳақиқатан ўлганлиги маълум бўладиган муддатда сақлаш керак, бу эса, бизнинг инсоний ҳисобимиз бўйича, тахминан, уч кунлик муддатдир, бу вақт ўтгач майитни дафн этиладиган жойга олиб борилади. Соҳиби қонунга умуман ҳам, бизнинг дилимиз (нафсимиз, жонимиз, руҳимиз) бадандан (жисмдан) мутлақо айрим ва ҳатто шу ҳаётда бизнинг ҳар биримизни худди ана шу дил (жон) ушлаб туриши, бадан (жисм)

b

эса унинг зоҳирий кўриниши сифатида ҳар биримизга эргашиб юриши борасида ҳам ишонмоқ керак. Шунинг учун марҳумлар ҳақида, уларнинг бадани фақат бир тимсол, ҳар биримизнинг моҳиятимиз эса абадий: у бошқа худоларга ҳисобот бериш учун борадиган дил (жон, руҳ) деб жуда тўғри айтадилар; боболарнинг қадимий қонунда айтилишича яхши одам учун бу ҳисобот қўрқинчли эмас, ёмон одам учун эса жуда қўрқинчли ва ўлимдан кейин ҳеч қандай жиддий ёрдам кутолмайди. Ҳаётлигида одамга унинг барча яқинлари ёрдам беришлари зарур, токи, у иложи борича адолатли бўлсин ва (ҳалол, пок) художўй бўлиб яшасин, ўлимидан кейин эса оғир қилмишлар билан айбдор ва бу ҳаётдан кейин келадиган ҳаётда жазога

c

гирифтор бўлмасин. Ростки иш шундай экан, ўз хўжалигинг зиёнига ортиқча сарф-ҳаражат қилишга арзимайди ва бу бадан уюмида ўз яқинингни кўмаётган ҳисоблаб бўлмайди: йўқ, сенинг ўғлинг, аканг, кўмиш пайтида ғам чекиладиган умуман кимдир, ўзининг ердаги қисматини тугатди, бажарди ва биздан кетди, деб ҳисоблаш керак; энди, ер ости худоларининг ушбу шафқатсиз қурбонлик

жойига (қўйишда) меъёрдаги ҳаражатлар билан чегараланиш яхши иш бўлади. маъкул меъёрни соҳиби қонун энг яхши белгилайди. Қўйидаги қонун бўлсин: олий синф одамини дафн этиш учун ҳаражатлар беш минадан ошмаслиги зарур, иккинчи синф одами учун уч минадан, учинчи синф одами учун икки мина, тўртинчи синф одами учун бир минадан ошмаслиги лозим. Бу етарли даражада меъёрдаги сарфлар бўларди. Қонунлар нигоҳбонлари яна бошқа қўп вазифаларни бажаришлари, қўп нарсага ғамхўрлик қилишлари зарур; улар аввало болалар ҳақида, катталар ҳақида – умуман барча ёшдаги одамлар ҳақида ўйлашлари керак; аммо ҳар бир фуқаро вафот этганида шу нигоҳбонлардан бири, вафот этганининг оиласи кафолотчи этиб танлаган нигоҳбон иштирок этиши даркор. Агар марҳум учун ҳамма нарса яхши ва меъёрида бўлса унинг хизматини қадрлайдилар, агар ёмон бўлса, танбеҳ берадилар. Жасадни чиқариш, қўйиш ва бошқа ҳаммаси қонунга мувофиқ қилинади. Аммо давлат қонунни ушбу нарсада ён босиши керак: марҳумлар устида йиғлашни талаб қилиш ёки манъ этиш ноўя иш бўлар эди; лекин уйдан ташқарида дод солиш ва хўнграб, ноалар қилишни таъқиқлаш керак. Майитни кўчалар бўйлаб очик ҳолда олиб юришга йўл қўймаслик керак ва кўчада олиб кетилаётганда дод солиш, ноалар қилиш мумкин эмас. Шундай бўлсинки, кун бошланиши (қуёш чиқиши)гача маросим шаҳар чегарасидан ташқари чиқсин (яъни, тобут шу айтилган пайтгача шаҳар чегарасидан ташқари чиқсин - тарж.). Одатлар худди шундай бўлсин. Бўйсунганлар жазодан озодлар; қонун нигоҳбонларидан бирига қулоқ солмаган одам эса уларнинг ҳаммалари томонидан жазоланади: улар биргаликда унга жазо белгилайдилар. Марҳумларни дафн этишнинг алоҳида хиллари ёки ҳаттоки уларни дафн этилишдан маҳрум этишга келсак, бу борада отасини ўлдирганлар, шаккоклар ва шундайларга ўхшашлар ҳақида биз томонимиздан аввал муҳокама этилган ва улар учун қонунлар ҳам ўрнатиб қўйилган эди. Шундай қилиб бизнинг қонунчилигимиз тугади, десак ҳам бўлади.

Қонунларни
қўриқлаш
муаммоси

Айтиш керакки ҳар қандай иш, нима-нидир бажариш, олиш (нимагадир эришиш), таъсис этишнинг ўзи билан тугамайди: йўқ, дунёга келган нарсанинг

сақланишига имконият яратадиган воситалар топилган пайтидагина бажариладиган ишни охиригача, тўла тугаган иш, деб ҳисоблаш зарур; акс ҳолда бутунликка нимадир етишмайди.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сен жуда гўзал гапирдинг, аммо бизга тушунтир, бу сўзлар ҳозир айтганларингдан хусусан нимага тааллуқли?

А ф и н а л и к . Клиний, аждодларимизда бўлган кўп нарса ажиб мадҳ этилгандир ва айтиш лозим, Мойр исмлари бошқасидан кам эмас.

К л и н и й . Хусусан қайсилари?

А ф и н а л и к . Улардан биринчиси – Ложесис, иккинчиси – Клото, учинчиси – Атропос, қуръалар ҳомийси. Бу исмлар асло чувалмайдиган яхши эшилган ипга ўхшатиладилар. Бундай хосият давлатга ва унинг тузилишига жисмоний саломатлик ва сақланиб туришни берибгина қолмай, балки дилларга эзгу қонунчиликни жойлаштириши, яна бунинг устига – қонунларнинг ўзларига сақланишни ато этиши зарурдир. Менинг назаримда бизнинг қонунларимизга худди шу етишмайди. Табиатга мувофиқ равишда, барқарор бўлиб қолишлик қобилиятига, қонуналар қандай қилиб эришадилар?

К л и н и й . Сен ўта муҳим нимадир нарса ҳақида эслатдинг, агар, нимага бўлса ҳам бундай хосиятни берадиган воситани топиш умуман мумкин бўлса.

А ф и н а л и к . Аммо, мен ҳозир аниқ қўрганимдек бу ҳақиқатан ҳам мумкин.

К л и н и й . Биз баён этган қонунларга ўша нарсани то топмагунимизча келинг, толиқмай излайлик. Зеро нимагиндир устида беҳуда меҳнат қилиб ва мустаҳкам (барқарор) ҳеч нарсага эришмаслик кулгили (иш) бўларди.

М е г и л л . Маслаҳатинг тўғри; менда ҳам худди шундай фикрдаги одамни топасан.

К л и н и й . Яхши. Бизнинг давлатимиз ва қонунларимизга сенингча нажот нимадан иборат? Бу қандай қилиб
961 амалга ошиши мумкин?

Энг муҳим
давлат қўриқлаш
ташкilotи
(Тунги йиғин)
Унга асос солиш
тамойллари

А ф и н а л и к . Бизнинг давлатимизда қуйидагича тузилган айрим бир йиғин бўлиши керак демадикми: ўнта энг кекса қонунлар нигоҳбонлари ва шуҳрат нишони бўлган ҳамма одам доим бирга йиғилишлари керак. Бундан ташқари,

қонунларни қўриқлаш учун қаерда нима борлигини топиш мақсадида саёҳатга борадиган ва ватанга қайтиб келган одамлар, юқорида кўрсатилганлар томонидан синаб кўрилгач бу йиғин (мажлислар)нинг лойиқ қатнашчилари бўлишлари мумкин. Бунинг устига уларнинг ҳар бири ўзи билан битта ёш, фақат ўттиз ёшга кирган йигитни олиб келиши керак: у ўз табиати ва тарбияси бўйича бунга муносибми, йўқлигини аввал муҳокама қилиб, уни бошқаларнинг даврасига киритадилар ва агар ҳамма рози бўлса, у йиғин иштирокчиси бўлиб қолади. Акс ҳолда, қолган барча фуқаролар ва айниқса рад этилганнинг ўзи учун қилинган қарор сир бўлиб қолиши керак. Бу йиғин эрта тонгда йиғилади, токи ҳамма ўз шахсий ва давлат ишларидан бўш бўлсин. Бизнинг аввалги кўрсатмаларимиз шундай эди.

К л и н и й . Ҳа, (шундай).

А ф и н а л и к . Ана шу йиғинга яна қайтиб, мен айтмоқчиман-ки: агар ундан бутун давлат учун лангар сифатида фойдаланилса, у, биз хоҳлаган барча нарсани қутқариб қолган бўларди, чунки унда барча фойдали нарса мавжуд.

К л и н и й . Тушунмадим.

А ф и н а л и к . Зарур тушунтириш беришга ҳозир қулай фурсат келди: мен уни астойдил бажаришим керак.

К л и н и й . Офарин, ажойиб сўзлар! Фикрингни изҳор қил!

А ф и н а л и к . Бир нарсага Клиний эътибор бериш керак, яъни ҳамма нарсада уни сақлаб турадиган нарса бўлади; тирик мавжудотда энг асосийси дил ва бошдир.

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Яхши бош ва дил бор тирик нарсани қутқарадилар.

К л и н и й . Қандай қилиб?

Афиналик. Дилга барча қолган нарсалардан ташқари ақл хосдир, бошга эса – кўриш ва эшитиш. Қисқаси, энг зебо сезгилар билан бир яхлитликка бирлашган ақлни ҳар қандай мавжудотнинг халос этувчиси деб тўла ҳуқуқ билан айтса бўлар эди.

Клиний. Шундайга ўхшайди.

Афиналик. Бу, шундай. Аммо сезгилар билан аралашиб қўшилган ақл, масалан, кемаларни довул пайтида ёки очик ҳавода қутқараётганида нимага йўналган бўлади? Кемани бошқарувчиси дарға ва маллоҳлар – ақл билан сезгилар бирлигини ўзи бўлиб, ана шунинг учун ўзлари қутилишиб яна барча нарсалари билан кемани ҳам қутқарадилар, тўғри эмасми?

Клиний. Албатта шундай.

Афиналик. Кўпдан-кўп мисоллар келтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳеч бўлмаса фақат ҳарбий ишга ва ҳарбий кўмондонлар, ҳамда тиббиёт санъатига хизмат қилувчилар нажотга етишиш учун ўзларининг олдиларига қўядиганлари мақсадга эътибор берайлик. Саркардаларнинг мақсади ғалаба ва душмандан устун келиш, шифокорлар ва уларнинг хизматчиларининг мақсади – бадан (жисм)га соғлиқ келтиришдир, тўғри эмасми?

Клиний. Бошқача бўлиши мумкинми?

Афиналик. Аммо, агар шифокор, биз ҳозир соғлиқ сифатида белгилаганимиз бадан ҳолатини билмайдиган бўлса ёки агар саркарда ғалабани нималигини билмаса ва ҳоказо, улар бу ўринда ўзларининг ақлларини намоён эта олармидилар?

Клиний. Йўқ, мумкин эмас.

Афиналик. Давлатда бу иш қандай аҳволда? Агар кимда-ким давлат арбоби [сиёсатчи] интилиши лозим бўлган мақсадни билмаслигини кўрсатса, биринчидан уни ҳукмдор, деб ҳуқуқан тан олиб бўладими, сўнгра – мақсади бутунлай номаълум нарсани у қутқара оладими?

Клиний. Албатта йўқ.

Афиналик. Кўриниб турибди-ки, ҳозир ҳам, агар биз мамлакатимизда манзилгоҳ қуришнинг тартиботини ниҳоясига етказмоқчи бўлсак, бизда, аввало ана шу манзилгоҳнинг мақсадини ўз-ўзича биладиган, худди биздагидек давлат ҳукмдорига одатда маълум бўладиган ни-

мадир бўлиши зарурдир. Кейин, қандай қилиб иш бош-лашни, қонунлардаги, ундан кейин одамлар)даги хусусан нималар керак бўлади, нималар керак бўлмайди – би-лиш зарур. Агар давлатда буларнинг ҳаммаси бўлмаса, у ҳолда у ақл ва сезгилардан маҳрум бўлиб, ҳар бир ишда тасодифнинг ихтиёрига ўзини топшириб қўйса ажаблан-маса ҳам бўлади.

К л и н и й . Сен ҳақ гапни айтдинг.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, давлатимизнинг қайси қисмида ёки қайси тартиботида қўриқлашга етарли да-ражада қобилиятли [идора] бор? Биз нимани кўрсата ола-миз?

К л и н и й . Ажнабий (биродар), бу ҳали равшан эмас. Агар фаҳмлаб бўлса, менингча, сенинг сўзларинг, ҳозир-гина айтганингдек кечаси йиғиладиган ўша йиғинга ишо-ра қилмоқдалар.

А ф и н а л и к . Тўғри айтасан, Клиний. Бизнинг ҳозирги мулоҳазаларимиз шуни кўрсатади-ки, бу йиғин (мажлис) бор эзгу ишлар соҳиби бўлиши зарур. Энг асосийси эса, ҳар хил мақсадларнинг изидан қувиб, адашиб, сарсон-сар-гардон юрмасдан, нимадир бир нарсани назарда тутиш ва ҳамма ёй ўқларини доим шу йўналишда отишдир.

К л и н и й . Албатта, шундай.

А ф и н а л и к . Давлат қонун-қоидаларининг адашиш-ларида ҳеч ҳайрон қоларли нарса йўқлигини энди биз тушунамиз, негаки ҳар бир давлатда қонунчиликнинг мақ-садлари ҳар хил. Нарсаларнинг адолатли ҳолатини кўпин-ча қуйидагича белгилашлари ҳам ҳайрон қоларли эмас: баъзи давлатларда бир неча шахснинг, улар қолган бо-шқа одамлардан яхшироқ ёки ёмонроқ бўлишларидан қатъий назар, ҳукмрон бўлишларини адолатли, деб ҳисоб-лайдилар; бошқаларида – баъзи одамлар бошқаларига қул бўлиб қоладиларми ёки йўқми, бундан қатъий назар, бой-иш (бадавлат бўлиш) имконияти; учинчиларида – барча интилиш эркин ҳаётга йўналтирилган; тўртинчиларининг қонунчилиги иккита мақсадни кўзлайди: ўзлари эркин бўлишлари ва бошқа давлатлар устидан ҳукмронлик қилишлари. Ниҳоят, ўзларини энг доно ҳисобловчи дав-

латлар бор; аммо улар бу мақсадларнинг ҳаммасини бирдан ихтиёр қиладилар ва ўша асосий ҳамда бирдан-бир мақсадни – қолган ҳаммаси йўналтирилиши керак бўлган мақсадни кўрсата олмайдилар.

963 Клиний. Демак, ажнабий (биродар), бизнинг энг олдинги тасдиқлаганимиз тўғри экан: яъни, бизнинг барча қонунларимиз доимо бир мақсадни назарда тутишлари зарур. Ва биз, мутлақо тўғри бир нарсага, яъни бу мақсад – эзгу ишлар, зебо фазилат эканлигига рози бўлдик.

Афиналик. Ҳа, (шундай).

Клиний. Аммо, биз эзгу ишнинг тўрт хили бор, деган эдик.

Афиналик. Албатта.

Клиний. Уларнинг барчасига ақл раҳбарлик қилади; қолган ҳаммаси унга бўйсунитиши керак, шу қатори ушбу уч хил эзгу иш ҳам.

б Афиналик. Бизнинг мулоҳазаларимизни сен жуда яхши кузатиб бординг, Клиний; кейин ҳам худди шундай бўл. Биз, дарганинг, шифокорнинг ёки ҳарбий кўмондоннинг – ақли назарда тутиши керак бўлган ягона мақсадни кўрсатиб ўтдик. Ҳозир биз давлат арбобининг ақлини текширмоқдамиз. Унга бир инсон сифатида ушбу савол билан мурожаат этсак яхши бўлар эди: “Оҳ ажойиб (инсон), сенинг мақсадинг нима? Шифокор ақли аниқ кўрсатиши мумкин бўлган ўша танҳо нарса нима? Наҳотки бу сенинг қўлингдан келмайди, гарчи барча оқиллик орасида ажралиб туришингни айтишга тўла ҳуқуқинг бўлсада!” Мегилл ва Клиний, яхшилаб фикр юритиб, унинг ўрнига бу мақсад нимадан иборатлиги ҳақида менга жавоб бера оласизларми? Бошқа ҳолатларда мен сизларга шунга ўхшаш тушунчаларни айтган эдим-ку.

с Клиний. Йўқ, ажнабий (биродар) бунинг ҳеч иложи йўқ.

Афиналик. Ҳеч бўлмаса, бу мақсадни топишга жонжаҳд ила интилиш зарурлигини айта оласизми ва уни нимадан излаш кераклигини кўрсата оласизми?

Клиний. Сен нимани назарда тутмоқдасан?

Афиналик. Масалан, агар, бизнинг тасдиқлашимизга кўра тўрт хил эзгу иш мавжуд бўлса, у ҳолда, уларнинг

ҳар бирини бир яхлит деб тан олмоқ керак, гарчи уларнинг ҳаммаси тўртта бўлса ҳам.

К л и н и й . Нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Аммо буларнинг ҳаммасини биргаликда яхлит битта деб ҳисоблаймиз. Зеро мардликни ҳам, оқилликни ҳам ва қолган икки хилини ҳам биз эзгу иш, деб тан оламиз, яъни, буларнинг ҳаммаси моҳият бўйича кўплик эмас, балки муайян яхлит бирликни, хусусан эзгу ишни ташкил қилади.

К л и н и й . Албатта, шундай.

А ф и н а л и к . Бу икки эзгу иш – мардлик ва оқиллик (ақллилик) ўзаро нимада фарқ қилишини, нега улар алоҳида ном олганларини ва ҳоказо, билиб олиш қийин эмас. Аммо, у ва бу ҳамда ўзга эзгу ишларга нега бир яхлит ном берганларини тушуниб етиш осон эмас.

К л и н и й . Сен нимани назарда тутмоқдасан?

А ф и н а л и к . Мен айтаётган нарсани тушунтириш ҳеч қийин эмас. Келинг, сизлар билан қуйидагича бўлинайлик: биримиз савол берамиз, бошқаларимиз жавоб берамиз.

К л и н и й . Мен яна тушунмадим, нима демоқчисан?

А ф и н а л и к . Эзгу ишнинг бирлигини тан олсақда, нега унинг икки хилини – мардлик ва оқиллик (ақллилик)ни яна айрим, алоҳида белгилаймиз, деб сўра. Мен сенга сабабини айтаман: биринчи хили кўрқинчга тегишли ва унга ҳатто ҳайвонлар ҳам таалуқли – бу мардликдир; уни болаларнинг феъл-атворларида ҳам сезса бўлади. Зеро мардлик дилга идрокнинг иштирокисиз ҳам табиий хусусият сифатида оддийгина бахш этилади. Бошқа томондан, дил – идроксиз идрокли (фаҳм-фаросатли) ва ақл соҳиби бўлмайдиган: бу бўлган эмас, йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди, чунки дилнинг хусусияти – бутунлай бошқадир.

К л и н и й . Сен тўғри айтасан.

А ф и н а л и к . Эзгу ишнинг бу икки хили нима билан фарқ қилади ва улар нега икки хиллигини, сўзларимдан тушундинг. Уларнинг бирлиги ва айнан ўхшашлиги нимадан иборат эканлигини менга кўрсатиш сендан, сенинг навбатинг. Тасаввур қил-ки, сен менга ушбу саволга жавоб беришинг керак, яъни, нега бу тўрт хил бирликни таш-

d

e

964

кил этади; сен мендан сўрагин, нега улар тўртта, сен ўзинг, бу – бир нарса, деб айтган эдинг-ку? Кейин, ниманингдир ҳақида етарли билимга эга бўлган, исми ҳамда аниқловчиси бор одамга фақат шу исми билиб, аниқловчини билмаслик мумкинми эканлигини кўриб чиқамиз. Ёки қандайдир қадрга эга бўлган одамга, ўз катта-кичиклиги, гўзаллиги билан ажралиб турган нарсалар ҳақида буларнинг ҳаммасини билмаслик уят эмасми?

б

Клиний. Менингча, уят.

Афиналик. Соҳиби қонун учун, қонунлар нигоҳбони учун, эзгу иш билан шуҳрат топишни истаган ва ундаги ғалаба учун фахрли мукофотлар оладиган ҳар қандай одамга сиз ҳозир айтаётган нарсамиздан – мардлик, мулоҳазаалик, идроклилик (оқиллик) ва адолатдан муҳимроқ ҳеч нарса йўқдир.

Клиний. Албатта.

Афиналик. Билимга ва тушунишга эҳтиёжи бор одамга бу борада, талқин қилувчилар, ўқитувчилар, соҳиби қонунлар ва барча одамларни кўриқловчилар ўғитлар беришлари керак эмасми? Кимда-ким адашаётган бўлса улар жазолашлари ва танбеҳ беришлари зарур эмасми? Ниҳоят, иллат ва эзгу иш қандай аҳамиятга эга эканликларини улар тушунтиришлари ва бу билан бошқа одамлардан ажралиб туришлари керак эмасми? Эзгу ишнинг барча хилларида ғолиб бўлган бу одамлардан, давлатга келган ҳар қандай шоир ёки ўзини ўсмирларни тарбиячиси сифатида кўрсатувчи одам яхшироқ бўлса? Сўнгра, сўзга унча қатъий чечан бўлмаган ва гарчи эзгулик ҳақида етарлича билсада ҳаракат қилишни яхши билмаган (яхши иш олиб боролмайдиган - тарж.) нигоҳбонларга эга давлат, кўриқчидан маҳрум бўлгач, ҳозирги кўп давлатлар тушган аҳволга тушиб қолса ҳайрон қоларли ери йўқдир.

с

Клиний. Албатта, бу ажабланарли бўлмайди.

д

Афиналик. Шундай қилиб, биз ҳозир айтаётганимизни амалга ошириш керакмикин? Кўп фуқароларга қараганда ҳам ўз сўзларида, ҳам амалда эзгуликни диққат билан, пухта асрашлари учун нигоҳбонларни қандай тарзда тайёрлаш керак? Бизнинг давлатимиз ўзида шундай

қўриқчиси бўла туриб қайси усул билан идрокли (оқил) одамларнинг бошига ва ҳис-туйғуларига монанд бўлади?

К л и н и й . Ажнабий (биродар), нималар деяпсан? Давлатимизни шундай нарсалар билан таққослай оламизми?

А ф и н а л и к . Шуниси аниқ-ки, давлат бир омборхонага, хирмонга ўхшайди: нигоҳбонлардан сараланган ва энг иқтидорли ёшлар унинг чўққисиди турадилар; руҳий зийраклик соҳиб бўлиб улар бутун давлатга назар соладилар; ушбу ёш нигоҳбонлар давлатда бўлаётган ишлар ҳақида катта ёшдагиларга хабар бераётганларида ўз ҳиссиётларини хотира [аъзоларига] ўтказадилар. Идрок (оқиллик) билан таққослаганимиз қариялар, асосан кўпгина аҳамиятли нарсалар ҳақида фикр юритганлари учун, ёшларнинг хизматлари ва уларнинг маслаҳатларидан фойдаланиб ўзларининг маслаҳатларини берадилар ва шундай қилиб улари ҳам, булари ҳам биргаликда бутун мамлакатни қутқарадилар. Булар худди шундай бўлиши керак, деб айтаммизми ёки бошқача бўлиши керакми? Наҳотки биз бу билимлар соҳиблари билан уларни билмайдиганлар орасида фарқ кўрмаймиз?

К л и н и й . Йўқ, сен ажойиб одамсан, бу мумкин эмас.

А ф и н а л и к . Демак, мавжуд маорифдан янада асосироқ маорифга интилиш зарур экан.

К л и н и й . Балки.

А ф и н а л и к . Биз ҳозир қисқагина айтиб ўтганимиз маориф, худди биз эҳтиёж сезаётганимиз маорифнинг ўзи эмасми?

К л и н и й . Албатта шундай.

А ф и н а л и к . Ҳар бир ишда, буюк демиург ва нигоҳбон кўп нарсани кузатиш кучига эга бўлишидан ташқари, яна қандайдир ягона мақсадга интилиши, уни билиши ва ўз нигоҳи билан қамраб олган ҳамма нарсани унга йўналтириши керак, деб айтмадикми?

К л и н и й . Бу жуда тўғри.

А ф и н а л и к . Кўпгина бир-бирига ўхшамайдиган [нарсаларни] инсон битта ғояга келтира оладиган бўлганидан ҳам аниқроқ мушоҳада, тафаккур этиш усули бормикин?

К л и н и й . Балки сен ҳақдирсан.

А ф и н а л и к . Балки эмас, дарҳақиқат ҳақман, дўстим: одамлардан ҳеч ким бундан аниқроқ, равшанроқ усулга эга эмасдир.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), сенга ишонч билдираман ва тан бераман. Суҳбатимизни шу йўналишда давом эттирайлик.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, ҳар қалай, илоҳий давлатимизнинг нигоҳбонларини аввало тўрт қисмдан иборат бўлган ўша нарса аслида бирлик ва айнан ўхшашликни ташкил этишини синчковлик, диққат билан фарқлай олишга мажбур этишимиз зарур; айтиб ўтганимиздек у ўзига мардлик, мулоҳазалилик, адолат ва идроклилик (оқиллик)ни қамраб олган ва адолатли равишда битта эзгу иш номини олган. Агар хоҳласангиз дўстларим, ана шу ҳолатга эътибор берамиз ва интилиш лозим бўлган мақсад ўзи нима эканлигини етарли даражада тушунтирмагунимизча уни кўриб чиқишдан қолдирмаймиз: бу нимадир нарса (бу ерда гап интилиш лозим бўлган мақсад ҳақида кетмоқда - тарж.) ўзи биттами ёки [кўп нарсанинг] йиғиндисими ёки бир пайтнинг ўзида ҳам униси, ҳам бунисими – бир сўз билан айтганда ўз табиатига кўра бу нарса ўзи нима? Агар бу нарса назаримиздан четда қолса, эзгу иш (яхшилик) ҳақидаги масала қониқарли даражада ҳал этиладими? Зеро биз (у ҳолда), эзгу иш кўп миқдорлими, унинг тўрт хили мавжудми ёки у бир яхлитликми аниқлай олмаймиз. Агар биз ўзимиз берган маслаҳатга қулоқ солсак, бу билимларни ўз давлатимизда жорий этишга барча воситалар билан ҳаракат қиламиз; агар сиз буни (кўриб чиқишни) қолдириш керак, десангиз, у ҳолда шундай қилиш керак бўлади.

К л и н и й . Ажнабий (биродар), ажнабийлар ҳомийси худо номи билан қасам ичаманки, буни асло қолдириб бўлмайди! Бизнинг фикримизча, сен ҳақ гап айтдинг. Аммо буни амалга ошириш учун воситани қандай топамиз?

А ф и н а л и к . Ҳозирча воситалар ҳақида сўз юритмаймиз. Аввало биз, умуман шундай қилиш кераклиги ёки керак эмаслиги ҳақида бир фикрга келиб қарор қабул қилишимиз керак.

К л и н и й . Агар бунга имконият бўлса, албатта керак.

А ф и н а л и к . Кейинчи? Зеболик ва эзгулик ҳақида ҳам худди шундай фикр юритамизми? Нигоҳбонлар, уларнинг ҳар қайсиси кўп миқдорли, деб ўргатилишлари керакми ёки улар бунинг ҳар қайсисини бир яхлит, деб ҳисоблашлари керакми? Умуман бу ўзи қандай нарса?

К л и н и й . Айтиш керакки, буларнинг ҳаммасини бир яхлит, деб ҳисоблаш табиий ва зарурийдир.

А ф и н а л и к . Хўш, нима бўлибди? Шундай фикрлашнинг ўзи етарлими ёки мулоҳаза ёрдамида уни исбот қила билиш ҳам керакми? b

К л и н и й . Албатта исбот қилиш зарур. Бошқачаси фақат қулга муносиб бўларди.

А ф и н а л и к . Яна. Эътиборга лойиқ ҳар қандай нарса ҳақида шунинг ўзини айтган бўлмасмидик? Кимда-ким қонунларнинг ҳақиқий нигоҳбони бўлишни истаса, улар ҳақидаги ҳақиқатни билиши ва уни сўз билан изҳор эта оладиган ва нима ўз табиатига қўра зебо ҳамда нима ғайритабиийлигини фарқ этиб, мувофиқ ишлар билан қувватлай оладиган бўлиши керакдир.

К л и н и й . Бошқача бўлиши мумкинми?

А ф и н а л и к . Энг гўзал, зебо нарсалардан бири – бу, биз кунт билан таҳлил этганимиз худолар ҳақидаги [тушунча] яъни, улар мавжуд эканликлари ҳақидаги тушунча ва инсон учун қанчалик мумкин бўлса шунча бундай билимнинг бутук кучига эга бўлиш эмасмикин. Агар қонун сўзига риоя қиладиган бўлсалар, кўпчилик фуқароларни кечирса бўлади. Аммо, кимлардир нигоҳбон бўлишга тайёргарлик кўраётган бўлсалар, худонинг мавжудлиги (борлиги)га ишончларини яхшилаб мустаҳкамламагунларигача уларга бу мансабни ишониб бўлмайди. Ҳеч қачон, қонунлар нигоҳбонлари ва ўз эзгу иши билан синалган фуқаролар қаторига илоҳий бўлмаган ва бу жабҳада меҳнат қилмаган одамни сайлаш керак эмас. c

К л и н и й . Сенинг талабинг – билим олишга иқтидорлари йўқ ва ғайратсиз, танбал одамларни зебо-гўзалликдан узиб, ажратиш адолатлидир. d

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, худолар борасида иккита ишонарли далил бор, биз уларни муҳокама этиб бўлдик.

К л и н и й . Қандай далиллар?

А ф и н а л и к . Бири, биз кўрсатиб ўтганимиздек, дилга тааллуқли ва ҳаракатлари бир бора пайдо бўлиб мангу моҳиятни яратган нарсалардан у (яъни дил, - тарж.) илоҳийроқ ва (ёши) каттароқ эканлигини маълум қилади. Бошқа далил умумий ҳаракатга тааллуқлидир: унда мавзун тартиб кузатилади, негаки ёритқичлар ва бошқа жисмлар устидан ҳамма нарсани тартибга солувчи ақл ҳукмронлик қилади. Буларнинг ҳаммасини жоҳилнинг кўзи билан эмас, яхшилаб, асосли кўргач, кўпчилик одамлар таассуротларига қарама-қарши таассурот олмайдиган бунчалик худосиз одам йўқдир. Зеро улар ўйлайдиларки, гўёки, кимдаким юлдузлар ҳақидаги фан билан ва унга туташ зарурий фанлар билан шуғулланса, худосиз бўлиб қоладилар, чунки, барча рўй бераётган нарсалар, эзгулик, яхши фазилатни амалга оширишга йўналтирилган идрокли (оқил) ирода билан эмас балки, зарурат орқали амалга оширилади.

К л и н и й . Аслида эса бу қандай рўй беради?

А ф и н а л и к . Мен олдин айтган эдим-ки, бизнинг давримизда буларни тушуниш, донишмандлар буларнинг ҳаммасини жонсиз, деб ҳисоблаган пайтларидаги тушунишга бутунлай қарама-қаршидир. Айтиш керак-ки, бу билан синчков, қунт қилиб шуғулланган одамлар томонидан энди ҳақиқатан аниқланган нарсага ўша пайтларда ҳам ҳайрон бўлганлар ва унинг шундайлигини тахмин, гумон қилганлар; зеро ўша пайтларда, ақли бўлмаган [жисмларнинг] жонсизликлари билан барча ҳисоблар бунчалик ҳайратланарли даражада бажарилишлари мумкин эмас эди, деб тахмин қилганлар. Ўша пайтлардаёқ баъзилар, осмонда бор нарсаларнинг ҳаммасини мавзун тартибга ақл келтирган, деган қалтис ҳолатни билдиришга жасорат қилганлар. Аммо ўша одамларнинг ўзлари дилнинг табиатини ва дилнинг жисмдан каттароқ ёшда эканлигини тушунишда хатога йўл қўйдилар. Улар аксинча, дилни ёшроқ ҳисоблаб яна ҳаммасини тескари томонга буриб юбордилар, айниқса ўз-ўзларини. Уларнинг кўзлари ўнгида осмонда ўтиб бораётган барча нарсалар, уларга, коинотнинг бирламчи ибтидоси бўлиниб (пайдо бўлган) тошлар, тупроқ ва кўпгина бошқа жонсиз жис-

мларга тўла бўлиб кўринди. Худди шу, ўша пайтларда худосизликни ва бунга ўхшаш машғулотлардан жирканишни келтириб чиқарди. Бунга яна ҳақоратлар қўшилди: шоирлар файласуфларни беҳуда акиловчи итлар билан таққослаб ва бошқа бемаъни гапларни таъкидлай бошладилар. Энди эса, айтиб ўтилганидек, ҳамма нарса аксинчадир.

К л и н и й . Яъни қандай?

Тунги йиғин
давлатда
қонлот
қонунларини
жорий этади

А ф и н а л и к . Бандалардан ҳеч ким, агар ҳозиргина айтиб ўтилган икки ҳолатни ўзлаштириб олмаса, тақводорликда қатъий туролмади: биринчидан, туғилиш тақдирига эга бўлган барча нарсадан дил (нафс, руҳ, жон) каттароқ ёшда-

дир, у боқий ва барча жисмларни бошқаради; иккинчидан, биз бир неча бор айтиб ўтганимиздек, юлдуз жисмлардаги ақл – барча мавжуд нарсанинг [подшоҳидир]. Ушбу дастлабки билимларни ўзлаштириб олиш керак, токи уларнинг мусиқий санъатлар билан умумийлигини билиш ва қонунларга мувофиқ равишда ахлоқий баркамоллик учун фойдаланиш ва токи ҳамма идрокли (оқил) нарсада ўзига оқил ҳисобот бера оладиган бўлиш мумкин бўлсин. Фуқаролик эзгу ишларига қўшимча равишда бу билимларни олишга иқтидори етишмайдиган одам қачондир бутун давлатнинг маъқул ҳукмдори бўлиши даргумон: у, бошқа ҳукмдорларга хизматкор бўлади, холос. Энди, Клиний ва Мегилл, аввал биз кўрсатиб ўтган ва муҳокама қилганимиз барча қонунларга яна қуйидаги қонунни ҳам қўшиш керакми ё йўқми ўйлаб кўриш зарур: қонунга мувофиқ равишда давлатни қутқариш учун кўриқлаш [идорасини] – кўрсатиб ўтилган маориф (билимлар) билан шуғулланган мансабдор шахсларнинг Тунги йиғини (мажлисини) ташкил этиш керак. Шундай қиламизми?

К л и н и й . Агар қанчадир имконият бўлса, дўстим нега қўшмаслик керак.

А ф и н а л и к . Шундай қилиб, биз ҳаммамиз шунинг учун курашамиз. Бу ишда мен ҳам сизларга ёрдамчи бўламан. Бу ишдаги катта тажрибам ва уни қунт билан текширганим туфайли, балки мен ўзимдан ташқари бошқа ёрдам-

d

e

968

b

с чилар ҳам топарман.

К л и н и й . Ҳа. ажнабий (биродар), модомики худонинг ўзи шу йўлга бошлаган экан ҳар нима қилиб бўлса ҳам шу йўлдан юришга ҳаракат қилиш даркор. Энди бу ерда қилинадиган ишлар қандай олиб борилса тўғри бўлишини кўрсатиш ва текшириш зарур.

А ф и н а л и к . Нарсалар учун, Мегилл ва Клиний, буларнинг ҳаммаси ташкил этилмагунича қонунлар ўрнатиш мумкин эмас. Фақат кейингина йиғин (мажлис) аъзоларининг ваколатларини қонун билан белгилаш мумкин. Агар ишга жиддий киришиладиган бўлса, ҳатто дастлабки ўғитлар ҳам батафсил суҳбатлар билан боғлиқдир.

д К л и н и й . Буни қандай тушуниш керак?

А ф и н а л и к . Аввало, бундай кўриқлаш хизмати учун ўз ёши, билимларининг кучи, ахлоқий фазилатлари ва одатлари бўйича яроқли шахсларнинг рўйхатини тузиш керак. Бундан кейин, хусусан нимани ўрганиш кераклигини топишдек қийин масала бор; буни топган одамга шогирд бўлиш ҳам осон эмас. Бунинг устига яна ўзлаштиришга мўлжалланган маълум бир муддат бор. Буларнинг ҳаммасини ёзма равишда белгилаш беҳудадир. Зеро, ушбу мавзу бўйича ҳар бир ўқувчи қалби билан чуқур билимлар олмагунича ҳатто ўрганувчиларнинг ўзлари учун ҳам ўрганишга маъқул вақт ноаниқ бўлиб қолади. Барча кўнгилга хуш келадиган билимларга етишиб бўлмайди, дейиладиган бўлса, бу нотўғри бўлар эди, чунки, дастлабки тушунтиришларни дебоча қилиб бўлмаслиги маъносидан уларга етишиб бўлмайди.

К л и н и й . Модомики шундай экан, ажнабий (биродар) биз нима қилишимиз керак?

А ф и н а л и к . Дўстларим, мақолга кўра ҳақиқат ўртададир. Агар биз бутун давлат тузуми билан таваккал қилишни хоҳласак, у ҳолда биз ўйинчилар айтадиганларидек иш тутишимиз: ё уч марта олтини ташлаш ёхуд учта оддий ўйин суягини ташлаш керак бўларди. Сиз билан биргаликда журъат қилиб, мен ушбу суҳбатда кўтаришган ўзимнинг маориф ва тарбия борасидаги фикрларимни тушунтираман ва шарҳлаб бераман. Ҳа, бу ерда катта журъат керак ва ким учундир қўлидан келмайдиган иш-

дир. Аммо Клиний, сенга иш бошлашни маслаҳат бераман. Зеро сен ё магнетлар давлатига (у шундай номланади ёки худо иродаси билан бошқа бир ном олади) тўғри тартибот берилгани учун буюк шухрат қозонасан ёки кейинги барча одамларга, албатта беқийёс мард одам бўлиб кўринасан. Азиз дўстларим, агар бу илоҳий йиғин (мажлис) бизда барпо этилса, у ҳолда унга давлатни топшириш керак бўлади. Бу ҳақда ҳозирги соҳиби қонунлар ўртасида баҳс йўқ. Дарҳақиқат, биз ўтган суҳбатда бош ва ақл тимсолини биргаликда кўшиб, гўё тушда кўргандай айтиб ўтганимиз нарса, дарҳақиқат фақат шундагина рўёбга чиқади, деб айтса бўлади. Бу йиғин аъзолари ҳам бир-бирлари билан яхшилаб аралашсинлар ва маъқул тарзда тарбиялансинлар. Улар бундай тарбия олиб, бутун мамлакат устида юксалиб турувчи акрополда турадилар ва биз олдинги ҳаётда кўрмаган, эзгу ишни қўриқлаш бўйича баркамол нигоҳбонлар бўладилар.

Мегилл. Дўстим Клиний, ҳозиргина айтилганларни эътиборга олиб, биз ё давлат қуриш ҳақидаги фикрдан воз кечишимиз ёхуд бу ажнабийни қўйиб юбормай, балки турлича илтимослар ва воситалар билан бу қурилишда иштирок этишга уни мажбур этишимиз зарурдир.

Клиний. Сен мутлақо ҳақ гапни айтдинг, Мегилл: мен худди шундай қиламан, сен эса ёрдам бер.



Афлотун ва унинг “Қонунлар” асари ҳақида қисқа маълумот

Афлотун (Платон) милоддан аввалги 427-347 йилларда яшаган, деб тахмин қилинади. Афлотун ота томонидан охириги Аттик подшоҳ Кодрнинг авлодидан бўлган. Она тарафидан эса Афлотун афиналик машҳур қонуншунос (қонун чиқарувчи) Солоннинг акасининг авлодидир.

Афлотуннинг асли исми Аристокл бўлиб, Платон унга Суқрот томонидан берилган лақаб экан. Юнон тилида “платос” кенглик (кенг) маъносини англатиб, бу ном унинг кенг кўкраклик, кенг елкали паҳлавонлигига ишора. Афлотун ўз давригача ва ўз давридаги мавжуд барча фалсафий оқимларнинг роля ва мавзуларини жуда яхши ўрганган. Даврининг энг машҳур файласуфлари билан ёшлигидан мулоқотда бўлган ва улардан таълим олган.

Афлотун милоддан аввалги 407 йилда Суқрот билан учрашганида ўша давр тамаддунини, илми ва маданиятини пухта ўзлаштирган иқтидорли, 20 ёшлардаги йигит эди. У шоир, машшоқ, мусаввир, драматург, гимнаст, чаваңдоз ва полвон эди, ҳатто Истмия мусобақаларида кураш бўйича ғолиб бўлган.

У Гераклид, Парменид, Демокрит ва бошқа файласуфларнинг асарларини ўқиб ўрганади. Тахмин қилинишича, Суқрот билан учрашганидан сўнг Афлотунда беқиёс ўзгариш юз берган, ҳатто у ўз шеърларини ёқиб юборган (лекин баъзи шеърлари, хайрият, сақланиб қолган экан). Бу учрашувдан кейин унинг ҳаётида янги, ажойиб бир давр бошланди. Афлотун саккиз йил мобайнида (то Суқротнинг қатл этилишигача) устози Суқрот суҳбатларидан баҳраманд бўлди. Афлотуннинг деярли барча асарларидаги суҳбатларда (“Қонунлар”дан ташқари) Суқрот қатнашади.

Милоддан аввалги 380 йилларда Афлотун, бир ривоятга кўра, Афина яқинидаги Академия номи бир боғни сотиб олади (Бу ном шу ерли қаҳрамон Академ шарафига берилган экан) ва бу боғда ўзининг фалсафий мактабини ташкил этади. Академия Афинада деярли 1000 йил фаолият кўрсатади. Бу мактабда ўқиган энг машҳур аллома Аристотел (Арасту) бўлган...

Афлотуннинг фалсафий асарлари қаторида “Давлат” ва “Қонунлар” бор. “Давлат” аввал ёзилган, “Қонунлар” кейин. Афлотун тагин бир шундай мавзудаги учинчи асар ёзиб янада мукаммал давлат қурилишини тасвирламоқчи бўлган, лекин охи-

рига етказа олмаган. “Қонунлар”ни Афлотун умрининг охирида 7 йил давомида ёзган ва уни тугаллашга улгурмаган.

Асар афиналик, спарталиқ ва критлик уч қариянинг бир шаҳардан бошқа жойга кетаётганларидаги суҳбатлари тарзида ёзилган. Сайр ва суҳбат давомида бу уч донишманд қария хаёлий бир давлат тузадилар ва унинг қонунларини белгилайдилар. Асар ўн иккита китобдан иборат бўлиб, биринчи учта китоб гўёки кириш сўзи, дебоча сифатида, тўққизта китобда эса қонунларга бўлган талаблар, қонунларнинг умумий чизгилари ва тафсилоти ёритилади.

Албатта, бу китобдаги баъзи фикрларга қўшилиб бўлмайди, лекин асардаги умуминсоний қадриятлар, таълим, тарбия, ахлоқ, адолат, эзгулик, мардлик, жасорат, саховат, дил, ақл – идрок бир сўз билан айтганда баркамол инсонни тарбиялаш ҳақида фикрлар, мулоҳазалар борки, улар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зукко ўқувчи буни тезда англаб олади.

Афлотуннинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган, уларга шарҳлар ёзилган, асрлар давомида Фарб ва Шарқда маълум ва машҳур бўлган. “Давлат” асарига Ибн Рушд-Аверроэс (1128-1198), “Қонунлар”га муаллими соний Абу Наср Форобий томонидан шарҳлар ёзилган. Форобийнинг бу асари “Талхису навомиси Афлотун” (“Афлотун қонунлари моҳияти” - таржимон Урфон Отажон), деб аталади; бу асарнинг ўзбек тилига таржимаси Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан 1993 йили “Фозил одамлар шаҳри” китобида нашр этилган. Форобий “Қонунлар”нинг мураккаб усулда ёзилганлигини ва унинг сабабини тушунтириб, асар муқаддимасида бундай ёзади: “Бу унинг “Қонунлар” идаги усулдир. Биз, бу китобни тушунмоқчи бўлган ва ўрганишга қийналган одамларга фойдали бўлиши учун унинг ушбу асарида уқдирилган асосий маънони таъкидлаб кўрсатишга аҳд қилдик”.

“Қонунлар”нинг ушбу таржимасидаги сарлавҳачалар асл матнда йўқ, бу сарлавҳачалар рус тилидаги таржимада берилган ва улар шартлидир. 1578 йили Парижда Афлотун асарлари нашр этилган бўлиб, шу нашрнинг латин алифбосидаги бешта ҳарф ҳошиясига ёзилган саҳифалари халқаро анъаналарга кўра то шу кунгача барча нашрларда кўрсатилади. Ноширлар ва таржимон ҳам шу анъанага риоя қилганлар. Афлотундан бирор фикр келтирилмаган бўлса ҳам албатта ана шу ҳошиядаги саҳифа белгилари кўрсатилади.

Ушбу таржима 1972 йили рус тилида нашр этилган Афлотун асарларининг 3-томи асосида амалга оширилди ва шу нашрдаги изоҳлар ва шарҳлардан фойдаланилди.

ИЗОҲЛАР

Азораномлар – шаҳар бозорларидаги тартибни назорат қилувчи мансабдор шахслар.

Агрономлар – қишлоқ хўжалиги ва ер ишлари бўйича мансабдор шахслар.

Аид – қадимги юнон ривоятларига кўра – ер ости дунёси маъбудаси (худоси); марҳумларнинг «соялар подшоҳлиги» ҳукмдори, яна соялар подшоҳлигининг номи. Ажал маъбуди, ажал.

Акропол – шаҳар қалъаси, шаҳардаги энг баланд жойга қурилган қалъа.

Амик – Посейдоннинг ўғли; Бебриклар мамлакати подшоҳи (VII к.).

Аминтор – Фессалия (Ормения) шаҳрининг подшоҳи, Феникснинг отаси (XI к.).

Амфион – Фивалик қаҳрамон; у лира чалганида тошлар сурилиб мусиқа таъсирида ўз-ўзидан шаҳар девори бўлиб, терилиб қолар экан (III к.).

Антей – Посейдон ва Геянинг ўғли; токи ерга тегиб турганида ҳеч мағлубиятга учрамаган. Геракл уни ердан узиб, бўғиб ўлдирган. Гераклнинг бу ғалабаси унинг Фивадаги ҳарамиди тасвирланган.

Аполлон Делфалик – Аполлонни Пэан дейилган. Қуёш маъбуди, санъатлар ҳомийси (II к.).

Арес – Уруш маъбуди, ўлим келтирувчи найзага ўхшатганлар (II ва XI к.лар).

Арктур – Шимолий яримшардаги энг ёрқин юлдуз (VIII к.).

Артемисий – Эвбеянинг шимолидаги бурун (IV к.).

Астил – Критонлик тез югурувчи, 73-олимпия ўйинлари голиби.

Астиномлар – шаҳар кўчаларида тартибни кузатувчи

мансабдор шахслар.

Афина – Эргана, Зевснинг қизи. Ҳикмат (донишмандлик) ва ҳарбий иш маъбудаси (XI к.).

Афиналик – унинг шаҳрига (Афинага) ҳикмат маъбудаси Афина ҳомий бўлгани учун, унинг ўзи (Афиналик) ҳам ҳикматга тааллуқлидир (I к.).

Афон – Халкидик ярим оролидаги тоғ; бу ярим орол қитъа билан баландлиги 5 м ва кенглиги 3 минг қадам бўлган бўйин билан туташган.

Афродита – Муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси (VIII к.).

Ахейлилар – Трояни вайрон қилган юнон қабиласи.

Беотий – Қадимги Юнон давлатларидан бири.

Бриарей – юзта кўли бўлган баҳайбат мавжудот, Ер – Геянинг ўғли.

Вакх – ёки Дионис, шароб(май) ва қувонч маъбуди.

«**Ворис қизлар**» – ака-укалари йўқ, бутунлай етимлар.

Ганимед – Троялик ўспирин; гўзаллиги учун уни Зевс ўғирлаган.

Гектор – Приам ва Гекубанинг катта (тўнғич) ўғиллари; «Иллиада»да Троялик асосий қаҳрамон (XI к.).

Гелиос – Юнон ривоятларига кўра, Қуёш маъбуди (худоси), титан Гиперионнинг ўғли (XII к.).

Гелеспонт – Қадимий юнонлар Дарданелл бўғозини шундай аташган.

Гений – Рим ривоятларига кўра уруғ асосчиси; энг улуғ аجدод - маъбуд; кейинчалик эркаклик кучи маъбуди.

Яхши ва ёмон генийлар бор, дейилади. Генийлар қуйи (паст даражадаги) маъбудлар ёки руҳлар ҳисобланганлар. Генийларни демонлар ҳам дейилган.

Гераклидлар – Геракл ва унинг ўғли Гиллининг сулоласи, улар Пелопоннесни ўзларига мерос қолган, деб ҳисоблайдилар.

Герион – Эрифия оролидан, ривоятга кўра учта бир-бири билан қўшилиб кетган баданли бўлган.

Гесиод – Қадимги юнон шоири. Мл.аввалги VIII-VII асрлар.

Гестия – Оила, уй ўчоғи маъбудаси; Рея ва Кроноснинг катта қизи.

Геосфор – Тонгги юлдуз; Геспер – кечки юлдуз. Буларнинг иккиси ҳам Зухра (Венера) сайёраси ёки юнонча фосфор – «нур келтирувчи». Зухра шарқ томон узоқлашса, қуёш ботгач ёрқин кечки юлдуздай, ғарбга узоқлашса, эрта тонгда ёрқин тонг юлдузи бўлиб кўринади. Бу Пифагорга ҳам маълум бўлган.

Гефест – ҳунармандлар, айниқса, темирчилар ҳомийси; олов ва темирчилик маъбудди (XII к.).

Гимн – қайси бир маъбудга қаратилишидан қатъий назар, мадҳия қўшиғи.

Гимнасия – ёшлар жисмоний машқ қиладиган жой (I к.).

Гимнопедия – мл.аввалги VII асрда Спартада жорий этилган байрам, бу байрамда ёшларнинг гимнастикадан мусобақалари уюштирилган.

Гиппарх – отлик аскарлар сафи бошлиғи. Бир филага тегишли қисм «фила» ёки «таксис» («саф») дейилган ва унинг бошлиғини филархлар ва таксиархлар, дейилган.

Гоплитлар – оғир қуролланган пиёда аскарлар.

Датис – Доро I нинг саркардаси.

Дедал – қадимий юнон ривоятларига кўра, моҳир уста, меъмор ва ҳайкалтарош; Крит ороли подшоҳи Минос учун машҳур лабиринт қурган.

Делфа – Аполлоннинг машҳур ҳарамиди (ибодатхона).

Деметра – ҳосилдорлик маъбудаси. Кора эса Деметранинг қизи. Деметра туҳфаси – буғдой ва ғалла.

Демидур – дунёни яратувчи сифатида худованд ижодкор; олий мансабдор.

Демлар – бир неча қишлоқлар;

Демонлар – Юнон ривоятларига кўра, қандайдир ноаниқ ва шакланмаган илоҳий куч ҳақидаги тасаввур, бу куч инсон тақдирини белгилар эмиш; Демонлар яхши ва ёмон таъсир кучига эга. Демонлар иккинчи даражали маъбудалар ҳисобланадилар.

Дика – Нозир ҳақиқат – адолат маъбудаси.

Диоскурлар – ака-ука Кастор ва Полидевклар, (Зевс ва Леданинг ўғиллари, Еленанинг акалари). Кастор – отларни тийиб олувчи (минишга ўргатувчи), Полидевк – муштлашувчи жангчи сифатида машҳур бўлишган (VII к.).

Диопомп – машҳур тез югурувчи (VIII к.).

Додона – Эпирдаги Зевс ҳарамиди (ибодатхонаси)

Докимасия – Ҳукуматда мансаб талабгор одамларнинг ёки фуқаролик рўйхатига киритиладиган ёшларнинг ҳуқуқларини текшириш.

Дориклар – бир маълумот бўйича Эллин ўғли Дора авлодлари; бошқаси бўйича Неоптолем ва Клеодейнинг қизи Леонас-саларнинг ўғли Дорией авлодлари.

Дорий пардалар – босиқ ва ўта жиддий пардалар (II к.).

Доро I – Кир авлодидан Гистаспнинг ўғли, Камбиснинг ўлими ва Сохта-Смердиснинг қатл этилишидан кейин тахтга ўтирган. Доро, Сохта-Смердисни бартараф этиш учун олгита машҳур форслар билан пинҳоний фитна уюштирган, унинг ўзи эса уларнинг еттинчиси бўлган.

Драхма – пул бирлиги; Оғирлик ўлчови (Қадимда доришуносликда фойдаланилган) – 3,732 г.

Зевс ҳарами – Ид тоғи ёнбағридаги Зевс ҳарами (ибодатхонаси) назарда тутилган. Ривоятлардан бирига кўра Зевс шу ерда туғилган ва онаси Рея томонидан тарбияланган.

Евфинлар – Афинадаги 10 мансабдор шахс; улар давлатдаги пул ҳисобларини текширганлар (XII к.).

Ид – тоғнинг номи, Зевс шу тоғ ёнбағрида туғилган.

Илифия – Зевс ва Гера (Ҳера)нинг қизи; ҳомиладор аёллар ҳомийси. Илифия ҳомиладор аёлларга оғриқлар юборади ва лекин дардлардан халос қилади ҳам (VI к.).

Илотия, илотлар – Спартанинг ҳур фуқаролари ҳуқуқларига эга бўлмаган аҳолиси, улар, қачонлардир мағлуб бўлган қабиладан бўлганлар.

Ионийлар – Атикада яшаган қадимги юнон қабиласи. Бу қабила гўёки Афина маликаси Креуса ва Хсуфларнинг ўғли (Хсуфнинг отаси Эллин бўлган) Ион номи билан боғлиқ.

Исида – Миср маъбудаси, юнонлар уни Афинага ўхшатишади. Қадимги Миср ривоятларига кўра Исида – осмон, ер ва «ер ости олами» маъбудаси.

Кадм – Фив шаҳрига асос солган. Шу шаҳар қамалидаги жангда етгита раҳнамо сардорлар ўз аскарлари билан ўлганлар. Кадм ўлдирган аждаҳо тишлари сепилиб спарталар (сепилганлар) пайдо бўлганлар.

Камбис – подшоҳ Кирнинг ўғли, мл.аввалги 529 йили тахтга ўтирган, ўз биродари Смердисни ва синглисини ўлдирган ва ўзи тасодифан қилич тегиб ўлган.

Карийлар йигиси – Икки хил тушунтириш мавжуд: бйри бўйича йиғловчилар карийлик бўлганлар, бошқасига кўра дафн қўшиғи нотекис варварлар, карийларнинг қўшиғига ўхшаган (VII к.).

Карфаген давлат тартиботи – юнонларда жуда юқори баҳоланган. Арасту (Аристотел) масалан, бу тартиботни «Гўзал давлат тартиботи», деб атаган экан (II к.).

Катта Кир – форс подшоҳи, форс Камбис ва Мидия подшоҳи Астиагнинг қизи Манданаларнинг ўғли.

Кеослилар – ўзларининг яхши ахлоқ, одоблари билан машҳур бўлган эканлар.

Керкион – Посейдоннинг ўғли.

Кипр – Кипр ва Ассириянинг афсонавий подшоҳи (II к.).

Кипр сирли ибодат маросими – Афродитага бағишланган бўлган.

Кнос – Критдаги шаҳар. Афиналик, Клиний (критлик) ва Мегилл (спарталиқ) Кнос шаҳридан Иладаги Зевс ҳарами томон иссиқ кунда йўлга чиқиб шу суҳбатни қиладилар. Бу суҳбат ёзги қуёш туриши куни бўлган.

Ком – қишлоқ.

Корибантлар – Маъбуда Кибелага ибодат қилувчи фригиялик қоҳинлар; улар ибодатларида қўшиқ айтиб, рақс ҳам тушар эканлар.

Кратер – Майни сув билан аралаштириладиган идиш.

Крисон – Сицилиялик тез югурувчи, у мл.аввалги 448, 444 ва 440 йилларда уч марта ғолиб бўлган.

Криттия – Спартанинг қуллари бўлган илотларни тунда ўлдириш шундай номланган.

Крит – Ўрта ер денгизидаги орол. «Қонунлар»даги суҳбат шу ерда ўтади. Фессалиядан фарқли равишда тоғли ўлка. Ғарбда Оқ тоғлар, шимолда – Берекинф, шарқда – Дикта; орол марказида – Ида тоғлари. Шунинг учун Крит от спорти учун ноқулай жой.

Кронос – Кронос подшоҳлигида доимо боқийлик ҳукм суради, дейилар экан. Кронос Хушбахтлик оролларида жойлашган, деб фикр қилинади.

Ксеркс – Доро ва Кирнинг қизи Атоссанинг ўғли, мл.аввалги 485 йили тахтга ўтирган.

Куретлар – крит «демон»лари; қоҳинлар (VII к.).

Лай – Фива подшоҳи; Эдипнинг отаси (VIII к.).

Ликург – Спартанинг афсонавий қонун чиқарувчиси.

Ликург қонунчиликда Делфалик Аполлон иродасига риоя қилган, дейилади.

Лири – қадимий юнон торли мусиқа асбоби. Илҳом тимсоли.

Макарей – Юнон ривоятлари бўйича: 1. Гелиос ва Роданинг ўғли. 2. Эолнинг ўғли, Канаканинг биродари (VIII к.).

Мелий – кўшиқ.

Мессения – Пелопоннеснинг энг жанубий - ғарбий қисми, бир неча урушлар натижасида Спарта босиб олган.

Метек – Афинада узоқ йиллар яшаган, аммо ҳуқуқи чекланган

ажнабий (ўзга юртлик одам). Масалан, улар хусусий ер эгаси бўлмаганлар, лекин ҳарбий хизматни ўтаганлар (IX к.).

Мидас – Фригия подшоҳи.

Милет – Иониядаги қадимий шаҳар.

Мина – пул ва оғирлик ўлчови. Юнонистонда аттик мина 436,6г (оғирлик ўлчовида) ва 100 драхм (пул)га тенг бўлган.

Минос – Зевс ва Европанинг ўғли, Крит подшоҳи; Минос афиналикларга юриш қилиб уларни ҳар етти ўсмир ва етти қиз тортиқ қилишга мажбур этган экан. Минос ўз қонунчилигини Зевсдан ўзлаштирган, дейилади.

Мойр – тақдир; қадимий юнон афсоналарида тақдирнинг уч худованд аёллари, опа-сингиллар: Клото, Лахесис ва Атропос (VII к.).

Музалар – Илм-фан ва санъатлар ҳомийлари, маъбудалар: Уракия – астрономия. Каллиопа – эпос ва нотифлик, Клио – тарих, Мелпомена – фожеа, Полигимния – лирик шеърят, Талия – комедия, Эрато – шеърят, Терпсихора – рақслар ва хор қўшиқчилиги, Эвтерпа – мусиқа ҳомийси; илҳом.

Муқаддас касаллик – тутқаноқ, қуёнчиқ касаллиги, эпилепсия.

Немесид (*Немезида*) – қасос, ўч маъбудаси; жиноятлар учун Немесид жазо берган; жазо, қасос, ўч (VI к.).

Нестор – Нелейнинг ўғли, Пилоснинг подшоҳи. Трояга юриш қилган (IV к.).

Номлар – мусиқадаги қонунлар, аниқ белгилаб қўйилган пардалар ёки гармония.

Номос (nomos) – Қонун (III к.). Ноус (nous) – ақл (XIIк.).

Обол – Юнонистондаги майда кумуш танга; драхмнинг 1/6 қисмига тенг; ҳамда оғирлик ўлчови 0,73 г. тенг.

Олимп – Юнонистондаги 10г номи (ҳозир у Лахо) дейилади; қадимий юнонларнинг диний тасаввурларига кўра Олимп худолар яшайдиган жой бўлган.

Олимпия – Алфей дарёси воҳаси, Юнонистоннинг шимоли - ғарбида; бу ерда дарахтзор бўлиб, у Зевсга аталган. Шу дарахтзорда Зевс ҳарами ва Фидий ишлаган ҳайкал, яна стадион бўлган. Шу стадионда Олимпия ўйинлари ўтказилган ва қачонлардир ҳатто Аполлоннинг ўзи ғолиб бўлган (XII к.).

«Оловга мушт кўтариш» – Юнонча матнда айнан «оловни муштлаш» экан. Бу иборани бефойда иш, бефойда сўзлаш ва дард чеккиш ҳақидаги мақол сифатида тушуниш керак, дейилади (VII к.).

Орфей – қадимий юнон ривоятларига кўра ўз қўшиғи билан

дарахтлар ва қояларни ҳаракатга келтирадиган, ҳатто ваҳший ҳайвонларни ром этадиган қўшиқчи (II к.).

Панкратий (я) – муштлашиш жанги билан ўтадиган кураш.

Патрокл – аргонавт Менетиянинг ўғли; Троя урушида Ахиллнинг сафдоши (XI к.).

Пелей – Эакнинг ўғли, Ахиллнинг отаси (XI к.).

Пелопидлар – подшоҳ Пелопнинг авлодлари – Агамемнон ва Менелий. Улар Трояни қамал қилган саркардалар ахейлилар қўшинларига қўмондонлик қилишган. Уларни одатда Атридлар (Атрей номи билан боғлиқ) деб аташади.

Перун – Қадимги славян ривояти бўйича момақалди роқ ва чақмоқ маъбуди.

Пиндар – Қадимги юнон шоири (мл. аввалги. 518-442 ёки 438 й.) Тантанали маросим қўшиқлари муаллифи.

«**Пирриха**» – ҳарбий рақс (VII к.).

Пифия – Аполлоннинг Делфа ҳарамидаги кароматгўй (XII к.)

Плектр – фил суяги, темир ёки ёғоч таёқча; Кифара ёки лира торларини шу таёқча билан чертилган (урилган). Ҳозирги плектр ўзгачароқ.

Плутон – унинг ўзи Аид ҳам. Қадимги юнон ривоятларига кўра ер ости бойликлари маъбуди.

Пританлар – Афина кенгашининг 50 аъзоси. Улар йилнинг 1/10 қисмида, 35-36 кундан чек ташлаш йўли билан ишларга раҳбар бўлишган.

Прокл ва Еврисфен – Аристоклнинг ўғиллари.

Пэан – Аполлон шарафига мадҳия (гимн).

Радамант – боқий дунёдаги ҳакам (судя); Миноснинг биродари (XII к.).

Равсод – халқ оғзаки ижодидан дostonларни куйловчи, ўқувчи, ривоятчи; сайёр қўшиқчи.

Савроматидлар – ривоят бўйича, амазонкаларнинг скифлар билан никоҳи (турмуш қуришлари)дан саврома тидлар қабиласи пайдо бўлган (VII к.).

Сидонлик – Сидон (Финикиядаги шаҳар – давлат) фуқароси

Сиссития – Биргаликдаги овқатланиш (Крит ва Спартада). Аслзодаларнинг назарида ҳур фуқароларнинг хусусий ҳаётдаги бирлиги, тимсоли (I к.).

Софронистерий – (So`phro`n – «оқил») – қамоқхона; номига кўра ёмон ният билан эмас, балки жоҳиллиги учун (жаҳолат

билан) жиноят қилган одамларнинг «ақлини киргизиб қўйиш» («оқил қилиб қўйиш»)га мўлжалланган қамоқхона (X к.).

Стадии – тахминан 180 м. Аттика стадиийи 177,6 м.

Тарбия – «тарбия» сўзи юнон тилида «paideia» бўлиб, «ўйин» «paidia» экан ва талаффузлари яқин.

Темен ва Кресфонт – Аристоманнинг ўғиллари. Тесей – Афина подшоҳи Эгей ва Эфранинг ўғиллари (XI к.).

Тиртей – Милоддан аввалги VII аср шоири; ҳарбий - ватанпарварлик руҳидаги қасидалари билан машҳур. Ривоятга кўра, Афина фуқароси, оқсоқ, мактаб ўқитувчиси; гўёки уни Аполлоннинг маслаҳати билан иттифоқдошлари – Спарталилар ҳузурига Мессенцлар билан уруш вақтида юборилган ва унинг ҳарбий қасидаларидан спарталилар руҳланиб кетганлар ва галаба қозонганлар.

Тиррен сирли ибодат маросими – Ривоятлар бўйича Юнонистоннинг қадимий юнонларгача бўлган аҳолиси пеласгамлар тартиб берган сирли ибодатлар.

Титанлар – Дионисни тилка-пора қилиб, унинг баданидан тотиб кўрганлар; шунда Зевс уларни чақмоқлар билан куйдирган; шу дуддан пайдо бўлган одамлар. Цицерон шарҳи: «Бизнинг Платон, худди титанлар осмоний маъбудларга бўйсунмаганларидай, титанлар авлодидан маъмурий шахсларга бўйсунмайдиган одамлар чиқдилар, деб ҳисоблайди».

Триер – Уч қатор эшкакли ҳарбий кема.

Триптолем – Юнон ривоятларига кўра, Элевсин подшоҳи Келейнинг ўғли, қаҳрамон. Триптолемга Деметра олтин тез юрар аравача совға қилган ва уруғлар берган. Триптолем дунё айланиб ерга шу уруғларни сепган, дейилади.

Фсмида – Адолатли суд маъбудаси (XI к.).

Феогиид – Милоддан аввалги VI асрнинг 2 ярмида яшаган қадимги юнон шоири (I к.).

Феор – Қонунлар нозири назарда тутилади (XII к.).

Феория – Муқаддас элчилик (XII к.).

Фессалия – Шимоллий Юнонистондаги ўлка.

Фетяда – Нерей ва Дориданинг қизлари; Пелейнинг хотини (XI к.).

Фиест – Пелоп ва Гипподамиянинг ўғли, Артейнинг биродари; Микеннинг подшоҳи ҳам бўлган.

Фила – Қадимги Аттикада учта фратриядан ташкил топган қабила.

Фратрия – уруғ, улус; қабиланинг бир қисми (V к.).

Френ – айтиб йиғлаш; мотам қўшиғи.

Фрурарх – шаҳар (қалъа) ҳарбий бўлинмаси бошлиғи. Афлотун, қалъа қўшини (бўлинмаси) бошлиғини вилоятнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминловчи мансабдор шахс сифатида ёзмоқда.

Фурия (Фурий) – Жанубий Италиядаги шаҳар (I к.). Милоддан аввалги 443 йили Афинадан ва VI асрда вайрон бўлган Сибарис шаҳридан кўчиб келганлар асос солганлар.

Хитон – Белбоғлик, кечки калта кийим.

Хоровод – Хоровод қатнашчилари мусиқа жўрлигида қўшиқ айтиб рақс тушганлар.

«Шохга ўхшаш» – Ушбу матал куйидаги тасаввурдан пайдо бўлган экан: гўёки уруғ сепилаётган пайтда ҳўкизнинг шохига тегиб кетса, худди шу шохдай қаттиқ бўлиб қолар эмиш (IX к.).

Эдип – Фива подшоҳи Лай ва Иокастанинг ўғли (VIII к.).

Эзгу нутқ – Эвфемия, эзгу (хайрли) дуо, ибодатгина эмас, эзгу сукут ҳам (VII к.).

Эмелия – Тинчлик рақси (VII к.).

Эпей – Мушглашадиган жангчи сифатида машҳур бўлган шахс номи.

Эпименид – Досиаднинг ўғли, Критнинг ярим афсонавий донишманди. Эпименид мл.аввалги 596 йили Афинани вабодан тозалаган, дейилади. Бир неча асарлар муаллифи.

Эретрия – Эвбия оролида жойлашган (III к.).

«Эшакдан йиқилиш» – юнонча матнда «эшакдан» (αρ`οπου) худди *аро поу* каби эшитилар экан. Яъни аро поу «ақлдан» озган маъносига тўғри келар экан.

Ямб – Антик шеърятдаги шеър вазни; қадимий Юнонистон шеърятида ҳажвга яқин шеърый асар.

Ҳомер (Гомер) – Қадимги юнон шоири. «Иллиада» ва «Одиссея» муаллифи.

Китоб таржимасидаги ихтиёрсиз йўл қўйилган саҳву хатолар учун таржимон азиз ўқувчилардан узр сўрайди ва барча мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

Мундарижа

Сўз боши	5
Биринчи китоб	7
Иккинчи китоб	41
Учинчи китоб	72
Тўртинчи китоб	107
Бешинчи китоб	134
Олтинчи китоб	161
Еттинчи китоб	205
Саккизинчи китоб	254
Тўққизинчи китоб	284
Ўнинчи китоб	325
Ўн биринчи китоб	365
Ўн иккинчи китоб	400
Урфон Отажон. Афлотун ва унинг «Қонунлар» асари ҳақида	440
Изоҳлар (тузувчи Урфон Отажон)	443

АФЛОТУН

Қонунлар

Муҳаррирлар
Г. МИРЗАЕВА, Т. ҒОФУРЖОНОВА

Мусаввир ва бадиий муҳаррир
Б. БОЗОРОВ

Тех. муҳаррир
Е. ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
М. ХУДОЁРОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Ф.БОТИРОВА

Босишга рухсат этилди 20.02.2008. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 14,125. Шартли босма тобоғи 23,73
Адади 1000 нусха. Буюртма № 38.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 368-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru